

МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВ

ЧИРОҚ, ЎЧМАГАН КЕЧА

Ҳикоялар, қиссалар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2002

8432

X-18


Ю 29365
3/91

Ҳазратқулов, Маматқул.

Чироқ ўчмаган кеча: Ҳикоялар, қиссалар. — Т.: «Шарқ», 2002. — 352 б.

Ёзувчи Маматқул Ҳазратқуловнинг ушбу китобига киритилган ҳикоя ва қиссаларида зиддият кўпинча зоҳирий эмас, ботиний бўлади. Қаҳрамонлар асосан бир-бири билан эмас, балки ўз-ўзи билан курашади. Бу курашлар замиридаги нозик ҳиссиётлар ҳар қандай киши қалбини ларзага солади.

Ҳурматли китобхон, мазкур ҳикоялар ва қиссалар қаҳрамонлари кечинмаларига сиз ҳам ошно бўласиз, деган умиддамыз.



ББК 84(5У)

Нафис туйғулар олами

«Уларнинг турмуш қурганига беш йил бўлди.

Шоҳида дарвоза тутқичини ушлаган ҳам эдики, эшик очилди. Ичкаридан эри Шоали кўринди. Шоҳиданинг юраги шийғиллаб кетди. Гўё эри бир нарсани сезиб қоладигандай, шопша-пиша рўмолчаси билан лабларини артди.

— Келдингми? — деди Шоали. — Буқани олиб киргани чиқаётган эдим.

«Бунча кечикдинг, деб минғиллайди энди». Лекин Шоали индамади, лоақал: «Нега кечикдинг?» деб бир оғиз сўрамади. Буқани етаклаб ичкарига кирди, индамай дарвозани беркитди. Шоҳида ҳам миқ этмай ҳовли тўридаги уй томон юрди. «Ота-онам эшитмасин, деб индамади. Ҳозир уйга киргач, вайсайди.» — хаёлидан кечирди Шоҳида...»

Бу парча Маматқул Ҳазратқуловнинг «Аёл» ҳикоясидан олинди.

Аммо, буёғи Шоҳида ўйлаганчалик бўлмайди. Яъни эри на койийди, на танбеҳ беради, на гина қилади, на қаттиқ гапирди. Ваҳоланки, Шоҳида шулардан бирини кутяпти. Ҳатто булардан баттарига ҳам тайёр. Чунки... Чунки у бугун... Ўзи мутлақо истамаган ҳолда бегона эркакка ўптириб қўйган...

Бўлган воқеа шу: шофёр йигит тасодифан юзага келган вазиятдан фойдаланиб, Шоҳидани ўлади. Шоҳида бунинг учун ўзи айбдордек, эридан нимадир кутади. Аммо эри ҳеч бўлмаганда: «Нега бунча кеч қолдинг?» ҳам демайди. Аёл туни бўйи изтироб чекиб чиқади.

Ҳикояга Фафур Фуломнинг: «Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат...» деган сатри эпиграф қилиб олинган бўлиб, бу — қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини янада кучайтиради, бинобарин, ҳикоянинг таъсирчанлигини, ундан чиқадиган хулоса кучини янада оширади.

Мана шу — нозиклик, қалб нозиклиги, туйғулар

нозиклиги Маматқулнинг кўпчилик қаҳрамонларига хос хислат. Унинг ижодида — қисса ва ҳикояларида ҳам, драматик асарларида ҳам зиддият кўпинча зоҳирий эмас, ботиний бўлади. Қаҳрамонлар асосан бир-бири билан эмас, ўз-ўзи билан курашади...

Маматқул кўпчилик сингари адабиётга журналистика орқали кириб келган. Бу йўл — журналистика орқали тушган йўлнинг иккита устунлиги бор. Биринчи устунлик — у ёзувчини ҳар доим сафарбарлик ҳолатида тутиб туради, яъни ишчан, меҳнатсевар бўлишга мажбур қилади. Иккинчи устунлик эса — у касб тақозоси билан ҳаётнинг турли кўчаларига кириб чиқади, гоҳида ақл бовар қилмайдиган вазият ва ҳодисалар билан ошна бўлади. Ёзувчи учун энг муҳими ҳам шу эмасми?

Маматқулнинг асарлари ҳам ана шундай, «турли кўчалар» маҳсули бўлгани учун сизни дастлаб қизиқарли мавзу билан банди қилиб олади-да, кейин ўзининг нозик, нафис туйғулар кўчасига олиб кириб кетади...

Маматқул Ҳазратқулов ўттиз беш йилнинг нариберида адабиёт майдонида мана шу йўсинда меҳнат қилиб келаётган ёзувчи.

Меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди, самарасиз бўлмайди. Маматқулнинг меҳнати самараси, менимча, унинг ўз китобхонига, ўз томошабинига (ҳа-ҳа, ажабланманг, унинг драматик асарлари жуда кўп театрларда, телевидениеда сахналаштирилган, бинобарин, томошабини ҳам беҳисоб) эга ёзувчи эканида аён намоён бўлиб турибди.

Маматқул бирпас тўхтаб, жиндай нафас ростлаб, босиб ўтган йўлига бирров назар ташлаб, шу пайтгача ёзган асарларидан саралаб, ҳукмингизга ҳавола қилишни лозим топибди, унинг оламига марҳамат қилгайсиз.

Мен сизнинг бу нафис туйғулар оламига саёҳатдан янада бойиб қайтишингизни тилайман.

Машраб Бобоев

ҲИКОЯЛАР

ДОВУЧЧА САРФАЙИБДИ

Аксига олгандай ҳаво бугун роса қиздирди. Тепалиқда ётган моллар ҳам иссиқдан тумшугини ерга тираб, сукут сақлайди. Ариқлардаги сувгина офтобнинг тафтига парво қилмай, майин шилдирайди. Сўфитўрғайларнинг «виюв-виюв»ини ҳисобга олмаса, атроф жим-жит.

Улар ҳавонинг диманигидан ҳозиргина ҳаммомдан чиққан кишидек, терлаб-пишиб оҳиста одимлардилар. Қизнинг эғнида қора атлас кўйлак, бошида газетадан ясалган «соябон». Қуёшнинг тафти унинг тўла қоматини янада бўшаштирган, юзлари тандирдан нон узаётгандек қизариб кетганди. Новча бўйли, озкинроқ йигит эса оқ нейлон кўйлагини дам-бадам елиб қўяр, хийлагина офир чамадонини у қўлидан бу қўлига олиб вазмин қадам ташларди.

— Келинг, шу ерда озгина дам олайлик, — деди Саъдулла. Улар шохлари тарвақайлаб кетган катта ўрикнинг соясига омонатгина ўтиришди. Феруза ариқнинг шишадай тиниқ сувига юз-қўлларини мириқиб ювди. Сўнгра йигитга қараб:

- Довуччаси бормикан, олмаймизми? — деди.
- Довуччаси борку-я, лекин...
- Нимаси лекин...

Йигит қаҳқаҳлаб кудди. Сал нарироқдаги уватга чиқди-да, ўрик шохларини эгиб, бир ҳовуч довучча олди. Ферузага узатаркан:

— Бир нарса эсимга тушиб кетди, — деди. Қиз унга «нима эсингизга тушди», дегандек маъноли қаради. Саъдулла Ферузанинг яқинига келиб ўтирди-ю, эсига тушган ҳикоясини бошлади.

... Мана шу ўрик шифил ҳосил қиларди. Устида туршак бўлиб қолса қоларди-ю, аммо тагига битта ҳам тушмасди. Қантак ўрик пунақа бўлади ўзи. Ўтган-кетган унинг тагида соялаб, мевасидан еб кетишарди. Ҳеч ким эгалик қилмасди.

Қишлоғимизга Мирсалим деган бир киши кўчиб келди. Ўзи ҳам, хотини ҳам кексаман, деб ҳеч қаерда ишламади. Бола-чақаси кўп, майли, қийналмасин, деб манави боғни унга бериб қўйишди. У киши боғнинг атрофини тиканли сим билан ўраб олди. Девордан ташқарида қолган дарахтларнинг остига ит боғлади. Унинг устига кечаси билан тинмайди, бақриб, ҳайҳайлаб, милтиқ отиб чиқади. Баъзилар унинг уddaбуронлигига қойил қолишса, кўплар «нокас, қурумсоқ экан», дейишди...

Бир куни, довучча эндигина сарғая бошлаган пайт эди, тўртта-бешта бола шу ўриқдан ўғирламоқчи бўлиб келдик. Бахтимизга ит ҳам йўқ экан. Ким билади дейсиз, шу куни бўшалиб кетганми ё бошқа жойга боғланганми. Мен дарахтта чиқдим, довучча уза бошладим. Бир маҳал кимнингдир сўкинган овози эшитилди:

— Ҳой аблаҳ, туш деяпман, туш!

Мундоқ қарасам, Мирсалим ака югуриб келяпти. Болалар алақачон жуфтакни ростлаб қолишибди. Мен дарахтдан тушгунимча чопиб келиб, ушлаб олди. Чаккамга тарсаки туширди.

— Э, падарингта лаънат сендақа безорини. Довучча еган тишингни уриб синдирайми? Катта холангдан қолганми, тепасига чиқиб қоқасан? Э, довучча емай...

Мен кўзимдан дув-дув ёш тўкиб, жим турардим. Кан-катта кишининг уялмай-нетмай ўғли тенги болани шунақа ҳақорат қилишидан вазабим келарди. Бу ҳам майли-я, бир куни кўпчиликнинг ичида отамга шикоят қилиб қолса бўладими. Довучча эмас, молхонасидаги сигирини ўғирлаб кетгандай гагиради-я.

— Э, қанақа одамсиз ўзи? Болага ҳам шунақа тарбия берадими? Бунингиз фирт ўғри бўлиб кетибди-ку. Бола бошидан, дегани шу-да. Она сути оғзидан кетмай туриб қилган ишини қаранг-а.

— Саъдулла нима гуноҳ қилди, Мирсалимбой, ё арлангизни хом ўрдими? — деди отам ниҳоят сабри чидамай.

— Э, э қизик экансиз-ку! Анави куни десангиз, беш-олтита болани эргаштириб бориб, ўригимизни қоқяпти. Арпани хом ўрди нима-ю, ўрикни хом қоқди нима?! Дуппа-дуруст одамнинг гапини қаранг-а... Яна эрта-индин ўғлини ўқишга юборармиш, инженер

қилармиш. У ерда ҳам бировнинг бир нарсасини ўғир-ласа, орқасига тепки еб қайтиб келади. У ерни шаҳар дейдилар. Шаҳарнинг қанақа бўлишини биламиз.

Ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим. Отам бечора ҳам уялгандан ерга қадалиб қолди. Чоллар «қўйинг-э, нима кераги бор бу гапларни бола-да», деб Мирсалим акани базўр тинчитишди. Бўлмаса, билмадим, яна қанча сай-рарди. Унинг гаплари роса алам қилди. Ҳаммаданам ўрикнинг тагига битта кетмон урмай туриб «ўриги-миз», деб керилиши жуда алам қилди...

— Биров келяпти, — деди Феруза унинг гапини бўлиб, улардан анча нарида велосипед минган бир киши келарди.

— Феруза, довуччани бекитинг, ўша киши, — деди Саъдулла ҳазил аралаш. Ҳаял ўтмай бояги велосипед-ли киши етиб келди. Ростдан ҳам Мирсалим ака эди. У Саъдуллани кўриб, велосипедини тўхтатди.

— Э, ассалому алайкум! Бормисиз, Саъдуллавой? Жуда камнамосиз? — У Саъдуллани кучоқлаб олди. — Бу дейман, инженер бўлиб, бизни эсдан чиқариб юбор-ганга ўхшайсиз-а... Бу киши келинпошшамилар? Ҳа, тузук, тузук. Бахтли бўлинглар, — деб юзига фотиҳа тортди.

— Сизни унутиб бўладими, Мирсалим ака. Ҳозир ҳам Ферузахон билан сизи эслаб ўтирувдик. Ҳизрни йўқдасак бўларкан.

— Ўзимиз ҳам Ҳизрдан қолишмаймиз, акаси. Ишон-масангиз, қаранг, изимдан ўт кўкариб қоляпти, — деди йўл ёқасидаги майсаларга ишора қилиб. Унинг юзлари ҳали яхши пишмаган помидордай рангпар эди.

— Нега индамай ўтирибсиз? Келинпошшага довуч-ча олиб бермайсизми?

Саъдулла: «Олишга сиздан кўрқяпман», деб ҳазил қилмоқчи бўлди-ю, яна индамай қўя қолди.

— Олиб бераман. Ҳозиргина келдик ўзи... Бу йил ҳосил камроқми? Айтгандай, ҳозир ҳам ўзингиз қара-япсизми бу боққа?

Ёшлардек ҳазиллашиб турган Мирсалим ака чўл ҳавосидек бирдан ўзгарди-қолди. Қошлари ўртасида уюр пайдо бўлди. Бир дам сукут сақлади-да, кейин оҳиста гапирди:

— Э, нимасини сўрайсиз, Саъдуллавой. Анча бўлди боғни меңдан олишганига... Токларни яхши чопмаган-мишман, узумни нуқул бозорга чиқариб сотармишман.

Тавба, узум меники бўлса, ўрик меники бўлса, нима қилсам қиламан-да. Ток чопишга жон қатта дейсиз бизда. Унинг устига бола-чақа, беш-тўрт сўм дегандай, шунақа қилиб тирикчилик қилмасак бўладими ахир? — У Саъдулла билан Ферузадан жавоб кутиб турарди. Аммо улардан садо чиқмади. Мирсалим ака велосипедга минаркан, пўнғиллади. — Одамларга ҳам тушуниб бўлмайди... Ҳай, майли... Омон бўлинглар.

Мирсалим ака узоқлашгач, улар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Сўнгра Саъдулла:

— Боғ атрофидаги «девор»нинг йўқлигига ҳайрон бўлувдим-а, гап бу ёқда экан-да, — деди ўйчан.

Феруза этагига яширган довуччани олarkan:

— Мана шу довуччадай сарғая бошлабди бечора чол, — деб жилмайди. Қилмиш-қидирмиш экан-да.

Саъдулла Ферузанинг гапиданми ёки довуччани ростдан ҳам яширганиданми, кулиб юборди.

1970 й

ШУЪЛА

Осмонни қоп-қора булут қоплаган. Ўқтин-ўқтин эсаётган шамол заҳ ҳидини олиб келади. Бир йўналишда юрувчи такси бекатидаги турнақатор одамларнинг юзида бетоқатлик, яшдик зоҳир.

Одил оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб, йўлга термулади. Ҳадеганда машина келавермади. Ҳар ким ўзича гудранади. Бу орада ёмғир томчилади. Ипга тизилган балиқдай саф тортиб турган йўловчилар ёмирлаб қолишди. Бетоқатроқлари ўзини тангадек-тангадек барг ёзган дарахт тагига олди. Ёмғир аста-секин зўрайди. Ҳаш-паш дегунча енгилроқ кийинганларнинг усти жиққа ҳўл бўлди.

Ҳали у қадар қоронғи бўлмаса ҳам чироқларини ёқиб олган қизил машина ёмғирли асфальтни шариллатиб келди-да, кескин тормоз бериб тўхтади. Навбатда турганлар машинага ёпирилиб кирдилар. Бундай пайтда одамлар марҳаматли бўлиб кетарканми, қисилиб-қисилиб ўтириб бир-бирига жой бера бошлади. Аммо чайир қўлларида томирлари бўртиб турган ёшгина ҳайдовчи йўловчиларнинг бу марҳаматига йўл қўймади:

— Ортиқча одам чиқмасин! Мумкин эмас!

Шу маҳал бир қўлида чақаловини кўтарган, иккинчисида жажжи қизаловини етаклаган жувон келиб ҳайдовчига илтижо қилди:

— Жон ука, ола кетинг. Ёш бола билан ёмғирда қолдим. Шамоллаб қолмасин...

Ҳайдовчи ўтирилиб ҳам қарамади:

— Мумкин эмас!

Чақалоқ бўғилиб йиғлар, жувон эса зорланиб ёлворарди:

— Умрингиздан барака топинг, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг, йўқ деманг.

— Неча марта айтаман, йўқ, мумкин эмас! — деди ҳайдовчи. — Болани гапирасиз, нима сиздан бошқада бола йўқми?! Қани, яна ким узатмади?

Навбати етай деганда музқаймоқ тамом бўлиб қолса бола қандай аҳволга тушади? Эътибор берганмисиз? Ҳайдовчидан қатъий рад жавобини эшитган жувоннинг ҳозирги аҳволи ана шу болага ўхшаб кетди. Беҳолик билан машина эшигини ёлди. Шу топда унга биров қаттиқроқ гапирса йиғлаб юборгудек эди.

— Қани тезроқ узатинглар билетта, — деди ҳайдовчи бепарволик билан.

Машина ойнасига суяниб ўтирган Одил ҳалиги жувондан кўзини узолмасди. Бир нарса шақ этди, жувоннинг қизчаси бирдан қичқириб йиғлаб юборди. У оёғини кўламак сувга тиқиб олган, тарвузи қўлтиғидан тушиб, ҳафсаласи пир бўлиб турган онаси жаҳл билан қизнинг юзига шапалоқ тортиб юборганди. Машина мотори ўт олди.

— Шошманг! — Орқа ўринда ўтирган бир йигит, студент бўлса керак, шарт ўрнидан турди. — Мен тушаман! Ўша болали аёлни олиб кетинг.

Ҳайдовчи йигитга ажабланиб қаради.

— Менга барибир, фақат тезроқ бўлинглар.

Йигит машинадан тушди. Унинг тор кўйлаги ҳўл бўлганидан баданига чиппа ёпишиб қолган эди.

— Чиқинг, опа, ёмғирда болалар билан қийналиб қоласиз.

Жувон бошқа юртнинг одамини кўраётгандай студент йигитга ишонқирамай қараб турарди.

— Э, бўла қолмайсизми? — қичқирди ҳайдовчи. — Бунча имилладингиз?

Жувон гўё унинг гапини эшитмасди, йигитга жовдираб деди:

— Ўзингиз ҳўл бўлиб кетибсиз-ку. Ахир мени деб...

— Майли, чиқаверинг, мен автобусда кетарман.

Жувон машинага чиқаркан, ҳайдовчига ялинди:

— Жон ука, шу йигитни ҳам ола кетинг. Ёмғирда ивиб қопти бечора. Мен йўлда тушаман.

Унинг илтимосига бошқалар ҳам қўшилди. Аммо ҳайдовчининг юзида қилт этган ўзгариш сезилмади. У жаҳд билан машинани юргизди.

— Олсангиз бўларди-да...

— Бунча кўп жаврадингиз, — деди ҳайдовчи жувонга ўтирилиб. — Ёки ўзингизни тушириб кетайми?

— Нега туширасиз? Сал одамга раҳмингиз келсачи, ахир!

Ҳайдовчининг юзлари, ҳатто қулоқларигача қизариб кетди:

— Мумкинмас дедим-ку, сизга. Ўзингиз чиқдингизми бўлди-да, тилингизни қисиб кетаверинг энди.

Йўловчилар беихтиёр бир-бирларига қарашди. Жувон хижолатдан бошини эгди. Оғир сукунат чўқди. Бу сукунат шунчалик оғир эдики, машина устига ёмғирнинг тақир-туқир уриши аниқ сезилар, аммо буни ҳеч ким эшитмасди.

— Ҳов йигит, — гапга аралашди Одил, — сал-пал уят деган нарса борми ўзи? Хотин кишига ҳам шунақа дейдими?!

— Бизда уят нима қилсин, ҳаммасини сизларга йиғиштириб берган...

Ҳайдовчининг кинояси Одилнинг гапини келтирди. Тавба... Лекин у вазабини босишга ҳаракат қилди. Бетга чопар шофёр билан тенг бўлишни ўзига эп кўрмади.

Ёмғир тинмай қуюди, лампочкалар ёруғида шишадек ялтираётган асфальтдан машина шитоб билан елиб боради. Жувоннинг қўлидаги чақалоғи ингалайди, қизчасининг ҳўл бўлган оёғидан совуқ ўтди шекилли, у ҳам пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Қўйинглар, асабингларни бузиб нима қиласизлар, — деди индамай хаёл суриб келаётган гавдали оқ соч киши. — Шундоғам куни билан чарчаганмиз.

Қоронғи бўлишига қарамай қора кўзойнак таққан, жингалак сочлари ёмғирда ивиб қолган бақбақали хотин жаҳд билан қўл силтади:

— Рулда ўтирган одамга гап қўшиб, унинг асабини бузиб нима қиласизлар?! Ҳозир машинани бирон нарсага уриб олса нима бўлади?!

Гўё машина чиқдан ҳам бошқа бирон машинагами, дарахтгами урилиб кетадигандек ҳамма бирдан жим бўлиб қолди. Фақат бўрилиб йиғлаётган чақалоқ на жингалак сочли хотиннинг пўписасидан, на машинанинг бирон нарсага урилишидан кўрқар эди. У тинмай йиғлар эди.

Одил хаёлини чалғитиш учун зипиллаб ўтаётган машиналарга, уларнинг орқасидан чўгдек ёниб турадиган қип-қизил чироғига қараб қолар эди. Бироқ хаёлидан бояги студент кетмас, назарида у ҳамон автобус бекатида ёмғирда қунишиб ўтиргандай туюларди. Одилнинг орқасидаги ўринларда ўтирган йигит-қизлар ўзaro гаплашишар эди:

— Дунёда аҳмоқ ҳам кўп-да, шу ёмғирда жойини бировга бериб, ўзи тупиб қоладими?!

— Ақл бўлмагандан кейин қийин-да.

— Мана буниси-чи? Орага суқилиб, асабини бузганига бало борми? — деди бошқаси товушини пасайтириб.

— Анави хотинни айтмайсизми? Шу ёмғирда нима зарил иккита болани етаклаб кўчада юриш. Бола туғишни ёқтирсанг уйингда ўтир ҳамманинг гашига тегмай.

— Ёши йигирмага борганми-йўқми — худо билади, иккита жўжасини эргаштириб...

— Ўттизга чиққанча бир колхоз бўлади-да.

Улар мириқиб кулишди. Одил шарт ўтирилиб, уларга танбеҳ бермоқчи бўлди. Лекин «Буларга гап таъсир қилармиди? Бунга гапирдинг нима-ю деворга гапирдинг нима — барибир. Гап таъсир қиладиган одам бунақа хулоса чиқармасди» деган ўй билан индамади. Улар яна алланималар деб суҳбатни давом эттирдилар. Одилнинг боши ғувилаб, қизишгандай бўлди. Негадир юраги сиқилиб, нафас олиши оғирлашди.

— Тўхтатинг машинани!

Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Тўхтатинг деяпман!

— Шу ерда-я?

— Ҳа, шу ерда. Тезроқ!

Машина қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Одил индамай тушди-да, зарб билан эшикни ёпди. Юзига баҳор

ёмғири урилди, қулоғига ҳалиги йигит-қизларнинг кулгиси эшитилди. Машина жойидан жилди. Ёмғир шариллатиб қуяр, квартаалларнинг узилиш жойи бўлгани учунми атрофда ҳеч нима кўринмасди. Забт билан келаётган машиналар кўчанинг ҳалқоб жойларидаги сувларни икки ёнга сачратиб ўтар эди.

Ёмғирнинг ажабтовур ҳиди Одилга хуш ёқди, икки қўлини орқага ташлаб, кўкрагини кериб тўйиб-тўйиб нафас олди. Уч-тўрт машинага қўл кўтарди — тўхтамади. Уст-боши шалаббо бўлиб, юзларидан ёмғир қуйила бошлади. Тезроқ биронта машина кела қолсайди... Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди... Яқинлашаётган машинага қўл кўтарди. Машина беш-олти қадам ўтиб тўхтади ва олдинги эшиги очилиб, бир йигит бақирди:

— Қаерга?

— «Наврўз» маҳалласига.

— Чиқинг.

Одил таксининг орқа ўриндиғига ўзини ташлади.

— Ёмғирда қопсиз-да, ака? Ҳайдовчининг ёнида ўтирган йигит орқасига ўтирилиб Одилга қаради. — Ие, сиз боя маршрутли таксига чиқмовдингизми?

Одил уни дарҳол таниди: ҳалиги студент.

— Ҳа, чиқувдим. Сиз ўшандан бери машина пойладингизми? — Беихтиёр йигитнинг устига қаради. У худди кийими билан сувга тушиб чиққан одамга ўхшар эди. Лекин руҳи тетик, чеҳраси қувнок.

— Автобус келиб қолар, деб пойладим. Келавермади. Кейин такси тўхтатдим. Ётоқхонага борсам болалардан олиб берарман. Студентчилик-да... Ўзингиз нега бу ерда тушиб қолдингиз?

Одилнинг хаёли қочди. «Студентчилик... Демак, пули йўқ. Шундай бўлса ҳам жойини болали хотинга бўшатиб берди... Яхшиям шунга ўхшаган одамлар бор». Унинг кўз ўнгига лоп этиб маршрутли таксидagi йигит-қизлар келди. Эҳтимол, улар ҳам студентдир...

— Ҳа, совқотдингизми, индамай қолдингиз?

— Йўқ, ўзим, шундай...

— Ярим йўлда тушиб қопсиз?

Одил ички бир ҳаяжон, самимият, алақандай ўкинч билан йигитнинг жиққа ҳўл елкасига қўлини қўйди:

— Ҳа, ярим йўлда тушиб қолдим... Сиз билан биз у машинада ортиқча эканмиз, ука, — деди оҳиста.

... Ёмғир ҳамон ёғар эди. Бирдан кучли чақмоқ чақди-ю, бутун борлиққа бир лаҳзагина шуъла таратди...

1977 й.

РАПОРТ

Еттинчи бригада бошлиғи Темир ака қош қорайганда ҳовлиққанча колхоз идорасига кириб келди. Котиб йигит телефонда ким биландир қаттиқ-қаттиқ гап-лашаётган экан. Бригадир шундан фойдаланиб раис хонасининг эшигини очди. Тамаки тутунига кўмилиб, аллақандай қоғозларни титкилаб ўтирган раис эшик томон ўтирилди. Эғни-бошига пахта ёпишган, юзлари, қош-киприклари, мўйлабигача оппоқ гард ўтирган, новча, қотмадан келган Темир ака раисга қувонч билан боқиб турарди.

У тупроққа ботган катта этиги билан полда из қолдириб раисга яқин келди. Темир ака нимадандир қаттиқ ҳаяжонда эди. Доимо босиқ, ўн гапирганда бир гапирадиган, саволарга «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб беришдан нарига ўтмайдиган бригадирни бу аҳволда кўрган раис саросимага тушди.

— Ё тавба, ё тавба, — деди раис ўрнидан кўзғалиб Темир акага қўл узатаркан. — Тушимми, ўнгимми? Темир ака, ўзингизми? Нима бўлди? Бахайрликми?

Бригадир раиснинг қўлини олиб қаттиқ қисди. Унинг киртайган, аммо қувонч порлаб турган кўзлари раиснинг қизаринқираган қисиқ кўзлари билан тўқнашди. Темир ака чўнтагидан бир ларча қоғоз олиб узатди:

— Табрикланг, раис! Табрикланг, бизни! Бригадамиз плаңди бажарди. Биринчи бўлиб! Ҳали райондаям ҳеч ким бажармаган бўлса керак. Бир ҳафтада! Табрикланг! Юқорига хабар беринг!

Раис қоғозни олди-ю, шошилмай кўз югуртирди. Яримгача чекилган сигаретни кулдонга қўйиб, кўйлагининг ёқасини тўғрилаган бўлди:

— Яхши, жуда яхши, Темир ака.

Раиснинг оғзини пойлаб турган бригадир севинчини ичига сиғдирилмасди.

— Хабар қилинг юқорига. Тезроқ бўлсангиз-чи, бошқа колхоздан хабар келиб қолмасин тагин! — Те-

лефон трубкасини раисга узатди. — Биласиз, ҳозир бир дақиқаям ванимат.

Раис Темир аканинг қўлидан трубкани олиб жойига қўйди.

— Шошилманг, Темир ака. Сиз бунақа эмасдингиз-ку, — деди бамайлихотир. — Шунга шунча ҳовлиқасизми. Эшиқдан кириб келганингизни кўриб, янгам яна Ҳасан-Ҳусан туғипти-да, деб ўйлапман-а.

— Бўла қолинг, раис. Янгангизнинг эгиз туғиши янгилик эмас. Лекин бригадамиз ҳали бирон мартаям районда биринчи бўлиб бажармаган планди. Бултур бор-йўғи бир соат кечикувдик! Мана, худога шукур, бу йил юзимиз ёруғ бўлди.

Раис Темур ака берган қоғозни лоқайдлик билан унинг олдига суриб қўйди.

— Афсуски, бу йил ҳам ярим соат кечикдингиз-да. Тўртинчи бажарипти. Мадийр ҳозиргина келиб кетди.

— Нима?!.. — Темир аканинг оёқ-қўли бўшашиб, тиззалари қалтиради. Стулга омонатгина ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмади.

— Парво қилманг, Темир ака, бултургидан ярим соат олдин бажарибсиз. Келаси йил яна бир ғайрат қилсангиз, тўртинчидан, албатта, ўтиб кетасиз.

Бригадир бу гапларни эшитмади. Ҳозиргина раиснинг хонасига қушдай учиб кирган Темир ака ўрнидан зўрға турди, судралиб хонадан чиқди. Бригадирнинг бу қадар шалвираб қолганини кўрган котиб йигитнинг кайфи учди.

— Ҳа, Темир ака! Сизга нима бўлди? Тинчликми?

Темир ака қайрилиб ҳам қарамади. Оғир қадамлар билан ташқарига чиқди. Гулзор четига қўйилган ўриндиққа бориб ўтирди-да, икки кафти билан чаккаларини қаттиқ сиқди: «Э, худо! Нима деган гап бу?! Камбағалнинг ови юрмас, ови юрсаям дови юрмас, деб шуни айтса керак-да. Қанча ҳаракат қилдик... Энди одамлар олдига қайси юз билан бораман? Уят-ку!» Машина тормозининг чинқиривидан Темир ака сергак тортди. Ёнида биров тургандай хижолат бўлиб, бошини кўтарди. Атрофга аланглади: хайрият, ҳеч ким йўқ экан. «Катта кўчада шекилли машина, — ўйлади Темир ака: — Нима дейман одамларга? — Бригадирнинг кўз ўнгидан йўлини сабрсизлик билан пойлаб ўтирган колхозчилар бирма-бир ўтди. — Яна тўртинчи ўтиб кетипти, дейманми?!»

Шу пайт Темир аканинг мясига бир нарса урилгандай бўлди. Хаёлини йиғиштириб, ўзини қўлга олди: «Шошма, шошма. Нимага энди бултуруам, бу йилам ҳаммадан олдин тўртинчи бажаради? Бу йилги пахта-си-ку, маълум: кални сочидай бўл ётипти. Қандай қилиб яна биринчи бўлиб олди? Раисдан нега шунга сўрамадим, рапорт қовозини талаб қилмадим?! Индамасанг бир чеккага суриб қўяверишади-да. Ҳозир бориб аниқлайман».

Темир ака шахд билан идорага қайтиб, раис хонаси томон йўналди. Котиб йигит унинг важоҳатини кўриб ҳайрон қолди: «Нима бало, тинчликми ўзи? Темир ака куйиб-пипиб у ёқдан-бу ёққа югуриб юрипти. Оғир одамнинг жаҳли чиқиши қийин. Борди-ю, жини кўзиса, охири ёмон бўлади, дейишади. Бу кишига нима бўлди? Бир галвани бошламаса гўрга эди...» Котиб шу хаёллар билан Темир аканинг йўлини тўсди:

— Темир ака, бир оз сабр қилинг. Раис бува бандлар. Телефонда райком билан гаплашяптилар.

Темир ака котиб йигитга хўмрайди-да, уни четлаб ўтмоқчи бўлди. Котиб энди унинг қўлидан ушлаб олди:

— Темир ака, эшитяпсизми, раис бува...

— Э, раис бувангням, сениям?.. — Темир ака шундай деб қўлини силтаб тортганди, котиб йигит мункиб кетди. Бригадир шартта эшикни очиб, ичкарига кирди. Раиснинг телефонда гаплашаётгани рост экан. Темир ака шахдам юриб, унинг олдига борди, тикка турганча гаплашиб бўлишини кутди. Раис ўкрайиб бригадирга қаради-ю, гапини тугата қолди:

— Бўлги, кейин ўзим қўнғироқ қиламан, — трубкани қўйиб, Темир акага юзланди. — Ҳа, Темир ака, яна нима гап?

— Рапортни беринг.

Раис ҳайрон бўлиб елка қисди:

— Рапортни? Қайтариб олдингиз шекилли?!

— Мадиёрди рапортини айтяпман. Қани, менам бир кўрай-чи.

Раис зўрма-зўраки илжайди.

— Ҳа, бундай денг... Нима қиласиз уни?

Темир ака ҳамон жаҳлдан тушмаган, қовоқлари солиқ, лаблари пирпирарди.

— Кўраман-да... Қани, ҳар йили биринчи бўлиб бажарадиган Мадиёр шернинг рапортини бир кўриб қўяйлик-чи...

«Оббо палакат-эй, бу фикр қаёқдан келди унинг калласига? Бу аммамнинг бузоғидан бунақа гап чиқмайди. Кимдир ўргатган бунга. Оббо ярамастар-эй. Ким гижгижлади экан буни? Ё менга, ё Мадиёрга хусумати борлардан бирига йўлиқипти-да, бу галварс. Ўзига қолса мулла минган эшақдай бўлиб, гапимга ишониб кетаверардику-я...» Раис ўзини дадил, жиддий тутди.

— Хўш, нима демоқчисиз, Темир ака? Менга ишонмайяпсизми? Сиздай одамни алдайманми? Ахир менинг ҳам бола-чақам бор. Ёлғон гапириш менга зарилми?

Темир аканинг баттар хуноби ошди. Қоядан туриб пастдаги ўлжасини кузатган бургутдай раисни таъкиб остига олди. У раиснинг кўзларига қаттиқ тикилди. Одамнинг дилидаги ниятини кўздан билса бўлади. Тил гапираверади, аммо кўз алдаёлмайди. Ҳозир раиснинг кўзлари ҳам Темир аканинг ўткир қарашларига дош беролмади. У ноилож нигоҳини олиб қочди. Қўллари эса билинар-билинемас титрар, раис буни сездирмаслик учун столни доира қилиб чертарди. Раиснинг бу ҳаракатлари Темир аканинг шубҳасини яна ҳам орттирди. «Товба, қап-қатта одам, яна кимсан бир колхознинг раиси бола-чақасини ўртага солиб, кўзини лўқ қилиб ёлғон гапириб ўтирипти-я. Товба...»

— Бола-чақани ўртага қўйиб нима қиласиз, раис! Тўғриси айтавермайяпсизми? Бор бўлса мана денг, кўрсатинг. Йўқ бўлса...

— Йўқ бўлса, йўқ бўлса, — унинг гапини бўлди раис. — Йўқ бўлса рапорт берди, дермидим. Кимларнингдир ифвосига учиб, номингизга, ёшингизга ярашмаган ишни қилишга уялмайяпсизми, Темир ака!?

— Кимнинг ифвосига учибман?

— Ўзингизни гўлликка солиб нима қиласиз. Бу гаплар сиздан чиқмаган-ку, ахир. Нима, мени ҳеч балони билмайди, лақма деб ўйлаяпсизми?!

Бригадир галати бўлиб кетди, гўё ҳамма уни ифвогар деётгандай туюлди. Яхшиямки, атрофда ҳеч ким йўқ. У раисга яқинроқ борди.

— Менга қаранг, раис. Шунча вақт бировнинг ифвосига ишонмаган одам энди, ёшим эликдан ошганда, ишонаманми? Бунақа олди-қочди гапларди нима кераги бор! Қурвақаниям ҳадеб босаверсангиз охири «вақ» этади-да. Ахир мен одамман-ку!

— Биз сизни босиб нима қилдик, нега тухмат қиласиз одамга, Темир ака. Инсоф борми ўзи?

Раиснинг гаплари тобора Темир аканинг ҳафсала-сини пир қила бошлади. Бу одам колхозга раис бўлиб келганида баъзи бировлар у-бу гапларни гапиришган, лекин Темир ака ишонмаганди. Одамларнинг одатдаги олди-қочди гаплари-да, деган хаёлга борувди. Раиснинг мана бу қилиқларини, муомаласини кўриб, ўша гаплар бекорга айтилмаганини сезди. Шамол бўлмаса дархтнинг учи қимирламайди-ку.

Темир ака вазмин бўлишга ҳаракат қилар, аммо ичидан, кўксидан отилиб чиқаётган бир куч, тувён уни ўз ихтиёридан чиқиб кетишга, аччиқ-аччиқ гаплар ай-тишга мажбур қиларди.

— Инсофни мендан эмас, ўзингиздан сўранг, раис. Икки йилдан бери биринчи бўлиб бажарамиз, лекин тўртинчини олдинга ўтказиб юборасиз. Мен-ку май-ли-я, одамларга раҳмингиз келмайдими? Уларнинг бети-га қаролмай қолдим-ку... Мадиёрди рапорти бўлса беринг, бир кўрай, кейин одамларга бориб айтай. Еб кўймайман-ку, ахир...

Раис иккала қўли билан столга бир уриб, ўрнидан турди. Унинг думалоқ, қип-қизил юзлари шолғом рангига кирди. Қовоқлари салқиб турган кўзлари айёрона қисилди.

— Менга қаранг, Темир ака, сиз бекордан-бекорга мени ёлгончига чиқаряпсиз. Буни оқибати ёмон бўлди-я!

Темир ака энди ўзини кулгидан тиёлмади.

— Кечирасиз-у, раис, ҳозир ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бир-биримизни хафа қиляпмиз. Рапорт бўлса кўрсатинг, вассалом. Кетаман. Бўлмаса...

— Бўлмаса-чи?

— Бўлмасами? Бўлмаса, мана менинг рапортим! Хабар беринг районга.

Раис столи айланиб ўтиб, гўё унга сирли бир гап айтадигандай яқинроқ келди. Бир қадар сокинлик, аммо катъий ишонч билан деди:

— Тушунсангиз-чи, Темир ака. Мениям, ўзингизнинг қийнаб нима қиласиз. Барибир сизнинг рапортингизни қабул қилишмайди. Мадиёр биринчи бўлиб бажариши керак. Ҳозир унинг келишини кутиб ўтирипман. Борди-ю, бугун келмаса, эртага азонда келади, районга хабар берамиз.

Темир аканинг ичидан бир нарса узилгандай бўлди. Кўз олди-қоронғилашиб, сон-саноксиз юлдузчалар пир-

пираб кетди. Бир ҳафта на уйқуни, на оромни билмагани, бутун бола-чақаси билан, ҳатто биринчи синфда ўқийдиган қизигача чиқиб пахта тергани кўз олдига жонланди. Улар ҳам умидвор бўлиб йўлга термилиб ўтиришибди.

— Тушундингизми энди? — Раис Темир аканинг елкасига қўлини ташлади. — Юқоридан буйруқ шундай ... Хафа бўлманг, сиз иккинчи бўласиз...

— Ахир бу қаллоблик-ку! — Темир аканинг товуши жуда хаста, секин чиқди.

Раис стол устидаги сигаретдан бир дона оларкан, ўзича Темир акага ачингандай бўлди:

— Иложимиз қанча. Юқорининг буйруғини бажармасак бўлмайди. — Гапини биров эшитиб қолишидан чўчигандай атрофга бир аланглади-да, Темир аканинг кулоғига шивирлади: — Биласизми, шу гап шу ерда қолсин-у, Мадиёр қаҳрамон бўлиши керак...

— Қаҳрамон?

— Секинроқ, — деди раис ҳовлиқиб.

— Ким айтди шуни сизга, раис?

— Мени кечиринг-у, Темир ака, сизни ҳурмат қилганимдан шу гапларни очиқ айтдим. Энди бу ёғини суриштириб ўтирманг. Рапортингизни қолдириб кетинг, Мадиёрдан сўнг сизникини етказаман.

Темир ака раисга лом-мим демади. Бир-бир босганча хонадан чиқиб кетди. Унинг хаёллари чувалашган, мияси гувилларди. Фақат оёқларигина уни уйи томон бошлаб борар, ўзи эса қаерда, қаёқда кетаётганини ҳам билмасди. «Ростми шу гап? Наҳотки шундай бўлса? Шунақа қилиб қаҳрамон бўладими? Бошқа қаҳрамонлар-чи? Улар ҳам шунақа қаллоблик билан қаҳрамон бўлишганми?» Темир аканинг тасавурида турли йиғилишларда суҳбатлашгани, телевизорда кўрганлари — кўксини қўша-қўша орденлар безаб турган илғор бригада бошлиқлари жонланди. Уларга доим ҳаваси келар, ўзи ҳам ўшалардай бўлишни орзу қиларди. Эртаю кеч шу ният билан ишларди. Ҳозир ўша нишондор бригадирлар қаллоб, кимнингдир ҳисобига қаҳрамон бўлгандай кўриниб кетди. «Наҳотки шундай?! — Ўзининг фикридан ўзи уялди. — Йўқ! Мумкин эмас! Қаллоблик ҳеч маҳал яхшиликка олиб келмайди. Раиснинг гаплари ҳам ёлғон! Юқоридан бундай буйруқ бермайди. Ишонмайман!.. Шошма-шошма, районга борсам-чи! Рапортни тўппа-тўғри райкомга

топширсам-чи! Нимага колхозингга топширмадинг деса, бор гапни айтаман. Борди-ю, раиснинг гапи рост бўлиб чиқса-чи? Райкомдан шундай буйруқ берилган бўлса-чи?! Унда нима бўлади?.. Йўқ, менимча, бу гаплар ёлгон! Раиснинг ҳийласи? — Темир ака бу фикридан суюниб кетди, кўнгли бир оз ойдинлашгандай бўлди: Бораман! Таваккал! — Чўнтагига қўл солди. Бармоқларига бир парча қоғоз илинди. — Демак, рапорт ёним-да!».

Бригадир қадамларини тезлатди.

— Хотин, мошинди калитини опчиқ! — дарвозадан кирар-кирмас бақирди.

Ичкаридан хотинининг овози эшитилди:

— Шу пайтда калитти нима қиласиз? Қаерга борасиз?

Бригадир вақтни қизганиб, гапни қисқа қилди:

— Районга. Зарил иш чиқиб қолди.

Хотини калитни олиб Темир ака томон келаркан, оғзи тинмасди:

— Болалар сизди кутиб ўтириб, овқатиниям егани йўқ. Рапортингизни топширдингизми? Ҳеч бўлмаса бугунги хурсандчиликда болаларминан ўтириб овқатлансангиз бўларди...

Хотинининг гапи Темир аканинг ярасига туз сепди. У тутақиб кетди:

— Мунча жаврадинг? Калитти ол дегандан сўнг обке-да. Қаёққа боришим билан нима ишинг бор? Заридирки, бораман районга, томошага кетаётганим йўқ-ку! — Хотинининг қўлидан калитни юлқиб олди. Машинани орқаси билан юргизиб чиқиб, катта йўлга ўнглаб оларкан, дарвозани ёпиш учун келган хотинига қаради: — Овқат еяверинглар. Мени кутманглар...

— Қайтиб келасизми бугун?

— Билмадим.

Темир ака шундай деб соатига қаради. Тезроқ бориш керак. Мадиёр кеп қолса, раис телефонда айтиб қўйиши мумкин.

Машинага қаттиқ газ берди. Қоронғилик бағрига шўнғиб кетган «Москвич»нинг орқа чироқлари анчагина қизариб борди-да, охири сўнди. Темир аканинг хотини кўкрагини тўлдириб келган хўрсинишдан энтикиб кетди. «Тавба» деб қўйди. Дарвозани ёпаркан, ўйларди: «Яхшиликмикан ишқилиб, бемаҳалда районда нима қилади. Ўзинг асра ишқилиб, худойим...»

Темир ака қишлоқ кўчасидан чиқиб, район марказига олиб борадиган катта асфальт йўлга бурилди. Бригадир яна соатига қаради: ўндан ўнта ўтипти. Районга ҳали ўн беш километр бор. Шошилиш керак...

Хаёлида шуларни ўйлаган сари оёғи машина газини қаттиқроқ босар, «Москвич» тобора тезлаб борарди. Рўпарадан келаётган юк машиналари, пахта ортилган тележкалар зип-зип ўтади. Темир ака икки қўли билан рул чамбарагини маҳкам ушлаганча ўйлаб борарди: «Тўғри райком секретарининг олдига кираман. Рапортни топшираман. У киши яхши одам. Раисга ўхшаб тулкилик қилмайди. Рапортимни қабул қилади. Табриклайди...» Шу топда уч йил олдинги воқеа унинг эсига тушди. Ушанда райком котиби Темир акага «Ҳурмат белгиси» орденини топширганди. Қўлини қаттиқ қисиб, самимий табриклаганди. «Райкомимиз ажойиб одам», бригадир ўзича жилмайиб қўйди.

Шу маҳал нимадир қарс этди. Темир аканинг бошига бир нарса урилгандай бўлди, кўз олди қоронғилашди. Машина ағдарилдими ёки ўзими — билолмайди...

У базўр кўзини очди. Атрофга разм солди: деворлар, шифт оппоқ. Вужуди оғир, қимирлаёлмайди. «Касалхона-ку... Демак, мошинди урибман-да... — Боши лўқилааб кетди. Инграб юборди. — Чатоқ бўпти-ку. Рапорт қаерда қолди экан». Киссасини кўрмоқчи эди, қўлини кўтаролмади. Юрак-бағри ўртаниб кетди. Ҳалқумига нимадир тиқилиб кўзига жиққа ёш келди. Шифт, деворлар оппоқ пахтазорга ўхшаб туюлди. Бир зум уларга термилди, сўнгра кўзларини чирт юмди, қаттиқроқ юмди...

1982 й.

ДОВОН

Мурод эндигина ўн тўққизга кирди. Бироқ шу муддат давомида ўзи билиб-билмай бир неча марта оғир довонлардан ўтишига тўғри келган.

Бу ҳақда жўраларига ҳикоя қилиб берса, улар «ҳа, энди тоғ қишлоғида туғилган одамга довонлардан ўтиш нима бўпти», деб ҳазиллашадилар.

У иккинчи курсни битиряпти. Бугун охирги имти-

ҳон. Шунӣ топшириб, эртага онаси билан қишлоққа кетмоқчи.

Охирги имтиҳон... Афсуски, шу имтиҳондан ўтолмади. Топширолмади. Йўқ, топширолмади эмас...

У аудиторияга кирганда қирқ ёшлардаги кўркем, бўлиқ жингалак сочлари чиройли таралган домла очик дераза олдида тик турганча сигарет чекар эди. Икки талаба жавоб бериш учун тайёрланиб ўтирибди. Домла унга ўтирилиб қаради-да, бамайлихотир деди:

— Марҳамат, билет олинг.

Мурод билет олди.

— Нечанчи билет экан?

— Еттинчи...

— Яхши, — деди домла, — ўтириб тайёрланинг. Ўзим чақираман.

Мурод столга келиб ўтирар экан, негадир саволларни ўқиш ўрнига етти рақами ҳақида ўйлаб кетди. Бундай ўйлаб қараса ҳаётида етти рақами билан боғлиқ кўп воқеалар бор экан. Аввало, ўзининг туғилган йили — 1957, оилада еттинчи фарзанд, етти ёшда мактабга борди. Еттинчи ойнинг еттинчи кунда институтга ҳужжат топширди. Ёши роппа-роса ўн еттига тўлган кун — йигирма еттинчи августда мандатдан ўтиб, институтга қабул қилинди...

Талаба бўлгач, ижарада туриш учун жой қидирди. Жуда кўп эшикларга кириб чиқди, лекин рад жавобини олаверди. Охири бир кампирнинг кичкинагина уйчасидан қароргоҳ топди. Тасодифни қаранг: бу уй еттинчи боши берк йўлақдаги еттинчи уй экан...

Шуларни ўйлаб, Муроднинг кўнгли бироз равшан тортди. «Насиб этса бу имтиҳон ҳам беш бўлади.» У саволларни ўқиди: «Биринчи саволнинг жавоби тайёр». Иккинчисини ўқиди: «Бунга ҳам жавоб беришим мумкин. Лоақал учга...» Учинчи саволга кўз югуртирди: «Хайрият... Осон савол экан... Иккитасига яхши жавоб берсам, ҳеч қурса тўрт қўяди...»

У энгил нафас олиб домлага қаради. Домла олдин кирганларнинг бирини имтиҳон қилар эди. Мурод тезроқ топшириб, онасининг олдида югуришни хаёл қилди. «Энам бечора ҳам бу иссиқда қийналиб қолди. Кенг дала-даштга ўрганган одам шаҳарнинг каталакдек ҳовлиси-ю, димиққан ҳавосида юраги қисилиб кетгандир. Кетаверинг, десам кўнмасалар...»

— Қани, тайёрмисиз?

Домланинг товуши Муроднинг хаёлини бузди. У индамай ўрнидан туриб, домланинг қаршисидаги стулга келиб ўтирди.

— Билетингизни беринг-чи, — деди домла Муродга синовчан назар солиб. У билетни узатди. Домла саволларга кўз югуртирар экан, яна Муродга юзланди. — Қаерликсиз, ука?

— Ургутлик, — деди Мурод.

Домланинг очиқ чеҳраси янада ёришиб кетди. Гавдасини стул сунячиғига тапплади.

— Ургутдан денг... Хўп ажойиб жой дейишади-а. Армияда бир ургутлик йигит билан дўст эдик. Жуда ажойиб, кўнгли очиқ, дилкаш, саховатли бола эди. Ургутга кўп таклиф қилди, лекин боришга ҳеч вақт топилмади. Ўзбекистон Швейцарияси деб эшитганман. Шу гап ростми?

— Мен Швейцарияга бормаганман, домла. Лекин Ургут чиройли жой. Жавоб берайми?

— Шошилманг, ука. Жавоб берасиз. Мен сизнинг билимингизга шубҳа қилмайман. Ургутликлар жуда билимли, мард бўлишади. Армиядаги ўртоғимдан бошқа ҳам ургутлик танишларим кўп. Ургутда пахта йўғ-а?

— Йўқ. Пахта экмайди.

— Қандай яхши-а. Боғдорчиликми?

— Боғдорчилик ҳам бор. Бироқ асосан тамаки эклади.

— Тамакининг зарари йўқми?

— Ким билади дейсиз. Етти ёшдан етмиш ёшгача ишлайди-ку. Бошқа нимаям қилишсин. Тирикчиликда.

— Ҳа, тўғри айтасиз, — деди домла тағдор қилиб. — Тирикчилик қурсин. Рўзгор дегани чиндан ҳам гор экан. Ҳали оила қурсангиз биласиз. Ё уйланганмисиз?

— Йўғ-э, — деди Мурод уялиб.

— Тамакининг даромади кўп бўлади, деб эшитганман, — домла Муродга яна ҳам синчиклаб тикилди.

— Ёмон эмас ҳар ҳолда. Меҳнати ҳам осонмас-да.

— Машина олмаган хонадон йўқ дейишади. Ростми шу?

— Жуда унчалик эмас.

Мурод домланинг узундан-узоқ бу савол-жавобидан мақсади нима эканлигини тушунолмай ҳайрон эди.

— Сизлар ҳам тамаки экасизларми?

— Ҳа, тамаки экмайдиган хонадон йўқ деярли.

— Яхши, — деди домла салмоқлаб. — Хўш, энди гап бундай, ука. Эртага кеннойингизнинг гапи экан. Биласиз, менинг ишим бошимдан ошиб ётибди. Бозор-ўчар қилишга ҳам вақт йўқ. Сизлардан кейин бошқа курсларда имтиҳон-зачётларим бор. Шунинг учун сиздан илтимос, ҳозир Эски шаҳарга тушинг-да, икки кило қўй, икки кило мол гўшти олинг. Фақат шошилмай, кўриб, яхшисидан олинг. Бўлмаса бозордагилар сизни ёш бола деб эчки гўштиними, суякисиними шартта қорозга ўраб бериб юбориши мумкин. Жуда пихини ёриб, тулки бўлиб кетишган. Кейин бизникига элиб ташланг.

Мурод бу гаплардан довдираб қолди. Нима дейшини билмас эди. Бутун куч-қувватини йиғиб базўр:

— Имтиҳон-чи?... — деди.

— Бу ёвдидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Эртага тўртинчи курслардан имтиҳон оламан, келсангиз хоҳлаган баҳонингизни қўйиб бераман. Фақат гўштининг тузукридан олинг, хўпми. Келишдикми? Хўп, хайр, эртагача.

Мурод ичи тўла гап, аммо тилига чиқаролмай ноилож ўрнидан турди. У эшик томон юраркан, оёқлари қўрғошиндай оғир эди. Сизганмисиз, оёқ увишиб қолганда зилдай бўлиб, эгасига бўйсунмайди. Ҳозир Муроднинг оёқлари ҳам худди шундай зил-замбил, базўр кўтариб босар эди.

У йўлакка чиққанида курсдошлари ўраб олишди:

— Неччи олдинг?

— Қийнамадимми?

— Қани зачёткангни кўрсат.

Мурод индамай уларнинг орасини ёриб ўтди. Унинг бу ҳолатидан тенгқурлари ҳайрон. Мурод улардан ўн қадамлар чамаси узоқлашганда қулоғига «Йиқилган» деган товуш эшитилди. Бу гап унга жуда алам қилди. «Йиқилдимми? Мен имтиҳон топширолмадимми? Бу гапни қайси бир одамга тушунтириб чиқиш мумкин? Умуман, шуни бировга айтиш шартми? Энамга нима дейман? Эртага кетмоқчи эдик-ку. Қандай кетаман энди?...»

У кичкина эшиқдан ичкарига қадам қўйиши билан онасини кўрди. Олқиндидай ҳовли ўртасидаги қирғийнинг тумшугидек эгилиб турган водопровод олдида чўнқайиб ўтирганча кир ювмоқда.

— Келдингми, болам. Вахли келганинг яхши бўлди.

У-бу нарсаларингни шошилмай йиғиштириб қўясан, — деди онаси.

Мурод индамай ичкарига кириб кетди. Кийим-бошини ҳам ечмай каравотга чўзилди. У юзини ёстиққа босиб ётар, ўйларди: «Энамга нима дейман? Домланинг айтганини қилай десам пул йўқ. Унинг устига шунақа йўл билан баҳо оламанми? Шунча йўлдан шу мақсадда келиб юрибманми? Домла бошқаларга ҳам бирон нима буюрдимикан ёки ёлғиз менга айтдимми? Бояги савол-жавоблари бекорга эмаскан-да. Нима, мени бойвачча, деб ўйладими? Хўш, шундай бўлганда-чи? Бари-бир бу ишни қилмайман. Шунга зор болаларга айтмайдимми. Нима қилиб бўлса-да, уч олиш пайида юрганлар бор-ку. Нега ўшаларга буюрмайди? Балки уларга ҳам айтгандир. Ахир тўрт кило гўшт билан зиёфат ўтказиб бўлмайди-ку. Яна қанча нарса керак. Бу қандай шармандалик? Ҳатто институтга кираётганимда ҳам бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмаганман. Ҳолбуки, курсдошларимизнинг қанчаси тоға-ю амакисининг ёки бошқа аллакимларнинг ёрдами билан ўқишга кирган. Нега энди шу ишни қилишим керак? Шундай қилмасам баҳо қўйиб бермайдимми? Нима учун қўймас экан? Кафедра мудирига айтаман. У ҳам қулоқ солмаса, деканга бораман. Майли, комиссия тузишсин. Майли, беш бўлмаса тўрт, уч оларман. Майли икки олай, институтдан кетай... Аммо бу ишни қилмайман. Бундай йўл билан ўқий олмайман».

— Муроджон, — деди уйга кирган Майрам хола. Мурод ўзини ухлаганга солди. Ҳеч нарсдан хабари йўқ она бечора ўзига ўзи гапирар эди: «Чарчапти болам пақир. Ўқийман деб, рангида ранг қолмади. Ўқишим бор бўсин...» Майрам хола ўзининг енгил чорсисини ўғлининг устига ёпиб қўйди: «Пашша чақмасин».

Мурод уйқуга тутинди. Шу билан бироз бўлса-да, бу гаплардан фориг бўлишни ният қилди. Лекин хаёл тинчлик бермади, бунинг устига торгина хона офтобда кетаётган юк машина кабинасидек димиқиб кетган, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, ухлайин дегани сари уйқуси қочар эди. Охири бўлмади. Ўрнидан туриб, оёғини каравотга осилтириб ўтирди. Майрам хола кеча ювган кўрпачасини қавиб ўтирарди.

— Турдингни, болам. Чой дамлаб келайми? Ҳаммасидан қутулдингни? Эртага қай маҳал чиқамиз йўлга?

Мурод индамади. Онасининг саволларига жавоб беришдан ожиз эди. Унинг бу қадар камгап, вазмин бўлиб қолгани онасининг кўнглига шубҳа солди. «Доим қувноқ, шўх-шодон эди. Инчунин имтиҳон тошшириб келган кунлари оғзи тинмас, бир гапириб ўн куларди. Бугун нима бўлди бунга?» Майрам холанинг хаёлидан шу фикрлар кечди.

— Сенга нима бўлди болам? Бахайрликми?

— Ҳеч нарса, — деди Мурод, — чарчадим.

— Бир-икки пиёла иссиқ чой ичгин, чарчоғинг тар-қалади.

Майрам хола чой дамлагани чиқиб кетди. Мурод ҳамон шу алпозда хаёл суриб ўтирар эди. Чой кўтариб кирган она ўғлининг нимадандир хафа эканига энди шубҳа қилмади. «Бўлмаса бунчалик бўшашиб қолмас эди. Мендан яширяпти...» Ўғлига чой қуйиб узатди-да, унинг юзига термудди. «Кўзлари киртайиб қопти. Ранглари ҳам бир ҳол». Муродга жуда раҳми келди. «Шунча қийналиб ўқиш зарилмикан? Менам, отасиям ўқимаганмиз. Шукур, Ёмон яшамаяпмиз-ку. Хўп замонлар бўлди-да. Ўқимаганни биров назарга илмайди. Кошки ҳамма ўқиганлар ҳам яхши одам бўлса».

Майрам холанинг хаёлига лоп этиб қишлоғидаги Эргаш бобонинг ўғли келди. Ўша бола олти-етти йил Тошкентда юриб, қишлоғига қайтиб борди. Институт-ни битирган-битирмаганини ҳеч ким билмайди. Қариндошлари сир тутади. Шунга ҳам икки йилдан ошди. Бир ишнинг бошини тутгани йўқ. Қачон қарасанг маст-аласт. Одамлар безор бўлиб қолган. Узоқдан кўриши билан ҳамма ўзини четга олади. У кирган давра бўри оралаган қўйлардай тўрт томонга тарқаб кетади. Жуда бўлмаса кўлмак сувдай совийди.

Майрам хола шуларни ўйлар экан, ўғлидан кўз уз-майди. «Унга ит ўхшасин-а. Муродим эсли-хушли. Насиб этса, ўқишни битирса уйлантириб қўяман».

— Менга қара, Муроджон, нима гап ўзи? Мендан ниманидир яширяпсан-а.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, энажон. Сиздан нимани яшираман, ахир.

— Йўқ, болам, — деди кампир хавотир олиб, — мени алдайман дема, кўзинг айтиб турибди. Айт, нима бўлди ўзи? Энангдан сир тутадиган дардинг борми, болам?

Мурод онасининг ёнига ўтирди-да, унинг кўксига бошини қўйди.

— Сиздан яширадиган сирим йўқ, энажон. Лекин сизни ҳам қийнашимнинг нима кераги бор. Мени деб шунча азоб чекканингиз етмайдими?

— Ундай гапларни қўй, болам, — деди кампир ўғлининг сочларини силар экан. — Айт, гапир, нима гап? Биров хафа қилдимми?

Мурод бошини ҳам қилиб, астагина гапирди:

— Имтиҳондан ўтолмадим...

— Вой, шўрим, — деб юборди Майрам хола. — Энди нима қиласан? Ўқишдан ҳайдайдими?

— Йўқ, — деди Мурод онасининг юзига қарай олмай. — Қайтадан топшираман.

— Бўладими ишқилиб? Қачон борасан энди?

Мурод онасининг ажин босган меҳрибон юзларига термулди.

— Энажон, — деди охири юрагини очиб, — мен имтиҳон топширолмадим эмас... Йиқилганим йўқ. Агар билмасам... Жавоб беролмасам алам қилмас эди. Домла сўрамади...

— Сўрамади? Нимага? Домлангни хафа қилувдингми?

Мурод бўлган гапни онасига айтиб берди.

— Мана шу менга алам қияпти.

— Ҳа нафсига ўт тушсин-а, — деди кампир. Бироздан сўнг деди: — Ке, қўй болам, шунгаям куюнасанми, эрталаб бозорга тушгин-да, айтганини олиб бер, гўрга. Яна ўчакишиб юрмасин. Боши-кўзингдан садқай сар шу. Пенсиямни олиб келганман. Йўл керамизга етса бас... Мен кирларингни қолганини ювиб қўяй.

Майрам хола ҳовлига чиқди. Мурод яна ўзини каваротга ташлаб, ўйга толди. «Бу нима деган гап? Нималар бўляпти ўзи? Энамнинг пенсия пулини порага бериб баҳо оламанми? Шуми менинг фарзандлик бурчим? Уят эмасми? Бугун гўшт олиб борсам, эртага эҳтимол каттароқ нарса сўрар. Унда нима қиламан? Яна энамди пенсиясини оламанми? Энам бечора мени шу умид билан катта қилганми? Мен учун тортган азоблари етмайдими? Опамлар, акамлар неча марта гапириб беришган-ку. Шундайам энам бечора индамай ўтирадилар. Қайтаंगा опамларни ҳам гапиргани қўймайди: «Қараган бўлсам ўзимнинг боламга қараганман-да. Нима, шуни ҳадеб айтавериш керакми? Бас қилинглар.

Ҳаммаси ўтиб кетди энди. Муродим катта бўлиб, уйланса, бола-чақа кўрса, невараларимни кўтариб юрсам — тортган азобларим чиқиб кетади...»

* * *

Мурод тўққиз кунлигида тўсатдан касалга чалинди. Оғзи буришиб, онасини эмолмай қолди. Ҳатто йиғлашга қийналади. Онаси шўрлик кечаси билан ухламай кўтариб, аллалаб чиқади. Сўргич билан оғзига сут қуяди. Бормаган домласи-ю, фолбини, яқин атрофидаги дўхтирлар қолмади. Улар нима дейишса ўша заҳоти қилишди. Лекин боланинг тузалишидан дарак бўлмади.

Бир куни уларникига қўшни қишлоқдан меҳмон келди. Гап орасида чақалоқнинг касалини эшитиб, шаҳарда бир зўр дўхтир борлигини айтди. Майрам опа ўғлини ўша дўхтирга олиб боришга чоғланди.

Февралнинг аччиқ кунлари. Қор тиззадан. Майрам опа саҳарлаб йўлга отланди.

— Бунча вахли чиқиб нима қиламиз, — деди Бердикул ака. — Сал совуқнинг заҳри тушсин.

— Эртароқ чиқмасак, қачон бориб келаемиз. Мошин тайёр турипшими сизга...

Ўшанда шаҳарга бориб-келгунча Майрам холанинг оёғидан совуқ ўтиб, неча ой азоб тортган эди. Демак, биринчи доводдан ўтганида у ҳали чилласи чиқмаган чақалоқ эди.

— Шунақаси Шоҳизинда пиримгаям кирамиз. Биридан бўлмаса, биридан нажот чиқар.

... Мурод шуларни ўйлаб, онасига раҳми келиб кетди. «Шунинг ўзигина бўлса кошкийди. Ундан кейинги азоблари-чи... «Эсида бор: тўққиз ёшда эди, бошига яра чиқди. Биров темиратки деди, биров сизловик, деди. Ҳар ким ҳар хил дори-дармон айтди. Майрам опа шўрлик ҳаммасини қилди. Муроднинг яраси тузалиш ўрнига, кўпайиб кетаверди.

Унинг ўзи ҳам аниқ эслайди. Ёз кунлари эди. Ҳаво иссиқ. Оқ кўйлакчани кийиб ҳовлида тупроқ ўйнар, бошига пашша уймаланади. Онаси бечоранинг жони ҳалак — қурт тушмасин-да, ишқилиб.

Чақалоқлигида онаси шўрлик қишнинг чилласида у ёқдан-бу ёққа югурган бўлса, энди ёзнинг чилласида гоҳ дўхтир, гоҳ домла-ю фолчига зир қатнайди...

Шундай қилиб, иккинчи доводдан ўтганини ўзи ҳам элас-элас билади...

«...Шу азоблар каммиди энамга? Энди ўн тўққизга кирганимда пенсия пулини олиб домлага бераманми? Йўқ, бундай қилолмайман. Институтда ўқимасам ўқимайман, аммо бу ишга қўл урмайман...»

У ташқарига чиқди. Икки одамнинг қулочи етгулик ҳовлига тортилган арқонга Майрам хола кир ёяпти. Мурод водопроводнинг одида турган кичкина стулчага омонатгина ўтирди. Майрам хола зимдан ўглига қараб-қараб қўяди. У маълум бир қарорга келолмаётганини онанинг кўнгли сезди. «Болагинам мендан пул олишдан уяляпти».

— Менга қара, Муроджон, — деди Майрам хола кирни ёйиб бўлиб.

— Эртага қай вақт кел, деди домланг.

Мурод индамади.

— Қўй, болам, кўп ўйлайверма. Мениям юрагимни эзма. Айтганимни қил. Иложи борича эртароқ бориб келсанг, балким эртанинг ўзидаёқ йўлга тушармиз. Тезроқ бормасам бўлмайди. Анча кун қолиб кетдим. Иш қайнаган маҳалда бу ерда бекор юрсам инсофданми? Аканг билан янганг ишга чиқиб кетса, болаларига қарайдиган одам йўқ. Куннинг исигида ёш болани тентириб далага етаклаб юрадими.

— Сиз қарамасангиз, ўзлари болаларини элаб ололмайдимми? Қачонгача бола боғчалик қиласиз?

— Э, болам-а, сен ҳали билмайсан-да. Менсиз ҳам болаларини элаб олишади. Аммо мен уларсиз туролмайман. Келганимдан бери невараларим кўз ўнгимдан кетмайди. Ухлай деб, кўзимни юмсам, тўртовни тўрт томонимдан ўраб олади.

Мурод ўрнидан оғир турди. Онасига билдирмай аста керишди.

— Эртага вахли сизни автобусда жўнатиб юбора қолай.

— Сен-чи?

— Мен имтиҳон топшириб, кейин бораман.

— Эртага қўйиб бераман, депти-ку ахир. Индин бирга кетармиз жуда бўлмаса.

Мурод бир дам жим қолди.

— Йўқ, — деди кейин кескин. — Мен домланинг айтганини қилмайман. Эртага бораман. Истаганча сўрасин, жавоб беролмасам, майли икки қўйсин. Лекин бунақа қилиб қўйган бешининг кераги йўқ менга.

Ўглининг бу гапи Майрам холанинг юрагини шу-

виллатиб юборди. Хаёлида ўгли эртага домласи билан уришиб қоладигандай, бунинг учун домласи уни институтдан ҳайдаб юборадигандай туюлаверди.

— Қўй, болам, ўчакишма. Ўзи не азобларда киргансан. Шунча меҳнатинг зое кетмасин. Унинг устига ўқишни битирмай борсанг, қишлоқда гап-сўз кўпаяди. Оғзига кучи етган бор, етмаган бор.

— Мен ўқишни битирмай бормайман қишлоққа.

— Эргаш бобонинг ўғлини ҳамма гапиреди, — деди Майрам хола.

Бу гапдан Мурод бироз ранжиди. Аммо онасига билдирмади. «Куюнганидан, ачинганидан айтяпти-да».

— Энажон, сиз хафа бўлманг, хавотир ҳам олманг. Мен ҳеч ким билан уришмайман, ўчакишмайман. Фақат яхшилик билан имтиҳон топшираман.

— Бўлмаса мен ҳам кетмайман, — деди Майрам хола. — Қачон топшириб келасан. Кейин бирга кетамиз...

Мурод имтиҳонни комиссияга топширадиган бўлди. Кафедра мудири уч кундан кейин келасан, деди.

Азонда Муроднинг уйқуси қочди. Бош томонидаги столда турган муштдайгина радионинг қулоғини бурди. «Тошкентдан гапирамиз. Бутун йигирма еттинчи июнь — чоршанба. Тошкент вақти билан соат етти... «Чоршанба — муродбахш кун, дейишади кексалар», — ўйлади Мурод. У жойидан ирғиб турди.

Бешта домла ўтирган кафедрадан Мурод қора терга тушиб чиқди. Унинг юзларидан, пешонасидан маржон-маржон тер қуйилар эди. Руҳи шу қадар тетик, кайфияти шунчалик яхши эдики, терлаганини ҳам, кўйлагига жиққа ҳўллигини ҳам пайқамас, эътибор бермасди...

Камширнинг торгина ҳовлисига у гўё учиб кирди. Негадир ҳовлининг торлиги ҳам билинади унга. Ўғлининг йўлига кўзи тўрт бўлиб ўтирган Майрам хола Муродни кўриши билан ҳамма нарсани англади.

Бу оғир довондан ҳам у эсон-омон ўтган эди...

1975 й.

АЁЛ

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат...

Ғафур Ғулом

Унинг турмушга чиққанига беш йил бўлди...

Баҳор: одамларни ечинтириб, дарахтларни кийинтирган фасл. Ўртоқлари билан хайрлашиб, автобус бекати томон бораётган Шоҳидага баҳорнинг кечки салқини хуш ёқди. Майин шабада терлаган юзларию бўйинларини оҳиста қитиқлаб ўтди. Ички бир энтикиш туйди. Ўзини қушдай енгил ҳис қилар, атроф гўзал, одамлар хушқайф, хушмуомала кўринар эди. Шеър ўқигиси, ашула айтгиси келиб кетди. «Шоир хонандаларга маза-да... Шундай пайтларда шеър тўқийди, ашула айтади...» Унча-мунча шеър ёзиб юрган студентлик йилларини эслади. «Қандай ажойиб дамлар эди. Аслида умрнинг энг лаззатли даври ўша пайтлар экан...»

Якшанба бўлгани учунми, ҳадеганда автобус келвермади. Сабри чидамади. «Тезроқ борай... кеч бўлиб қолди... Эримнинг хуноби ошиб ўтиргандир». Бу фикр унга ғалати туюлди. «Наҳотки? Жаҳли чиқармикан? Шундай мўмин-қобил, ювош, маданиятли одамнинг-а?».

Шитоб билан келаётган оппоқ «Жигули»га қўл кўтарди. Машина шундоққина унинг ёнига келиб, қаттиқ тормоз берди. Машинаси рангидаги костюм кийиб, галстук таққан ўттиз ёшлардаги хушбичим йигит ойнага эгилиб сўради:

— Қаерга борасиз, яхши қиз?

Йигитнинг «яхши қиз» деганидан бир нафас гангиб қолди. Нима дегани бу?

— Ҳов яхши қиз, қаерга борасиз деяпман? — такорлади йигит.

Шоҳида ўзини қўлга олди-да, манзилени айтди.

— Ўтиринг. — Йигит шундай деб, олдинги эшикни очди. Шоҳида унинг ёнига ўтирди. У кўзини бир нуқтадан узмай, хаёл суриб борар экан, йигитнинг «яхши қиз» деганини ўйлади. «Наҳотки масхара қилган бўлса?» Зимдан йигитни кузатди. Унинг қоп-қора, аммо сийрак сочлари ёнга таралган, қошлари қалин, узунчоқ юзида қандайдир жиддийликми, улуғворликми зоҳир эди.

«Масхара қилганга ўхшамайди. Унақа шилтинг-пил-тинг йигитлардан эмас чоғи...»

Йигит ҳам унга бир-икки маънодор қараб қўйди. Сўнг худди Шоҳиданинг хаёлидан кечаётган фикрларни сезгандай гап ташлади:

— Яхши қиз деганимга жаҳлингиз чиқдимми?

Бу гапдан Шоҳида саросимага тушиб қолди. «Ё тавба, кўнглимдагини қаёқдан билиб қолди?» Боя ўтиришда ичгани икки қадаҳ коньякнинг таъсири ҳали тарқаманган эди. Унга мана бу йигитнинг гаплари қўшилиб, жувоннинг юзлари қизишиб кетди, икки чехраси лола тусини олди. Гарчи қаршисида кўзгу бўлмаса-да, буни Шоҳида сезди. Бундай пайтларда унинг қуралай кўзлари янада чақнаб, ғунчадек нафис лаблари ажиб бир чиройга киради. Бу аҳволдан қутулмоқ ниятида атлас кўйлагининг ёқасини тўғрилаган бўлди. Йигит буни сезди.

— Нега хафа бўласиз? Унча-мунча қизларни йўлда қолдириб кетасиз ҳали. Гўзалликни тан олиш керак.

— Сиз мени танийсизми? — Шоҳиданинг овзига келган гап шу бўлди.

— Танишим шартми? Мана кўриб турибман-ку... Эрингиз бахтли йигит экан, ҳавас қилса арзийди.

— Нега? Қаёқдан биласиз унинг бахтли эканини?

Йигит унинг соддалигидан кулди. Суқ билан термилди-да, валаги бир энтикиш билан:

— Ахир сиздай жувоннинг жуфти ҳалоли бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми? — деди.

«Жуда ҳам гапга уста экан-ку... Менинг бахтиёр эрим ҳам шунақа гапларни биладими?... Қандай йигитлар бор-а...» Бу фикридан ўзи ҳам уялиб кетди.

— Ана у симёғочдан ўтгач, ўнга юрамиз, — деди Шоҳида ўзини бир оз жиддий тутиб.

— Чапга юрсак бўлмайдами? — деди йигит ҳозир-жавоблик билан.

Шоҳида йигитга ўқрайиб қаради.

— Чапга юрадиганлар ҳам бордир. Ўшалар билан юраверинг хоҳлаган томонингизга.

«Жигули» зарб билан ўннга бурилди-ю Шоҳида йигит томонга энгашиб кетди. Машинани тўғри йўлга бошқаришга улгурган йигит эпчилик билан Шоҳиданинг елкасига қўлини ташлади, ўзига яқинроқ тортида, шаҳд билан лабидан ўпди. Буларнинг ҳаммаси бир лаҳзада, кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтди.

— Нима қиялсиз? Уятсиз? — деди Шоҳида шошапиша сочларини, кўйлагини тўғрилар экан.

— Уйингизга келялсиз-ку, эрингизга айтиб жазосини берарсиз.

Бу гапга қарши Шоҳида ҳеч нарса деёлмай қолди.

Машина маҳалланинг тор кўчасидан шигиллаб бормоқда. Энди ҳар иккови миқ этмасди. «Товба! Ғалати йигит экан. Бунча хушмуомала бўлмаса? Қандай қилиб...» У «ўпди» деган сўзни эслаганда эти жимирлаб кетди. Беихтиёр йигитга қаради. У ҳам. Йигит Шоҳиданинг юзидан ғазаб аломатини кўрди. Айни вақтда нимадандир қониқиш ҳисси ҳам йўқ эмасди. «Оғзидан коньяк ҳиди анқиди. Қаердан келяпти, ким билади?.. Зўр экан-да, аммо. Қармоққа илиниши ҳам қийин эмасга ўхшайди...»

— Ана шу тутнинг тагида тўхтатинг.

— Қайси тутнинг. — Машина чироғининг ўткир ёруғига рўпарадаги ёлғиз катта тут аниқ кўриниб турган бўлса ҳам йигит ўсмоқчилаб сўради.

— Кўрмаялсизми тутни? Қора буқа бойланган дарракт-чи.

Тутнинг тагида катта қора мол кавш қайтариб ётар эди.

— Буқанинг олдида денг... Қоронғида буқа эканини қаёқдан билдингиз?

— Ўзимизнинг мол бўлгандан кейин биламан-да.

— Шундайми? — деди йигит кулимсираб. — Демак, ростдан ҳам жазомни берар экансиз-да?..

Унинг ҳазилига Шоҳида ҳам ҳазил билан жавоб берди:

— Агар уни ечиб юборсам борми, ўтгиз икки тишингизни тутдай тўкиб олади.

— Нима бало, буқангиз тиш дўхтирими?

Машина тутнинг тагида, буқанинг ёнгинасида тўхтади.

— Марҳамат, — деди йигит. — Илтимос, бир қошиқ қонимдан ўтинг.

Шоҳида индамай машинадан тушди. Пул олиш учун сумкасини кавлай бошлаган эди, «Жигули» аста жойидан жилди. Йигитнинг:

— Қўяверинг, кейинги сафар икки ҳисса қилиб берарсиз, — деган овози қулоғида қолди...

Уларнинг турмуш курганига беш йил бўлди.

Шоҳида дарвоза тутқичини ушлаган ҳам эдики, эшик

очилди. Ичкаридан эри Шоали кўринди. Шоҳиданинг юраги шифилаб кетди. Гўё эри бир нарсани сезиб қоладигандай шоша-пиша рўмолчаси билан лабларини артди.

— Келдингми? — деди Шоали. — Буқани олиб киргани чиқаетган эдим.

«Бунча кечикдинг, деб минғирлайди энди». Лекин Шоали индамади, лоақал «Нега кечикдинг?» деб бир оғиз сўрамади. Буқани етаклаб ичкарига кирди, индамай дарвозани беркитди. Шоҳида ҳам миқ этмай ҳовли тўридаги уй томон юрди. «Ота-онам эшитмасин, деб индамади. Ҳозир уйга киргач, вайсайди — хаёлидан кечирди Шоҳида. — Майли! Бемаъни иш бўлди. Нега индамадим? Ахир тўғри келган одамга ўптириб кетавериш... Йўқ, нега энди бундай хаёлга бораман. Кимга ўптирибман?! Турмушга чиққанимга беш йил бўлди. Бегона эркак кўлимни ҳам ушлаган эмас. Бугун... бугун биладим нима бўлди?.. Баҳор...»

У ҳозир эрининг кескин, ўктам гапиришини, узиб-узиб олишини кутди. «Сўкса ҳам, урса ҳам майли. Балки шу билан гуноҳим ювилар... Гарчи у билмаса ҳам... Ўзим-чи?»

Шоали буқани молхонага боғлаб, уйга кирди. Хотини кийимини алмаштирмаган, креслода ястаниб ўтирар эди.

— Овқат ейсанми, олиб келайми? — деб сўради Шоали хотинига қарамай. Бу гапдан Шоҳиданинг энсаси қотди, беихтиёр афти буришди. Эри кўзига жуда ғариб, нотавон кўриниб кетди. Эркак деган ҳам шунақа бўладими? Маданиятли эрлар шунақа бўлармиш... Э, ўргилдим, бунақа маданиятдан. Бувиси раҳматли айтарди: товонидан ўт чақнамаган эркакни эркак ҳисоблаб ўтирма. Мана бу кишимнинг аҳволини қаранглар, овқатингни олиб келиб берайми, дейди-я.

— Қорним тўқ, Зарифа ухладими?

— Ҳа, алақачон ухлаган.

— Мунча эрта ухлапти? — деди Шоҳида атай гап кавлаб.

— Нега вахли бўларкан? Соат ўн бирдан ошди-ку!

«Хотини ўн бирдан ошганда келади-ю, бу киши қаёқда юрибсан, деб суриштирмайди». Шоҳиданинг хаёлига негадир лоп этиб бояги йигит келди. «Борди-ю, ўша йигитнинг хотини шундай кеч келса нима қилар экан? Гўштини майда-майда қилса керак...» Шоҳида

ўрнидан турди. Эрининг мижяовлиги кайфиятига таъсир қилган бўлса-да, ўзини тийди. Унинг юраги гупиллаб урар, вужуди қизиб борар, кўнгли алланимани истар эди. У эрининг бўйнига осидди.

— Ўзимнинг ақли эримдан. Хотини ўтиришдан келгунича овқат пишириб, қизини ухлатиб ўтирадиган эр қаёқда бор?

— Бўлди, кўп эркалик қилаверма. Нима, мени масхара қиляпсанми? Бошқаларга ўхшаб уйдан чиқармай, ўтирсанг ўпоқ, турсанг сўпоқ, деб ҳақорат қилиб турсам яхши бўламанми? — деди Шоали астойдил ранжиб.

Эрининг бу қадар лақмалиги Шоҳиданинг ғашини келтирди. «Фирт аммамнинг бузоғи-я... Илгари бунақа эмасди шекили? Ёки сезмаган эканманми, а? Хотинининг кўнглидагини сезиб турмаган эркак эркакми?!»

— Нега масхара қилар эканман? Қайтанга сиздан хурсандман, — деди Шоҳида. У кўйлагини ечиб, диванга улоқтирди. — Уф, бирам иссиғ-эй. — Эрининг юз-кўзларидан ўпган бўлди. — Қоронғида қўрқмадингми, қандай келдинг, деб сўрамайсиз ҳам.

— Таксида келгандирсан-да, машинанинг овозини эшитдим, — деди Шоали лоқайдлик билан. — Қалай, ўртоғингнинг туғилган куни яхши ўтдимми?

— Жуда зўр бўлди. Ҳамма эри билан кепти. Фақат мен бева хотиндай ёлғиз борибман... Биттасининг эри бирам рашкчи экан, хотини ўйинга тушса ҳам қовоғидан қор ёғилади-я.

Шоҳида гапирган сайин эрига суйкалар, унинг қучишини, эркалашини, юз-кўзларию бўйнидан, сийнаси-дан бўсалар олишини жуда-жуда истар эди. Бунга сари Шоали ўзини олиб қочар, оғзини катта очиб ҳомуза тортар, кўзини ишқалар эди.

— Рашк қилса ўтиришга олиб келмасин, — деди Шоали ўша йигитдан нафратланиб. — Рашк қилган билан нима фойда? Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Эгасининг минг пойлаганию қароқчининг бир пойлагани.

— Сиз мени рашк қилмайсиз-а? — деб эркаланди Шоҳида.

Шоали хотинининг икки билагидан ушлаб ўзига қаратди.

— Бу нима деганинг? Нима, рашк қилишимга асос борми? Наҳотки, сен менинг юзимга оёқ қўйсанг?

— Йўқ, албатта. Лекин гап ёмон-да, одам ҳар хил гапларни эшитади. Насиба деган дугонам бор-ку, ўшаларникида тез-тез фиди-биди бўлиб туради.

— Нега? — деди Шоали ҳайрон бўлиб. — Эри жуда маданиятли йигит кўринади шекилли?

— Маданиятли-ю, лекин рашкчи. Унинг устига хотинини ҳоли жонига қўймас эмиш. Сиз эса мени рашк қилмайсиз, ҳар куни жимгина ухлайсиз. Чарчайсиз-да...

Шоҳиданинг бу гапи Шоалининг бир қадар иззатнафсига тегди. Бир оз сергак тортди. Аммо қайриб ташлаёлмади, бинобарин, бундай қилишга унинг иложи ҳам, асоси ҳам йўқ эди. Шунинг учун гапни бошқа томонга бурди.

— Ўша Насибангнинг эри ҳам менга ўхшаб ҳар куни эртадан кечгача оёқда тик турсин-чи. Энди одам камайди деганингда уч-тўртта улфат кириб келади. Ҳаммасининг пальтосини бир жойга илсанг-ку бир нав, баъзилари бирам инжиққи, қўяверасан. «Ҳар биримизнинг пальтомизни алоҳида осинг», деб туриб олади. Ёз кунда иш камаядими, десанг, қаёқда, сумка кўтариб келишади. Ҳар бир сумкага бўр билан номер ёз, кейин ўчир. Хуллас, бир минут ҳам тиним йўқ. Бўзчининг моксида у ёқдан-бу ёққа қатнаганинг қатнаган. Унинг устига уч-тўрт танга тушармикан, деб атир сепасан. Керак-да шуям.

Шоалининг нописандлик билан билдирган бу фикрлари Шоҳиданинг энсасини қотирди. «Бунча ақлли, маданиятли бўлиб кетмаса бу кишим. Қуруқ гапдан кимга фойда? Сизга ўхшаб хотини қаерга боради, нима қилади, ҳатто ичкилик ичса ҳам индамай, овқатингни олиб келиб берайми, деб турсинми? Хотин зоти эри борлигини ҳар дақиқада ҳис этиб турмаса, маданияти сезмаса бўладими? Эр хотинга қувват, суюнчиқ дейдилар. Лекин менинг эрим ҳам шундайми? Тоғдай таянч бўла оладими? Беш йил давомида шуни ҳеч сездимми?... Уйда бор-йўқлигим ҳам қизиқтирмайдикун...» Шоҳида бу фикрларини эрига билдирмади. Аслида бундай хаёлларга биринчи марта бораётгани йўқ. Беш йил бадалида неча марта шу кўйга тушмади. Лекин ҳамиша орият, номус, ҳаё устунлик қилди. У қандайдир бир лаҳзалик алдамчи хаёлларга, шайтоннинг йўл уришларига учмади. Қолаверса, гудай қизини ўйлади...

Бугун унинг кайфияти жуда ўзгача. Бунақаси сира бўлмаганди. Шоҳиданинг ўзи ҳам ҳайрон. Шоалининг баджаҳл, ғазабнок бўлишини, уни қаттиқ тергашини истаяпти. Нега? Буни у ўзича тушунаяпти: ҳали «Жигули» даги воқеага йўяяпти. У илк бор эрининг юзига оёқ босди. Гарчи бу иш Шоҳиданинг истаги билан бўлмаса-да, у ўзини гуноҳкор сезяпти. Айни вақтда негадир ўша йигитни эсидан чиқаролмаяпти ҳам. Нега? Нега бундай бўляпти? «Менинг эрим ҳам ўшандай дадил, хушмуомала бўла қолса қани эди? Қандай бахтиёр аёллар бор-а?!»

— Ҳа, нега хаёл суриб қолдинг! Гапим ёқмадимми?

Шоҳида эрига қаради. Унинг кичик жуссаси, ичкилик ичаверганидан буришиб қолган юзлари, киртайган кўзлари ҳозир Шоҳидага олдингидан ҳам кичикроқ, буришиқроқ, киртайганроқ кўриниб кетди. «Наҳотки, олдин буни сезмаган бўлсам? Аслида... Онамнинг бир оғиз сўзи деб... Ана-мана дегунча беш йил ўтиб кетибди...» Эрининг ғашига теккиси, жаҳдини чиқаргиси келди.

— Мен чиройлиманми? — деди кўзларини сузиб.

— Нима гап, тинчликми? Ким сени хунук деди?

Саволига эрининг савол билан жавоб бериши Шоҳидага баттар жон киритди.

— Йўқ, аксинча, чиройлисиз, унча-мунча қизни йўлда қолдириб кетасиз ҳали, — деди биттаси.

— Мунча ўзингни бозорга солиб қолдинг? — деди Шоали бўйинини қашиб.

— Бозорга солаётганим йўқ. Ростини айтяпман. Ҳозир бир йигит машинасида ташлаб кетди. Ўша айтди.

Шоали пешонаси тиришиб ўрнидан турди.

— Бўлди, мунча гапирдинг?! Кўп ичибсанми, нима бало...

Шу маҳал ҳовлида челақнинг тарақлагани, крадан сувнинг шариллаб қуйилгани эшитилди. Шоҳида эрининг ёнига бориб оҳиста деди:

— Дадангиз қариб қуйилмаганлар-а... Ҳамма йигитлар ҳам отасига ўхшайвермас эканда-а?! Ётамизми? Бугун ишга бормаи роса дам оливолгандирсиз.

Шоали нордон нарса тишлагандай афтини буриштирди.

— Қаёқда. Ҳовлини чопдим, тоқларнинг, дарахтларнинг тагини бўшатдим, овқат пиширдим. Ухлай де-

сам сен келганинг йўқ... — У керишиб, устма-уст ҳомуза тортди. — Юр, ухлайлик, анча кеч бўлди, дам олайлик. — Шоали шундай деб, хобгоҳга кириб кетди. Шоҳида турган жойида серрайиб қолди. Бу аҳволи ўзига алам қилди. Огир қадамлар билан бориб креслога чўқди. Оёқларини чалиштириб, гавдасини орқага ташлади. Кўзини юмиб, хаёлга толди. Яна кўз ўнгида бояги йигит гавдаланди. Унинг чақнаб турган кўзларини, бири-бирига туташган қалин қора қошлари-ю қирра бурнини аниқ кўрди, жарангдор овозини, ёқимтой кулгисини эшитди. Эшитди-ю, кўзини очди. «Нималарни ўйла-япсан, Шоҳида?! Бунақа бемаъни, ҳаёсиз хаёлларни йиғиштир. Ана у уйда гулдай қизинг пишиллаб ухлаб ётибти-я...»

У жойига кириб ётмоқни мўлжаллади. Аммо у ерда эри ухлаётганини эслаб, кўнгли ириди. Фикридан қайтди. Ҳозир унга эрининг ухлаши ҳам хунук туюлди. «Ўзи муштдеккинаю хуррак отишига бало борми?... Муррик чолга ўхшайди...» Чироқни ўчирди. Диванга ёнбошлади. Бироқ кўзига сира уйқу келмас, хаёл ҳар ёққа олиб қочар эди. «Одамзотнинг табиати қизиқ экан-да. Ҳар ким нимадандир нолийди. Биров эрининг ёмонлигидан, бошқаси модадаги кўйлак ололмаганидан, яна бири эрта бева қолганидан ва ҳоказо. Мен-чи? Менга нима етишмайди? Еганим олдимда, емаганим ортимда, шифонерда кўйлакнинг минг хили тахланиб ётибди. Ҳаммаси жойида. Эрим ҳам бор...» Шу сўзни у дадил айтолмади. «Тўғри, эрим бор. Аммо... аммо... Йўқдай гап-ку. Бувим раҳматли айтардилар: эрининг калтагини емаган хотин хотинми? Мен-чи? Эрим бирон марта урдими? Лоақал қаттиқроқ гапирдимми?» Хаёлида бирдан бошқа бир фикр жўш урди: «Қанақа ношукур бандасан? Ахир баъзилар ана шунанга мўмин-қобил эрни бир умр орзу қилиб ўтади-ку! Сен бўлсанг...» Аммо ҳамма нарса ҳам эвида, меъёрида бўлса яхши экан. Ортиқча ширинлик ҳам кўнгилини айнитади-ку, одамлар бекорга қалампиру мурч ёки нордон нарсалар емас керак...

Эрининг ёнига бориб ётмоқни, уни уйқотиб, гаплашмоқни ўйлади. Негадир бу туйғу бугун уни ҳадеганда тарк этавермади. Бироқ яна фикридан қайтди. Бу сафар ҳам орияти, иззат-нафси устун чиқди. «Ўзимни ўзим шунча хор қиламанми? Гаплашмасам нима қипти? Ўлиб қоламанми?»

У анча ётди. Хаёл шаҳрининг турли — катта-кичик, тоза ва ивирсиган кўчаларига кириб чиқди. Аммо бирон-бир жойда муқим қололмади. Охири уйқу элитди. Туш кўрди. Тушига бояги йигит кирди. Машина шиддат билан ўнгга бурилишти-ю Шоҳида йигитга томон энгашиб кетибди. Йигит чапдастлик билан уни бўйнидан қучибди. Юзларидан, кўзларидан, лаби-ю бўйнидан босиб-босиб ўпибди. Шоҳида унинг қучовидан чиқмоқчи бўлибди, аммо чиқолмабди. Аслида бунга ўзининг истаги йўққа ўхшармиш. Бақирай деса овози чиқмас эмиш. Йигит унинг бўйнидан қаттиқ ўпибди. Ҳатто оғриб кетибди. Бундан «вой» деб юборибди.

Ўзининг овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Хайрият, туши экан. Ёмон ётган экан — бўйни оғриб қопти. У оёқларини осилтириб ўтирди. Ҳозиргина кўрган тушини ўйлади. «Нега бундай бўляпти? Менга нима қилди ўзи? Уят эмасми? Эрим нега олдимга кириб ётмадинг деса, нима дейман?... Кириб ётдим, сиздан олдин турдим, десам ишонади. Қачон ётиб, қачон турганимни билиб ўтирибтими? Унга бирибир...»

У энди сира ҳам ухлай олмас, негадир юраги сиқилар, уйнинг тўрт девори тўрт тарафдан қисиб келаётгандай туюлар эди. Ўрнидан туриб, аста-секин у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Лекин кўнгли ҳамон хижил, нимадандир ҳаяжонланар эди. Чидаёлмади. Елкасига халатини илди-да, ҳовлига чиқди.

Уларнинг турмуш қурганига беш йил бўлган эди...

1978 й.

УКА

Акмал Москвага олдин ҳам келган. Унда шунчаки, томоша қилиб кетган эди. Бу гал иш билан юрибди — семинарда қатнашяпти. Ҳар кун эртадан-кечгача лекция, сира тиним йўқ.

Бугун жуда хуноби ошди. Бор-е, деб Самарқандга қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Метро вагончаларининг бир маромдаги шақ-шугкига қулоқ солиб борар экан, миясида турли-туман фикрлар ғужрон ўйнади. «Шунча йўлдан овора бўлиб келдим. Бир ҳафтадан бери тентираб юрибман. Энди, нима бўлса ҳам охиригача чидай. Шу ҳолда қайтиб борсам директор ҳам ранжийди...»

У меҳмонхонага шалвираб кириб келди. Ҳамхонаси йўқ, ҳали қайтмабди. Қават навбатчисидан чой илтимос қилди. Юшоқ креслога ўтириб иссиқ чойдан ҳўплади.

Эшик тақиллади. Акмал хаёлини йиғиштириб олди:

— Ким, у? — деди.

Эшик яна тақиллади. У ўтирган жойидан турмади. Эринди. «Ким бўлди экан? Манави бўлса индамай кириб келаверар эди...»

— Кираверинг!

Эшик секин очилди. Бир киши аста мўралади. Акмалга таниш қиёфа. У қўлидаги стаканни столга қўйди-да, ўрнидан сакраб турди.

— Нормат!

— Салом, ака... — деди Нормат.

Ака-ука қучоқлашиб кўришди...

* * *

Акмал оилада тўнғич фарзанд. У ўрта мактабни битириб, Самарқанддаги меъморчилик институтига ўқишга кирди.

Нормат ўрта мактабни Акмалдан бир йил кейин битирди.

Отаси: «Сен ҳам шаҳарга ўқишга борасанми, ўғлим?» — деди бир куни Норматга. У отасининг ажин босган юзларига, негадир, бир оз ғамгин чехрасига тикилди. Отаси жуда қариб қолгандай туюлди. Ҳозирги саволида ўзига нисбатан илтижо, ялиниш оҳангини сезди. Бунинг бойси бор.

Ҳайит ака нисбатан кечроқ фарзанд кўрди. У ўттиздан ошганда Акмал туғилди. Бунинг устига, ёшлигида кўп қийинчилик кўргани учунми, тез қариди. Йўқ, қариганда у куч-қувватдан қолмади. Ҳозир ҳам билагида кучи, юрагида ўти бор. Фақат шашти пастдай кўринади. Акмалнинг қўлидан энди иш келиб, оғирини енгил қиламан, деганда ўқишга кириб кетди. Оила-рўзгор ишлари яна Ҳайит аканинг ўзига қолди.

Нормат вояга етди. Эрта-индин у ҳам ўқишга жўнаса... Кейин нима бўлади? Ҳовлидаги тоқларни чопиш, сувориш, баҳорда очиб, кузда кўмиш яна Ҳайит аканинг гарданига тушадими?

Ҳайит ака Норматдан бояги саволни бекорга сўра-

мади. Савол замирида чуқур маъно, бир-бирига боғлиқ саволлар бор. Нормат буларни билади. Билгани учун ҳам отасининг нуроний чехрасига узоқ термилди.

— Нимайди, ота? — деди у ниҳоят.

Ҳайит ака оқ оралаган соқолини оҳиста силади. Норматга қарамай, узоқ-узоқларга, тоғнинг қуёш тегай-тегай деб турган чўққисига термилганча, хаёлчан бир аҳволда деди:

— Ўзим... Шунчаки, сўраяпман-да, ўғлим. Мактабниям битирдинг. Қайси ўқишга бормоқчисан, деб сўраяпман-да.

Ҳайит ака ўғлига қандайдир ҳам маънодор, ҳам савол назари билан қаради.

— Акам ўқишда бўлса... Мен ҳам кетсам, уйнинг ишларини ким қилади? Ёлғиз ўзингиз куймаланиб юрасизми? Одамлар нима дейди? Икки ўғил ўстириб кўрган роҳати шуми, демайдими?

Ўғлининг ақл-фаросатидан Ҳайит аканинг кўнгли ёришди. Аммо дилида кечган мамнунликни тилига чиқармади. Ҳайит аканинг одати шундай: ўғил-қизларидан хурсанд бўлса ҳам, ранжиса ҳам ўзини тия олади. Ортиқча суюб, эркаламайди, шовқин-сурон солиб, бақирмайди. Фарзандлари ҳам отасининг бу одатини биллишади. Фақат унинг юз ифодаси, гапириш оҳанги дилида кечаётган ўйларни аён қилиб қўяди. Ё ўйчан, камгап бўлиб қолади, ё чиройи очилиб, ёш боладай ҳазил-ҳузул қилади.

— Иш қочиб кетмас, — деди Ҳайит ака салмоқлаб. — Лекин сен ўқишинг керак. Бир вақти келиб: «Отам мени институтга юбормаганлар», деб хафа бўлиб юрсанг яхши эмас-да.

— Вақт-соати келса, ўқиб оларман. Лекин ҳозир бормаيمان. Ундан кўра бир ишнинг бошини тутай. Акам битириб келсин. Кейин бир гап бўлар.

Нормат айтганини қилди. Тракторнинг рулини тутди. Уй ишларини эса тамоман ўз елкасига олди.

... Баҳорда Ургут тоғлари ям-яшил либос кияди. Лоалар зангор гиламдаги қип-қизил гулларни эслатади. Атрофга қараб кишининг кўзи тўймайди. Ҳавонинг тозалигини айтинг.

Акмал иккита ўртоғи билан қишлоғига келди. Меҳмонлар бир оз дам олишгандан кейин Нормат акасини секин четга имлаб чақирди:

— Меҳмонларни уйда димиқтириб олиб ўтиравермайлик. Тоққа олиб чиқайлик. Айланиб, дам олиб келишади.

— Яхши бўларди. Машинангда чиқамизми? — деди Акмал.

— Албатта-да. Шундай кунда минмасак қачон минамиз. Яхши кунларимизга ярасин, деб яхши ният билан олганман.

Улар Омонқўтон тоғига чиқишди. Нормат учун Омонқўтондан гўзалроқ жой йўқ. Ўртадан шарқираб сой оқади. Суви тип-тиниқ, муздай. Тошдан тошга урилиб оқишига термилиб ўтиришнинг ўзи кишига завқ бағишлайди. Икки томон баланг тоғ — кўм-кўк ўрмон. Шаҳардан келган меҳмонлар жаннатга тушгандай бўлиб қолдилар. Арча ўтинида пиширилган тандир кабоб, кийик ўт тўғралган қўйнинг қатиғи.

Нормат бир-иккита жўраси билан кабоб елпипти.

— Акмал, укангиз нима иш қилади? — деб сўради меҳмонлардан бири.

— Колхозчи, трактор ҳайдайди.

— Колхознинг бирон-бир раҳбарлариданми, деб ўйлабман, — деди иккинчиси. — Бунча зиёфат қилиш учун...

Акмал кулиб қўйди. Аслида унинг ўзи ҳам укасига тан бераётган, қойил қолаётган эди. Қаерга бормасин ҳамма у билан қуюқ кўришади, хизматда бўлайлик, деб қўлини кўксига қўяди. Нормат: «Раҳмат, раҳмат, кейинги сафар», деб ўтиб кетади. Шунча обрў-эътибор, иззат-ҳурмат...

Меҳмонлар уч кун туришди. Уч кун ичида Нормат уларни қаерларга олиб бормади, нималар билан меҳмон қилмади. Охири машинасида Самарқандга элтиб қўйди. Хайрлашаётганда меҳмонлардан бири Норматнинг қўлини қаттиқ сиқар экан:

— Уканг бўлса шундай бўлса-да. Кўз тегмасин. Омадингни берсин, ука, — деди.

Нормат акасини ётоқхонага олиб борди. Акмал машинадан тушаётганда Нормат унга қоғозга ўроғлик нарса узатди.

— Нима бу? — деди Акмал.

— Олиб қўйинг, ака. Керак бўлади.

Акмалнинг вужуди жимирлаб кетди: «Наҳотки? Ука акага пул берса! Нега энди! Аслида бу ишни мен қилишим керак эди-ку!

Аканинг бурчи, вазифаси эмасми?! Укам менга ёрдам беряпти... У жуда уялди. Хижолат чеқди.

— Нормат... Керак эмас, ҳаммаси етарли, — деди ниҳоят.

Нормат кудди. Акасининг хаёлидан кечган фикрларни уққандай эди.

— Борида олаверинг, ака. Хижолат тортманг. Эртаиндин катта меъмор бўлиб кетсангиз сиз менга ёрдам берасиз.

— Қачон уйга борсам тинмай хизмат қиласан, — деди Акмал. — Ҳозир жўраларимга шунча зиёфат бердинг. Шунинг ўзи бас, ахир. Мени хижолат қилма. Ака бўлиб нима қилиб қўйдим сенга.

— Айтдим-ку, ҳозир сиз олиб туринг, вақти келса мен оларман. Ўшандан кейин Акмал анча пайт қишлоғига бормади. У Норматга кўринишдан уялди... «Унинг кўзига қандай қарайман? Мени деб ўқишга кирмади. Менинг ўрнимга уй ишларини қиялпти. Ота-онамга қараяпти. Бу ҳам етмагандай менга ёрдам беради. Қайси ука шундай қилади? Акалар, ҳатто оталар-чи?!»

... Ёзининг жазирама кунлари. Имтиҳонлар тутаган. Акмал диплом ишининг ташвиши билан юрибди. Бир кун иссиқдан бўшашиб қайтди. Ётоқхона эшиги олдида турган қизил «Москвич» кўзига таниш кўринди. Номерига қаради. «Ие, Норматнинг машинаси-ку! Тинчликмикан?» Шу хаёллар билан машина эшигини тортди: қулф. Қаерга кетди экан? Ётоқхона томонга бурилиши билан ичкаридан Нормат чиқди.

— Ҳа, Нормат? Тинчликми?

— Тинчлик, — деди Нормат салом бериб. — Ўзингиздан сўрасак? Сов-саломатмисиз? Уйга бормайсиз-зам.

«Чолу кампир хавотир олишган. Ҳар ҳафтада боришимга ўрганиб қолишган-да».

— Отам билан энам ишдан қолдиришибди-да, сени — деди Акмал ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

— Нимага?

— Нимага бўларди, бир ой бормаганимга хавотир олиб сени жўнатишибди-ку.

— Йўқ, улар билишмайди. Ҳаяллаб кетганингизга бир бориб хабар олиб келай-чи, деб ўзим келдим. Отамгаям, энамгаям айтганим йўқ. У куни энам «Акангдан дарак бўлмаяпти-я, болам», девдилар. «Кеп қолар, иши кўпайиб кетгандир-да», дедим. Энамни алоғда

бўлмасинлар дедим-у ўзим турли хаёлларга бордим. Кейин уларга билдирмай бу ёққа жўнадим.

— Бекор овора бўпсан. Нима, мен ёш боламидим. Диплом ишлари билан югуриб юрибман. Бугун бу ерини тузатаман, эрта у ерини.

— Қачон ҳимоя қиласиз?

— Кейинги ҳафта, жума куни.

— Бўпти, мен кетдим. Ўша куни келаман.

— Келишингнинг нима ҳожати бор. Ишдан қолиб юрасанми?

Нормат индамай машинага ўтирди. Акмал унинг орқасидан ҳавас билан термилиб қолди.

Жума куни диплом ҳимоясидан сўнг терлаб-пишиб коридорга чиқди. Эшик олдида кўлида бир даста гул билан Нормат кутиб олди. У гулни акасига тутқазиб, уни маҳкам қучоқлади.

— Табриклайман, ака! Отам билан энам ҳам табриклаб юборишди.

Акмал севинчини яширолмади.

— Раҳмат, ука...

У бошқа гапирмади, гапиролмади.

Акмалнинг бир дўсти югуриб келиб Нормат билан кўришди. Нормат уни таниди. Баҳорда қишлоғига борган, тоққа чиққан йигитлардан бири эди.

— Ётоқхонага борамизми? — деди ҳалиги йигит.

— Ҳа, — деди Акмал, Норматга: — Сен ҳам юр. Беш-олтита жўраларим боради. Бирпас ўтирамиз.

Ўн чоғли йигит-қиз Акмалнинг хонасига келишди. Улар стол атрофига ўтириши билан Нормат ишга тушиб кетди. Бир зумда столнинг усти турли ноз-неъматлар билан лиқ тўлди. Пиширилган гўшт, таңдир кабоб, қатпатир, мева-чева... Акмалнинг оғзи очилиб қолди.

— Оҳо, зўр-ку, — дейишди меҳмонлар. — Бу ҳақиқий банкет-ку.

Йигит-қизларнинг бири қўйиб, иккинчиси сўз олди. Ҳаммаси Акмалнинг таланти юксаклигини, диплом иши сифатида тақдим этган лойиҳаси юқори баҳоланганини, келажакда ундан катта меъмор чиқишини қайта-қайта таъкидлашди.

Нормат бир чеккада уларнинг сўзини тинглаб ўтирар, шундай истеъдодли акаси борлигидан ғурурланар, сўз айтувчилар Акмални мақтаётганида «Бу менинг акам, кўриб қўйинглар!» деб овозининг борича ҳайқиргиси келар эди...

Йиллар ўтди. Бу орада Акмал ҳам, Нормат ҳам уйланди. Бола-чақали бўлди. Ҳар иккала тўйнинг оғирини Нормат кўтарди. Лекин буни ҳеч ким билгани йўқ. Одамлар: «Ҳайит ака ўғилларининг тўйини жуда яхши ўтказиб берди», — деб гапириб юришди. Бу гапни эшитган Нормат астойдил севинди. «Отамнинг шаънига одамлар яхши сўз айтишса бас. Менга шунинг ўзи кифоя».

Тақдирнинг тақозоси билан Акмал шаҳарда яшаб қолди. Дўстлари башорат қилганидек, у катта меъмор бўлиб етишди. Унинг лойиҳаси бўйича бинолар, майдонлар, хиёбонлар қурилди. Буларнинг ҳар бири давлат комиссияси томонидан қабул қилинганда, тантанали очилиш маросимларида Нормат акасининг ёнида бўлади. Кимдан эшитиб, қаердан билиб келади — бунга Акмалнинг ақли етмайди. Сўраса — билдим-да, деб гапни қисқа қилади. Акмалнинг номига мақтов сўзлар айтилганда Норматнинг кўкси тоғдай кўтарилади.

Дўстлари, бошқа жойлардан келган жўралари билан шаҳарга тушиб қолса албатта Акмалнинг лойиҳаси бўйича ишланган биноларни кўрсатади. Майдонларни айланиб, хиёбонларда бир нафас бўлсада, ўтириб ҳордиқ чиқаради. «Мана шу бинонинг лойиҳасини менинг акам ишлаган. Мана бу майдонни, хиёбонни ҳам. Қаранглар, қандай чиройли, ажойиб. Ҳаммаси жой-жойида. Меъмор чизиб чиқмаса бунақа балад иморатларни қуриб бўлмайди». Одамларга ана шундай, деб мақтанишни яхши кўради.

Бу севинчларини, мақтанишларини Акмалга айтмайди. Бироқ Акмалнинг ўзи сезади. Сезиб укасидан хурсанд бўлади. «Менинг ижодимга шунчалик қизиқади, шунчалар жон куйдиради-я...»

* * *

Норматнинг ўқиши учун «вақти соати келмади». Бугун бу деди, эрта у. Бир ишни тугатса иккинчиси чиқиб турди. Оилалик бўлгандан кейин иш қайнагандан қайнади. Йил ўтган сари ота-онаси қариб, оғир ишларга ярамай қолаверди. «Иқтисодий жиҳатдан сал ўзимни ўнглаб олсам, кейин ўқийман» деб хаёл қилган эди. Йўқ, эксинча бўлди. «Иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглади» аммо оилавий шароит тобора мураккаблашиб бораверди. Бирин-кетин сингилларини турмушга узат-

ди. Ота-онасининг ёнида эса ёлғиз ўзи қолди. Энди уларни ўз ҳолига ташлаб кетолмайди.

Ота-онасининг соғ-саломат юрганидан, сингиллари бахтини топиб, уйли-жойли бўлганидан кўнгли тўқ. Қўшни қишлоқларда бирон-бир тўйми-таъзиями бўлиб қолса, ота-онасини машинага миндириб олиб боради. Фақат ота-онасини эмас, бошқа қарияларни ҳам ола кетади. Шунда чолу кампирлар уни алқайди: «Умрингдан барака топ, болам. Бизнинг ёшимизга етиб юр. Омадингни берсин. Бола-чақангнинг ҳузурини кўр».

Ана шундай кезларда у ўқиёлмай қолганидан кўнгли ўксимайди, пушаймон қилмайди. «Тўртта одамнинг кўнглини олсам — шунинг ўзи бас-да. Тақдирда бор экан, ўқиёлмадим. Лекин кимдан камчилигим бор. Ўқишни битириб, номи улуг, суғраси қуруқ бўлиб юрганлар ҳам бор-ку!» Шуларни ўйласа хаёлига лоп этиб акаси келади. «Йўқ, менинг акам унақалардан эмас! Тўғри, унинг тагида машинаси, кассада минг-минг пули йўқ. Аммо акамни ҳамма ҳурмат қилади. Меъмор Ҳайитов, деб гапиреди. Радиодан, телевизордан акам қурган биноларни мақтайди. Акам машҳур одам. Кўп пул топиш осон, лекин машҳур одам бўлиш қийин. Қани, кимнинг акаси шунақа машҳур? Кимсан, Акмал Ҳайитов! Меъмор Ҳайитов! Ана шу одам менинг акам бўлади! Биз у билан бир қориндан талашиб тушганмиз».

Болалигида Акмал билан Норматнинг гавдаси бир хил эди. Танимаганлар уларни эгизак, деб ўйларди. Бирининг кийимини иккинчиси кийиб қочар, шундан икковининг ўртасида тез-тез «жанжал» чиқиб турар эди. Отаси ёки онаси Акмалга иш буюрса, у Норматга айтади, Нормат эса ўзинг қил, дейди.

Бир марта қизиқ бўлган. Ўшанда Акмал ўн тўртта, Нормат ўн уч ёшда эди. Ҳайит ака Акмалга: «Ариқдан сув боғлаб кел, ҳовлидаги тоқларни суғорамиз», деди. Акмал отасига индамади-ю, ташқарига чиқиб, Норматга: «Ариқдан сув боғлаб келаркансан. Отам айтдилар, тоқларни суғорар эканмиз», деди. Нормат: «Алдама, ўзингга айтган. Бор ўзинг». Униси у деди, буниси бу. Бу машамшани Ҳайит ака эшитиб қолди. Ўғиллари-га миқ этмади. Кетмонни елкасига ташлаб ариқ томонга чиқиб кетди. Ака-ука отасининг мақсадини тушуниб, орқасидан эргашди. Ҳайит ака ўғиллари ортидан келаётганини сизди. Сизди-ю, билмаганга олиб кетверди. Акмал чопиб бориб: «Ота, кетмонни беринг.

Ўзим боғлаб келаман», деди. Ҳайит ака бамайлихотир ҳолда: «Қўй, ўғлим! Сенларга бир ишни айтгунча, тинчгина ўзим қилиб қўя қолганим маъқул», деди.

Бу гапдан Акмал ҳам, унинг орқасидан бурнини тортиб эргашиб бораётган Нормат ҳам изза бўлди. Ака-ука бир-бирига қаради. Бу қарашда «уялмайсанми?» деган маъно бор эди...

...Нормат етилиб, юзлари тўлишиб қолди. Оғир-вазмин йигит. Офтоб тигида қорайган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб турибди. Анча улусифат кўрилади. Билмаганлар уни Акмалнинг акаси, деб ўйлайди. Акмал чуваккина бўлиб қолди: Ранг-рўйи бир аҳволда. Ёнғоқ соясида қолган ниҳолдай нимжон. Нормат буни акасининг кўп ишлашидан, иши оғир ва диққинафас эканлигидан, деб билади. Қачон унинг уйига борса Акмал катта оқ қоғозга термилиб, учи игнадай қилиб очилган турли қаламлар, ҳар хил жазварлар билан нималарнидир ўлчаб, чизиб ўтирган бўлади. «Меъморлик ҳам қийин иш экан-да». Акасига раҳми келиб кетади. «Ака, ҳадеб хонага қамалиб олиб чизма-чизиқ қилавермай, ҳар замонда қишлоқ томонларга бориб бир айланиб келинг. Ҳаво алмаштирасиз. Соғлигингизга ҳам фойда» дейди. Акмал сигаретни бурқситиб тутатади-да, укасининг меҳрибон кўзларига термиллади. «Хўп, мана шу ишимни тугатай. Кейин албатта бораман. Тоққа олиб чиқасанми?» «Албатта, олиб чиқаман». Қаёқда, у иш тугар-тугамас яна бир иш топилади. Шундай қилиб, баҳор ўтади, ёз ўтади, куз кетидан қиш келади. Акмал эса катта оқ қоғоз устига игнадай учли қаламлар билан одам ақли етмайдиган чизиқлар тортишдан на бўшайди, на чарчайди...

* * *

— Нима қилиб юрибсан буёқларда? — деди Акмал укасини кучоғидан кўйиб юбормай. — Бирон иш билан келдингми? Менинг бу ердалигимни қаердан билдинг?

— Ўзим, шундай, томоша қилгани келдим.

Ака-ука иккита креслога қарама-қарши ўтиришди. Акмал Норматга чой узатди.

— Ҳар ҳолда бекорга келмагандирсан?

Нормат кудди. Акаси узатган илиқ чойдан бир ҳўплаб, Акмалга маъноли қаради.

— Нимага ундай деб ўйлайсиз? Москвага фақат сиз келаверасизми? Бизлар ҳам томоша қилайлик-да Мос-

квани. — Стаканни Акмалга узатаркан, кулимсира-ди.— Кўргазмага келувдик.

— Шунақа дегин, — деди Акмал. — Кўпчиликми-сизлар? Қачон келдиларинг?

— Анча киши бор. Кеча кечқурун келдик.

— Хўш, менинг бу ердалигимни кимдан эшитдинг? Қандай топиб келдинг?

— Нима, бизни жуда саводсиз, деб ўйлайсизми? Сўраб-сўраб топиб келдим-да.

Норматнинг «бизни саводсиз деб ўйлайсизми» деган гапи Акмалнинг юрагига санчилди. У ҳамиша укасининг ўқимай қолгани учун ўзини гуноҳкор санаб юрар эди. Лекин бу ҳақда Нормат бирон марта бир оғиз гапирмаган... Акмал гап очса ҳам: «Бу гапларни қўйинг, ака», деб мавзунни бошқа томонга бурарди. Бутун билибми-билимайми, шуни айтди. Яна қаерда, уйдан, ота-онасидан, бола-чақасидан узоқда. «Барибир кўнглида бор экан-да. Юрагида тугун бўлиб қолган экан-да...»

Акасининг индамай қолгани Норматни ҳайратга солди. Акмал хомуш тортиб, сигарет тутатди.

— Сизга нима бўлди, ака? — деди Нормат ҳайрат ва ҳаяжон билан.

Акмал сигарет тутунини ичига тортаркан, ўйчан деди:

— Мени кечир, Нормат. Ишимга берилиб кетиб сенинг ўқишинг билан шуғуланолмадим.

Норматнинг эсига лоп этиб боя айтган гапи тушди. «Эҳ, каллаварам! Нималар дединг ўзи? Нима учун келдинг-у, нима қилиб қўйдинг?!»

— Ака, — деди айтган сўздан пушаймон бўлиб. — Бемаъни гапим учун мени кечиринг. Гап бу томонга айланиб кетишини ўйлаганим йўқ. Хурсандчилигимдан сизга ҳазиллашдим, деб қовун тушириб қўйибман-ку.

— Йўқ, тўғри гап, — деди Акмал ўйчан.

Нормат ўрнидан ирғиб турди. Акмалнинг рўпарасига келди.

— Ака! Агар мени укам десангиз шу гапни хаёлингиздан чиқариб ташланг! Шу ҳақда шу пайтгача ўйлаган бўлсам ёки энди ўйласам... сафарда турибман...

— Бас! — Акмал ҳам ўрнидан турди.

Ака-ука тик турганча бир зум бир-бирларига термилиб қолишди.

— Мен нима учун бу ерга келдим? Биласизми? — деди Нормат жимликни бузиб. Акмал «Билмайман»,

деган мазмунда елка қисди. Нормат акасининг кўзларига термилди. — Ахир бугун тувилган кунингиз-ку!

Ака-ука беихтиёр бир-бирининг қучовига ўзини отди. Улар узоқ вақт шу алпозда туришди... Акмалнинг елкаси силкинди. Буни Нормат сезди. Сездю... Ўзининг ҳам елкаси титраганини билмай қолди...

1984 й.

ТЎҚНАШУВ

Биринчи ҳикоя

Норқул ҳеч қачон бунчалик суюнмаган эди. Нега қувонмасин? Отаси шаҳарга сениям олиб бораман деганига бир ҳафтадан ошди. Шундан бери Норқул учун вақт ўтмайди. Шаҳарга борадиган кунни интиқлик билан кутади. Ҳар куни тезроқ кеч тушиб, эртароқ тонг отишини пойлайди.

Мана, ўша кунларга ҳам етиб келди. Тонг саҳарда у отаси билан шаҳарга боради. Қандай маза-я... Синфдошларидан ҳали ҳеч ким шаҳарга бормаган. Фақат Норим... Унинг акаси ўша ерда яшайди. Қандай бахтли.

Подадан қайтган молларни жой-жойига бойлади-да, кўчага чиқди. Ўзини бир оз сипо, вазмин тутарди. Икки қўлини чўнтагига солиб, у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Шу пайт велосипед минган икки жўраси келиб қолди.

— Ҳа, Норқул, нима қилиб юрибсан? — деб сўради улардан бири.

— География муаллимимизга ўхшаб, қўлингги киссанга солволибсан? Нима, дарс беришни машқ қиляпсанми? — деб ҳазиллашди иккинчиси.

Норқул уларнинг гапига парво қилмади:

— Ўзим, шунчаки айланиб юрибман.

— Юр, футбол ўйнаймиз.

Норқул қўлини чўнтагидан чиқариб керишди.

— Йўқ, ўйнолмайман... Мен шаҳарга бормоқчиман.

— Шаҳарга? — ишонқирамай сўради велосипед рулига суяниб турган жўраси. — Ҳозирми?

— Эртага эрталаб, — деди Норқул ўзини бамайлихотир туттишга уриниб.

— Вой-вуй, мақтанишини қаранглар. Эртага борсанг бугун ўйнамайсанми?!

— Ишгим бор-да.. Тайёргарлик кўриш керак, — Норқул катталардай салмоқлаб гапирарди. — Нима, шаҳарга шундай кетаверадими? Киноларда кўрмаган-мисанлар, шаҳардаги болалар қандай тоза кийинишини?

Жўралари велосипедга мингашиб кўзғалишаркан, бир-бирига қараб кулишди.

— Эҳтиёт бўл, яна шаҳарда қолиб кетма, — деб киноя қилишди.

Норқул уларнинг пичингидан хафа бўлмади, аксинча, қандайдир қониқиш ҳиссини туйди. «Ҳаваси кел-япти. Йўқ уларга алам қиляпти. Шунинг учун кесатиб кетишди. Биламан, икковиям бир-биридан мақтанчоқ. Агар ўзлари шаҳарга борадиган бўлгандами, ҳаммага овоза қилиб чиқишарди... Алам қилсин... Ҳали шошманглар, бориб келай, кўрганларимни гапириб бир куйдирмасам».

Норқул кўчада яна бир оз юрди. Аммо кеч бўлиб қолгани учунми, одам сийрак, унинг тенгдошларидан ҳеч қайсиси кўринмас эди. «Ҳаммаси футбол ўйнагани кетгандир», ўйлади у...

Овқатдан сўнг телевизор рўпарасига ўтиришди. Лекин Норқулга ҳеч нарса ёқмади. У тезроқ тонг отишини кутарди. «Ухласам вақт ўтгани сезилмайди», деб ўйлади. Отаси унинг кўнглидагини сезгандай:

— Сен ёта қол, ўғлим. Барвақтроқ туришинг керак, дамингни ол, — деди.

Норқул ҳовлидаги сўрига чиқиб ётди. Ҳадеганда уйқу келавермади. Аввалига кўзини юмиб бир, икки, уч... деб санай бошлади. Бироқ фойдаси бўлмади. Ухлайин дегани сари турли ўйлар босиб келаверди. У жимир-жимир юлдузларга термилиб хаёл суриб кетди. Киноларда, телевизорда қанча-қанча шаҳарларни кўрган. Ўшалар кўз ўнгида намоён бўлаверди. Ана, кенг асфальт кўчалардан турнақатор келаётган машиналарнинг охири йўқ. Одамлар-чи? Мунча кўп-а, улар. Кўчага сиғмайди. Ҳаммаси шошилиб кетяпти... Ие, анависи танишми? Норимнинг акаси-ку. У ҳам шу ердан ўтаркан-да ишга. Кийимини қаранглар, бирам чиройли. Шимининг почасини қайириб олпти. Нега ундай қилди экан? Қора кўзойнагидан кўзи кўринмайди... Норимнинг акасига маза-да. Шаҳарда яшайди. Яна қай-

сидир институтда домла эмиш. Қишлоғимиздан чиққан энг билимдон йигит шу дейишади. Мен ҳам катта бўлсам...

Норқул ўйлаётган фикрини худди биров сезиб қоладигандек, ёстикдан бошини кўтариб, атрофга аланглади: ҳеч ким йўқ. Ота-онаси, акалари ҳамон телевизор кўриб ўтиришар, укалари эса аллақачон ухлаб қолишганди.

У ҳеч нарсани ўйламасликка тиришди. Лекин... Лекин қани бунинг иложини топса. Яна Самарқандни ўйлади. Расмларда, телевизорда кўрган, отасининг айтиб берганлари шаҳарнинг ёдгорликларини тасаввур қила бошлади. Улар жуда ноёб экан. Дунёнинг ҳамма жойидан одамлар ана шу ёдгорликларни кўргани келармиш. Демак, чинданам зўр эканда-а, улар. Ўзимизнинг одамлар-чи? Бориб кўришадими? Нега бўлмаса ҳеч ким бу ёдгорликлар ҳақида гапирмайди. Шаҳар ҳақида гап кетса, ҳамма нима егани-ю, қандай кийим-кечак олганидан, бозорнинг нарх-навосидан сўзлайди... Балки вақтлари йўқдир. Ахир бригадирдан бир кунга жавоб сўраб боргандан кейин тирикчилигини қилсинми ё томоша? Уларга осон эмас...

Мен отамга ёдгорликларни кўрсатинг, дейман. Қаёқлардан одамлар ҳалак бўлиб келса-ю, ўзимиз биамасак. Қизиқ-ку. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганлари шудир-да...

У хаёл суриб ётиб ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмади. Эрталаб отасининг гўнғир-гўнғир овозидан уйғониб кетди.

— Тура қол, Норқул, тезроқ чой-пойингни ичгин. Йўлга чиқамиз.

Норқул апил-тапил ювиниб, кийинди. Онаси келтирган қаймоққа икки-уч бурда нон ботириб еди-ю, бошқа нарсани кўнгли тортмади...

Чошгоҳда шаҳарга кириб келишди. Автобус салобатли балаңд бинолар олдида тўхтади. Ёдгорликлар шу бўлса керак.

— Ота мана бу нима? — Турли рангда товланиб турган текис, балаңд деворга ишора қилди.

— Регистон... Қани юр, троллейбустга чиқамиз. Аввал бозорга борайлик, кейин томоша қиламиз, — деди отаси.

Троллейбус бекати томон кетишди. Тротуарда одам кўп, бир-бирини туртиб-суртиб ўтишарди. Норқул

уларга қараб хайрон бўлди. «Бунча шошилмасе булар. Ҳаммасининг иши зарилми шунча. Қишлоқда одамлар жуда бамайлихотир юришади. Фақат бригадиримиз шунақа патир-пугур. Ҳамма уни «йўрға» дейди. Шаҳарликларнинг ҳаммаси «йўрға» экан-да. Ўзининг фикридан ўзи кулиб қўйди. Бир юз юргач, қизиб, терлаб кетди. Аллақандай қўланса хиддан қўнгли айниди. Ўзини қўлга олди. «Озиб-ёзиб бир шаҳарга келдим-ку. Шаҳар дегани шунақа бўлса керак-да».

Автобуста ўхшаб кетадиган, лекин ундан узунроқ уч эшикли троллейбус шундоққина уларнинг ёнига келиб тўхтади. Тепасида иккита шохи бор. Худди ниначига ўхшайди. Бекатда турган одамлар унга ёпирилди.

— Чиқамиз, — деди отаси Норкулнинг қўлидан оларкан. — Юр, тезроқ чиқмасак, кетиб қолади.

Уриниб-сурилиб чиқиб олишди. Троллейбус дегани шундай катта бўларкан-да. Эшикларининг ёпилишини... Ўтирғичлари жуда юмшоққа ўхшайди. Ушлайдиган темирларининг ятирашини... «Билет олишни унутманглар. Тушадиганлар олдинга ўтсин». Тавба, ким гапиряпти-шофёрмикан ёки бошқа одам борми?.. Аммо жуда одам кўп экан-да. Қимирлашининг иложи йўқ. Норкул ўнг оёғини сал олдинга сурмоқ ниятида кўтарганди, қайта қўёлмади. У отасини маҳкам ушлаб олган, бир оёқда кетарди. Қиш кунлари айвонга тўпланган товуқлар мана шунақа бир оёғини кўтариб туришади. Ҳозир Норкул ҳам шуларга ўхшаб қолди. Яхшиям бу аҳволини ҳеч ким кўрмади. Агар жўраларидан биронтаси кўриб қолса борми, калака қилиб кўз очирмасди.

— Қисилмадингми? — деди отаси унга энгашиб.

Қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи остида дегандай, Норкул сир бой бермади. Астагина, «йўқ» деб қўя қолди. Акс ҳолда отасига гап топилади: Ҳали кичкинасан шаҳарга боришга, деб қанча айтдим, қўнмадинг. Энди ўзингдан кўр».

Троллейбус тўхтади. Норкул тушамизми дегандай отасига қаради. Отаси ялтироқ тутқични ушлаганича индамай турарди. «Демак, тушмаймиз». Троллейбусдан уч-тўрт киши тушди-ю, бир гуруҳ одам ёпирилиб кирди. Олдингиси ҳам бунинг олдида ҳолва бўлиб қолди. Одамнинг кўплигидан Норкулга ҳаво етмагандай туюлди. Унинг устига галати бадбўй ҳидлар... Норкулга тикилиб турган семиз хотиндан ёқимсиз ис келар, у

ўзини қаёққа олишини билмасди. Умидвор кўзларини отасига тикди. Отаси эса бепарво, Норқул нима қилишини билмади. Кўнгли беҳузур бўла бошлади.

— Ота-а, — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Отаси ялт этиб қаради. Норқулнинг ранги оқариб кетган, юзларидан шувиллаб тер қуйиларди.

— Исиб кетдингми? — деди отаси. — Бир оз сабр қил, ҳозир тушамиз.

Сабр қилишдан бошқа нима иложи бор. Норқул тишини тишига босди. Майдонда футбол ўйнаётган, дарёда чўмилаётган жўралари кўз олдидан ўтди.

Троллейбус қаттиқ тормоз берди, ҳамма олд тарафга қалқиб кетди.

— Тушамиз.

Отасининг шу бир оғиз сўзи Норқулга жуда ҳузурбахш эшитилди. Троллейбус орқа эшигини очмади, ҳамма ўзини олдинги эшикка урди.

Пастга тушгач, юзига шабада тегди. Бу Норқулга хуш ёқди. Дарахт соясига ўтгандан сўнг ўзини бир оз енгил ҳис қилди.

— Жуда кўп одам оларкан-а, — деди отасига астагина.

— Ҳамма бозорга келяпти-да. Ўзинг дурустмисан? Бозорга кириб чиқайлик, кейин ёдгорликларни кўрсатаман.

Улар икки томони жарликка ўхшаган торгина йўлдан кетишди. Бу йўлақдан бориб келувчиларнинг саноғи йўқ. Анчагина юргандан сўнг майда тош ётқизилган катта майдонга чиқишди.

— Мана шу бозор.

Одамлар ерга ҳар хил нарсаларни ёйиб қатор бўлиб ўтиришарди. Отаси Норқулнинг қўлидан ушлаб олди-да, ерга ёйилган нарсаларга разм солиб кетаверди.

— Кимга дўппи? Ажойиби бор...

— Рўмол оласизми?

— Нимчанинг зўри мана...

Турнақатор ўтирган сотувчилар бир-биридан бўш келмай молини мақтарди. Анча айланишди, аммо отаси ҳадеганда бирон нарса олавермади. Саратоннинг жазирамаси, атрофи тепаликлар билан ўралган, тангадек сояси йўқ бу майдонни қиздирилган тандирга айлантириб юборганди. Норқул чанқаб, оғзи қуриб қолди. Лекин отасига айтмади. «Тезроқ бўла қолсайди...»

— Рўмол оласизми? Мана, жун рўмол. Олинг, арзон қилиб бераман.

Оғзида тилла тишлари ялтираб турган, юзлари қипқизил хотин рўмолни отасининг бурни остига олиб келди.

— Неча пул дейсиз? — сўради отаси Норқулни қўйиб юбориб, рўмолни қўлига оларкан.

— От билан туя бўлармиди, акажон. Икки юз дейман, сўрайсиз-да, бозор-ку, ахир.

Шу маҳал уларнинг ёнига пақирда сув кўтарган болакай келиб қолди. У тинмай бақирарди:

— Мана оби яхоб... Мана оби яхоб...

Норқул уни тўхтатди:

— Сувингдан бир кружка бер.

Бола пақирни ерга қўйди-ю, бир кружка сув олиб Норқулга узатди:

— Марҳамат, жўражон.

Норқул сувни оларкан, ўйлади: шаҳарликлар жуда одамшаванда бўларкан-да, чанқаган бозорчиларга сув улашиб юрганини қаранглар. Бўлмаса, бу болага нима зарил шу иссиқда. Яна ширинсўзлигини айтинг.

Норқул сувдан бир қултум ютди. Сув илиқ, бунинг устига сассиқ ҳид анқирди. Аммо унинг ҳозирги аҳволи ҳар қанақа сувни ичишга мажбур қиларди. Кружкани яримлатди. Қолганига ўзини тийди.

— Раҳмат, жўра, — деди кружкани қайтариб бераркан.

— Раҳматингни қўй, пулини чўз, — деди у кружкадаги сувини пақирга қуяркан.

Норқул ҳайрон қолди. Қулоқларига ишонмасди.

— Қанақа пул?

— Ҳали пул қанақа бўлишини билмайсанми? Бир кружка сув йигирма тийин туради.

Норқул гарангсиб қолди. Беихтиёр отасига қаради. Яхшиям у эшитмади буларнинг галвасини. Ҳалиги хотин билан рўмолни савдолашарди. «Йигирма тийин?! Бир кружка сув йигирма тийин? Наҳотки сувниям сотса. Ёки бу бола мени калака қияптими?!»

— Ҳазилингни қўйсанг-ча, жўра, сувниям сотадими?

Сувчи бола Норқулга яқин келиб, шивирлади:

— Буни шаҳар дейдилар. Бу ерда ҳамма нарса сотилади. Билдингми? Қани тезроқ чўз...

Бу гапдан Норқул гангиб қолди. Сувдан олган лаззат ҳам бурнидан чиқди. Берай деса пули йўқ, Сувчи бола қисташини қўймайди.

— Ҳо оғайни, бунча чўзилдинг!

— Ҳа, нима гап? — деди уларга яқин келган отаси.

Сувчи бола гапни илиб кетди:

— Бу сизнинг ўғлингизми? Сув ичишни биларкану, пулини тўлашга келганда...

Норқул отасига хижолатомуз термиди. Нима дейишини билмасди. Отаси гап нимада эканлигини тушуниб, сувчи болага йигирма тийин берди. У тангани олди-ю, йўлида давом этди.

— Мана, яхна сув...

Норқул отам уришса керак, деб ўйлаган эди, ундай қилмади. Бир оз юргандан сўнг хотиржам оҳангда:

— Норқул, сув ичкинг келса менга айттин. Буларнинг сувини ичиб бўлмайди. Тозамас. Ўзим газ сув олиб бераман, — деди.

Улар яна бозор айланишди, кейин магазинларга киришди, отаси нималардир харид қилди. Лекин буларнинг биронтасига Норқул эътибор бермади. Унинг боши арининг уясидай ғувиллар, оёқларини базўр кўтариб босар, қулоғи остидан эса бояги сувчи боланинг: «Мана оби яхоб» деган сўзлари кетмасди. Ўша боланинг пақиридан ичган суви энди баттар чанқатар, оғзи куруқшаб, тили танглайига ёпишиб қолганди. Отасининг: «Буларнинг сувидан ичиб бўлмайди, тозамас», деган гапи баттар кўнглини айнитарди.

— Бир овқатланиб олайлик, — деди отаси. — Қорнинг ҳам очгандир.

Гарчи ҳозир кўнгли овқатни тусамаса ҳам Норқул индамади. Балки бирон нарса есам, босилар, деб ўйлади. Ошхонага киришди. Одам фик-фик. Игна ташла санг тушмайди. Қўлига косани кўтариб, қаерга қўйишини билмай турганлар қанча.

— Ў-ҳў, одам кўп-ку, — деди отасининг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб. — Юр, бошқа ошхонага борамиз.

Очлик ва чанқов Норқулни жуда ҳолдан тойдирган эди. Шунча чидади. Буёғига мадори қолмади.

— Ота, — деди бўшашиб, — яна ишингиз борми бу ерда?

— Йўқ, бошқа ишим йўқ. Нимайди? — ҳайрон ҳолда деди отаси. — Энди томоша қиламиз. Ёдгорликларни кўрсатаман сенга.

Ҳозир Норқулнинг юрагига томоша ҳам сизмас, кўзига ёдгорликлар ҳам кўринмасди. Аксинча, хаёлида қишлоғи тепасидаги оқсоч тоғлар, уларнинг тагидан қайнаб чиқаётган муздай булоқ чарх уради.

— Кетамиз... Уйга.

— Ўзинг-ку қачондан бери шаҳарга олиб борасиз, ёдгорликларни кўрсатасиз, деб ҳол-жонимга қўймайсан. Энди бўлса... Сал чарчасанг нима қипти. Ўтиб кетади. Бир келганда кўриб кетгин энди.

Норқул йилламоқдан ўзини базўр тутди.

— Кетамиз... Кейин кўрамиз, — деди. Унинг товуши жуда хаста, беморнинг овозидай чиқди...

...Уйга келиб Норқул ётиб қолди. На овқат еди, на чой ичди. Онаси унинг атрофида гиргиттон, отаси: «Иссиқда чарчаган, ҳеч нарса қилмайди, бир ухлаб турса отдай бўлиб кетади», деди. Норқул оғир-оғир ётган оларди. Тиқилинч троллейбус, молини мақтаётган бозорчилар, «мана, оби яхоб», деб юрган сувчи бола, игна ташласа тушмайдиган ошхона бирма-бир кўз ўнгидан ўтарди. Алаҳсираб нималардир деди, бирикки «Ота!» деб бақириб юборди. Пешонасига қўлини қўйиб ўтирган онаси жонсарақ шивирлади:

— Ёниб кетяпти болагинам.

У шу ётганча ҳафта деганда ўрнидан турди. Отаси, акалари унга ҳазиллашишди:

— Бир марта шаҳарга тушгулик ҳолинг бор эканку, яна томошага бораман, деб ҳаммани безор қилсан-а. Ҳа, пўррик.

...Таътил ҳам охирида қолди. Отаси яна сафар тараддудини кўра бошлади.

— Норқул, — деди отаси чойдан ҳўплаб, — ўқишингга ҳам яқин қолди. Ўтган гал яхши томоша қилолмадинг, юр, эртага шаҳарга олиб борай.

Норқулнинг кўз ўнгига лоп этиб одам тирбанд троллейбус, бозор, сувчи бола, ошхона келди. Негадир Норимнинг шаҳарда яшовчи акасини ҳам эслади.

— Ҳа, нимага индамайсан? Борасанми? — яна сўради отаси.

Норқул бошини ҳам қилган кўйи:

— Йўқ... Бормайман, — деди.

Дастурхон атрофида бирданига кулги кўтарилди.

Эшик қўнғироғи жиригладами ёки Мардонбекка шундай туюлди — англолмай қолди. Бошини ёстиқдан сал кўтариб қулоқ осди. Йўқ, янглишмаган экан, музикали қўнғироқ саъва сайрагандек «плум-плум» қилиб яна тилга кирди. Мардонбек апил-тапил кийинар экан, қўнғироқ яна «сайради». «Ҳозир», деди-да, эшикни очди. Нотаниш одам.

— Ассалому алайкум, азонлаб безовта қилганим учун кечирасиз. Мардонбек сиз бўласизми?

Мардонбек йигитга ҳайрон бўлиб тикилди:

— Ҳа, мен...

— Меҳмон келди сизникига, пастда.

— Хўп, ҳозир тушаман...

Йигит орқасига қайтди. Мардонбек хобгоҳга кириб хотинини уйротди. Калишини оёғига илиб, айланма зиналардан пастга югурди. Йўлакнинг шундоққина ёнида турган яп-янгич сариқ таксидан отаси тушди. Шофёр йигит машина юкхонасини очиб, ярим қилиб боғланган тўрва олди.

— Ота!

Мардонбек узун ва қалин, оппоқ соқоли отасининг кўксига ўзини отди. Уни маҳкам кучоқлаб тураркан ўзи учун қадри, азиз бўлган, аммо эндиликда эсидан чиқаётган қандайдир тотли ҳидни туйди. Бу ҳид унинг кўзини равшан қилгандай, дилини эритгандай, белига қувват ато этгандай бўлди.

Мардонбек институтда ўқиб юрган кезлари отаси тез-тез келиб, ундан хабар олиб турарди. Ўқишни битириб, оила қургач, Эски шаҳардаги маҳаллалардан бирида ижарада яшади. Ҳовлининг эгаси — кампир неча йиллардан буён ёлғиз яшаб, кўпчиликни унча хушламас, шунданми Мардонбекларникига меҳмон жуда кам келарди. Отаси ҳам бир-икки келди-ю кампирнинг аҳволи — руҳиясини кўриб оёғини тийди. «Бола-ларимга гап орттириб нима қиламан». Устига-устак кейинги йилларда кексалик голиб чиқаётганини сеза бошлади. Салга чарчайдиган бўлиб қолди. «Йўл азоби — гўр азоби болам, ўзларинг тез-тез бориб турсанглар-чи. Юришга мадорим йўқ энди», деганди у охириги келишида.

Мардонбек отасининг икки кафтидан қўлини олмай унинг ажин босган нуроний юзига термилди:

— Нечук? Қайси шамол учирди?

— Соғинч шамоли... Сенларни кўргим келди. Ҳадеганда боравермадиларинг, ўзим йўлга тушдим. Шу баҳонада янги уйини ҳам бир кўриб келай, дедим.

— Бўпти, ота, мен кетдим, — деди шофёр йигит.

— Э-ҳа, раҳмат сизга, ўғлим, умрингиздан барака топинг, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг. Омин! — ота юзига фотиҳа тортди. — Кўп яхши бола экан-да, тоза қидирди уйингни.

Ота-ўғил йўлакка киришди.

— Ёшлигингизда тоққа кўп чиққансиз, ота. Энди бир ўша пайтларни эслаб, ҳайт деганча юқорига кўтариласиз-да, — ҳазиллашди Мардонбек.

— Нечанчи қаватда уйинг?

— Бешинчи.

— Вой-бў, мунча, сал пастроғидан йўқ эканми? Ахир менинг қари ота-энам бор, қишлоқдан келиб қолса чиқолмайди, демадингми?

Уй олишдаги машамалар — ишхонасидаги жанжаллару район ижроия комитетидаги тортишувлар Мардонбекнинг ёдига тушди. Бу гапларга икки йилдан ошиб кетган бўлса-да, кечагидек қулоқлари остида жанранглади. Район уй-жой бошқармасининг бошлиғи — ёшгина, жиккак йигитнинг менсимай гапиришлари этини увиштирганди ўшанда: «Э, ака, бешинчими, ўнинчими — берганимизга шукур қилиб олаверсангиз-чи. Нима фарқи бор сизга, уй бўлса бас-да». Тавба, гапини қаранглар! Хижолат ҳам бўлмайди-я. Давлатнинг уйини тақсим қиляпти-ю, худди ўзининг ҳовлисини бўша-тиб бераётгандай гапиради-я. Ўшанда Мардонбек ҳам қайриб ташлади: «Сизнинг ихтиёрингизда бўлса, уй бермай қўя қолинг менга».

Мардонбек шуларни хаёлидан кечираркан, отасининг саволига нима деб жавоб беришни билмади. Тафсилотини айтиб ўтирган билан отаси тушунармиди. Бу ердаги вазиятни билмаса. Қолаверса, ўзини айблайди: «Ўзинг бўшсан. Йигит деган бунақа бўлмайди. Ушлаган жойидан кесиб олмагунча қўймаслик керак». Отасининг феъли ана шундай. «Одамлар билан ҳам сал-пал ҳисоблашиш керак-да, ота. Сиз айтган замонлар ўтиб кетган», деса, энсаси қотиб қўлини силтайди. «У замонлар ўтиб кетган эмиш... Бу замонга нима қипти? Замонни яхши қиладиган ҳам, ёмон қиладиган ҳам

одамлар... Келишувчилар кўпайиб кетди. Супурги юмшоқ бўлса тоза супуролмайди».

Уйга киришгач, ота диванга ўтирди-да, фотиҳага кўл очди. Келини, ўгли билан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Битта косада сув беринг, келин, — деди ота кўк салласининг печини қайириб қўяркан.

— Совуқ сув ичманг, ҳозир чой қайнайди. Йўлда чарчагансиз...

Мардонбекнинг бу гапидан келини сув келтиришни ҳам, келтирмаслигини ҳам билмай иккиланиб қолди. Ота эса:

— Обкелаверинг, келин... Чарчаган бўлсам нима кипти. Совуқ сув одамнинг фўборини олади. Менга қара, дарахтга, экинларга иссиқ сув қуйсанг нима бўлади, биласанми? Қурийди, — деди.

— Одамзод ҳар қалай дарахт эмас-ку, — дея кулди Мардонбек.

— Кулма, ўғлим, одамзод ҳам дарахтдай, экинлардай бир гап. Унга ҳам совуқ сув керак. Тўғри, меъёри билан. Чойни овқатдан кейин ичсанг ҳазми таом бўлади. Сенлар йил бўйи оғизларингга совуқ сув олмай ўрганиб қолгансанлар-да.

Келини келтирган бир коса сувни ота симириди. Эр-хотин чолнинг мириқиб сув ичишига ҳавас билан термиларди. Ҳар қултум ютганида бўйин томирларининг бўртиб-бўртиб кетиши, қатма-қат ажинлари Мардонбекка отасини анча кекса кўрсатарди. «Ҳаёт ўз қонунини аёвсизларча амалга ошираверади-да. Уни бошқа изга солиш мумкин эмас. Бўлмаса, отамдай одамнинг қаришига, кексаликка бўйин беришига ишонмасдим».

Ота бўш косани столга қўйди-да, катта оқ рўмолчаси билан мўйловини артди:

— Худого шукур. Васоқамин раббин шаробин таҳура...

Қайнатасига ҳавас билан қараб турган келин сўради:

— Ота, ҳозир ҳам ошдан кейин сув ичасизми?

— Ҳа, ўзимиздаги чашманинг суви ҳар қандай овқатниям бир пасда тити-пити қилиб юборади-да. Айниқса, ошдан кейин сув ичиш савоб. Гуруч на пайкалда, на ювилганда, на қозонда сувга тўяр экан. Фақат ош еб бўлганингдан кейин сув ичсанг — шунда гуруч, «худого шукур, энди сувга тўйдим-а», деркан.

Эр-хотин бу гапдан мириқиб кулишди.

Нонуштадан сўнг Мардонбек билан хотини ишга отланди.

— Бугун навбатчиман, ишга бормай қолишнинг иложи йўқ, ота. Эртага шаҳар айлантириб, томоша қилдираман, — деди Мардонбек.

— Майли, ўғлим, майли. Баҳузур ишларингга бораверинглар. Бу қизим-чи? — ота неварасининг бошини силади.

— Мен боғчага бораман, буважон, — қизчанинг номидан гапирди онаси.

Эр-хотин қизини етаклаб чиқиб кетишди.

Ота яктагини ечиб, диваннинг бир бурчагида турган ёстиқлар устига ташлади. «Хўп ажойиб замонлар бўлди-да. Биронтаям бекорчи одам йўқ. Ҳамманинг ўзига яраша иши, ташвиши бор... Шунисиям яхши. Иш билан овунмаса одамзод ўзини ўзи еб қўяди. Меҳнат тетик, бардам қилади, чиройингни очади. Ҳаммаданам манави уйларда турувчиларга қийин. Ҳовлиси, мол-ҳоли бўлмаса. Ҳукуматнинг ишига бормаса, куни билан бу ерда нима қилади. Бир кун ётиб ухлар, икки кун ухлар, охири юраги тарс ёрилиб кетади».

Ота шуларни ўйлаб ўтираркан, уйнинг у ёқ-бу ёғига разм солди. Бир томонда бошдан-оёқ шкаф. Бунча эшикчаси кўп. Ўзи-ку торгина уй, яна буни тиқиштирганини қаранглар. Буларга ҳам осонмас. Токчаси бўлмаса, идиш-товоқни қаерга қўяди. Ана, шкафга чиройли қилиб териб қўйипти. Келини қўл-оёқли, саришга аёл. Хотин зотининг шундайи маъқул. Увадачининг уйидай ивирсиб ётадиганлардан худо сақласин. Уйнинг бу бурчагида радио, бунисида телевизор. Бунча каттасидан олмаса. Уйига яраша сал кичикроғиям бўларди.

Ота жуда қизиқсинди. Нариги хонанинг эшигини очди. Буниси ундан ҳам торроқ. Икки ёвоч қаравот жуфтлаштириб қўйилган. Ёнида кичкина темир қаравот. Қизчаси ётса керак.

Қараб турганини худди биров кўриб қолгандай ўзидан ўзи ҳижолат бўлиб, шартта эшикни ётди. «Бор-йўғи шуякан-да. Иккита катакча. Шунча йил кутиб, у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб олган уйини қара... Мардонбек ўзи бўш. Қаттикроқ-қаттикроқ гапирмаган, берганига хўп деб келаверган-да... Тавба, бу катакчаларда қандай яшайди булар. Ичи қизиб, юраги сиқилиб кетмадими? Меҳмон-пеҳмон келса қаерга ўтиради-ю, қаерга ётади... Шунча вақт бировнинг қош-қовоғига қараб

яшади. Энди манави каталак... Олимлик ҳам қийин экан-да... Бир нарса десанг, кўнглига олади. Ҳа, майли, ишқилиб омон бўлишсин...»

Ота чуқур хўрсинди. Ингичка, энсиз йўлақдан бориб яна бир эшикни очди. «Ҳа, бу ҳаммомиякан». Дарров ёпди. Ундан нарига ўтувди, ошхонага кирди. Торгина, учта одам кирса тўртинчисига жой қолмайди. Икки плитали газ. Бир томонда холодильник ғириллаб турибди. «Мана бу эшик қаёққа бошларкин?» Ота ўзича жилмайди. «Ҳаммаёғи эшик. Худди илгари замондаги катта бойларнинг уйидай гап, у эшиқдан кирсанг палонхона, бу эшикни очсанг пистонхона. Қани бунисини очиб кўрай-чи. Ҳм, буниси айвон экан. Яхши». Ота одамнинг бели баробарли тўсинга бориб суянди-да, пастга қаради. Кўзи жимираб кетди. Бирдан ўзини орқага олди. Аҳволдан биров кулаётгандай, атрофга аланг-жаланг қаради. Кейин секин келиб тўсинга қўлини қўйди. Пастга разм солди. Бир киши кафтдаккина ерни чопиб, алланима эжяпти. Анави кампир пиёз ўта-яптими? Баҳор бу ерларга ҳам кепти-да. Одамзод қизиқ-да, бир қарич ер бўлсаям титкилайди, нимадир экади. Бўлмаса манави ерлар битта гиламнинг ўрничга ҳам келмас. Шунгаям жўяк тортишяпти.

Тепадан у-бу иш билан куймаланиб юрганларни томоша қилиш отага бир қадар завқли туюлди. Эринмай кузатди. «Мардонбек ҳам уйни пастроқдан олса-ку, бир парча бўлсаям ери бўларкан. Ҳарна-да. Эрмак бўларди».

Қаршисидаги уйга қаради. «Бунча ораси яқин. Осмонўпар қилиб қургандан кейин орасини кенгроқ ташламайдими. Бизда ер тақчил десам бу ерда ундан баттарга ўхшайди... Каптархонанинг худди ўзи. Нимага қават-қават парда тортиб ташлаган булар десам, рўпарадагиларга кўриниб тураркан-да».

Чол қўшни уйнинг деразаларига бирма-бир кўз югуртирди. «Ҳув анави уйда уч-тўрт киши овқат еб ўтирипти. Ие, анави хотиннинг кийими йўқми устида? Ёки одамнинг баданига рангма-ранг кийим кийиб чиққанмикан. Қайси куни телевизорда иккитаси чиқиб ўйновди. Анавилар яланғочми, десам, неварам кулиб, нимага ундай дейсиз, кийими бор-ку, ана қаранг, юпқа кийим-да. Биттаси эркак, биттаси аёл, девди. Буникиям шу кийимдан, чоғи».

Ота деразаларга қараб, ўзича ҳар хил хулоса чиқа-

риб ўтирди. Ана шу уй эгасининг эси бор экан. Деразаларни очиб қўйипти. Ахир сал шамол-памол кириши керак-да, бу шўрли катакларга. Малла сочлари тўзиб ётган семиз бир хотин хонага латта кўтариб кирди. Эшикнинг олдида қўлидаги латтасини полга ташлади. Энгашиб, латтани шиддат билан у ёқ-бу ёққа ишқалаб орқасига юриб кетаверди. Бирпасда деразага яқин келиб қолди. Кап-катта аёл калтагина кўйлақда эканини кўрган ота «иҳм» деди. Иштаҳа билан ош еяётган одам кўтилмаганда қарс этиб тош тишлаб олгандек кўзини чирт юмди. Алланималар деб пичирлади. Орқага ўгирилди. Диванга ҳам ўтирмай гиламга чордана қурди-да, узундан-узок дуолар ўқиди...

Яктагининг чўнтагидан соатини олиб кўрди. Бирдан ошипти. «Таҳорат қилиш керак энди. Пешинам бўлқопти». Ота ваннахонага кирди. Кўк-қизил жўмрақлардан бирини буради. Шариллаб иссиқ сув тушди. Орқага буради-да, иккинчисини очди. Хайрият, буниси совуқ экан. Ота ваннанинг ҳамма тарафига сачраётган сувга термулиб, қандай таҳорат олишни ўйлаб қолди. «Човгун-повгун йўқмикан?» Қидира бошлади.

Чамаси ярим соатлар вақт ўтгач, ота белбоғини ечиб, намозини ўқиди.

Пешин намозидан кейин бир муддат тасбеҳ ўгириб ўтирди. Аста-секин зерика бошлади. Ўзининг гаплари, оёқ товушлари ўзига ғалати туюлади. Жимжит, Худди қулоқ-бурни кесилган одамдай. «Бир пастта тушай-чи. Ер чопаетган одамлар билан бир оз гаплашаман. Кечгача бу ерда ўтирсам юрагим ёрилиб кетади». Ота яктагини, маҳсисини кийди. Эшикни очмоқчи бўлиб, битта калитини бураб тортди. Очилмади. Вой-бў, мунча қулфи кўп? Бир-икки, уч... занжириям бор яна. Тавба, илгари катта-катта омборлар ҳам бунақа қават-қават қулфланмасди. Ҳамма нарсаям одамнинг дилиниятига қараб бўлади... Яна бир калитни, йўғ-а, калит эмас, атрофи каштали думалоқ бир нарсани буради. Буралмади. Эшик ҳам очилмади. Уни бу ёққа буради, буни у ёққа, барибир натижа чиқмади. Охири ҳафсаласи пир бўлди. «Бор-э, чиқмасам чиқмасман. Бу эшикдан кўра подшонинг хазинасини очиш осонроқ».

Уйга қайтиб кирди. Нима қилишини билмади. Балконга чиқиб томоша қилай, деса, бояги пол юваётган хотиннинг хунук туриши кўз олдида. Бехосдан аччиқ қалампир чайнаган одамдай афти буришиб ёстиққа

ёнбошлади. Кўзини юмиб ўйга толди. Қишлоғи, кент далалар, тераклар шовиллаб ётган боғлар, ҳовлисидаги оппоқ гуллаб ётган дарахтлар — ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Невараларига ҳай-ҳайлаб юрган кам-пирининг овозини эшитгандай бўлди. Шу ширин ўй-хаёллар билан кўзи илинганини сезмай қолди...

Мардонбек ишдан кеч қайтди. Телевизорда «Вақт» тамом бўлиб, қишлоқ хўжалик ходимлари учун «Чигитни вақтида сифатли экайлик» деган кўрсатув бошланди.

— Зерикмадингизми, ота?

— Йўқ, нимага зерикаман, маза қилиб ўтирдим.

Мардонбек отасининг гапидаги пичингни сезди. Зерикишига ажабланмади ҳам. Хотини кулиб юборди.

— Зерикиш ҳам гапми. Тоза юраклари сиқилиб кетипти. Кўчага чиқмоқчи бўлибтилару, эшикни очолмаптилар, — кулиб-кулиб отаси эшикни очолмай қийналганини айтиб берди. Мардонбек гоҳ кулиб, гоҳ хижолат бўлиб эшитди. Отаси эса гўё бу гапларнинг унга дахли йўқдай, индамай, телевизорга қараб ўтирарди.

— Менга қара, Мардонбек. Мана шу одам ким? — телевизорга ишора қилди.

— Бу олим, чигит экиш бўйича мутахассис.

— Қачон қарасанг телевизорга чиқиб олиб, одамларга ақл ўргатиб ўтиради. Нима, пахтанинг жўягида туғилиб ўсган, пахта деб тил чиқарган одамлар чигит экишни билмайдими? Ўзи умрида тўртта чигитни ерга ташлаганмикан?

Мардонбек отасининг чўрткесарлигини, жаҳли чиқиб турган пайтларда андишани йиғиштириб қўядиган одати борлигини биларди. Ҳозир ҳам шундай кайфиятда эди. Куни билан тўрт девор ичида ёлғиз ўтираве-риб хит бўлиб кетган. Унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди:

— Бу одам ҳам пахтазорда туғилган, ота.

Ота ўғлига бир хўмрайиб қаради:

— Пахтазорда туғилган одамнинг гапига ўхшамайди гаплари... Маслаҳат берса майли-ю, аммо-лекин эшитувчини аҳмоқ деб ўйламасинда, ота жойлашиброқ ўтирди. — Ке, қўй буни, билганини қилсин. Менга қара, ўғлим, эртароқ келармикансан, деб кўп қарадим. Энди бугун кеч бўлиб қолди. Эртага эрталаб мени автобустга солиб юбор. Кетаман.

— Кетаман? Бу нима деганингиз, беш-олти кун

тураман девдингиз-ку, — ҳайрон бўлди Мардон-
бек.

— Турмоқчийдим... Қарасам, бўлмайди. Кетаман...

Ота совиб қолган чойдан ичди. Мардонбек миқ
этмай ўтирар, ҳозир отасига бирон нарса дейиш, ту-
шунтириш ортиқча эканини биларди.

Қолаверса, озиб-ёзиб бир келган отаси билан тор-
тишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Чой дамлаб келган
келин ота-боланинг суҳбатини ошхонадан ора-сира
эпитганди, у:

— Ҳа, намунача, оловга келувдингизми, — дея ас-
тойдил ачинди.

— Мана, сизларни кўрдим, худога шукур, тинч-
омон экансизлар. Уйларингниям кўрдим, буюрсин, ўзла-
рингдан кўпайиб юринглар. Мен бормасам бўлмайди
энди. Ҳозир иш айна қизиган вақт.

— Сиз бўлмасангиз иш қоп кетадими? Ё ойимларни
соғиндингизми?

Ота келинининг ҳазилидан кулиб қўйди. Кўз ўнги-
дан дока рўмол ўраган кампири ўтганини эса билдир-
мади...

Саҳар чоғи, ҳали қуёш юз кўрсатмасданоқ кўп
қаватли уйлар орасидан чиққан такси кенг асфальт
йўл бўйлаб автобекат томон ғизиллаб кетди...

1976 й

ҚИССАЛАР

ЭШИКЛАР ОЧИҚ

Муқаддима

Саъдулла атрофга аланглади. Тўрт тараф зулмат, бирор жойдан нинадайгина бўлсин нур тушмайди. У довдираб қолди. «Қаерга бораман? Нима қиламан энди?» Сўқир каби бир-бир босиб олдинга юрди. Рўпарасида нимадир кўрингандай бўлди. Тўхтади. Пай-пасланган кўйи ўнг оёғини сал сурди. Пастлик эканини билди. Яна туширди. Оёғи ерга тегди. Кейин чап оёғини олди. Яна юрди. Демак, зина экан. «Ажа-бо, эниш... Ахир мен юқорига чиқмоқчи эдим-ку. Наҳотки, энди...» У бир зум ўйланиб қолди. Кейин... кейин пиллапояларни мўлжал қилиб аста-секин туша бошлади. Қаловини олгандан сўнг юришни тезлаштирди.

Тахминан ўн беш-йигирма пиллапоя тушгач, тўхтади. Бундай жойда кўзни очиб юриш билан юмиб юришнинг фарқи йўқ. Юраги увишди. Бадани жимираб, ҳатто мўйларидан совуқ тер чиққандай бўлди. Умид билан олдинга тикилди. Тикилди... Кимсасиз саҳрода кечаси юрганмисиз? Икки-уч чақирим узоқликдаги чироқ ҳам юлдуз каби чарақлаб кўринади. Ҳозир худди шундай бир шугъла олисдан кўзга ташланди. «Чироқ? Қаердан кўриняпти у?» Бутун вужудини кўзга айлантириб ўша томонга термилди.

«Зина... қаерга олиб боради. Нарёғида нима бор? Милтираётган нур қаерда?»

Нур кўнглига кўчди. Юзи ҳам ёришди. Иштиёқ ва шавқ билан пиллапоялардан юришда давом этди...

1

Зарбуви милт-милт қайнаётган шўрвадан қошиққа озгина олиб пуфлаб совитди-да, ичиб кўрди. Таъмидан қаноатланмади шекилли, ўчоқбошидаги тузлуқдан туз олиб сеғди.

— Шунақа денг? — Саъдулла ўйчан ҳолда чирс-чирс ёнаётган оловдан нигоҳини узмай ўтирарди. — Қачонақан тўйи?

— Қачонлигини аниқ билмайман. Лекин шундай гап эшитдим. Поччангданам сўрадим, — деди Зарбуви.

— Холматнинг ўзидан сўрамадингизми?

— Биласан, Холмат поччангга жиян... Йигити туш-гур бир қуни ўзи гап очиб қолди. Сал ичканақан, оғзи кўпириб мақтанди: «Янга, Салима билан битта қишлоқдансиз, ўзи шу қанақа қиз?» Юрагим шув этди-ю, ўзимни ҳеч нарса билмаганга олиб «Нимаёйди? Нимага сўраяпсиз?» дедим. «Унга уйланмоқчиман», деди. Нима дейишимни билмай қолдим. Сўнг жўрттага ўсмоқчиладим. Айтишича, бир йилдан бери хат олиб-хат бераркан. Киссасидан беш-олтита хат олиб кўрсатди. Кейин расмини, совға қилган рўмолчасини... Шунда сенда ҳам рўмолчаси борлиги эсимга тушди.

Саъдулла жаҳл билан киссасидан бир рўмолча олди ва уни опасига қарата отди. Зарбуви ажабсинди, оғринди. Рост-да, Зарбувининг айби нима? Нега унга жаҳл қилади?

Опасининг авзойи ўзгарганини сезиб, Саъдулла хи-жолат чекди.

— Кечиринг мени, опа. Қизишиб кетипман.

Зарбуви индамади. Ўтин синдириб ўчоққа ташлади. Олов гуриллаб кетди.

— Менга беринг рўмолчани, — деди Саъдулла ҳам хижолатдан, ҳам оловнинг тафтидан қизариб.

— Нима қиласан?

— Оловга ташлайман... Рўмолчаси ҳам, «Сизни яхши кўраман», деб айтган сўзлари ҳам ёниб кетсин. Шаҳарга боргач, хатларини ҳам ёқиб ташлайман. Мен аҳмоқ унинг гапларига ишониб юрибман-а...

У жим бўлиб қолди. Сукунат. Оғир сукунат. Токпилла¹ ўтиннинг чирс-чирс ёниши эшитилади, холос. Зарбуви ҳам миқ этмайди. Нима дейишни, укасини қандай овутишни билмайди. «Айтмаганим тузукмиди... Шунгча йўлдан мени кўргани келса-ю, кўнглини хуфтон қилсам... Лекин айтмасамам бўлмасди-да. Барибир эшитади. «Кўриб-билиб, айтмапсиз», деб ўпка-гинани катта қилар эди».

Саъдулла бошқа опаларига қараганда Зарбувини

¹ Т о к п и л л а — ток новдасидан қилинган ўтин.

кўпроқ яхши кўради. Улар болалиқдан бирга ўйнашар, кунига дам-бадам уришишар, тортишишар, аммо бири-бирини бирпас кўрмаса, тўрвасини йўқотган гадодай гарангсиб қолишарди.

Мақтабни битиргач, Зарбувини қўшни қишлоққа узатишди. Саъдулла дастлабки вақтлар тез-тез келарди. Кейинчалик ўз ташвишлари билан бўлиб бир оз оёғини тортди. Тошкентга ўқишга кетгандан кейин эса опаси билан камдан-кам дийдорлашадиган бўлди. Ҳозир баҳорги таътил. У бир-икки соат уйда ўтирди-да, ода-тига кўра укасининг велосипедини миниб йўлга тушди.

— Қўй, Саъдуллажон, кўп куюнма. Ростини айтсам, асли Салима унча дидни олмайди. Илгарироқ сездирмоқчи бўлувдиму, вақти-соати билан тушунтирарман, деб ўйловдим.

— Лекин мен уни яхши кўриб...

— Бўлди-бўлди, — Зарбуви укасининг гапини кесди.

Саъдулланинг бўғзидан оғир бир хўрсиниқ узилди. Ҳарчанд ўзини босишга тиришса ҳам эглолмади.

— Ҳа оғажон-а, жигар-бағрингдан урган экан-да, — гапни ҳазилга бурди Зарбуви. — Ичингдан чиққан алангага шўрва қайнайди-я.

— Рўмолчани беринг, — деди Саъдулла қатъий. — Уни ёқиб, шу билан ҳаммасини кўнглимдан чиқариб ташлайин.

Зарбуви укасининг жингалак сочларини силади. Юрагини эзаётган аламни тарқатиш ниятида уни опалик меҳри ила эркалаб-суйди.

— Қўй энди, кўп ачинаверма. Йигит деган сал дадил бўлади. Яна суд бўламан дейди-я. Бундай бўшанглик билан одамлар ўртасида қандай ҳакамлик қиласан?

Саъдулла ҳам опасининг гапига яраша жавоб қилди:

— Ёқиб ташлайин — жиноятчига шафқат йўқ, деса кўймайсизку ўзингиз.

— Рўмолчани ёқиб ташлаганинг билан иш битмайди. Бу менда турсин. Сандиқнинг тагига ташлаб қўяман. Бир кун келиб асқотади. Ахир жиноятчининг жиноятини исботлаш учун далил керак-ку.

«Хўш, сандиққа ташлаб қўйганда нима бўлади? Нимага мундай қилдинг, деб суриштириб юрармидим? Гапни чувалаштиришнинг нима кераги бор?..»

— Ҳа, ўйланиб қолдинг, — деди Зарбуви.

— Жиноятчининг тақдирини ҳал қилиш осон эмас-да. Мактабга бориб болаларга латифа айтиб бериб келишми бу сизга.

Зарбуви институтни сиртдан бителиб мактабда адабиётдан дарс беради. Ҳозир Саъдулла шунга ишора қилаётган эди. Зарбуви ҳам бўш келмади. Аслида у унча-мунчага ҳақини берадиганлардан эмасди.

— Ҳа-а, тузуксан-ку. Ҳали биз латифагўй бўлиб қолдикми... Вой, ўргулдим сиздақа юристдан-эй.

Саъдулла кулди. Билдики, мавзуни давом эттириш ортиқча. Шу боис опасига бўйин берган каби гап ўрамини бошқа томонга бурди. Бу билан ўзининг хаёлини чалғитмоқни ҳам ўйлади, аммо гап айланиб яна Салимага тақалаверди. Салима неча бор эсига тушиб жаҳди чиқди, асаби бузилди. Гўё уни Холмат кучоқлаб тургандай, у Холматта ширин табассуму, болдай бўсалар ҳаё энтаётгандай туюлаверди.

Дарвоза гийқ этиб очилди. Зарбуви югуриб чиқди.

Холматнинг овозини эшитиб, Саъдулланинг эти жириллаб кетди, қўллари титради. У билан юзланиш азобини ўйлади. Қандай кўришади? Нима дейди? Балки ҳозир Салиманинг одидан келаётгандир...

Унинг фикрлари охирига етар-етмас Холмат айвонга ўтди.

— Қани Саъдулла? Келсаям уйдан чиқмайди.

Саъдулла бутун иродасини жамлаб эс-ҳушини қўлга олди. Сир бой бермасликка, бор гапдан ўзини мутлақо беҳабар кўрсатишга интилди. Ошхонадан чиқиб Холматга пешвоз юрди.

— Ана, айтмадимми, қизларга ўхшайсан, десам яна кўнглига олади. Аслида сен ҳуқуқшуносликка эмас, ошпазликка ўқишинг керак эди.

У кучоқ очди. Саъдулла ҳам... Йўқ, у ундай қилмади, қилолмади. Синфдошининг қувноқ чехрасига қараб фикрдан қайтди. Шунчаки нописанд қўл узатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо Холмат унинг ҳолатига, ҳаракатига эътибор бермади, шартта Саъдулланинг белидан олди. «Бу билан нима демоқчи? Кўриб қўй, мен сендан кучлиман. Ҳар жиҳатдан... демоқчимми?» Саъдулланинг хаёлидан лоп этиб шу фикр ўтди. «Йўқ, ундай эмас!» У Холматни даст кўтариб, икки марта чир айлантирди. Буни кутмаган Холмат довдираб қолди.

— Ҳой-ҳой, Саъдулла, нима қиляпсан? Айвондан отиб юборма тагин.

Уларни кузатиб турган Зарбуви, уришиб қолишмасга гўрга эди, деб хавотир оларди.

— Қалайсан? — деди Холмат Саъдулланинг елкасига қўлини ташлаб.

— Раҳмат... — Саъдулланинг гапи жуда сунъий чиқди. У кўзларини Холматдан олиб қочар, унга қарашни ҳам истамас, бироқ ноилож, азбаройи синфдошлик ҳурмати ҳол-аҳвол сўрашарди.

— Янга, биров билан уришиб қолганми бу. Қовоғидан намунча қор ёғади, — деди анчадан кейин Холмат ўсмоқчилаб.

— Билмадим, — деди Зарбуви. — Уйга киринглар. Ҳозир овқат пишади.

— Йўқ, раҳмат, кетаман. Тоғамда бир ишим бор эди. Кейин келарман. Уйга юр, гурунглашамиз.

— Ишим зарил, — деди Саъдулла.

— Мен кетдим бўлмаса, — деди Холмат оғриниш билан. — Янга, тоғамга айтиб қўярсиз келганимни. Ҳа, айтгандай, Саъдулла, каникулда у ёқ-бу ёққа кетиб қолмайсанми?

Саъдулланинг ичи музлади.

— Билмадим... Нимайди?

— Августда тўй қилмоқчимиз, — деди Холмат жилмайиб, — Бошни иккита қилмасак бўмаяпти, жўра. Чол-кампир қўймаяпти. Ола хуржун елкага тушай деб турипти...

— Шундайми? Кимга уйланяпсан? — деди Саъдулла иложи борича ўзини хотиржам тутишга уриниб.

— Сенга почта бўлмоқчиман. Қишлоқларингдаги Салима бор-ку, шунга.

«Эй фалак! Бунчалар бешафқатсан! Бу гапларни эшитгандан кўра қулоқларим қар бўлиб қолмайди-ми?!»

Нима десин у?! Жўрасига нима деб жавоб берсин! Уришсинми у билан? Салима менга хат ёзиб юради. Мен билан аҳду паймон қилган десинми? Синфдошинг юзига оёқ қўяяпсан деса-чи? Ахир унда гуноҳ нима? Салима билан ўртасидаги гаплардан хабари бормикан? Йўқ, мумкин эмас! Агар билса бу йўлга қадам босмас эди...

Саъдулла опаси билан хайрлашиб йўлга тушди. Қишлоқ кўчасидан велосипедни шириллашиб борарди.

Ҳаммаёқ кўм-кўк. Қир-адирлар, далалар, йўл четидаги уватларгача кўзни қувнатади. Лолақизғалдоқлар зумрад далаларда қип-қизил гиламдай тўшалган...

Қишлоғига кираверишда, йўлнинг кунгай томонида катта садақайрағоч бор. Шу ердан Саъдулла ўтиб кетолмади. Беихтиёр тўхтади. Атрофга разм солди: ҳеч ким кўринмайди. Қайрағочнинг тангасимон барглари баҳор эпкинида титрайди. У беихтиёр ўзига қадрдон жой — уват тагидаги харсангтошга бориб ўтирди. Кўйлагининг тугмаларини ечиб, енгил нафас олди.

Бу ерга неча марта Салима билан учрашувга келган. Қоронғи тушдими, тамом, Саъдулла садақайрағочни мўлжалга оларди. Уларга уйдан чиқиш учун яхши баҳона бор эди: ҳар кун оқшом колхоз клубида кино қўйилади. Кинога бориш баҳонасида учрашувга келишарди. Саъдулланинг назарида қайрағоч уларни ҳар доим қучоқ очиб кутиб оларди.

Илтижоли кўзларини қайрағочга қадади. «Қани у? Энди у йўқ! Эҳтимол Холмат билан ҳам шу ерга келгандир. Унга ҳам ширин бўсалар бериб, аҳду паймон қилгандир. Сен шуларни эшитмадингми, эй тилсиз дарахт! Лоақал бир марта сенга ҳам тил битиб, уни уялтирсанг бўларди-ку. Балки унинг бунақа қилиқларини Холмат билмас? Агар сен, эй қайрағоч, бир оғизгина айтганингда, Холмат унинг юзига туфлаб кетармиди...»

Саъдулла унинг нақш олмадек юзидан, шўхчан кўзларидан ўпишни ёқтирарди.

Бир куни Саъдулла уни елкасидан аста қучоқлаб кўзларидан ўпмоқчи эди, Салима ўзини олиб қочди. Ойнинг сутдай ёруғида унинг ҳаракатлари, қош-кўзларининг сузилиши аниқ кўриниб турарди. Бу ишваларга Саъдулла чидолмади. Дафъатан Салиманинг лабларига лабларини босди... Севги шаробидан иккови ҳам сархуш эди... Бундай ҳолда нималар бўлмайди дейсиз. Саъдулла мумдек зриган, қиз эса уватда беҳол чўзилган эди. Қиз алланечук титрар, ширин-ширин энтикар эди.

Шу маҳал юқори тарафдан кимнингдир «ҳа, бо-о-ош» деб бақиргани эшитилди. Кейин ёнгиналаридан

бир сигир лўкиллаб ўтиб кетди. Сигир ортидан Салималарнинг Шоди ака деган қўшниси чошиб келарди. Қиз ҳам, йигит ҳам чўчиб тушди. Салима ўрнидан тура сола у ёқ-бу ёғини тўғрилади. Дарров ўзларини буталар панасига олишди. Шоди ака кўрдими-йўқми — билишолмади.

Яхшиям ўшанда Шоди ака келиб қолган экан. Акс ҳолда нима бўларди? Яна кимга — ўзининг жўрасига турмушга чиқяпти-я? Даҳшат!..

У велосипедини миниб йўлга тушди.

Ҳозир Салимани кўришни, ҳатто унинг уйи яқинига боришни истамасди. Бироқ велосипедини Салималар ҳовлиси ёнидан ўтадиган йўлга буриб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. «Нима учун бу йўлдан кетяпман? Борди-ю, Салима чиқиб қолса-чи олдимдан. Ахир мен уни кўришга орзуманд эмасман-ку. Кўриб куйгандан кўр-а, кўрмай-кўрмай охири унутган маъқулмасми...» Хаёлидан шу фикрлар кечар, аммо кўзи бот-бот Салималарнинг уйи томонга тушарди.

Оқ тунука қоқилган уйга яқинлашганда оёқлари бўшашиб, велосипед педалини айлантиролмай қолди. Нигоҳини бошқа томонга олиб қочмоққа интилади-ю, лекин кучи етмайди. «Бир жихатдан ҳозир кўрсам тузук эди. Гапириб-гапириб аламимдан чиқардим. Эртага кетсам шу кўйи қачон кўраман. Хат-ку бошқа ёзмайман...» Уй рўпарасида велосипеддан тушди. Эгари тагидаги сумкачасидан калит олиб, велосипедининг у ер-бу ерини тузатган бўлди. Қўли юмушда, кўзи, хаёли эса кимсасиз ҳовлида. «Нима бало, бирон жойга кўчиб кетишганми? Ҳадемай кеч тушарди, пода қайтади — буларникида одам зоти кўринмайди». Узоқ туришни ўзига эп билмади — битта-яримта кўриб қолса ноқулай. «Унинг устига нимага мен уни кутиб туришим керак? — Йигитлик гурури жўш урди. — Кетдим. Кўзимга кўринмагани маъқул. Акс ҳолда, жаҳл устида одамнинг орзидан ҳар бало чиқиб кетиши мумкин».

Велосипедни гизиллатиб ҳайдаб кетди. Ўттиз-қирқ қадамлар узоқлашгач, орқа томондан «Фарҳод, о Фарҳод!» деган таниш овоз қулоғига ўқдай келиб урилди. Саъдулла шарт орқасига ўгирилиб қаради. Англадики, Салима укасини чақираётган эди. Саъдулла гангиди, миясида минг бир фикр чарх урди. Шайтон айтди: «Тўхта, орқанга қайт! Олдига бор, очикчасига гап-

лаш!» Виждон айтди: «Уят бўлади! Йигитлик гурурини оёқ ости қилма!».

Велосипед елиб борарди.

* * *

Эртага йўлга чиқишим керак, деган баҳона билан Саъдулла барвақт ётди. Лекин ухлай олмади. Бундай ҳолатда одамнинг кўзига уйқу илинармиди. Ёнида ётган укаси ҳаш-паш дегунча пишиллаб ухлаб қолди. «Куни бўйи чарчаган. Мактаб, ўқишдан келгандан сўнг ҳовлининг иши. Бу ёғи баҳор — йўғон чўзилиб, ингичка узилган пайт». Укасининг пиш-пишини эшитиб ётаркан, шуларни хаёлдан ўтказди. Ўзи ҳам гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилади. Миясида турли фикрлар ғужғон ўйнайди. Салимани ўйламай дейди, лекин кўз олдида яна унинг қиёфаси гавадаланади. Бехос бундан икки йил олдин қўшни районга пахта теримига чиқишганда рўй берган воқеа ёдига тушди...

Бир куни Саъдулланинг шими сўкилиб кетди. Кечқурун тўққизинчи синфда ўқийдиган сингиси Жамилага берди. Эртаси куни оқшом самовардан чой олаётган эди, сингисининг синфдоши Салима «Манавини Жамила бериб юборди», деб шимини тутқазди.

Овқатдан сўнг кўпчилик кинога жўнади. Хонада учтўрт бола қолди. У шимини кийиб, тикилган жойини тортиб-тортиб кўрди. Чўнтагига кўлини солган эди бир қороз илинди. «Нима экан?» деб олиб очди. Майда букланган қорозга нималардир ёзилган эди. Ўқий бошлади. «Мен сизни кўпдан бери кузатиб юраман. Аммо кўнглимдагини айтишнинг иложини тополмайман. Ўйлаб-ўйлаб хат ёзишга қарор қилдим...»

Эти жимирлади. Атрофга аланглаганча, дарҳол хатни буклаб чўнтагига солди. Кейин ташқарига отилди. «Қаерга бориб ўқисам экан? Қаерда хилват жой бор?» У аланг-жалаң қилар, маъқулроқ жой қидирар эди. Ётоқхона ёнига ўтди. Ўша ердаги симёроқда лампочка бор, шунинг ёруғида ўқиса бўлади.

Хайрият, ҳеч ким йўқ экан. Хатни очиб ўқий бошлади. «... Зухра Тоҳирни, Лайли Мажнунни кўрмасам тутолмайдигандек мен ҳам сизни кўрмасам бир нарсасини йўқотган одамдай гарангсиб қоламан...» Саъдулланинг кўллари титрар, юраги гуп-гуп урар эди. Хатнинг давомини ҳам ҳаяжон билан ўқиди. «Мен сизни севаман!.. Жавобини кутаман. Салима». Саъдулла хат-

га яна бир кўз югуртирди. Ҳаяжонини босолмас, ўт ичида қолгандек эди.

У югуриб ётоқхонага кирди. Ҳозир кўзига ҳеч ким, ҳеч нима кўринмасди. Кинога бормай қолган болалар қарта ўйнашарди. Саъдуллани ҳам чақиритди. «Йўқ, ўйнамайман. Бошим оғрияпти», деди-да, жойини солиб ётди. Хаёлида Салима. Унинг кўзларини, кулишларини, гапиришлари, майда қадам ташлаб юришларини — ҳамма-ҳаммасини бир-бир кўз олдига келтира бошлади. Кўзлари мунча қора, кулишлари-чи? Бошқа қизлар ҳам шунақа чиройли кулармикан? Назарида бутун мактабда, йўқ, бутун оламда энг гўзал, энг хушрўй қиз Салима эди. Ундан соҳибжамол йўқ дунёда...

Саъдулла у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар экан, ўша Салима билан Холматга турмушга чиқаётган ҳозирги Салимани солиштирар, уларда ўзаро яқинлик, ўхшашлик тополмас эди. «Йўқ, бу бошқа Салима! У бошқа, у — менинг Салимам, ёлғиз мени севади...»

II

Автобус ғира-ширада Тошкентга етиб келди. Саъдулла метрога тушди.

Автобусда ҳам, метрода ҳам хаёл уни бир лаҳза тарк этмади. Опасининг гаплари, Холмат билан кечган суҳбат, Салима... «Хўш, нима бўпти? Илк севгисига етолмаган битта менми? Ҳаёт шу экан-да. Нима, унинг оёғига бош уриб ялинишим керакми? Хоҳламаган одамнинг орқасидан соядай эргашиш... Бу йўл билан қурилган оила омонат тикланган уйга ўхшайди. Сал қаттиқроқ шамолгаям дош беролмайди. Охири бир кун нурайди...»

«Ҳамза» бекатида одам гавжум эди. Эшиклар очилиб беш-олти одам кирди. Саъдулла дипломатини тиззасига қўйиб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди.

— Салом, Саъдулла...

У чўчиб тушди. Рўпарасида Феруза турарди.

— Салом, — деди беихтиёр. — Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

Феруза унинг ёнига ўтирди.

— Чилонзорда холам турадилар, шуларникига келувдим. Ўзингиз қаердан келяпсиз?

— Уйдан, — деди Саъдулла. — Каникулда кетувдим.

Саъдулланинг товушидаги ҳорғинлик Ферузани ҳай-

рон қолдирди. Илгари доим қувноқ юрар, ҳазил-ҳузулга ўч эди. Бугун эса...

Феруза бунинг боисини сўрамоқни ўйлади. Балки ўзи гап очиб қолар, бир оз сабр қилай-чи, деган хаёл билан индамади.

— Сиз қайси бекатда тушасиз? — деб сўради Феруза.

— «Пахтакор»да. Йигирма саккизинчи автобустга чиқишим керак-да.

Феруза уни зимдан кузатди. Қандайдир тунд, нима-дандир хафадай кўринар, бу — гапларидан ҳам сезиларди.

— Сиз қайсида тушасиз? — деб сўради Саъдулла.

— Кейинги бекатда...

— Кечирасиз, Саъдулла, уйдагилар яхши эканми?

— Раҳмат, яхши.

— Негадир кайфиятингиз бошқачароқ... Тинчликми ишқилиб?

Саъдулла кулди. Очиғи, кулгиси ҳам зўрма-зўраки чиқди.

— Тинчлик, Феруза, — деди хомушлик билан. — Бир оз чарчадим. Автобус йўлда бузилиб қолди.

Электричка шувиллаб ёп-ёруғ бекатга кириб келди: «Пахтакор» бекати.

— Бўлғи, Феруза, — деди Саъдулла ўрнидан туриб. — Мен тушдим. Яхши боринг.

— Хайр, яхши етиб олинг. Эртагача.

* * *

Талабаликнинг гаптли дамларидан бири пахта мавсуми. Шу пайтда студентлар бир-бирлари билан яқинроқ танишадилар, бир-бирларини синайдилар. Чунки улар бир ой ўқир-ўқимас пахтага чиқиб кетишади. Бунгача биринчи курс талабалари ҳали бир-бирларининг исм-шарифини ҳам билиб олишга улгурмайдилар. Қолаверса, тортинчоқлик, киришиб кетолмаслик...

Пахтага чиқишганига уч кун бўлди. Мирзачўлнинг бепоён пахтазорларини Саъдулла биринчи марта кўряпти. Мактабдан қўшни районга пахтага олиб боришганда жўяклар калта-калта эди. Бир кунда эмас, пешингача икки-учта қаторнинг пахтасини териб чиқишарди. Шундайи тузук экан — ҳар ҳолда чарчагани билинмайди. Охири кўринмайдиган бу қаторлар одамни зериқтириб юборади.

Саъдулла икки этак пахта териб толиқди. Эгатта

тўқиб қўйилган пахтасининг устига чордана қуриб ўтирди-ю, китоб ўқий бошлади. Орқароқда бир қиз турарди. У Саъдулланинг ёнига келгач, қаддини ростлади.

— Уф-ф, вой белим-эй, чарчаб кетдим, — деди қиз Саъдуллага қараб. — Сиз қанча тердингиз?

— Қанчалигини ким билади, дейсиз. Икки этак тўлдирдим. Ўтиринг, бир оз дам олинг.

Қиз ўтирди.

— Яхши-ку, — деди кулимсираб. — Меники ҳеч кўпаймайди-я. Баъзилар уч-тўрт этакдан теришибди. Сиз ҳам кўп теролмайсизми ёки ўзингиз термаяпсизми?

Саъдулла кулди.

— Теролмайман. Белим зирқираб кетаверади. Ўрганмаганман-да. Сиз шаҳарликсиз-а?

— Ҳа, — деди қиз. — Умримда биринчи марта далани кўришим. Сиз қаердансиз?

— Самарқанддан...

— Самарқандда пахта йўқми? — деди қиз хайрон бўлиб.

— Бизнинг районда йўқ-да.

— Пахта экилмайдиган район ҳам борақан-да-а. Мен Ўзбекистоннинг ҳамма жойида пахта экилади. Фақат Тошкентда йўқ бўлса керак, деб ўйлардим. Отингиз нима?

— Саъдулла. Сизники-чи?

— Феруза. Бир гуруҳда ўқиб бир-биримизнинг отимизни энди биялпимиз-а. Қанақа китоб ўқияпсиз? — Саъдулла китобнинг муқовасини кўрсатди. — «Ўтган кунлар». Қизиқ эканми?

— Ўқимаганмисиз?

— Йўқ, киносини кўрганман.

— Ёққанми?

— Унчамас, — деди Феруза лабини буриб.

— Шунинг учун китобини ўқиш керак. Китоби зўр. Кинода қисқартириб ташлашган.

— Китоб ўқиш унча ёқмайди. Кинога қизиқаман. Айниқса детектив фильмларга.

— Китоб ўқиш ёқмаса қандай қилиб ҳуқуқшунос бўласиз?

— Нима, юристлар китоб ўқиши шарт эканми? Мана, мани адам юристла, ҳеч ҳам китоб ўқимайдилар.

— Ёшлигида ўқигандир-да.

— Кеча нормани бажардингизми? — деб гапни бурди Феруза.

— Қаёқда, — кулди Саъдулла. — Мен икки кунда бир кунлик нормани базўр эплайман.

Феруза қаҳ-қаҳлаб кулди. Унинг кулиши чиройли экан.

— Сиз ҳам ўзимиз қатори экансиз-да, — деди у кулгисини зўрға тийиб. — Ким нормани бажармаса, университетдан ҳайдаймиз, дейишди, ростми шу?

— Ким билади дейсиз. Ҳайдашса ҳайдашар... Ёки биз ҳам баъзиларга ўхшаб сотиб олсакмикан?

Бу гап Ферузага жуда қалати туюлди. Икки бошли бузоқ кўргандай ҳайратга тушди.

— Сотиб оласиз? Пахта сотадиган жой борми?

Саъдулла қизнинг соддалигини сезиб бир завқланди, бир ачинди. «Бу гапларни у қаердан билсин. Отанасининг иссиқ қучоғида еб-ичиб, хоҳлаган нарсасини кийиб юрган қиз-да. Дунёда бунақа ташвишлар ҳам борлиги хаёлига келармиди. Пахта сотадиган жой борми дейди-я. Илгари ўқитувчиларимиз ҳам қанчадан-қанча пахта сотиб олишарди-ку!»

— Бор, — деди ҳазиллашиб.

Феруза чиппа-чин ишонди.

— Килоси қанчадан? Мангаям олиб беринг.

Энди Саъдулла хахолаб кулиб юборди.

— Қизик экансиз-ку сиз. Мен ҳазиллашяпман.

— Биздан бошқаям нормасини бажаролмаётганлар бордир, — деди Феруза.

— Бўлса керак. Ёки икковимизни ҳайдаб юборишармикан-а?

Гўё бугун кечқурун ҳамманинг олдида мана булар кунлик нормасини бажармади, деб уялтиришадигандай, ҳатто ўқишдан ҳайдаб юборишгандай туюлди Ферузага. Юраги шиғиллаб, юзлари қизариб кетди.

— Инсоф қилишар-э, — деди Саъдулла ҳам ўзига, ҳам қизга таскин бериб.

Бир оздан сўнг ёнма-ён эгат оралаб кетишди. Феруза чап қўли билан гўзани бир томонга эгиб, ўнг қўли билан пахтани олар эди. Саъдулла энгашиб пахта терган кўйи қизнинг ҳаракатларини кузатди. Кулгиси қистади. «Менданам баттар экан-ку. Бу аҳволида кечгача йигирма килоям теролмайди». Бу фикрини Ферузага айтмади. Кулмади ҳам. «Кўнглига олиши мумкин. Ўзи-ку кам терганидан юрагини ҳовучлаб юрган

экан. Ҳозир мен кулсам — тамом, мазаси қочади шўрликнинг».

Саъдулла унга яқинроқ борди.

— Мунақа қилиб терманг, — деди хайрихоҳлик билан. — Бу аҳволда албатта кўп териб бўлмайди-да. Мана, менга қаранг, икки қўллаб олинг.

Саъдулланинг қўллари бири этакка келса, бири чанокқа чўзилар, хуллас, навбатма-навбат бориб келарди.

— Ғўзапояни бир томонга эгиб турмаса қанақа қилиб очилган пахтани олиб бўлади? — деди Феруза.

— Ўрганинг-да шунга. Бир қўл билан иш битадим.

Шу кун кечгача бирга теришди. Баъзи қизлар Ферузага қараб-қараб қўйишади. Бу қарашларнинг маънисини Ферузага ҳам, Саъдуллага ҳам аён. Аммо иккалови ҳам эътибор бермади.

Ётоқхонага гурунглашиб қайтишди.

Улар эртаси ҳам, ундан кейин ҳам бирга теришди.

Бир кун Саъдулла сал истиҳола билан қизга деди:

— Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим. — Қиз унга юзланди. — Бундай кузатсам, қизлар билан кам юрасиз, кам гаплашасиз. Уларнинг орасида дугоналарингиз йўқми?

Феруза кулди. Дарҳол жавоб бермади. Бир неча қадам жим кетишди. Ҳар иккаласи ўз хаёли билан бад. Саъдулла: «Назаримда, ноўрин савол бердим чоғи. Оғир ботдим...» Феруза: «Нима десам экан? Тўғри тушунармикан?»

— Ҳали қизлар билан яқинроқ танишиб олганимиз йўқ, — деди ниҳоят Феруза. — Ундан кейин, биласизми, негадир менга қизларнинг давраси унча ёқмайди.

Саъдулла ажабсинди.

— Нимага?

— Ажабланарли-а? — деди Феруза кулиб. — Лекин шунақа. Биласизми, улар доимо бир хил нарса — кийим-кечак, тақинчоқлар тўғрисида гаплашишади. Шунақа гаплар унча ёқмайди менга... Бўш қолишса магазинга чопишади. Келган кунимиз ҳаммаси қишлоқ магазинига югуришди. Уларда нима бўларди. Умуман, магазинлардан очиқ ҳолда тузукроқ нарса топиш маҳол.

— Сизнингча ҳамма нарсани таниш-билиш орқали олиш керакми?

— Бўлмасам-чи. Масалан, мани адамла шундай қила-дилар. Тузукрок нарса топиш учун таниш керак.

Қош қорайиб, одам одамни танимайдиган бўлиб борар, фарб томондан майин шабада эсарди.

Улар ётоқхонага яқинлашиб қолган эдилар.

III

Чўнтагидан хат чиққандан кейин Саъдулла ҳаловатини йўқотди. Ётганда ҳам, турганда ҳам, пахта тераётганда ҳам шу хатни — Салимани ўйлайди.

Салима!

Унга нима деб хат ёзса экан? Мен ҳам сени севаман, десинми? Бирдан шундай ёзса бўлармикан? Ёки биронта жўрасидан сўрасамикан? Йўқ, бунақа нарсани бировга айтмагани маъқул. Кейин ҳаммага дoston бўлиб кетади. Салимага ҳам яхши бўлмайди. Ота-онаси, акалари қулоғига етса — чатоқ. Яхшиси, ўзи ўйлаб кўради. Китобларда ўқиган-ку. Қайси китобда эди? Ҳа, эсига келди: «Ёдгор»да. Саодат Жўрага, Жўра Саодатга хат ёзади. Ана шунга ўхшатиб битади.

Эрталаб ҳеч кимга биддирмай пахтазорга ручка билан дафтар олиб кетди. Бир оз терди-ю, кейин ўзини кунчиқардаги тутзорга урди. Тутзор ичида кўксини пахтасига босиб ётганча хат ёзишга тутинди.

«Салима! Хатингни оддим. Раҳмат...» Бу ёғига нима дейиш керак? «Мен ҳам сени севаман...» Ўйланиб қолди: «Севаманми ўзи? Китобларда ёзишади-ку, фалончи севгилисини кўрганга юраги гуп-гуп уриб кетди, деб. Салиманинг хатини ўқиганимда менинг ҳам юрагим гупиллаб урди-ку». Беихтиёр чўнтагига қўл солди. Ҳалиги хат чиқди. Шу заҳоти юраги гуп-гуп ургангани сезди. «Хатига шунча, ўзини кўрсам, ёлғиз учратсам нима бўлар экан? Юрагим қинидан чиқиб кетмасайди... Демак, севги дегани шудир-да...» Ўйлаб-ўйлаб хатини давом эттирди. «Мен ҳам сени севаман... Бугун...» Бугунми? Йўқ, бугун эмас, эртага дейин... «Эртага кеч-қурун овқатланиб бўлганингдан сўнг ариқ ёқасидаги катта тутнинг тагига чиқасанми?... Саъдулла».

Хатни буклаб киссасига солди. «Энди буни қандай қилиб берсам экан? Синглимга айтсамикан? Йў-ўқ, битта-яримтаси кўриб қолса расвоси чиқади. Ўзини ёлғиз учратишим керак. У қаердан теряптийкан?»

Пахтазор ораляб кетди.

Ҳув нарида — картанинг охирида қизлар кўринди. Шуларнинг орасида йўқмикан? Бирдан... тўғри келмас. Аста-секин, пахта тергандай бўлиб боради.

У қатордан, бу қатордан бир чаноқдан олиб қизлар томонга юрди. Уларга яқинлашганда қизлардан бири гап ташлади:

— Ҳа, партизан! Нимага бир эгатдан термай ёнла-масига оралаб юрибсан?

Саъдулла сир бой бермади.

— Ҳадеб бир томондан териш одамни ичини қизитиб юборди. Шунинг учун кўндалангига термоқчиман.

Нигоҳи Салимани изларди. Ана, уни топди. Салима қизларнинг нариги томонида, бошини қизил рўмол билан танғиб, эпчиллик билан пахта терарди. У гўё Саъдуллани кўрмас, унинг келганига эътибор ҳам бермасди.

«Нима қилиш лозим? Хатни қандай қилиб бериш керак?» Бу муаммога Саъдулланинг ақли етмас, аламини пахтадан олмоқчидай жадал терарди.

— Хўш, қизлар, — деди Саъдулла уларга ҳазиллашиб. — Энг кўп терганларинг киму, энг кам терганларинг ким?

— Нима қиласан? — деди ўзи билан ўқийдиган Ҳалима. — Кам терганга ёрдам берармидинг?

— Ў-ҳу, ишгаҳанг карнай-ку. Энг кўп терган қиз менга ёрдам берсин, демоқчиман.

— Ҳо-о, мунча яхши, — деди яна Ҳалима. — Сизга ёрдам берайликми? Ўзлари-чи? Йигит киши қизлардан ёрдам сўрагани уялмайсанми?

Саъдулла бўш келмади.

— Пахта териш қизларнинг иши-да. Бошқа иш бўлса мен ёрдам беришим мумкин эди.

— Ҳо-о, ёрдам берасан-а, — деди қизлардан яна бири. — Фақат бировдан юлишни биласан.

Ҳамма баравар кулиб юборди. Салима ҳам кулди. Саъдулла зимдан уни кузатарди. Салима унга қарамас, бироқ кўнгил кўзлари Саъдуллани кузатаётгани аниқ эди.

— Жа нима бериб қўювдинг менга? — деди Саъдулла бояги қизга. Кейин у битта чаноқ юлиб, Салима томон йўналди. Салима ҳам қизлардан икки эгат нарига ўтди. Саъдулла ёнлаб бораркан гўё ерга тўкилган пахтани олган каби энгаши-да, букланган қоғозни секингина Салимага отди. Қиз ҳам сезгирлик қилди.

Қорозни пахтага қўшиб олди-да, этагига ташлади. Юзи дув қизарди.

— Шундай қилиб, ёрдам бермайсизларми. Майли бўлмаса, мен кетдим. Ўзим бир кунимни кўрарман.

— Бор-бор, — деди Ҳалима. — Йўлингдан қолма. Агар пахтаг кўпайиб кетса, бизга илинарсан.

Саъдулла кула-кула илгарилади.

* * *

Эртаси куни кечқурун ҳатда тайин қилинган жойга — тут тагига ҳовлиқиб-ҳаяжонланиб келди. Қайдадир чигиртка чириллайди. Ариқ ёқалаб ўсган қамишлар бир-бирига ишқаланиб гиш-гиш этган овоз чиқаради.

Саъдулла аланг-жаланг. Диққати кўпроқ Салима келадиган томонда. Ундан дарак йўқ. «Чиқмасмикан? Кеча оқшом чой олаётганда бораман деган маънода бош ирғовди-ку... Балки дугоналаридан айрилиб чиқиши қийин бўлаётгандир. Мендан ҳам сўраши-ку. Қиз боланинг ёлғиз ўзи чиқиб кетиши осонми?..»

Чап томондаги ёлғизоёқ йўлдан кимдир келаётгандай бўлди. Саъдулла ўша томонга ўтирилди. «Келяпти...» Унинг юраги қинидан чиққудай гупилаб ура бошлади. Лекин билсаки, бошқа: шу қишлоқлик бола экан. Қайси куни мактаб стадионида бирга футбол ўйнаган эди. У Саъдуллани кўриб чўчиб тушди.

— Саломалайкум, — деди кейин бақириб.

Саъдулла саломга алик олиш ўрнига уни саволга тутди:

— Нима қилиб юрибсан кеч бўлганда?

— Сигиримизни қидириб юрибман. Подадан келмади, — деди бола.

— Бу ерда сигир нима қилади? — деди Саъдулла энсаси қотиб.

— Ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда якка?

«Жуда эзма экан-ку! Сигирни ахтармайдими ундан кўра».

— Ўзим, шундай айланиб юрипман.

Бола кетди.

Шамол бир оз зўрайди. Қамишлар шиф-шиф этади. Узоқдан бойўғлининг овози эшитилди. Саъдулланинг юраги шувиллаб, ичи музлаб кетди. У бойўғлидан жуда кўрқарди. Умуман битта ўзи кечаси юришдан чўчийди.

Ҳозир ҳам юраги така-пука урди. «Келмайди шекилли. Кетаман... Йўғ-э, пича кутай, ана, тагин бир шарпа...»

Келувчи икки қадамлар нарида тўхтади.

— Салима!

Салима аввал йигитга термидди, кейин бирдан юзини ўтирди. Жойида тек қотди.

Саъдулла унга томон юрмоқни, бориб унинг қўлларида ушламоқни хаёл қилди. Аммо... аммо оёқлари зилдай оғир, уларни кўтаролмас, жойидан қимирлатолмас эди.

— Салима!..

Хитобини Салима эшитдими-йўқми — номаълум. Чамаси ўзига ҳам аниқроқ эшитилмади. «Салима» дея олдимиз ёки демоқчи бўлдимиз — билолмайди. Бутун томирларидаги қон бошида тўплангандай эди. Ажабо, туш кўряптими, хаёл суряптими? Тасавури хиралашган, фақат кўкси темирчининг босқонидек гупилаётганини ҳис этарди, холос.

Қиз ҳам қимир этмайди. Оралари атиги икки қадам, балки ундан ҳам яқин, аммо...

Бу оқшомни Саъдулла қанча кутди. Кеча куни билан орзиқди, тун бўйи мижджа қоқмади. Бугун эса кеч тушгунча роса бўлари бўлди. Тезроқ у билан ёлғиз, юзма-юз учрашмоқ хаёли билан яшади. Энди эса... Мана, тилагидаги қиз, интизор кутгани ёнида. Шундай қўл узатса етади. Лекин узатолмайди. Қўллари гўё шол, оёқлари кесак!..

Шаксиз, қизнинг нигоҳида ҳам бир дилгирлик, бир интиқлик акс этган эди. Ахири у недандир тамом тоқатсизланди. Қайрилиб йигитга хуморваш бир қараш қилди. Ҳамон ҳайкалдек қотган йигитдан садо чиқармагандан сўнг у сўқмоқ бўйлаб югуриб кетди.

Ўтлар шитирлашидан йигит ўзига келди. Бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Салима! Хатингни кутаман!

IV

Қишлоқдан қайтгач, Саъдулла бир неча кунгача гарангсиз юрди. Биров гап сўраса «ҳа» ё «йўқ» деб қисқа жавоб беради, холос. Дарсда ҳам жим ўтиради. Илгари ўқитувчиларга савол берар, умуман, дарсхонада ўтиргани сезилиб турарди. Энди эса у гўё дарсда

йўқдай. Буни курсдошларигина эмас, ўқитувчилар ҳам пайқашди.

Фалсафадан доцент Қулматов маъруза ўқийди. Жуда хушчақчақ одам — ўзи гапириб ўзи кулади. Талабалар билан ўртоқларидай бемалол, очиқ суҳбатлашади. Шу боис талабалар ҳам унга ўзларини яқин оладилар.

Шу ўқитувчи бир куни сўраб қолди:

— Примов, соғлигингиз жойидами?

Саъдулла ҳайрон. Нега бундай деб сўраяпти домла?

— Дарсда борингиз ҳам, йўғингиз ҳам билинмайди, — деди Қулматов. — Илгари жа савол беришга ўч эдингиз. Шунинг учун сўраяпман-да мабодо бетобми-сиз деб.

Болаларга қўшилиб Саъдулла ҳам зўрма-зўраки жилмайди.

— Соғлигим яхши, домла, — деди хаста овозда.

— Ишонмадим. Овозингиз базўр чиқяпти.

Дарсдан кейин бир-бир босиб ўй суриб кетаётган эди, ёнида қиз бола туфлисининг бир маромдаги тақтуки эшитилди. Кўнгли бир нарсани сизди, лекин ўғирилиб қарамади.

— Саъдулла!.. — Бу Феруза эди. — Қаёққа кетяп-сиз?

— Уйга, — деди Саъдулла.

Феруза унинг пинжига киргудек яқинида одимларди. Йигитнинг юзига термилди. У ҳам қаради. Ферузанинг нигоҳида теран бир самимият, ҳатто ўзига нисбатан меҳр туйғусини сизди.

— Йўқ демасангиз кинога борайлик, — деди Феруза.

Саъдулла курсдош қизлар билан кинога кўп тушган. Аммо бирон қиз билан ёлғиз кирмаган. Феруза ҳам доим кўпчиликка эргашиб борган. Бутун эса... Нега бу фикрга келди экан?

— Қўрқмайсизми?

— Кимдан?

— Айтайлик мендан...

— Йўқ, — деди Феруза, — мен ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Сиздан эса бутунлай. — Саъдулла нимадир демоқчи бўлганди, Феруза оғиз очирмади. — Чунки сиз ҳеч қачон бировга ёмонлик истамайсиз.

— Ў-ҳў, жуда мақтаб юбордингиз-ку. Шунчалик зўрлигимни билмас эканман.

— Кулманг, — деди Феруза жиддий қиёфада. — Ман ҳазиллашаётганим йўқ, рост айтяпман...

Соат олтида Санъат саройининг олдида учрашадиган бўлишди.

Саъдулла ётоқхонага бориб овқатланар экан, Ферузанинг гапларини ўзича таҳлил қилди: «Мақсади нима? Нега энди ўзи келиб мени кинога таклиф этди?.. Сен ҳам қизиқ одамсан-да, Саъдулла. Хўш, таклиф қилса нима бўпти. Ахир уч йилдан бери бир аудиторияда бирга ўқийсан. Кинога борсанг нима қипти? Нега энди буни бошқача талқин қилиш керак? Нима, йигит билан қиз дўстлашиши, кинога бориши, суҳбатлашиши мумкин эмасми? Аввал у таклиф этса нима бўпти? Қиз болалиги — айбми? Эҳтимол қизлар билан кинога тушишни хоҳламас. Ўзи айтувди-ку, менга қизларнинг давраси ёқмайди, деб. Хараактери шунчадир-да... Балки менинг ҳолатимни тушунгандир, ниманидир сезгандир. Қишлоқдан келаётиб метрода учратганимда уйдагилар тинчми, деб сўровди. Ҳар ҳолда ҳушёр, сезгир қиз».

Йигитчилик-да, хаёли энди бошқа томонга оғди: «Қанча йигитлар орқасидан эргашиб юради, биламан. Пахтадаям нечтаси шилқимлик қилди. Биронтасига сўз бермайди. Шартта қайириб ташлайди... Унақа енгилтак қизлардан эмас... Сени эса ўзи кинога таклиф қиляпти...» Бу фикридан ўзича гурурланиб қўйди.

Кино бошланишига ярим соат бор эди. Шошилмай иккинчи қаватга кўгарилишди. Музқаймоқ олиб бир чеккага — дераза олдидаги столга бориб ўтиришди.

— Сиздан бир нарса сўрамоқчиман, — деди Феруза.

— Марҳамат, — деди Саъдулла такаллуф билан.

— Тўғриси айтинг, нега уйингизга бориб келганингиздан бери кайфиятингиз яхшимас? Илгарилари қишлоқдан жуда хурсанд қайтар эдингиз.

«Демак, мени кузатиб юрар экан-да». Саъдулла хаёлидан кечган бу фикрни қизга билдирмади. Ўзини хотиржам тутишга интилди.

— Қайси куни метрода ҳам сўровдингиз.

— Эзмалигим учун узр, — деди Феруза.

— Йўқ-йўқ, мен бошқа маънода... — деди Саъдулла ўнвайсизланиб. — Курсдошлардан биронтаси сўрамади-ю, сиз икки марта қизиқдингиз. Бировнинг кайфияти сизни лоқайд қолдирмас экан.

— Ахир биз ҳуқуқшунос бўлмоқчимиз-ку.

Иккови ҳам кулди.

— Биласизми, Феруза, айтарли муҳим гап йўқ. Одам бўлгандан кейин ҳар хил ҳолатта, кайфиятга тупиши табиий. Шунинг учун ҳозир бу ҳақда гаплашиб ўтир-масак. Мавриди келса ўзим ҳаммасини айтиб бераман. Аммо сиздан миннатдорман.

— Қўйсангиз-чи. Бирга ўқисак, бир неча йилдан бери бир-биримизни билсак-да, аҳволинг қалай, деб сўраш хаёлимизга келмаса. Одамгарчиликданми шу?..

«Бу қизни тушуниш қийин. Бир қарасанг, баланд-парвоз, унча-мунчани менсимайди. Дунёнинг борди-келдиси билан иши йўқ. Бир қарасанг, жуда одамохун, меҳрибон, куюнчак...»

— Раҳмат сизга Феруза.

Томоша вақти яқинлашди. Бетоқат одамлар ҳозиргина очиб қўйилган эшик сари ёпирилишди.

Улар ҳам оқимга қўшилиб кетдилар...

Кинодан чиқишганда қоронғи тушган, майдалаб ёмғир ёғарди.

— О-о, зўр-ку! — деди Феруза хурсанд ҳолда. — Пиёда кетамиз-ми? Мен ёмғирда яёв юришни яхши кўраман.

Ёмғир ёғаётганини кўриб Саъдулла, барибир Феруза уйига шопилади, такси-пакси тўхтатиш керакми, деб ўйлаганди. Қизнинг бу гапидан кейин фикридан қайтди.

— Майли, — деди у. — Менга ҳам ёқади пиёда юриш. Фақат устингиз ҳўл бўлиб кетмаса бас. Соябон ҳам олмаган экансиз.

— Ёмғир ёғишини ким билибди дейсиз. Боя қандай иссиқ эди. — У Саъдулланинг тирсагидан ушлаб олди ва пинжига кирди. — Мана бундай қилиб панангизда кетаман.

Чироқлар ёруғида кўчалар шишадек ялтиллайди. Феруза туфлисининг миҳ пошнаси бетон саҳнига тақ-туқ этиб урилар, Саъдулла худди бу товушларни санаётгандек, жим борар эди.

Навоий кўчасига чиқиб, Ўрда томонга буридилар.

— Ёмғир ёққани яхши бўлди, ҳавони тозалайди. Қаранг, қандай маза.

Феруза ёш боладай севинар, ёмғир сувини ичмоқчидек, осмонга қараб оғзини очарди.

— Албатта, — деди Саъдулла. — Ёмғирга нима етсин. Бутун чанг-ғуборларни ювиб кетади.

Анҳорнинг кўпригига борганда уларнинг устлари бўккан, ҳурпайиб турган сочлари аллақачон пешоналарига чиппа ёпишиб қолган эди. Аммо автобус ёки таксига чиқиб икковининг ҳам хаёлига келмасди...

V

Ўқишлар тутаб, ёзги имтиҳонлар бошланди.

Бундай кунларда талабаларда уйқу камаяди. У сессиядан бу сессиягача китоб ўқиш, дарс тайёрлаш учун ҳеч ким кунт қилмайди. Ҳа, ҳали вақт бор-ку, деган ўй билан бемалол юришади. Сессия бошлангандан сўнг эса ҳаммалари оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишади.

Бу «касал»дан Саъдулла ҳам фориғ эмас. Аҳволи доим шу: синов ва имтиҳонлар қаланиб келганда қайси фандан тайёрланишни билмай боши қотади.

Эртага имтиҳон эди. Шу сабабли китобга мук тушди, тушгача қимирламай ўқиди, айрим нарсаларни конспект қилди. Охири боши оғриб, чарчаб кетди. Китобларни йиғиштириб стол устига ирвитди.

Каравотга чўзилиб китоб ўқиб ётган ҳамхонаси Чори ажабланди.

— Ҳа, жўра, — деди у кулиб. — Нима гап, тинчликми?

— Бош арининг уясидай ғувиллаб кетди. Етар шунча ўқиганимиз. Юринг, бир кўчаларни айланиб, калла ни шамоллатиб келамиз. Қолганини кечқурун ўқирмиз.

Чори жойидан қимирламади.

— Кўчага чиқсам бўлмайди, жўра.

— Нима? Бир оз дам олиб қайтамиз.

— Йўқ, — деди Чори. — Кўчага чиқсак уни кўрамиз, буни кўрамиз. Биз кружкадан пиво ичгимиз келади. Шу билан қоп кетамиз. Эртага тагин ҳолимизга маймун йиғдамасин.

Саъдулла кийина бошлади. — Бўлмаса мен кетдим. Сал айланиб келаман...

— Ўзи сизни кейинги пайтларда тушунмай қоляман, — деди Чори китобдан бошини кўтармай. — Қандайдир хаёлпарастсиз, ўн гапирса, бир гапирмайсиз.

Уйда кам ўтирасиз. Нима бало, биронтасини топдингизми ё?

Саъдулла сир бой бермади. Ўзини хотиржам тутди.

— Билмадим, сизга шундай туюлаётгандир-да... Майли, бир-икки соатда қайтаман, — деб чиқиб кетди.

Феруза уйининг телефон номерини берганига анча бўлди. Аммо Саъдулла бирон марта ҳам кўнғироқ қилмаган. Балки ҳозир... «Уйида бўлса чақираман. Келса, бирга кинога тушамиз, бир оз айланамиз. Йўқ деса — йўқ-да. Мендан нима кетди».

Ўрдада автобусдан тушди. Телефон-автоматта кириб рақам терди. Аёл кишининг «Алё» деган овози эшитилди. Саъдулла бир зум гангиб қолди. Унгача яна «алё, эшитаман» деган овоз келди. «Онаси», деди ичидан, қони қизиб, сўнг ўзини тутиб олди-да, Ферузани сўради. Бахтига у уйда экан...

— Салом, Феруза, бу мен...

— Танидим. Салом, яхшимисиз?

— Раҳмат. Ўзингиз қалайсиз? Кечирасиз, агар вақтингиз бўлса кўчага чиқмайсизми? Бир оз айланамиз, балки кинога тушамиз.

— Эртага имтиҳон-ку.

— Ҳа, менам бир оз ўқидим. Кейин зерикиб кўчага чиқдим... Ўйлаб-ўйлаб сизга телефон қиляпман. Санъат саройида яхши кино кетаётган экан.

Феруза бир оз жим қолди.

— Консултация дедингизми? Соат неччида экан?

Саволлар Саъдуллани хайратта солди. «Консултация? Тавба!»

— Соат иккида? Кеча айтишмовди-ку...

Қизнинг ниятини Саъдулла энди тушунди. Бироқ ўзи қаердан кўнғироқ қилаётганини айтмади-ку. Қиз бечора онасининг олдида сўролмаяпти.

— Мен Ўрдадан, — деди овозини сал пасайтириб. — Бекатда кутаман.

— Албатта бораман. Яна имтиҳонда ўқитувчи консултацияга келмадинг, деб бошни қотирмасин. Телефон қилганингиз учун раҳмат.

Саъдулла телефон дастагини жойига илди-да, бир қониқиш билан ташқарига чиқди. Нечундир кулгиси қистар, оёқ олишлари енгил эди. Ҳамма нарса гўзал, яхши кўринар, куннинг иссиғи ҳам билинмасди. «Қанча вақтда келар экан? Уйи яқин-ку, дарров келса керак...» Соатига қаради: бир ярим. Иккигача келади.

Бекатга борди. Ўриндиққа ўтирди. Аммо узоқ ўтиролмади. Дорихона томонга юрди, орқасига қайтди. Акси-га олиб газета дўкончаси ҳам ёпиқ эди. Очиқ бўлса биронта газетами, журналми олиб эрмак қиларди. Сотага қаради. Бунча имиллайди-я? Энди ўн минут ўтибди.

Бекатдаги ўриндиққа ўтирди-да, ўтган автобус-троллейбусларни бетоқат санай бошлади.

Ниҳоят, у енгил нафас олди: навбатдаги троллейбуснинг олдинги эшиги шундоққина рўпарасига тўғри келди ва у шарақлаб очилиши билан Феруза тушди.

Ферузанинг эғнида юпқа шифон кўйлак, оёғида қимматбаҳо бежирим шиппак. Елкасига тушган қоп-қора қалин сочи ўзига ярашар, бўялган қош-кўзлари алланечук сирли-ишвали эди. Феруза пардоз-андозни жойига қўяр, шу боис атир-сурмаси, упа-элиги ғашни келтирмас, аксинча ҳавасланиб, суқ билан боқишга мажбур этарди.

— Хўш, — деди Феруза кулиб, — консултация қаерда экан? Санъат саройидами? Қайси мамлакат фанидан бўларкан? Ҳиндистонми ёки Италия?

— Борайлик-чи, биламиз-да, — унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди Саъдулла. — Қайси мамлакат фанидан бўлсаям кўраверайлик, зарар қилмас. Менимча, консултацияга киришдан аввал музқаймоқ ейиш керак. Кун жуда иссиқ, одам чанқаб кетяпти.

— Ўша ерда бордир...

Санъат саройи томон юришди.

— Ҳазил-ҳазил-ку, аммо эртага нима қиламиз? — деди Феруза. — Мен ҳали тузукроқ ўқиб чиқолмадим. Тайёргарликнинг мазаси йўқ. Сиз-чи?

— Бир гап бўлар. Шунча вақтдан бери топшириб келяпмиз-ку. Кинодан чиққандан кейин қолганини ўқиб олармиз. Хоҳласангиз биргаликда тайёрлаймиз.

Феруза ялт этиб қаради:

— Нималар деяпсиз? Кеч қолсам, ойим ўлдирадилар. Олти-еттиларгача келаман, деганман.

— Консултация чўзилиб кетди, дейсиз.

Иккови ҳам кулди.

— Йўқ, — деди Феруза. — Ёлгон ҳам эви билан-да. Ойим ҳечам ишонмайдилар.

Саргузашт фильм экан, анчагина ҳузур қилишди.

Ферузани кузатиб қўйиб, ётоқхонага қайтганида соат саккизга яқинлашиб қолганди.

Чори ҳамон каравотга чўзилганча сабоқ билан машгул...

— Жуда қаттиқ киришибсиз-ку, — деди Саъдулла. — Шу ётганча ҳалиям турмадингизми? Эртага бешни қотираркансиз-да.

— Ўзлари бир-икки соатда келаман, деб кетувдилар.

— Кўчага чиққандан кейин биласиз-ку.

— Нима девдим... Хат келди сизга.

Саъдулла столдан хатни олди. Холматдан экан. Юраги шувиллаб кетди.

«Салом, Саъдулла жўра!

Ўқишларинг қалай? Тошкент жононларига тўйиб юрибсанми?»

Жўра, биласан, тўйни августга мўлжаллаган эдик. Лекин баъзи сабабларга кўра тезлаштиришга тўғри келиб қолди. Ўнинчи июль куни оқшом тўй. Тўрт-бешта жўраларингни олиб кел...»

Хат давомини ўқиёлмади. Бўшашиб каравотга ўтирди. Унинг ранг-рўйини кўриб Чори ҳайрон бўлди, хатто кўрқиб кетди.

— Тинчликми, Саъдулла? Ота-онангиз соғ-омонмикан?

— Тинчлик... — деди Саъдулла базўр.

Хат сирғалиб қўлидан тушди. Чори уни олиб ўқиди. Лекин ҳеч нарсага тушунмади.

— Жўрангиз тўйга таклиф қилпти...

Саъдулла портлади.

— Бас!

Улар уч йилдан бери бир хонада яшайди. Ҳеч қачон сан-манга боришмаган. Саъдулла жуда вазмин, босиқ, кечиримли характери билан Чорига маъқул эди. Кўпинча унга ҳаваси келар, ҳар қандай шароитда ўзингизни тия оласиз, деб унинг иродасига тан берарди. Ҳозир эса... Демак, жиддий бир гап бор. Шу сабаб Чори унинг бақирганидан ранжимасди. Хатни столга қўйди-да, аста каравотига ўтирди. Саъдулла кафтларини юзига босди. Аъзойи бадани титрарди. Худди совуқда жунжиккан одамга ўхшарди. Чори унга таскин беришни, уни овутишни ўйлар, аммо бунга ожиз эди. Бинобарин, гап нимада эканлиги унга мутлақо қоронғи.

Саъдулла маст одамдай гандираклаб ўрнидан турди. Ниманидир қидирди. Чори сўрамоқчи бўлди, бироқ

ботинолмади. Саъдулла хатни майда-майда қилиб йиртиб ташлади.

— Чори! — деди кейин дўстига қараб. — Ароқ йўқми? Ичгим келяпти. Ичим ёниб кетяпти!..

Чори унинг елкасидан кучди.

— Саъдулла, ўзингизни босинг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзингизни қўлга олинг. Мен сизни таниёлмай қолдим.

— Қандай қилиб чидаш мумкин ахир бунга?! Озгина ароқ топсангиз-чи...

Бундай ҳолда ичкилик одамни тамом ғуссага кўмади. Буни Чори билади. Шунинг учун ҳозир, нима бўлганда ҳам, Саъдуллани фикридан қайтариш, совитиш керак.

— Шу сабилдан топамиз, майли. Лекин нима гап ўзи? Сал тушунтирсангиз-чи, ахир.

— Чори! Дўстим, Салима...

У тутиди, томоғига нимадир тикилди.

«Салима... Салима бунинг яхши кўрган қизи. Иккови бир-бирига хат ёзишади. Суратини ҳам кўрсатган менга. Қишлоққа ҳар гал борганида у билан учрашади. Келиб, менга оғзидан мой томиб гапириб беради... Нима бўлди экан унга? Демак, у бошқа бировга турмушга чиқяпти чоғи. Шу хат ёзган йигит шунга уйланяптими-кан...»

Ана шу мулоҳазаларни дилидан кечираркан, Чори юрак ютиб деди:

— Нима, Салима...

— Ҳа, Салима. Салима ўлди... ўлди...

— Ўлди?!

— Ўлди! Йўқ, кошки эди ўлса, кошки эди...

«Ҳаммаси тушунарли. Ўзим ўйлаганим — Салима манови хатни ёзган йигитга турмушга чиқяпти. Бечора Саъдулла, оғзидан Салима тушмасди-я... Нега бундай бўлди экан? Хатта қараганда, Холмат билан жўрага ўхшайди. Дунёнинг ишларини тушуниш қийин, одам боласининг ақли етмайдиган нарсалар кўп бу оламда...»

— Ўзингизни босинг, Саъдулла, — деди Чори. — Ҳаммаси ўтиб кетади. Кўп куюнманг, бунақада совлингизни йўқотасиз...

Ўша куни ярим тунгача иккови гаплашиб ётди. Э-ҳе, нималар, кимлар ҳақида суҳбат кетмади.

Чори охири мақсадга ўтди.

— Хўш, ҳаммаси майли, аммо Салиманинг бундай қилишига сабаб нима? Сизни яхши кўрса, сиз уни яхши кўрсангиз...

Саъдулла ўйланиб қолди.

— Аниқ сабабини билмайман, — деди сўнгра. — Ҳар кимнинг кўнгли...

— Ҳар ҳолда бирон-бир сабаби бордир ахир.

— Биласиз, мен уч йилдан бери Тошкентдаман, онда-сонда бир бораман... У билан ҳам кам учрашамиз, фақат хат ёзишамиз... Холмат ўша ерда... Ундан кейин, мен оддий бир колхозчининг ўғлиман, Холматнинг отаси раис...

— Шундай демайсизми... Гап бу ёқда экан-да.

Оғир сукунат чўқди. Иккови икки каравотда жим ётибди.

Ташқарида шамол эсди. Нимадир тарақлаб кетди. Бир оздан сўнг дераза тиқир-тиқир этди.

Чори ётган жойида деразага ўгирилиб қаради:

— Ёмғирми? Ие, ёмғир ёвяпти... Шу пайтдаям ёмғир ёғадими...

Саъдулла индамади. Назарида, дунёнинг баъзи ишларига осмон ҳам чидай олмай кўз ёши тўкарди...

Ёмғир тезлашди...

VI

Кечки пайт экан. Саъдулла қишлоқ устидан ўтаётган йўлдан қаёққадир бораётган эмиш. Бир маҳал олдинда катта дарахт кўриништи. Саъдулла ҳайрон бўлиб қараса, Салима билан соясида учрашадиган садақайрағоч эмиш. «Ие, бу қайрағоч бошқа жойда эди-ку, бу ерга қандай қилиб келиб қолди?! деб ўйлапти. Ҳали ўйи охирига етмасдан қайрағоч тилга киришти: «Қанча вақтдан бери сени пойлайман. Ҳеч дарагинг йўқ. Эсингдами, ҳўв бирда келиб мендан гина қилиб кетдинг. Айт, менда нима гуноҳ бор? Нимага мендан ранжийсан?.. Мендан хафа бўлма, болам...»

Саъдулла ҳайратдан ёқа ушлабди. Э, тавба, дарахт ҳам гапирар экан-да. «Мана тил-забонинг бор экан-ку, айтгин эди ўшанга», дебди куюниб. Шу маҳал рўпарасида — дарахт ўрнида бир қиз жонланипти: сочлари ёйилган, этаклари кенг, оёқлари узун-узуну қўллари калта-калта эмиш. Саъдулла чўчиб кетипти. Қиз эса қовоқ солиб бундай дебди: «Мана, хатларинг, ол, ўзингга

сийлов». У бир тўда қоғозни осмонга сочиб юборибди. Кейин орқасига қарамай қочибди, қочибди. Қоронғилик бағрига сингиб кетибди. Саъдулла унинг орқасидан югурмоқчи бўлипти, ammo оёқларини кўтаролмас эмиш. Бақирмоқчи бўлипти, овози чиқмасмиш. Бир маҳал ичкаридан, зулмат қўйнидан кичқириқ эшитилибди: «Саъдулла ака-а-а... Қаердасиз?..» Саъдулла ҳам беихтиёр бақириб юборипти: «Мана мен, бу ерда-ма-ан!»

Саъдулла ўз овозидан чўчиб уйғонди. Юраги гуп-гуп урарди. Бошини сал баландроқ қўйиб ётди-да, ўзини босиб олишга, ҳозиргина кўрган тушини эсламасликка уринди. Столда турган соатни олиб дераза ёруғига солди: ўн минути кам беш. Чори маза қилиб ухляпти. Саъдулла яна хаёлини чалғитишга, бошқа нарсаларни ўйлашга ҳаракат қилди. Ammo ўйи айлана-айлана Салимага келиб тақалаверди.

Кечагидек эсида, Саъдулла талаба бўлиб қишлоққа борган кунлар эди. Қувончи ичига сиғмайди. Яна уч-тўрт кундан кейин Тошкентга — ўқишга қайтиб кетиши керак.

У укасининг велосипедини миниб қўшни қишлоқдаги жўрасининг олдига йўл олди. Йўлни қисқартириш ниятида маккажўхоризор орасидан ўтадиган ёлғизоёк йўлдан ҳайдади.

Шу пайт кимнингдир «Ассалом» деган овозини эшитди. У велосипедни тўхтатди. Сўнг атрофга аланглади. Беш-олти қадам нарида, маккажўхори соясида Салима ўтирарди. Саъдулла велосипедини етаклаб ўша томонга шошилди.

— Нима қилиб юрибсан? — деди Саъдулла дабдурустан.

— Ҳув, анави заяқда молларимиз бойловда эди, шуларни сувориб сояга олиб келяпман. Ўзингиз қаерга кетяпсиз? — Худди тандирда нон ёпаётгандек унинг юзлари қизариб кетган эди. — Табриклайман, ўқишга кирибсиз.

— Раҳмат...Бешқўрғонга боряпман, бировда ишим бор эди. — Саъдулла тиззалари оғриб ўрнидан турди. — Менга қара, юр ичкарироққа кирайлик, бироз гаплашамиз.

— Қўйсангиз-чи. Шу ерда гаплашаверамиз.

Саъдулла қизнинг қўлидан ушлади.

— Тура қол, бу ер ҳам иссиқ, ҳам битта-яримта

кўриб қолса гапни кўпайтиради. Бемалол гаплашамиз, сени соғинганман.

— Алдайсиз, — деди Салима қўзғалиб. — Ҳеч соғинганга ўхшамайсиз. Тошкентда чиройли қизлар кўпдир...

Ўртада сал очикроқ жой бор экан, ўша ерда тўхташди. Саъдулла киссасидан рўмолчасини олиб пуштага солди-да, оёқларини жўяк ичига узатиб ўтирди. Салима унинг ёнидан жой олди.

Маккажўхори барглари майин шабадада аста-секин шитирлайди. Эътибор бериб кулоқ солса худди нола қилаётганга ўхшайди. Шундайгина тепаларида сўфитўрғайнинг «чиев-чиев»лагани эшитилди. Беихтиёр осмонга қарашди. Лекин сўфитўрғай кўринмади.

— Қачон кетасиз Тошкентга?

— Ўттиз биринчида, — деди Саъдулла.

— Энди шу билан қачон келасиз?

— Тез-тез келиб тураман.

Саъдулла қизнинг елкасига қўлини ташлади, у қаршилиқ билдирмади.

— У ерда ҳар хил хушрўй қизларни кўриб, биз қишлоқиларни эсдан чиқариб юборарсиз, — деди Салима.

Кўзлар бир-бирига яқинлашгани сари юрак уришлари тезлашди. Ҳозиргина йўл ёқасида бемалол гаплашётган эдилар, энди бу ерда — ҳеч ким халақит бермайдиган жойда очилиб суҳбатлашиш қийин кечмоқда.

— Нималар деясан... — Саъдулланинг овози титради. — Мен сени ҳеч кимга алмаштирмайман. Сени яхши кўраман, жудаям яхши кўраман.

— Ростми? — деди Салима ноз билан ўзини орқага оларкан.

— Истасанг қасам ичаман.. Сен-чи? Мени кутасанми?

— Бўлмасам-чи. Ҳали беш йил экан-ку, ўн йил бўлсаям кутаман. Мен сизни...

Қиз гапини охирига етказолмади. Саъдулла унинг лабларига лабларини босди...

Қаттиқ-қаттиқ йўталиб Чори уйғонди. Саъдулла ўзини ухлаганга солиб ётди. Чори соатига қаради-да, ирғиб турди.

— Саъдулла, ў Саъдулла, тулинг жўра, кеч бўп кетишти-ку. Тезроқ чой-пой ичиб, борайлик.

Бугун охириги имтиҳон. Имтиҳон олувчи домла шундай инжиқ, шундай мижровки, бутун факультетни жондан тўйдирган. Турдиев деса, ҳамма безиллайди. Шунинг учун Чори ҳам безовта. Гўё эртароқ борса беш кўядигандай. Ҳеч қачон бундай бўлмайди, лекин ҳар ҳолда Чори шу ўқитувчига номаъқул иш қилиб қўйишдан чўчиди. Ким билади, имтиҳондан олдин ким келди, ким келмади, деб суриштириб кўрадим! Юқори босқичдагилардан бир-икки марта шундай қилган экан. Йўқлаган пайтида бўлмаган талабани имтиҳонга киритмапти. Шуям иш бўлди-ю... Ўргилдим катталигингдан... Ўқитувчилару талабалар шундай деб юришади. Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Бу инжиқ тўрам билан гаплашиб, унга бир нарсани тушунтиргунча одамнинг қон босими ошиб, инфаркт бўп қолиши ҳеч гапмас.

Чори ювиниб келди-да, апил-тапил кийина бошлади. Саъдулла шифтга термилиб ётарди.

— Ҳа, ётишингиз бемалол, — деди Чори кулимсираб. — Нима, Турдиевнинг ўзи келиб қўйиб берадимиз сизга.

Саъдулла индамади. Хаёли ҳамон қишлоқда. Бугун тўй. Салиманинг тўйи! Холматнинг тўйи! Бир томондан боши тегирмонтошидай оғир. Бир ой ухламаган одамга ўхшайди. Бу аҳволда имтиҳон топшириб бўладими? Яна кимга, Турдиевга! Шарманчаси чиқиб қайтгандан кўра бормай қўя қолгани маъқул эмасми? Бошқа кун йўлланма олиб боради. Касал эдим, дейди. Аммо Турдиевнинг унча-мунча гапга ишониши қийин. Бир талаба имтиҳонга келмапти-да, беш-олти кундан кейин Турдиевнинг олдига кирибди. «Нега вақтида келмадинг?» деса, «Отам қазо қилиб қолди. Шунга кетувдим», депти бояги йигит йиғидан ўзини базўр тийиб. «Отанг қазо қилди? Маълумотноманг борми отанг ўлгани тўғрисида?» Талаба довдираб қолипти. Отамнинг ўлгани тўғрисида маълумотнома олиб келиш кераклигини мен билмапман, билганимда албатта олиб келардим, деб ўйлапти бечора. Бу гап бутун университетга тарқаб кетган. Шундан бери қайси талаба уйдан қайтса, ҳазил тайёр: «Маълумотнома олиб келдингми?»

Охири Саъдулла имтиҳонга боришга қарор қилди. «Нима бўлса бўлар, таваккал. Яхшилаб совуқ сувда ювиниб, аччиқ кўк чой ичсам сал енгил тортарман.

Бориб кўрай, ўтсам ўтиб кетарман, ўтолмасам, кейин бир гап бўлар».

На совуқ душ, на аччиқ кўк чой фойда берди. Ланжлиги тарқамади, бошининг лўқиллаб оғриши бо-силмади, кеча ароққа бўккан одамникига ўхшаш ка-рахтлиги аримади. Энг ёмони, хаёлини бир зум ҳам чалғитолмади. Миясини дарс, имтиҳон эмас, қишлоқ, тўй, Салима, Холмат банд этди. Имтиҳонга қандай киргани, Турдиев нима детани, қандай савол тушгани — ҳеч нарса ёдида йўқ. Савдойи одамдай кирди, саволларга пойинтар-сойинтар жавоб берди. Турдиев баҳо қўйдими-йўқми — қизикмади. Синов дафтарчасини чўнтагига солиб ётоқхонага йўл олди.

Ётоққа келиб, ечинмай ўзини қаравотга ташлади. Бир оз ётди, аммо ётолмади. У ўзини қаерга қўйишини билмас, ҳеч ерга сиғмасди. Вақт ўтгани, кеч бўлавергани сари қўнгли баттар рашланар, асаби бузилиб, юраги қинидан чиққудай гупиллаб урарди.

Соат олтиларда Чори келди. Унинг кайфи чоғ, кўри-нишидан аъло баҳо олгани маълум эди. Саъдулла унинг одатини билади: фақат беш олгандагина шунақа шод-ланади, оғзини юмолмай тиржайиб юради.

Чори хонага шахдам кирди-ю, чўнтагидан синов дафтарчасини олиб, дераза тоқчасига улоқтирди.

— Ҳа, Саъдулла, неччи бўлди?

Саъдулланинг расво, деган маънода қўл силтаб қўйганидан Чори ҳаммасини тушунди. Кейин Саъдул-лага далда бериш пайига тушди.

— Чори, гапни калта қилинг, — деди Саъдулла гашланиб, — Сиздан илтимос, мана пул, бориб яримта опкелинг. — У киссасидан ўн сўм чиқариб ташлади.

Чори аввал тихирлик билан оёқ тиради, яримтага бало борми, ундан кўра имтиҳон ғамини энг, деб ўзича маслаҳат берган бўлди. Бемаврид маслаҳатдан Саъ-дулла багтар тутақди, сўнг ялинч оҳангида яна илти-мос қилди. Ахийри Чори ён берди, ярим соатлардан кейин бир шиша ароқ, иккита маъданли сув, пиши-рилган тухум, тўртта қовурилган котлет, бир килоча бодринг кўтариб келди. Саъдулла ҳамон ўша алпозда чўзилиб ётарди. Қуёш рўпарадаги ётоқхона биноси орқасига беркинган, унинг нурлари тобора сўниб бо-рарди.

Саъдулла шишани апил-тапил очди-да, иккита ста-канга яримлатиб-яримлатиб қуйди.

— Қани, олинг, Чори, бу дунёда бевафоларнинг йўқ бўлиши учун ичайлик.

У стаканни шартта кўтарди, тагида озгина ароқ қолди. Чори ярмини ичди. Маъданли сувдан хўпларкан, Саъдулланинг аҳволига жуда ачиңди. Бироқ ҳамхонасига қандай таскин беришни билмасди.

— Овқатдан олинг, Саъдулла, — деди у вазминлик билан. Энди Чорида бояги кайфият йўқ эди.

Саъдулла яна қўйди. У стаканни қўлига оларкан, Чорига термидди.

— Чори, жўражон, бугун тўй... Ҳозир бошланади. Ҳадемай уни ёр-ёр айтиб олиб кетишади. Энди у йўқ! Салима йўқ!.. — Унинг киприклари намланди. — Бахтли бўл, Салима! Сенинг бахтинг учун ичаман!..

У гўё Чорини унуттанди. Ўзи билан ўзи гаплашарди. Ароқни бир кўтаришда охиригача ичди ва стаканни тарс этказиб столга урди, стакан чил-чил синди. Хайриятки, қўлини кесмади.

— Саъдулла, ўзингизни тутинг... Бирон нарса енг. Бунақада касал бўп қоласиз.

Саъдулла ўзини тиёлмади, бутун иродасини, куч-қувватини ишга солди, аммо эплалмади — йиғлаб юборди.

— Қуйинг... — деди.

Чори бошқа стакан олиб ароқ қўйди. Саъдулланинг ёнига ўтди. Елкасига қўлини қўйди:

— Жон жўра, ўзингизни босинг. Тегса тегипти-да, намунча эзилмасангиз, қизнинг уругига ўт тушиптими?

Саъдулла ароқни ичиб юборди.

— Чори, жўражон, ахир қани ваъда? Беш йил эмас, ўн йил бўлсаям кутаман сизни, деганди. Қани лафз? Яна келиб-келиб кимга — ўзимни жўрамга!

Соат ўн иккиларда Саъдулла сал тинчиди. Чарчади шекилли, охири ухлаб қолди.

Бир маҳал овзи қуруқшаб уйғонди. Боши — қовоқ. Танаси — зиддек. Чорига қаради, ухлаб ётипти. Аста ўрнидан турди. Юзини ювди, овзини, томоғини чайди. Икки ҳовуч сув ичди. Сал енгил тортди. Изига қайтганда Чори соқол олаётган эди. У совунни кўпиртирар экан, Саъдуллага қараб илжайди:

— Қалайсиз? Бош оғримаяптими?

— Йўқ, — деди Саъдулла астагина. — Ўзингиз қалайсиз?

— Яхши, — У чап қўли билан юзини таранглаштириб, соқолини қиртишлади. — Кўчага чиқамизми?

— Ҳушим йўқроқ...

— Ётиб олиб хаёл сураверган билан иш битмайди, — деди Чори. У соқол оладиган идишларини йиғиштирди. — Кўча-пўчада айланиб хаёлни чалғитиш керак. Йигит деган сал ўзини қўлга ола билиши лозим. Бу аҳволда қандай ҳуқуқшунос бўласиз?

— Нима, ҳуқуқшуносларнинг қалби йўқми?

— Қалби бор, бўлишим керак. Аммо ирода-чи? Иродасиз одамнинг қалби ҳам майда келади.

Саъдулла индамади. Чори дўстининг аҳволини тушунди, ўзи куйиб-пишиб айтаётган гаплар унинг қулоғига бир кириб, бир кирмаётганини ҳам билди. «Мен нима дейману, кўбузим нима дейди» бўляпти-ку бу ёғи, деб ўйлади. Шу боис бошқа тикилинч қилмади. Шошилмай кийинди-да, қандайдир иши борлигини айтиб чиқиб кетди.

Нонуштадан кейин Саъдулла ўйланиб қолди. Нима қилсин? Университетга борсинми, Турдиев билан гаплашиб кўрсинми? Лекин у кўнармиди, бир нарсага тушунармиди. Майли, нима бўлсаям бугун бормайди. Бир оз ўқийди, дам олади. Эртага бориб кўринади. Олса олар, олмаса кузда топширади-да. Шу битта имтиҳон билан осмон узилиб тушмас!

Икки-уч бет ўқиди, аммо миясига ҳеч нарса кирмади. Кўзи ҳарфларни кўради-ю, хаёли бошқа ёқда. У дарсликни ёпди. Пича хомушланиб ўтиргандан сўнг Индонезия ёзувчиси Марах Руслининг «Севги фожиаси» романини беихтиёр қўлга олди. Бу асарни илгари ўқиган, жуда ёқтириб қолганди. Шундан бери уни тез-тез варақлаб туради. Ҳозир у қайсидир саҳифадаги дуч келган сатрларни ўқий бошлади: — «Сизнинг фикру дардингиз шу экан-да, — деди Сутан Маҳмуд ўз ғазабини яширмай. — Қиз насл-насабли, баобрў оиладан бўлса бас, уни суриштирмай-нетмай уйланаверса бўлади, шундайми? Мен бўлак фикрдаман. Ўзим севсам, у ҳам мени севса, ҳар қанақа қизга уйланишим мумкин. Унинг насл-насаби қанақа, ўзи чиройлими-йўқми, бойми, камбағалми, менга барибир...»

Эшик тақиллади. Фикри бўлинди. «Кираверинг, эшик очик», дея ғудранаркан, ё тавба, ҳушими туши, остонада Феруза пайдо бўлди.

Саъдулла гангиб қолди. Очиғи, ҳозир ҳаммани ку-

тиши мумкин эди, ammo Ферузани сира кутмаганди. Бунинг устига Саъдулла қайси ётоқда, қайси хонада туришини у қаёқдан билди экан?

— Безовта қилдим, узр, — деди Феруза.

Саъдулла унга курси қўйиб берди.

— Ўтиринг, келинг... Нега безовта бўламан. — У стол устини йиғиштира бошлади. — Кечирасиз, ҳаммаёқ тўзиган.

— Ҳечқиси йўқ, — Феруза курсига омонатгина ўтирди. У нимадир демоқчи, бироқ чамаси гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

Саъдулла багтар гангиб турарди.

— Мен чой қўйиб келай, — деди охири ўзини сал босиб олгач.

— Йўқ-йўқ, — деди Феруза шошиб. — Мен ҳозир кетаман. Сиздан бир хабар олай, деб кирувдим... Шу ётоқхонада бир ўртоғим туради, шунинг олдига келувдим... Кеча нима бўлди сизга? Имтиҳонга борсам, йўқ экансиз. Бирга кирамизми, деб ўйловдим. Суриштирсам... кетиб қопсиз. Йиқилганингизга ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди.

— Шундай бўп қолди...

Баравар сукут сақлашди. Саъдулланинг билагига пашша қўнди. Шундагина у майкачан эканлигини аниглади. Хиёлат тортди. «Кечирасиз» деди-да, каравотга осиглақ турган қўйлагини олиб кийди.

— Умуман, тинчликми, ўзи, Саъдулла, — деди Феруза. — Негадир кейинги пайтларда жуда паришонхотирсиз.

— Унчамасдир, — кулди Саъдулла. — Яхши келдингиз, зерикиб ўтирувдим, чиқиб бир кино кўрсак...

Тақлиф Ферузага маъқул тушди. Бу гал Саъдулланинг гапи анча дадил эди...

VII

Илгари Саъдулла қишлоққа тез-тез борарди. Бир кун-ярим кун дарсдан қолсаям иложи бориचा кўпроқ юришга ошиқарди. Кейинги пайтларда кам келадиган одат чиқарди. Келганда ҳам ота-онасини, ака-укаларини опаларини кўради-да дарс кўп, тезроқ боришим керак, деб жўнаб қолади. Бу гал ҳам шунақа баҳоналарни рўқач қилди, ҳали қорасини кўрсатганига икки кун бўлмасдан йўлга отлана бошлади.

— Мунча шошмасанг, — деди Зарбуви. — Борасан-да, шу Тошкенингга. Пахтадан кейин беш-олти кун жавоб бергандир ахир. Бизардикига бормадингам, илгари бир кунга келсангам кирардинг.

— Бораман, опа, ҳозир ишим зарил-да...

— Ҳа, эртага кетаркансан-ку, бугун юр, ҳали кеч-гача қанча гап бор. Ўзим келмасам кўрмай кетавераркансан-да.

Саъдулла опасининг астойдил ранжиганини сезди. Рост-да, нега энди опасиникидан оёғини тортди? Салима унинг қишлоғига, эрининг жиянига тушгани учунми? Ахир опасида нима айб? Зарбуви бечора доим укам деб, ўлиб-тирилади.

Опа-ука суҳбатига қулоқ солиб ўтирган онаизор гапга аралашди.

— Ўшахтан¹ битта-яримтани тошганга ўхшайди уканг. Ҳеч ота-энам бор демайди. Бир ҳуши товлаганда кеп қолади. Ундаям оловга кегандай... Опасини қандай эсласин.

— Енгдингиз, — деди Саъдулла опасига. — Сиз бораверинг. Мен бирпас туриб чиқаман. Йилдан-йилга ўқиш қийинлашиб кетяптида. Шунинг учун ҳадеб келаверишнинг иложи йўқ. Яқин йўл бўлмаса...

Осмонни қоп-қора булут қоплаган. Совуқ. Изгирин.

Саъдулла пиёда йўлга тушди. Бу ҳавода велосипедда юриш осон эмас. Қўлни ҳам, юз-кўзни ҳам изгирин ялаб кетади. Аммо яёв ҳолда ҳам совуқ этини жунжиктирди. «Пальто киймай чакки қилман аслида. Бунчалик совуқлигини ким билипти...» У плашчининг ёқасини кўтариб олган, икки қўли чўнтагида, илдам одимлайди.

Опасининг қишлоғига кириш жойда орқасидан бир машина ғувиллаб келди. У қайрилиб ҳам қарамади, йўлнинг чети бўйлаб кетаверди. «Жигули» ундан учтўрт қадам ўтиб тўхтади-да, сигнал берди. Кейин эшиги очилиб, Холмат тушди.

— Саъдулламисан? Қани, қани...

Саъдулла Холмат билан ноилож кучоқлашиб кўришди. Жўрасининг овзидан ароқ ҳиди гушилади.

— Қайси шамол учирди? Биз томонларгайм келаркансан-ку, а? Ўзиям минг йил бўлди-ёв кўришмаганимизга. — Холмат тинмай гапирар, Саъдулла эса опаси-

¹ Ўшахтан — ўша ёқдан (шева).

дан ранжир эди. — Уйландим — келмадинг, фарзанд кўрдим — келмадинг.

Унинг охирги гапи Саъдулланинг этини жимирлатиб, юрагига ханжардай ботди.

— Фарзанд кўрдинг?! — деб юборди беихтиёр.

— Ҳа, фарзанд. Ўғил. Нимага ажабланасан?

— Шунча вақт ўтиб кетдими деяпман-да, — деди Саъдулла бўшашиб.

Холмат унинг елкасига бир урди:

— Э, жўра, вақт ўтувлади-да, қараб ўтирармиди. Шунинг учун вақтида ҳаракат қилиш керак. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг эрта бўлгани дуруст. Қани, ўтир машинага.

— Раҳмат, жўра. Мен опамларни бир кўриб кетай, деб келяпман. Дарров қайтаман, ишим зарил. Эртага барвақт йўлга чиқишим керак.

Холмат уни машина томон судради.

— Бир пиёла чой ичиб кетасан. Ўзим элтиб қўяман.

Саъдулла унамади. Жўрасининг уйига қадам бошиш, ҳатто остонасига йўлаш унга чексиз азоб эди. Ахир Салимани кўрса кўксигаги яра кўзи бошқатдан очилмайдими? Қолаверса, Холмат бу аҳволда ҳалахулага уни қўйиб юбормайди. Ароқни олдига олиб эзилиб ўтиради. Бунга ҳозир тоқати ҳам йўқ, имкони ҳам.

— Ҳа, бўпти, ўтир, тоямларникига элтиб қўяман.

— Йўқ, — деди узиб Саъдулла, — ўзи икки қадам жой-ку, нимасига мопинга чиқиб ўтираман.

Холмат машинага газ берди. Саъдулла оғир қадамлар билан йўлида давом этди. «Келмай десам, опамнинг дили оғрийди, келсам — мана бунақа... Кўнглим сезувди ўзи... Ҳали поччамникига бориб бошни қотирмасайди. Тезроқ туриш керак бўлади».

Поччаси ҳали ишдан келмаган экан, опаси, жиянлар билан бир оз гурунглашиб ўтирди. Опам тўйдан, Салимадан гап очиб қолармикан, деб кутди. Ҳатто ўзи сўраш учун бир-икки оғиз жуфтлади. У ўғил кўргани ҳақида ўйлаганда алланечук ғашланди. Зарбуви эса нималарни гапирмади, бироқ Салима, Холмат хусусида чурқ этмади.

— Мен турай энди, опа, — деди Саъдулла. — Кеч бўп қолди.

— Шошма, борасан-да. Поччанг кесин, эшитса хафа бўлади.

— Сизам қизиқсиз-а, опа, — бир оз жаҳди чиқди. — Бу ерда Алиқул поччамни кутсам, у ерда Эшмат поччамни кутсам, тоғамни кутсам... Ахир умрим кутиш билан ўтиб кетади-ку...

Дарвоза тарафдан кимдир товуш берди. «Биров чақияпти, қарайчи», деб Зарбуви ўрнидан турди. Зарбуви даҳлиздаги калишини кийиб ташқари чиққунча товуш эгаси — Холмат айвонга кириб келди.

Саъдулла унинг овозини эшитиб, кайфияти баттар бузилди. «Оббо, тезроқ турай дедим-а. Энди тоза бошни қотиради...»

Холмат даҳлиз эшигидан ичкарига мўралади. Саъдулла баланд қилиб қўйилган ёстиққа ёнбошлаган эди.

— Қани бўл, — деди буйруқ оҳангида. — Кетдик. Жўнавордингми, деб хавотирда эдим. Хайрият, шу ерда экансан.

Энди Холматнинг кайфи тарақ эди. Эшик ёндарисига суянганча чайқалиб турарди.

— Холмат, боя ҳамма гапни тушунтирдим-ку. Бошқа сафар...

— Уйга бормасанг борма, — деди Холмат кескин. — Илон кўргансан-ку бизникида. На тўйга келасан, на азага. Чойхонада беш-олти жўралар тўпланиб ўтиришипти. Сени келганингни айтувдим, обке деб мени юборишди. Мунча ўзингни лаълига солдинг.

Холматнинг кесатияи Саъдуллага ботди: «Эй, борсам борай, эртага кетмасам, индин кетарман Тошкентга. Бунинг шунақа пичингларига тоқат қилиб ўтираманми...» Шу фикрлар хаёлидан кечди-ю, ўтирган жойидан сакраб турди.

— Бунча алжирайсан?! — Саъдулла Холмат томон бостириб кела бошлади. — Нима учун сенинг уйингда илон кўрар эканман. Тўғри гапни айтса бошқа томонга бурасан.

Зарбуви укасининг таҳдидли овозини эшитиб, чўчиб кетди. Уришиб қолишмаса гўрга эди. Бирови кайф билан, бирови аламзада...

— Шу ерда отамлашиб ўтира қолинглар, — деди Зарбуви юрагини ҳовучлаб. — Ҳадемай тоғангиз ҳам келади. Совуқда юрасизларми кўчада тентираб.

Саъдулла Холматнинг эшикни қулочлаб турган қўлини силтаб ташлаб даҳлизга чиқди. Туфлисини кийди-да:

— Қани, бўл! Юрмайсанми! — деди.

Холмат Зарбувига юзланди:

— Дўғи баланд-ку бу прокурорнинг. — Кейин Саъдуллага деди: — Сал секинроқ-секинроқ, суд бова.

— Кўп кечга қомай келинглар, мен кутиб ўтирман, — деди Зарбуви.

— Мен шу ёқдан кетаман, — деди Саъдулла ва опасига хайрашиш учун қўл узатди.

Чойхонада анча ўтириб қолишди.

Қиш куни бир тутам эмасми, аллақачон қоронғилик қуюқлашиб, тамоми борлиқни ўз комига тортган эди. Устига-устак, ёмғир бетиним қуймоқда. Ҳаммаёқ шилт-шилт лой...

Саъдулла соатига қаради, ўн бир. У бирдан сергак тортди.

— Энди турайлик, жўралар — деди у. — Ёки сизлар бемалол гурунгни давом эттиринглар-у, менга рухсат беринглар.

Кайфи ошган улфатлар жавоб қиламизми-йўқми, деган масала устида роса талашиб-тортишди. Лекин бир тўхтамга келишлари қийин бўлди. Охири маза-матрасиз баҳсни Холмат яқунлади.

— Энди ҳеч қаёққа бормайсан. Биринчидан, кеч, ёмғир қуйяпти. Иккинчидан, янгамга ваъда бериб келдик. Учинчидан, бугун бизникига борасан, гаплашиб ётамиз, эрталаб ўзим мошинда ташлаб келаман.

Бу гапни ҳамма маъқуллади. Аммо Саъдулла уларникига боришни сира истамасди.

— Э-э, роса ҳасратлашдик-ку, — деди Саъдулла. — Кеч бўлганда бировни безовта қилишнинг нима кераги бор.

Холмат унинг гапини кесди:

— Безовта-мезовтаси йўқ, Шаҳарча сиполикни қўй. Хотиннинг вазифаси эрни, унинг меҳмонини кутиш.

Хаёлида Салима жонланди. «Хотиннинг вазифаси эрни кутиш, унинг меҳмонини кутиш». Демак, эрта-ю кеч, хоҳлаган пайтида у меҳмон етаклаб келаверади. Хотин, яъни Салима унинг меҳмонларини кутади, кутишга мажбур. Эҳ, Салима, Салима...»

Ичилган бир-икки пиёла ароқ таъсир этдими, шу топда негадир у Салимага ачинди, дафъатан уни кўришни, лоақал бир бора кўришни хоҳлаб қолди.

— Қани, турайлик-чи, бир гап бўлар, — деди у кескин.

Ҳамма гурр этиб ўрнидан турди. Кўчага чиқишди. Ёмғир ҳамон шариллатиб қуярди.

Улфатлар чойхона пешайвони тагида тўхташди. Айвон бурчагидаги катта лампочка ёруғида ёмғир кўлмакчалари жимирлаб кўринади. Бунинг устига тоғ томондан шамол ҳам эсарди.

— Ёмғир деган шамолсиз ёвса-да, — деди йигитлардан бири.

— Сенга ёқмаслигини билмаган-да, билса-ку, шамолга айтарди-я, сен жим тургин, деб.

Ҳазилга ҳамма кулди. Фақат Саъдулла қовоқ очмади. Чунки у ҳам шамол билан ёққан ёмғирни, умуман шамолни ёқтирмасди.

— Қани, кетдик, — деди Холмат. — Ўтираверган билан барибир ҳали-бери тинмайди. Ёвса ёғипти-да, бирпасда етиб оламиз, устимизни алмаштирамиз.

— Саъдулла-чи? — деди боя ҳазил қилган йигит.

— Битга Саъдуллага яраша кийим топилар, — деди Холмат, — эрталабгача қуриб қолади.

Шариллатиб қуяётган ёмғирда жадал юриб кетишди. Юз қадам юрар-юрмас уст-бошлари бўқди. Саъдулла ҳатто баданигача нам ўтганини туйди. Туфлисининг соғ жойи қолмади — лойга ботди. Индамай кетаверди. Ҳозир унга кийимининг ҳўллиги ҳам, туфлисининг булғангани ҳам сезилмасди. Хаёлидан Салиманинг бўй-баста жилмасди. «Ўзгариб кетгандир. Ахир боласи бор...» Буни ўйлашга ўйлади-ю, аммо ўз ўйига ўзи унча ишонмади. Салиманинг боласи бор? Йўр-эй, ахир у ёшгина қиз-ку. Назарида Холматнинг хотини ўша ўзи билган, ўзига хат ёзиб, мен сизни кутаман, беш йил экан-ку, ўн йил ҳам кутаман, деган Салима эмас, бошқа, мутлақо бошқа Салима эди. Кошки шундай бўлса. Шундай эмаслигини Саъдулла билади, билади-ю... Э, фалак! Бунчалар бешафқат ўйинларинг бор?

Манзилга етиб келишганда сувга тушган мушукдай дилдираб қолишган эди. Дарвозадан ўтиб, сайсихона орқали пешайвонга чиқишди. Қатор қилиб солинган уйлاردан бирининг эшигини очиб, аввал Холмат ўзи кирди, чироқни ёқиб, уни ҳам ичкарига чорлади.

— Қани, кир... Сандалга олов солганмикан. — У сандал кўрпасини кўтариб кўрди. — Боракан, иссиқ.

Саъдулла туфлисини айвонда қолдириб, ичкарига кирди-да шалаббо плашчини ечди.

— Бу ёққа ўт, — деди Холмат, — Манави ёстикқа ёнбошлаб оёғингни сандалга тик, Мен Салимага айттай, чой қўйсин.

Ҳалидан бери хаёлида айланаётган номни эшитиши билан Саъдулланинг юраги жизиллаб кетди.

— Нима қиласан чойни, қўй, овора қилма.

Холмат унинг гапига эътибор бермади.

Одам ўтирмагани учунми уй бирмунча совуқ экан. Саъдулла оёғини сандалга тикди. «Меҳмон келади, деб айтиб қўйган чоғи, олов солиб қўйипти-ку».

Айвонда аёл киши шивирлади: «Ўзингиз олиб кирверинг, мен нима қиламан...» Холмат гудранди: «Қишлоқдошингданам уяласанми? Бегоналарнинг олдига кирасан-ку. Кириб саломлашмасанг одамгарчиликдан эмас. Тўйдаям келмаган...»

Саъдулла беихтиёр ўрнидан туриб кетди. «Ё, тавба, тортиняпганим? Мен-чи, мен унинг юзига қандай қарайман?»

Олдин Холмат, орқасидан Салима кирди.

— Сендан қочапти. Қара-я! Ие, нимага қоққан қозикдай қаққайиб турибсан, ўтир.

Салима, бошида рўмол, келинсалом қилаётгандек қаддини салгина эгиб олган эди. Саъдулла унга бир қаради, қаради-ю, кўз ўнги жимирлади. Унинг саломини ҳам эшитмади. Сандал атрофига қалаштириб қўйилган ёстикларга суюнганча ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмади. Унинг бу ҳаракатини Холмат ўз «буйруғи»нинг ижроси деб тушунди. Салима шарт ўтирилиб чиқиб кетди. Саъдулланинг юрак торларини чертиб, йўқ, зириллатиб ғойиб бўлди. Бари бир лаҳзада тушда кўргандай тез кечди.

Салима бошқа кирмади. Нон-чойни, овқатни Холматнинг ўзи довдираб-совдираб келтирди. Кошки Саъдулланинг томоғидан ҳозир таом ўтса. Бир-икки пиёла чой ичди, холос.

Боя Салимани кўришни истаган эди. Энди эса, Салимани кўргандан сўнг бу ишидан пушаймон бўлди. «Нима кераги бор эди? Битаётган ярани тирнагандай, ўчаётган оловга керосин сепгандай бўлди-ку. Э, банди ожиз, наҳотки ўзингни ўзинг идора қилолмасанг...» Ҳаммаси ярамас ароқнинг иши. Агар шу сабилни ичмаганида бу хонадонга сира қадам босмасди.

Холмат алланималарни гапирар, унинг биронта ҳам гапи Саъдулланинг қулоғига кирмасди. У ихтиёрсиз равишда чой хўпларди.

— Чойга ёпишаверма. Мановини олсанг-чи.

Холмат пиёлани охиригача бўшатган, Саъдулла бир хўплаб қўйган эди. Холмат яна ичди-да, газак ҳам қилмай, бошини сандалга қўйди. Бирпасдан кейин у пишиллаб ухлаб қолди.

Саъдулла Холматни секингина ёнбошига ётқизди, тахмондан кўрпа олиб унинг устига ёпди. Дастурхонни ўраб қўйди-да, ўзи ҳам кўрпа ёпиниб, оёғини сандалга узатди.

Чарчоқ, совуқ ва ёмирдан сўнг иссиқ уй, сандал, ниҳоят ичкилик — ҳаммаси қўшилиб тан-жонини элитди. Ҳаял ичида кўзи илинди.

Хўрознинг чўзиқ-чўзиқ қичқиришидан уйғонди. Тура солиб Холмат ётган жойга қаради. Мезбон кўринмади. Тонг отилти. Апил-тапил кийинди.

Кўзлари қизариб, қовоқлари шишган ҳолда Холмат илжайиб кирди. Афт-ангорида алланечук хижолат аксанган эди.

— Жуда шармандалик бўпти-ку, — деди у узр оҳангида. — Меҳмонга жой ҳам солиб бермапмиз. Тарашадай қотиб қопмиз.

— Қизиқмисан, — деди Саъдулла. — Меҳмони бор эканми.

— Шундай бўлсаям-да.

— Зарари йўқ, ташвишланма. Мен турай энди, кеч бўп кетмасин.

— Шошилма. Бир пиёладан чой ичайлик, ҳозир қатиқли кесган ош обкелади. Шундан бир косадан ичсак бош оғриғидан ном-нишон қолмайди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Саъдулла айвонга чиқиб, туфлисини кияман деса, ялтираб турибди. Кеча таниб бўлмасди, қулоғигача лой эди. «Демак, Салима ювиб, тозалаб қўйишти-да...» Холмат Салимани чақирди.

— Саъдулла кетяпти, хайрлашмайсанми?

Саъдулла «қўявер, шарт эмас», демоқчи бўлди, бироқ тили бормади. Ким билади, қандай тушунади.

Салима кечагидек бошини ҳам қилиб келди-да саломлашди, сўнг толғин бир товуща хўшлашди. На илож. Саъдулла ҳам минг азоб билан хайрлашди, хайрлашаркан, чиндан яраси янгилангандек эди...

Қизи бор уй эпигининг турумига тўзим берсин...

Олим Акбарович уйининг эшиги йўқ деганда ҳафтада бир бегона одам томонидан очилади. У, ким бўлмасин, бу хонадондан тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтади. Кимсан, Олим Акбарович — вазир ўринбосари. Асли унча-мунча одам ботиниб келолмайди ҳам...

Бу ҳол Феруза ўнинчини битиргандан бошланди. Эҳ-ҳе, кимлардан совчилар келмади, дўкон мудиридан тортиб, олиму ёзувчигача Олим Акбарович билан қуда бўлишни орзу қилди. Бироқ ҳамманинг хоҳиши бир сари, ёлғиз Ферузанинг хоҳиши бир сари бўлди. «Йўқ, эрга тегмайман ҳали», деган қисқа жавобни кўндаланг қилаверди.

Ойиси бечора қанча ялинди. «Ҳа, хўп, биров сенга ҳозир эрга тегасан, деяётгани йўқ-ку. Аввал йигитнинг ранг-рўйини кўр, кўнглини бил, кейин бир гап бўлар», Феруза ойисининг илтимосини эшитишни ҳам истамайдди. «Йўқ, дедимми, йўқ. Жавобини бериб юбораверинг».

Она аввалига «қизимиз ҳали ёш, ўқишни битирсин» деб ўзини овутиди. Мана, дипломини олишига ҳам озгина қолди. Лекин аҳвол ўша — ҳамон саркашлик қилади.

Ферузани эрка дейиш нотўғри. Аммо на ойиси, на дадаси унинг гапини қайтара олади. Айниқса, бир сафар ёмон бўлди. Феруза тўртинчи курсда ўқирди. Маҳалладош бир аспирант йигитдан совчи келди. Олим Акбарович ҳам, Муаззам опа ҳам йигитнинг ота-онасини яхши танийди: кўп бамаъни, оқил одамлар. Эрхотин маслаҳатлашиб розилик бердилар. «Ҳа, энди Феруза йўқ деяверади. Қиз бола қачон, майли, шунга тегаман деган. Уялади-да. Ўзининг йигити бўлганда айтарди». Хуллас, унаштириш расм-русуми бошланди.

Феруза ўқишдан келиб кўрсаки, уйда бегона аёллар, ойиси, холасининг ҳаракатлари бошқача. Юраги шувиллаб ойисига ола қаради.

— Тинчликми?

Товуш кескин чиқди. Муаззам опа шошиб қолди. Холаси гапни илиб кетди.

— Энди, қизим, дунёнинг иши шунақа. Эртами-кечми, барибир...

— Йўқ! — деди Феруза холасини қайириб ташлади. — Бўлмайди, тўхтатинг!

Онаизор бўзарди, юраги увишиб, аъзойи бадани бўшашди. Тили калимага келмади. Хайрият, синглиси шу ерда экан. Яна ўша жонига ора кирди.

— Феруза! Жон қизим, гапни эшитгин. Энди тўхта-тиш уят. Ойнинг билан дадангни юзини ерга қаратма...

— Ё тўхтатинг, ёки бу уйдан мен чиқиб кетаман.

Феруза шундай деб ҳовлига ўтди. Бетон йўлакка баланд пошналарини қарс-қурс уриб дарвоза томонга юрди. Меҳмонлар ўтирган уй дарвозанинг рўпарасида, ҳаво иссиқ бўлгани учун деразалар очиқ, эшикдан ким кириб, ким чиққани уларга шундоқ кўриниб турарди. Феруза орқасидан биров қуваётгандай шаҳдам юриб борди-да, дарвозани шундай тарақлатиб ёпдики, совчи хотинлар чўчиб тушишди.

Опа-сингил бир-бирига ҳангу мангу бўлиб тикилди. Муаззам опа қизининг одатини билгани учун хаёли минг томонга кетди. Синглиси тасалли берди.

— Қўйинг, опа, ташвиш тортманг. Қаёққа борарди, келади-да, қиз боланинг шундай бўлгани тузук. Совчилар олдида чой дамлаб юрадиганлардан асрасин...

Йўқ, Муаззам опанинг синглиси янглишди: Феруза қайтиб келмади. Ўша куни ҳам, эртаси ҳам, индин ҳам... Бунгача Муаззам опа билан Олим Акбарович ўзидан ўтганини ўзи билди. Бировга айтгулиги йўқ — шармандалик. Бориши мумкин бўлган жойининг ҳаммасини суриштириб кўришди, лекин Ферузадан дарак йўқ. Эр-хотин кечаси билан ухламай уф тортиб чиқади. Аксига олгандай ўша кезлари Олим Акбаровичнинг ишхонасига комиссия келган. Улар билан ярим кечагача қолиб кетади.

Ахири тўртинчи кун деганда Феруза кириб келди. Она бечора қувонганидан ўзини ташлаворибига сал қолди. Ётоқхонада турадиган дугонасининг олдига кетган экан...

Шу-шу тўй ҳақида, турмуш ҳақида Муаззам опа ҳам, Олим Акбарович ҳам Ферузага қўрқиб-қўрқиб гапиришади.

Бир куни она-бола ўзлари гурунглашиб ўтиришган эди. Муаззам опа ярим ҳазил, ярим чин қилиб қизидан сўради:

— Феруза, манга ростини айт, ўшанда нега йўқ дединг? Нега қочиб кетдинг? У йигитнинг нимаси ёқмади санга? Кўриниши туппа-тузук, эсли-хушли, мўмин-қобил, аспирант...

— Ростини айтайми, — деди Феруза ҳам онасига тик қараб. — Унинг ана шу мўмин-қобиллиги ёқмайди. Аслида бу мўмин-қобиллик эмас, ландавурлик. Аспирант дейсиз, лекин ёш боладан фарқи йўқ, онасининг чизигидан чиқмайди. Доим онасига эргашиб юради... Ахир у қандай қилиб оила қуради, қанақа оила бошлиги бўлади? Йигит йигитдай бўлсин-да.

Муаззам опа қизининг мулоҳазасини ичида маъқуллади. Фақат унга сир бой бермади. Бир оздан кейин таънаомуз деди:

— Хўп, сан истагандай йигитни қаердан, қачон топамиз?

— Сизга оғирлигим тушяптими, ойи! Шу уйдан чиқиб кетсам қутуламанми? — деди Феруза жаҳл билан.

Муаззам опа кўрқиб кетди. Қизи яна йўқолиб қолагандай унинг этагига ёпишди.

— Жон қизим, жаҳлинг чиқмасин, ман билан адангни қийнама. Сандан бошқа суянганимиз йўқ. Ёшинг ўтяпти, невара кўрсак, деган орзуимиз бор ахир.

Феруза ойисига ачинди, раҳми келди. Аммо ўз фикрдан қайтмади.

— Хафа бўлманг, ойижон, вақт-соати келади ўзи.

Ундан кейин ҳам қанчадан-қанча совчилар келишди. Қани энди хўп дея қолса.

Охири Ферузанинг талабгорлари сийраклашди. Муаззам опа ичидан зил кетди, лекин ҳеч кимга билдирмайди. Ҳатто эрига ҳам айтолмайди. Ферузанинг эса парвойи палак. Ишқилиб, охири бахайр бўлсинда...

Бугун якшанба. Нонуштадан кейин Олим Акбарович кийина бошлади.

— Ҳа, — деди Муаззам опа. — Йўл бўлсин?

— Бир-иккита кўриладиган жойлар бор. Пешингача шуларни бир айланиб келай.

Олим Акбарович чиқиб кетди, Феруза хонасига ўтди. Анчадан бери диплом иши ёзиш билан машғул эди. Эртадан кечгача китобларга кўмилиб ўтиради.

Муаззам опа у ёқ-бу ёқни йиғишгирди. Телевизор қўйди-да, диванга ёнбошлаб бир оз томоша қилди. Ёлғиз ўзи зерикди. Бир бозорга тушиб чиқсаммикан, деган хаёл билан ўрнидан турди, телевизорни ўчирди.

Қўнғироқ жиринглади. Муаззам опа дарвозани очди. Икки эркак, икки аёл — ҳаммаси бегона. Аёллар қўлида тугун.

— Ассалому алайкум, — деди аёллардан бири. — Ферузларнинг уйи шуми?

Муаззам опа шошиб қолди. «Ким бўлди экан булар?»

— Шу, шу... Киринглар, марҳамат.

Нотаниш меҳмонлар ичкарига киришди. Муаззам опа уларни ўтқизди-ю, Ферузанинг олдига шошилди.

— Ким булар?

Феруза кулди, кулиб, елка қисди.

— Билмасам...

Неча марта совчи келган бўлса Феруза бирон марта кулиш у ёқда турсин, ҳатто қовоғини очмаган. Буни ойиси яхши билади. Демак, бир сиру синоат бор.

— Хўп, дейинми?

Феруза жавобни қисқа қилди.

— Ўзингиз биласиз...

— Тур ўрнингдан, чой қўй, холангга телефон қил, дарров поччанг билан етиб келишсин. Аксига олиб аданг ишга кетган-а.

Муаззам опа меҳмонлар олдига қайтди. Феруза китобни шартта ёқди-да, дуч келган томонга отди, сакраб турди. Қўшиқ айтгиси келар, дили ҳаяжонда эди...

Холаси билан поччаси келди, орадан кўп ўтмай Олим Акбарович ҳам етиб кела қолди. Ҳаммалари қўшни хонага тўпланишди. Муаззам опа вазиятни тушунтирди.

— Булар ўзи ким, қаердан экан? Сўраб билдингизми? — деди Олим Акбарович хотинига.

— Сўрадим. Ўғли Феруза билан бирга ўқиркан. Ўзлари Самарқанднинг қайсидир районидан экан.

— Оббо, — деди холаси бурнини жийириб, — энди кунимиз қишлоқма-қишлоқ чанг босиб ўтаркан-да. Қанча одамлардан, қандай яхши жойлардан совчи келувди, ҳаммасига йўқ деб, энди... Танлаб-танлаб тозисига учрапти, дегани шу-да.

Зилдек сукунат чўқди.

— Сиз нима дейсиз, божа? — деди Олим Акбарович. — Ҳар ҳолда врачсиз, турли одамлар билан учрашгансиз...

— Манимча, шошилмаслик керак, — деди божа мулоҳазакорлик билан. — Биз уларни яхши танимасак, билмасак, суриштириб кўрайлик. У ёқларда ҳар хил одамлар кўп, деб эшитамиз. И ўзимиз баъзиларини кўрганмизам. Тошканлик бўлса бошқа гап эди.

Бу гап Олим Акбаровичнинг ҳамиятига теги. Лекин сир бой бермади.

— Суриштиришнинг зиёни йўқ, албатга, — деди Олим Акбарович. — Умр савдоси-да. Лекин гап бошқа ёқда, божа. Одамнинг яхши-ёмонлиги унинг қаердан эканлигига боғлиқ эмас. Яхши-ёмон одамлар ҳамма жойда ҳам бор. Фалон шаҳарнинг одамлари яхши-ю, пистон жойнинг одамлари ёмон, дейиш менимча нотўғри...

Олим Акбарович ота-онасини кўрмаган, эслаёлмайди, болалар уйда тарбияланган. Авлод-аждоди асли қаерлик эканини у ўйлаб ҳам кўрмаган. Шу боис у баъзиларга ўхшаб гузар талашмайди. Унга бировнинг қаердан эканлиги аҳамиятсиз. Шунданми, айрим ўртоқлари «Сен космополитсан», деб унга ҳазиллашадилар. Буни божа ҳам билади. Ҳозирги гапини ҳам ўша оҳангда тунгунди-да, бир оз жаҳли чиқди.

— У ҳолда бу ерда тўпланиб, тортишиб ўтиришимизнинг нима кераги бор? Ферузанинг ўзи жавобини бериб юбораверсин-да.

Божаси ранжиганини Олим Акбарович сезди. Ўзига қолса-ку уни сира чақирмасди. Бирон-бир масалада очик-ойдин маслаҳат ёки ёрдам берганини билмайди. Хотини эса доим «куёвни ҳам чақирайлик», деб мингирлашини қўймайди.

— Ҳар ҳолда маслаҳатлашганимиз тузук-да, божа, — деди Олим Акбарович сал паст тушиб.

— Шунинг учун шошилмайлик, деяптилар-да, — Ферузанинг холаси эрининг ёнини олди.

— Яна бир келарсизлар, унгача биз қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб қўямиз. Кейин аниқ бир гап айтармиз, деймиз-да бўлмаса, — деди Муаззам опа, кейин синглисига буюрди: — Ферузани чақир.

Феруза кирди. Хулосани узуқ-юлуқ қилиб айтишди.

— Хўш, нима дейсан шу гапга, қизим? — деди Олим Акбарович.

Ранги ўчинқираган Феруза ҳаммани зимдан кузатди. Дадаси, ойиси, холаси унинг оғзига термилиб турар, фақат поччаси ерга қараб ўтирарди. Хулоса шуниси эканлигини Феруза сезди. Поччаси уни бир жиянига мўлжаллаб юрарди. Илгарироқ холаси шунга шама ҳам қилувди. Аммо Феруза эшитмаганга олган эди.

— Ойи, — деди Феруза онасига қисиниб-қимтин-

ган ҳолда, — булар нариги кўчада ёки кўшни маҳалла-
да туришмайди. Ҳадеб келаверишга иложлари йўқ.

Поччаси бошини кўтариб гулдиради:

— Демак...

— Ҳа, — деди Феруза кескин. — Шундай! Хўш,
нимани суриштириб кўрасизлар? Ада, сизга авлоди-
аждодиди судланган одам йўқлиги, почча, сизга соғлиги
ҳақида маълумотнома келтириб берса бўладими? Сиз-
га-чи, хола, қанақа қовоз керак?

Давра аҳли довдиради. Энди ҳеч бири миқ этолмай
қолди. «Демак, ҳаммаси тушунарли», деб ўйлади Олим
Акбарович. Муаззам опа эса қизининг яна йўқолиб
қолишини ўйлаб жовдирар эди.

Меҳмонларни кечга томон Олим Акбаровичнинг
машинасида кузатиб қўйишди...

* * *

Ферузаларникида бўлган ана шу мажлисдан бир
неча кун олдин Саъдулла қишлоғига борган, нияти
холис совчиларни ўзи шаҳарга бошлаб келган, ўзи
уларга йўл кўрсатиб юборган эди. Чиндан қишлоққа
бу галги ташрифи хосиятли бўлди. Келганини эшитиб,
кечқурун опалари, поччалари, амаки-ю тоғалари йиғи-
лишди. Мириқиб гурунглашдилар. Ҳар бири Саъдулла
билан дардлашишга орзуманд, аммо ҳаммаси анчагача
ўз ҳасратини супра қилиб ёйишу бир-биридан ўпка-
гина қилишдан бўшамасди. Ҳатто Саъдулланинг бор-
йўқлиги эсларидан чиқиб қолгандай эди.

Бир маҳал, Саъдуллага кўзи тушиб қолди чоғи, то-
ғаси деди:

— Эй, жиян, булардики ҳар доим бир хил қўшиқ.
Сен гапир, Тошканларда нима гаплар бор. Ободми?

Саъдулла кулиб қўйди.

— Рост, боядан бери эски маталимизни айтиб ётип-
пиз-а, — деди бригадир амакиси. — Сенам индамай
ўтирибсан, Саъдулла. Зерикиб кетдинг-ов!

— Йўқ, зерикканим йўқ, — деди Саъдулла. Аслида
зерикиш ҳам гапми ичи торс ёрилгудай бўлиб кетган,
аммо тишини тишига босиб ўтирарди. Айни пайтдаги
суҳбат Саъдулла учун бегона бўлмаса-да, ҳар қалай
ҳозир унга унчалик қизиғи ҳам йўқ эди.

Дераза тағида ёнбошлаган мўйловдор поччаси суҳ-
батга аралашди:

— Ўқишингизам тутай деб қолди шекилли. Энди, насиб этса, иш қаерда бўлади?

Саъдулла чордана қуриб ўтирарди. Оёқлари увишиб қолган, узатиб юборгиси келар, лекин иложи йўқ эди.

— Ҳозирча аниқ эмас, — деди у. — Лекин аспирантурада қолиш ниятим бор.

— Аспирантураси нима? — деб сўради кексароқ поччаси.

— Ўқиш-да, — деди тоғаси билимдонлик қилиб. — Олим бўлиш учун ўқийди.

— Шунча ўқиганинг бас-да энди. Биз ҳали керилиб юрибмиз. Саъдулла районга судми, прокурорми бўп келади, деб.

Амакисининг мўлжалини мўйловдор поччаси ҳам маъқуллади.

— Бу киши тўғри айтадилар, иложи бўлса шундай қилиш керак. Районга судми, прокурорми бўп кесангиз, бизаргаям яхши-да. Ҳозир районда ундан оғзи катта одам йўқ.

Шу кўйи суҳбат суду прокурор ва уларнинг тўғри-нотўғри ишлари хусусида кетди. Бири айтган фикрини иккинчиси рад этди, униси ўзиникини исботлашга тиришади, буниси йўқ ердан ғалва чиқармоқчи бўлади. Хуллас, ўзлари учун қилча аҳамиятсиз масалалар устида тортишиб кўп вақтни беҳуда ўтказишди. Яна, аввалгидек, Саъдулла бир чеккада қолиб кетди.

Соат ўн иккидан ошганда тоғаси «Ҳа-а, энди туграйлик-эй, вақт ҳам анча бўп қопти», деди. Бемалоллиги, ичининг кенглиги билан бутун қишлоққа ном чиқарган кекса поччаси «Нима кеч? Бирпас гурунглашайлик, борамиз-да, тонг узоқ», деди. Бироқ унинг таклифи ўтмади. Ҳамма баравар ўрндан турди. Саъдулланинг акаси «Ўтирингизлар, ҳа, борасизлар-да», деса ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. «Эй, буларда сабр-тоқат борми, бирпас бир жойда бемалол гаплашиб ўтиролмайди», деди поччаси. Ҳамма кулиб юборди. «Сизга қолса эрталабгача ўтирасиз эзилиб», деди тоғаси...

Давра тарқаб, хонага сукунат чўқди.

Отаси тўрда ёстиққа суянганча, оқ оралаган соқолини силаб, хаёл суриб ўтирибди. Кўринишидан нимадир демоқчи, аммо гапни нимадан бошлашни билмай мулоҳаза юритаётганга ўхшарди.

— Жой солиб берай бўлмаса, — деди онаси жимликни бузиб.

Отаси бу гапни гўё эшитмади, ўзининг муддаосига кўчди.

— Хўш, улим, — деди салмоқ билан. — Ўқишинг ҳам тугай деб қопти. Бу, энди бошни икки қилсак.

Саъдулла аввал индамади, бир оздан сўнг астагина:

— Ўқиш тамом бўлсин-чи, кейин кўрармиз, — деди.

— Ўқишам бўлувлади, — гапга аралашди акаси. — Озгина қопти буёғи. Аспирантуранг бўлса — ўқувсан-да.

— Йигитнинг боши икки бўлмагунча моли икки бўлмас, дейдилар. Сен тенгиларнинг олди бола кўрди. Қишлоғимизда яхши-яхши қизлар бор. Бирин-кетин чиқиб кетишяпти.

Онасининг эътирофи Саъдулланинг хаёлига лоп этиб Салимани солди: «Шуми яхши қизларнинг биттаси?»

Отаси ҳамон ўша алпозда ўтирар, саволига ўғлидан жавоб кутарди.

— Бу ёқда укаларингни бўйи етиб келяпти, — деди отаси тагин салмоқлаб. — Бирини уйлаш, бирини турмушга узатиш керак. Уларнинг йўлини қачонгача тўсансан?

Саъдулла ўйга толди. Назарида вазият кескин, айна чоғда ўзи истаган ҳолда эди. Ростдан ҳам дардини қадрдонларига айтмаса кимга айтади? Ҳозир айна мавриди, қолаверса, ота-онасини ҳам тушуниши керак. Ўғли бор одамнинг кўзи қизларда бўлади-да. Бас ҳаммасини очиқ-ойдин айтади. Булар ҳам шунга яраша иш қилишади... Лекин отаси кўнармикан? Энаси-ку индамас-ов, аммо отаси... Шаҳарлик ойтовоқни бошингга урасанми, деса-чи? Лекин бошқа илож йўқ.

У ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди — кўнглини ёрди.

Шу асно ҳар ким ўз хаёли билан қолди. У зимдан аввал отасини, кейин онаси билан акасини кузатди. Уларнинг чехраларидан фикрини билмоқни мўлжаллади. Акаси бепарвороқ эди, онаси юзида, қаңдай бўларкин, деган шубҳа зуҳурланди, аммо отасининг фикрини англаш — қоронғи уйга бош суқишдай гап эди.

Сукунатни онаси бузди:

— Ота-энаси борми, нима иш қилади?

Отасининг хаёлида ҳам шу савол чарх ураётган экан чоғи, ялт этиб Саъдуллага қаради.

— Бор ота-энаси... Энаси боғчада ишлайди...

— Отаси-чи?
— Отаси бир хизматчи-да...
Акаси индамади, бироқ тоғаси унга ўткир тикилди.
— Нима иш қилишини биласанми ўзи?
Бу саволга аниқ жавоб бермасликнинг иложи йўқ эди.
— Ҳа — деди Саъдулла — замминистр.
— Замминистр?
Акасининг ҳайрати сабаби қувончми ёки ҳадикми — Саъдулла билолмади.
— Замминистр дегани вазир муовиними? — деди отаси.
— Ҳа-а...
— Жуда катта одамакан-ку, — деди онаси астагина. Отаси луқма ташлади.
— Осиласанг баланд дорга осил-да.
Саъдулла бир қадар инжилди. Ер остида илон қимирласа биладиган отаси буни сезди. Мийиғида кулди. Ҳар ҳолда у пасту баландни осонгина илғарди. Мана шу фазилатидан яхши воқиф одамлар уни «уйда ўтириб осмондан ўтган турнанинг ёшини, хув лалмига қўнган қуш рангини айтиб беради», деб ҳазиллашарди.
— Ота-энаси қўнамакан? — деди акаси ўйчан. — Бизар оддий колхозчи одамлар бўлсак.
Онаизор ичига ғулу тушди. Ахир, азаддан унинг битта-ю битта тилаги шуки, суюмли ўғли ёнига келса!..
— Унга уйлансанг қишлоққа кемайсан-да. Олтибой бованинг улиям шаҳардан уйланиб қоп кетган-ку.
Саъдулла бир нарса дейишга ожиз эди. Ҳар нечук у масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаган экан. У кимга уйланишидан қатъи назар, аспирантурага кириш, илмий иш қилиш ниятида эди. Айни чоқда онасининг саволидан кейин ташвишланди. Тушгунарли, мабодо шаҳарда қолса, бахти чоғиб Ферузага уйланса, буни албатта шу воқеага боғлашади. Ажаб эмаски, қайнотаси туфайли шаҳарда ўрнашди, дегувчилар ҳам топилса!
— Кўрамиз-да, эна, нон-насиба, тақдир билади, — деди ўйчан қолда. — Борди-ю аспирантурага кирсам, унда... бир-икки йил...
Отаси соқолини силаган кўйи ер остидан Саъдуллага тундрок боқди. Бу қарашдан Саъдулла кўп маъно уқди: «Келиб бўлсан, бу ёққа. Хотин дегани кўп ширин-да, унинг сўзидан чиқиш осон эмас...»

— Қаерда бўлсанг ҳам ишқилиб омон бўл, — деди охири отаси бафуржа. — Олмодан сўрайдиганимиз фақат шу — силарди тани-жонларинг соғ бўлса бас. Бизлар оч қолаётганимиз йўқ, усти-бошимиз бут. Худода гукур, аканг, опаларинг бор. Амакиларинг, тоғаларинг ёнимизда. Бу ёғидан кўнглингни алағда қилма. Фақат ўзларинг яхши турсаларинг, биз борганимизда бир оғиз ширин сўзларингни аямасаларинг бас. Лекин ўзингга эҳтиёт бўл, ишингга пишиқ бўл, кўринган одамнинг гапига кириб, лаллайиб юрма. Йигит дегани сал кескир бўлиши керак, қадамидан ўт чақнамаган йигитнинг йигитлиги бир пул... Қани, энди ётинлар. Эртага бу йўлга чиқади, дам осин...

IX

Илиқ май кунлари. Дов-дарахтлар, йўлкалар, хиёбонлар кўм-кўк. Тунги ёмғирдан сўнг ҳаво булоқ сувидай тоза. Симириб тўймайди киши. Дарахт барглари, жонли тўсиқларга, хиёбондаги турфа гулларга иланиб қолган томчи қуёшнинг заррин нурларида олмосдек ялтирайди.

Афсоналардаги қасрни эслатувчи бекатга кириб келган поезд чуқур нафас олиб тўхтади. Қатор эшиклар бараварига шивиллаб очилди. Саъдулла «қаср»нинг чап тарафига — эскалатор томон юрди. Шовиллаб отилаётган фавворалар олдига чиқди. Саъдулла рўпарада тўхтаб, бир зум енгил нафас олди. Бетўхтов сачраётган кумуш томчилар юзига урилиб кайфиятини кўтарди.

У майдон сари юрди. Теваракка файз берган турфа гуллари томоша қилиб завқи тошди. Беихтиёр хиргойи қилиб юборди: «Мана, бугун наврўзи олам, йўлларингга гуллар тўкаман. Қайлардасан, севикли эркам, кўлимда гул, сени кутаман...» Яқинида кимлардир қиқирлаб кулди. Ялт этиб ўннга қаради. Йўлак четидаги ўриндикда ўтирган йигит-қиз пешонасини пешонасига кўйиб пиқирлашарди.

Хиёбон этакроғида нари-бери оҳиста юраётган Ферузага кўзи тушди. Сергак тортиб соатига қаради: ўн иккидан ўн минут ўтибди.

— Энди ўзимники бўлди, кечикиб борсам ҳам кутаверади, дедигизми, — деди Феруза салом-алиқдан кейин кулиб.

— Ҳали қаёқда? Дадангиз билан ойингиз кўниш-мапти-ку.

— Ҳеч-да, — Ферузанинг чиройли кўзлари сузилди. — Кўнишмаса, патир синдиришармиди.

Анҳор соҳили бўйлаб «Пахтакор» стадиони томон юришди. Улар олдинлари ҳар учрашганда албатта кинога киришарди. Бу сафар на унисининг, на бунисининг хаёлига кино келди. Иккови ҳам совчилик қантомаси тўғрисида гаплашишни истарди. «Баҳор» залининг қаршисидоғи ўриндиққа ўтиришди. Унга қарироқ дарахт соя ташлаган эди.

— Тўйни бунча кечга белгилашибди, — деди Саъдулла. — Ўртада июнь-июль бор ҳали. Август-а.

— Бир ой олдин-кейинидамас гап. Бошқа масала чиқиб турибди.

Саъдулла қизга ажабланиб қаради.

— Ҳўш?

— Тўйдан кейин қаерда яшашимиз адамлани қаттиқ ташвишга соляпти. Қаерда турамиз ўзи? Ётоқхонадами? — деб кулди Феруза.

— Нега энди ётоқхонада бўлар экан, ижарага биронта ҳовли-повли топамиз. Кейин мен ишга кираман, сиз ишлайсиз. Ё менинг, ё сизнинг ишхонангиздан уй бериб қолар. Ижарада турувчилар озми?!

Феруза анҳор сатҳига термилди. Саъдулланинг гапини тингларкан, дадаси қанчалар куйиб-пишганини эслади. «Бир жиҳати адамла ҳақ. Дангилама ҳовли ҳувиллаб ётса-ю, биз бировнинг қош-қовоғига қараб ижарада турсак... Адамла айтганларидай, бирга яшай-версак нима қилади?» Кўнглидан кечган бу фикрларни Саъдуллага қай йўсинда айтишни билмай ғашланди.

— Ижарада қийналиб қоламан, деяпсизми? — деди Саъдулла.

— Гап қийналиш-қийналмасликда эмас. — Феруза оқимдан кўз узгиси келмасди. — У ёқда катта ҳовлида адам билан ойим ёлғиз ўтиришса-ю, биз кимларнингдир эшигида кўрпа-тўшак кўтариб юрсак... Эшитган қулоққаям эриш туюлади-да.

Ажабо, Феруза не муддаода? Бунча эҳтиёткорлик билан нимага шаъма қиляпти? Наҳотки, уни... Йўк, унга йўл қўймайди. Асло!

— Фикрингизга яхши тушунмадим, Феруза?

Феруза Саъдулланинг жаҳли чиққанини сезди. Илгаридан унинг одатини яхши билади: бировга қарам-

ликни, кимнингдир олдида тили қисик бўлиб қолишни истамайди... Шу боис Феруза гап оҳангини сал юмшатишга уринди.

— Ман ҳаммасини тушунман. Фақат адамлани гапларини айтяпман, холос... Чиндан ҳам ё сизнинг, ё менинг ишхонамдан уй берар, шунгача...

Саъдулла барибир сал дағаллик қилди.

— Кечирасиз, Феруза, шу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Биласиз, ичим тангроқ, у ерда туролмайман. Ичкүёв — кучук күёв, дейдилар.

Шу билан баҳс ниҳоя топди.

Шомгача айланишди, турли мавзуда суҳбатлашишди, ширин орзулар, ўйлар... қандай ёқимли! Бироқ типтиниқ осмонда аҳён-аҳёнда бир бурда қора булут кўришиб қолганидек, гоҳ йигитнинг, гоҳ қизнинг эсига боғи масала — ижарада яшаш ташвиши тушар, шунда бирдан таъблари хира тортар эди.

Учрашувдан сўнг улар доим бир жойда — қўш қаватли гиштин мактаб орқасида хайр-хўш қилишар эди. Ўша манзилга етиб келишганда вақт шомдан оққан, шарқ томондан яп-янги лагандай ярқираб ой чиқмоқда эди. «Ой шом ебди-да», деб хаёлидан кечирди Саъдулла.

— Хайр, — деди Феруза астагина.

Саъдулла хайрлашмоқ учун қўлини узатди. Феруза ҳам. Саъдулла қиз кафтини кафтига босиб чақнаётган кўзларига термилди. Момиқдай юмшоқ қўлини қўйиб юбормади. Сўнг уни аста ўзига тортди. Илгари Саъдулла салгина шундай ҳаракат қилса, албатта кескин рад жавоби олар эди. Бугун Саъдулла ҳеч бир қаршилик сезмади. Қизни яна яқинроқ тортди. Кўзлар ҳамон бир-бирига қадалган, лаблар унсиз, юраклар гуп-гуп урарди. Ахири кўзлари бир-бирини кўрмай қолди. Беун, лекин интизор лаблар бир-бирига ёпишди... ёпишди...

Олам бир нуқтага жо бўлди. Улар ҳам шу сирли нуқтага сингиди. Танларини илоҳий бир сархушлик чуллаган маҳалда шундоққина ёнгиналаридан саёқ бир мушук миёвлаганча жонҳолатда чопиб ўтди. Йигит ҳам, қиз ҳам беихтиёр ўзини орқага олди. Ҳатто Феруза ёқасини кўтариб туфлади.

Мушук кўздан йўқолиб, атрофга жимлик чўккандан сўнг иккалови ҳам бараварига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди...

Тўй «Зарафшон» ресторанида ўтди. Кимлар келмади-ю, кимлар нутқ сўзламади. Нутқлар, ҳамду сано-ларнинг асосий қисми Олим Акбаровичга қаратилди. У кишининг одамшавандалиги, ишбилармонлиги, уда-буронлиги, кўнгли очиқлиги, меҳрибонлиги — хуллас, ўзида бор-йўқ барча хислатлари қайта-қайта тилга олинди. Нотикларнинг деярли ҳаммаси ўз сўзини «Мана шундай олижаноб одамгина мана шундай ажойиб тўй қилиши мумкин, холос», деб тугатди. Олим Акбарович муҳташам залнинг бир чеккасида, ўн-ўн беш киши қуршовида савлат тўкиб ўтирарди. Кўринишидан бу мақтовлардан ҳузур қиларди.

Саъдулла барини сизди, ҳар каломга эътибор берди. Бироқ нима дея оларди. Баъзи қитмир ўртоқлари эрта «Сенинг тўйинг бўлдимми ёки Олим Акбаровичнинг юбилейими?» деб кесатишини ўйлаб ичидан зил кетиб ўтирарди. Аста Ферузага қаради. У оппоқ ҳарир либосларга бурканиб ўтирар, бошини қуйи эгиб, кўзини бир нуқтадан олмасди.

Тўй бошқарувчи микрофон орқали жарангдор овозда зълон қилди: «Энди сўз куёвимизнинг қадрдон дўсти, курсдоши Чори Эгамовга». Табрикловчилар учун мўлжалланган иккинчи микрофон Чорига тутқазилди.

— Мен Олим Акбаровичнинг яхши одамлигига шубҳа қилмайман. Лекин бу ерда асосий гап келин-куёв, яъни менинг курсдошларим — Саъдулла билан Ферузахон ҳақида бориши керак, деб ўйлайман.

Чори бир зум тўхтаб қолди. Гоҳ у столдан, гоҳ бу столдан «Кайфи ошиб қопти», «Йиқилиб тушмаса эди», «Бунақаларни сайратиб қўйишнинг нима кераги бор эди», деган луқмалар янгради. Пичингларни Саъдулла билан Феруза ҳам эшитди. Саъдулла бутун вужудини кўзга айлантириб Чорига тикилди. Кайфи ошганлигини сезмади. У билан беш йил бир хонада яшадикю. Унча-мунчага маст бўладиганлардан эмас, кейин у меъёрини, ўзини қаерда қандай тутишни билади.

— Мен Саъдулланиям, Ферузаниям беш йилдан бери биламан, — деб сўзини давом эттирди Чори. — Иккови бир-бирига жуда муносиб. Ўйлайманки, булар ҳамма ҳавас қилса, ўрнак олса арзигулик оила қурадилар. Оилада бахтли одам ҳамма жойда, ҳамisha бахтли деган экан буюк ёзувчилардан бири. Мен Саъдулла би-

лан Ферузага фахрланишга арзигулик оилавий бахт тилайман.

У ўтирмасдан қадаҳ кўтарди...

Соат ўн иккидан ошганда тўй охирлади...

Тўйга яқин Олим Акбарович билан Муаззам опа қаттиқ туриб олишди: «Ҳеч қурса бирон ҳафта шу ерда туринглар. Ресторандан чиқиб бировнинг ҳовлисига бориш эшитган қулоғу кўрган кўзга хунук. Кейин бир гап бўлар, чиқиб кетарсизлар квартирага...» Феруза йўқ дея олмади. Ота-онаси истагини ётиғи билан Саъдуллага ҳам тушунтирди. «Бир ҳафтагина... Кейин бизни ҳеч ким тутиб туролмайди». Саъдулла кўп андишаларга бориб, кўнди.

Мана, энди осон тоб ташлаганига пушаймон...

Ресторан эшигидан сал нарироқда қантаригли машинага ўтиришгаётганда кимнингдир «Ие, ичкучуёвми?» деган ўткир саволи қулоғига чалинди ва юрагини ханжардай тешиб ўтди. Лекин ҳозир унга додини айтолмайди, аҳволини тушунтиролмайди. Тўй чоғида келин-куёв на яхши гапга, на ёмон гапга кўшилади, тўғрими ёки нотўғрими, индамай эшитиб ўтираверади. Нега улар тўй давомида оғзига толқон солгандай жим ўтириши керак! Унга-бунга қарайвериш ҳам одобдан эмасмиш. Э ўргулдим бундай одобдан? Номи одоб-у, асли ўзи қолип-ку! Ҳамма ўйнаб-кулса, қаҳ-қаҳлашиб ўтирса, еб-ичса майли, лекин шу таянчаларга сабабчилар ҳатто ортиқча кулиши ҳам мумкин эмас эмиш. Ким ўйлаб топган бу қонунни? Қайси дононинг кигиз китобидан чиққан?

Агар истиҳола қилишга мажбур бўлмаса ҳозир Саъдулла ҳалиги кишига бошлаб жавоб беради: «Ие, ака, нима деялсиз? Ичкучуёвликка даъвойим йўқ асло. Ферузанинг ота-онаси кўнглига қараб уч-тўрт кунгина турмоқ учун боряпман. Аслида эски шаҳардан ижарага уй топиб қўйганман. Уч юз сўм бериб ремонт ҳам қилдирганман», дер эди. Бу гаплар ичида қат-қат тахланган кўйи машинага ўтирди. Шовқин-сурон, қий-чув, бақир-чақирлар остида машиналар карвони йўлга тушди...

Олим Акбаровичнинг мўлжали бўлакча эди. У аввалига бир ҳафта деб, кейин яна муҳлатни узайтирмоқчи, шундай қилиб аста-секин қизи билан куёвини батамом ўз ҳовлисида олиб қолмоқчи эди. Бу фикри қисман Муаззам опага аён, аммо бошқаларга қоронғи,

таниш-билиш, қариндош-уруғлар ҳафта-ўн кунда кўчиб кетишармиш, деб юрарди.

Саъдулла учун эса ўша бир ҳафта ҳам минг азобда ўтди. Бунинг устига ҳали ишга тушмаганди. Эртадан кечгача бекор. Қайнотаси-ку ўз юмуши билан машғул, бироқ қайнонаси отпусқада, кун бўйи қайнонасининг олдада ўтиравериш — куёв учун буцдан ортиқ жазо борми? Қафасдаги бедана ҳам ўзини Саъдулладан кўра эркинроқ сезса керак.

У уйда икки кун ўтирди. Учинчи кун нонуштадан кейин кийина бошлади.

— Ҳа, — деди Феруза. — Йўл бўлсин?

— Бир айланиб келай, жуда юрагим сиқилиб кетди.

— Ман билан зерикяпсизми?

Саъдулла Ферузанинг кўзларидан ўпди:

— Сиз билан ҳеч қачон зерикмайман, жоним. Лекин бу ерда қандайдир ноқулай. Тезроқ кўчиб кета қолайлик.

Саъдулла кўчага чиқди. Борадиган жойи нотайин. Ётоқхонага борай деса, ҳозир ҳамма каникулда.

Ўйлаб-ўйлаб Эски шаҳарга — квартирасига борди. Ҳовли тўзиб ётибди. «Кампир ҳам анчадан бери йўқми, дейман-да. Эгасиздай бўп қопти». Ўнг томондаги икки хонали уй деразаларини очиб, ҳавосини алмаштирди. Ўтириб сигарет чеқди. Кейин ечиниш у ёқ-бу ёқни тартибга солди, резина ичакни водопроводга улаб шилқиллатиб сув сепди. Ахлатларни бир чеккага уйиб қўйди. Муздай сувда ювинди-да, ичкарига кириб каравотга чўзилди.

Кейинги уч-тўрт кун ичида биринчи марта мириқиб ухлади...

Саъдулла истар-истамас қайтиб келганда Олим Акбарович ҳовлидаги креслода ястаниб ўтирганча журнал варақлар, Муаззам опа эса телевизор томоша қиларди.

— Келинг, ўғлим, — деди Олим Акбарович босиқлик билан.

Саъдулла салом бериб курсига ўтирди. Алланарсалар ҳақида эзмаланган кўйи Муаззам опа дастурхон ёзди. Феруза чинни косаларда шўрва сузиб келди. Гангур-гунгур суҳбат устида бафуржа овқатланишди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан сўнг қайнотаси нечундир тўйдан гап очди.

— Хўш, тўйдан хурсандмисизлар? — деб сўради салмоқлаб, табассум билан. — Ё камчилик бўлдимми?

— Йўқ, — деди Феруза астагина.

«Сиз қандай фикрда?» дегандай Олим Акбарович Саъдуллага қаради. Сал хижолат чеккан Саъдулла ҳаммаси жойида эканлигига ишора қилиб бош ирғади.

— Қариндош-уруғларингиз, ўртоқларингиз молордец экан, жуда яхши хизмат қилишди, азаматлар.

Олим Акбарович чертиб-чертиб, дон-дона қилиб гапирарди. У эллик бешда, лекин ёшига қараганда қарироқ кўринади. Сабабки, тўнғич ўғли вафот этгандан кейин бирдан ўзини олдириб қўйган. Шўрлик йигитчани ўн яшарлигида кўчага ўйнагани чиққанда машина уриб кетган экан. Бу фожиа Олим Акбаровичдан ҳам кўра Муаззам олани кўпроқ қаритиб юборган. Гарчи сочлари оқарган, кўрган одам олтмишдан ошган хаёл қилса-да, Олим Акбаровичнинг гаплари ўктам, ҳаракатлари чаққон, юзларидан доим қон томиб турарди. Басавлат гавдасига кулранг костюм шундай ярашади, шундай кўрк ва салобат бағишлайдики, унча-мунча одам унинг олдида сўзидан адашиб, довдираб қолади.

— Ҳа, айтгандай — деди Олим Акбарович, бир нарса эсига тушгандай сергак тортиб. — Тўй куни сўзга чиққан ўртоғингиз қаердан, ўғлим? Отини нима дейишди?

— Чори, — деди Саъдулла ажабланиб. — Эгамов, Сурхондарёдан.

— Сал маҳмадонороқ йигитми, дейман-да.

Саъдулла елка қисди. Унинг ўрнига Феруза жавоб берди.

— Йўқ, унақамас. Жуда яхши бола.

Олим Акбарович қизига қараб кинояли кулди.

— Ҳе, қизим, сен одамларни қаёқдан биласан. Одам олеси ичида, дейдилар.

Қадрдон жўраси шаънига айтилган бу гап Саъдулланинг иззат-нафсига тегди. Аммо бетга чопгани журъат этмади. Бир томони янги куёв...

— Йўқ, — деди секин. — Чори унақалардан эмас. Феруза тўғри айтади, у жуда яхши йигит. Оғир-вазмин, мулоҳазали.

Саъдулла товушини кўтармади, бироқ ҳаяжонлангани, қайсидир даражада қизишгани сўзлаш оҳангидан сезилди. Буни Олим Акбарович фаҳмади, лекин билмаганга олди.

— Ундай бўлса тузук, — деди салмоқлаб.

Олим Акбарович Чорини нега суриштираётгани хусусида ҳозир Саъдулла ўйлаб ҳам ўтирмади. Бетизгин хаёлида бошқа мулоҳаза чарх урар, шуни қайнотасига қандай айтиш йўлини қидирарди.

Орага оғир сукунат чўқди. Телевизорда пахтакорларга бағишланган кўрсатув тугаб, «Анна Каренина» киноси бошланди. Қачонлардир романни ўқиган эди, дафъатан унинг илк жумласини эслади: «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир».

— Сиз кўрасизми кинони?

Саъдулла қайнотасининг саволига мужмадроқ жавоб берди. Олим Акбарович «Бўпти, мен дам оламан, сизлар томоша қилинглар», деб ўрнидан турмоқчи эди, Саъдулла сўз қотди.

— Олим Акбарович, — у бир неча марта дада дейишни мўлжаллади, аммо сира тили бормади. — Сиз билан... маслаҳат қилмоқчи эдим.

Фақат Олим Акбарович эмас, Муаззам опа билан Феруза ҳам Саъдуллага юзланди.

— Хўш, ўғлим, эшитаман.

— Агар рухсат берсангиз, биз эртами-индинми...

Саъдулла фикрини охирига етказмасидан Олим Акбарович барини тушунди ва куёвини шартта силтаб ташладики, ўткир ойболта тол хивични кесиб тушгандай бўлди.

— Нима, бу ер сизга ёқмаяптими?

— Гап унда эмас... Сизларни ҳадеб безовта қилишнинг нима кераги бор. Сиз кўчадан чарчаб келасиз. Унинг устига ҳадемай мен ҳам, Феруза ҳам ишга тушамиз. Шунинг учун вақт борида кўчиб, жойлашиб олсак, деб ўйлагандим.

Олим Акбарович креслога ястанган кўйи сукутга толди. Саъдулла сабрсизлик билан жавоб кутарди.

— Умуман мен қарши эмасман, — энди Олим Акбарович боя дағаллик қилган одамга сира ўхшамас, товуши мулозимлашиб қолган эди.

— Лекин, менга қолса, ҳозирча шошилмаганларинг тузук. Қани аввал ишни бошланглар, оғир-енгилга кўни-кинглар. Кейин мен ўзим ўртоқларга айтиб квартира тўғрилатиб бераман. Бировнинг эшигида сизиндидай бўлиб юриш... Менинг қизим билан куёвим шунақа ҳолда юрса уят-ку... Унгача шу ерда бемалол тураве-

ринглар. Бу ҳовлини, бу уйларни биз нима қиламиз. — У турфа гуллар бўйига кўмилган кенг ҳовлига, қатор уйларга ишора қилди. — Ким сизларга халақит беради?

— Ҳаммаси тўғри, Олим Акбарович, бироқ ўзингиздан қолар гап йўқ...

Олим Акбарович оғир қўзғалди.

— Яхши, ўйлаб кўрайлик. Ҳали вақт бор шекилли.

Қовоғидан қор ёғилганча у хобгоҳга йўналди. Ҳамма гапдан воқиф бўлган Муаззам опа билан Феруза миқ этмай ўтиришар, атайлаб телевизорга термулиб олишган эди.

Ўша кечаси Саъдулла Ферузанинг оғзини пойлади. Дадаси билан бўлган суҳбат ҳақида ўз фикрини билдирар, деб ўйлади. Лекин Феруза лаб ёрмади...

Олим Акбаровичнинг бир оз тундлашган қиёфаси ҳам, Муаззам опанинг гоҳ ялиниб-ёлворишлари, гоҳ аччиқ-тизиқ гаплари ҳам Саъдулланинг кўнглини юмшатмади, уни фикридан қайтаролмади. Ўша суҳбатдан сўнг орадан беш кун ўтгач, улар ижарага чиқиб кетишди.

Х

Бировникида ижарада яшап — осонмас. Тақдирнинг бу азоби нималигини бошидан ўтказган билади. Уй эгаси сал инсофлироқ бўлсаку, бир нави-я, аммо бети қалинроғига йўлиқсанг расво-да! Қарангки, улар худди шунақасига — етмишдан ошган эзма кампирга дучор бўлишди.

Ана-мана дегунча орадан тўрт ой ўтди. Лекин тўрт ой тўрт йилдан ҳам кўпроқ туюлди. Кампирнинг вазнати одати бор: Саъдулла билан Феруза чиқиб кетиши билан у ҳам дарвозани қулфлаб қизиникига жўнайди. Улар уйга кириши ҳамона худди бир жойда кузатиб тургандай орқаларидан етиб келади. «Ана, ойингиз ҳозир ру нозир», дейди Феруза Саъдуллага. Кампири тушгур даҳлиздаги стулга бемалол ўтиради-да, сумкасидан сигарет чиқаради:

— Вой, жоним-эй, чарчаб кетдим-эй. Отам, гугуртингизни беринг, битта чекиб олай, кейин уйимга кетаман.

Саъдулла гугурт узатади. Кампир қутичага шундай қўлини тикади-да, нечта дона чиқса ҳаммасини бирдан

повв этқизиб ёқади. Сигаретни бурқситиб тутатади, сўнг бафуржа ўчиради.

— Дадангиз, аянгиз яхши юришиптими, онам? — Ферузадан ҳол-аҳвол сўрайди. Феруза қисқа қилмоқ ниятида «раҳмат, раҳмат. Салом айтиб юборишди», деб қўя қолади. Аммо кампир шу билан тутатмайди. — Бир пиёла сувингиздан беринг, отам. Юрагим ўлгур ўйнаб кетяпти. Чарчадимми йўлда нима бало. — Саъдулла пиёла тутади. У сувни гулт-гулт этқизиб ичади-да, мириқиб сигарет тортади. Кампирнинг сувни ютоққандай шимириб ичиши Ферузанинг кўнглини айнитади. Шу боис қўлига пиёлани олиши билан Феруза ичкари хонага, бир нарсани баҳоналаб, кириб кетади. Чанқовини босиб олган кампир эса тўхтаган жойидан дийдиёсини давом эттиради. — Ҳозир келаяпман денг, отам, бир қўшнимиз бор, оти Толмас, шуни кўриб қолдим. Ҳа, ойи, қалайсиз, соғлигингиз жойидами, дейди. Юрагим шувиллаб кетди, денг. Бу балога йўлиққур бекорга сўрамайди, бир балони билади.

Саъдулла унга таскин бермоқ ниятида:

— Шунчаки сўрагандир-да сизни ҳурмат қилиб, — дейди.

— Йўқ, сиз билмайсиз-да уни, отам, у бекорга сўрамайди. Бир балони билади.

Саъдулла билан Феруза кўчиб келибдики, кампирнинг оғзидан ҳовлиси тушмайди. Эрта-ю кеч ҳовлимни биров олиб қўяди, деган хавотирда юради. Қизларининг униси қўйиб буниси, буниси қўйиб униси ёлворади: «Ойи, юринг, ёлғиз бу ерда нима қиласиз? Ҳовлини сотайлик, ўзи ҳаммаёғи тўкилиб ётипти, унинг устига ҳадемай, бузади». Йўқ, қаёқда, кампирнинг кўзига бу чолдевор Боғи Эрам бўлиб кўринади. Бундан бир неча йил илгари қўшнилاردан бири ҳазиллашиб: «Ойи, энди қизингизниқига кўчиб кетаверинг. Ҳовлингизни маҳалла комитети фалончига сотган», деб бола-чақаси кўп Ҳожиаҳмад деган бир кишининг номини айтган экан. Шу-шу кампирнинг назарида ҳозир ўша одам келиб: «Чиқ ҳовлидан, энди сенинг ҳақинг йўқ!» дейдигандай туюлаверади. Ўшандан бери кўча-кўйда биров ҳол-аҳвол сўраса ҳам кўнглига шубҳа тушади. «Бу бекорга сўрамаяпти, бир балони билади», деб туриб олади.

Гумонини Саъдулла билан Ферузага тўрт ой давомида неча марта айтганини ҳисоблаш учун анча-мунча

қийналишга тўғри келади. Эзма кампирнинг ҳовлиси ҳам, унинг шу жой-жалолни деб куйманиши ҳам кўнгилларига зиғир ёғдай уриб кетган.

Саъдулла-ку тишини тишига босиб чидайди, бошқа иложи йўқ, аммо Ферузадан хавотирланади. «Турмайман бу ерда! Анов жодугарнинг ҳасрати жонимга тегиб кетди!» деса, у нима қилади? Яна қаердан жой қидиради, кимнинг эшигига сарғайиб боради? Лекин ҳозирча Феруза индагани йўқ — дарди ичида...

Ҳаммадан шанба ёмон. Феруза илгари бу кунни жуда яхши кўрар, орзиқиб кутарди. Эртасига дарс йўқ, истаганча телевизор кўриш, радио ёки магнитофон эшитиш мумкин эди-да. Бу ерга кўчиб келди-ю шанбанинг турган-битгани азобга айланди. Сабаби — у шанбада ишга бормайди. (Феруза шаҳардаги корхоналардан бирига ҳуқуқшунос бўлиб ишга кирди, Саъдулла эса факультетда ўқитувчи бўлиб қолди. Биринчи йил ишлаётгани, ҳам яқинда уйланганини ҳисобга олиб, бу йил уни пахтага юборишмади, факультет ташвишлари ҳам етиб-ортарди.) Кампир эртадан-кечгача олдига кириб олиб гап сотади. Сигаретни эса бирини иккинчисига улаб чекади. Феруза унинг жаврашларига кўпда эътибор бермайди, бироқ кампир шу қадар сезгирки, суҳбатдоши не кўйдалигини дарров билиб олади. Эътибор бериб тингламай кўрсин-чи, қолади балога.

Кампир, овзидан сигарет тушмагани устига (ўзининг айтипича, ўн уч ёшида чилим чекишдан бошлаган экан) кишин-ёзин водопроводдан совуқ сув ичади. Унчамунча овқатни назари илмайди: ош, дўлма, манги-ю қазидан гаширади. Тағин муттасил иштаҳаси йўқлигидан нолийди: «Бир лаган ошларни кўрдим демасдим. Бир ўтиришда икки кило асал еганман. Қани энди у вақтлар?».

Бир кунни — ўшанда ҳам шанба эди, Ферузанинг олдига кирди-да, яна ҳовли можаросини бошлади.

— Энди ҳовлимни ҳеч ким ололмайди, онам, — деди иршайиб.

Бу гап Ферузани ҳам қизиқтирди.

— Нега? Нима қилдингиз?

— Ҳовлимни олмақчи бўлган Ҳожиаҳмад бор-ку, ўшани боладим. Кеча бир ҳовуч тупроққа лўли дам солиб берди, ўшани ҳовлисига сочиб юбордим.

— Энди нима бўлади?

Кампир беўхшов илжайди.

— У лўлини биласизми, ўзи, жуда дами ўткир-да, хоҳлаган одамани хоҳлаган ҳайвонга айлантириб қўяди.

Феруза яйраб кулди. Кампир жони чиққудек бўлиб бўзарди. Дунёда энг ёмон кўргани — гапига кулган одам. Ҳозир Феруза ҳам кўзига балодай кўринди. Бу одатини Феруза биларди. Шу боис дарров ўзини қўлга олди, кулгидан тўхтади. Жиддий туриб сўради:

— Ҳожиаҳмад акани нима қилмоқчисиз ойи?

— Эшак! — деди кампир астойдил.

— Боглабсиз, — деди ўзини зўрга босиб.

Кечқурун Саъдуллага кампирнинг муддаосини кула-кула сўзлади.

— Ҳали эртага Ҳожиаҳмад акани одамлар эшак ҳолида кўришса-я, — деди Саъдулла тиззасига шапата-тилаб, қаҳ-қаҳ отиб.

Эртаси эрталаб — якшанба эмасми, бемалол ухлаб ётишганди, эшик қаттиқ-қаттиқ тақиллади. Баравар чўчиб уйғонишди. «Ким экан?» Саъдулла апил-тапил кийинди-да, эшикни очди. Остонада кампир турарди. Важоҳати қўрқинчли, кўзлари ола-кула.

— Тинчликми, ойи? — деди Саъдулла.

— Э, Ҳожиаҳмад балога йўлиқсин! — деди у таклифни кутмай ўзини ичкарига ураркан.

Ранг-қутги ўчган кампир одатдагидек стулга бемалол ўтирди-да, сигарет тутатди. Ҳожиаҳмадни ўғирчага солиши билан эсларига ҳалиги ҳангома тушди. Кампир сигарет тутунини пуфлай-пуфлай жавради:

— Эрталабдан бери кўчада ўтирибман балога йўлиқ-қур Ҳожиаҳмадни пойлаб. Ҳозир кўрдим, ўтиб кетди, одам, отам, одам, эшшак бўлмапти.

Саъдулла билан Феруза ўзларини тўхтата олмай кулиб юборишди. Кампир уларга ўқрайиб қаради-да, жаҳл билан ташқари юрди. Эшикни қарс ёқди. Ташқаридан қарғиши эшитилди: «Санларам балога йўлиқларинг!...»

Кўпинча Саъдулла кечаси аламаҳалгача китоб титкилаб, нималарнидир ёзиб-чизади. Баъзан Феруза ҳам ишхонасида тутатолмаган ишларини олиб келади. Товуқ қўндоғига кирмай ётиб оладиган кампир бир ухлаб туриб ҳовлига чиқади. Қараса, буларнинг чироғи ёниқ, остонада қаққайганча овозининг борича бақиради: «Ҳой, олим, чироқни ўчир! Ярим тунгача катта лампочкани ёқиб ўтиради-я. Қоронғида бир-бирини

кўрмайдими, нима бало. Бу қуриб кеткурнинг шиғиллаб айланиб пул ишлашини ўйламайди бу палакатлар».

Саъдулла билан Феруза бир-бирига қараб жилмайишдан нари ўтолмайди. Дағдага қилаётган кампирга индашмайди.

Аммо сабр-тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор-да. Гоҳо чидаёлмай кетган Саъдулла ҳовлига отилади: «Мунча чинқирасиз! Пулини ўзим тўлайман. Бўлдими?!» Шунда бақириб учун кампирга яна баҳона топилади: «Юрагимни ёрай дединг-а! Э, кекирдагингни чўзмай балога гирифтор бўл! Пулини тўлармиш! Исоқтни тўлайсан... Вой, юрагим-эй...» У вайсаб-вайсаб уйи томон лўкиллайди.

Яхшики, иддао, пўписа-кесатишларни Ферузанинг ота-онаси эшитмайди, билмайди. Агар бу олди-қочдидан хабар топишса, эрка қизларини бир соат қўймасди бу чодевор ичидаги ялмоғиз чангалига...

Бир куни ота-онаси Ферузани астойдил ўртага олди. Юмшоқ, катта креслога чўкиб ўтирган Олим Акбарович хотинига қараб томоқ қирди. Хиёл хомушланиб ўтирган Муаззам опа:

— Феруза, қизим, — деб мурожаат қилди аста. — Ранг-рўйингга қара.

Телевизор кўраётган Феруза ялт этиб ойисига ўтириди:

— Ранг-рўйимга нима қипти?

— Доим баланддан келасан. Ейиш-ичишингни тайини йўқ. Аҳволинг — ит ётишу мирза туриш. Одамларнинг оғзида миш-миш гап.

Одамларнинг биз билан нима иши бор? Биз ҳеч кимнинг ишига аралашаётганимиз йўқ-ку.

Олим Акбарович ҳамон жим, гўё бу суҳбат ўзига дахлсиз. Нигоҳи экранда, бироқ ҳеч нарса кўрмас, эшитмас, фикри-хаёли хотини билан қизининг суҳбатига эди. Аслида у сўзсиз ҳаракатлари, маънодор йўталишлари билан гурунг равишини бошқариб борарди. Буни Феруза ҳам сезиб турибди, лекин тутилмаган — ўғри эмас, дегандек, дадасига қарши бирон нима дея олмас, нима эътирози бўлса, ҳаммасини ойисига отарди. Эрининг ролини ижро этаётган Муаззам опа эса ўз вазифасини гоҳ қойиллатиб бажарар, гоҳ Ферузанинг кутилмаган, асосли мулоҳазаларига жавоб тополмай додираб қоларди.

— Нега одамларнинг иши бўлмас экан? — деди овозини бир парда баланг кўтариб. — Сен айтаверасан-да. Одамлар билан ҳисоблашмай кўр-чи. Ҳозир ҳамма оғзи билан юради. Унинг устига кимнинг қизи эканингни биласанми? Аданг сенинг қайнатангга ўхшаган қишлоғидаги тўртта чолдан бўлак ҳеч ким танимайдиган пақир одам эмаски, ҳеч кимнинг иши бўлмас. Биласанми ўзи аданг ким? Олим Акбарович! Бутун республика танийди. Юзлаб одамлар бир имосига маҳтал. — Олим Акбарович оғирлигини креслонинг у ёнбошидан бу ёнбошига ташлади-да, йўталиб қўйди. — Сан шуларни ҳеч ўйлайсанми ўзи?

— Ҳаммасини биламан, — деди Феруза. — Адамларни ким эканликлариниям биламан, ёш бола эмасман ахир. Лекин сизларни нима бунча ташвишга соляпти? Шунга ақлим етмаяпти. Куёвингиз ишласа, ман ишласам... Ижарада турсак нима қипти? Бизга ўхшаб ижарада турганлар озми? Ҳаммаси вақтинча-ку? Аста-секин уй ҳам бўлар, бошқа нарсалар ҳам. Ахир сизлар ҳам мана шу уй-жойга, мана шу нарсаларга бирдан эришмагандирсизлар-ку.

Олим Акбарович телевизордан кўз узмаган ҳолда луқма ташлади:

— Ҳа, уйнинг калитини тайёрлаб кутиб ўтиришган эмиш. Саъдуллавой билан Ферузахон келиб олиб кетишсин деб.

Феруза дадасига гинали қаради. Киноя юрагини ачитиб кетган эди. Ногоҳ миясига аламли гапларни айтиб ташлаб хумордан чиққиси келди. Ота бетига чопиши яхши эмаслигини ўйлаб ўзини тийди.

— Ижарада турганлар кўп, тўғри, аммо улар ноилждир. Ҳамманиям санга ўхшаган меҳрибон адаси йўқдир ахир. Шўтта келиб, биззи бағримиззи тўлдириб ўтирсаларинг аданг ҳаммасини ўзлари қилиб берадилар. Машинаям олиб берадилар, эрингни илмий ишигаям ёрдамлашадилар. Юрфақдагиларнинг қанчаси адангни шогирдлари, бир оғиз айтсалар, ҳатто ўзлари ёзиб беришади. Қанақа ўзининг нафини билмаган ўжар бола экан-а. Қаёқдан топа қолдинг бу боши кал — кўнгли нозик қишлоқини.

— Э, осилиб кеган поездидан ўргилдим, — минғирлади Олим Акбарович.

Ҳалиги кесатикдан ҳам ошиб тушган бу луқмадан кейин Феруза ўзини тутолмади.

— Ада! Бу нима деганингиз? Ахир куёвингиз-а. Шунақа гаплар ярашадими сизга. Ойим айтганларидай, сиз Олим Акбаровичсиз-ку! Мани қайнотамга ўхшаган тўртта чолдан бошқа ҳеч ким танимайдиган пақир одам эмассиз-у.

Дарвоза қўнғироғи жиринглади-ю мунозара тўхтади. Муаззам опа, орқасидан Феруза ҳовлига чиқди. Кўчада ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Муаззам опа дарчага ўхшаш эшикчани очди. Башанг кийинган хушбичим йигит салом берди. Нарироқда турган сутранг «Волга»да шофёрдан бошқа яна бир киши ўтирарди. Улар ҳам машинадан тушиб, Муаззам опа билан эски кадрдонлардай қуюқ сўрашишди.

— Келинлар, келинлар, марҳамат...

Хушбичим йигит Муаззам опа таклифини кутмасданок дарвоза илгакларини тушириб, чаққонлик билан табақаларни бургут қанотларидай қилиб очди. «Волга» ичкарига кирди.

Чақирилмаган меҳмонларни Феруза таниди. Бир неча йилдан бери шу уч одам уйларида тез-тез пайдо бўлади. Булар ким, қаердан, нима учун келишади? Бу жиҳати Ферузага қоронғи. Аммо шуни биладики, дадаси уларни доим хушчақчақлик билан кутиб олади, сал узоқлашиб кетишса, жуда камнамосизлар, деб ўпкагина қилади. Ҳар гал улар келиши ҳамона Феруза билан онаси ошхонага чопади — куймана-куймана лаззатли таомлар тайёрлашади. Ўрганиб қолган бу одатини Феруза ҳозир ҳам тарк этолмади. Индамай ошхона томонга юрди. Шофёр билан хушбичим йигит ошхона ёнидаги кичик уйчага — дадасининг тили билан айтганда, озик-овқат омборига бир қанча кутилларни келтириб тахлашди.

Муаззам опа меҳмонларни ичкарига бошлади. Яп-янги дастурхон солди, қаңд-курс, писта-бодом, асалу қаймоқ қўйди. Кейин Ферузанинг ёнига борди. Пахта гулли чойнақларнинг бирига цейлон чойидан, бирига «тўқсон беш»дан дамлади.

— Ман кетдим энди ойи, — деди Феруза.

— Шошилма, борасан-да, ўша «уйинг»га. Овқат-повқат еб кетгин.

— Овқат едим-ку. Куёвингиз кутиб ўтиргандир.

— Ҳеч қурса гўшт-пўшт тўғрашиб юбор манга. Кейин кетарсан.

Онасининг асосий муддаоси шу аслида. Буни Феру-

за билади. Қизиқ, у ақлини таниб, қўлидан иш келади-ган бўлгандан буён кўп вақтини овқат пишириш билан ўтказишти. Қўни-қўшнилар эса унинг пазандалигига шубҳа билан қарашади. Кўпчиликнинг назарида Феруза ҳам ҳозирги аксарият замонавий қизларга ўхшаган — овқат пишириш у ёқда турсин, чой дамлашни ҳам тузук-қуруқ эпломайди, юрфақда ўқиш қаёқда, эртадан-кечгача япон магнитофонидан чет эл эстрадасини қўйиб, ҳар хил ўйинга тушиб ўтиради. Ахир кимсан, Олим Акбаровичнинг қизи, ўқиш шунчаки эрмак, дадаси тўғрилаб қўйган, хоҳласа боради, хоҳламаса — йўқ. Баҳолар қўйилаверади...

Аслида бундай эмасди. Бу факультетни Ферузанинг ўзи танлади. Ҳатто дадаси бошқа енгилроқ ўқишга киритиб қўймоқчи бўлганда унамади. Шу соҳага қизиқди. У ҳуқуқшуносларни энг адолатли, энг росттўй одамлар деб ўйларди. Кейинчалик бу ўйлари пуч эканлигини билди. Тажриба ишига борганларида қаллоблар, мунофиқлар, порахўрлар шу касб эгалари ичида ҳам тиқилиб ётганини кўрди. Аммо энди кеч эди. Бир томони — энди хаёлига бошқа фикр келди. Ҳамонки, ҳуқуқшунослар орасида шунақалари кўп экан, уларга қарши курашмоқ керак! Унинг сезишича, анови оёқ-қўли енгил одамлар ҳам уйларига бекор келмас экан. Дадаси билан улар ўртасида нимадир бор, аммо нима эканини Феруза аниқ билмайди. Ҳатто бу ҳақда дадаси билан ойдисига бир-икки гап ҳам очган. Бироқ дадаси жеркиб ташлаган: «Бундай ишларга аралашма. Овқатингни пишир, дарсингни қил, тамом».

Бу мавзуда у Саъдулла билан ҳам кўп тортишди. Ажаб эмаски, узундан-узоқ баҳслашувлар чоғида фикрлари, қарашлари бир жойдан чиққанлиги учун юлдузлари юлдузларига тўғри келиб қолган бўлса! Аслида буни ўйлашганиям йўқ, рости, йигитга қизнинг қадду қомати, ҳусну чиройи кўпроқ ёқди. Айниқса кўзлари Саъдуллани асир этди-қўйди. Феруза эса Саъдулланинг оғир-вазминлигини, баъзи йигитларга ўхшаб кўринган қизга суйқаниб, шилқимлик қилавермаслигини, энг муҳими, мустақил фикри борлигини хушлади.

Дастлаб танишган кезларидаёқ Саъдулла Ферузанинг исми жисмига мослигини, хусусан, ақл-ҳуши ва фаросати ҳусну малоҳатига монанд эканлигини самимият билан эътироф этганди. Мана, турмуш қуришган-

дан буён неча ой ўтди, Саъдулла ўша эътирофда адашмаганлигига ишониб бормоқда. Негаки, Феруза ҳар қадамда фаросатли ва оқила эканлигини намоён этмоқда, у ҳали бирон марта турмуш қийинчиликларидан оғринганини, етишмовчиликлардан нолиганини билмайди. Бироқ гоҳо-гоҳо хаёлига турли нохуш фикрлар ёпирилади: «Феруза бир умр мен билан чидармикан? Ҳали қачон бошимизга бошпана битади, қачон одамларга ўхшаб у ёқ-буёқни тузатиб оламиз. Йўқчилик нима эканини билмаган қиз менинг бу дарвешона турмушимга охиригача бардош берармикан? Бунинг устига у ёқда ота-онаси гижгижлаб турса...» Шундай кезларда Феруза уни ташлаб кетадигандай юраги шувиллаб, кўнгли хуфтон бўлади. Аммо яна ўзига ўзи таскин беради, бемаъни ўйлардан ўзини чалғитади.

Феруза қозонга масаллиқ солди, қирқ беш минутдан кейин сузасиз, деб онасига тайинлади. Ўзи эса йўл тарадудини кўрди. Муаззам опа гарчи ичида ранжиса-да, ҳеч нарса демади. Унинг сумкасига у-бу нарса солиб берди. Феруза «қўйинг, керак эмас, ҳамма нарса бор», деганига қулоқ осмади. «Олиб кетавер, мунча отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан», дея жеркиди.

Дадаси билан ойисининг шунақа тағдор қочиримлари Ферузанинг жонига тегиб кетди. Келмай деса — иложи йўқ, ота-она. Келса — аччиқ киноялар. Ҳали у ёқда Саъдулла ҳам минғирламасайди. Ойисиникидан нарса олиб борса, Саъдулланинг қовоғи тушиб кетади...

Феруза оғир сумкани кўтариб кириб келганда Саъдулла сигарет тутунига кўмилиб китоб ўқиб ўтирар эди. У бир Ферузага, бир қаппайган сумкага хўмрайиб қаради, лекин индамади. Феруза ечиниб чиқди-да, сумкадан нарсалар олди. Икки килоча гўшт, дудланган колбаса, думба ёғи, яна алланималар бор эди.

— Дадангизнинг ошналари кепти-да, — деди Саъдулла кесатиб.

Феруза қўрққан аввал мушт кўтарар қабилида дарров олдини олди.

— Шунча керакмас десам ҳам, ойим қўймай тиқиштирдилар. Саъдулла чуқур ух тортди.

— Уларнинг мақсади нима, билмайман... Мени кечиринг-ку, Феруза, дадангиз ҳаром ишларига бизни ҳам шерик қилмоқчими?

Феруза бўшашиб стулга ўтирди. Нима десин, нима

қилсин? Бу бармоғини тишласа ҳам оғрийди, унисини тишласа ҳам. Бунақа аҳвол қачонгача давом этади? Дадаси билан ойиси буларни тушунармикан ёки Саъдулла уларга ён бергани маъқулми? Ферузанинг ўзичи? Ўзи нимани истайди? Бир кўнгли бор-э, деб дадаси билан ойисининг сўзига кириб, маза қилиб яшагиси келади. Рост-да, бу дунёга асаббузарликлар учун келганми? Бошқа дугоналари қатори ўйнаб-кулиб, истаган кийимини кийиб, хоҳлаган ишини қилиб, беш кунлик дунёда даври даврон сурса нима қипти? Бировдан кам жойи борми? Дадасига бир оғиз айтса бас, истаган нарсасини муҳайё қилади. Лекин Саъдулла кўнармикан? Шунинг астойдил истайдими? Бориники, Саъдулла ҳам унинг гапларига кирди дейлик. Хўш, бу сафо қачонгача давом этади? Дадаси қачонгача мансаб курсисида ўтиради. Ахир ёши қирқ-эллик борганида ҳам дадасининг мўмай пуллари ҳисобига яшаб юролмас...

Ҳар ҳолда Феруза ҳаётнинг паст-баланддан иборатлигини билади. Билиб шу йўлга қадам босган. Энди чидайди, ҳаммасига чидайди. Бундан оғир синовларга ҳам бардош беради. Саъдуллага суянади, ишонади. Юраги сезади: у ҳеч қачон алдамайди, чап бериб кетмайди...

Феруза аста эрининг ёнига ўтирди. Чақнаётган кўзларига меҳр билан термилди, секин бўйнига қўл солиб эркаланди.

— Жоним, кўп асабийлашманг, — деди майин овозда. — Соғлигингиз керак менга. Бу нарсаларга парво қилманг. Сиз мени билинг, менга ишонинг.

Феруза эрининг дағал юзларини силади. Кафтлари шу қадар силлиқ, майин эдики, Саъдулланинг бугун баданига бир илиқлик югурди. Кўнглидаги ғазаб ўрнини меҳр эгаллади. У ҳам Ферузанинг сочларини кафтлари орасига олди...

Айни ёзнинг чилласи — июль ойида Феруза ҳомиладорик таътилига чиқди.

Кун кундан иссиқ — ҳарорат қирқ беш даражага кўтарилди. Кампирнинг каталақдай ҳовдиси мисоли тандир: қуёш ловиллаб қиздиради-ю, атроф уйлар билан ўралгани учун қилг этган шабада юрмайди. Кундузи-ку кундузи, кечаси ҳам алламаҳалгача нафас олиш қийин...

Феруза тоза қийнади. Бироқ кампирнинг дийдёлари олдида бу иссиқлар чикора. Бир дам бемалол

чўзилиб роҳатлангани қўймайди, олдига кириб олиб, бир тоғдан, бир боғдан келиб алланарсаларни ҳикоя қилади. Бу ҳам етмагандай қўни-қўшниларини ёмонлайди, бирови ўғри, бошқаси савдогар, яна бирининг қизи бузилиб кетган — хуллас, маҳалада шу кампирдан бўлак инсофли, ҳалол одам йўқдек...

Ҳомиладорлик борасида ҳам кампирдан кўра кўпроқ нарса биладиган одам топилмайди. Ҳар сўзини мисоллар билан «исботлаб» гапиреди. Қариндош-уруғлари, таниш-билишлари орасида нечтаси биринчи боласини туволмай ўлиб қолганини эртақдай қизиқарли қилиб сўйлайди. Ҳатто ўзининг ойиси ҳам уни (тўнғич фарзанд экан) туғиб оламдан ўтган эмиш.

Кампирнинг ваҳималарини истаса-истамаса эшитиб гоҳо Ферузанинг юраги увишади. Жуда жонидан ўтган кунлари эшикни ичидан бекитиб ўтиради. Аммо бу билан иш ҳал бўла қолса кошки. Кампир дамбадам дераза тагида гимирлаб у ёқдан-бу ёққа ўтаверади. Жағи тинмайди: «Шу иссиқда уйда кўмилиб ётади. Ҳомиладор хотин сал-пал ҳаракат қилиб турса-да. Бу аҳволда боласи ичидан ўлиб қолади. Менга нима, баттар бўлмайдимми...»

Энди Феруза тамом таҳликага тушади. Бутун вужудини қулоққа айлангириб қорнига қулоқ солади. Кейин енгил нафас олиб, сал ўзига келади. «Қаерданам топган экан бу ҳовлини Саъдулла. Тоза ноёб нусха экан-ку... Ҳали келса бошқа биронта жой топинг десаммикан? Ёки дадам билан ойимнинг гапига кирсакмикан? Саъдулла кўнармикан?»

Саъдуллани қабул комиссиясида олиб қолишди. У ҳар куни эрталаб чиқиб кетади, кечқурун бурнидан тортса йиқилгудек шалвираб кириб келади. Унинг аҳволини кўриб, Феруза кундузи ўйлаб қўйган фикридан қайтади: «Қани сабр қилиб турайлик-чи. Бир гап бўлар ахир...» Саъдулла чой ичар экан, зимдан Ферузани кузатади: ичи тўла дард эканлигини, руҳан чарчаб кетганлигини сезади. Сезади-ю, индамайди. Нима ҳам десин? Қуруқ гапдан не фойда. Аҳволни яхшилашга кўзи етмаса...

Улар бир-бирига ҳамма гапни борича яширмай, очиқ-ойдин айтиб ўрганишган. Ширин-у, аммо ёлғон сўзлар, маза-бемаза ваъдаларнинг нима кераги бор?! Эр-хотин бир-бирини аддаса, бир-бирининг қўйинини пуч ёнроқ билан тўддириб юрса — у қандай оила-ю

қанақа турмуш бўлади? Рўзгорда камчилик ҳам, етишмовчилик ҳам, майда-чуйда фиди-бидилар ҳам бўлади. Булардан мустасно оила йўқ. Ақл-фаросатли эр-хотин шуларга бамаслаҳат чек қўяди, кўчага олиб чиқиб жар солмайди. Бировга айтганинг билан ёрдам берармиди, тузатиб қўярмиди. Қаёқда, аксинча, баттар бўл, деб ичида кулади. Бундан кимга фойда-ю кимга зарар?

Оила, рўзгор ҳақида уларнинг фикрлари шунақа. Шукурки, ҳозирча бу йўриқда униси ҳам, буниси ҳам қатъий, оғир-енгилга бирдек чидаб, яъни, сув келса симириб, тош келса кемириб яшашяпти. Асли шу бир йил орасида, эҳ-хе, не-не яхши-ёмон ўтмади. Саъдулла ўжарлик қилгани учун қайнота-қайнонаси тоза тўғини тескари қийиб олди. Улар ўлганларининг кунидан салом-алик қилишади, тил учида ҳол-аҳвол сўрашишади. Номии улуғ супраси қуруқ куёв, унинг «измига» тушган бефаҳм қиз билан муомала қилиш осонмас. Лекин ҳар нечук Олим Акбарович билан Муаззам опа ҳамма вақт шуларга яхши бўлсин, қизим билан куёвим қийналмасин, деб жон куйдиришди. Булар эса қаёқда, бўйин бергиси келмайди. Майли, бир-икки йил ўзларича яшаб кўрсин. Кейин билади ота-она қадрини. Диссертация ёзармиш... Ёзсин, ёқласин. Кўрамиз. Бу гаплар айтишга осон. Ёқлаб бўпти! Олим Акбаровичнинг қўли қаёқларга етишини бу қишлоқи ҳали билмайди. Факультетдагилар, хусусан унинг кафедрасидагилар Олим Акбаровичнинг бир гапини икки қилиб кўришсин-чи! Етимни урма-сўкма, ёқасини йирт. Олим Акбарович имоси билан кимларнинг ёқаси йиртилмаган. Унча-мунчага гап бермайдиган дасти дароз бойваччалардан қанчаси унга тан бериб, оёғини ўпини учун изн сўраб келди-ку олдига. Аммо у туфлаган туфигини қайта ялайдиганлардан эмас.

Олим Акбарович филу Саъдулла унинг олдида ми-соли пашша. Лекин бу Саъдулла-да, яъни...

Ғайрилик қайнота ичида пинҳон. Барибир уни Саъдулла ҳам, Феруза ҳам сезади, юраклари сезади. Бир нарсадан Ферузанинг кўнгли тўқ, дадаси уни яхши кўради. Шундай экан, уларга, хусусан Саъдуллага ёмонлик қилмайди. Фақат Саъдулланинг диссертацияси муҳокамаси ёки ҳимоясини орқага сурдириши мумкин. Мақсад — куёви кимлигини билиб, олдига ялиниб келсин. Шунда у дарёни тўсган тўғонни очиб юборади. Бу билан ўзининг қудратини кўрсатиб қўяди...

Саъдулла биладик, Феруза кун бўйи кампирнинг эзмаланишидан зерикиб кетади. Шунинг учун бирор маънили, дилни равшан қиладиган гап айтишни истайди. Сабил қолгур шундай гап ҳадеганда топилавермайди. Охир топгандай бўлади.

— Феруза, — дейди унинг сепкил тошган юзларини силаб — отини нима қўямиз?

Негадир бу гапи ўзига томдан тараша тушгандай туюлади. Алланечук ийган Феруза ичида кулади, лекин сир бой бермайди. Аслида у ҳам Саъдулланинг кўнглига ёқадиган бирон нарса дейишни ўйлаб ўтирган бўлади.

Саъдулла жазирамада эртадан кечгача бетиним ишлайди. Бир-бирининг устига чиқиб кетгудай бўлиб тикилиб ётган абитуриентларнинг ҳужжатларини бир-бир кўриб чиқиш, айримларига нималарнидир тушунтириш — осонмас. Тагин устига баъзи бойваччалар бор, ўғлини етаклаб келади. Қани уларга гап уқтириб кўр-чи. У десанг бу дейди, бу десанг у. «Бизам шу соҳанинг нонини еймиз, қонун-қонидани биламиз», деб туриб олади. «Хўп, ана, сиз суддирсиз, прокурордирсиз — бу яхши, лекин ўғлингизнинг ҳужжатлари чатоқ. Бу қолда қабул қилолмайман». Э, қаёқда, бу эътироздан ҳалиги баттар жизиллайди. «Тўғри бўлмайдиган иш борми, ука?! Истак бўлса бас». «Э, ака, ўзингиз ҳуқуқшунос экансиз, гапингиз қизик-ку. Чала ҳужжат билан иш битмаслигини мендан яхшироқ биларсиз. Бу ерда менинг истагимнинг нима аҳамияти бор?». «Жуда аҳамияти бор-да. Хоҳласангиз битта аттестат билан ҳам қабул қилаверасиз. Биламизку. Ўзимизнинг бошимиздан бунақаси ҳар куни неча бор ўтади». Саъдулла энди ўзини тугулмайди, асабийлашади. «Сизни билмадим, лекин мен бундай қилолмайман. Боринг, гап тамом! Бошқаларга йўл беринг!»

Бир куни ёмон бўлди.

Ҳужжатларга кўмилиб ўтирарди. Бир семиз киши яқинлашди. Орқасида ўзига ўхшаган гўндагина бола — кўзлари ҳадикли йилтирайди.

— Ҳорманг, ука, — деди у Саъдуллага, — чарчама-япсизми? Жуда исиб кетипти-ку.

— Раҳмат-раҳмат, — деди Саъдулла мақсадга ўтинг деган мазмунда.

— Ўғилчани олиб келувдик, от ўрнини той босар, деб. Сизга ўхшаб прокурор бўламан дейди зангар. Ҳе, бўсанг бў, дедим.

У гўлдираганча юпқагина қовоз папка узатди. Саъдулла ҳужжатларни синчиклаб кўздан кечирди. Энг тагидан бир конверт чиқди. Бу нимакин, деган ўй билан аста очди. Очди-ю, донг қотди: ажабо, бир нечта эллик сўмлик! Хона бениҳоя дим, терлаб-пишиб ўтирган бўлса-да, бирдан аъзойи бадани музлаб кетди. Семиз кишига ўқрайиб қаради:

— Бу қанақа ҳужжат?

Семиз киши рўмолчаси билан ҳар бири сопол лагандай келадиган бети, гўдак қулочи етмайдиган даражада йўғон бўйнини ҳафсала билан артаркан, илжайди:

— Кўриб турибсиз-ку, ука, қанақа ҳужжатлигини, мушук-сичқон ўйнаб нима қиласиз, сиз билан бизнинг соҳамизда бу «ҳужжат»сиз бирон иш битмайди, биласиз-ку.

Саъдулла папка боғичини боғладими-йўқми — билмайди, аммо уни олиб ҳалиги семиз кишининг қипқизил башарасига қараб отганини билади. Папка бир четга бориб тушди, ичидан ҳужжатлар сочилиб кетди. Бир лаҳзада кечган воқеадан ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Иссиқда лоҳас тортиб, мудраб ўтирган абитуриентлару ҳайбаракалалачилар, бопқа факультетларга ҳужжат қабул қилаётган йигит-қизлар аланг-жаланг қилишди.

— Йўқол кўзимдан, ифлос!

Семиз киши ҳам паст тушмади.

— Нимага мени ҳақорат қиласан? Ҳали кўрсатиб қўяман сенга, — Кейин ўғлига ўшқирди. — Йиғиштир буларди...

Ўша кун ичигача Саъдулла ўзига келолмади...

Ҳангомадан Феруза ҳам хабардор. Саъдулла кечкурун ичига сиғдиrolмай хотинига ёрилган эди. Шундан биладики, қабул комиссиясида ишлаш оғир. Шу сабаб ҳар оқшом Саъдуллани бирон лаззатли таом, хуш кайфият билан кутиб олишни ўйлайди. Ҳозир ҳам эрининг саволига ҳазил билан жавоб бергиси келди.

— Туғилмаган бузоққа қозиқ йўнаяпсизми?

— Яхши ният — ярим давлат.

— Ким билади, ўғил бўладими, қиз. Билсак экан, шунга қараб исм танлаб қўйсак.

— Битта ўғил боланинг, битта қиз боланинг отини танлаб қўямиз, — деди Саъдулла. — Шошиб қолмай-

лик тагин, сиз туғруқхонада бўласиз, мен ким билан маслаҳатлашаман?

Феруза Саъдуллага яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Ростини айтинг-чи, сиз ўғил бўлишини истайсизми, ё қиз?

— Ўғил ҳам, қиз ҳам — фарзанд. Аввало эсон-омон кутулиб олинг.

— Ростини айтмадингиз, — деди Феруза. — Биламан, сиз ўғил бўлишини хоҳлайсиз.

— Қаёқдан биласиз?

— Биламан-да.

Ферузанинг бундай қатъий ҳукмида жон бор эди. Саъдулла ўғил кўришни ич-ичидан истайди. Фақат орзусини Ферузага айтмаган. Ахир бу на Ферузага, на ўзига боғлиқ. Лекин қизиқ, кўнглидагини Феруза қандай сездийкин?

— Хўш, айтинг-чи, қаердан биласиз?

— Айтмайми, — деди Феруза сузилиб.

— Айтинг!

— Хув Самарқандга борганимизда... Аслида аввалдан билардимиз, ўшанда аниқ сезганман.

— Қачон?

— Биринчи марта борганимиз-чи. Салима деган жувон билан бир машинада кетувдик-ку қишлоққа.

Саъдулла эслади...

Ўшанда октябр ойининг охирлари эди. Самарқандга эрталаб етиб келишди. Самолётдан тушиб, шаҳар айланишди.

Кечга томон бекатга йўл олишди. Одам кўп, автобус бедарак. Кузнинг или-милиқ офтоби кўп қаватли бинолар орқасига ботиб борар, унинг ўрнини аччиқ изғирин эгалламоқда эди.

Одамлар бетоқат: гоҳ униси, гоҳ буниси бориб кас-сирга тикилинч қилади. Иссиққинада ҳузур қилиб ўтирган хотин жуда терс, кўпол чоғи, тўртбурчак туйнукдан мўралаганларга қарсиллатиб жавоб берди. Баъзи асаби бўшроқлари хитланиб сўқинди: «Автобус келар-келмасини билмасанг нима номаъқулни еб ўтирибсан бу ерда? Пахтага кетган эмиш, номаъқул эмиш. Пахта яхши баҳона буларга. Аслида бошқа вақтлар ҳам гўр эмас... Жуда жонга тегди-да. Ҳеч сон кирмайди-я».

Саъдулла ҳам тажанглашди, аҳволни ўзича чамалади-да, такси топишдан ўзга илож йўқ деган қарорга келди. Бир томони вақт кетяпти, бир томони совуқ.

Бирок қани ўша такси. Бир-иккитаси тўхтади, аммо Кўктошга олиб бориб қўйинг, дейиши билан ҳайдовчиси жавоб ҳам бермай газни босади. Баъзилари, у ёқдан одам бўлмайдиган энди, бориш-келиш пулини тўласангиз элтиб қўяман, деб ўзини тарозига солди. Саъдулла аввал бу таклифларга қўнмади, сал инсоф қилинг, ака деб кўрди. Йўқ, инсоф қиладиган таксичи учрамади.

Аста-секин, бориш-келиш ҳақини тўласанг бораман, дейдигани ҳам сийраклашди. Саъдулланинг хуноби ошди. Илгарироқ кетавермаганидан афсус чеқди.

Охири эскироқ кўкиш «Волга» тўхтади. Саъдулла югуриб бориб олди эшикни очди, шофёр билан кўз уриштирди, сўнг унга ўтинди, аҳволини тушунтирди. Шофёр, неча пул берасан, деб сўрамади ҳам, индамай ўтир ишорасини қилди. Олдин Ферузани чиқариб, ёнига ўзи ўтирди.

Машина юз-юз эллик метр чамаси юрувдики, бир болали аёл қўл кўтарди. Саъдулла уни таниди: Салима.

— Тўхтатинг! — деб юборди беихтиёр.

Машина қаттиқ тормоз бериб тўхтади.

— Нима гап? Тинчликми? — деди шофёр орқасига ўгирилиб Саъдуллага қараркан.

— Шу хотинни ҳам олиб кетайлик. Биз борадиган жойга боради.

У шофёрнинг жавобини ҳам кутмай Салимани чақирди. Салима етиб келгач, олдинги эшикни очди. Шофёр қويدани сув қилиб ичган экан: ёш бола билан олдинда ўтириш мумкин эмаслигини уқтирди. Салима орқага — Ферузанинг ёнига, Саъдулла эса олдига — шофёрнинг ёнига ўтирди.

— Раҳмат, — деди астагина Салима. У бу гапни кимга айтди — шофёргами, Саъдуллагами — ўзидан бошқа ҳеч ким билолмади.

Машина елиб боради. Чақалоқ йиғлайди. Салима уни эркалаб овутади. Сўнг дам-бадам Ферузага зимдан қарайди. Буни Феруза ҳам сезади, сезади-ю индамайди. Ҳозир Салима Ферузага қай маънода боқаётир — бунини ёлғиз Саъдулла тушунади.

— Кеч бўлганда бу ерда ёлғиз юрибсиз? — деди Саъдулла.

Илгари у Салимани сенларди, энди сизлади. Негадир «сен» деб мурожаат қилишга тили бормади, бундай муомала тасаввурига сиғмади. Бари-бир бегона аёл-да.

— Ҳа, — деди ниҳоят Салима довдираб, — бир иш

билан келувдим, кечга қолдим. Автобус йўқ, пахтага кетган дейди. Битта-яримта таниш-паниш учраб қолар, деб шу ерга чиқиб турувдим.

— Холмат яхши юриштимми? Машинасида олиб кела қомапти-да.

— Жўрангиз йўқ. Новосибирга кетган.

У шундай деб чуқур уқ тортди. Бу уқ замирида жуда кўп дард-алам бор эдики, уни Салиманинг ўзидан бошқа билмайди.

— У ёқда нима қилади? — қизиқиб сўради Саъдулла.

— Нима қилайди, биласиз-ку жўрангизди одатини. Ҳар йил бир-икки шахларга бориб кемаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Қуйинг шу ишингизни, яна бир палакат босмасин, десам қулоқ сомайди. «Сени нима ишинг бор! Болангга қараб, овқатингни пишириб ўтиравер», дейди.

Холматнинг бу ҳунаридан Саъдулла беҳабар эди. Ҳозир Салимадан эшитиб ҳайрон қолди. «Унга бу ишининг нима зарурати бор экан. Ҳамма нарсаси етарли, отаси раис — айтгани айтган, дегани деган. Отаси индамасмикан? Ёки шу иш билан шуғулланувчи битта-иккита ошна топган бўлса, улар билан бирга кўнгли очиш учун бориб келармикан?»

— Анча бўлдим кетганига?

— Бир ойга яқинлашди. На хат, на хабар бор. Ҳар куни кўзим йўлда.

— Отасининг хабари борми?

— Бор. Сўрасам, кеп қолади, эркак одам рўзғор учун темгиниши¹ керак-да, дейди.

Саъдулла шувиллаб машина тагига кириб кетаётган асфальт йўлдан кўзини узмас, хаёли эса Салимада, унинг эри — синфдош дўсти Холматда эди. Кимсан, фалончи раиснинг ўғли Сибирда савдогарчилик қилиб юрса-я! Наҳотки, буни Холматнинг ўзи, отаси ўйлаб кўрмаган бўлса?

— Болалар нечта, Салима? — деди гап ўровини бошқа томонга бурмоқ мақсадида.

— Иккита. Икки ўғил.

— Ў-ҳў, жуда зўр-ку, — деди Саъдулла ҳаяжонини босолмай — Холмат бахтли экан.

Бу суҳбатдан сўнг Саъдулла ўзини бир оз эркинроқ тутди. Тўғриси, боя машинани тўхтаттиргандан кейин

¹ Темгиниш (шева) — қимирлаш, ҳаракат маъносига.

сал пушаймон қилганди. Ҳозир эса қилган ишидан анча хурсанд бўлди, кайфияти кўтарилди.

— Ҳа, дарвоқе, — деб гап бошлади у ва чап тирсагини машина суянчигига қўйиб орқага ўтирилди. — Мен сизларни таништираман. Ферузахон, бу киши бизнинг қишлоқдан, отлари Салима. Менинг синфдош жўрамга турмушга чиққан. Бир-бирини севиб, ҳар қанақа тўсиқларни енгиб оила қуришган. — У кулди, аммо кулгиси унчалик самимий эмаслиги сезилди. — Мен Холматни жуда ҳурмат қиламан, яхши йигит. Бу киши Феруза...

— Сизнинг хотинингиз, — деди Салима унинг гапини бўлиб.

— Қаёқдан биласиз?

— Нимага билмас эканман. Қишлоқда тўй қилганларингизда келганман. Келин саломда, беточарда бор эдим. Яхшилаб кўриб олганман.

У Ферузага юзланиб кулди. Феруза ҳам жилмайиб унга термилди, бироқ эслай олмади. Ўшанда Тошкентлик келинни кўрайлик, деб таниш ҳам, нотаниш ҳам келди. Феруза қайси бирини эсласин.

— Ундай бўлса тузук, — деди Саъдулла жимликни бузиб. — Тошкентга йўлингиз тушса, тўғри бизникига бораверасиз энди. Ферузахон ўзи кутиб олади сизни.

— Албатта, — деб кулди Феруза.

Холматларнинг қишлоғи йўлда — Кўктошдан анча берида. Шу боис Салима олдин тушиши лозим.

— Ичкарига обкириб қўййлик, — деди Саъдулла.

— Йўқ, раҳмат, бу ёғи яқин-ку, ўзим етиб оламан.

У шофёрга пул узатди. Саъдулла унинг қўлини суриб қўйди:

— Тушиб кетаверинг, уят бўлади.

Шунда беихтиёр бадани жимирлаб кетди. Салиманинг қўлига қўли тегар-тегмас бутун вужудига ток ўрмалагандай бўлди. Ё қудратингдан! Бу қандай куч, қандай сеҳр?

Чамаси, Салимада ҳам шундай ҳолат кечди, бошқа индамади. Ҳатто раҳмат айтишни ҳам унутиб эшикни ёпди. Юмшоқ суянчиқда ястаниб ўтирган Феруза эса бу сиру синоатдан беҳабар, икки ўғилнинг онаси — ёшгина жувонга ҳавасланиб термилиб қолди.

Машина юргандан кейин Саъдулла дарҳол Ферузага ўтирилди.

— Мактабни биздан бир йил кейин битирган. Икки ўгли бор, яхши-а, — деди.

Индаллоси: Саъдулла ўғилга ҳавасмандлигини Феруза йўлдаги ана шу қутилмаган учрашув асноси англаган эди. Ҳатто ўзи ҳам пинҳона шундай истак билан яшардики, бу азбаройи эрига чексиз меҳрининг нишонаси эди.

— Билар эканманми? — деди Феруза.

— Сиз билмайдиган нарса борми?!

Сўхбат узилди. Кўнгилга ёқмайдиган алланарсани эслаган каби Саъдулла хомушланди, ўйга чўмди. Авзойи бундай тез ўзгарганидан Феруза хавотирланди, индамай зимдан қаради, охир чидаёлмади.

— Ҳа, нима бўлди, хаёл суриб қолдингиз, — деди.

— Феруза, — деди у ўйчан ҳолда, — ойингиз индамаяптими?

— Нимага индашлари керак?

— Йўқ, мен бошқа маънода... яъни кел-қўй демаяптими?

— Сўраб нима қиласиз. Қачон борсам гапнинг аввали шундан бошланади. Таътилга чиққанимдан берик, тоза зуғум қилишмоқда.

Саъдулла хотинининг кўзларига термилди:

— Феруза, балки ростданам борарсиз-а. Ахир бу иссиқ кунда тўғрисиям сизга қийин-ку.

— Сиз-чи?

— Мени ўйламанг. Кунимни кўраман. Тез-тез олдингизга бориб тураман.

— Борсак бирга борамиз, бўлмаса — йўқ.

— Феруза, ахир бу ноиложликдан, унинг устига вақтинча-ку. Бола туғилсин, сиз ўзингизга келиб олинг, кейин... Мен борардим, сиз учун ҳамма нарса қилишим мумкин, аммо дадангизнинг ўша гапидан кейин сира оёғим тортмайди.

Ўшанда қайната-куёв муносабати анча кескинлашди.

Байрам арафаси эди. Не-не ўйловни қилган Саъдулла Ферузани эргаштирганча қайнота-қайнонасини табриклагани борди.

Ҳовлига жой қилишди. Олим Акбарович қашишдан тўқилган креслога ястаниб ўтирибди. Дастурхон нознеъматта тўла. Янги чиққан помидордан тортиб қора икрагача муҳайё. Ичкиликни айтинг: ер юзига донғи кетган турфа коньяк, бальзам, пиво, рому виноларнинг

бир неча хили... Саъдулла аввалига, меҳмонлар келса керак, деб ўйлади. Бир соат ўтди, икки соат ўтди, ҳеч кимдан дарак бўлмади. Чарвига ўралган дўлма сузилди. Ҳар кимнинг олдига ликопчада қазичарта қўйилди. «Бор-йўғи тўрт киши-ю, бунча даҳмазанинг нима кераги бор экан», деб ҳайрон бўлди Саъдулла.

— Хўш, ўғлим, қайсинисидан кўнглингиз тортади? — деди салмоқлаб Олим Акбарович.

— Ҳеч қайсиси ҳам шарт эмас эди.

— Сиполикни кўйинг, — деди Олим Акбарович арман коньягига қўл чўзаркан. — Ичмайдиган йигит борми ҳозир. Ёшимиз бир жойга бориб биз ичамиз-ку. Унинг устига кўнглингизга олмангу, танишувга чақирганимда коньяк ичганингиз эсимда. Очиғи, ўшанда менга ёқиб қолгансиз. Ўзимга ўхшаган дангал йигит экан, деб ўйлаганман. Баъзи олифталар бор, бирон жойга бориб қолса ичмайман деб, ноз қилади. Аслида томоғи тақиллаб туради.

Танишув кунини эслаб ҳам кулгиси қистади, ҳам хижолат чекди. Ўшанда Саъдулла аввал рад қилмоқчи бўлди, кейин бирдан дадиллашди. «Э, нима қипти, бугун бўлмаса эртага кўради барибир. Онда-сонда бирикки қадаҳ ичилади-да», — деб шартта коньякни ичиб юборганди.

Демак, ўшанда Олим Акбарович эътибор берган экан-да. Ҳа, қари тулки...

Олим Акбарович билмур қадаҳларга коньяк қўйди.

— Йигитнинг гули коньяк ичиб орқасидан қазичарта билан икра газак қилади. Нима дедингиз, ўғлим. — Саъдулла индамай, кулиб қўйгач, хотини билан қизига шампанли қадаҳ узатди. — Қани, олинглар, тинчлик-омонлик бўлсин.

У қадаҳни бир кўтаришда оқлади. Саъдулла ҳам олди. Муаззам опа билан Феруза бир хўплаш билан кифояланишди.

— Хўш, ишлар қалай? — деди Олим Акбарович Саъдуллага меҳрибонлик оҳангида. — Диссертация бигай деб қолдимми?

— Раҳмат, яхши. Аста-секин ишляяпман.

— Менга қаранг, раҳбарингиз анави қари профессор эмишми? — деди Олим Акбарович таҳқиромуз оҳангда.

— Шубҳасиз, Саъдулла оғринди, лекин сир бой бермай, назминлик билан жавоб қилди:

— Ҳа, ўша...

— Шу капасассиқ чолдан бошқа одам қуриб кетганмиди сизга раҳбарлик қиладиган? Биронта ёшроқ, дангалроқ одамга учрашмапсиз-да. У чолдан ёруғлик чиқмайди. Ўзидан бошқани тан олмайдиган ўтакетган нигилист одам. Бировнинг ютуғини кўролмайдди, энг ёмони ана шунда... Қўнғироқ қилайми, раҳбарингизни ўзгартиришсинми!

— Йўғ-э, — деди Саъдулла бирдан, гўё ҳозир у кимгадир телефон қиладигандай.

— Ўзингиз биласиз, — деди Олим Акбарович салмоқлаб. — Ман айтдим-қўйдим-да. Шу чолга кунингиз қолса, билмадим, неча йилда ёқлар экансиз.

Саъдулла индамади. Тўғриси шуки, у кекса профессорга ўрганиб қолган, унинг самимий маслаҳатларидан қониқар, доим бу оқил одамга муносиб бўлишга тиришар эди.

Бу мавзуда бошқа гап очилмади.

Сухбат анча давом этди. Кайф қила бошлаган Олим Акбарович ўтган-кетгандан ва бошидан кечирган воқеалардан гоҳ қулиб, гоҳ ҳазин тортиб сўзлади. Бу орада шиша таги кўриниб қолди. Қайнотанинг юзлари хўрознинг тожисидай қип-қизил рангга бўялди. У креслога ястаниб, сигарет тутатди.

— Менга қаранг, ўғлим, — деди — сигарет тутунини осмонга пуфларкан. — Аёллар йўқлигида айтай сизга, бир гапингиздан биз бир оз ранжидик.

— Қайси гап экан? — деди Саъдулла сергак тортиб.

— Нима гапингиз, танқидий фикрингиз бўлса тўғри ўзимизга айтаверинг. Аёлларни ўртага қўшиб нима қиласиз.

Саъдулла ҳанг-манг бўлди.

— Ҳеч нарсага тушунолмаяпман-ку.

— Кўпам ўзингизни гўлликка солаверманг. Қуриб-билиб турибман, сизам жуда анойилардан эмассиз.

— Очиқроқ гапиринг, Олим Акбарович.

Сархуш қайнота креслони орқага-олдинга тебратиб чайқалиб ўтирар, сигаретни ҳузур қилиб тортар эди.

Биз қачон, кимдан пора олибмиз?

— Мен қаёқдан билай — деди ҳовлиқиб Саъдулла. — Бу гапларнинг менга нима дахли бор?

— Билмасангиз... Ферузага айтибсиз-ку, даданг порахўр, онанг ўғри, боғча болалари ҳақидан юлади, шу-

нинг учун улар билан бирга турмаймиз, деб... Обқочинг-э!

Саъдулланинг бошига оғир нарса урилгандай бўлди. Тили калимага келмай, каловлаб қолди.

— Шунақа, — деди Олим Акбарович, — тўғри гапнинг тиғи ўткир келади.

Базўр ўзини қўлга олган Саъдулла:

— Ахир бу... бу менга тўхмат-ку, Олим Акбарович! — деди бўғилиб. — Мен бундай деганим йўқ! Ҳозир Ферузани чақираман.

— Гувоҳнинг ҳожати йўқ.

— Бизнинг ишимизда гувоҳсиз ҳукм чиқариш мумкин эмас, — деди Саъдулла кескин. Кейин Ферузани чақирди. Феруза унинг ранг-рўйини кўриб кўрқиб кетди. — Феруза, қачон мен сенга даданг порахўр, онанг юлғич дедим? Айт, қачон айтдим, мана бу одамнинг олдида исботлаб бер!

Томдан тараша тушгандай берилган савол Ферузани гангитди.

— Нима гап ўзи?

— Айт деяпман сенга! — Саъдулланинг овози баланглаб кетди. У ҳозир хотинини сенсираётганини ҳам сезмасди.

— Бундай деганингиз йўқ.

— Менга айтма, мана бу одамга, муҳтарам даданга айт бу гапларни. — У бошини кафтлари билан чангаллади. — Э, товба, бу қандай савдо-я!

Шовқинни эшитиб, ошхонадан Муаззам опа ҳам югуриб келди.

— Ҳа, ҳа, дадаси тинчликми? — деди Муаззам опа жовдираб. Лекин унинг саволига эри эмас, куёви жавоб берди:

— Тинчликмас. Тўхмат ҳам эви билан-да!

Ранги қув ўчган Олим Акбарович ўлжаси устига бостириб бораётган шердай ўқирди.

— Кўп артистлик қилманг, куёвтўра! Гувоҳ ўзингиз тарафда бўлгандан кейин албатта ёнингизни олади-да.

Аччиқ пичингни эшитиб Феруза ўзини тутолмади.

— Ада!

— Шу биргина хитоб ҳаммани хушёр торттирди.

— Туринг, Саъдулла ака, кетдик!

Улар хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнашди...

Бу воқеани эслаб оғир хўрсинишди.

— Шундай экан, нега мани қистайсиз? — деди Феруза.

— Фақат сизни ўйлаганимдан...

— Йўқ, — деди Феруза кескин, — Агар мани ўйла-сангиз ўз ихтиёримга қўйинг. Ман сизсиз ҳеч қачон ҳеч қаерга бормайман. Ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонаман. Бошқалар ҳам ҳамма нарсага бирдан эриш-маган. Аста-секин турмушимиз изга тушиб кетади. Фа-қат икковимиз чидасак, бардош берсак бас.

Саъдулла Ферузани баярига тортди...

XII

Сентябрь охирида қолди. Дарахтларнинг барги сар-гайган. Офтобда тобланиб ётгиси келади одамнинг. Баҳор офтобига келинингни сол, кузникига қизингни, деб бекорга айтишмаган-да.

Зарбуви ўрик, тут барглари супуриб бир жойга уйди. Икки-уч кун олдин қора совуқ қиличини бир серпиб ўтган эди, шундан бери япроқлар дув-дув тўки-лади.

Алиқул ишдан эртароқ келиб ҳовлидаги тоқларни кўмяпти. Зарбуви ҳар кунги ташвиши билан ошхонага кириб кетди.

— Ҳорманг, тоға!

Алиқул ялт этиб дарвоза томонга ўтирилди: Холмат.

— Бор бўл, — деди Алиқул жиянига. — Ке, қалай-сан?

— Ёрдамлашиб юборайми?

— Э-э, йўқ ўзим ҳар кун ишдан кейин беш-олти тупдан кўмиб эрмак қиялман, Қани, уйга юр.

Айвондаги чорпояга чиқишди. Тоға-жияннинг гўнғир-гўнғир овозини эшитган Зарбуви югуриб ке-либ, кўрпача содди, дастурхон ёзди. Қанд-курс, мевачева келтирди. Алиқул чойни қайтарди.

Холмат ўзини ҳар қанча хотиржам, хушнуд тутиш-га уринмасин, нимадандир безовталиги, кўнглида тур-ли фикрлар ғужгон ўйнаётгани сезилиб турарди. Бу унинг паришонлиги, тоғаси бир гапни сўраса, у чалғиб бошқа нарсани сўзлашида билинди. Алиқул жиянини бундай ҳолатда кўрганини эслаёлмайди, аммо индамай ўтирди, сабр қилди. «Балки ўзи бир нарса дер. Дарди-ни тўкар, жиндай кутай-чи...»

Алиқулнинг ўйи тўғри чиқди. Бир-икки пиёла чой ичишгандан сўнг Холмат ёрибди.

— Тоға, маслаҳатга келувдим, — деди кўзини бир нуқтага қадаб. Алиқул унга тағдор қаради. — Тошкентга, қайнингизнинг олдига борсаммикан, дейман.

Холмат мактабни битиргандан бери кўним билмайди. Отаси машҳур раис — гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга жойлаб қўяди, лекин эрка ўғил беш-олти ойдан ортиқ ишлаёлмайди. Отаси машина олиб бергандан кейин эса умуман иш ҳақида ўйламай қўйди. Куни Самарқандда ўтади, киракашлик қилади, ҳар хил қизларни миндириб кайф-сафо суради. Охирги икки-уч йилда эса янги одат чикарди — Сибирга қатнайди. Алиқул мавриди билан бир-икки гаширди: «Сенга саёқдик нима керак, жиян? Қорнинг оч қоляптими, устинг юпунми? Палакат босиб қўл-пўлга тушиб қолсанг, ҳаммаси расво бўлади-ку!..»

Йўқ, қулоқ солмади. «Мен пул учун бораманми, тоға. Томоша-да, ўйнаб келаман. Қолаверса, беш-олти танга зиён қиладими». Кўза кунда эмас, кунда синиши рост экан. Шу йил эрта баҳорда помидор, бодринг, редиска олиб бораётганда қўлга тушибди. Отасининг бормаган жойи, илтимос қилмаган одами қолмади. Охири бир амаллаб ишини тўғрилади. Бу орада райком котиби ўзгарди. Ҳаммаси жамланиб машҳур раиста таъсир этди. У ўғлини қаттиқ койиди. Ярашмаган одатни бас қилишини айтди. Яхшиям, эски райком даврида содир бўлди, акс ҳолда, онангни Учқўрғондан кўрардинг, деб дағдаға қилди. Борди-ю мана бу райкомнинг замонида шунақа хоминг чиқиб қолса борми, додингни худога айт. Ҳали ўзим у билан тил топишолмаяпман. Бир-икки ўтказган мажлисидан маълум, одамга эл бўлаган сиёғи йўқ...

Раис бекорга жаврамаганди. Райкомнинг янги котиби ҳамма билан бирдай муомала қилар, бу илғор раис, буниси машҳур, униси қолоқ деган гапни билмас, бюрода ҳўлу қуруқ баравар саваланарди. Йиллар давомида машҳур, демакки, эрка раис бўлиб келган хўжалик раҳбарлари буни кўтариши, тезда ҳазм қилили осон эмасди, албатта.

Пўписадан кейин Холмат «томоша»га боришни йиғиштирган, лекин ҳамон бирон жойда ишламас эди.

Орада кечган нохушликлар Алиқулга беш бармоғидай аён. Поччасининг баъзи қилиқларини ҳам сингди-

ролмас, ўрни келиб қолганда опасига «эрингиз осмонда юради-я, айтсангиз-чи, ахир, сал пастга тушсин, бунақа юриш-туришнинг оқибати яхшиликка олиб бормайди», деган эди, бироқ ҳамма бирдек дўстона, самимий айтилган гапни тўғри қабул қилавермас экан. Аксинча, бу мени кўролмапти, менга ҳасад қиляпти, деб багтар авжига чиқаркан. Бу «фазилат»лардан Алиқулнинг поччаси ҳам холи эмасди. Шу боис Алиқулнинг дашномлари унга чивин чаққанчалик таъсир этмади, у ўз билганидан қолмади. Алиқул эса унга умуман эътибор бермай қўйди. Рост-да, ёмон кўриниб нима қилади. Икки-уч айтди — қулоқ солмади, бу ёғига билганини қилсин, ўпка-гинаси ҳам ўзида қолсин.

Аmmo... этдан тирноқ ажрармиди. Менга нима дегани билан, бепарво бўлолмади. Поччаси ташлаган қадамларни кузатиб юрди, ўзича ачинди, куюнди. Райком бюрolarида тик турғизиб қўйиб савалашганини, у ердан сувга тушган мушукдай шалвираб чиққанларини гоҳ ундан, гоҳ бундан эшитиб ичидан қиринди ўтди. Лекин масала шу даражага етганини билмаган эди. Холмат Тошкентга — Саъдулланинг олдига бораман, деб кептими, демак аҳвол жиддий. У Саъдулланинг олдига бекорга бормайди. Билади, унинг юристлардан ошнаси кўп, қолаверса, қайнотаси министр ўринбосари, қўлини қайга узатса етади.

— Нима гап, тинчликми? — деди Алиқул узоқ сукутдан сўнг.

— Хабарингиз бор, ҳозир пахтакор районларда текшир-текшир кетяпти. Қўшиб ёзганлар, пора олганлар фoш этиляпти. Отам, бу тўлқин бизнинг районга ҳам албатта келади, дейди. Райкомнинг учирикларида нам маълум эмиш. Шунинг учун отам ғалва бошланиб қолмасдан олдини олиш керак, деяпти.

— Нима, отангнинг ҳам қаллоблиги бораканми? — деб ўсмоқчилади Алиқул.

— Э, тоға, — деди Холмат қизишиб, — буни ҳамма билади-ку, ким ҳалол бажаряпти планди. Юз бош совлиқдан юз элик, юз олтмиш қўзи олиб бўладими, ўзингиз ўйланг. Гўшт, сут, жун планиям неччи йилдан бери қорозда бажарилади-ку.

— Нимага шундай қилади? Қилмасин эди!

— Оббо! — Холматнинг жаҳди чиқиб кетди. — Битта менинг отам қиляптими? Ҳамма жойда аҳвол шу. Пахтакор хўжаликларда бўлган ишларни эшитсан-

гиз оғзингиз очилиб қолади. Ҳалиям бизнинг районларда инсоф бор экан, дейсиз... Энг ёмони отам геройликдан қолди-да, эски райком тайёрлаётган эди.

Алиқулнинг энсаси қотди. Индамай чой хўплади.

— Ўзингни ишинг нима бўлди? Тинчидими? — деди бир оздан сўнг.

— Ҳали қаёқда тинчийди. Шуниям гаплашаман-да, Саъдулла билан.

Бир ҳафта бурун Холмат маст ҳолда машина ҳайдаб келаётиб ҳамсоя қишлоқдан бир болани уриб юборган. Шўрлик бола касалхонада: ота-онаси бошида эзилиб, юрак ютиб ўтирибди. Бола тузалиб кетса-ку, хўп-хўп, иши сал енгиллашар, аммо фалокат босиб бир гап бўлса борми — Холматта бу ерларда юриш насиб этмай қолади.

Алиқул оғир ўйга толиб, жим қолди. У нигоҳини бир нуқтадан узмай чой хўпларди. «Отасини айтяпти-ю, асли мақсади — ўзининг дарди. Бўлмаса Тошкентга бориб ҳам ўтирмасди. Биров учун жон қўйдирадиганлардан эмас. Отасиям бир пул бу учун... Ўзининг ишини тинчитиш...»

Зарбуви овқат келтирди. Ўзи ҳам бир чеккада ўтирди.

— Сухбатта халақит бермайманми? — деди у эрига юзланиб.

— Ўтиравер, нимасига халақит берасан. Қани, Холмат, овқатдан ол-чи.

Холмат косани оддига яқинроқ сурди-да, қошиқ билан бир кўзгаб кўйди: шўрва экан.

— Саъдулла билан бир маслаҳатлашиб келсам, дейман-да. Қани, нима дейди. Ҳар ҳолда унинг суд-пудлардан таниши кўп, қолаверса, қайнатаси катта одам.

Укасининг номини эшитиб Зарбувининг қулоғи диккайди. Аммо одоб юзасидан орага суқулмади.

— Сув келмасдан қулоқни боғлаб кўяйлик, дегин.

— Эҳтиёт шарт яхши-да, — деди Холмат овқатдан хўплаб.

— Ихтиёринг. Лекин шартмикан? Ҳали боланинг ота-онаси нима дейди.

— Э, уларни билмайсиз, тоға. Арзимаган нарса учун оламга жар солади.

Алиқулнинг жаҳли чиқди.

— Бу арзимаган нарсами? Боласини босиб кетсанг, у шўрлик ана кетди-мана кетди бўлиб ётса... Сенингча

бу арзимаган нарсами? Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бошқага... Боланинг отаси ўрнига ўзингни қўйиб кўр-чи. Сени ўғлингни биров машинасида уриб кетсин-чи... Ҳалиям улар индамаяпти. Фикри-ёди боласининг омон қолишида... Арзимаган нарса дейди-я...

— Мени қамаб қўйишса хурсанд бўласизми? — деди Холмат жаҳл билан.

— Бировнинг ёмон кунидан куладиган аблахлардан эмасман! Сен-ку жигаримсан...

Зарбуви чидаёлмади:

— Нима гап ўзи?

Холмат воқеани қисқа баён қилиб берди. Зарбуви унинг сўзларини тинглар экан, Саъдулла билан бундан бир неча йил олдинги суҳбатни эслади. Салима берган рўмолчани Саъдулла оловга ташлайман деганида, ўзи олиб қўйгани ёдига тушди. Ўша рўмолча ҳозир ҳам турибди. Бундан Холмат беҳабар. Хўш, борди-ю, у Салима билан Саъдулла ўртасидаги муносабатдан воқиф бўлганида нима ўзгарарди? Зарбуви бу саволга аниқ жавоб тополмади.

— Шунга сизлар билан бир маслаҳатлашай, деб келувдим, янга, — деди Холмат жимликни бузиб.

— Мен нима дейман, — Зарбуви ер сузди. — Борсангиз борарсиз, лекин унинг қўлидан нима келади, билмайман.

«Қўйинг, қаллоб ишларингизга укамни аралаштириб, бошини қотирманг. Ўзи диссертацияси чўзилиб хуноб бўлиб юрибди», демоқни ўйлади Зарбуви, бироқ юз меҳри иссиқ — айтолмади. Аксинча индамай туриб кетди. Алиқул сездики, Холматнинг муддаоси Зарбувига ёқмади. Унинг одати шунақа: суҳбатдош арзиқолини хушламаса ади-бади айтишиб ўтирмайди-ю, жимгина жўнаб қолади.

— Бир бориб кўрай-чи, — деди Холмат, — иложини топса ёрдам берар, бўлмаса йўқ-да. Турар жойини биласизми, тоға.

— Мен яхши билмайман, ҳозир янгандан сўрай-миз.

Алиқул хотинини чақириб, манзилни сўради. Зарбуви билмайман ҳам демади, борманглар ҳам демади, дея олмади.

— Келинингизни ҳам олиб борсамми деяпман, янга. Баҳонада бир томоша қилиб келсин. Ҳеч қаёққа олиб бормайсиз деб, қулоқ-миямни егани еган.

«Ўзи бировнинг ҳовлисида сиғиндига ўхшаб ўтирса... Булар тўзишиб борса, қаерга жойлаштиради. Тагин устига ёш бола...»

— Келинни бошқа сафар олиб борсангиз тузукми? — деди Зарбуви охири. — Ҳозир бунақа ташвишлар билан томоша юракка сиғадими.

— Ташвиш бўлиб нима қипти, қамалиб кетаяпманми, юрагимга ҳеч нарса сиғмаса. Ҳам дам олганинг, ҳам беда ўрганинг дегандай, баҳонада айланиб келамиз-да...

* * *

Ана-мана дегунча Улуғбек бир ёшга тўлди. Феруза кеча-ю кундуз ўғли атрофида парвона. Саъдулла ҳам гўдаккинага бовланиб қолган: ишдан юраги сиқилиб келган кунлари шу билан овунади, унинг беозор кулгиларини эшитиб, барча ташвишларини унутади.

Фарзанд туғилса ота-онам билан муносабатимиз изга тушиб кетар, деб ўйлаганди Феруза. Йўқ, аксинча, муносабатлар тори баттар таранглашса таранглашидики, аммо сира бўшамасди. Феруза ана шу торнинг узилиб кетишидан жуда чўчийди, ҳатто бу ҳодиса кечалари тушига кириб чиқади. Ахир ота-онадан кечиб бўладими? Аслида на Феруза, на Саъдулла ундай фикрни хаёлига келтиради. Иккови ҳам иложи борича муносабатларни яхшилашга, фарзандлик бурчларини бекаму кўст адо этишга интилади. Лекин қарс икки кўлдан чиқаркан-да!

Бир куни — кутилмаганда Муаззам опа кириб келди. Очиги, бу ташрифдан Саъдулла у ёқда турсин, Ферузанинг ўзи ҳам таажжубга тушди. Чунки Ферузанинг кўзи ёриди, ўғли мана икки-уч ойлик бўлди. Муаззам опа ёлчитиб келгани, ҳолинг қалай, деб астойдил сўраб-йўқлагани йўқ. Ҳаммаси юзаки. Ёлгон бўлмасин, Саъдулланинг онаси шу ердалик пайтларида бир-икки келди (Феруза туғруқхонага кетиши билан Саъдулла қиплоқдан онасини олиб келди, чақалоқнинг чиласи чиққунча кампир улар билан бирга турди, чақалоқни қандай йўрғаклаш, қанақа қилиб белаш лозим, чўмитирганда қандай ушлаш керак — ҳаммасини Ферузага ўргатди). Шундаям қабулида одам тўпланиб қоладигандай бир соат-ярим соат ўтириб кетарди. Бу ҳам етмагандай, Феруза ҳовлига чиқипи билан қудасига уни

ёмонларди. (Қайси она ўз қизини қайнонасига ёмонлайди)! Қудаси эса «Қўйинг, қуда, хафа бўлманг, ишқилиб иккови қўша қарисин. Сиз билан менга шуниси кифоя», деб қўяди. Бунинг сабаблари бор. Олдинги машмашалар устига яна машмаша қўшилди. «Тўғруқхонадан чиқиб тўғри уйга кел», деди Муаззам опа. Феруза оддинига кўнди ҳам. Лекин яна ўйлади: «Ҳар нарсани ўргатавериб, танбеҳ беравериб одамнинг юрагини қон қилиб юборади». Шу фикрдан кейин у ойисининг уйига боришни рад этди-ю тўғруқхонадан тўғри кампирнинг ҳовлисига келди. Бу Муаззам опага ҳам, Олим Акбаровичга ҳам алам қилди. «Одам деган ҳам шунақа ўжар, бир сўзли бўладими?»

Бугунги ташрифнинг маъноси не?

Муаззам опа қизидан, куёвдан ҳол-аҳвол сўради, неварасини олиб суйди. Очилиб-сочилиб ўтирди, чой ичди, қанд-қурсдан эрмак қилди.

Ёз кунни чарақлаб турган куёш юзини қора булут қоплаб ёмғир қуйиб берса қаңдай ҳайратга тушасиз. Ҳозир дафъатан шундай ҳол рўй берди. Бир қоп ёнғоқдай шалдираб ўтирган Муаззам опа бир зумда ўзгарди-қолди. Қовоқлари осилиб, лаблари буришди. Саъдулла билан Феруза гаранг: нима бўлди?

— Уй деганга сал қараш ҳам керак-да, — деди Муаззам опа дабдурстан. — Ўзи моҳовнинг кафтидай ҳовли-ю шуниям супуриб-сидириб ўтиролмайсанми? Манави пиёлангни қара, одам чой ичишга ҳазар қилади.

— Нима қипти пиёлага? — дея олди Феруза.

— Нима қипти эмиш!?

Ниҳоят, Феруза англади, у ойисига лаби учган пиёлада чой қўйиб берган экан. Қизаринқираб узр сўради, бошқа миқ этолмади.

— Ёш бола билан ўралашиб вақтида супуриб-сидиролмаяпти-да, опа. Аста-секин ҳаммаси яхши бўп кетади, — деди Саъдулла.

— Қачон?! Қачон яхши бўлади?

Лаби учган пиёла ҳақидаги гап аслида Саъдулага қаратилган эди. Нишонга устакорлик билан отилган кесатиқ замирида жуда кўп маъно яширинганини Саъдулла билади. Лекин уйига келганни ит қопмас дегандек, индаёлмади, тишини-тишига босди. Муаззам опа эса овозини яна баландатди.

- Қанақа эркаксиз, ўзи, куёв? Эр деган хотинини

сал қўлга олиши керак-да. Аммамнинг бузоғига ўхшаб лаллайманг. Ҳа, айтинг, манави оймчага, сал-пал одамлик сиёғи бордир ахир, у ёқ-бу ёқни йиғиптириб ўтирсин. Қачон қарасанг қўлидан китоб тушмайди. Шунча ўқиганиям етар. Жа ўқиб шаҳар олиб берармиди сизга!

Ажабо, бу таъна-дашном оқаваси қаёққа кетяпти? Мақсад нима ўзи? Нега энди қизини куёвига ёмонлаб қолди? Бу калаванинг учи қаерда?

Ҳар қалай Саъдулла писанда сабилни кўтаролмайди. Бунга одатланмаган. Ахир ҳақ-ноҳақ қошингда бидирлайверишса, у энг яқин кишинг бўлган тақдирда ҳам, ёқмайди-да! Қолаверса, одамни тўғри изга соладиган панду дашномнинг йўриғи бўлак...

— Ойи! - деди Феруза кескин. — Нима демоқчисиз ўзи?! Куёвингизга чақиб мени уриштирамоқчимисиз? Келган бўлсангиз — хуш келибсиз, олдингизга қўйганимни еб-ичиб кетаверинг-да. Нима қиласиз тирноқ остидан кир қидириб. Бизни тинч турмушимиз сизга ёқмайдимиз? Баъзиларга ўхшаб ҳафта-ўн кунда олдингизга йиғлаб борсам, кўнглингиз жойига тушадими? Муддаонгиз нима ўзи? Қўйинг ахир бизни ўз ҳолимизга? Шукур, энди ўғлимиз бор.

— Сенга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди.

Муаззам опа жаҳл билан ўрnidан турди.

— Кўрдингизми, куёв, — деди Саъдуллага. — Сиз бунинг совунига кир ювганингиз йўқ, билмайсиз буни. Ҳали кўрасиз, сизниям роса обориб-опкелади.

Ё, алҳазар! Она ўз қизини куёвига ёмонлаб турса — бу қандай савдо? Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа. Ёки бу бир йўлимикан? Қизни чиқариб олиш мақсадида қилинаётган ҳийламикан?

Ичи тирналаётган бўлса ҳам Саъдулла ўзини босди, иложи борича вазмин муомала қилишга интилди.

— Қўйинг, опа, сиз кўп куюнаверманг. Ҳаммаси изга тушиб кетади. Ростини, сиздай ақли хотиннинг қизи аҳмоқ бўлишига ишонмайман. Аста-секин ақли кириб қолар, ҳали ёш-да.

Саъдулла мўлжални аниқ олган эди. Топиб кетаётган қайнона пича ҳовуридан тушди. Хусусан, «Сиздай ақли хотиннинг қизи аҳмоқ бўлишига ишонмайман», деган илиқ эътироф оғизга қулф каби тушдики, бошқа гапиргани ботинмади.

У нима мақсадда келди, нега бундай қилиб кетди — бунга на Ферузанинг, на Саъдулланинг ақли етди.

Шу-шу Муаззам опа қизиникига бошқа йўламади...

Эртага Улуғбек туғилган кун. Феруза тайёргарлик кўрмоқда. Тўрхалта кўтариб Саъдулла келди. Дарвоза олдидаги стулчада сигарет тутатиб ўтирган кампир гап ташлади:

— Келдингизми, отам, келиним бечора эрталабдан бери тингани йўқ, кечқурун меҳмон келадами дейман, а, отам?

Саъдулла индамай уйга кириб кетди. У нимадандир безовта эканлигини Феруза сезди.

— Тинчликми? — деди хавотир олиб Феруза. — Яна кафедрада жанжалми? Шу диссертациядан воз кечиб қўя қолсангиз нима қилади? Нима зарил сизга шунча асаббузарлик? Кандидат бўлмасангиз кунимиз ўтмай қоладими?

Карийб бир йилдирки, Саъдулланинг диссертацияси устида мунозара боради. Кафедрадагилар ўз-ўзидан икки гуруҳга бўлиниб қолган. Саъдулланинг илмий раҳбари кўпни кўрган, ўз соҳасининг билимдон олимларидан. Айни вақтда принципаал, ҳар қандай шароитда ҳам адолат тарафида турадиган одам. Кўпчилик уни, мен тўғри — таёқ тўғри, дейдиганлардан, деб орқасидан масҳара қилиб юради. Шу феъли туфайли докторлик диссертацияси ҳам икки марта қайтган. Лекин ушлаган жойини кесиб оладиган эканлигини чиндан исботлади, бошлаган ишини охирига етказмай қўймади. Уч йил олдин диссертациясини учинчи марта ҳимояга қўйди ва бу сафар ниятига етди. Шунда кўпчилик унинг иродасига, матонатига тан берди. Ҳатто уни кўролмай юрган, олдинги ҳимояларда оёғидан чалганлар ҳам бу гап мум тишлаб қолишди.

Кафедра ўқитувчиларининг бир гуруҳи шу одам тарафида, бошқа гуруҳи эса кафедра мудури — доим кулиб турадиган, ҳеч кимга ҳеч нарсада йўқ демайдиган, лекин бирон-бир ишни бажармайдиган, натижада «ваъдабоз» деб ном олган профессор томонида. Қурғур профессор шундай устумонки, ҳар қанақа одамнинг у енгидан кириб бунисидан чиқиб кетади. Раҳбарман деганининг кўнглига йўл топишда ҳеч ким унинг олдига тушолмайди. Шу хислати туфайли у университет казо-казолари билан, министрликдаги катта-ки-

чиклар билан, ҳатто, гарчи бошқа соҳада ишласа-да, Олим Акбарович билан ҳам оғиз-бурун ўлишиб юради.

Саъдулланнинг диссертацияси бир неча бор муҳокама қилинди. Ҳар гал ўша кафедра мудирини ҳали хом, пипитиш керак, деган фикрни айтаверди. Дастлаб унинг ёнини икки-уч киши олганди, аста-секин уларнинг сафи кенгайди. Саъдуллани ҳимоя қиладиганлар озчиликни ташкил этиб қолди. Бундан Саъдулланнинг юраги сиқилар, демак ҳимоя қилолмас эканман-да, деб эзиларди. Домласи таскин берар, парво қилма, ўғлим, яхши иш барибир қадрини топади, фақат руҳан тушма, ўзимдан қийс, деб уни овуларди. Шогирдини овуларди-ю, ўзи ичидан зил кетар, кафедра мудирининг бахиллигидан жаҳли чиқар эди.

Можародан Ферузанинг ҳам хабари бор. Ҳозир ўшанга ишора қилган эди.

— Йўқ, — деди Саъдулла, — кафедрада тинчлик. Лекин ойингиз сизни бир келиб кетсин, депти. Кафедрага телефон қилти.

— Нима гап экан? — Ферузанинг кўнглига хавотир тушди. Чақириш у ёқда турсин ўзи борса ҳам унчалик рўйхушлик бермайдиган ойиси нега йўқлади экан? Ҳойнаҳой бекорга эмасдир. — Ойимнинг ўзлари кўнгиноқ қиптиларми? Ким гаплашипти?

— Ҳа, ойингизни ўзи телефон қилти. Кафедра мудирини айтди менга.

— Бўлмаса... иш ўлгур ҳам... яхшиси кўнгиноқ қилман. Улуғбек уйғонса, овутиб турасиз.

Феруза апил-тапил кийинди-да, чиқиб кетди. Ҳамон сигарет чекиб ўтирган кампир «Ҳа, онам, кеч тушганда йўл бўлсин», деганича қолди.

Саъдулла кийимини алмаштирди, ҳовлига чиқиб, водопроводда ювинди. «Хотинингиз қаерга кетди отам?» деди кампир. Нима иши бор экан қаерга кетгани билан. «Ҳозир келади», деб қўя қолди. Кейин овқат сузиб келиб ичди. Косани ошхонага элтиб қўйиб, энди чой дамлаётган эди, дарвоза тақиллади. Кампир ўтирган жойидан бақирди.

— Саъдуллахон, отам, дарвоза тақиллаяпти, қарангчи, ким келди.

Саъдулла дарвозани очди-ю қанг-манг бўлиб қолди. Остонада Холмат, унинг ёнида бола кўтарган Салима турар эди.

— Кутмовдингми?

Рост, кутмаган эди. Лекин бу гапни қайси ўзбек меҳмонга айтади?

— Нега, энди, марҳамат, — деди Саъдулла. — Сени атай қутишим шартми, қачон хоҳласанг келавер, эшигимиз очик.

Холмат қучоғини очди. Саъдулла ҳам уни ноқулай аҳволда қолдирмаслик учун қулочини ёзди. Салима билан қўл олиб кўришишди.

— Қани, киринглар ичкарига.

Меҳмонларга дивандан жой кўрсатди-да, ўзи стулга ўтирди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач:

— Айбга буюрмайсизлар, ҳаммаёқ тўзиб ётишди, — деди Саъдулла.

— Келин қаёқда, кўринмайди?

— Ҳозир кеп қолади, бир зарур иш билан чиқувди.

Шу маҳал Улуғбек уйғонди. Саъдулла аравагани тебратди, лекин қани энди у тинчиса, баттар йиғлайди. Салима боласини диванга ётқизди-да, бориб Улуғбекни кўтариб олди. «Таги ҳўл бўпти», деди уялиб-тортишиб. Саъдулла унга шкафнинг бир тоқчасини кўрсатди.

Мана шу ерни қаранг, кийимлари бўлиши керак. Ўзимам яхши билмайман.

Салима Улуғбекнинг кийимларини алмашгирди — у жимиб қолди. Салима Улуғбекни ўйнатар экан, унинг қош-кўзларига термидди: худди отасининг ўзи, пешонасининг кенглигиям, овзининг катталигиям — ҳамма ҳаммаси отасининг ўзгинаси, шундай узиб олиб ёпиштириб қўйгандай. «Демак, хотини Саъдулла акани жудаям яхши кўрар экан-да».

Саъдулла дастурхон ёзди, чой қўйди. «Ҳозир Феруза келиб қолади», деб овқатга тегмади. Ўзи бир йўлини қилмаса, унинг қўлидан нима келарди.

Энди бир пиёладан чой қуювди Феруза келди. Юзида ташвиш аломати зоҳир. Меҳмонларни кўргандан сўнг сал чиройи очилди.

— Нимага ҳеч нарса қўймай, қуруқ чой билан алдаб ўтирибсиз меҳмонларни, — деди Саъдуллага гинаомуз. Ўзи дарров ишга тушиб кетди, колбаса, пишлоқ кесиб келди, сариёғ қўйди, турли конфетлардан олди. Кейин бир оз ўтириб ҳол-аҳвол сўрашди. «Сизлар гаплашиб туринглар, мен ҳозир», деди-ю охирига чиқиб кетди. Бир оздан сўнг унинг орқасидан Саъдулла келди.

— Тинчликмикан? — деди Саъдулла.

— Билмадим, очик айтмадилар. Телефонда бўлмасмиш.

Феруза чуқур ух тортди.

— Меҳмонлар қачон келишди? Холмат деган ўртоғингизми? Хотинини қаердадир кўргандайман.

— Кўргансиз, — деди Саъдулла, — ҳув бултур Самарқанддан қишлоққача йўловчи машинада биз билан бирга кетувди.

— Ҳа, эсимга тушди, оти Салимамиди?

— Ҳа... Овқатни тезлаштиринг, мен меҳмонларнинг олдига борай. Зерикиб қолишмасин.

Йўқ, меҳмонлар зерикмапти. Кампир кириб қангомалашиб ўтирибди. У сигаретини бурқситиб тутатганча, қаёқдаги олди-қочдиларни худди ўзи кўргандай қилиб келиштириб сўзларди. Саъдуллани кўриб ўрнидан турди.

— Келдингизми, отам, меҳмонлар билан ҳасратлашиб ўтирибмизда. Майли, энди ман бориб бир оз чўзилай, чарчаб кетаман, денг, отам.

— Қаричилик-да, деди Холмат.

— Ким билади дейсиз, отам. Аслида ҳали унча қариганим ҳам йўқ. Энди етмишга бордим. Ёшлигимда мурожнийхонада ишлаганманда, катта-катта музларни елкамда таширдим. Шуларнинг таъсири энди билиняпти, денг, отам.

Кампирнинг армонини Саъдулла мингинчи марта эшитаётган бўлса ажаб эмас. Ким келса шуни айтиб беради, биров ундан ёшлигингизда нима иш қилгансиз, деб сўрайдим-йўқми — барибир салом-алиқдан сўнг дийдиёсини бошлайди.

Кампир чиқиб кетгандан сўнг Саъдулла билан Холмат у ёқ-бу ёқдан гурунглашди. Болалигини эслаб, гоҳ завқланиб, гоҳ маъюсланиб ўтиришганда Феруза овқат келтирди. Меҳмоннинг ҳурмати учун Саъдулла бир шиша ароқ кўйди. Ҳазил-ҳазил билан шишани бўшатишди.

— Қачон уй оласан энди?

Томдан тараша тулгандай берилган савол Саъдуллани гангитиб қўйди. Негаки, у дўстидан ҳар қанақа ҳазил, кесатиқ ёки таънани кутган, айнан шу дилўртар сўроқни эса кутмаган эди.

— Бериб қолар, мендан олдин ишга келганлар бор ҳали, — деди у ниҳоят, алланечук бўзариб.

Холмат сигарет тутатди:

— Секциями? — деди у нописандлик оҳангида: Саъдулла бош ирғади. — Секцияни нима қиласан? Ҳовли олиб қўя қолмайсанми?

Дангал, лекин ичида тоши бўлган бу гапдан Саъдулла билан Феруза зўр-базўр кулди. Ҳали ночорлик чангалидан тамом қутулиб олишгани йўқ-у, ҳовли ҳақида ўйлашлари кулгили-да, яхши ҳам эртага Улуғбекнинг туғилган куни бўлгани учун битта-яримта йўқлаб келиб қолиши мумкин, деб у-бу нарса келтириб қўйишган эди. Йўқса, мана бу колбаса-ю пишлоқ, анави қимматбаҳо конфетлар, ҳатто ҳозир Холматни сайратиб турган мана шу шиша бўлиш-бўлмаслиги фақат худога аён эди.

— Ҳовлига пул қаёқда дейсан, жўра, — илжайди Саъдулла. — Эсон-омон битта секция ололсак ҳам катта гап.

Холмат кулди.

— Йўлини топган унисиниям олади, бунисиниям. Нима, ўзинг домла, қайнотанг амалдор. Агар менда шундай имкониятлар бўлса борми, ўзим билардим нима қилишни.

«Ношудсан, деб устимдан куляптими? Шу мақсадда келганми оддимга? Мен унинг ишларига аралашмайман-ку, у нима қилади менинг турмушимга бурнини тиқиб».

— Ҳар кимнинг ўз йўли, ўз қараши бор, Холмат, — деди хаёлдан чалғиб Саъдулла. — Шунинг учун институтда домла борки, ҳаммаси порахўр деган фикр нотўғри. Қайнотам эса ўз йўлига.

Ҳамма оғзига талқон солгандай жим қолди.

— Чой ичиб ўтиринглар, — орадан ўнғайсизликни кўтаришга уринди Феруза. — Олинг, сиз буларди гапига эътибор берманг, чой ичинг, манавилардан олиб ўтиринг. — Салима кулиб қўйди. Феруза Саъдуллага юзланди: — Қўйинг шунақа машмашани, меҳмонга лекция ўқиманг, ундан кўра...

— Ҳа, нима уришган одамлардай хўмрайиб ўтирайликми, — деди кулиб Саъдулла. — Сухбат-да... Ҳа, бўпти, қани, Холмат, ол, у-бу нарсалардан эрмак қилиб ўтир.

Саъдулла чой ҳўплаб конфет тишлади-да, зимдан Салимага разм солди. У на чой ичар, на гапирар, ким сўзласа шунинг оғзига термилиб ўтирарди. Аҳён-аҳён-

да зимдан Саъдуллани, кўпроқ эса Ферузани кузатар-ди. «У нимани ўйлаяпти экан? Эҳтимол менга тегмаганига шукур қилаётгандир. Тўғри-да, номи улут — супраси қуруқ эрни бошига урадим. Холматларнинг ҳовлиси қаёқда-ю, мана бу кулба қаёқда. Тагида машина. Менга ўхшаб автобустга осилиб юрмайди». Саъдулла шуларни хаёлидан ўтказар экан, бир лаҳза Салимадан кўзини ололмай қолди. «Шундай эса нимага чехрасида маҳзунлик бор? Олдингидай шўх-шаддод эмас, бир гапириб ўн кулмайди. Юзлари сўлғин, боқишлари намгин. Нега? Сабаби нима экан? Ўзиям қаримсиқ бўп қопти. Ёки бола-чақа ташвиши, уй-рўзгор юмушлари шу кўйга солиб кўйдими?! Бу ёқда Холматнинг инжиқликлари, бир томонда қайнона-қайнота дегандай... Шўрлик ҳаловатни билмаса. Қишлоқ шароити шу-да. У раиснинг келиними, колхозчиникими — барибир. Сўфи азон айтмай ўрнидан туришга мажбур, бу ёғи ярим тунгача *ғимир-ғимир*. Ҳовли сулур, сигир соғ, чой дамла, овқат пишир, кир юв... Бу ҳам етмагандай колхознинг иши. Шўрлик аёллар! Яна биз уларни гўзаллик рамзи деб, жар соламиз. Қани уларнинг асл гўзаллиги?! Ҳар кун — йил-ўн икки ой шу аҳвол. На дам олишни, на бирор жойга бориб айланиб келишни билишади: курорт, санатория деган гаплар-ку тушига ҳам кирмайди. Албатта қаримсиқ бўлиб қолади-да. Лоақал ўзига қаранга вақт тополмаса. Яна, эркаклар билан ҳуқуқимиз тенг, деб овзи қулоғида...»

Анча узоқ чўзилган ўнғайсизликдан сўнг жўралар яна суҳбатга берилишди: бозору дўкондаги нарх-навонинг осмонга сапчигани, мева билан сабзавотнинг камайиб қолгани, қишлоқда мол боқиш имкони қолмаётгани, хуллас, шунақа икир-чикирларни қолдирмай эзгилашди. Баҳсга айниқса Холмат дадилроқ шўнғиди. Ичида дарди кўп экан. Ҳатто анча қизишди ҳам, лекин олис йўлдан ичида олиб келган муддаосини сиртига чиқаришга шошилмади.

Эртаси куни Саъдулла ишга бормади. Нонуштадан кейин бозорга тушиб чиқиши зарурлигини орага қистирди. Холмат ҳам бирга бормоқчи бўлувди Саъдулла билан Феруза рад этди. «Сен Салимани томоша қилдир, Тошкентта биринчи келиши ахир, у ёқ-бу ёқни кўрсинда. Феруза олиб юрарди-ю, бутун Улуғбекнинг туғилган куни, битта-яримта кеп қолиши мумкин, деди Саъдулла.

— Э, шундайми, табриклаймиз, умри узоқ бўлсин! — деди Холмат.

Кечга томон улар ҳориб-чарчаб кириб келишди.

— Қалай, Тошкент ёқдими? — деб сўради Феруза Салимадан.

— Ҳа, — деди Салима, — одам чарчаб кетди-ей.

У сумкасини очиб чиройли кўйлакча, жемпер олди-да, Ферузага узатди:

— Манави Улуғбекжонга, тузилган кунида биздан эсдалик.

— Нима қилардингиз овора бўлиб, — деди Феруза ҳижолатомуз.

Стол ясатилган, ноз-неъматлар тўла эди.

— Меҳмонлар қани?

Холмат зимдан кесатди, шу маҳалгача қайнотанг келмадими, демоқчи аслида. Эрталаб у ёрилмоқчи эди. Улуғбекнинг тузилган куни ҳақидаги хабарни эшитгандан кейин режасини дарҳол ўзгартирди. Хурсандчиликка буваси билан бувиси албатта келади, баҳонада улар билан яқинроқдан танишиб оламан, кейин дардимни айтишим ҳам осонроқ кечади, деб ўйлади.

— Ферузанинг бир-иккита ўртоқлари келиб кетишди, — деди Саъдулла. — Бошқа ким ҳам келарди. Ҳеч ким билмайдиам бунинг тузилган куни қачонлигини. Қани, ўтиринглар бу ёққа, меҳмон мана сизлар-да. Феруза овқатингизни олиб келинг, булар шаҳар айла-ниб очқаб кетгандир.

Феруза билан Саъдулланинг иккита курсдоши келди. Улар ҳам узоқ ўтиришмади. Холматнинг хаёли Олим Акбаровичда эди, ростки, бу аломат меҳмонни уй эгаларидан ҳам кўра у кўпроқ кутди. Наҳотки, неварасининг тузилган кунида келмаса?

Холмат бўғилди, ичи сидирилди. Начора, соат тўққиздан ошди ҳамки, Олим Акбаровичдан дарак бўлмади. Бундан Феруза ҳам ҳайрон. Балки эсларида йўқдир. Кеча айтмапманам...»

Соат ўн бирларда Холмат билан Саъдулла чекиш баҳонасида довлига чиқишди. Тўғрироғи, бу таклифни Холмат киритди. Ахири у Саъдулла билан ёлғиз ва очиқчасига суҳбатлашишга жазм қилган эди. Улар тик турганча сигарет тутатишди.

— Қайнота-қайнонанг келмайдими? — деди Холмат гапни узоқдан бошлаб. — Нима бало, уришиб қолганмисизлар ё?

— Нега уришар эканмиз. Келса ана, келмаса ихтиёри. Иши кўп, вақти йўқдир-да.

Алланечук тоқатсизланган Холмат сигарет охирини босиб-босиб тортди-да, ирғитди. Номаълум ёққа маҳзун тикилганча сукутга толди, оғир хўрсинди.

— Бир маслаҳатли иш борийди, — у гулдиреди ниҳоят.

— Нимаикан? — деди Саъдулла ажабланиш билан дўстининг юзига термиларкан. Бандаси хом сут эмганда, «хотини билан ўртамизда ўтган гапни эшитиб қолдимикан?» деган фикр ўтди хаёлидан...

Холмат тутила-тутила дардини айтди.

Саъдулла донг қотди: ажабо, ҳушими, тушими? Унчамунча одамни назари илмайдиган раиснинг ўғли унинг олдига маслаҳат, аниқроғи, ёрдам сўраб келса-я?

— Мен... нима қилишим керак?

— Ҳуқуқшунослардан танишинг кўп, биламан. Уннан ташқари, қайнатанг замминистр, бир оғиз фалон колхозга тегманглар, деб қўйса, тамом, кимнинг ҳадди сиғади текширишга.

Саъдулла энсаси қотиброқ кулди. Бирор маънили гап кутаётган Холмат хафаланди.

— Жаҳдинг чиқмасин, Холмат, лекин гапларинг чинакам кулгилди-да. Ахир ҳали текшириш бошланмаган, бу нарса бўладими-йўқми — номаълум экан, кимга нима деб айтаман. Менинг ҳуқуқшунослардан қанақа танишим бор? Курсдошларимни биламан, холос. Улардан биронтасиниям бизнинг районга даҳли йўқ. Қайнотамга келсак, сен мени тўғри тушун, Холмат, у одамдан мен ҳали ҳеч нарса илтимос қилмаганман, илтимос қилиш ниятим ҳам йўқ... Бош эгишни ёқтирмайман, биласан-ку одатимни.

— Бу бош эгишмас-ку. Одам одамдан илтимос қилади-да, бегона бўлмаса.

— Шу ишга мени аралаштирма, жон жўра. Хоҳласанг ана ўзинг бор, шундаям менинг жўрам эканлигингни айтма, акс ҳолда ишинг тескари томонга айланиб кетиши мумкин. Уннан кейин у одамнинг қўлидан шунча иш келишига кўзим етмайди. Ҳозир бошқа соҳада.

Холмат яна сигарет тутатди. Ҳафсаласи пир бўлган эди.

— Бошқа соҳада ишлаган билан ҳамма ҳуқуқшуносларни таниркан, кўпи унинг шогирди экан, суриштириб билдим-ку... Истаса қиладику-я...

Бир зум жим қолипди. Сукунатни Холмат бузди.

— Хўп, колхоз масаласида ҳали вақт бор десак, ўзимнинг ишимчи? Бунисига ёрдамнинг тегар ахир. Арзимаган нарса деб, худо кўрсатмасин, қамалиб кетмайин.

Саъдулла ғазабланди. «Бировнинг боласи ўлим тўшагида ётса-ю, бунинг учун арзимаган нарса бўлса... Бу қанақа тошбағирлик...»

— Кўзингга қараб ҳайдасанг нима қилади, яна ичган экансан...

— Қизиқсан-а, деди Холмат тишларини гижирлатиб, — жўрттага қилганим йўқ-ку.

— Бу масалада бир нима дейиш қийин, Холмат. Ҳали боланинг тақдири нима кечади... — Саъдулла иложи борича ўзини қўлга олиб гапирди. — Ўша ердаги милиция, терговчи-ю прокурор масалани ўрганиб чиқиб бир нарса дер.

Совуқ жаранглаган кейинги сўзларни эпитиб Холматнинг эти жимирлаб кетди. Гўё ҳозир кела-сола қўлини орқасига боғлаб олиб кетишадигандай туюлди. Ялинганнамо деди:

— Қайнотангдан илтимос қилмасак бўлмайди, жўра. Ҳар ҳолда олдини олиш керак.

«Тавба, без экан-ку тоза! Мен унга гапирдимми, деворгами? Қулоқ солишни истамайди-я... Билганини қилавермайдими!..»

— Ихтиёр ўзингда, Холмат. Бораман десанг боравер, мен қарши эмасман. Менинг фикрим шу... Қани, юр уйга энди. Хотинлар зерикиб қолмасин.

— Менга қара, Саъдулла, — деди Холмат унинг билагидан ушлаб. — Ҳалиям бир гаплашиб кўр, қанча деса бераман. Бир томони ўзинг ҳам қуруқ қолмайсан.

Ҳалиги ҳолат неча чандон даҳшатлироқ тарзда такрорланди: қоқ тепасида гумбурлаган гулдурак ёмон чалди, шундай чалдики, гўё чор тарафга тариф янглиг титилаб кетди.

— Шунақами? — деди у зўрға ҳушини ўнглаб. — Қанча берасан?

— Қанча десанг...

Холматнинг гапи оғзида қолди.

— Ўчир овозингни, аблаҳ!.. Афсуски уйимда меҳмонсан...

— Ўзингни бос...

— Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Мен бу ерда

шунинг учун юрибманми?! Биринчи келдинг, аммо иккинчи қорангни кўрмайин. Мен аҳмоқ жўрам кепти, мендан ҳол-аҳвол сўрагани, деб суюниб ўтирибман-а.

Дағал-дағал эшитила бошлаган овозлардан хавотир олиб оддин Феруза, кейин Салима ташқарига чиқди:

— Ҳа, тинчликми? Уйга кирмай, ҳовлида нима қилиб ўтирибсизлар? — деди Феруза.

— Менга қара, Феруза, — деди Саъдулла жаҳл билан. — Боя манави бойвачча Улуғбекка олиб келган кийимларини ҳозироқ қайтариб бер. Мен бировнинг садақасига зор эмасман!

— Нималар деяпсиз, Саъдулла ака!

Салима йиғламоқдан ўзини базўр тийиб гапирди. Унга қарши Саъдулла ҳеч нарса демади. Индамай уйга кириб кетди. Орқасидан Феруза кирди. Нима гап бўлганини суриштирди. Кейин, кейин айтаман, деди Саъдулла. Сўнг ўйга толди: «Ҳар ҳолда яхши иш бўлмади, кўнглини қабартирдим. Ётиғи билан тушунтириш лозим эди. Эрта юзига қандай қарайман?»

Тун бўйи ажирик устида ётгандай у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ухлаёлмаган Саъдулла азонга бориб кўзи илинди. Улуғбекнинг чинқириб йиғлаганидан уйғониб кетди. Дарҳол соатига қаради: саккиздан ошибди. Ў-ҳў, кеч бўп кетипти-ку. Ирғиб ўрнидан турди, апил-тапил кийинди. Нариги хонада ҳеч кимнинг овози эшитилмади. Феруза Улуғбекнинг кийимини алмаштирипти чоғи, ҳа-ҳа, мана-мана, бўлди-бўлди, деб қўяди. Саъдулла ҳорғин товуш билан сўради.

— Меҳмонлар қани?

— Ҳайдадингиз-ку. Хотини бечора бир ажойиб жувон экан, йиғлаб эси кетди. Эриниям роса қарғади. Ҳаммаси сиздан ўтди, дейди.

Саъдулла индамади. Ўзига қараб беозор илжаяётган ўғлини олдида бир-икки осмонга отиб ўйнатди. Кейин уни яна жойига ётқизиб қўйиб, ювингани ҳовлига чиқди...

Феруза ўйланиб қолди... «Ҳозир айтайми? Олдига ташлайми ўртоғи бериб келган нарсани? Йўқ, Жаҳл устида турибди ҳозир. Кейин, сал ҳовридан тушсин, айтаман». Шу андиша билан индамади.

Кечқурун Саъдулла ишдан қайтгандан сўнг жуда чарчадим, деб эрта ётди. Ферузанинг кўнглидаги гапи очилмай қолди. У тун бўйи ўйлади: «Эрталаб айтаман, чўзмасдан ҳал қилиш керак. Бечорага ёрдам берса

берипти-да, нима қипти. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат, дегандай унғаям яхши, ўзимизам бир нималик бўлиб қоламиз. Қадрдон ўртоғи экан-ку, бировга айтиб юрмас».

— Сизам баъзан жуда ҳаддингиздан ошиб кетасиз-да, — деди Феруза нонушта чоғи. Саъдулла нима гап ўзи, дегандай савол назари билан хотинига қаради. — Рост-да, тўғрисўзлик ҳам эви билан-да. Битта-иккита одам шунақа бўлса экан, ҳамма шунақа, замон шунақа.

Туш кўряптими ёки ўнгими — Саъдулланинг ақли-хуши етмай қолди. У кўзларига, қулоқларига ишонмайди. Наҳотки, ҳозирги сўзларни Феруза, ўз муттаҳамлигининг замон пардаси билан ниқоблама, деб мунофиқларнинг юзига шартта гапириб юрган Феруза айтяпти? Унга нима бўлди? Қаёқдан келди унинг хаёлига бу фикрлар?!

— Ҳа, — деди Феруза — мунча тикилиб қолдингиз? Биринчи марта кўряпсизми?

— Биринчи марта кўрганамда ҳам бунақа эмасдинг. Умуман танимаяпман, ўзингмисан ёки бошқа хотин ўтиришгани олдими.

— Қўйсангиз-чи, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Синфдош дўстингиз, хотини қишлоқдошингиз экан...

— Нима қилишим керак эди? — деб кесатди Саъдулла.

— Суриштириб кўринг эди, Самарқандда ҳам курсдошларимиздан бор-ку. Улардан ташқари Эрмат ака бор, жуда қадрдон ака-ука эдинглар.

Саъдулла шалвиради, бўзарди. Бунга нима бўлди ўзи? Ўша Ферузани ёки... Наҳотки? Саъдулла ҳеч нарсани идрок қилолмай қолди, мияси карахт эди.

— Гапларингга тушунмаяпман, Феруза?

— Нимасига тушунмайсиз, — деди Феруза бир оз жаҳл билан. — Аввало одамгарчилик деган гап бор, қолаверса, қачонгача танга санаб ўтамиз...

Саъдулланинг ичида гўё нимадир чирт этиб узилди, мияси қизиб, кўз олди қоронғилашди. Кафтларини икки чаккасига босди. Кўзини юмди, қаттиқроқ юмди. Умирида биринчи марта Ферузани — ўзи севиб, яхши кўриб олгани, жуфти ҳалоли Ферузани кўришни истамди. Ҳозир кўзига хотини қоши-киприги попуқдай, бир оз қийиқ кўзлари юдуз каби порлаб турган, кулишлари юракни ўртаб юборадиган истараси иссиқ,

гўзал жувон эмас, йўқ, аксинча бадбашара, хунуқдан хунуқ, овозлари совуқ — аниқроғи, «Фарҳод ва Ширин»даги Ёсуман сингари кўриниб кетди. Ё алҳазар! Одам боласи бунчалар тез ўзгармаса!

Феруза эрининг олдига қоғозга ўроғлиқ нарса қўйди.

— Мана, — деди у, — ўртоғингиз ташлаб кетди.

Саъдулла илкис юзига совуқ сув сепилгандай сесканди.

— Нима бу?

— Кўринг...

— Йўқот!

— Намунча...

Аланечук оғринган, ўксинган Феруза қоғознинг бир четидан ушлаб тортиди. Ўрам очилиб кетди. Бир тахлам элик сўмлик! Беҳос унга Саъдулланинг нигоҳи тушиб кўпчиди, жони оғзига тикилди, алам-ангиз бир ўксиниш билан сўради:

— Нега, нега олиб қолдинг?

— Ман олиб қолганим йўқ, ўзи ташлаб кетди. Бир гаплашиб кўрсин, деди, яна қанча керак бўлса, айтаверсин, деди.

Саъдулла пешонасига шап эткизиб урди:

— Эҳ, пешонам қурсин. Балиқ деб ушлаганим илон бўлиб чиқди-ку! — Кейин Ферузага ўкрайди. — Мента қара, Феруза, нима гап ўзи? Тўғрисини айт, мен ҳеч нарсага тушгунмаяпман.

Феруза пинак бузмади.

— Ҳеч нарса, нима қипти?

— У ҳолда нега даданг билан ойингнинг айтганларига ҳўп демадинг? Нима учун улар билан бирга яшашга кўнмадинг? Қийналмасдик, танга санаб юрмасдик...

— У бошқа масала...

— Бошқа эмас! — деди Саъдулла кескин. — Ҳаммасининг мағзи бир!

— Ким билиб ўтирипти бунинг олганингизни!

— Ҳазилингми ёки чинингми? Балки мени синаётгандирсан? Ахир ўзинг ойингдан ранжиб юрасан-ку.

— Ойим нотўғри қиладила. Сабаби, аввало болаларнинг ҳақини емаслик керак, ундан кейин шу ишни қилишга ойимда эҳтиёж йўқ. Бизда эса...

— Бас! — деди Саъдулла. — Эшитишни истамайман! Қазисан-қартасан ахир наслингга тортасан, деганлари рост экан.

Нечундир паст тушишни истамаётган, андиша де-

ган сабилни унутиб қўйган Феруза кутилмаган кесатиқни ҳазм қилолмай овозини тағин бир парда кўтарди.

— Бу нима деганингиз?

Саъдулла ҳам энди ўзини ортиқ босиб туролмади:

— Бу деганим ўғрининг боласи — ўғри, порахўрнинг боласи — порахўр бўлади, деганим.

Феруза йиғлаб юборди.

— Сиз учун шунча азобларга чидаб, охири эшитганим шуми?

— Чидаб келганинг учун раҳмат! Минг раҳмат! Аммо ҳаммасини аввалдан билар эдинг. Мен сенга суянар эдим, ўзимга бир мададкор деб билардим! Афсус...

— Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор! Мана, боламиз бир ёшга кирди. Ҳамон турмушимиз ўша-ўша — талабалиқдан фарқи йўқ. Биз тенгилар данғилама ҳовлида ўтиришти, тагида машина...

Феруза орага яна шунга ўхшаш ғийбатларни тикиштирди. Саъдулла эшитмади, эшитишни истамади. Фақат талваса ичида қўл силтагани, «Йўқол, кўзимга кўринма!» деб бақирганини билади.

Бир маҳал ўзига келса диванда чўзилиб ётипти. Оғир дардга чалинган одамдай базўр ўрнидан турди. Ўртада қаққайганча зилдай бошини қашлаб, атрофга кўз югуртирди. Столда нон, чойнак-пиёлалар, дастурхон йиғиштирилмаган. Бир томонда Ферузанинг кийимлари, бир томонда Улуғбекнинг қўйлак-иштончалари...

Бўғзига аччиқ нарса қадалди. Гандираклаб ташқарига юрди. Кампир одатига кўра стулчасини олча тагига қўйиб сигарет бурқситиб ўтирарди. Ҳамма балодан хабари бор шекилли, Саъдуллага маъноли қаради. У ҳеч нарса билмаган қаби кампирга салом бериб, водопровод томонга ўтди.

— Ҳа, отам, тинчликми? — деди кампир Саъдулланинг саломига алик оларкан. — Хотинингиз сахармардондан қовоқ-тумшуғи осилиб жўнаб қолди?

Саъдулла аввалига индамади. Кейин астагина «билмадим...!» деб қўйди. Водопровод жўмрагини бураркан, ўйлади: «Кампирнинг олдида ҳам уят... Бировнинг эшигида сизинди бўлиб юрган одамга бунақа галваларни ким қўйишти...»

Кампир баланд овозда насиҳатини бошлади:

— Ҳозирги ёшларгаям ҳеч тушунолмаيمان, отам. Сал нарсага эру хотин фижиллашади... Қанча ижарачи турди ҳовлимда. Шуларам гиди-биди қилаверарди. Мен айтардим, отам, ҳай, манга қара, нимага бунақа қила-санлар? Бу кунларам ўтиб кетади. Бир умр бировнинг эшигида яшамайсанлар. Одамзотга сал сабр-бардош керак. Қаёқда дейсиз, отам, бирови кўнади, бирови қулогига олмайди. Аммо-лекин ҳаммаси уй олиб чиқиб кетишди. Маникида ижарада турганларнинг биронтасиям ёмон бўлмади, отам. Ўзи бу жойнинг фариштаси бор... Бир хиллари кейин ҳам келиб, мадан ҳол-аҳвол сўраб туради. Ўзингизам кўргансиз-ку. Қорасини кўрсатмай бадар кетганлариям бор... Майли, отам, иш-қилиб ҳаммаси ўз кунига омон бўлишсин.

Муздай сувдан ўзига келгандай бўлди. Артиниб, нима қиларини билмай қолди: уйга кириб кетаверай деса — кампирнинг гапи тутагани йўқ, кирмай деса — ҳозир бунақа панду ҳасратни эшитишга тоқати борми. Аммо кампиршонинг дийдиёсини охиригача тингламай жўнавориш ҳам осон эмас: кейин бир умр боши маломатдан чиқмайди.

— Сиз кўп куюнаверманг, отам. Бу кунларам ўтади-кетади. Кейин бир вайсақи ойим бор эди, деб эслаб юрасизлар. — Кампир чуқур уҳ тортди. — Эслаб юрсаларинг шунинг ўзи кифоя, отам.

Аста-аста кампирнинг товушига маҳзунлик қоришди: «Бу шўрликнинг ҳам ичи тўла ҳасрат», деб ўйлади Саъдулла. Шу даргоҳга келганидан бери кампирга биринчи маротаба ачиниш билан термиди. Ажабо, ҳозир рўшарасида арзимаган нарсаларни вайсайверадиган, эрта-кеч тинмай асабга тегаверадиган жоҳил кампир эмас, йўқ, мунис, меҳрибон бир онахон турарди. Кўнгли бир хил бўлганча сўри зинасига аста ўтирди.

— Кўнглингизга олманг, отам, қайнонангиз сал олифтароқ аёлми, дейман-да. Қизига гап ўргатади манимча. Бўлмаса, хотинингиз яхши жувон, эсли-ҳушли, одобли. Ҳар на чиқса, онасидан чиқади, отам.

Одатича, кампир яхши-ёмонни жавради, у эса миқ этмай тинглади, сўнгра унинг опшоқ сочлари, ажин босган юзларига термилиб онасини эслади. Эслади-ю, кўнгли орзиқиб кетди. Аста ўрнидан турди.

— Чой дамлаб берайми, отам?

— Йўқ, ойи, раҳмат, чой ичгим келмаяпти.

— Сиз бундай қилманг, отам. Хотинларнинг нимаси

кўп — фиди-бидиси кўп. Юрагингизга олаверманг. Йигит деган унча-мунча гапни елкаси оша иргитиши керак. Раҳматли чолим шундай дердилар.

— Раҳмат ойи, минг раҳмат сизга.

Уйга кириб каравотга чўзилди. Боши қўрғошин қуйилгандай оғир. Эрталабки жанжал тушимми-ўнгимми, деб иккиланди. Кейин қатъий хулоса қилди: туш эмас! Кампирнинг гаплари хаёлига келди: «Хотинингиз яхши жувон, эсли-ҳушли, одобли. Ҳар на чиқса, онасидан чиқади...» Бутунги иддаолари-чи, уларниям онаси ўргатганми? Эсли-ҳушли бўлса нега онасининг йўриғига юради?

Феруза! Нега бунчалар ўзгариб қолди? Бунинг сабаби нима? Ахир унинг характерида бунақа одатлар йўқ эди-ку... Йўқмиди? Балки Саъдулла сезмагандир, эътибор бермагандир. Ўзи шунақа бўлади — одам бировни севса, унинг камчиликларини кўрмайди, ёмон одатларини пайқамайди. Аксинча, ёқтирмаса — яхши томонлари кўзига кўринмайди, фазилати ҳам қусур каби туюлаверади. Эҳтимол Саъдулла ҳам шу кўйга тушгандир.

Ундай деса, нега Саъдулла билан дўст тутинди? Охир-оқибат нега уни яхши кўриб қолди? Қанча-қанча бойваччалардан совчилар келганда рад этди? Нахотки, Феруза ҳам ҳаётнинг мазмунини яхши кийиниш-у, қимматбаҳо тақинчоқларда, деб билса? Йўқ, бу мумкин эмас? Феруза унақа қизларданмас! Ундай эса бутунги пичингларни, ҳаракатларини қандай тушунмоқ керак?

XIII

Феруза Улуғбекни кўтариб чиқиб кетганига бир ҳафта бўлди. Шундан бери Саъдулла кампирнинг товуқ катагидеккина ҳовлисига соядай кириб, соядай чиқади. Бир ҳафтадирки, бу ҳовлида на бировнинг кулгиси эшитилади, на йивиси. Бир зум осудаликни орзу қилган ёки бирон нарса ёзиб-чизаман деган кезлари олдига кириб жонидан безор қиладиган кампир ҳам йўқ ҳозир. Икки кун олдин остона хатловди. Шу чиққанича бадар кетди. Саъдулла-ку жағига суяниб қолган кампиршонинг «суҳбатини» жуда қўмсаб ётгани йўқ, унинг дий-диёсига кўзи учаётгани ҳам йўқ, лекин мана бу ҳувиллаб ётган ҳовлининг бир чеккасида одам овози эшитилиб тургани тузук экан-да.

У жойидан эриниб турди. Худди ухламагандек. Кўнгли гап. Дераза тагидаги олчага кўнган олашақшақнинг хунук овози дилини баттар ҳижил қилди. Дарпардани очди-да, киш, йўқол, деб олашақшақни ҳайдади...

Зинада кафедра мудирига дуч келди. У қайгадир шошиб кетаётган шекилли, бир соатлардан кейин менинг олдимга киринг, гап бор, деб ҳовлиққанча кўчага чиқиб кетди.

Шу топда ҳар қанақа калима қулоғига ёқмайди. Ишиям, диссертациясиям, аспирантурасиям — ҳаммаси кўзига алақандай майда-чуйда, арзимасдай кўриниб, қўли ишга бормаи юрибди. Энди аксига олиб мудирнинг нима зарур гапи чиқиб қолди экан? Кирмасинми ё олдига? Йўқ, кириш керак. Нима бўлганда ҳам кафедра мудирини. Ҳозирча, унинг қўл остида ишлаб турибди. Беодоблик қилса — яхшимас. Қани айтсин гапини, ёқса хўп дейди, ёқмаса йўқ-да. Нима, бўйнидан гиппа бўйиб олармиди. Ёки ишдан ҳайдаб юборармиди. Ҳайдаганда нима? Ҳозир унга барибир, ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган.

Бугун дарси ҳам йўқ — ҳовлида паришон айланганча сигарет тутатди. Негадир таскинга, бир овиз илиқ сўзга интиқ... Бир кўнгли домласининг олдига бормоқни ўйлади. Яна фикридан қайтди: аввал мудирга учрашсин-чи, қани муддаоси нимаикан, подадан олдин чанг чиқариб нима қилади.

Минг хил ўй-гумонлар билан юқори қаватга кўтарилади. Эшикни очмоқчи бўлиб, тутқичга қўл узатган эди, ичкаридан қаттиқ-қаттиқ овоз келди. Ким биландир галлашаяпти, шекилли, деб сабр қилди. Овоз сира тинмайди. Кутди. Ўн минут, ўн беш, йигирма минут... Овоз тинмас, аксинча, худди дикторниқидай бир маромда янгради. У ажабланди, ўзида журъат туйганча, таваккал деди-да, эшикни секин тортди. Хонада мудирдан бўлак ҳеч ким йўқ, у бурнини столга теккизгудай энгашиб, товушининг борича ниманидир ўқиб ўтирарди. Машғулотига шу қадар берилиб кетганидан ҳатто эшик очилганини ҳам пайқамасди.

— Мумкинми, домла? — деди Саъдулла. Лекин мудир ўз овозига кўмилиб унинг сўровини эшитмади. Саъдулла сал дадиллашди: — Домла, кирсам майлими?

Худди магнитофон лентаси узилиб қолгандай, му-

дирнинг овози бирдан ўчди. У бошини қовоздан кўтариб эшик томонга қаради-да, Саъдуллани кўрди.

— Ҳа, келинг, келинг, — дея мулозамат қилди.

Саъдулла рўпарадаги курсига бориб ўтирди.

— Хўш, ука, ишлар қалай? — деди мудир салмоқлаб. — Уйлар тинчми, илмий ишларни битказай деб қолдингизми?

Саъдулла ҳайрон: мудир бунчалик сертакаллуф бўлқопти. Умида бировдан тузукроқ ҳол-аҳвол сўрамаган, саломдан аввал кафедрада тиқилиб ётган ишни суриштирадиган бу одам... Қуёш қаёқдан чиқди бутун?

— Биласиз, Саъдуллажон, ман сизни жуда ҳурмат қиламан. Истеъдодингизни тан оламан. Муҳокаманингизда баъзи мулоҳазаларни айтганим сизнинг фойданингиз учун. Иш бошидан пишиқ бўлсин, эрта ҳимоя пайтида дўст-душман олдида — у-бу гаплар кўпайиб қолмасин, деган ниятда айтганман. Ўйлайманки, сиз бу йўриғимни тўғри тушунасиз, — мудир томоқ қириб олди, қисқа сукутдан сўнг, яна ҳам юмшоқлик билан давом этди: — Кеча деканамиз бир хабарни сизга айтиб қўйишимни тайинладилар.

— Нима экан? — деди тоқати тоқ бўлган Саъдулла. — Айтаверинг, домла.

— Биласизми, Саъдуллажон, деканнинг айтишича, штатлар қисқарармишми-ей, хуллас, факультетдан бирикки кишини...

Саъдулла энди барини тушунди.

— Демак, ариза ёзишим керак, ўз ихтиёрим билан. Шундайми?

— Умуман, шундай десаям...

Саъдулла қизишиб мудир гапини кесди:

— Сиз кўп қийналманг, домла. Мақсадингизни англадим. Мен кетаман, бу факультетда ишламайман. Лекин сиз ҳам билиб қўйинг, деканга ҳам айтингки, мен ариза ёзмайман. Штат қисқарса, мен шу қисқаришга тушсам бўшатиб юбораверинглар. Ҳар ҳолда кўчада қолмаслигимни биламан, майда, арзимас одамлар билан ади-бади айтишиб ўтиришни эп кўрмайман.

Орага бир дақиқалик сукунат чўқди. Ҳозиргина майин, юмшоқ муомала қилаётган мудир тўнини тескари кийдики, авзойи тамом ўзгарди. Қовоғини солди, калта, йўғон бўйни, дум-думалоқ, семиз юзи қизариб кетди.

— Демак, сизнингча факультетдаги ҳамма ўқитувчилар майда, арзимас одамлар экан-да.

— Гапни айлантириб нима қиласиз, домла. Ахир факультетдаги ҳамма ўқитувчилар ёки барча раҳбарлар менга ариза ёз дегани йўқ-ку. Ҳатто декан айтганигаям ишонмайман.

Бундай зарбани кутмаган мудир ёрилган шардек шалвираб қолди.

— Ҳаддингиздан опиялсиз, ўртоқ Примов! — деди ниҳоят столга муштларини тираб.

— Қизишманг, домла. Менинг гапим тамом. Хайр, омон бўлинг.

У шундай дея ирғиб ўрнидан турди-да, тарс-тарс юриб чиқиб кетди.

Гавжум кўчада ўзини жуда ғариб сезди. Умри мазмунсиз, мақсадсиз ўтаётгандай туюлди. Бу ерларда нима қилиб тентираб, саргардон юрибсан, деган савол миясига урилди. Чиндан ҳам бу ерда энди унинг нимаси бор, кими қолди? Хотини ташлаб кетди, диссертациядан дарак йўқ, мана энди ишдан ҳам қувилди. Талабалик йиллари шоир жўралари «Бу ерларда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдир», деган шеърни кўп ўқишарди. Ҳозир Саъдулла айни ўша саёҳатни тусаб қолди. Аммо бу ҳам таг-замини йўқ орзу, назарида энди бу ерларда ҳеч қанақа умиди қолмаган, барча эшиклар унинг учун ёпиқ эди. Гўё ҳамма қўлини бигиз қилиб: «Ана хотини ташлаб кетган, ўзи ишдан ҳайдалган, икки йилдан бери диссертациясини лоақал муҳокамадан ўтказиб ололмаган ношуд, нотавон», деб кўрса-таётгандай эди...

Саъдулла уйга келиб у-бу нарсаларини сумкасига жойлади. Холмат ташлаб кетган пулни ҳам солди. Эшикни бекитиб автостанция томон йўл олди.

* * *

Қишлоққа хуфтонда кириб борди. Бемаҳалда келиши ота-онасини ажаблантирди. Тагин дам олиш куни ҳам эмас. Одатда — у қишлоққа шанба ёки якшанба кунлари борар эди.

— Бахайрми, болам? — деди онаси ҳол-аҳвол сўрашгач. — Кечроқ йўлга чиқибсанми?

— Ҳа, тинчлик, эна. Мошин бўлмай шаҳарда бир оз туриб қолдим.

— Келин, неварам яхшими, ишқилиб қудаларим эсон-омон юришиптими?

— Ҳаммаси яхши, — деди Саъдулла ўзини хотир-жам кўрсатиб. — Ҳаммаси соғ-саломат. Икки-уч кун дам олишим бор эди, шунга бир айланиб келай, сизларни кўриб кетай, деб келдим. Самарқандда бир оз ишим ҳам бор.

Кампир сал ўзига келди. Тўрда соқолини силаб ўтирган отаси маънодор қилиб томоғини қириб қўйди.

— Ундай бўлса майли-куя, кеч қолганинга қўрқиб кетдим-да, болам.

Саъдулла ўзини қанчалар бепарво кўрсатишга ҳаракат қилмасин, унинг кўнгли тинч эмаслигини, нимадандир безовталигини отаси сезди. Иккови ёлғиз қолганда оҳиста салмоқлаб савол ташлади.

— Менга қара, Саъдулла, ишларинг жойидами, уйинг тинчми?

Саъдулла ялт этиб отасига қаради. Отаси донишманд одам, паст-баландни яхши билади, мана ҳозир унинг дарди-ташвишини ҳам сезганга ўхшайди, йўқса бунақа ўсмоқчиламасди. Шаксиз, у ўнғайсиз ҳолга тушди, беихтиёр нигоҳини олиб қочди.

— Ҳа, жойида, ҳаммаси тинч, — деди ботинмай. — Нима эди, ота?

— Кўнглим сезиб турипти болам, нимадандир хавотирдасан, нимадандир тинч эмассан.

Саъдулла миқ этолмай қолди, дабдурустдан тили калимага келмади. Отаси яна маънодор оҳангда йўталди-да, ўғлини хижолатдан ўзи қутқазди.

— Майли, болам, ҳаёт шундай. Йигитнинг бошидан не савдолар ўтмайди. Фақат одам ўзини йўқотмаслиги, доим қўлга ола билиши керак. Айтишни лозим топмасанг айтма, мен қистамайман.

Эҳтиёткор ота шундай мулоқимлик билан унинг ичига қармоқ ташлади. Лекин барибир у ёрилмади. Ҳар нарсага мулоҳазақорлик билан ёндашадиган отасидан ҳам кўра онаизорини хафа қилиб қўйишни ис-тамади.

— Йўқ, ота, жа унчалик эмас...

Онаси кириб суҳбат узиди. Шу кўйи бу ҳақда на отаси, на унинг ўзи бошқа сўз очмади...

Эрталаб Саъдулла Зарбуви опасининг уйига йўл олди. Холматни кўришни, орада кечган мунозарани

такрорлаб асабини бузишни истамади. Алиқул поччасига ҳамма гапни айтиб, пулни бериб келаверади.

Хайрият поччаси уйда экан. Ҳол-аҳвол сўрашиб ховлидаги сўрида суҳбатлашиб ўтирди.

— Почча, — деди охири Саъдулла мақсадга ўтиб, — сизга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор.

— Тинчликми? — деди Алиқул нимадандир хавотирланиб.

— Тинчлик, почча. Лекин, биласизми, асли Холмат билан... Бироқ уни қидириб юришга вақтим йўқ.

— Қидирганингиз билан уни тополмайсиз. — Алиқулнинг овози синиқ чиқди.

— Нимага? — деди Саъдулла бирдан.

— Жўрангиз қамалиб қолди...

— Қачон? Ахир яқиндагина у менинг олдимга борувди-ку.

— Хабарим бор. Ўша ёқдан келган кунининг эртасига олиб кетишди.

— Бола ўлдими?

Алиқул хомуш бош ирғади.

— Оббо!..

Беихтиёр Саъдулла бошини солинтирди. «Чатоқ бўпти-ку... Яна арзимаган иш дейди-я... Бир бечоранинг гулдай боласи ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўлиб кетаверсин, бу бойвачча эса ялло қилиб юраверсин. Мен унга шундай имконият яратай. Қани инсоф, адолат!? Йўқ, бундай бўлили мумкин эмас! Мутлақо!» Холмат яқин жўраси эканидан, шу маҳалгача у билан ошначилик қилиб юрганидан ижирғанди, эзидди. Шунча йиллардан бери у ҳақда маълум хулоса чиқармаганидан, борди-келдига чек қўймаганидан афсусланди. Иродасизлик қилдим, қатъиятим етмади, деб ўзидан ранжиди. Опасининг гапларидан кейиноқ Холмат билан муносабатини узиши мумкин эди-ку. Нега шундай қилмади?.. Бироқ буларнинг ҳаммаси айтишга осон. Қишлоқчилик, ўзбекчилик...

— Оғир бўпти... Барибир, сизга гапирмасам виждоним азобда қолади. — У бўлиб ўтган можарони поччасига лўнда қилиб айтиб берди. Сўнг киссасидан қоғозга ўроғлик ўша бир тахлам элик сўмликни чиқариб қўйди. Воқеа бундай тус олиб кетган экан, демак пул жудаям зарур. Шунга бериб қўйинг, сиздан илтимос, почча.

Алиқул индамади. Пулни олиб уйга кириб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб чиқди-да, деди:

— Сал сабр қилинг. Ҳадемай опангиз келади. Кўрмай кетиб қолсангиз ўпкаси узилиб тушади. Мен ишхонага бирров кириб чиқай. Тез қайтаман. Алиқул чиқиб кетди. Саъдулла опасини кутишга қарор қилди. Шошиб ҳам қаерга борар эди? Йўлига интиқ хотини, қолиб кетаётган иши бўлмаса...

У ёстиққа ёнбошлаб кўзини юмди. Кўз олдида турли воқеалар жонланди. Негадир болалигини, мактабда ўқиб юрган чоғларини эслади. Ўша пайтлар жуда тотли, ширин туюлди, Қани ўша дамларнинг лоақал бир куни қайтиб келса. Эҳ-ҳе!..

Кимдир Зарбуви опасини чақирди. Хаёли бўлинди.

— Ким у, келаверинг, — деди тирсагини ёстиқдан кўтариб.

Чақирувчи сўри томонга юрди. Ора чамаси ўн метрча қолганда у олдини илон кесиб ўтган каби илкис тўхтади.

— Салима! — деди у кўзлари чақнаб.

— Вой, Саъдулла ака, қачон келдингиз?

— Бугун... Қалай, ўзинглар яхшимизлар?

Салима сўри томон секин юрди... Бир чеккасига охишта ўтирди...

— Шўрим қуриб қолди, Саъдулла ака, — деди у ердан кўз олмай. Шунча йил турмуш қуриб нима кўрдим. Буям етмагандай энди... — У ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Саъдулла «Қўйинг, Салима, йиғламанг», деб таскин бермоқчи бўлар, аммо унинг ўзи ҳам эплаб гапиролмасди. — Мени... мен... Саъдулла ака, севгининг қарғишига қолдим...

Саъдулланинг эти жимирлаб кетди. «Билар эканда... Мени зор қақшатганини билар экан-де... Йўқ, йўқ, мен унга ёмонлик истаганим йўқ, истамайман ҳам... Менинг ўзим-чи? Менинг аҳволим ҳозир уникдан яхшими. Хайриятки, буни Салима билмайди...»

— Ундай гапларни қўйинг, Салима, ўтган гап ўтди, энди қайтиб келмайди. Бу ёғига Холматни ўйланг, болаларингизни ўйланг. Ҳаммаси яхши бўлади, ишонинг, яхши бўлади. Ўзингизни дадил тутинг, қўлга олинг. Дўст-душман олдида сир бермаслик керак.

— Сир қолдими, — деди Салима ҳамон пик-пик йиғлаб. — Эл-юрт олдида шармандамиз чиқди-ку.

— Қўйинг, ундай деманг, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Салима бир оздан сўнг ўрнидан турди.

— Мени кечиринг, Саъдулла ака, сизнинг ҳам кўнглингизни хира қилдим... Майли, мен борай, Зарбуви опа йўқлар шекилли, — деди ёноқларини артиб.

— Мактабда экан, мен ҳам кутиб ўтирибман.

— Майли, янгамга салом айтинг. Улугбекжонни ўлиб қўйинг, хайр.

Салима худди илтижо оҳангида сўзлади. Ўкинчи ва маҳзун товуши Саъдулланинг юрагини ўртаб юборди. Нақ ер билан битта бўлаёзди-я? Во ажабо, не сиру синоатки унинг қошида ҳамон мана шундай забун, ҳамон мана шундай афтода — болага ўхшаб ўзини йўқотиб қўяверади.

Кўзларида жикқа ёш Ъилан Салима жўнади. Елкасидан оғир юк босгандай Саъдулла ўтирган жойида чўкиб қолди...

XIV

Овқатни эплаб пиширолмадингми — ўзинг еявер!

Халқ одатларида шафқатсиз жиҳатлар кўп. Таом яхши бўлса, кўпинча ким пиширганини суриштириш шартмас. Нар и борса, кўли дард кўрмасин, деб қўя қолиш кифоя. Борди-ю, бемазароқ чиқса, кўраверасиз қайси кўлинг сингур пиширди, фалончими, у ўзи асли шунақа ҳеч бало кўлидан келмайди, масалликни увол кишти...

Майли, ҳозир гап бу ҳақда эмас, оила хусусида. Агар бир йигит ота-онасига фалончи қизга уйланаман, деса ва уйланса ёхуд бир қиз бирон йигитни ўзи танлаб тегса, аммо кейинчалик турмуши нотинч бўлса, шунда ота-она ўғлига ёки қизига нима дейди? Ўзинг пиширган ош — ўзинг ичавер! Хўш, нега энди шундай? Ахир улар ҳам бир чеккада томоша қилиб ўтирмаган-ку! Йигитнинг ёлғиз ўзи бориб етаклаб келмаган-ку қизни. Ёки қиз ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ уйдан чиқиб кетмайди-ку. Келин ёки куёв яхши, одобли бўлса ва тотув яшашса-чи? Ў, ота-онанинг оғзидан бол томади: ўғлимга шундай келин олиб бердим, қизимнинг бахти бор экан, ажойиб куёв топдик... Энди айтинг, шу адолатданми?..

Феруза ўғлини кўтариб кириб келганда на дадасига, на ойисига Саъдулла билан гиди-бидига бориб қолганини айтмади. Ўзи-ку дадаси билан ойиси уни чақиб

олишга баҳона тополмай юришипти. Ҳозир дардини сал ёрса борми — тимсоҳнинг олдига қуён ташлагандай гап, хал этиб ютади-қўяди. Онасининг айтадигани маълум: «Баттар бўл! Танлаб-танлаб тозисига учрадинг. Ўзингдан кўр. Ажаб бўпти, ўзинг пиширган ош — ичавер энди. Қанча жаврадим вақтида, йўқ, қулоқ солмадинг. Мана, оқибати...» Дадасининг пичинглари ҳам бундан қолишмайди.

Иддао, таъна эшитишга Ферузада тоқат қани? Ҳамма дард-аламларини, изтиробларини ичига ютса ютади, аммо ҳеч бир кимса олдига дастурхон қилиб ёзмайди.

— Келардинг-да, — деди Муаззам опа Ферузани кўриши билан. — Ўзинг-ку ойлаб қорангни кўрсатмайсан, чақирсаям уч кундан кейин келасан-а. Отана керакми ўзи сенга? Ё ўша ўзим кал — кўнглим нозигинг ҳамманинг ўрнига ўтадимиз? Бу аҳволда ўлиб қолсамам икки кундан сўнг келасан шекилли.

— Сизга телефон қилиб уйга борсам, Самарқанддан меҳмонлар келишипти. Бугун эрталаб кетишди. — Феруза бироз гина оҳангида гапирди. — Неварангизнинг туғилган кунига бориб қоласизларми, деб ўйладим.

Муаззам опа қизининг гинасига эътибор бермаган каби гапни бошқа томонга бурди:

— Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, — у шундай деб ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди.

Феруза онасига разм солди. Негадир унинг шашти паст эди. Доимо қоп-қора бўлиб ёниб турадиган кўзларига бугун арабий сурма тортилмаган, қошларида ҳам уч кун олдинги ўсманинг излари. Упа-эликнинг қутиси ҳам очилмапти. Феруза онасини бу аҳволда биринчи марта кўриши. У эсини танибдики, Муаззам опа пардоз-андоз қилиб юради. Ҳар куни ўрнидан туриши ҳамона, араб хотинларига ўхшаб, аввал тошойна олдига ўтиради.

Шу одатини тарк этибдими, демак, бир нохушлик бор. Ферузани ҳам бу гал бекорга чақирмаган кўринадди. Ўтириши, ранг-рўйи ҳам бўлакча. Ўша куни телефонда сўзлашганда Феруза масала бу қадар жиддий эканлигини хаёлига келтирмаган, ойимнинг навбатдаги ваҳималаридан биридир-да, деб ўйлаганди. Бинобарин, олдин ҳам бир неча марта ҳовлиқиб қизини чақиртирган, Феруза келгач; тайинли бир гап йўқ, сани шунчалик кўргим келди, шунга йўқловдим, деб қулги-ҳазил қилган эди.

— Нима гап ўзи, ойи? У куни телефонда айтмадингиз...

— Ҳаммаси жойида, — деди Муаззам опа энсаси қотиб.

Йўқ, ҳаммаси жойида эмас.

Ўтган куни Муаззам опа ишдан қайтаётганда дарвоза олдида икки йигит йўлини тўсди. Улар ўзи ва тарбиячи жувон инқиллаб-синқиллаб кўтариб келаётган катта-катта сумкаларни очишни талаб қилишди. Рости, бу ҳол ақлга сизмасди, бориб турган йўл тўсарлик! Шубҳасиз, опа жирибийрон бўлди, баланддан келди: «Нима ҳақларинг бор сумкамни текширишга? Безорилар, йўлимдан қочинглар!» Йигитлар ҳужжат кўрсатишди. Ана шундан сўнг Муаззам опа бўшашиб қолди. Гўё саҳнада роль ўйнаётган артист каби муомаласини ўзгартирди: «Қўйинглар, укажонлар, мани овора қилиш нима зарил санларга. Ман нима олардим...» Йигитлар унинг на дўқ-пўписасига, на ялинишига эътибор беришди. Ими-жимиди акт тузишди.

Феруза онасининг бош-охири йўқ дарду ҳасратини эшитаркан, хаёлига ҳозиргина Саъдулла билан ўзи ўртасида ўтган машмаша келаверди. Гўё ўша икки йигит уларнинг ҳам уйини текширадигандай, Саъдуллани порахўр деб, айблайдигандай туюлаверди... «Демак, шунинг учун боришмаган экан-да».

— Ҳа, мунча бўзариб қолдинг! — деди Муаззам опа жаҳл билан. Энди ойим қамалиб кетади, деб ўйлаясанми?!

Феруза оғринди, лекин сездирмади.

— Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи, ойи. Ким шунақа, деб ўйлаяпти?

Муаззам опа хўмрайди. Кейин билмасдан нордон нарса еб қўйган одамдай афтини буриштириб, ўзича гўлдиради.

— От билан туя опманми... Не-не одамлар бортуяни ютса думи кўринмайди... Шу иккита мишиқи боланинг қўлидан нима келарди. Унақанинг ўнтасини ипга маржон қилиб тизиб қўяман. Аданг бор — нима ғамим бор?!

Муаззам опа бўйин бермасликка тиришган сари Феруза ҳам кўнглимдагини ойим билиб қолмасин, деб ўзини вазмин, хотиржам тутишга ҳаракат қилди.

— Сизга нима зарил эди иту, ойи? — деди Феруза. — Арзимаган нарсалар учун ўзингизни хор қилиб

кимларнингдир олдида ялиниб... Ҳеч тушунмайман сизга...

— Сан нимани тушунардиг. Муаззам опа қизишди. — Фарзанд кўрдинг, лекин ўзинг ҳалиям боласан. Дунёнинг борди-келдисини ўйламайсан. Ўзингга ўхшаган ўжар бир эрни топиб олгансан, гўё икковингдан бошқа ҳалол одам йўқ бу дунёда. Сани тўғрилигингни биров бир тийинга олса экан кошки. Санга ўхшаганларнинг устидан ҳамма кулади-ку. Кўпини кўрганмиз. Замон шундай бўлгандан кейин кўлингдан нима келарди.

Булар оҳори тўкилган гаплар. Феруза учун янгилик эмас — қайта-қайта эшитган. Шунинг учун ҳеч нарса демади. Юз гапир, минг гапир — барибир ўзиникини маъқуллайди. Қолаверса, ҳозир Феруза бу ҳақда тортишиб ўтирадиган ҳолатда эмас. Ҳар қанақа пандни эшитса баттар асаби қўзиб, кайфияти хиралашади.

У ўғлини ухлатиш баҳонасида бошқа хонага ўтди.

Бу хона шинам, жиҳози ўзгача: деразаларига духоба пардалар осилган, юмшоқ диван, креслолар қўйилган, полга гиламлар тўшалган, деворларга, шифтга дид билан гул солинган. Одам ўтирмагани учунми, куюш тарафда бўлса-да, унча иссиқ эмас, ҳавоси тоза, ҳарорати мўътадил эди.

Феруза ўғлини диванга ётқизди-да, ўзи креслога чўқди. Бошини орқага ташлаб кўзини юмди. Бир зум бўлса-да, ҳаммани, ҳамма нарсани унутишга қарор қилди. Лекин... Кошки бунинг иложини топа олса. У кимники камроқ ўйлай деса, ўша кўпроқ эсига тушар, ниманики мутлақо унутай деса, ўша воқеа хаёлидан жилмас эди. Ҳозиргина Саъдулла билан бўлган можарони умуман эсламасликка интилди. Қаёқда, кўз олдида Саъдулланинг қиёфаси, қулоқларидан эса бир-бирига айтган аччиқ-тизиқ гаплар кетмасди.

Унга нима бўлди ўзи? Нега унақа қилди? Саъдуллани нима учун ранжитди? Пул керак бўл қолдимми? Бир вақтлар дадаси билан ойиси қўлига даста-даста пуллар берганида олдига қайтариб отар эди-ку. Энди шу пулларга зорми?..

Йўқ, бундай эмас! У ҳеч қачон пулга ўч бўлмаган, мол-дунё, тақинчоқлар, жимжима кийим-кечаклар уни қизиқтирмаган... Нега унақада бутунги жанжал қўлди? Пулдан чиқди-ку ҳаммаси. Ёки эрингни синамоқчиндиги? Ҳазилмиди? Э, ўлсин, ҳазил ҳам шунақа бўлса...

Ҳозир Саъдулла бечора нима қилиб ўтирибди экан? Ўзи-ку шўрликнинг иши юришмай хуноби ошиб юрибди. Бу ёқда сен ҳам фиринглаб асабига тегиб турсанг... Ахир у ҳам одам, унинг ҳам асаби бор, ор-номуси бор, виждони бор. Нега уни сен, севимли хотини қадрламайсан, унинг туйғуларини оёқ ости қиласан?!

Эҳ, Феруза, Феруза! У сени қанчалар севишини билсайдинг!.. Мен-чи, мен севмайманми? Нега энди севмас эканман. Ахир у мен истаган йигит-ку. Камчиликлари бордир, нима қипти. Кимнинг камчилиги йўқ?

Эҳ, каллаварам, хом сут эмган банд. Қаёқданам ўша пулни кўрдинг. Нега олиб қолдинг? Холматта қайтариб бермадинг? Нега? У билан Саъдулла яжиллашиб қолганини кўрувдинг-ку. Кутилмаган биргина шу қилиғинг билан унинг оёғига болта урганингни биласанми?!

Бир тахлам пул! Сидирға элик сўмлик! Ў, савил-а! Шунчалар қудратлими? Наҳотки уни ҳам йўлдан урди ўша иблис — пул! Наҳотки, у ҳамма нарсадан — эътиқоддан, эрдан, оиладан устун бўлса?!

Феруза креслода ястанганча узоқ ўйлади, лекин мулоҳазалари тумтарақ, беадад эди. Шуурининг аллақайси бўшлиғида ўзи эътиқод қўйган, ҳанузгача ардоқлаб келган ҳақиқат нури порлаб кўрингандай бўлди. Дафъатан мажолсизланди. Аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Йўқ! — овозининг борича қичқириб юборди. — Йўқ! Менга пул ҳам, мол-дунё ҳам сариқ чақа! Кўнглимни тушунадиган бирдан-бир одамимни.. Қандай кўргилик, қандай!

Назарида ҳеч қачон ювиб бўлмайдиган гуноҳи азимга қўл ургандак эди, энди бу айби туфайли оиласи рўзғори бузилади, дунёдаги энг ардоқли кишисидан бир умрга айрилади. Бунга ўзи сабабчи, фақат ўзи! Қийинчиликка дош беролмади, ахири ожизлик қилди, ожизлик! У ингранди, қарғанди. Бир пайт ноласидан Улуғбек чўчиб уйғонди ва хархаша қила бошлади. Бора-сола ўғлини кўтариб бағрига босди.

— Менга сен кераксан, болажоним! Сени етим қилишни, отангдан айиришни истамайман. Садқаи сенинг кўз ёшларинг кетсин! Садқаи дадангнинг ранжишлари кетсин!.. Мен аҳмоқ нима қилиб қўйдим, болажон! Қайси шайтон йўлдан урди мени? Кечир, болажоним, кечир! У ўғлининг юз-кўзига термилиб

Саъдуллани кўргандай бўлди. — Мени кечиринг, да-
дажониси. Кўнглингизга озор бергунча ҳар нарса бўлай!
Кечиринг!..

Феруза ҳўнграб юборди. Овозини онаси эшитиб
қолмаслиги учун ўглининг кўкрагига юзини бекитган-
ча тўйиб-тўйиб йиғлади, йиғлади...

* * *

Олим Акбарович қизига дастлабки кунлар унчалик
эътибор бермади, онасидан хабар олгани келгандир-
да, деб қўя қолди. Аммо орадан икки кун, уч кун
ўтяпти ҳамки, Феруза кетай демайди; унинг устига
ранг-рўйи ҳам бир аҳволда. Илгарилари келганида
икки-уч соат ўтириб, кетаманга тушиб қолар эди.

Бу ҳол, табиийки, Олим Акбаровични таажжубга
солди. Тўртинчи кунга ўтганда шубҳасини хотинига
айтди. Аллақандай гумонлар Муаззам опанинг ҳам мия-
сида чарх урар, бироқ буларни эрига айтолмай доғда
эди. Олим Акбарович ўзи гап очгандан сўнг Муаззам
опа ҳам ёрилди:

— Ман ҳам ҳайронман, адаси, сўрасам, ҳеч нарса
демайди. Ишларингиз бир ёқли бўлгунча ёнингизда
турай, куёвингиз қишлоғига кетган, дейди.

Олим Акбаровичнинг қизи билан куёвидан бир
қадар кўнгли совиган бўлса ҳам, барибир ташвишлан-
ди. «Бир гап бор бу ерда. Бекордан-бекорга иккови
икки томонга кетмаган..»

— Ҳай, майли, — деди Олим Акбарович вазмин
оҳангда, — ундай бўлса тузук. Лекин ҳар ҳолда қизинг-
нинг кўнглига яна бир қўл солиб кўр. Негадир шу
гапга менинг унча ишонгим келмаяпти... Эртага менам
факультетдан бир суриштириб кўраман...

Муаззам опа Ферузанинг кўнглига бир эмас, бир
неча марта қўл солиб кўрди, аммо ниятига етолмади.
Хўш, Феруза, нима дейди? Саъдулла билан ўртасида
кечган гапни ойсига ёки дадасига қандай айтади?
Йўқ, йўқ! У айтмайди, айтолмайди!

Бу кунларнинг ҳар соати Феруза учун ойдай узун,
қаҳратон қиш кунлари каби рутубатли. Майли, ундан
баттар бўлсин, лекин ҳеч кимга кўнглини очмайди.
Аммо қачонгача? Ахир барибир, пайти етганда сир
очилади-ку!

У бўш қолди дегунча ўзи билан ўзи фикран олиша-

ди, тортишади, ўзини ўзи инкор қилади, маъқуллайди, айблайди. «Бечора Саъдулла, не азобларда юрибди экан?.. Эртага кетаман! Ундан узр сўрайман...»

Ҳар тун шу фикр хаёлини банд этади, тонг отганда иккиланиб қолади. «Ўзи келсин... Лоақал телефон қилсин, кейин бораман...»

— Манга қара, Феруза, — деди бир куни Муаззам опа — ростини айт, тинчликми ўзи? Келганингга ҳам бир ҳафтадан ошди, олдинлари келмасингдан кетаман, деб турардинг...

— Малол келяпманми? — деди Феруза ўзига бегона товушда тўнғилаб. — Кўп ташвиш чекаверманг, кетаман ҳалиям. Манавинақа гаплар чиқиб қолгани учунгина ёнингизда турай девдим-да.

— Мани тўғри тушун, қизим. Сани келганинг малол келмайди, фақат хавотир оляпман, холос. Айтмоқчи, эринг ишидан бўшапти...

Феруза ял этиб ойисига қаради.

— Кимдан эшитдингиз?

— Адангдан. Аданг декан биланми, кафедра мудири биланми гаплашипти, шу ердами, деб суриштирипти...

Феруза индамай ўрнидан турди-да, беҳолик билан ичкарига йўналди. Миясини турли саволлар — аёвсиз ўярди: «Нега кетди ишдан? Сабаби нима экан? Кимнинг қўли бор бу ерда? Наҳотки, адам... Наҳотки, шу даражага борсалар... Ёки ҳамма нарсадан воз кечдимиз? Ахир у бу қадар иродасиз эмас эди-ку...»

Ўйлайвериб бошига оғриқ кирди, чакка томирлари зирқираб кетди. Бутун куч-қуввати, иродасини тўплаб ўзини қўлга олди. Қош қорайиб қолганига қарамай, нарсаларини сумкасига жойлади-да, Улуғбекни кўтариб йўлга тушди. Ойисининг энди кеч бўлди, эрталаб борарсан, деган таваллосини эшитишни ҳам хоҳламади.

* * *

Саъдулла ота-онаси ва қариндош-уруғлари билан паришонҳол хайрлашиб Тошкентга қайтар экан хотини ва ўғилчасини жуда соғинганини, уларсиз яшай олмаслигини ҳис қилди. Бўлиб ўтган жанжални ўйлаб юраги сиқилди. Нега бундай бўлди? Феруза билан айтишиб қолганимизга ҳеч ақлим етмайди. Ҳар доим майда-чуйдаларни четлаб ўтишга одатланган Феруза нега энди бирдангина бунақа қилди? Эҳтимол, унинг

куюнишида ҳам жон бордир. Рост-да, қачонгача танга санаб, ўн тийинни ҳам ҳисоб-китоб қилиб юрамиз. У ҳам бошқа аёлларга ўхшаб кийингиси, ўйнаб-кулгиси келади. Қолаверса, яхши еб, яхши кийинишни тусайди, шунга ўрганган. Мен билан турмуш қуриб нима кўрди? Истаган нарсасини еб-ичиб, хоҳлаган кийимини кийиб юриш у ёқда турсин, эркин, бемалол яшай олмаяпти-ку. Анов эзма кампирнинг қош-қовоғига қараб чарчаб кетди бечора. Хўш, айби, гуноҳи нима? Мени яхши кўрганими? Оила кам-кўстини бутлаш эркакнинг иши-да. Оғир-енгилни бўйвинингга олиб уйландингми бу ёғини эпла! Рўзгор тебратиш қўлингдан келмас экан, уйланмагин эди. Кўрпанга қараб оёқ узат! Ҳалиям Феруза шунча чидади. Бошқа қиз бўлгандами — бир ой ҳам турмасди...

Ҳаммаси тўғри, лекин сабр қилиш керакми ёки сал нарсага... Ким тўқисликка бирдан эришибдики, булар эришади? Аста-секин бўлади-да. Қолаверса, нега энди нопок йўл қидириш керак? Ҳаром пулга рўзгор боқадими, яъни ўғлини нонга, сутга тўйдирадими? Ўша ҳисобдан меҳмон олдига ош-нон қўядими? Йўқ, ҳаром-харишга берилгандан кўра оч ва юпун яшагани минг марта афзал!

Феруза ҳам шу фикрда эди-ку. Нега энди у айниб қолди? Сабр-тоқати етмадими? Наҳотки? Йўқ, Саъдуланинг ишонгиси келмайди — Феруза бу қадар енгил эмас, бу одат унга бегона...

Самолёт Тошкентга етиб келганини деярли сезмади. Миясини турфа хаёллар тинимсиз пармаларди. Гоҳ бу фикри тўғридай туюлар, гоҳ унисини маъқул кўрарди.

Кўча бошида таксидан тушди. Уйга қандай кириб боришни ўйлади. Юраги зирқиради. Ҳеч ким йўқ — ҳувуллаб ётгандир. Ҳойнаҳой кампир ҳам келмаган. Бир жиҳатдан шуниси маъқул. Шундоқ ҳам юраги сиқилиб турганда олди-қочди гаплари билан баттар асабини бузади. Қани энди ўша можаро бирдан тушга айлансаю ҳозир дарвозани очиши билан Феруза кутиб олса, ўғли унга қараб талпиниб турса. Йўқ, афсуски, унақа эмас — бари ўнгида юз берган. Ҳозир Феруза қаерда, нима қиляпти экан?

Хаёл сурганча бир-бир босиб бораркан, кимдир жаранглаган товуш билан отини айтиб чақирди. Чўчиб тушди. Илкис қаради:

— Чори!..

Ҳозир шу ҳолатда шу ерда Чорини учратиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Бир-бирлари билаан узоқ кўришмаган ака-укалардек ўпка-гина, ҳазил-мутуйиба қила-қила, чексиз қувонч аралаш қайта-қайта кучоқлашдилар.

Университетни битиргандан сўнг Чори Сурхондарё сари қанот қоққан, қайсидир районда муқим ўрнашган, на иложки, аввал хат билан алоқа боғлаб туришди, кейин эса... Негадир буни ҳам худо кўп кўрди.

— Юрибмиз сояи давлатингизда, — деди Чори. — Шаҳрингизга бир кеп қолувдик. Ўзларини зиёрат қилайлик, деб изласак йўқлар. Дарвоза берк. Бошқа жойга кўчиб кетган бўсаларинг керак, деб ўйладим.

— Э, қаёқда дейсиз, Чори. Ҳалиям шу аҳвол. Мен қишлоққа кетувдим. Феруза онасиникида бўлиши керак.

• — Қишлоқлар тинчлик эканми? Ота-энангиз яхши юришиптими?

— Раҳмат.

— Қани эса кетдик, — деди Чори гапни кесиб. — Бирон жойга бориб пича отамлашамиз. Барибир уйда ҳеч ким йўқ, ёлғиз экансиз. Феруза келгунча зерикиб ўтирасизми?

Саъдулла эътироз билдиrolмади. Бормай деса ўзи жўраси суҳбатини истаяпти, уйга таклиф қилай деса, аҳвол бунақа. Кўнди.

Саъдулла нарсаларини уйга ташлаб чиқди.

Чори такси тўхтатди-да «Зарафшон» ресторанига ҳайдашни буюрди. Дарҳол ўзини орқа эшикка урди. Изидан Саъдулла кирди. Қурғур Чори дадил, дангал. Бундай феъл унда илгари ҳам бор эди. Энди яна ҳам бўртибди.

Ресторанда узоқ ўтиришди. Э-ҳе, нималар хусусида гаплашишмади. Студентлик хангомалари ҳам эсланди, пахтадаги саргузаштлар ҳам қолмади. Гурунги айлана-айлана Саъдулларнинг тўйига тақалди. Тўй шу ерда ўтганини Чори ҳавас билан эслади.

— Хўш, Феруза қалай? — деди Чори. — Қайнота-қайнонангиз тузукми? Ҳалиям замминистрми?

Ароқнинг таъсирими ёки Чорининг бу саволлариданми, Саъдулларнинг кўнгли сирқираб кетди. Кўз оладида Феруза жонланди, унинг «Қачонгача танга санаб юрамиз?» деган таънаси қулоқлари остида жарангла-

ди. Чуқур хўрсинди. Маънос тортди. Ҳушёрликни қўлдан бермайдиган Чори ниманидир сезди. Аммо индамади, нима гап, деб сўрамади. Асли бунга ҳожат йўқ эди. Саъдулланинг кўнгли тўлиб, тошай деб тургандики, ҳеч қанақа турткисиз дардларини тўкиб солишга тайёр эди. Шундай қилди: босиб-босиб сигарет тортаркан, омади юришмай қолганини — Феруза билан сану манга боргани, факультетга сиғишмаётганини оқизмай-томизмай сўзлади. Борай деса ери йўқ, ётай деса гўри йўқ бир ғарибман, деди хўрсиниб.

— Э, кўйсангиз-чи, — деди Чори унинг кўнглини кўтариш ниятида ўзини хушчақчақ тутиб, — студентликдаги инжиқлигингиз ҳалиям қолмапти-да. Қайси оилада фиди-биди бўлмайди? Шунгайм ота гўри қозихонами?

— Бу майда-чуйда эмас-да, Чори. Келиб-келиб Ферузадан шу гапни эшитсам...

Чори уни қайирди:

— Э, Саъдулла, одам деган сал феълини кенгроқ қилиш керак. Ҳаммаси чепуха, ўтади-кетади. Феруза унақа қизлардан эмас, тушгунади. Бир хаёл билан айтган-қўйган-да. Ҳар на қилсаям аёл, у-буга кўнгли кетади. Сизу биз, тугул, не-не корчалонларнинг уйдаям ўтади бунақа машашалар. Парво қилманг, Феруза тушгунади. Ана, мени айтди дейсиз, келади ўзи. Пушаймон қилиб юргандир. Мен ишонаман, Феруза келади, сиздан узр сўрайди... Одам сал ўзини қўлга олиши керак. Хаёл суриб, дарвешлик қилиб юраверган билан иш битмайди. Чори шишанинг тагида қолган ароқни қадаҳларга қуйди. Қани, олинг жўра, саломатлик бўлсин, оилангизга тинчлик-тотувлик, қут-барака тилайман. Ишларингизга омад берсин. — Ичишди. — Хоҳласангиз ҳозир чиқиб ўзим Ферузага кўнғироқ қиламан. Дарвор уйга етиб келинг, дейман.

— Кўйсангиз-чи, — деди Саъдулла.

Улар ресторандан чиқишганда соат ўндан ошган эди. Саъдулла шунча қистамасин Чори уларникига бормади. «Эрталаб аэропортга чиқаман. Меҳмонхонага борай, нарсаларимни тайёрлаб қўймасам улгуролмай қоламан. Иш кўп, жўра. Республика прокуратурасига бир зарур иш билан келувдим. Сизни кўрмай кетсам гуноҳга ботардим. Ўзингиз боринг Сурхондарёга», деб хайрлашди...

Саъдулла қоронғи тор кўчадан уйга судралиб бор-

моқда. Ҳйида: Феруза! Наҳотки у энди қайтиб келма-са? Ёки Чори айтганидай тушунармикин?.. Эҳ, Феруза, Феруза...!

Дарвозага шошилмай яқинлашди. Қараса, ҳовлида чироқ ёниқ. «Кампир шу ерда экан-да...» Ичкарига кирди. Кампир турадиган уйнинг эшиги дарвоза рўпасида. Саъдулла ҳовлига қадам босиши билан ўша эшикка кўз ташлади: ёпиқ: «Ие, кампирни нима жин урди, эшигини ёпиб ўтирипти», у ҳали бирон марта кампирнинг эшигини бекитиб қўйганини кўрмаган эди. Қиш кунлари ноилож ёпар, ўшанда ҳам сал кун йил-тилласа дарров эшигини очиб юборарди. «Юрагим сиқилиб кетди, отам. Ёруғ жаҳонни кўриб турай», дерди.

Индамай ўз кулбалари томонга йўналди. Не саодату на қувонч бу — эшик очик. Юраги шувиллаб кетди: Феруза келдими? Остонадан ичкарига бир қадам қўйи-ши билан дунёдаги энг азиз, энг суюмли кишисига дуч келди.

Феруза!..

У гангиб қолди: тушими ёки ўнги?

Соғинч, беҳудуд соғинч аксланган, интизорлик, тотли интизорлик билан тўлган нигоҳлар тўқнашди. Худди лаҳза кутган, орзу қилган интиқ, маъсум нигоҳлар.

Бир маҳал ўзига келса Феруза оғушида. Ким аввал отди ўзини — Ферузами, Саъдуллами — иккови ҳам билмайди.

Феруза йиғлаб юборди. Саъдулланинг ҳам ўпкаси тўлиб кетди. Ҳеч қачон — энг ташвишли кунларда ҳам бу қадар хўрлиги келмаган эди. Томоғига нимадир тиқилди, ожизлигини билдирмаслик учун уни тағин ўпа кетди, ўпди, ўпди. Қайноқ бўсалар Ферузани алла-қачон сархуш қилиб қўйган, у Саъдулладан келаётган ароқ ҳидига ҳам зътибор бермас эди. Суюклиги оғушида ўзи сезмаган ҳолда нозланар эди.

XV

Кафедра мудирини мужмаллик билан масалани ҳали-гидай кўндаланг қўйгандан сўнг Саъдулла ўқитувчилик билан хайрлашган, домласи аралашуви билангина аспирантурада базўр қолган эди.

Ўшанга ҳам ярим йилдан ошди. Аспирантура муд-дати тугаяпти. Демак, тезроқ ёқлаши керак. Бироқ илмий иши ҳали на муҳокама қилинган, на таржима.

Шу вақт давомида кафедра мудири олдига бирон марта ҳам бормади. Нима дейишини ўзи билади. Ишдан ҳайдаган, иложини топса аспирантурадан ҳам қувишни мўлжаллаган одам энди унинг диссертациясини муҳокама қилармиди. Муҳокамага қўйган тақдирда ҳам оқибати маълум-ку.

Домласининг маслаҳати билан индамай ишини қилиб юраверди. «Думни бунақа қилпиллатишлар вақтинча, ўғлим, — деди бир куни домласи. — Кафедра мудири ҳам, бошқалар ҳам ҳадеб қариллагани билан узоққа боришолмайди. Ҳамма нарсанинг охири бор. Сенга ўхшаганларга албатта йўл очилади...» «Лекин қачон, домла? — деди Саъдулла. — Ахир унгина бизнинг ўзимиз тамом бўламиз-ку!», «Гапинг тўғри, — деди кекса профессор, — гапинг тўғри, ўғлим. Бироқ шошма-шошарлик кетмайди. Одам ҳар бир ишни ўйлаб, шошилмай бажариши керак. Токи кейин пушаймонда қолмасин. Кўриб турибсан, ҳамма жойда ўзгарини кетяпти. Адолат, ҳақиқат юзага чиқяпти. Шу тўлқиндан биз ҳам четда қолмасмиз... Шунинг учун майда-чуйдаларга эътибор бермай, илмингни пухта қил, диссертациянгни яна кўр, қайта-қайта таҳрир қил. Кейин русчага таржимасини ўйлаш керак. Лозим бўлса, Москвага олиб бораман, ўша ерда ҳимоя қиласан. Битта-иккитанинг бузғунчилиги билан яхши бир иш йўққа чиқмайди. Бир оз сабр қилайлик-чи, агар натижа кўринмаса ўзим вазирликка бораман. — Сўнг гўё эсига бир нарса тушгандай профессор ўйланиб қолди, шогирдига синчков тикилди. — Менга қара, бир нарсани очиқ-ойдин, яширмай айт. Бу қайнотанг билан ораларинг нега бузилган?» Саъдулла ўйланиб қолди. «Бузилмаган орамиз, домла. У киши билан орамиз нега бузилиш керак? У катта одам — замминистр, мен эса...» Профессор сал жаҳлланди: «Кўп латтачайнарлик қиляма. Биласан, унақа одамларни жиним суймайди. Менга шапшап дегунча шафтоли де. Чайналмасдан бор гапни айт-қўй-да». «Домла, — деди Саъдулла, — мен ҳам ҳеч кимга, хусусан, сизга сира ёлгон гапиролмайман. Ростини, у киши билан орамиз бузуқдигининг сабаби — мен у кишининг йўлига юрмадим, айтганларини қилмадим. Ҳатто хотиним, яъни у кишининг қизи ҳам мен тарафда. У одамнинг айтганларига кўниш учун мен виждонимни, ор-номусимни, йигитлик шаънимни оёқ ости қилишим, сотишим керак эди...» Профессор кулди: «Шун-

дай қилганинга алақачон фан кандидати, эҳтимол доцент ҳам бўлардинг». Саъдулла қизишиб кетди: «Тупурдим мен ундай кандидатликка!» Профессор унинг елкасига қўлини ташлади: «Раҳмат, ўғлим! Сени шогирдликка олиб янглишмаган эканман. Унақа йўллар билан диссертация ёқлаганларнинг кўпини кўрганман. Чўнтагида дипломи бор, калласида эса алиф ҳам йўқ. Фақат чўнтагини ўйлаб «олим» бўладиганлардан ҳазар қиламан. Ундан кўра бошқа иш қилиш керак. Ахир тирикчилик ўтказишнинг йўллари кўп-ку. Мени кечиргин-у, ўғлим, сенинг қайнотанг ҳам ўшанақа «олимлар» тоифасидан. Уни яхши биламан. Талабалигиданоқ мансабга ўч эди. Қандай қилиб кандидат бўлди — ақлим етмайди... — Профессор бир зум жим қолди, кейин секин Саъдулла томонга энгашди:

— Энди бир сирни айтай. Фақат орамизда қолсин. Бўлтимми? Сенинг ишларинг «юришмаётган»ига, кафедрадан кетганинга ким сабабчи, биласанми? Билмайсан! Энди айтай, қайнотанг! Нима учун дейсанми? Эшит. Аввало, мана ўзинг айтдинг, сен билан муносабати яхши эмас экан. Тўғрими? Бундан ташқари ва энг асосийси, сен менинг аспирантимсан. Олим Акбарович докторлик диссертациясини ёқлаганида мен қарши чиқувдим. Чунки, ўғлим, яна мени ичи қора одам экан, деб ўйлама, у диссертация эмасди. Ҳатто кандидатликка ҳам арзимас эди. Мансабдор бўлгани учун ҳамма кўтар-кўтар қилди, оламда ҳали бунчалар катта кашфиёт яратилмаган деб жар солганлар ҳам топилди... Шундан бери менга адовати бор. Бўлмаса, унча-мунча домланинг ҳадди борми Олим Акбарович куёвининг диссертациясини муҳокамадан ўтказмасликка, ҳатто уни ишдан бўшатиб юборишга... — Профессор чуқур хўрсинди. — Ҳа-е, ўғлим, шунақа даҳмазалар... Алжирамоқчи эмасдим, гийбат мендай қарияга ярашмайди. Лекин сени азбаройи яхши кўрганимдан, ҳасратлашгим келди. Майли, хабардор бўлиб қўй, бундан кейин қадамнингни ўйлаб босгин, деган маънода юрагимдагини айтдим, токи алақандай мунофиқ ва ҳудбин одамларнинг оёғи остида эзилиб, хор бўлиб кетмагин».

Профессорнинг гапларини тинглаб экан, Саъдулла қайнотасининг пичингларини эслади. Ҳатто бир марта сал айтишиб қолишганда, Олим Акбарович уялмай-нетмай «Бу гапларни сизга устозингиз, ўша ичи қора профессор ўргатган. Биламан, у доим сизни менга

қайраб солади. Аммо у қари чол чучварани хом санапти. Мен билан олишишга ожизлик қилади. Не-не забардастлар мен билан курашаман, деб бели чиқиб кетган. Шарти кетиб, парти қолган чолга йўл бўлсин», деб керилган эди. Курақда турмайдиган пўписалардан Саъдулланинг ғазаби қайнаб, «Профессорни тинч қўйинг! Қолаверса, мен бузоқ эмасман, ким қаёққа етакласа индамай эргашиб кетаверадиган» деб қатъий жавоб берганди. Қайнотаси билан орасида кечган нохуш баҳсларни шаксиз профессорга айтмаган. Бугунги суҳбатдан сўнг масала Саъдулла учун янада ойдинлашди. Бир ўқинди, бир ғазабланди. Наҳотки, одам шунчалик тубанликка борса?

Саъдулла кафедрадан кетгандан сўнг Феруза ўғлини яслига жойлаштириб, ишга кирди. Ҳарна-да, арғамчига қил қувват. Саъдулла оладиган арзимас пул билан тирикчилик ўтадимми?! Саъдулла ҳам ишга жойлашмоқчи бўлди. Феруза кўнмади. Ҳозирча мен ишлайман, сиз диссертациянгни эзинг, деб гапни кескин қилди.

Бир куни Саъдулла уйга кеч қайтди. Сездики, Ферузанинг таъби хира, қовоқлари солинган.

— Тинчликми? — деди хавотир билан. Нечундир Феруза жавдиради, жавоб қилмади, тўрсайганча деразага ўгирилиб олди. Баттар ташвишга тушган Саъдулла аста елкасидан ушлаб, уни ўзига қаратди ва саволини такрорлади.

— Адамлани ишдан бўшатишилти, — деди ниҳоят Феруза пиқиллаб.

— Шунчаки бўшатишилтими, бошқаси тинчликми ишқилиб?

— Ҳали номаълум эмиш. Текшириш давом этаётганмиш. Кимлардир адамни сотган эмиш. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да...

Саъдулланинг кўнглини аланечук ачиниш ҳисси чулғади, Ферузага тасалли берди.

— Қўйинг, эзилаверманг. Дадангиз ишдан бўшаса ҳеч нарса эмас, энг муҳими, бошқа овора қилишмаса бас. — Тергов дейишга тили бормади. Ферузанинг не қўйга тушишини ўйлади. — Бир бориб келамизми ё?

— Бугун кеч бўлди. Эртага борармиз, — Феруза кўз ёшларини артиб ошхонага чиқиб кетди. — Утиринг, овқатингизни олиб келаман.

Дастурхон устида ҳам, кейин ҳам уларнинг гурунглари қовушмади.

Эрталаб ўрнидан бирмунча ланжланиб турган Саъдулла ўзича аввал алгов-далгов тушларини муҳокама қилди. Сўнг домлага учрашиш кераклигини эслади, нонушта қилиб факультетга жўнаркан, хотинига таъинлади:

— Сиз ишдан кейин Улуғбекни олиб ўтаверинг. Мен ишимни битқазиб тўғри у ёққа бораман.

— Сени кўрганим жуда яхши бўлди, ўғлим, — деди профессор. — Табриклайман!

— Нима билан, домла? — деди Саъдулла бўлашиб.

— Ҳали эшитмадингми? — Профессор уни бир чеккага бошлади. — Янгиликдан орқада қопсан, ўғлим. Кафедра мудирингни ишдан олиб ташлашди-ку.

— Нега?

Таажжуб аралаш берилган савол профессорга ғалати таъсир қилди чоғи, дафъатан унинг қуюқ, оппоқ қошлари уйрилиб, кичкина кўзларини бекитди.

— Емоқнинг қусмоғи бор, деган мақолни эшитганмисан? Демак, уларнинг қусадиган пайти кепти. Билсанми, ким мудир бўлди?

— Йўқ.

— Собиржон, — деди профессор мамнун ҳолда.

Собир Жамиловни Саъдулла яхши танийди. У ҳам шу профессорнинг шогирди. Бир йил олдин докторлик диссертациясини ёқлаган. Осонликча бўлмаганини ўшанда профессордан эшитганди. «Кўрдингми, ўз сўзида, аҳдида қаттиқ турди. Илм дегани — машаққат, ўз қарашларинг ва фикрингни исботлаб ҳимоя қила олмасанг, яхшиси илм йўлига кирмай қўя қол», деганди ўшанда профессор.

Кейинча у Собиржон билан профессорнинг уйда бир неча марта учрашган, суҳбатлашганди.

— Бошқа гапдан хабарингиз йўқми, домла? — деди Саъдулла.

— Нима гап экан, бўтам?

— Олим Акбаровични ишдан олишипти.

Профессор оғир бурилиб қаради:

— Таги жуда бақувват эди-ку.

— Анчадан бери текширишаётган эди..

Профессор одатига кўра Саъдулланинг елкасига кўлини ташлади.

— Хафа бўлма, ўғлим. Ишдан кетган битта сенинг қайнотанг эмас. Замон талаби шундай. Энг муҳими,

сен шуларнинг йўлига юрмагансан. Ўз эътиқодингда собит тургансан. Бундан кейин ҳам шундай қил. Бу гапларни қўй. Ишингни тезлаштир...

— Яхши, домла.

— Хайр, омон бўл! — Профессор шундай деб қўл чўзди.

Саъдулла у билан хайрлашиб, юқори қаватта кўтарилди. Коридордан шахдам қадамлар билан бораётган эди, рўпарасидан Собир Жамиллов чиқиб қолди.

— Салом, Собиржон ака... Табриклайман, ҳозиргина домладан эшитдим.

— Ие, Саъдуллахон, яхшимисиз? Раҳмат. Қаёқларда юрибсиз, ҳеч кўринмайсиз? Қани, бу ёққа юринг-чи.

Саъдулла янги мудир билан бирон соат суҳбатлашди. Хонадан чиққанда кайфияти чоғ, ўзини қушдай енгил ҳис қилар эди. Бир мўъжиза рўй бериб икки елкасига иккита қанот битса-ю, осмону фалакка учиб кетса...

У зиналардан югуриб тушаркан, кейинги икки-уч йил мобайнида ҳозиргидек хурсанд бўлган пайтини эслай олмади.

Кўчага чиқди. Энди қилиш лозим бўлган ишларини хаёлидан ўтказди. Ҳуш-фикри қайнотасининг уйига оғанда яна кўнгли ҳижил тортди. Бормаса бўлмайди, борай деса яна қош-қовоғу, димоқ-финоқ... Ёки энди унақа қилмасмикан? Қаёқда, ўрганиб қолган, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди...

Барибир боради. Лоақал Феруза учун...

Муҳаддиманинг давоми ёки хотима

...Беш-олти зина тушгандан сўнг кутилмаганда рўпараси ёриша бошлади. Саъдулла тўхтади. Атрофга аланглади. Бу нур, бу ёруғ қаердан келяпти?

Ё тавба! Ҳозиргина у юқоридан пастга тушиб келаётган эди. Зинанинг охири кўринмасди. Назарида у ер остига кириб кетганди. Энди эса у пастга тушмайди, юқорига кўтарилиб боради. Ажабланиб орқасига ўтирилди, во ажабо, ҳали ўзи тушиб келган зина тескари туриб қолдимикин? Йўқ, ундай эмас — орқа томонда ҳеч қанақа зина йўқ. Ўша ўзи тушиб келаётган зина уни юқорига бошлаб турибди. Бу не ҳол? Ҳозиргина зимистон эди бу жойлар, энди эса оҳиста ёришиб бормоқда.

Аста-аста одимлади. Яна бир қадам, яна... Юқорига кўтарилиб бораверди. Қадам олишлари ҳам енгил, чарчамайди, хансирамайди...

Энг юқорига чиқди. Қараса, рўпарада — қандайдир эшик. Ҳалиям шуни учратувди. Очмоқ истагида итарганди, ёпиқ экан, очилмовди. У яна қандай қилиб қаршида пайдо бўлди? Энди қаерга боради? Бу эшик ёпиқ! Яна орқага қайтиб пастга тушиб кетадимми?

Ўзига ўзи савол бериб, иккиланиб турганди, рўпарадаги эшик шарақлаб очилди. Кимдир келаётгандир, деб Саъдулла ўзини четга олди. Лекин ҳеч ким кўринмади. Ҳайрон қолди. Бу не ҳол, не синоат? Эшикни ким очди?

Кимнингдир овози янгради: «Юр! Олдинга юр! Нимага қараб турибсан. Эшиклар очилди-ку!»

Чўчиб тушди. Аланг-жалаң қилиб атрофни кузатди. Шарпа сезилмади. Бу кимнинг овози? Профессорникими ёки Собир Жамиловники? Йўқ, Ферузанинг овозига ўхшайди. Қўйсанг-чи, эркак киши садо берди-ку! Ҳа, топдим — отам! Э, тавба, сал бўлмаса қиблагохимнинг овозини танитай қолаёзипман-а! Тағин аста илгарилади. Яқин борса эшик ёпилиб қолишидан қўрқди. Йўқ, ундай бўлмади. Остонадан хатлади. Ие, қаерга келиб қолди? Бир томони факультет ҳовлиси шекилли, бир тарафи кампирнинг торгина жойи-жалолини эслатади, ана у боғлар, токзорлар эса худди қиплогининг манзаралари. Ҳов анави олмаю анорларни қачонлардир отаси билан ўзи экканди.

Қизиқ, энди қаршида бир нечта катта-кичик эшиклар ярқирарди. Очилаверди, очилаверди...

У қулочини кериб, тўйиб-тўйиб нафас олди. Олисдан, жуда олисдан нидо келди:

— Эшиклар очик!!! О-о-чи-қ!

*Дубулта — Тошкент
1986 й.*

КҮККҮЛ

Сочидан қайтганидан сўнг Ботир хаёлчан, камгап бўлиб қолди. Ишхонасидагилар, дўстлари ҳайрон. «Дам олишдан келган одам қувноқ, тетик бўлгучи эди, Ботир тескариси...» Бу гапни унинг ўзига очиқ айтганлар ҳам топилди. Аммо аниқ жавоб ололмадилар.

Кунлар ўтди, ойлар ўтди. Ботирнинг хаёлчанлиги тарқамади. Аста-секин бу ҳолнинг боиси дўстларига бир қадар равшанлашди. Унинг гапларидан аён бўлди. Ботир асосан икки мавзуда сўзлашди: бири — севги, иккинчиси — Озарбайжон. Дўстлари ўзаро тахмин қилишди: «Ҳойнаҳой бу бола дам олишга борганда биронта озарбайжон қизини яхши кўриб қолганга ўхшайди».

Бир куни Ботир Бокудан хат олди. Бундан хабар топган ҳамкасблари бояги гумоннинг тўғрилигига иймон келтиришди. Қитмироқлари «Ҳа, Ботирвой, на-сиб этса, Бокуга тўйга борар эканмиз-да», деб учирма ҳам қилишди. Ботир бу гапларга эътибор бермади. Унинг хаёли чўнтагидаги хатда: «Нима деб ёзди экан? Гулгинанинг ўзи ёздимикан ёки отасими? Кечикиб кетганидан энди жавоб келмаса керак, деб ўйловдим. Барибир ёзипти-да...» Хатни очиб ўқий деса, ҳамхонаси шилқим, эзма бир одам. Кўрингандан суюнчи олиб юради. Аксига олиб хонадан чиқмай ўтиришини қаранглар.

Ботирнинг юраги сиқилиб кетди. Чекиш баҳонасида ташқарига чиқди. Холироқ бир жойга ўтди-да, апилтапил конвертни очди, чиройли ҳуснихатда битилган хатни ютоқиб ўқий бошлади. «Ботир муаллим, салом! Мактубингизни олдим. Ташаккур. Аҳволингиз нечук? Дашқанда не хушхабарлар вар?

Манимда, атаминда тани сағ, ҳамиси яхши.

Сиз ила кечан гунларни, суҳбатларни эслаяжакмиз. Сизи шеър ўқушингиз маним ҳушима галур.

Бакийа галин. Биза қўноқ ўлин. Жалил муаллим сиза чўх саломлар декор.

Сиза сиҳатлик, хуш кайфият тилаюрам. Соғ
ўлин!

Гулгина».

Хатни ўқиб, Ботирнинг бутун вужуди жимирлаб кетди. Кўз олдига Гулгина гавдаланди. Унинг товуши қулоқлари остида жаранглагандай туюлди. Чуқур хўрсиқди, айни чоғда ички бир қониқиш, нимадандир суюниш ҳиссини туйди.

Шу куни ишдан кейин тўғри шаҳарлараро телефон тармоғига йўл олди. Гулгинанинг мактубига жавоб ёзишга сабри чидамай, у билан гаплашгиси келди, унинг овозини эшитишни жуда-жуда истади.

Навбатчи бир соатлар кутасиз, деди. Рози бўлди. Зотан, ҳозир у эрталабгача кутишга ҳам тайёр. Фақат Боқуни улаб берса, симлар орқали бўлса-да, Гулгинанинг ёқимли овозини, ширали тилини эшитса бас. Бундан муҳим, бундан лаззатли, бундан ёқимли нима иши бор ҳозир!

Ташқарига чиқиб сигарет тутатди. Чўнтагидан хатни олиб яна кўз югуртирди: «Сизи шеър ўқушингиз маним ҳушима галур». Бу сатрлар Ботирнинг кўзига нур, дилига роҳат, томирларига қон каби йўрғаларди.

Кимнингдир озарбайжонча гапиргани қулоғига чалинди. Ялт этиб атрофига қаради. Чиройли бир қиз ёнидаги йигитга нима ҳақдадир куйиб-пишиб сўзларди. Унинг овози Гулгинанинг товушига ўхшарканми, ёки бу ерда, кутилмаганда озарбайжонча суҳбат эшитганиданми — Ботирнинг юраги ҳапқириб кетди.

Шу маҳал кутиш залида навбатчининг «Баку седьмая кабина. Баку седьмая кабина» деган овози эшитилди. Ботир югуриб еттинчи кабинага кирди.

Бири кам дунё деганлари шу-да. Гулгина уйда йўқ экан. Жалил Жамолзода билан гаплашди...

Барибир Ботирнинг кўнгли ёруғ эди. У минг андиша билан хат ёзганди Гулгинага. Ҳадеганда жавоб келавермагач, бир оз хижолат, ҳатто пушаймон ҳам бўлган эди. Бугун эса Гулгинанинг мактуби унинг қўлида. Мана, ҳозиргина Гулгинанинг отаси билан сўзлашди. Гапларидан билиниб турипти — хат ёзганидан, кўнғироқ қилганидан у ҳам хурсанд.

Демак, энди бемалол мактуб битавериши, имкони топилганда телефон қилиши мумкин.

Шундай бўлди. У хатлар ёзди. Гулгинадан жавоблар

олди. Бокудан мактуб олган куни — Ботир учун байрам. Телефонда эса Гулгина билан икки мартагина гаплаша олди, холос. Унда ҳам қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишдан, бир-бирини Тошкентга ва Бокуга таклиф этишдан нарига ўтолмадилар. Ботир кўнглида бир дунё гаплар билан киради телефон кабинасига. Гулгинанинг юракни сариеғдай эритиб юборувчи сўзларини эшитгач, бутун гаплари эсидан чиқиб кетади, довдираб қолади...

Бир йил ана шундай ўтди.

У энди сабрсизлик билан таътилани кутди. Бугуноқ таътилга чиқса-ю, қанот боғлаб Бокуга учса...

* * *

«Тошкент-Боку» самолёти тонг ёришганда ердан кўтарилди. Иллюминатордан ташқарига қараб ўтирган Ботир ўйга толган. Нигоҳи Тошкентнинг осмонўпар биноларига, бир-бирини қувиб кетаётган машиналарга, янги маҳаллаларда қўзиқориндек потраб ётган бетон уйларга тушса-да, хаёл кўзлари Каспий соҳилида ястаниб ётган Бокуни, унинг сершовқин кўчаларини кўрар, рассом Жалил Жамолзода ва унинг қизи билан бўлажак учрашувини тасаввур этар эди.

Жалил Жамолзода билан бир йил олдин Сочида, дам олиш уйида танишган. Аслида уларнинг танишуви-га Жамолзоданинг қизи сабабчи бўлган эди.

Ботир бунақа жойларга биринчи келиши. Нонушта қилади-ю денгизга чопади. Чўмилиб чиқиб, қумлоқда китоб ўқиб ётади. Аммо ҳар куни бир хил машғулот, гарчи у жуда завқли бўлса-да, одамни зериктиради. Аста-секин Ботирнинг ичи қизиди. Ўтган-кетгандан гурунглашай деса, бирон-бир киши билан яқинроқ танишгани йўқ. Кўпчиликнинг шериги бор. Ботирга ўхшаб ёлғиз юрганлар кам.

Бир куни тушликка бир оз кечикиб келди. Ошхона эшигининг дастасига шундай қўлини узатиши билан эшик ичкаридан очилди-да, рўпарасида бир қиз пайдо бўлди. Шошиб келаётган Ботир бу соҳибжамолни кўриб тахтадай қотиб қолди. Унинг чаросдай қоп-қора кўзларини найза каби киприклари қўриқлаб турарди. Елкасини қоплаган сиёҳ сочлари шундай ярашган, шундай ярашган... Бу қадар гўзал, бу қадар ярашиқли сочини Ботир ҳали кўрмаган эди. Қиз унинг олдидан оху син-

гари сассиз-садосиз ўтаркан, нимадир деди. Ботир азбаройи гангиб қолганидан унинг сўзини англаёлмади — салом бердим, бошқа бир сўз дедим — биллмади. Бир қўли билан эшик тутқичини ушлаганча, унинг ортидан термилиб қолди. Устидаги жинси кўйлаги қомадини самбитдай тутиб турар, Ботирга йўлақдан одам боласи эмас, ҳовлидаги сарвлардан бири оҳиста юриб кетаётгандай туюлди...

Стюардессанинг товуши унинг хаёлини бўлди: «Хурматли йўловчилар! Бизнинг самолётимиз Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон территориялари, Орол ва Каспий денгизи устидан ўтади-да, Боку аэропортига кўнади».

Ботирнинг чап ёнида ўтирган семиз киши унга гап котади:

— Олдин ҳам борганмисиз Бокуга, ука?

— Ҳа, бўлганман, — гапни қисқа қилди Ботир. Бироқ семиз кишининг саволи тугамади.

— Менинг биринчи боришим, у ерда меҳмонхона масаласи қандай экан, билмайсизми?

— Билмадим, — деди Ботир, — ҳамма жойга ўхшагандир-да.

Ботирнинг кесиб-кесиб гапиргани ёқмадими ёки саволи тугадими, семиз киши жим бўлди. Ўриндиққа ястаниб ётиб олди. Ҳаш-паш дегунча унинг хурраги эшитилди. «Роса беғам одам экан-да. Гапириб туриб ухлаб қолди-я...» Ботирнинг одати самолётда, автобусда — қанча юришидан қатъи назар — ухлаёлмайди.

«Эҳтимол, маълум даражада шунақаси ҳам тузукдир. Ҳамма нарсадан беҳабар ётаверади.» Бу фикр унинг хаёлидан ўтишга ўтди-ю, аммо ўзи ҳеч қачон унга амал қилолмаслигини, ҳатто бу қадар беғамлик одам боласига ярашмаслигини ич-ичидан тўйди. Зотан, унинг энг ёмон кўргани лоқайдлик. Ўғрини, муттаҳамни кечириш мумкин, аммо лоқайд одамни кечириб бўлмайди, деб ҳисобларди. Чунки ўғрининг каззобнинг нияти маълум, киши ўзини шунга тайёрлаб юради, лекин лоқайд одамнинг мақсади ноаниқ, тушунарсиз...

Ўша учрашувдан кейин Ботир ҳаловатини йўқотди. Овқат маҳали ҳам, қирғоқда ҳам ҳалиги қизни қидиради. Аммо қадеганда уни учратавермади.

Кечки овқатдан сўнг ҳовлидаги ўриндиқда дам олиб ўтирганди, ўша соҳибжамол ўтиб қолди. Унинг ёнида ёши эликни қоралаган, қалин сочлари ўсиб кетган,

қирғий бурун, қарашлари ҳам бургут кўзларидай ўткир бир киши бор. Ботир бўшашиб кетди, негадир юраги гупиллаб урди, гарчи бу қизнинг лоақал исмини ҳам билмаса-да, ёнида эркак киши юргани нечундир унинг вашини келтирди. Ўзининг бу қилигидан ўзи ҳам ҳайратга тушди. «Хўш, менга нима? Ахир уни танимасам, билмасам, нега энди жаҳлим чиқади? Қизик-ку...»

Ботирнинг фикри охирига етмасданок, бояги киши унинг ажабланиб қараб турганини сездими, ёнига келиб қўл узатди:

— Салом, сиз Ўзбекистондансиз?

Унинг гапиришидан сездики, озарбайжон экан.

— Ҳа, — деди Ботир, — сиз-чи, Озарбайжонданми?

— Бали, — у Ботирнинг ёнидан жой олди, нариги томонига ўша соҳибжамол ўтирди. — Маним отим Жалил Жамолзода, рассомман. Сизи отингиз нади?

— Ботир... журналист.

Жамолзода қалин сочларини бармоқлари билан орқага силтаб ташлади-да, кулди. Кулганда унинг кўзлари янада яшнаб, суҳбатдошини таъқиб этувчи бир тус олар экан. Бундай кўзларга тик қараш амримаҳол.

— Журналист? Чўх яхши, чўх гўзал. Маним журналистлара ҳурматим балеңддир... Бу маним гизим — Гулгина, Гулгинахоним.

Қиз Ботирга қараб кулди. Унинг кулишлари ҳам гўзал эди... Эътибор берганмисиз, баъзи чиройли қизларнинг кулиши негадир хунук бўлади, ўзига ярашмайди. Бу гўзални «қизим», деб таништирганидан Ботирнинг кўнгли бир оз ёришди, ҳали уларни кўрган маҳали дилининг бир четига ёпишган хиралик пардаси кўтарилгандай туюлди.

— Танишганимдан хурсандман, — деди Ботир. — Мен сизни сиртдан танийман. Асарларингизни билман. Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари ўтказилганда очилган кўргазмада бор эди. Ундан кейин бултур Бокуга борганимда ҳам Марказий кўргазмалар залида кўриб эдим.

— Ташаккур, ташаккур...

Суҳбатга Гулгина қўшилди.

— Атамы ҳанси¹ асарлари ёдингизда?

Ботир бир лаҳза довдираб қолди. Йўқ, у кўрмаган асарларини кўрдим, деб ёлғон гапиргани йўқ. Каловла-

¹ Ҳ а н с и — қайси (озар.)

ниб қолишининг боиси бу эмас. Чиндан ҳам Жалил Жамолзода деган рассомни билади. Фақат кўрғазмада эмас, «Искусство» журналида ҳам бу рассомнинг ишларидан намуналар эълон қилинган эди. Унга маъқул тушган картиналари ҳам ёдида. Ҳозир қизнинг гапидан сўзини йўқотиб қўйди. Зеро, қизнинг сўзлари шу қадар майин, шу қадар эркаловчи оҳангда эдики, ҳар қандай эшитувчини сеҳрлаб қўйиши тайин.

Жамолзода қизига танбеҳ берган каби:

— Кишини хижолатга қўймоқ на лозим. Балки номи эсида йўқдир, — деди.

Ботир ўзини қўлга олди:

— Йўқ, Жалил муаллим, ундай деманг. Эсимда, менга кўпроқ тарихий мавзудаги асарларингиз ёққан. Хусусан, Бобак ҳақидаги картинангиз кўз олдимда турибди.

Рассомнинг юзлари ёришиб, лабларига табассум югурди.

— Ташаккур сизга, кўп ташаккур. — Кейин қизига деди: — Кўрдингми, азизим, бу ўрмон ҳаммасини билар экан. Ҳолбуки, ўзимизда кўпчилик билмайди ёки билса ҳам назарга илмайди.

— Отамни асосий асарларини кўрган экансиз. Лекин яна бир машҳур картинаси бор: «Кўкқўл». Кўрмаганмисиз?

Ботир ўйга толди. Йўқ, бундай асарни кўрмаган ёхуд хотирасидан кўтарилган.

— Сиз буни гапларига эътибор берманг, — деди Жамолзода. — У картина ҳали кўрғазмаларга қўйилмаган...

... — Сув ичасизми, ука?

Семиз кишининг саволидан хаёли бўлинди. Стюардесса сув таклиф қилиб турарди. Елим стаканчалардан бирини олди.

— Жуда хаёл суриб кетяпсиз, ука, — деди семиз киши. — Тинчликми ўзи?

— Самолётда бошқа нияям қилиш мумкин. Хаёл сурасиз, булутларни томоша қиласиз. Шу-да.

— Бокуга олдин ҳам борган бўлсангиз биларсиз, у ернинг ҳавоси қандай экан?

— Иссиқ-да, — деди Ботир. — Июнь ойи ҳамма жойдаям иссиқ келади-ку. Ҳавоси дим. Терлаб кетаварсиз. Намлик баланд. Ҳаммомнинг бугхонасига киргандай гап.

— Оббо, унда роса маза қиларканмиз-да.

Самолётнинг салқин салоида терлаб-пишиб ўтирган бу одамнинг Бокута борганда қандай аҳволга тушибини Ботир тасаввур қилиб кўрди. Бир лаҳзада бутун кийим-боши жиққа хўл бўлиб қолса керак.

— Ундай эса таътилда бу ёққа келиб нима қиласиз? Сочигами, Ялтагами бормайсизми? Маза қилиб дам олиб, чўмилиб келасиз. Жононлар тиқилиб ётипти.

«Туя ҳаммомни ҳавас қилган экан. Қоринни базўр кўтаради-ю, яна жононлардан гапирди».

Ботирнинг шўхлиги тутди. «Қани бир гапга солиб кўрай-чи, бу одам ким, нима иш билан кетяпти. Бокута?»

— Хизмат сафари билан кетяпсизми? — деди.

У киши оғзини очмасдан кулди. Кулганда унинг япалоқ юзлари кенгайиб, оғзи бир тилими олинган ковундай бўлиб қулоқларигача чўзилаб бораркан.

— Ундан ҳам муҳимроқ иш билан кетяпман. Тўй ташвиши...

— Ўхў, зўр-ку, — деди Ботир кулиб. — Ўғил уйлантирмоқчимисиз?

— Ҳа, шундай. — Семиз киши ўғлидан бир оз ранжиган оҳангда гапирди. — Ўзимизда қиз қуриб қолгандай Озарбайжондан уйланимоқчи.

Бу гап Ботирни ўйлантириб қўйди. «Бир куни келиб менинг отам ҳам кимгадир шундай нолирмикан? Умуман, шундай бўлармикан?»

Ҳали ҳеч нарсанинг дарағи йўғу ўзича ширин хаёл сураётганидан Ботирнинг кулгиси келди. Аммо шундай бўлишини жуда истади. Бу истак кўз ўнгида яна Гулгани намоён этди. «У нима деркин? Балки турмушга чиқиб кетгандир. Беҳуда хаёл суриб юргандирсан эҳтимол... Гулгина...»

Ботир ширин бир туйғу ила хўрсинди...

— Ўғлингиз нима иш қилади? Озарбайжон қизи билан қандай танишипти?

— Ирригация институтини битиряпти. Спортчи. Қанақадир мусобақа деб, Бокута келувди. Шу ерда танишиб қопти. Уям спортчи эмиш. Йўқ десам, кўнмади. — Ў ўтирган жойида бир қўзғалиб олди. — Ҳозирги ёшларга бир гапни тушунтириш ҳам азоб. Хўп, ука, анча бамаъни йигитга ўхшайсиз, айтинг-чи, узоқдан уйланиш осонми? Қанча харажат. Ундан кейин келин-

ни олиб келган билан иш битмайдику. Қуда-андачилик, борди-келди, дегандай.

Ботир шеригининг кўнглини кўтарди:

— Ҳаммаям Озарбайжондан келин олавермайдику...

... Ботир иллюминатор томонга ўтирилиб яна хаёлга толди.

Аста-секин Жамолзода билан яқинлашиб кетди. Энди улар тез-тез суҳбатлашиб туради, ҳар оқшом кинога ҳам учови бирга тушади. Дам олиш уйининг ҳовлисида сарвлар, магнолиялар, шамшодлар, пальмалар, самбиттуллар майин шабадада яшил бахмалдай товланиб ётади. Бетон тўшамалар ётқизилган йўллардан узоқ юриб гурунглашадилар. Чўмилишга ҳам бирга бориб, бирга қайтишади. Рассомнинг қизи чўмилайди, қайиқча олиб сузади, холос.

Бир куни қизиқ бўлди.

Жамолзода билан иккови чўмилар, Гулгина қайиқда сузиб юарди. Бирдан тўлқин туриб қолди. Бешикбешик тўлқин унга туянинг ўрқачини эслатди. Тўлқинда гоҳ кўмилиб, гоҳ юзага чиқиб сузаркан, кўзи Гулгинада эди. Унинг қайиғи денгиз сатҳида мисоли хасдек ўйнади. «Қани энди унинг қайиғи ағдарилиб кетсаю, мен уни сувдан қутқариб олсам». Бу фикр Ботирнинг хаёлига қаердан, қандай келди, ўзи ҳам билмай қолди.

Йўқ, тўлқин тинмади, қиз ҳам бўш келмади. Тўлқин кучайган сари у яйрар, ҳаво гимнастикачиси каби қайиғини қум барханларига ўхшаш тўлқинлар узра сакратарди. Бу ҳам етмагандай Ботирга бақирди:

— Буёққа келинг! Қайиққа миндирайми? Қандай роҳат бу!

Нима деган одам бўлдинг энди? Яхшиям фикрингни ўзингдан бошқа биров англамади. Одамзод бир-бирининг хаёлидан кечган фикрларни билмайди. Қандай яхши! Бордию бирининг хаёлини иккинчиси англаб етганда борми, аллақачон одамлар бир-бирини еб адо қилган бўларди...

Ботир ҳар куни зимдан Гулгинани кузата бошлади. Унинг ҳар бир сўзига, имо-ишорасига, ҳаракатларига разм солади. Ана шу кузатиш асносида у бир нарсани сизди. Сиртдан қувноқ, шўх, ҳазилкаш кўринган қизнинг кўзларида, боқишларида қандайдир дард, нимадандир норозилик туйғуси зоҳир эди. Бунинг сирини Ботир тушунолмайди. Сўрашга юраги дов бермайди.

Нима ишинг бор, деб қайириб ташласа-чи. Нима деган одам бўласан?

Шу андиша билан кўнглидан кечган саволини тилига чиқармади.

Лекин андишанинг ҳам, сабр-тоқатнинг ҳам чега-раси, меъёри бор. Одам ўз хоҳиш-истагини ҳар қанча жиловламасин, ахир бир кун жилов узилиб, истак ўз билган йўлидан кетар экан. Ботирда ҳам шундай бўлди.

У тушлиқдан сўнг ўзи ёқтирадиган самбитгул соясидаги ўриндиқда китоб ўқиб ўтирарди. Бетон йўлкада туфлининг тақ-тақ этган товуши эшитилди. Китобдан нигоҳини олиб ўша томонга қаради. Бир-бир босиб Гулгина келарди. У ғоят парижон, нима ҳаққадир чуқур ўйланиб бораётгани юришидан маълум эди. У ҳатто рўпарасидаги Ботирни ҳам сезмади. Илкис салом берсам чўчиб кетмасин деб, Ботир астагина йўталди. Қиз ялт этиб унга қаради.

— Салом, Гулгинахоним.

— Салом... Сиз шу ердасиз?

— Ҳа, бир оз китоб ўқий деб келдим. Денгизда тўлқин, чўмилиб бўлмайди. Хонада ётавериб одам зериқади. Шу ер менга жуда ёқади.

Гулгина унинг ёнига ўтирди.

— Яхши жой экан. Сокин. Мана бу қанақа дарахт? Ҳиди ажойиб экан-а.

— Олиандр, яъни самбитгул. Ҳиди менга ям ёқади. Биласизми, биз томонда оқ ўрик бўлади. Фарқ пишганда шунақа хушбўй ҳид таратади. Самбитгулнинг иси менга ўша ўрикни эслатади.

— Рост айтасиз, — деди Гулгина самбитгулнинг бир шохчасини эгиб ҳидларкан. — Бизда ҳам бор шунақа мева, бизлар арик деймиз.

— Ўзбек тили билан озарбайжон тилининг фарқи кам. Асли ўзаги бир-да. Биласизми, бир вақтлар озарбайжонлар Алишер Навоийни, ўзбеклар Фузулийни таржимасиз ўқишган. Ҳозир ҳам Фузулий ғазаллари бизда машҳур. Фузулий ғазаллари билан айтиладиган қанча қўшиқларимиз бор...

Гулгина Ботирнинг сўзларини бўлиб деди:

*Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.*

*Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.*

*Азизим, дилимга асраб юрибман
Насимий қолдирган собит имонни.*

*Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,
Озар ҳам аярми Фафурдан жонни.*

деган-ку, сизларнинг Абдулла Орипов деган шоирларингиз.

Ботирнинг ҳайрати ошди. «Наҳотки, бу қиз ўзбек шеъриятдан хабардор бўлса? Кўринишидан шеър ўқийдиган қизга ўхшамайди-ку». Фикрини унга айтди.

— Ўқиганман, — деди у кулиб. — Тўғри, жудаям кўп эмас. Ҳар ҳолда ўзбек шоирларининг у-бу нарса-сини ўқиганман.

— Кечирасиз, сўраганнинг айби йўқ, дейдилар, агар сир тутмасангиз касбингиз нима?

Гулгина маънодор кулди.

— Сир эмас. Яқинда пединститутни битирдим, филология факультетини.

— Шунақа денг. Шеъриятга қизиқишингиз бекорга эмас экан-да. Дадангизнинг изидан бормабсиз-да. Ёки она касбини танладингизми?

Қиз индамади. Унинг юзлари жиддийлашди, бирмунча сўлғинлашди. Афтидан Ботирнинг саволлари унга хуш келмади.

— Унисининг ҳам, бунисининг ҳам изидан бормадим, ўз йўлимни топгим келди, ўз изимни қолдиришни истадим. — Унинг сўзлари кескин, ҳазилдан холи эди.

— Тузук, — деди Ботир. Билдики, суҳбатни бу тарзда давом эттириш мумкин эмас. Мавзуни дарҳол ўзгартириш зарур. — Жалил муаллим кўринмайди?

Қиз ўрнидан турди-да, денгиз томонга қараб қулочини керди. Уммонни кучоқлаб олгудай сиёғи бор.

— Ким билади дейсиз, қаерларда юрибди. Этюднигини кўтариб чиқиб кетувди. Бу ерларда яхши пейзажлар чизиш мумкин эмиш. Эртаю кеч ўйлагани асари, ман унинг хаёлига ҳам келмайман.

Демак, шунинг учун у кўпинча ёлғиз юрар экан-да. Балки унинг чехрасидаги намгинлик кўланкасига ҳам сабаб шудир.

— Мана шундай жойларга олиб келгани — сизни ўйлагани эмасми? Дам олишга одатда кўпчилик хотини билан боради. Қизини ёки ўғлини олиб борадиганлар жуда кам.

Гулгина шартта Ботир томонга қаради-да, томдан тараша тушгандек пақ этказиб савол ташлади:

— Уйланганмисиз?

— Йўқ, — деди Ботир унинг мақсадини тушунолмай.

— Аввал уйланинг, ана ундан кейин биласиз хотиннинг қадрини. Ҳозир бу гапларни қўйинг. — Унинг сўзлари негадир асабий эди.

Қизнинг бу гаплари Ботирнинг ҳайратини оширди.

Гулгина яна унинг ёнига келиб ўтирди.

— Манга қаранг, хафа бўлдингизми гапимдан. Илтимос, кўнглингизга олманг. Одатим шунақа ўзи, баъзан кимлигига қарамай шартта гапириб юбораман.

Ботир унинг юзларига, кўзларига боқди. Гўё ҳозиргина денгизга қараганча тик туриб гапирган қиз билан манави — ёнида ўтирган қиз иккови бир одамми ёхуд бошқа-бошқа қизларми — аниқламоқчи бўлгандек астойдил разм солди. У умрида бировга, хусусан қизларга бунақа тикилмаган. Буни Гулгина ҳам сезди шекилли, ҳа, намунча термилдингиз, деди. Шундан кейингина у ўзига келди.

— Кечирасиз, ўзим шунчаки, хаёл суриб қопман.

Шу маҳал девордек қалин дарахтзор орасидаги йўлакнинг бошида Жамолзода кўринди. Уни Гулгина кўрмади.

— Отангиз келяпти, — деди Ботир.

Қиз аввалига бир қизарди, кейин дарҳол ўзини кўлга олди. Жамолзода уларга яқинлашаркан, деди:

— Оббо сизлар-эй, бу ерда ўтирган экансизлар-да. Ман бўлсам боядан бери қидираман, қаерга кетди булар деб. Қандайсан, Ботир?

Бу гапдан Ботирнинг ҳайрати яна ошди. «Ҳозиргина қизи отам ишляпти, девди. Отаси эса сизларни қидириб юрибман, дейди. Қўлида этюдник ҳам, мўйқалам ҳам — ҳеч нарса йўқ. Қайси бирининг гапига ишониш керак?»

... Стюардессанинг таниш овози эшитилди: «Ҳурматли йўловчилар! Камарларни боғлашингизни илтимос қиламан. Самолётимиз пастлай бошлади. Ярим соатлардан сўнг самолётимиз Боку шаҳрининг аэропортига қўнади. Бокуда ҳарорат йигирма беш даража иссиқ».

— Йигирма беш бўлса унчалик иссиқ эмаскан-ку, — деди шериги.

Ботир индамади. Аммо ўзича ўйлади: «Ҳа, иссиқ эмас. Ҳали пастга тушайлик, кўрасан иссиқ эмаслигини. Тошкентнинг қирқ даражасию бу ернинг ўттизи».

Самолёт шувиллаб пастлаб борар, Ботир иллюминатордан кўз олмай атрофни томоша қилар эди. Ҳозир денгиз кўринади... Ана денгиз, Каспий — Ҳазар денгизи, баҳри Ҳазар. Нега унинг номини ўзгартирди экан? Ўзи яхши эмасми. Ҳазар денгизи!

Ботир денгизга суқ билан термидди. Денгиз жимир-жимир қилгану кейин қотиб қолгандай, қимир этмайди. Аслида пастда чайқалиб ётгандир. Хув ўша — ҳар жой-ҳар жойда пахта сингари оқариб кўринаётган нарса тўлқиннинг кўшиги.

Самолёт тобора пасайиб бормоқда. Гўё денгизга кўнадиганга ўхшайди. Ботирнинг елкаси оша йўғон бўйнини чўзиб ташқарига мўралаётган шериги чўчиб кетди чоғи, ие денгизга кўнадими, нима бало, деб юборди. Ботир унга қаради-ю, ўзини кулгидан тия олмади.

— Ҳа, нимага куласиз, ука. Қаранг, денгиз бир қадам қолди ахир, — деди. Унинг гапиришидан чиндан ҳам кўрқув ҳисси акс этиб турарди.

— Кўрқманг, амаки, сувга кўнмайди. Сизга шундай туюляпти, ҳали анча юқоридамиз...

Ботир гапини тугатмасданоқ самолёт денгиз устидан ўтиб, аэропорт чегарасига кирган, у ўлжасига ташланган бургутдай ерга шўнғиб борарди.

Самолёт зинасидан пастга тушишлари билан гул этиб нефть ҳиди, иссиқ нам ҳаво юзга урилди. Бояги киши лапанглаб зинадан тушди-да, тўғри Ботирнинг олдига келди.

— Э, ука, йигирма беш девди, қирқдан ошиқ шекилли. Нафас олиб бўлмайди-ку. Бу сасиб ётган нима бало?

Ботир кулди.

— Нефтнинг иси келяпти-да.

— Шаҳардаям шунақами?

— У ерда бундан баттар. Шаҳар денгиз бўйида жойлашган. Бу ер-ку ҳалиям денгиздан узоқроқ.

Автобус уларни аэропорт биноси томонга олиб кетди.

Чамадонлар етиб келгунча Ботир телефон будкаси-га кирди.

— Алло, Жалил муаллимнинг уйими?

Трубкадан таниш аёл овози эшитилди.

— Бали.

— У кишини телефонга мумкинми?

— Ҳозир.

Бу Жамолзоданинг қизи эди. Ботир унинг овозини таниди. Таниди-ю, ҳаяжонланиб кетди. Демак, ўзи ҳам, қизи ҳам шу ерда экан... Гулгина! Унинг гапириш оҳанги, товуши Ботирнинг қулоғига ўрнашиб қолган. Чамаси у танимади. Қаердан ҳам танисин.

— Алло, — деди дўрилаган, жарангдор овоз.

Ботирнинг кўз ўнгида Жалил Жамолзоданинг жанговар юзи намоён бўлди.

— Салом, Жалил муаллим. Бу мен — Ботирман.

— Ботир?! Қаердан телефон қилипсан?

— Аэропортдан, ҳозир келдим.

— Манга қара, ўша ерда қимирламай тур, ҳозир етиб бораман.

Кераги йўқ, ўзим бораман шаҳарга, демоқчи эди, улгурмади, Жамолзода трубкани шарақ этказиб қўйди. Ботир Жамолзоданинг қилиқларини эслаб мийиғида куларкан, телефон будкасидан чиқиб юкларни берадиган хона томонга кетди...

II

Аэропорт майдони олдидаги дарахтларнинг соясига чамадонини қўйиб, сигарет тутатди. Тик туравериш оёғи толди. Уч-тўрт қадам наридаги ўриндиққа бориб ўтирди. Яна хаёл ўз оғушига олди. Унинг кўз ўнгида Жамолзодадан ҳам кўра қизи кўпроқ гадаланади. Бирда гамгин, бирда шодон кўринувчи бу қизни ҳеч тушунолмас, гапларидан, қарашларидан нимадандир кўнгли нотинч эканлигини сезиш қийин эмасди.

Ботирнинг кечагидек эсида. Бир кун Гулгина билан қумлоқда суҳбатлашиб қолди. (У гарчи чўмилмаса-да, чўмилиш кийимини кийиб қумга келиб ётарди.)

— Гулгинахоним, айбга буюрмасангиз бир нарса сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат, — деди у кулиб.

— Янглишмасам, кўпинча нимагадир хомуш кўри-насиэ.

— Ким билади...

Бундай қисқа-қисқа, бирмунча терсроқ жавоблардан Ботир ўзини бироз ноқулай сезди. Шундай бўлса

ҳам ўзини дадилроқ тутишга ҳаракат қилиб суҳбатни давом эттирди.

— Мени тўғри тушунинг, Гулгинахоним, ҳавас қилса арзийдиган гўзалсиз. Биладан, шу ернинг ўзида қанча йигитлар сизни зимдан кузатиб юришибди. Сиз билан лоақал бир марта гаплашишга орзумандлари қанча.

Гулгина кулиб юборди. Унинг кулгиси шу қадар жаранглаб кетдики, беш-олти қадам нарида ўзини офтобга тоблаб китоб ўқиб ётган аёл булар томонга маънодор қараб қўйди. Бироқ унинг қарашига на Ботир, на Гулгина эътибор берди. Аслида бу ернинг одати шунақа: ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Жуда ошириб юбордингиз-ку. Шу қадар гўзал эканимни билмапман-а, — деди Гулгина.

— Йўқ бу хушомад эмас, рост айтяпман. Унинг устига шундай машҳур рассомнинг суоқли қизисиз. Ҳали талабалик остонасидан чиқар-чиқмас Сочига келиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шундай экан, кўнглингизнинг бир чеккасида ғашлик бўлишига боис нима?

Гулгина ўйланиб қолди. Ҳозиргина очилиб, шарақлаб кулиб турган қизнинг чеҳрасига вазминлик югурди. Баҳор офтобини кутилмаганда булут тўсганидек, унинг шодон қарашлари ўрнини қандайдир маъюслик эгаллади.

— Гапларингиз тўғри, — деди у вазминлик билан, — аммо биласизми, бу дунёда ҳар жиҳатдан кўнгли тўқ одам ё йўқ, бўлса ҳам бармоқ билан санарли. Бир кам дунё, деган мақол бор бизда, эҳтимол сизларда ҳам бордир. Шу мақол бекорга айтилмагандир ахир.

«Хўш, бу қизнинг кўнгли нимадан яримта? Ким билсин, Айтмаяпти-ку! Нега айтсин? Мен кимман унинг учун? Дардини тўғри келган одамга айтиб кетаверади-ми. Хусусан, қиз бола. Қизлар ҳуда-беҳудага қулфу дилини очавермайди. Уларнинг кўнгли сандигини очишдан кўра анави оқ соч тоғлар қаърида нима борлигини билиш осонроқдир... Ке, қўй, ортиқча эзмалик қилмайин. Лозим топса ўзи айтар, бўлмаса шарт эмас...»

Ботирнинг индамай ўйланиб қолганини кўриб:

— Гапларим сизни ҳам ўйлатиб қўйдими. — У кулди. Аммо кулгиси табиий эмас, ўзини ўзи зўрлаб жилмайди. Унинг мана шу — сунъий кулгиси ҳам ўзига ярашиқли эди. — Келинг, бу гапларни қўйинг, ахир бу

ерга сиз ҳам, биз ҳам дам олгани келганмиз-ку! Дунёнинг ташвишларидан вақтинча эса-да қутулмоқ ниятида юрибмиз-ку бу ерларда... Самад Вурғун шеърларини ўқиганмисиз? Бир гўзал ғазали бор. Ўқиб берайми?..

У Ботирнинг жавобини ҳам кутмай ғазал ўқий бошлади:

*Агар сендан тонар бўлсам насибам оху зор ўлсин,
Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир диёр ўлсин...
Чаманзорим, боғим-боғчам, тўкилсин бари хор ўлсин,
Мазорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсин.*

Қиз ғазални шундай гўзал, ширали ўқирдики, Ботир гўё сархуш бўлиб қолди. Унинг устига озарбайжон тилининг гўзал талаффузи, ғазал сўзларининг мазмундорлиги уни тамоман сеҳрлаб қўйди. Энди унинг қулоғига денгиз тўлқинининг шалоп-шалоп этиб қирғоққа урилиши ҳам, дам олиб ётганларнинг ўзаро гўнғир-гўнғир овози ҳам кирмасди. У фақат биргина товушни — Гулгинанинг ипақдай майин, тор жилғасидек тиник, қўнғирроқдай жарангдор овозини тингларди, холос.

*Қўй, эй булбул, тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдир,
Бу ерларга илинжим иўқ, юпанчим бир саёҳатдир.
Ўлим, э, воҳ, у неъматдир, у бир шонли саодатдир,
Агар бевақт ўлар бўлсам, рақибим бахтиёр ўлсин.*

Ғазалнинг сўзлари, оҳанги жой-жойига тушар, Гулгина эса гўё ҳамма нарсани унутган, у ғазал руҳи билан яшар, ҳозир унинг томирларида шоирнинг оташин қони гупурар эди. У тобора ғазал руҳига сингиб борар, ҳар бир мисрани, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб ўқир, гўё бу билан шеър мазмунини тингловчи онгига қуйиб қўймоқни истарди:

*Ҳаётдан интиқом истаб, жўшар руҳимда бўронлар,
На инсофни, на виждонни билар, ё раб, бу инсонлар.
Ёз, эй Вурғун, яна жўшсин, бу кун оламда тўфонлар,
Йиқилсин меҳвари олам, у тубдан тор-мор ўлсин.*

Ғазал тутагач, у кўзларини юмганча жим қолди. Чамаси, у ҳали ўзи ўқиган шеър сеҳридан маст эди. Ботир ҳам миқ этмади. У гапиришдан, бирон ножўя сўз айтиб, унинг кайфиятини бузиб қўйишдан чўчирди. Ботирнинг назарида, Гулгина ҳозир дунёдаги энг

бахтли, лаззатли онларини бошидан кечирмоқда эди. Ана шу лаззатдан, ана шу оромдан уни мосуво қилиш — гуноҳи азим.

Орадан қанча вақт ўтди — иккови ҳам билмайди. Қиз оҳиста кўзини очди. Йигитга қаради. Йигит киприк қоқмай унга термилиб ўтирарди.

— Ҳазал ёқдимми сизга?

— Жудаям... Биласизми, мен ҳам бу ҳазални ёддан биламан. Менга жуда ёқади.

Қиз кулиб юборди.

— Ана холос. Сиз ёд биларкансизу, ман Америка очгандай куйиб-пишиб ўқиб ўтирибман-а.

— Йўқ, Гулгинахоним, ўқиганингиз жуда яхши бўлди. Бу ҳазални жуда кўпчилик ўқиганини эшитганман, аммо ҳеч ким сизчалик гўзал ўқимаган эди.

— Демак, сиз озарбайжон адабиёти билан қизиқар экансиз-да?

— Унча-мунча. Хоҳлайсизми, мен ҳам бир шеър ўқиб бераман.

— Бажонидил. Озарбайжон шоириданми?

— Йўқ, ўзбекча.

*Кўпдан кутган эдим, орзиқиб мана,
Булуллар тарқалди, тўжишиб кўзёш,
Ҳаёлим осмондай ёришди яна,
Ёруғ кунларимдай парлади қуёш.
Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.
Юргил сайр этайлик, юргил малагим,
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.
Кўрясанми, қандай яшармиш олам,
Беларво гўдақдай жилмаяди жим.
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳеч ҳам,
Қайтмагани каби менинг ёшлигим.
Ҳазонрез августнинг бирор оқшоми,
Уни кўрарсанми тушингда такрор.
Майлига, ўзгачир кузнинг илҳоми,
Бугун-чи, кўз ташла, атрофда баҳор.
Қани, қўлгинангни бергил жимгина,
Шу маъсум йўлчига қўяйлик илҳос,
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос.*

Шеър тугаши билан Гулгина Ботирнинг қўлини олиб табриклади.

— Соғ ўлин, чўх соғ ўлин! Гўзал, чўх гўзал шеър. Кими шеъриди?

— Абдулла Ориповники...

— Ай, соғ ўлсин, ул нақадар гўзал шоир. — Қиз бирдан сергак тортди. — Биз узоқ қолиб гатдик, атам мана излаб юрган чиқар.

У шундай деб ўрнидан турди. Ботир унинг яна бир оз ўтиришини, яна озгина суҳбатлашишини, иложи бўлса яна бирор газал...

Машинанинг қаттиқ сигналидан Ботир чўчиб тушди. Ширин туш кўриб ухлаб ётган одам кучли шовқиндан илкис уйғониб кетгандай, Ботир ҳам хаёлини йиғиштириб олгунча бир зум саросимага тушиб қолди. Ўзига келганда рўпарасида қулочини ёзиб келаётган Жалил Жамолзодани кўрди. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Аҳволларинг нечук? — деди Жамолзода кулиб.

— Яхши. Ўзингиз қалайсиз? Гулгинахонимнинг соғлиги тузукми?

— Жуда зўр, — деди рассом, — ана ўзи.

Сал нарида оплоқ «Волга» турар, унинг рулига суянганча Гулгина уларни кузатиб ўтирарди. Жамолзода билан Ботир унга томон ўгирилиши ҳамон Гулгина машинадан тушди.

Ё, квадратингдан, ҳамон ўша-ўша, қоп-қора қошлар, ёниб турган кўзлару найза мисоли киприклар, елкаси билан битта бўлиб тўлғониб ётган кўнғироқ сочлар — ҳамма-ҳаммаси ўша.

— Салом, Ботир муаллим.

Овозлар ҳам ўша — газал ўқиган овознинг худди ўзи.

— Салом, Гулгинахоним. Нечуксиз?

— Ташаккур.

— Қани, кетдик, вақт ўтмасин, — деди Жамолзода.

Жамолзода билан Ботир орқага ўтиришди. Гулгина машинани кийикдай учирди. Бир зумда аэропорт бинолари орқада қолди. Ботир зимдан Гулгинага разм солди. Олдингидан бир оз тўлишибди. Аммо ҳаракатлари чаққон, кайфияти жойида кўринади.

Жамолзода Ботир томонга ўтирилди.

— Хўш, Ботир, ишларинг қандай? Таътилга чиқдингми?

— Яхши, — деди Ботир, — Ишлар кетяпти. Таътилга чиқдим. Ваъдага мувофиқ, мана, келдим.

— Жуда яхши қипсан. Мана, Гулгинахоним бизнинг ихтиёримизда. Кўриб турибсан, савинг келишин-

гта янги машина оддик. Кўккўлга борамиз. Низомий мақбарасини кўрасан, Шушага, Шамахага олиб бораман! Тўғрими, Гулгинахоним?

Гулгина чапдастлик билан машина рулини бошқараркан, мийиғида кулиб «бали» деди. «Волга» шамолдай елиб борарди.

— Машина ҳайдашни яхши ўрганиб олсиз, — деди Ботир ҳавас билан.

Бу гапдан Гулгина мамнун жилмайди.

Жамолзода эса гапни илиб кетди.

— Нимасини айтасан, малакали шофёрлар ҳам бунинг олдида ип эшолмайди. Эътибор беряпсанми, қанча машиналарни ортда қолдирыпти.

Ҳаммаси баравар кулишди.

— Эсингиздами, Ботир муаллим, — деди Гулгина кўзини йўлдан олмай, — бултур ман Ҳиндистонга бораман деган эдим.

— Ҳа, дарвоқе, эсимда, бормадингизми?

— Бормай бўпти, — деди бирдан Жамолзода. — Бориб келдик.

* * *

Кечки овқатдан кейин Ботир ҳовлидаги скамейкада дам олиб ўтирган эди, Жамолзода билан Гулгина унинг ёнига келди.

— Кинога кирамизми? — деди Жамолзода.

— Унчалик тушгим йўқ.

— Нега? — деди Гулгина. — «Тақдир ҳокими» деган ҳиндча фильм экан-ку, юринг, бирга кирамиз. Ёки ҳинд фильмлари сизга ёқмайдами?

Ҳинд фильмларини Ботир унчалик хуш кўрмайди. Аксарияти эртакнамо, воқеалар давом этади-этади-да, охирида ҳамма қаҳрамонлари мурод-мақсадига етиб, фильм тугайди.

Бу фикрларини уларга айтмайди. Кўриниб турибдики, Гулгина ҳинд фильмларига ўч экан. Аслида қайси йигит-қиз ҳинд киносига ўч эмас! Майли, ҳафсала-си пир бўлмасин. Умуман, ҳайратта тушмасликдан кўра ҳамма нарсадан ҳайратланган яхшироқ, деган эди кимдир.

— Кетдик, Ботир, — деди Жамолзода, — барибир битга ўзинг зерикиб ўтирасан. Журналист дегани ҳамма нарсани кўриши керак. Яхшининг яхшилигини, ёмон-

нинг ёмонлигини билиш учун ҳам сабр билан кўрмоқ ва ўқимоқ лозим. Баъзи танқидчиларга ўхшаб ўзинг кўрмай ёки ўқимай, бировлардан эшитганинг бўйича фикр юритиш инсофдан эмас.

Рассомнинг бу гапларидан кейин Ботир ноилож ўрнидан қўзғалди.

Фильмдан сўнг учаласи хиёбонда сайр қилишди.

— Кино ёқдимиз сизга? — деб сўради Гулгина Ботирдан.

— Ёмон эмас, — Ботир мужмал жавоб берди.

— Яхши-ку, — деди жўшиб Гулгина. — Қаранг, қандай ажойиб. Манга жудаям ёқди. Искандарни қаранг, қанақа жасур, ботир йигит экан.

Ботир индамади. Жамолзода қизи гапирса қизига, Ботир гапирса Ботирга қараб, уларнинг гапини тасдиқлаб индамай бормоқда. Гўё қани буларнинг мунозараси нима билан тугайди, деб кузатиб бораётганга ўхшарди. Гулгина кинони мақташда давом этди.

— Ҳинд кинолари менга жуда ёқади. Одамнинг завқини келтиради. Мудраб ётган юракларни ҳам уйғотиб юборади. Яшашга, ҳаётни севишга ўргатади.

— Қип-қизил киношунос экансиз-ку.

Ботирнинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетган бу гапдан Жамолзода кулиб юборди, қиз эса бир оз сергак тортди. Буни Ботир ҳам пайқади.

— Узр, ранжиманг, ҳазиллашдим, — деди Гулгинага.

Улар неон чироқлар сутдай ёритиб турган йўлақдан гўё қадамини санаётгандай бир-бир босиб боришарди.

— Ботир муаллим, — деди Гулгина шартта юришдан тўхтаб, — биласизми, мен Ҳиндистонга кетмоқчиман. Томдан тараша тушгандай айтилган бу гапдан Ботир гангиб қолди. Бу қизнинг эси жойидами ўзи? — У ерда яшагим келади.

Ботир кулди. Чиндан ҳам бу қиз ўта романтик экан. Йигит-қизларнинг кўпчилигида шунақа кайфият бўлади. Ҳинд фильмларини кўради-ю, ўша ёққа кетгиси келиб қолади. Гўё у ерда яшаш осон, мазза. Киноларида шундай тасвирлайди-да. На иш бор, на ташвиш. Ҳамма ўйнаб-кулиб ашула айтиб, рақсга тушиб, сайр қилиб юради.

— Ҳиндистонда ҳақиқий аҳвол қандай эканлигини наҳотки билмасангиз, Гулгинахоним?! Ахир бу киноку.

— Нима бўпти, — деди Гулгина бўш келмай.

Ботир бошқа гапирмади. Орага оғир жимлик чўқди. Бу сукунатни Гулгина туфлисининг тўқ-тўқ этиб бетон тўшамга урилиши ва денгизнинг салобатли шовиллаши бузарди, холос...

— Хўш, Ҳиндистонда аҳвол қалай экан? — деди Ботир.

Гулгина ҳам ҳозир ўша суҳбатни эслаб кетаётган экан чоғи, орқасига ўтирилиб Ботирга қаради.

— Ёдингиздан чиқмапти-да, — деди кулиб. — Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади-ку.

Гапга Жамолзода аралашди:

— Шу қадар тиланчилар кўпки, ҳатто юришга қийналасан. Аммо бойлари бор, э, нимасини айтасан, унақабунақа бой эмас. Бизни бир тўйга таклиф қилишди. Э, бунақа тўйни умримда кўрган эмасман. Бизнинг Кавказ тўйларини мақташади, ҳаддан зиёд катта, дабдабали дейишади. У тўйнинг олдида бизнинг тўйлар оддий бир зиёфатдай гап.

Шаҳарга киргач, уларнинг суҳбати узилди. Ботир Боку кўчаларини томоша қилиб борарди.

— Энди гап бундай, — деди Жамолзода. — Ҳозир «Озарбайжон» меҳмонхонасига борамиз. Бутун дамингни ол. Эртага эрталаб чиқиб кетамиз.

— Балки бир-икки кун шаҳарни айланармиз. Мен таниш-билишларимни кўрсам.

— Кўрасан, ҳаммасига улгурасан. Вақтинг бемалол-ку. Димиқиб ётган шаҳарда нима бор. Аввал тоғларга чиқайлик, Озарбайжон табиати билан таниш. Кейин, кетишинга бир-икки кун қолганда томоша қилаверасан, шаҳарни.

Машина денгиз соҳилида жойлашган ўн олти қаватли «Озарбайжон» меҳмонхонаси олдида тўхтади.

У сен шу ерда бир нафас ўтириб тур, деди-да, ўзи бир хонага кириб кетди. Ботир юмшоқ курсига чўқди: Ўтиб-қайтаётганларга разм солди. Аксарияти ажнабийлар. «Оддийроғи ҳам бўлаверар эди», деб хаёлидан ўтказди. Рўпарадаги буфетга бориб бир стакан муздай мандарин шарбати ичди. Унгача Жамолзода қайтиб чиқди.

— Паспортигни бер.

Ҳужжатларни расмийлаштиргач, еттинчи қаватга чиқишди. Бир кишилик хона экан.

— Қалай, маъқулми? — деб сўради Жамолзода.

Унинг бу саволида «кўрдингми қудратимни?» деган мақтаниш ҳисси акс этди. Балкон денгиз томонда. Юқоридан қараганда денгиз оёқ остидагидай чайқалиб ётипти. Меҳмонхона билан денгиз орасида йўл ва қалин дарактзор — хиёбон. Ажойиб манзара.

— Йўлда чарчагансан. Бир-икки соат ухлаб, дамнингни ол. Биз соат иккида келамиз. Бирга тушлик қиламиз.

— Балки бугун сизлар ҳам ўз ишларингиз...

Жамолзода унинг гапини кесди:

— Бокуга келдингми, энди инон-ихтиёринг бизда. Қачонки, Тошкентга учадиган самолётга ўтирасан, шундан кейин ихтиёринг ўзингда бўлади. Унгача нима десам қулоғингни қимирлатмай кетаверасан. Ҳозирча хайр. Яхши дам ол.

Жамолзода унинг гапини ҳам эшитмай эшикни ёпиб чиқиб кетди.

III

Ботир душга тушди. Чарчоқлари ёзилиб, ўзини қушдай енгил ҳис этди. Бир оз чўзилди, кўзини юмиб ҳеч нарсани ўйламай ётишга уринди. Лекин буни эплаб бўлса экан. Одамзоднинг хаёلسиз турмоғи гумон. Самолётда бирга келган киши ёдига тушди. Меҳмонхонага жойлаша олдимикин? Ўғлимни уйлантираман, деб шунча йўлдан сарсон бўлиб келипти.

Жиндек мизгимоқчи эди, бўлмади, ухлаёлмади. Буфетта бориб қаҳва олди-да, балконга чиқиб ўтирди. Иссиқ қаҳвани ҳўплаб денгизни томоша қилди. Денгиз томондан салқин шабада эсади. Бу шабада гоҳо-гоҳо нефтнинг қўланса ҳидини олиб келади.

Ана бандаргоҳ. Бир кема манзилга кириб келяпти, иккинчиси жўнади.

Оғир вазминлик билан денгиз ичкарасига сузиб кетган кемани кузатиб ўтирган кўйи Бокуга олдинги гал келганини эслади...

Ўшанда ҳам ёз эди. Беш кун юрди. Ашраф деган дўсти билан. У билан танишуви ҳам қизиқ кечган.

Бу воқеага икки йилча бўлди. Май ойи эди. Ботир эрталаб ишга келиб янги газеталарни варақлаб ўтирганди, телефон жиринглади.

— Алё.

Трубкадан нотаниш одамнинг овози эшитилди.

— Ман Бокудан келганман, кирсам майлими?

— Марҳамат, — деди Ботир.

— Пропуск бюросига айтсангиз, рухсатнома ёзиб берса: Жаводов Ашраф.

— Ҳозир айтаман...

Ўн беш минутлардан кейин баланд бўйли, қорача бир йигит кириб келди. Унинг бир қўлида дипломат, иккинчисида камзул. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Ботир Бокудаги янгиликлар хусусида қизиқди. Меҳмон унинг сўровларига қисқа-қисқа жавоб берар, афт-ангоридан нимадандир ҳафсаласи пир экани ёки ортиқча эзилгани кўришиб турарди. «Эҳтимол, ҳозир келиб тушгандир. Йўлда чарчагандир», деб ўйлади Ботир.

— Кечирасиз, қачон келдингиз? Ҳозирми? — деб сўради.

— Йўқ, уч кун бўлди. Яна икки кундан кейин кетаман. Бизнинг газетамиз Ўзбекистонга бағишланган кўпсаҳифа тайёрламоқчи. Шунга материаллар олиб кетгани келувдим. Сизнинг таҳририятингизга ҳам бир кирай дедим, балки биз учун бирор бир қизиқроқ нарса чиқиб қолар.

— Бизнинг таҳририятдан бирон киши билан гаплашувдингизми?

— Йўқ, биринчи келишим.

— Шундай денг, — деди Ботир ўйчан ҳолда. — Умуман ишларингизнинг кетиши қалай? Тузукми, материаллар олдингизми?

Ашраф сигарет тутатди.

— Ёмон эмас, у-бу нарсалар олдим. Баъзилар бугунга ваъда беришган. Бугун кечгача ишим битса керак. Афсуски, чиптани кечроққа олиб қўйибман, бўлмаса эртага кетар эдим.

— Нега бунча шошилмасангиз. Нима зерикдингизми? Тошкент ёқмадими? Қаерда турибсиз?

Меҳмон ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— Қаерда бўларди, меҳмонхонада-да.

— Қайси меҳмонхонада?

У сигарет тутунини бир чеккага пуфлади-да, Ботирга ғалати қараш қилди:

— Сизга барибир эмасми қайси меҳмонхонада туришим...

Тушунарли, ҳаммаси тушунарли. У зериккан. Биров

бу ёққа юр демаган, ўзи ҳеч кимни танимайди, ҳеч қаерни билмайди.

— Биринчи келишингизми Тошкентта?

— Биринчи ва охири бўлса керак.

Ботирга бу гап оғир ботди. Шаҳрингга биринчи бор келган одам яна қайтиб келмаслигини ошкор айтдим, демак яхши кутиб олишмаган. Шаҳар ҳар қанча гўзал, чиройли, обод бўлмасин, агар одамлари қўпол бўлса, меҳмонларни яхши қаршиламаса, иззат-ҳурматини жойига қўймаса, бундай жойга бир келган одам қайтиб келиши ҳақида албатта ўйлаб кўради... Бу йигит дастлаб кимга учрашди экан? Сўрасинми? Хўш, сўраганда нима фойдаси бор? Қайтанга бунинг ярасини янгилаш мумкин-ку... Лекин шуниси аниқки, қандайдир бир бефаросат одамга дуч келган. Киши бошқа жойдан келган меҳмон билан гаплашганда ҳушёр бўлмоғи лозим. Бир одамнинг нозик диди, юксак маданияти билан бир халқ ҳақида яхши тасаввур қолиши ёхуд, аксинча, бир фаросатсиз туфайли бутун халқ номига доғ тушиши мумкин.

Ашраф ярим чекилган сигаретни кулдонга эзгилаб ўчирди.

— Муҳаррирингиз қачон келади? Гаплашсам, балки бирон-бир тузуқроқ материалми, суратми топиб берам... Кейин кетай, ҳали яна бир-икки учрашадиган жойларим бор.

У шундай деб ўрнидан турди.

— Демак, гап бундай, — деди Ботир ҳам ўрнидан туриб. — Ҳозир муҳаррир келади, балки келгандир ҳам. Унинг олдига олиб кираман, гаплашасиз. Кейин бошқа учрашадиган одамларингиз билан кўришинг. Пешинда шу ерга келасиз, бирга тушлик қиламиз. Кечкурун меникига борамиз.

— Йўқ, ташаккур, ман меҳмонхонага бораман.

— Унақа гапни қўйинг. Мен айтганимдай қиламиз. Эртага мен муҳаррирдан ружсат оламан, шаҳар айланамиз. Қани, нарсаларингизни менга беринг. Шу ерда туради.

Ашраф ўйланиб қолди. Ботир унинг билатидан камзулини, қўлидаги дипломатни олди.

— Дипломат керак, — деди Ашраф.

— Яхши. Дипломат ўзингизда турсин. — Камзулни шкафга осиб қўйди. — Юринг, қарайлик-чи, муҳаррир келдимикан.

...Ботир университетни битириб, Тошкентда ишга қолган. У бир татар кампирнинг уйида ижарада турди. Кампирнинг феъли кенг, Ботирнинг ўртоқлари пайдар-пай келишса ҳам баъзиларга ўхшаб мингир-ламас, унинг шу жиҳати Ботирга маъқул эди. Ашрафни астойдил, ҳеч иккиланмай таклиф этиши ҳам шундан.

Тушлиқдан кейин бир-иккита кўнгил етар дўстларига воқеани тушунтириб, уларга ҳам юринлар, деди.

Уйга келгач, татар кампирга узоқдан меҳмон келганини айтди. Чоғроққина ҳовлидаги ягона дарахт — олма тагига сув сепиб, стол-стул қўйди. Бир пиёладан чой ичишгач, сизлар гаплашиб ўтиринлар, деб ўзи ошга уннади.

Қош қорайиб, ҳовлидаги чироқлар ёқилганда Ботир қўлбола ошни катта чинни лаганга сузиб келди. Қип-қизил қовурма паловнинг ҳиди ўтирганларнинг димоғини қитиқлади. Пахта хирмонидай уюлиб турган ош устидаги саримсоқ пиёзларни очаркан, қани ошга марҳамат, деди Ботир.

Ўша оқшом ярим тунгача гаплашиб ўтиришди. Эртаси куни Ботир иккаласи шаҳарни айланишди. Ашраф кетгунича Ботир у билан юрди. Меҳмонхонага боргани қўймади.

Учинчи кун азонда меҳмонни аэропортга олиб чиқди. Чиптани рўйхатдан ўтказгач, улар сигарет чекиш мақсадида ташқарига чиқишди. Хайрлашиш олдиан Ашраф кўнглини ёрди:

— Биласанми, Ботир, агар сени учратмаганимда ўзбек халқи ҳақида бошқача фикрда кетар эдим. Ман ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқиганман. Улар ҳақида бошқа халқларнинг фикрларини ҳам эшитганман. Шуларнинг ҳаммаси сани учратганимча кўзимга ёлгон кўринган эди.

Ботир унинг мақсадини тушунди, лекин фикрига қўшилмади.

— Йўқ, Ашраф, сен билан мен журналистмиз. Ҳар бир ишда хулоса чиқаришга шошилмаслигимиз керак. Эҳтимол, сен қандайдир бефаросат, одамгарчиликни билмайдиган тўнкага йўлиққандирсан. Бу билан бутун ўзбек халқининг устидан қора чизиқ тортиш яхши эмас. Бундайлар бор, албатта. Лекин, афсуски, унақалар ҳамма халқ, ҳамма миллатда бор. Озарбайжонларда шунақалар йўқ дейсанми?..

Ёнидаги стул оёрининг бетонга ишқаланиб дириллагани хаёлини бўлди.

— Бу жой бўшми? — деди бир қўлида қаҳва, иккинчисида лиқопчада қуймоқ ва тухум кўтариб турган киши.

— Марҳамат... Бўш...

Боя манзилдан чиққан оқ кема соҳилдан узоқлашиб кетган, поёнсиз денгизда оқ чорлоқ каби сузиб борарди. Ботир унга термидди. Қаерга кетяпти экан? Балки Нефттошларга бораётгандир.

Нефттошлар... Афсонавий шаҳарча. Ўтган сафар келганида ҳоли-жонига қўймай Ашраф олиб борган эди. «Кўрасан, жудаям ажойиб. Вақтинг кетганига пшаймон қилмайсан», деб туриб олганди.

Ашрафнинг айтганича бор экан. Инсон қўли билан яратилган мўъжиза.

Нефттошлар — нефтчилар шаҳри. Озарбайжон нефти асосан шу ердан олинади. Шаҳарчанинг асоси — еттита эски кема чўктирилиб, шунинг устида майдон ясалган. Кейинчалик аста-секин у кенгайтирилган. Ҳозир икки-уч қаватли уйлар, маъмурий бинолар бор. Магазинлар, парклар, кинотеатр, маданият саройи...

Денгиз оралаб бир машина сирадиган тахта йўл қилинган. Унинг узунлиги уч юз километрдан ошди. Бу ерда фақат юк машинаси юради. Шу боис Нефттошларни енгил машинаси, мактаб ва боғчаси йўқ ягона шаҳар, деб аташади.

Хаёл билан ёнида ўтирган киши туриб кетганини ҳам сезмай қопти. Соатига қаради. Ун икки. «Энди туриш керак».

У хонага кирди-да, каравотта чўзилди. Ярим соатлар ором олмоқни ўйлади. Эрталаб ҳаяжонда билинмаганди, энди сезиляпти чарчагани...

Эшикнинг тақиллаганидан уйғониб кетди. Ўрнидан сакраб турди.

— Ҳозир...

Апил-тапил кийиниб эшикни очди: Жамолзода.

— Қалай, ухладингми? — деди у хонага кириб. — Қани, кийин, кетдик, пастда Гулгинахоним кутиб турипти. Қорнинг ҳам пиёз пўсти бўлиб кетгандир.

Улар пастга тушишганда меҳмонхона олдидаги майдончада Гулгина машина эшигини очиб ўтирарди. Унинг эғнида ҳиндий юпқа кўйлак, пардоз-андозини янгиланган шекилли, боягидан ҳам очилиб кетган, кулиб ту-

рарди. Ботирни кўриши ҳамоно кўлини кўтариб салом берди.

Гулгина машина рулини Ичкари шаҳар томонга бурди.

— Бокунинг Ичкари шаҳарини кўрганмисиз. Ботир муаллим? — деб сўради Гулгина.

— Бир марта борганман, лекин батафсил айланиб чиққанам йўқ.

— Қадимда карвонсарой бўлган жой бор, ҳозир миллий хўрақлар тайёрлайдиган емакхона қурилган. Ўша ерга борамиз, — деди Жамолзода. — Бокута келдингми, унинг ўзига хос жойларини кўр, миллий хўрақларидан танаввул қил. Ресторан ҳамма жойда бор ва асосан бир хил.

Машина баланд-паст, тор кўчалардан бориб, кичикроқ бир майдонда тўхтади. Атроф қадимги гишглардан тикланган девор. Майдонга «мусулмон гишти» тўшалган. Рўпарадаги бағдоди дарвоза тепасига электр чироқлар билан «Карвонсарой» деб ёзилган.

— Карвонсарой номи сақлаб қолинган экан-да, — деди Ботир ёзувга қараб.

— Албатта-да. Аслида шундай қилингани тузук. Акс ҳолда биласанми, қадимий жойларга бугунги кун тушунчасидаги номлар берилса, унинг тарихийлиги йўқолади. — Жамолзода дарвозадан ичкарига бошлар экан, сўзида давом этди. — Масалан, мана шу емакхонага ҳамма жойдагидек, «Бинафша», «Лола», «Гулчеҳра», «Наргиз» деб ном қўйса, манимча, кулгили бўлур эди.

Дарвозадан ичкарига киргач, чоғроқ майдон, ўртада мўъжазгина ҳовуз, унда фаввора отилиб турибди. Майдоннинг атрофида қатор ҳужралар. Жамолзода уларнинг бирига бошлади. Ҳужра унча катта эмас, нари борса ўн киши сиғади. Ўртага хонтахта қўйилган Атрофида бир қарич баландликда ўтиргич. Хона нимқоронғи, салқин.

Миллий кийим кийган ёш йигит кириб келди.

— Хош галмишсиниз!

Жамолзода ташаккур билдирди-да, тез-тез гапириб нималарнидир тушунтирди. Йигит «дуз» дедию, чиқиб кетди. Бир зумда катта думалоқ лаъли кўтариб кирди. Унда нон, чой, турли кўкатлар, қанд бор эди. Мезбон армудига¹ чой қўйиб, Ботирга узатаркан:

¹ Нок шаклидаги стакан.

— Таъбингга қараб қандан сол. Нондан ол, — деди. Улар бир стакан чойни ичиб бўлар-бўлмас бояги йигит кабоб олиб кирди.

Бир оздан кейин эса учта ликопчада хамирдан қилинган овқат қўйиб кетди. Кабобдан сўнг мезбон янги таомга таклиф қилди.

— Бунинг отини кутаб деймиз, — деди Жамолзода. Учбурчак шаклида тугилиб, ичига қийма солинган таомни узун қилиб ўради, — Одатда буни мана бундай қилиб қўлда ейилади.

Жамолзоданинг астойдил тушунтиришидан Гулгина кулиб юборди:

— Худди ажнабийларга уқтиргандай ҳижжалаб тушунтирасиз-а. Ахир Ботир муаллим чет элдан келмаган-ку. Балки буларда ҳам бордир бунақа хўрак.

— Бизда ҳам бор, — деди Ботир. — Фақат номи бошқача.

«Ўзимизнинг филминдига ўхшар экан-у, фақат ичига атала ўрнига гўшт солинаркан-да», деб ўйлади Ботир.

Овқатдан сўнг Жамолзода ташқарига эмас, ўнг қўлдаги бир эшикка томон юрди.

— Энди пастга тушамиз. Келганимга кўриб кетгин-да.

Жамолзода зинадан пастга туша бошлади. Унинг ортидан Ботир билан Гулгина эргашди. Ташқарида кун қизиган, жазирама. Бу ер эса салқин. Бирон жойига кондиционер ўрнатилмаганмикан, деган хаёл билан Ботир билдирмай атрофга разм солди. Ҳеч қаерда ҳеч нарса кўринмади. Хонанинг эни уч-тўрт, узунлиги эса ўн метрдан зиёд чиқади. Стол-стуллар қўйилган. Бир чеккасида буфет. Турли ноз-немаглар, шарбатлар, салқин ичимликлар. Магнитофонда қайсидир озарбайжон хонандаси куйламоқда. Бурчакдаги столда бир йигит билан қиз бурни-бурнига теккудай бўлиб пичирлашяпти. Нариги столда эса тўрт йигит нима ҳақдадир овозини балад қўйиб баҳслашяпти.

— Бу Карвонсаройнинг остки хоналари, — деди Жамолзода. — Яқинда очилди. Бу ёқда яна хоналар бор. — У чап томонга юрди. Бу хона олдингисидан ҳам катта. Унинг эшиги қалин, қоп-қора. Кўринишидан жуда оғирга ўхшайди. Куч билан итариб ёпиб-очиларкан. Қаттиқ дарахтдан ишланган шекилли. Хонанинг ўртасида узун стол, устига оппоқ дастурхон солинган.

Айлантириб стул қўйиб чиқилган. Эллик-олтмиш одам бемалол сиғади. — Бу ерда ҳозир турли зиёфатлар ўтказилади. Нариги томонда бундан сал кичикроқ яна битта хона бор.

Карвонсаройнинг ҳамма хоналарини айланиб кўришди. Ботирнинг хаёлини ҳар бир халқ ўз ўтмишини қадрлаши лозимлиги, келажagini ўйлаган халқ шундай йўл тутиши кераклиги ҳақидаги фикрлар банд қилди.

Ҳозир кўрганлари бунинг бир мисоли эди...

IV

Уйга қайтиб келгач, Гулгина Жамолзодадан сўради:

— Нечун айтмадингиз бор гапни?

Жамолзода ҳовлидаги тўқима креслога чўкиб, сига-рет тутатди. Гулгинага бир қараб олди-да, оҳиста деди:

— Томдан тараша тушгандай нима дейман... Мавриди келса айтарман... Ҳали шу ерда-ку.

Унинг сўзлари шу қадар вазмин ва маҳзун чиқдики, беихтиёр иккови ҳам жиддийлашиб, хаёл дарёсига шўнғиди. Жамолзода сигарет тутунини чуқур-чуқур тортаркан, марҳума хотинини эслаб кетди. Қандай ажойиб аёл эди у. Орадан неча йил ўтиб кетди, аммо Жамолзода уни сира унутолмайди.

Шундай кезларда у ёлғиз қолишни, тўйиб-тўйиб хаёл суришни истайди. Ҳозир ҳам кўнгли шуни тусадди. Бироқ бундай кайфиятта тушганини Гулгинага билдирмасликка ҳаракат қилади. Билиб қолса, қўймайди, бир амаллаб хаёлини чалғитади. Лекин Жамолзода баъзан ўша ўйлар сира фикрини тарк этмаслигини хоҳлайди.

Сигарет қолдигини оёғининг тагига ташлаб пошнаси билан эзгилаб ўчирди-да, зўрма-зўраки жилмайиб ўрнидан турди.

— Сан энди бориб дамингни ол. Эртага узоқ йўл юрамиз, чарчайсан. Ман бир оз ишламоқчиман, — деди.

— Сиз ҳам ором олинг. Саҳар тургансиз. Эртага яна тонгла уйғониш лозим.

Жамолзода Гулгинанинг пешонасига тушиб турган қўнғироқ сочларини эҳтиётлаб силади.

— Ҳозирча чарчаганим билинмаяпти. Озгина бўлса-да, ишлаш кайфиятим бор.

У ҳовлининг чап томонидаги устахонасига томон юрди. Хонага кирди-да, у ёқ-бу ёғига турли ранг бўёқ-

лари теккан энги калта катак кўйлагини кийди. Деразадан билдирмай Гулгинага қаради. У уйга кириб кетган эди.

Рассом қўлига мўйқаламини олди. Анчадан бери битказолаётган ишига узоқдан разм солди. Нигоҳи чала расмда, аммо кўзлари уни кўрмас, ҳаёли муглақ бошқа жойда. Бояги ўйлар қуршовидан ҳали қутулмаган, ҳали бери қутулишни истамасди ҳам...

* * *

Тақдир тақозоси билан Жалил Жамолзода анча кеч уйланди. Аввал ўқиш деди, кейин сал ўзимни тиклаб олай деди, хуллас, ёши ўттиздан ошиб кетди. Бу орада у рассом сифатида кўзга кўриниб қолди. Унинг асарлари нуфузли кўргазмаларда намоиш қилинар, матбуотда Жамолзода ижоди хусусида баҳс-мунозаралар авжига чиққанди.

Ана шундай ажойиб кунларнинг бирида тақдир уни Мадина билан учраштирди.

Мадина шаҳар шифохоналаридан бирида ҳамшира бўлиб ишларди. Иссиқ ҳаммомдан чиққан Жамолзода Бокунинг аёвсиз шамолита дуч келди-ю, хасталанди. Врачга учрашган эди, қаттиқ шамоллабсиз деб, пенициллин билан витамин ёзиб берди. Ҳар биридан ўнгадан укол олмасиз, деди.

Эртаси куни дориларни кўтариб «Муолажахона» деб ёзилган хона эшигини тақиллатди. Қошу кўзи попуқдай, қадаи-қомати сириқдай қиз унинг қўлидан қовози-ю, дориларини олди. Бу — Мадина эди. У врачнинг тавсиясини ўқиб кўрди-да, ётинг деди.

— Нега? — деб ажабланди Жамолзода.

— Нега бўларди, укол қиламан.

Жамолзоданинг ранги оқариб кетганини кўриб, Мадина қулди. У шприцга дори сўрдиранкан, Жамолзодага қарамай деди:

— Бўлинг тезроқ... Дори қотиб қолади.

— Ётмасам бўлмайдимиз? — деб сўради Жамолзода. У гуноҳкор боладай елкасини қисиб турар, овози ҳам базўр чиқарди.

— Манга барибир... Фақат тезроқ бўлинг.

— Нима қилай?

Ҳамширанинг жаҳли чиқди.

— Умрингизда укол олмаганмисиз? Ечинг. Бўксангизга қиламан уколни.

Чиндан ҳам Жамолзода шу ёшга кириб бирор марта укол олгани йўқ. Тўғри, болалигида бирми-иккими укол қилишувди. Орқасига — курагининг остига. Мадинанинг гапи ўшани ёдига туширди-да, кўйлак-майкасини елкасигача кўтарди. Мадина кулиб юборди.

— Қанақа одамсиз... Туширинг, бўксангизга қилиш керак. Жамолзода бўшашиб Мадинага ўтирилди:

— Нималар деяпсиз, хоним? Курагимнинг тагига қилаверинг-да.

— Мумкин эмас. Ҳамма уколни юборадиган ўз жойи бор. Мана бу дорингизни билагингизга қиламан. Тезроқ бўлинг...

У шприцни осмонга қаратиб поршинчасини бош бармоғи билан секин босган эди, нинанинг учидан «тиз» этиб дори отилди. Жамолзода ноилож камарини бўшатди. Мадина пахтани спиртга ҳўлаб келди:

— Ўзингизни бўш тутинг. Акс ҳолда нина кирмайди.

Жамолзода бир сакраб тушди.

— Хоним, сиздан илтимос. Укол қилмай қўя қолинг. Шу уколни олмасам ўлиб қолмасман.

— Гап ўлиш-ўлмасликда эмас, саломатликда. Сизнинг соғлигингиз фақат ўзингиз учун эмас, халқимиз, санъатимиз учун керак.

Жамолзоданинг оғзи очилиб қолди. «Мани рассомлигимни қаёқдан била қолди экан, бу ҳамшира?»

— Шунақа денг... Ташаккур сизга, хоним... Майли, тиқинг нинангизни, шу гапларингиз учун ҳамма нарсага чидайман.

Мадина спиртли пахта билан унинг баданини артди-да, карт эткизиб нинани урди.

— Мана бу эркакча гап... — Дорини Жамолзоданинг баданига юбориб, нинани суғуриб олди, ўрнини спиртли пахта билан яна артди. — Шунча танқидларга чидаган рассом ингичкагина нинадан кўрқиб ўтирса-я...

Жамолзода тескари қараб кийимларини тўғрилади.

— Манга қаранг, хоним. Сиз бу гапларни қаердан биласиз?

— Биламан-да, — деди Мадина хотиржам. — Ман тасвирий санъатни жуда яхши кўраман. Ҳар бир янги кўргазмага албатта бораман. Сизнинг асарларингиз билан ҳам танишман.

Жамолзода бошқа гапирмади. Ташаккур айтиб чиқиб кетди.

Бу хонага йигирма кун қатнади. Бу орада Мадина билан анча яқинлашиб қолди. Ҳатто бир-бирига телефон номерларини берипди. Жамолзода соғайиб кетди. Аммо ҳамшира Мадинани унутолмади. Гўё дорилар билан бирга юрак қўрини ҳам унинг томирларига юборган эди. Рассомнинг қон томирларида Мадинанинг меҳри ҳам айланарди.

У бир-икки марта шифохонага қўнғироқ қилиб, Мадина билан гаплашди. Лекин симлар орқали бўлган мулоқот уни қаноатлантирмади. Энди у Мадинани сўраб борадиган одат чиқарди. Мадина аввалига уялди, қўйинг, битта-яримта кўриб қолса, гап қилади, деди. Бироқ Жамолзода фикридан қайтадиганлардан эмасди.

Аста-секин Жамолзода билан Мадинани биргаликда кинода, театрда, концертларда кўришди.

Ота-онасидан эрта айрилиб, ёлғизлик уқубатларини бошидан кечирган Жалил Жамолзоданинг хонадонига қуёш нури яқинлашмоқда, ой шуъласи тушмоқда эди.

Орадан олти ой ўтар-ўтмас уларнинг тўйи бўлди.

Мадинанинг гаплари рост чиқди. У тасвирий санъатни ҳададан зиёд яхши кўрар экан. Жаҳондаги таниқли рассомлар, уларнинг асарларидан хабардор эди. Бу аввалига Жамолзодани ҳайратга солди. Бора-бора тақдир шундай умр йўлдошини раво кўрганидан ич-ичинда севинди.

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ экан. Жамолзоданинг ҳам ёруғ кунлари келди.

Мадина бутун умрини, ҳаётини, куч-қувватини Жамолзодага, унинг истеъдоди равнақига бағишлади. Ишини ҳам йиғиштирди. Рўзвор ташвишларини ўз зиммасига олиб, эрини барча юмушлардан озод этди. Жамолзода батамом ижодга берилди. Фақат Мадина овқатга таклиф этганда хонасидан чиқиб танаввул қилар, кейин яна ишга шўнғиб кетарди. У тарих ҳақидаги ҳужжатли, илмий, бадий асарларни, қомусларни ўқиб-ўрганар, шулар асосида тарихий шахсларнинг сиймосини матога туширарди. Унинг қатъий режалари бор: Низомий, Бобак, Фузулий, Нотавон, Насимий, Воқиф, Видодий, Ҳожибеков сингари озарбайжон халқининг ўтмишида ёруғ юлдуз каби порлаб турган сиймолар тимсолини яратмоқни ҳаётининг, ижодининг мазмуни,

деб тушунади. Шу эзгу ният йўлида бир неча суратлар яратди. Улар жамоатчилик, мутахассислар, томонидан турлича баҳоланди. Хусусан, миллий қаҳрамон Бобак сиймоси тасвирланган асари кўп мунозараларга сабаб бўлди. Бундан баъзан кўнгли ўксир, гоҳо «демак, асарда нимадир бор эканки, у ҳақда шунча баҳслашишяпти, акс ҳолда бир чеккада эътиборсиз қолиб кетаверар эди-да», деб ўзига ўзи таскин берарди. Шундай кезларда Мадинахоним унинг кўнглини кўтарар, асар хусусида фикрлар қўзғалгани маъқул, деб уни овутарди. Бу етмаса ярим ҳазил, ярим чин оҳангда ашула айтиб хаёлини чалғитарди.

— Ман Баҳруз¹ хаёли бир рассом ўлсайдим,
Гўяр чин алини чакардим сани.
Товлонинг устина булутдек ҳана,
Сиеҳ тэларингни чакардим сани.
Илҳом парисини чак десайдилар,
Зухро улдузини чак десайдилар,
Илҳом парисини чак десайдилар,
Гунаши ўзини чак десайдилар,
Гунаш жамолингни чакардим сани...

Шундай деб у кулар, Жамолзодага ҳазиллашарди...

— Билдингни, азизим. Рассом ўлсанг Баҳруз хаёли ўл, йўқса ижод заҳмати чакмаинг на лозимди?!

Жамолзоданинг чеҳраси ёришиб, Мадинахонимнинг пешонасидан авайлаб ўпиб қўярди...

V

Ботир эрта уйғонди. Одати шунақа: бирон жойга борса кўниккунча бир-икки кун яхши ухлаёлмайди. Кеч ётади, эрта туради.

Шифтга қараб ётиб ўйга толди. Ҳадемай отланадиган сафари ҳақида ўйлади. Кўккўлни жуда мақташади. Ростданам гўзал жоймикан? Ўзимизнинг Омонқўтонга, Шоҳимардону Бахмалга ўхшаган жойлардир-да. Хаёлан Кўккўлни Қўлиқуббонга менгзади.

Фикрлари айланиб Гулгинага келди. Уни ўйлаши билан юраги ўйнаб кетди. Самолётда Сочидаги илк учрашувдан буён хаёлида Гулгина... Аммо у-чи? Се-

¹ Баҳруз Кангарли — XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб ижод этган озарбайжон мумтоз рассоми.

вармикан? Ўшанда аниқ бир гап айтмади-ку. Нима учун йиғлади ўшанда? Ёки бирон яхши кўргани бормикан? У ҳолда нега очигини гапирмади?..

Энди дадил айтади дардини. Аниқ жавобини сўрайди. Жамолзодага кўнглини очади. Аслида шунинг учун келмадими Бокуга... Турмушга чиқмагани аниқ. Отасиникида экан-ку.

«Гулгина... У Ўзбекистонга кетишга кўнармикан?... Менинг ота-онам нима дейди ҳали... Тақдиримиз қўшилган бўлса нима қипти. Кечаги кишининг ўғли ҳам шу ердан уйланыпти экан-ку...»

Бу саволу ўйлардан унинг боши ғовлаб кетди. Ўйлайверса охири йўқ, бири бирини етаклаб келаверарди. У ўрнидан туриб бир оз бадангарбия қилди-да, ювингани ваннахонага ўтди...

Ботир уч йил олдин университетни битирди. Ҳамон бўйдоқ. Ота-онаси қачондан бери қистайди уйлангин, деб. Бугун бу дейди, эрта у. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб борапти. Унча-мунча қизлар ёқмайди. Бирини озгин деса, иккинчисини семиз, дейди. Бошқасининг сочи ёқмаса, яна бири пакана. Сенга осмондаги ойни қаердан оламиз деб, отаси-онасининг жаҳди чиқади. Кошки шунга яраша ўзи қизларнинг ақлини шошириб қўядиган даражада хушрўй йигит бўлса экан. Қотма, қорача юзларида катта-катта кўзлари ўйнаб турибди, озгинлигидан новча бўйи яна новчароқ кўринади. Шу ҳолига бу кишининг диллари нозиклигига, талаблари юксаклигига ўласанми...

Хўш, йилда бир насиб этадиган, одамлар кеча-ю кундуз орзиқиб кутадиган отпускани олиб, Боку кўчаларида нега дайдиб юрибди? Севгининг қудрати эмасми бу?

У кийиниб бўлгач, соатига қаради: етти ярим. Ў-ҳу, ҳали барвақт-ку.

Столдаги «Баку» деган йўл кўрсаткичнинг тахини ёзиб кўз югуртирди. У ҳали фикрини жамлаб улгурмаган ҳам эдики, эшик тақиллади. Чўчиб тушганидан қўли титраб кетди. «Келди, яхшиям эртароқ турганим...» У эшик томон йўналди.

Улар шаҳардан чиқишганда соат энди саккиз ярим эди.

— Бу ёғида юриш осон, — деди Гулгина Ботирга ўтирилиб. — Шаҳарнинг ичида транспорт кўп, одамнинг асаблари толиб кетади. Шаҳарда икки соат юр-

гандан кўра мана бунақа йўлдан икки юз километр жойга бориш осонроқ.

Машина тобора тезлашади. Бундан Гулгинанинг ўзи ҳам завқ олади шекилли, ўриндиққа жойлашиброқ ўтирди-да, тезликни баттар оширди. Унинг нозик қўллари руль чамбарагини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга энгил айлантлар, ҳаракатлари аниқ ва эпчил эди. Гулгинанинг орқасида ўтирган Жамолзода ўнгга — Ботир томонга бурилди.

— Хўш, Ботир, қалай дам олдинг?

— Яхши, Жалил муаллим, ташаккур, — деди Ботир.

— Тўғри Кўккўлга борамизми ёки йўлдаги шаҳарларни ҳам кўриб ўтамизми?

Ботир кулди:

— Тошкентга учадиган самолётга чиққунимча инонихтиёрим сизда, унинг калити билан рули эса Гулгинахонимнинг қўлида. Нариги дунёга десангиз ҳам кетавераман. Миқ этиш йўқ.

Жамолзода ўзининг кечаги гапини эслаб жилмайди. Гулгина эса шарақлаб куларкан, Ботирга юзланди.

— Яхши айтдингиз, Ботир муаллим. Ҳозир иккалангизниям тақдирингиз менинг қўлимда.

Учови баравар кулишди.

Машина шамолдек елиб бормоқда. Ботир атрофни кузатади. Чор-атроф кўм-кўк, боғ, токзор. Ажойиб манзара. Ғир-ғир шабада.

— Демак, гап бундай, — деди Жамолзода жимликни бузиб. — Йўлда ҳамма жойда тўхтаб юрмаймизу фақат Мингечаурга кириб ўтамиз. Ўша ерда овқатланамиз. Яхши балиқлар бор. Хоҳласанг чўмиламиз, катта сув омбори бор. Маъқулми, Гулгинахоним?

Гулгина бош ирғаб тасдиқ ишорасини билдирди. Жамолзода Ботир томонга бурилиб гапида давом этди.

— Мингечаурга кирайлик деганимнинг сабаби у бутун Кавказнинг қоқ маркази ҳисобланади. Ҳа, дарвоқе, — деди у муҳим гап эсига тушгандай сергак тортиб. Қалин, узун сочларини бармоқлари билан орқага тараб ташлади. — У ерда санинг бир юртдошинг бор. Ман уни яхши танийман. Тўқимачилик корхонасида ишлайди. Шаҳардаги маданият саройида маним шахсий кўргазмам очилганда келган, тантанали йиғилишда сўзга чиққан эди. Истасанг топиб суҳбатлашамиз.

Бу гап Ботирни қизиқтирди. Рост-да. Ўзбекистон-

дан қанча олисда — Кавказнинг қоқ марказида ўз ҳамшаҳарини учратиш қизиқда.

— Майли, борамиз, — деди Ботир.

Жамолзода кулди.

— Ўзим ҳам йўқ демасанг керак, деб ўйловдим. Томирингда ҳақиқий ўзбек қони оқар экан.

Ботир Жамолзодага синовчан назар ташлади.

— Нега ундай деяпсиз?

— Акс ҳолда бефарқ ўтиб кетаверар эдинг-да, — деди Жамолзода. У шошилмай, ҳар бир сўзни салмоқ-лаб гапирди. — Ҳа, бир ўзбек юртошим бўлса бўпти-да, деб қўя қолишинг мумкин эди-ку. Ўз халқи, унинг тақдири, келажаги учун жон куйдирган одамгина қаердаки юрти ҳақида сўз кетса шундай сергак тортади.

Ботир бир оз хижолат тортди.

— Йўр-э, жуда ошириб юбордингиз.

Сухбатта Гулгина кўшилди:

— Камтарлик қилмай қўя қолинг. Ботир муаллим, Жалил муаллим рост айтяпти.

Гулгинанинг гапидан кейин Ботир баттар хижолат чекди. Умуман, Гулгинанинг ҳар бир гапи Ботирни довдиратиб, жавоб топишга шошиб қолмоқда. Хайриятки, бу сафар бирон нима дейишга ҳожат қолмади, гапни Жамолзода илиб кетди.

— Биласанми, Ботир, камтарлик — яхши, ҳадеб бўлса-бўмаса мақтанавериш, кўкракка уравериш одобдан эмас. Лекин, очигини айтсам, ҳар бир нарса меъёрида бўлгани маъқул. Жумладан, камтарлик ҳам. Ортикча камтарлик ҳам яхшиликка олиб келмайди. Нима, сан ўйлайсанки, камтарлигингни ҳамма тўғри тушунадими? Йўқ, кечирасан, сан бир чеккада қолиб кетаверасан, аллақандай истеъдодсиз, лўттибоз одамлар устингдан босиб ўтиб кетаверади. Бу ҳам етмагандай санинг устингдан кулади. Шунинг учун одам ўз қадри-ни билиши керак. Вақти келганда ўзининг кимлигини, нимага қодирлигини кўрсатиб ҳам қўймоқ зарур.

Унинг жўшиб, ҳатто асабийлашиб бораётганини сезган Гулгина радио кулоғини буради-да:

— Бўлди! — деди Жамолзодага ўтирилиб. — Маъруза тамом! Энди мусиқа эшитамиз.

Радиодан шўх қўшиқ янгради:

Ман бир ушаг, ман бир ушаг,

Сан бир ана, сан бир ана,

Озарбайжон, Озарбайжон, Озарбайжон.

— Зайнаб Хонларова-ку, — деди Ботир.

— Ёқтирасанми? — ашулани эшитиб Жамолзоданинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Ҳа, жудаям яхши кўраман. Умуман, бизда уни кўпчилик ёқтиради. Жуда оммалашиб кетган.

Гулгина, кўшиқ тугамай, радиони ўчирди.

— Нега ўчирдингиз, Гулгинахоним? — деди Ботир. — Яхши куйлаяпти-ку.

Гулгина афтини бужмайтириб:

— Манга ёқмаяпти, — деди.

Ботир индамади. Нима ҳам десин. Ботирнинг назарида Гулгина санъатнинг ҳамма соҳасини нозик тушунар, кадрлар, яхши-ёмонини одилана фарқлай олар эди. Унинг ҳозирги гапидан кейин ўша фикридан қайтди. «Йўқ, янглишган эканман! У санъатнинг бошқа турларини билмадиму, аммо кўшиқни тушунмас экан. Бўлмаса, Зайнаб Хонларовадай хонандани ёқтирмайдими?»

Унинг бир оз ранжиганини Жамолзода сезди. Чунки Ботир ўйчан, ҳатто ўзи билмаган ҳолда қош-қовоғи осилиб қолган эди.

— Очиб қўй радиони, — деди у қизига. — Санга ёқмаса бошқаларга ёқади. Меҳмон эшитмоқчи, ахир.

— Йўқ, шарт эмас, — деди Ботир. — Мен кўп эшитганман.

Гулгина чап елкаси оша отасига бир ўқрайиб қаради-да, радиони очди. Ҳамон Зайнаб куйларди:

— *Билмам мани у на учун отмиш, унутмиш,
Отган агосини гурбан ўлдиғим.*

Баҳс ораларидаги суҳбатга сув сепди. Гурунг сови-ди. Ҳамма ўз хаёли билан ёлғиз қолди...

Кўринишиданоқ янги эканлиги, йигирма беш-ўттиз йилларнинг нари-берисида қурилгани сезилиб турган шаҳарга кириб боришганда вақт пешинга яқинлашган эди.

Гулгина машинани ўнганта бурди. Бир оз юргач, қуюқ дарахтлар орасидаги ошхона олдига тушишди. Ўртада фаввора. Унинг атрофига стол-стулар қўйилган. Салқин. Йўлдан, хусусан, иссиқ кунда келган одамнинг тани ором олади.

— Шу ерда овқатланамиз. Сал нафас ростлаб, кейин кўлга борамиз. Сўнгра тўқимачилик корхонасига ўтиб, санинг ҳамшаҳарингни кўрамиз, — деди Жамолзода. — Маъқулми?

Ботир тасдиқлади. Гулгина фавворадан отилаётган сув заррачаларига юзини тутиб ўйнарди. Унинг ҳаракатлари гўё ёш бола каби эди. Ботир қизни зимдан кузатаркан, бориб унга сув селиб ўйнашгиси, Гулгинанинг кайфиятини кўтаргиси келди.

Жамолзода билан Ботир чеккадаги столга бориб ўтириши ҳамано бир ёш йигит югуриб келди.

— Салом, Жалил муаллим. Хош галямишсиниз.

— Ай, соғ ўл, — деди Жамолзода, — таниш ўлинг, маним кўноғим, Ўзбекистондан, Ботир.

Йигит Ботир билан кўришар экан:

— Чўх яхши, сиз ила таниш ўлангидан чўх роизям, — деди.

Жамолзода йигитга нималарнидир тушунтирди.

Ботир уларнинг гапига унча аҳамият бермади. Унинг нигоҳи ҳам, хаёли ҳам Гулгинада эди. У ҳамон фаввора атрофидаги қумуш заррачаларга юзини, қўлини тутиб ҳузур қиларди. Унинг юпқа ҳиндий кўйлаги намланиб кетган, аммо қиз буни сезмасди. Чамаси, иссиқдан келгани, машина ҳайдаб чарчагани учунми бу заррачалар унга хуш ёқар, у жажжи қизалоқ каби ҳамма нарсани унутиб, атрофдаги одамларга ҳам парво қилмай сув ўйнарди.

Бояги йигит бир зумда стол устини турли нознеъматларга тўлдирди. Узун чинни идишда балиқ келтирди. У гўё тирикка ўхшарди, ёнларига кўкатлар кўйилган. Ботир ажабланиб қаради. Буни сезган Жамолзода изоҳ берди:

— Бу ерда балиқни шунақа пиширишади. Худди тирикка ўхшайди-а. Аммо ичи тозаланган. Бир чеккасидан кесиб ейилаверади.

Балиқ анча катта, тахминан уч-тўрт килоча келарди.

— Ажойиб экан, — деди Ботир ҳайратини яширолмай.

Жамолзода балиқнинг ярмини майдалаб кесди.

Гулгина ҳамон келмас, фавворанинг нариги тарафига ўтиб кетганди. Жамолзода уни чақирди:

— Гулгинахоним, гал бура.

Гулгина отасига деди:

— Сан ҳардан билирсанки, бу су на роҳатди?

— Хўрак емак истамайирсан?

Гулгина гўзал чехрасидаги марварид доналари каби сув томчиларини арта-арта булар томон юрди.

У Ботирнинг қаршисидаги стулга келиб ўтирди...

Улар сув омборига келишганда вақт пешиндан оққан эди. Сув омбор дегани денгиздай поёнсиз, чайқалиб ётарди.

— Жуда катта экан-ку, — деди Ботир куз илғамас уфққа қараб.

— Ҳа, чўх буюк кўл. — Жамолзоданинг сўзларида фахр-итиҳор туйғулари бор эди. — Эни ўн етти, бўйи етмиш километр.

— Ўҳў!

Ҳув нарида катер кўринди.

— Жалил муаллим, катерга тушамизми? — деди Гулгина.

Жамолзода Ботирга қаради. Ботир ҳам шуни истаб турган, Гулгинанинг таклифи айнан унинг кўнглидаги гап эди. Шу боис ҳеч иккиланмай рози бўлди.

Ўша томонга юришди. Жамолзода катер ҳайдовчисини имлаб чақирди.

Катер кўлнинг ўртасига қараб шитоб билан сузиб борарди. Бу жуда ҳам гаштли, одамнинг завқини келтирарди. Ботир кўл соҳилларига кўз югуртирди: кўм-кўк. Унинг нигоҳи Гулгинага тушди. Қиз ҳам атрофга завқ ила боқар, кўринишидан ички бир ҳаяжон туйғуларини жўш урдирарди. У ўзини босолмади, овозини баралла қўйиб шеър ўқиди:

— *Қўй, эй булбул, тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдир.
Бу ерларда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдир.*

Жамолзода унинг шеър ўқишидан завқланиб ўтирар, Ботир эса Гулгинанинг шамол тўзғитаётган сочларидан, нозик қўлларининг нафис ҳаракатларидан кўз узолмасди. Қиз эса тобора жўшиб шеър ўқирди. Бу шеър бултур Қора денгиз соҳилидаги суҳбатни ёдига солди.

Чамаси, Гулгинанинг ҳам эсига ўша суҳбат тушди чови, шеърни тутатди-да, Ботирга қаради.

— Сизда гўзал ўқижорсиз, Ботир муаллим. Бир шеър ўқинг. На ажаб манзара бу.

Жамолзода уларнинг суҳбатини тинглаб, кулиб ўтирарди. Бу жойларнинг гўзаллигини, кўлда сайр қилиш завқли эканлигини у билади, кўп бор туйган бу туйғуни. Бироқ бу сўлим соҳилларга келавериш, асар чизиш асносида унга термилавериш, ҳаммаси таниш бўлиб, бирмунча кўникиб кетган. Аслида шундай, ҳар қандай

гўзал жойни ҳам одам қайта-қайта кўраверса, унинг гўзаллигига кўзи ўрганиб қолади.

— Ўқи, Ботир, — деди Жамолзода ҳам, — ўзбакча ўқи, бир эшитайлик.

Ботир қиздан нигоҳини ололмас, гўё унинг сеҳрига тушиб қолгандай эди. Ўша ўтиришда ғазал ўқий бошлади:

— *Қайси уйнинг шамидир у, қайси жойда хонаси,
Ўртада жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?*

Ботир худди бу сўзларни ўзи Гулгинага айтаётган каби ўқиб, баъзан қўлини унга томон чўзиб юборганини ўзи ҳам сезмай қоларди:

— *Ёраб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олий нишон,
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?
Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳам паймонаси?*

Гулгина Ботирнинг ғазал ўқишини завқ билан кутатар, мисраларга тизилган шўхчан оҳанг дилини яйратарди.

Ботир ғазални тугатгач, Гулгина ҳаяжонини яширолмади:

— Чўх гўзал ғазал! Ташаккур сиза, Ботир муаллим. Маним урайима зарофат бахш этди. Чўх соғ ўлин!

Бир соатлардан кейин улар шаҳарга йўл олишди. Гулгина кайфияти кўтарилган, йўлда унинг кўнгли узра тушган хира ғубор батамом тарқаб кетган. Энди у машина рулини завқ билан бошқарарди, гўё ҳозир ашула айтиб юборадиган ҳолатда.

Уларнинг машинаси Мингечаур тўқимачилик корхонаси олдида тўхтади.

— Сизлар ўтириб туринглар, ман сўраб чиқай-чи, Фаридахоним шу ердамикан, — деб машинадан тушиб кетди Жамолзода.

Гулгина ўнг қўлини ўриндик суянчигига ташлаб, Ботир томонга ўтирилди.

— Қандайсиз, Ботир муаллим? Зерикмаяпсизми?

— Йўқ, — деди Ботир. — Сиз билан юрсам ҳеч маҳал зерикмайман.

Қиз қиқирлаб кулди. Ботир унинг кулгиси маъносини тушунолмади.

— Шунақа денг, — Гулгинанинг қошлари чимирилди. — Гапга жуда чечан экансиз.

Ботир дил изҳорига жавоб олиш пайти келди, деб ўйлади-да, гапни илиб кетди.

— Гулгинахоним, менинг бултур айтган гапим эсингиздами?

Қиз унга савол назари билан қаради. Бу қараш замиридаги ишва йигитнинг юрагини ўртаб кетди. Бехитёр қўлини унинг қўлига қўйди.

— Соҳилдаги гап-чи? Жавобини айтмовдингиз... Мен шунинг учун келдим.

Ўша мулоқот қизнинг ҳам ёдига тушди. Бироқ нима деб жавоб беришни ўйлагунча рўпарада Жамолзода кўринди.

— Айтинг, — деди Ботир шошиб.

— Жалил муаллим... — деди қиз.

У ўттиз ёшлардаги кўҳликкина жувонга нималарнидир тушунтириб келарди.

Ботир машинадан тушиб уларга пешвоз юрди.

— Хайрият, Фаридахоним шу ерда экан, — деди Жамолзода.

— Марҳамат, танишинглар.

Фарида Ботир билан қўл бериб кўришди. Ҳолаҳвол сўрашдилар. Фарида меҳмонларни уйига таклиф этди.

Ботир учун Жамолзода жавоб берди:

— Йўқ, ташаккур сизга Фаридахоним, биз кеч қоламиз. Кўккўлга боряпмиз. Ботирни бир томоша қилдирайлик, деб олиб юрибмиз.

— Кўккўл жуда гўзал, чиройли жой. Элдор бизни тез-тез олиб боради у ёққа, — деди Фарида.

Улар хайрлашиб йўлга тушишди.

— Қайтишда тушинглар бўлмаса бизникига. Хўпми, албатта, келинглар, кутамиз.

Гулгина ҳайдаб бораётган «Волга» юз метрлар чамаси юргач, ўнгга бурилди. Фарида унинг ортидан термилиб қолди...

VI

Эътибор берганмисиз, на қуруқликда, на ҳавода-ю на сувда текис йўл бор. Машина-ку тинмай силкингани майли — унинг гилдираги ер узра айланади, аммо самолёт билан кема-чи? Уларга нима халақит беради? Бўм-бўш ҳавода учиб бораётган самолёт бирдан нотекис йўлга тушиб қолган машинадек тўқир-тўқир қила-

ди, бир кўтарилади, бир пастга тушади. Кема ҳам шу — гоҳ тинч сузади, гоҳо бешиқдай чайқалади.

Инсон ҳаёти ҳам ана шу йўлларга ўхшайди: баъзан бир текис, силлиқ давом этади, баъзан остин-устун бўлиб кетади.

Жалил Жамолзода билан Мадинахонимнинг ҳаёти ширин, улардан бахтли одам йўқ эди. Муҳаббат бобида ҳам ҳавас қилса қилгудек эди улар. Лекин бу ширин ҳаёт узоқ чўзилмади. Уларнинг турмуш қурганига беш йилдан ошди. Шу йиллар давомида икковининг ҳам бир нарсадан кўнгли ярим. Бу — фарзандсизлик доғи. Жамолзодадан ҳам кўпроқ Мадина эзиларди. У ажойиб ўғил-қизлар кўришни, улар отаси каби истеъдодли бўлишини орзу қиларди. Жамолзода уни не-не врачларга кўрсатмади. Йиллар ўтаверди, бироқ натижа йўқ. Жамолзода унга таскин беради: «Майли, сан сиқилма, бир кунмас-бир кун фарзанд кўрамай. Борди-ю, пешонамизга фарзандсизлик ёзилган бўлса, унда ҳам қайғурма. Энг муҳими, ман сани севаман, манга кўрсатаётган яхшиликларингни, фидойилигингни сира унутмайман. Яратган асарларим — бизнинг фарзандларимиз... Хотиним туғмади, деб ман мутлақо ранжимайман...»

Таскин керак, таскин яхши. Лекин таскиннинг ўзи билан иш битмайди-да. Шундай онлар бўладики, фарзандсизлик дунёдаги энг катта бахтсизлик экани рўй-рост билинади. Ана шунда жамики омаду бахтлар бир пулга айланади. Одамнинг дунёдан воз кечиб юборгиси келади.

Эртаю кеч ижод билан машғул Жамолзода эҳтимол бундай ҳолга тушмагандир. Аммо Мадинахонимни бунақа туйғу неча бор ўраб-чирмаб олган — ёлғиз унинг ўзи билади.

Йиллар ўтган сари унинг ўйлайдигани шу бўлиб қолди. Жамолзода хотинининг ҳаёлини чалғитишга қанча уринмасин, таскин бериб, овутмасин, фойдаси йўқ. Ёлғиз қолган кезлари йиғлаётган дилининг охи кўзёшларга айланиб ташқарига сизиб чиқади. «Ман бахтсиз аёл эканман. Ўзим бахтсиз бўла қолсам ҳам гўрға эди, бир йигитнинг ҳам бахтини қаро қилдим. У мани қанчалик яхши кўради. Ўзим-чи? Усиз ҳаётим қоронғу. Ўзига ўхшаган ақлли, истеъдодли йигитлар ато этаман, деб ният қилувдим... Қани улар?!»

Дунёда ҳамма дарднинг давоси бордир эҳтимол. Лекин бу дарднинг давоси ҳали топилгани йўқ.

Унинг давосини топганга Мадина бутун борлигини, мол-мулкни беришга тайёр. Фақат фарзанд кўрса, суюкли эрига паҳлавон ўғил туғиб берса бас. Булар орзу, хаёл эди, холос.

Жамолзода узоқ районларга ижодий сафарларга кетганида Мадинахоним ҳайҳотдай ҳовлида ўтириб эртадан кечгача хаёл сурарди. Қани энди мана шу ҳовлида рассом Жалил Жамолзоданинг ўғил-қизлари қий-чувлашиб юришса. Униси бориб отасининг чала ишини ағдариб юборса, буниси бўёғини тўкиб ташласа... Мадинахоним уларни уришмасди, баъзи оналарга ўхшаб қарғамасди. Юмшоқ жойларига астагина уриб ағанаган эскизларни жойига — Жамолзода қандай ўрнатган бўлса шундай тўғрилаб кўярди, бўёқ тўкилган полни ёв тушса ялағудек қилиб артиб оларди. Эри командировкадан чарчаб келганда болаларининг бири у елкасига, бири бу елкасига осилса майли эди. Мадинахоним уларга танбеҳ берар эди: «Тинч ўтиринглар, отанг толиқиб келган, дам олсин». Жамолзода хахолаб кулади: «Кўя-вер Мадина, ўйнашаверсин, чарчаганим йўқ. Буларнинг ўйинини кўрсам чарчоқдарим тарқаб кетади, руҳим енгиллашади...»

Бу ўй-хаёлларнинг охири кўринса экан. Ҳаммаси сароб, мисоли туш...

Темирни занг чиритади, одамни вам қаритади, деганлари рост. Тубсиз ўйлар аста-секин Мадинахонимни қурт каби емирди. У ичини қурт еган нақш олмага айланди. Сиртдан қарасангиз, яшнаб турибди, аммо ичи... Ичидан завол кетган ҳар қандай нарсанинг ҳам, жонзотнинг ҳам умри қисқа. Ҳаётнинг шафқатсиз бу қонуни Мадинахонимни ҳам четлаб ўтмади. У хафақон касалига чалинди, Бу Жамолзодани қаттиқ ташвишга солди. Энди унинг хаёлини фарзандсизлик доғидан кўра хотинини бу хасталиқдан фориг этиш банд қилди. Кўп врачларга, таниш профессорларга кўрсатди. Ҳаммасининг фикри бир: сиқилмасин, ҳеч нарсани ўйламасин, ўйнаб-кулиб юрсин. Бу насиҳатларни эшиттавериб Мадинахонимнинг қулоқлари том битди. Лекин бир лаҳза ҳам ўйламай туролмайди. Эри билан гаплашиб туради-ю, хаёли бошқа нарсаларда бўлади. Бунини Жамолзода сезади, лекин иложи қанча. Бировнинг хаёлини жиловлаб бўлмаса...

Мадинахонимни шу дарди бедаводан фориг этиш учун турли жойларга саёҳатларга, курортларга олиб

борди. Шунинг билан деб ойлаб қўлига мўйқалам олмади. Кошки лоақал қилча фойда берса, Мадинахонимнинг қарашлари сўлгин, юзлари ғамгин бўла борди. Ейдиган таомининг тайини йўқ. Ҳаракатлари ҳам олдингидай чаққон, абжир эмас. Баъзан Жамолзода уни зимдан кузатиб ўтиради-да, юрак-бағри эзилиб кетади. Пешонаси шўр одам эканман, деб тақдирдан нолийди...

Шу ўйлар, фикрий олишувлар билан бир неча йил ўтди. Бу йиллар Жамолзодага ҳам анча таъсир этди. Қўрғазмаларда унинг янги асарлари яккам-дуккам кўринадиган бўлиб қолди. Буни санъатшунослар, мухлислар, касбдошлари сезмаслиги мумкин эмасди. Шу боис аста-секин унинг ижоди хусусида турфа фикрлар қўзғалди. Кимдир нафасни ростлаш даври деди, яна кимдир жиддийроқ асарга қўл урғандир деса, бошқаси йўқ, унинг истеъдоди сўнди, яратадиганини яратиб бўлди, деган фикр билдирди.

Тешик қулоқ — бу гаплардан Жамолзоданинг ўзи ҳам беҳабар қолмади. Бу оламда ижодкордай нозик, таъсирчан одам кам. Жамолзода эса ўзининг қатъияти, иродасининг мустаҳкамлиги, унча-мунча гаплардан устун юра олиши билан кўпчиликни ҳайратга солган. Уша дастлабки тарихий асарлари, хусусан Бобакка бағишланган асари намойиш қилинганда, улар ҳақида жиддий мунозаралар бўлганда Жамолзода ўзининг ана шу хислатларини ошқор этган ва худди мана шу жиҳати билан ҳаммани ҳайратга солганди. Сабаби — у на ижобий, на салбий фикрга муносабат билдирди. Устахонасидан чиқмай ишлади. Бу асари тўғрисидаги баҳс-мунозара тинар-тинмас иккинчисини намойиш этди. Мунозара оқими энди янги асарга қараб бурилади. Жамолзоданинг ўзи яна уфқда кўринмайди.

Шунда баъзилар қулди: Жамолзода арининг инини қўзғаб қўяди-да, ўзи панага бекиниб томоша қилиб ўтиради.

Бу гапларга аралашшдан не фойда. Ундан кўра ишлаш керак. Ҳар хил майда-чуйда, олди-қочди гапларнинг кетидан қувиб юриш ўрнига ишлаган, асар яратган маъқул. Бу мунозаралар ўтади-кетади, аммо асар қолади.

Жамолзоданинг шиори шу эди. Шунданми, мажлисларда чиқиб нутқ сўзлайвермайди, газета-журналларга кетма-кет интервью беравермайди...

Хаста хотинининг саломатлиги йўлида елиб-юрган

йиллари ҳам ўзи ҳақида пайдо бўлган фикрларга, қарашларга эътибор бермади. Қайси бир одамга, эй, азизим, маним талантим сўнгани йўқ, ҳали кўплаб бақувват асарлар яратишга қурбим ҳам, куч ва истеъдодим ҳам етади, фақат оилавий шароитим чатоқ, кўнглим нотинч, шунинг учун қўлимга мўйқалам ушлаёлмаяпман, агар билсанг, устахонага киришга вақт тополмаяпман, деб айтиб чиқади. Бунинг иложи йўқ! Майли, ким нима деса деяверсин. Вақти келиб ҳамма фикрлар ёлгон, унинг истеъдодига нисбатан бўҳтон эканлигини исбот этади. Бунга унинг ишончи комил. Фақат суюқлиси Мадинахоним тезроқ соғайиб кетса бас.

Бироқ бу кунлар ҳали у қадар яқин эмаслигини, аксинча олдинда ҳозиргидан кўра оғирроқ ташвишлар кутиб турганини у билмасди. Қаердан билсин?..

Юраги сиқилиб юрган кунларнинг бирида ярим кечаси уйғониб кетди. У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди, уйқуси келмади. Охири Мадинахонимни уйғотиб юбормаслик учун аста ўрнидан турди-да, устахонасига ўтди. Анчадан бери чала ётган ишини давом эттирмоқни хаёл қилди. Бир ойлардан бери интизор ётган мўйқаламини кўлга олди. Ўзининг энг яхши кўрган шоири Фузулий портретини ишлаётган эди. Чала портретга олисдан термилди, узоқ термилди. Қайси жойга қайси ранг ишлатишни ўзича тасаввур этди. Фузулийнинг «Сўр» радифли ғазалини хиргойи қилганча ишга киришди: «Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр...»

У ишини, ижодини, бўёқлар ҳидини соғинган эди. Узоқ ишлади, илҳом билан, берилиб ишлади, ҳузур қилди. Тонг отиб, чошгоҳ бўлиб кетганини ҳам сезмади. Ҳар кун тонг билан уйғониб уни чойга чақирадиган Мадинахоним бугун негадир жим. Балки ишига халақит бермай, деб бу одатини тарк этдимикан? Ундай деса ҳовлида шарпаси ҳам эшитилмайди-ку. Ёки қаттиқроқ ухлаб қолдимикан?

Жамолзода мўйқаламини жойига қўйди, қўлининг бўёқларини артди-да, устахонадан чиқди. Ҳовли, ошхона томон ҳам сув қўйгандек жимжит. Унинг юраги шувиллаб кетди. Нега турмади экан? Тез-тез юриб хобгоҳга кирди. Мадинахоним ўрнида ётар, аммо уйғоқ эди. Хайрият, деди ўзича.

— Узоқ ухлаб қопсанми, азизам? — деди хотинининг ёнига бораркан.

— Сиз шу ердამидингиз? — Эрининг бўёқ қўлларига кўзи тушди-да: — Ишладингизми? Маним дардим билан овора бўлиб ишингиз ҳам қолиб кетди, — деди.

Мадинахонимнинг овози жуда хаста чиқди.

— Санга нима бўлди, азизам? — Жамолзода шундай деб, хотинининг пешонасига қўлини қўйди. — Ис-сиянинг борга ўхшайди-ку. Врач чақирайми?

Мадинахоним чап қўлини кўрпадан чиқариб эрининг бўйнига ташлади.

— Ўнг қўлим билан ўнг оёғим тошдай оғир, қимир-латолмаяпман. Турай десам, туролмадим. Қарасам, сиз йўқсиз, келишингизни кутиб ётдим.

Жамолзода чап қўли билан хотинининг қўлидан олди, ўнг қўлини унинг орқасидан ўтказиб туришига ёрдамлашди. Аммо Мадинахоним туролмади... Унинг ўнг томони — бошдан-оёқ шол бўлиб қолган эди.

Шу куни улар бир-бирига термилиб йиғлади, узоқ йиғлади: «Бу кўргилик ҳам бор экан бошимизда». Фарзандсизлик, хафақон касали... Бу дардлар устига энди янги дард...

VII

Низомий Ганжавий мақбарасининг атрофи — икки-уч гектар ер панжара билан ўралган. Бу ерда турфа гуллар, дарахтлар. Низомийнинг мўъжазгина ҳайкали. Зинадан пастга тушилса, буюк шоирнинг қабри. Ботир Шарқнинг буюк шоирларидан бири — Низомий Ганжавий қабрини зиёрат қиларкан, Алишер Навоий, Бобур ҳақида, уларнинг қабри хусусида ўйлади. Уларнинг қабрини истаган пайтда бориб зиёрат қилишнинг иложи йўқлигидан афсусланди. Очиги, шу маҳалгача бу нарса унинг хаёлига келмаган эди. Ҳозир қадимий Ганжа тупроғида Низомий қабри устида шу ўй, шу афсус юрагини тирнаб ўтди...

Машина Низомий ватани Ганжага яқинлашди.

— Шаҳарда кўп тўхтамаймиз, — деди Жамолзода. — Вақт кеч бўляпти, ҳали яна элик километрдан зиёд йўл юришимиз керак. Қоронғи тушмай Кўкқўлга етиб олайлик.

Ганжа шаҳрини машинадан тушмай айланиб чиқишди. Жамолзода шаҳар ҳақида йўл-йўлакай қисқача гапириб берди.

Шаҳарда ўтмишни эслатувчи бинолар, мадрасалар,

кўчалар кўп эди. Ботир машина ойнасидан гоҳ ўннга, гоҳ сўлга термиларкан, қачонлардир мана шу йўллардан улуғ Низомий юргандир, эҳтимол ана у бинога киргандир, деб ўйлади.

Куёш парпара бўлганда Гулгина эпчилик билан бошқариб бораётган машина Фарб томонга йўл олди. Тахминан ўн-ўн беш километрлар юргач, тоғ бошланди. Йўлнинг икки томони қуюқ ўрмон. Ҳаво салқин. «Волга» ана шу ўрмонзор ичидан ўнгу чапга абжир бурилиб, кийикдай учиб тобора юқорига кўтарилиб бормоқда.

Қош қорайганда манзилга етиб келишди. Машинадан тушиши билан Ботирнинг юзига муздай шабада урилди. Ганжада ҳаво иссиқ, битта кўйлақда терлаб кетаётган одам бу ерда кастюмсиз совқотади.

— Жуда салқин-ку, — деди Ботир.

— Бу ерда ҳаво доим шунақа салқин бўлади. Мана шу биз турган жой денгиз-сатҳидан бир минг саккиз юз метр баланд. — Жамолзода Ботирнинг қўлигидан олиб олдиёвга бошлади. — Ана Кўккўл. — Рўпарасида катта кўл кўринди. — Биласанми, бу кўлнинг пайдо бўлиши ҳақида бир ривоят бор. Айтишларича, XII асрнинг ажойиб кунларидан бирида кечаси жуда қаттиқ зилзила қўпган эмиш. Ўша зилзила натижасида мана шу тоғларда еттига кўл пайдо бўлган. Кўккўл уларнинг энг каттаси. Шунинг учун уни кўллар қироли дейишади. «Қирол»нинг чуқурлиги юз метргача боради.

Ривоятнинг энг қизиқ жойи шундаки, — деб ҳикоясини давом эттирди Жамолзода, — ўша зилзила кечаси Низомий туғилган эмиш.

Ботир бу ривоятда чуқур рамзий маъно кўрди. Низомий ва мана бу кўл. Бири одамларга оби-ҳаёт берса, иккинчиси маънавий озиқ бахш этади. Бири кўллар қироли, иккинчиси шеърят қироли. Бунинг устига иккаласининг ҳам умри боқий, асрлар давомида халқ хизматида...

Йўл юриб толиққан эдилар, вақтлироқ ётишди.

Одатига кўра Ботир барвақт турди. Жамолзода микиб ухларди. Уни безовта қилмаслик учун аста ташқарига чиқди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтибди. Ҳаво тоза, қаймоқдай. Салқин этни жунжиттиради. Атроф шу қадар сокинки, ҳув нарида юрган одамнинг қадам шарпаси эшитилади.

Ботир меҳмонхонанинг чап томонига ўтди. Қаёққа қарамасин, кўм-кўк. Кўз яшнайдди, дил қувнайдди. Ўт-

ўланлар, дов-дарахтлар тунги ёмғирдан зумрад зираклар тақдан. Қуёшнинг акси тушган шабнамлар эса кумуш каби ялтираб, кўзни қамаптиради. Дарахтлар оралаб симтўр тортилган. Унинг ичида жайронлар, охулар юрибди. Улар тонгги қуёш нурига ўзини тоблайди. Ботир симтўрга яқинроқ борди. Ундан бир қадамгина нарида оппоқ оху. У чиройли кўзларини Ботирдан узмайди. Оху кўзлари... Унинг кўзларини қизларнинг кўзига ўхшатиш керакми ёки аксинча, қизларнинг кўзини унинг кўзига қиёслаш маъқулми. Бир биридан гўзал. Ботир оху кўзларини сира кўрмаган эди. Чиндан ҳам чиройли экан. У бунақа мафтункор кўзни умрида биринчи марта кўриши. Табиатнинг қудратига қойил қолди.

Жайрон ҳам, оху ҳам Ботирдан ҳайиқмас, ҳуркмасди. Қайтанга ундан нимадир умидвор сингари симтўрга яқинроқ келди. Ботир тўр устидан аста қўлини узатди. Оху чиройли бўйинини чўзиб, унинг қўлини яламоққа тутинди. Ботир охунинг юзларини, бўйинини силади. Силаркан аъзойи бадани жимирлаб кетди.

Бир оздан сўнг Ботир оху билан хайрлашди-да, кўл томонга юрди. Рўпарада баланд тизма тоғлар. Гўё бир неча туя қаторасига чўккандай. Тоғлар ҳам кўм-кўк. Фақат энг баланд чўққиларда дарахт йўқ: тош. Оралиқ-оралиқлар оппоқ кўринади. Улар — қуёш нуридан яшириниб қолган қорлар. Балки бу қорлар мангу эримас. Мана бу кўл сувларининг манбаи ўша чўққилардир.

Тор йўлак, ундан кейин сўнгсиз зиналар пастта, кўл бўйига олиб тушади. Ботир зинага қадам қўяркан, уни санай бошлади. Бир, икки... ўн, йигирма... юз... юз элик... икки юз... уч юз тўқсон, деганда қаердадир, узоқда эмас, унинг ёнгинасида булбул сайради. Ботирнинг хаёли қочиб, атрофга аланглади, қуюқ дарахтлар орасидан булбулни қидирди. Энди булбул овози ўнг томондан эшитилди. Бу ўшами ёки бошқасими? Қаёқдан билсин! Хуллас, булбулни кўзи илғаёлмади. Йўлида давом этди. У ёғида яна нечта зина бор — билмади, адашиб кетди.

Кўл — исми жисмига монанд — ҳаддан зиёд кўм-кўк эди. Унинг кўз илғаган жойигача соҳилига разм солди. Бирон-бир жойида на очиқ тупроқ, на очиқ тош кўрди. Гўё атайлаб экиб чиққандай кўлнинг бутун соҳили қалин дов-дарахт билан қопланган. Шох-шаббалар худди сув ичаётгандай кўлга эгилиб турибди. Қа-

рашнинг, кузатишнинг ўзи роҳат. Бу дунёнинг не-не гўзал жойлари бор-а! Ҳамиша ҳам шуларнинг қадрига етамизми? Бу каби гўзалликлардан баҳра ола биламизми? Табиатнинг ақл бовар қилмас сеҳру қудрати билан барпо бўлган гўзалликларни топтаётганлар йўқми? Кошки эди! Афсуски, бу гўзалликни ҳис қила олмайдиганлар, уларни бузиб, тракторларнинг, бульдозеру экскаваторларнинг шафқатсиз тишлари, оёқлари остида ғажиб ташлайдиган кимсалар бор.

Бу фикру хаёллар Ботирни ўзи туғилиб ўсган қишлоғига етаклади. Болалик йилларини эсга солди. Уларнинг қишлоғидаги уч-тўрт километр юқорида кенг тўқайзор, боғлар, тоқзорлар бор эди. Унинг тенгдошлари ўша тўқайзорларда қуён, тулки қувлаб юрардилар. Буталар соясида ухлаб ётган қуённи томоша қилишдан зиёд завқ борми?! Қизиги шундаки, қуён ухласа ҳам кўзи очиқ туради. Буни Ботир билмасди. Уйроқ экан деб ўйларди. Кейин — отасидан, акаларидан эшитиб билди бу сирни.

Ўша тўқайзор орасидаги стадионнинг ярмича келадиган ерга Ботирнинг отаси қовун-тарвуз экарди. Полизнинг бир тарафи тоқзорга туташ эди. Ўртадаги баланд сўрига ўтириб қуён, тулки, олмахонларни томоша қиларди. Уларнинг узум, қовун ейиши шунчалар завқли эдики, Ботир эринмай соатлаб кузатарди.

Улар қани энди?..

Тустовуқлар-чи? Ҳар қадамда оёқ остидан парт этиб катта-катта тустовққлар учарди. У шу қадар чиройли бўларди, айниқса хўрози — қип-қизил, унинг олдида товус ҳам ҳеч гап эмасди.

Қаёққа кегди улар?..

Ёввойи ўрдаклар, қозу тувалоқлар, каптарлар... Жарликка ин қўйган каптарларга улар белидан арқон боғлаб тушишарди. Кейин жарлик остидаги сойга тушиб чўмилишар, ўша ердан туриб каптарларни инига кириб-чиқишини, ғув-ғув этиб ўтиришини зерикмай томоша қилишарди.

Улар энди хотира бўлиб қолди...

У жойларнинг ўзига хослиги, бошқа ерларга ўхшамайдиган жиҳатлари бор эди. Улар йўқолди. Энди бу жойларнинг бошқа районлардан фарқи қолмади. Пахтазор, гўза ҳамма жойда бир хил...

Ботирларнинг қишлоғидаги ҳозирги болалар ёввойи қуённи билмайдилар, тулки билан олмахонни ҳайвонот

боғида кўришган. Улар тўқайзор оралаб оёғига тикан кириб кўён қувмайдилар, унинг узум ейишини томоша қилолмайдилар, белига арқон боғлаб жарга тушмайдилар. Ҳаммаси бекорчи гаплар, ортиқча ишлар! Ахир футбол турганда тўқайзорда нима бор? Каптар эмиш. Ана телевизорда жамики ҳайвонларни, паррандаларни кўрсатиб турибди. «Ҳайвонот оламида» деган кўрсатувнинг бир сонини кўрса қанча ҳайвонлар билан «танишади...»

Ботирнинг боши говлаб кетди. Қулочини кериб чуқур нафас олди.

— Боти-ир!

Бу — Жамолзоданинг овози. Чамаси, у Ботирни қидирарди. Ботир орқасига ўтирилиб, кафтларини оғзига карнай қилиб бақирди: «Мен бу ердама-ан!»

Зинапоянинг тепасида Жамолзода кўринди. У Ботирнинг товушини эшитди чоғи, пастга туша бошлади. Эшитмай-чи, бу ерда салгина овоз ҳам узоқ-узоқларга таралиб, акс-садо беради.

— Кўл билан сирлашяпсанми? — деди Жамолзода Ботирга яқинлашгач. — Боядан бери қидираман, йўқсан. Бегона жойда адашиб кетмадимикан, деб роса хавотир олдим.

Ботир:

— Ёш боламидимки, адашиб кетсам... Гулгинахоним қани? — деди беихтиёр.

— У қўриқхона томонга кетди. Ҳам оҳую жайронларни томоша қилмоқчи, ҳам сани қидирмоқчи.

— Ўҳў, намунча. Ишқилиб милицияга хабар бермадингларми?

— Сал топилмасанг, шундай қилардик. Кўлнинг суви ажойиб-а, деди Жамолзода сувга яқинроқ бориб. — Кўлнинг нима учун мунча кўм-кўклиги сабабини биласанми? — Унинг жавобини ҳам кутмай ўзи изоҳ берди: — Ўша зилзила рўй бермасдан олдин бу ерлар қалин арчазор экан. Кўлнинг тагида қолиб кетган арчалар. Шунинг учун кўл шунақа кўм-кўк.

Иккови соҳида бир оз айлангач, зинапоядан юқорига кўтарилди. Тушаётганда у қадар билинмаган эди, кўлнинг сатҳидан меҳмонхонагача анча баланг экан. Ярмига бормасдан иккови ҳам ҳансираб қолди.

— Ҳар куни эрталаб шу зинадан бир тушиб чиқса одам, — деди Жамолзода.

— Унда спортчи бўлиб кетиш ҳеч гап эмас.

Улар гаплашиб тепага чиқишди. Меҳмонхона олдида ҳеч ким йўқ. Эрталабки қуёш нури қиздира бошлаганди.

— Бу ерда доим шунақа одам кам бўладими? — деб сўради Ботир.

— Ҳа, — деди Жамолзода. — Умуман, бу ерга тунаб қолувчилар кам келади. Манзили узоқлар, санга ўхшаган меҳмонлар тунашади, холос.

— У ҳолда шунча катта меҳмонхона қуришнинг нима ҳожати бор эди?

Жамолзода Ботирга ғалати қараш қилди. Унинг боқиши маъносини Ботир тушунмади.

— Баъзан керак бўлади-да. Кўпроқ меҳмонлар келиб қолса, нима қилади? Унинг устига жуда унақа катта эмас-ку.

Ботир индамади, бошқа эътироз билдирмади.

— Қўриқхона томонга ўтайлик, — деди Ботир. — Гулгинахоним ҳайвонлар орасидан мени излаб юрган бўлмасин яна.

Қўриқхонанинг ёнидан тоғ томонга кетган ёлғизоёқ йўлдан юришди. Ҳадеганда Гулгина кўринавермади. Яна давом этишди йўлда. Элик-олтмиш қадамлар боришгач, Гулгина кўринди. У қўриқхонанинг нариги ёнида охуларга термилиб ўтирарди. Симтўрнинг ичкарисиди оху, ташқарисиди Гулгина. Ботир уларга тикиларкан, турли қиёфалардаги икки оху сассиз суҳбатлашаётгандек туюлди. Йўқ, оху Гулгинага илтижо қилаётгандай эди. Гўё бу тўрдан ўзини озод қилишини сўраётгандай кўринди.

Жамолзода Гулгинага қараб турди-да, ички завқ ила Ботирга деди:

— Қара, Ботир, Гулгинахоним оху ила сўзлашяпти. Нақадар гўзал бу ҳолат! Таассуфки, фотоаппаратимиз йўқ, суратга олиш керак эди.

— Мана шу манзарани тасвирлашингиз мумкин-ку, — деди Ботир. — Қайтанга, расмдан кўра жонлироқ чиқади.

Ботирнинг гапи негадир Жамолзоданинг чеҳрасига вазминлик солди. Ҳозиргина унинг юзида, кўзларида жилава қилиб турган ҳайрат ва ҳаяжон ўз кушандасидан ҳуркиб, ўрмон ичига қочган охудек бир зумда йўқолди. Нега бундай бўлди? Одатда ижодкорларга ўз ижоди хусусида гапирса яшнаб кетади, сиртдан камтарлик қилиб турса-да, ботинан яна гапиришини, мақ-

ташини истайди. Хўш, Жамолзода нега бунақа ўзгариб кетди? Бошқа рассом бўлганида «тасвирлайман, бундан ҳам чиройлироқ этиб тасвирлайман», дейиши аниқ эди. Лекин Жамолзода...

Бу муаммони ечишга Ботирнинг ақли етмади. Рассомдан сўрашга журъат етмади.

Жамолзода билан Ботирнинг кузатиб турганини Гулгина кўриб қолди. Гапирсам, оҳу қочиб кетади, деб ўйлади шекилли, қўли билан имлаб чақирди. Олдин Жамолзода, орқасидан Ботир йўлга тушди. Ичкарига кириб борган сари ўрмон қуюқлашар, кўриқхонада турли ҳайвонлар кўринарди. Қушларнинг сайраши жам бўлиб ажиб бир симфонияни эслатарди.

Улар ярим соатча айланиб, турфа жониворлару ҳар хил қушларни томоша қилдилар. Бу ерда бир ҳафта яшаган одам ҳар қаңдай дарддан фориг бўлиши ҳеч гап эмас. Ботир атрофга завқ-шавқ билан боқаркан, ўзини қушдай енгил ҳис қилар, бу ерларга келганидан ич-ичидан севинарди...

— Кетдик энди, — деди Жамолзода. — Нонушта қиламиз.

Улар орқага қайтишди.

Нонуштадан кейин Жамолзода Ботирни бир тепалик сари бошлади.

— Ажойиб жой, бутун тоғлар, кўл мисоли харитадагидай кўриниб туради.

Унинг гапини Гулгина ҳам тасдиқлади.

Ўн минутлар юргач, ўша ажойиб жойга чиқишди.

— Жалил муаллим «Кўккўл» асарини мана шу ерда ишлаган, — деди Гулгина.

— Дарвоқе, мен у асарингизни кўрмадим-ку.

Атрофни ўйчан кузатаётган Жамолзода Ботирнинг гапига лоқайдлик билан жавоб берди:

— Бокута борганда кўрарсан... У ҳали уйда, ҳеч қаерга берганим йўқ.

Меҳмонхона олдидаги шийпонга қайтишди. Хизматчи йигитлар янги сўйилган қўй гўштидан кабоб тайёрлашаётган экан. Узун-узун сихли машхур кавказча кабоб ейиш бу тоғ ҳавосида кимга ёқмайди...

VIII

Мадинахоним шу ётганидан қайта турмади, уч йил ётди. Жамолзода энди бутунлай ҳаловатини йўқотди. Хотинини дарддан ҳалос этиш учун кимларнинг осто-

насига бош уриб бормади. Боктирмаган врачу профессор қолмади ҳисоб. Таниш-билишлари ёрдамида Москвадан мутахассислар олиб келди. Аммо дард оғирлашса оғирлашдики, ҳеч енгиллашмади. Мадинахонимнинг ўзи аллақачон ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган, Жамолзоданинг кўнгил кўтарувчи гапларини ҳам шунчаки бир таскин тариқасида лоқайдлик билан эшитарди...

Тақдири азалдан, тақдири бешафқатдан қочиб қутилиш, унинг қонунларини четлаб ўтиш қийин экан. Бу эҳтимол мингдан бир одамга насиб этар. Лекин ўша бахтли одам ким? Балки қаердадир шундай одам бордир. Аммо Мадинахонимга бундай бахт насиб этмади. Ўзи учун, суюкли умр йўлдоши Жалил Жамолзода учун энг оғир, энг қора бўлган бир тунда у узилди. Буни Жамолзода сезмай қолди. Ўша оқшом Жамолзода хотинининг ёнида узоқ ўтирди, вақт ярим тундан оққанда ҳам у ухламади. Негадир Мадинахоним билан суҳбатлашгиси, яхши дамларни хотирлаб, унинг кўнгилни кўтаргиси келарди. Боиси Жамолзоданинг назарига Мадинахоним анча тетик кўринарди. Бир ҳафта олдин Москвадан келган профессорнинг маслаҳатлари, муолажалари шифо беряпти чоғи, деб ўйлаганди. Буни хотинига ҳам айтди: «Мана, кўрасан, азизам, тезда соғайиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. Профессор айтди... Кейин Кўккўлга борамиз. Ўша ерда санинг портретингни ишлайман». Мадинахоним эрининг сўзларини ним табассум билан тинглади. Лекин унинг кўнгли ҳар доимгидан хира, ҳатто қоронғилашиб борарди. Уч йил тўшакка михланиб ётди, бироқ ҳеч қачон бугунгидек талвасага тушмаган эди. Одатига кўра, бу ҳолни ҳам Жамолзодага билдирмади. Аксинча, ўзини тетик, олдингидан кўра бардамроқ тутди. «Энди ухланг, чарчадингиз», — деди у эрига. Жамолзода кўнгли бир оз равшан тортиб, жойига ўтиб ётди.

Жамолзода туш кўрди. Тушида Кўккўл соҳилларида юрганмиш, Мадинахонимнинг портретини ишлаш учун қулай жой қидирармиш. Мадинахоним эса у ёқдан бу ёққа югурармиш. Қиқирлаб кулармиш. Жамолзодага қараб: «Мани туголмайсиз... Суратимни ҳам ишлаёлмайсиз. Учиб кетаман. Кейин мани тополмайсиз. Қўлингиз етмайди, кўзингиз илғамайди», дермиш. Жамолзода «Ман аввал қулай жой топай, кейин кўрасан, осмонда учиб юрсанг ҳам ишлайвераман суратингни.

Фақат санинг юрак уришингни, нафас олишингни ҳис қилиб турсам бас», дермиш. Аммо ҳадеганда ўша қулай жойни тополмас эмиш...

У тонг ёришганда уйронди. Кўрган тушини ўйлаб бир оз ётди. Яхшиликка бўлсин ишқилиб. У чопиб юрибди, парвоз қиламан, дейди, демак, энди соғайиб кетади. Кўккўлга албатта олиб бораман, суратини ишлайман. Унинг фониди Кўккўл тонги акс этади. Худди шундай кўринишда тасвирлайман. У шодланади. Ахир у Кўккўлни жудаям яхши кўрарди-ку.

Шу хаёллар билан ўрнидан турди. Мадинахонимнинг ёнига келди. У ухлаганда кўкрагидан юқорини ёпмас эди. Бугун эса негадир юзларигача бекитиб опти. Совқотдимикан?

Жамолзода хотинини уйғотиб юбормаслик ниятида чойшабни астагина очди... Очдию, тош қотди, карахт бўлиб қолди...

* * *

Мадинахоним вафотидан сўнг Жамолзода девонага айланди-қўйди. На қилар ишининг тайини бор, на еяровқатининг. Ҳар кун биров, йўқ, биров эмас, юрагининг бир парчасига айланиб қолган Мадина кириб келаётгандай туюлаверади. Гўё у бозорга чиқиб кетгану ҳали замон турли мева-чева тўлдирилган оғир сумкани кўтариб кириб келади. Сўнг чаққонлик билан нонушта тайёрлаб «Қани, замонамиз Баҳрузи, дастурхонга марҳамат», деб Жамолзодага ҳазиллашади. Мадинахоним бу сўзларни айтмай қўйганига неча йил бўлиб кетди, бироқ Жамолзоданинг қулоқлари остида кечагидай жаранглаб турибди.

Ҳар гал шифонерни очганда унинг кийимларига кўзи тушади ва аллақарида битта томири чирт узилгандай бўлади. Баъзан кун бўйи ўтириб оғир хаёлга толади, гоҳида узоқ кечаларни бедор ўткази.

Аммо ҳаёт ўз йўлида давом этаверади, тарих вилдираги айланаверади, ҳеч қачон тўхтамайди. Кўзга кўринмас бу улкан вилдирак олдида Мадинахонимга ўхшаганларнинг ўлими нима бўпти — қудратли танкага бир чаноқ пахта отгандай гап. У сезмайди, ҳаракатини, йўналишини қилча ўзгартирмайди. Аксинча, унинг орқасидан бўлаб қолганларни аста-секин ўз измига солади, улар ўзалари билиб-билмаган ҳолда чархи кажрафтор оқимига қўшилиб кетадилар.

Жалил Жамолзода ҳам бани одам. Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Бугун у иш, эртага у ташвиш. Шогирдлари келди, дўстлари чақирди.

Булар уни нам-андухлардан, оҳу-фигонлардан халос қила борди. Бошқа нима иложи ҳам бор.

Энди у ўзини қўлга олиб ишга киришди. Эртадан-кечгача устахонадан чиқмайди.

У анча асарлар яратди. Уларни дўстлари, мутахассислар мақташди, кўргазмаларда намойиш қилинди. Жамолзода бу гаплардан шодланади, лекин шу яхши кунларни Мадинахоним кўрмай кетганини эсласа, юраги эзилади, кўнглига ҳуфтон чўқади. Мадинахоним эсига тушиши ҳамоно унга берган ваъдаси ёдига келади. Унинг портретини ишламоқчи эди. Ишлайди, албатта ишлайди. Майли, орадан беш йил ўтсин, ўн йил ўтсин — барибир ишлайди. Бир-икки қўл уриб кўрди, лекин мадори етмади, қўли қалтираб, бутун вужуди титраб қилқаламни кўтаришга ҳам ҳоли келмади. Бир оз совиғач, албатта ишлайди. Йўқса унинг хотираси олдида гуноҳкор бўлиб қолади...

Мадинахоним Хонлар районида эди. Унинг онаси Кўккўл яқинидаги қишлоқда яшарди. Жамолзода билан турмуш қургандан кейин иккови биргаликда бир неча марта келишди.

Хотинининг вафотидан сўнг ҳам Жамолзода бу хонадонга икки-уч ташриф буюрди. Кейин сал оёғини тортди. Йўқ, қайнота-қайнонаси унга бир оғиз ҳам ёмон гапиргани йўқ, қайтанга ҳаммаси уни ўпиб-қучоқлашар, сизни кўрсак Мадинани кўргандай бўламиз деб, аёллар кўз ёши қилиб олишарди. Худди мана шулар учун келмай қўйди Жамолзода. Уларнинг гапларини эшитиб, йиғисини кўриб, ўртанган, куйган юраги баттар ўртаниб, куйиб кетади. Уларни ҳам, ўзини ҳам қийнаб, ўчаётган ўтга керосин сепиб нима қилади.

У Мадинахоним портретини ишлаш учун Кўккўлга неча марта борди — ўзи ҳам билмайди. Ўндан ортиқ эскизлар қилди — биронтасиям кўнглига ўтирмади. Унинг вафотига беш йил бўлибди-ю, ҳали ваъдасини удалай олмайди. Қийин-қийин ўлганга қийин, орқасида қолганлар бир кун йиғлайди, икки кун йиғлайди, бир ой йиғлайди... Шу билан аста-секин кўникади, унутади.

Наҳотки, шундай бўлса?! Наҳотки, Жамолзода ҳам Мадинани унутган? Йўқ, мумкин эмас! Жамолзода уни

ҳеч қачон унутмайди!.. У ҳолда нега беш йилдан бери унинг портретини ишлаёлмайди? Шуми унутмагани?

Бир куни Жамолзоданинг қулоғига кимдир шундай дегандай туюлди. Ким экан бу, деб атрофга аланглади: ҳеч кимни кўрмади.

Эртасига саҳарда йўлга тушди. Ҳамма эскизларни уйда қолдирди, биронтасини, ҳатто ўзига энг маъқул келганини ҳам олмади. Бошқатдан ишлайди, тамоман янгича манзара, кўриниш, руҳ топади. Мадинахонимнинг қиёфасини, туришини, юз ифодаларини ҳам мутлақо янгича ифодалайди. Ўша маъшум тунда кўрган тушини эслади, ўша тушида қидирган қулай жойни топади, топмасдан қўймайди. Токи ўша жойга чиқиб, Мадинахонимнинг портретини ўзи истаган даражада ишлаб тугатмагунча орқага қайтмади. Майли, бир ҳафта ўтсин, бир ой, бир йил... Барибир тугатиб қайтади. Шу ишни ниҳояламагунча бошқа ҳамма нарсага қўл силтайди, кўз юмади.

Жалил Жамолзода бошқариб бораётган қизил «Жигули» пойгада кетаётган Фарлеп¹ каби учиб бормоқда...

Тушида кўрган қулай жойни топди. У бир тепалик эди. Бу ердан бутун тоғлар салобатли, кўлнинг нафосати кўринар, ўрмоннинг шовиллаши эшитилиб турарди.

Кўккўлга келганига уч кун бўлди. У ҳар кун эрта тонгдан шомгача чизади. Баъзан соатлаб қаерга қайси рангни ишлатишни ўйлаб қолади.

Тушлиқдан кейин Жамолзода эскизлари турган жойга қайтиб ишини давом эттирди. Уч-тўртта қилқаламни бармоқлари орасига қистириб, ҳув анови кўз илғамас чўққини қайси рангда тиниқроқ тасвирлаш мумкинлигини ўйлаб қолди. Шу маҳал кимнингдир қиқирлаб кулгани эшитилди. Унинг назарида Мадинахонимнинг кулгиси жаранглагандай туюлди. Зотан, ҳозир унинг хаёлида марҳума хотини яшарди: у хаёлан уни кўриб турарди. Чор-атрофга аланглади. Уч-тўрт қадам нарида — дарахтлар орасида бир қиз турарди. Ё алҳазар! Мадинахоним тирилиб келдими? Худди унинг ўзи-ку! Жамолзода аввалига чўчиб кетди. Кўзимга унинг арвоҳи кўриняпти, деб ўйлади. Бироқ қиз яна кулди, унга томон кела бошлади. Ё тавба, одам ҳам шунчалар бир-

¹ Ф а р л е п — 1930-йилларда турли пойгаларда биринчи ўринни олган, пойга қироли, деб ном чиқарган Австралиянинг машҳур оти.

бирига ўхшайдими? Майин жилмайиб келаётган қизнинг қош-кўзлари, сал узунчоқ, ошпоқ юзлари, бўйбасти, ҳатто кулгиси ҳам Мадинахонимнинг айнан ўзи эди!

Унга қараб анграйиб қолган Жамолзода бир оздан сўнг ўзини қўлга олди. Унгача қиз салом берди:

— Салом, муаллим.

— Салом, — деди Жамолзода ҳам. Унинг товуши титраб чиқди.

— Кечирасиз хоним, кимсиз, қаердан келдингиз, кимни қидириб юрибсиз?

— Ўҳ-ў, — деди қиз, — бирданига шунча савол. Рассомсиз? Ёки терговчи?

Жамолзода бу гапдан сал сергаklandи.

— Узр, — деди бўшашиб.

— Бокуданман, толиба, ҳеч кимни қидираётганим йўқ. Саёҳатга келувдик, айланиб юрибман. Сизни кўриб қолдим. Қарасам, расм чизяпсиз. Томоша қилгим келди. Майлими?

Жамолзода бидирлаб гапираётган қизга термилиб турибди-ю, қулоқларига унинг сўзлари кирмас, хаёлида излаган ранглари, тасвирлари жонланарди.

— Сиз ўзингиз қаердансиз? Қанақа асар ишляяпсиз?

Жамолзода ҳам кулди.

— Ман ҳам Бокуданман. Бир хонимнинг портретини ишлаш ниятидаман.

Қиз унга яқинроқ келди. Бошини ўнг елкасига қийшайтириб, ноз ила деди:

— Гўзалми у хоним?

Жамолзода йиғма стулига ўтирди. Сигарет олиб тутатди.

— Ҳа... Гўзал эди у хоним. Тенги йўқ гўзал эди.

Қиз хушёр тортди. Жамолзодага ачинган кўйи:

— Нима у хоним ҳаёт эмасми? — деди.

Жамолзода сигарет тутунини чуқур тортди-да, деди:

— Шундай... У хонимнинг вафот этганига беш йилдан ошди. Беш йилдан бери ишлайман.

— Ўҳ-ў, беш йилдан бери бир суратни ишлаёлмаётган бўлсангиз, қанақа рассомсиз?

Жамолзода қизга синчковлик билан қаради. «Бу қиз ижод машаққатини, унинг дардини қаёқдан билсин?»

— Шунақа, хоним, — деди ўйчан. — Беш йилдан

бери ишлаёлмаялман. Энди топаётганга ўхшайман излаган нарсамни.

Босиб-босиб сигарет чекаётган рассомнинг елкасига тушган қалин сочларига, ўткир боқувчи кўзларига, қоп-қора қуюқ қошларига қиз разм солди. Уни қаердадир кўргандай бўлди. Қаерда? Ҳа, эслади: телевизорда кўрган эди чоғи. Қаердадир кўргазмаси очилган экан, ўша ердан репортаж олиб беришганда ўзини ҳам кўрсатганди. Оти нима эди унинг Жалил... Жалил Жамолзода. Ўшамикан? Сўрасинми?

— Кечирасиз муаллим, сиз Жалил Жамолзода эмасмисиз?

Жамолзода сигарет қолдигини пошнаси билан эзгилаб ўчирди-да, ўрнидан турди.

— Сиз қаердан биласиз, хоним?

— Телевизорда кўрганман. Сўнгра қайсидир газиетами-журналдами суратингиз ҳам чиқувди.

Қизнинг гаплари рост. «Адабиёт ва инжасанъат» газетасида унинг ижоди тўғрисида мақола берилганда Жамолзоданинг суратини ҳам босишувди.

— Ташаккур сизга, хоним.

Жамолзода қилқаламларини олди-да, чаққонлик билан ишга киришди. Қиз унинг эпчил ва нозик ҳаракат қилаётган қўлларини, рангларни жой-жойига ишлатаётганини, нафис бир чизиқ билан матода «гавдаланаётган» хонимнинг кўзими, қошимми акс этаётганини кўриб ҳайратга тушди. У тасвирий санъатни хуш кўрарди, аммо ҳеч қачон рассомларнинг ишлаш жараёнини кузатмаган эди. «Жуда ажойиб-ку! Мана санъатнинг сеҳри, ана истеъдоднинг кучи! Манави оддий бўёқлар санъаткор қўлида суратга жон ато этипти...»

У рассомнинг ишини кузатганча бир жойда қотиб қолганини ўзи ҳам сезмади. Рассом эса гоҳ-гоҳ унга қараб-қараб кўяр, эпчиллик билан гоҳо у қилқаламини, гоҳо бунисини олиб завқ билан ишлари. Қиз ўзи билмаган ҳолда рассомнинг объектига айланган эди. Бундан Жамолзода севинар, ишқилиб кетиб қолмасин-да, деб жадал чизарди.

Йўқ, Жамолзода кутгандай бўлмади.

— Вой, мани ўтиришимни қаранглар, шерикларим кетиб қолмасин тағин.

У шундай деб югурди. Оҳу мисоли енгил учиб бораркан, орқасига ўтирилиб: «Хайр, Жалил муаллим.

Соғ бўлинг!» деди. Жамолзода ҳам унинг орқасидан қўл силкиб хайрлашди.

... Жамолзода Кўккўлдан бир ҳафтадан кейин қайтди. «Кўккўл» асари асосан битган эди.

Унинг кайфияти чоғ. Мадинахонимнинг руҳи шод бўлади. Унинг армони йўқ энди. Хотинининг хотираси олдида юзи ёруғ.

Бокуга олиб борадиган йўлнинг танобини тортиб кетаркан, шулар ҳақида ўйларди...

Шаҳарга киргач, машина рулини уйига эмас, қабристон томонга бурди. Машинасини дарвоза олдида қолдирди-да, бир-бир босиб Мадинахоним қабри тепасига борди. Қора мрамарга ўрнатилган суратига термилиб, суккут сақлади. Лаблари пичирлади. Кейин худди тирик одам билан гаплашгандай паст овозда сўзлай бошлади: Мадинахоним, ман келдим яна! Тинч ётибсанми? Тинч бўл, азизам! Мандан хавотир олма. Биласанми, санга берган ваъдамни бажардим. Ҳозир Кўккўлдан келяпман. У ерда санинг портретингни ишладим... Бутун ижодимда энг яхши асарим шу бўлажак. Чунки унда сан борсан, азизам!..»

Унинг кўзлари намланди, елкаси титраб, силкиниб кетди...

* * *

Ажойиб кунларнинг бирида Жамолзоданинг уйида телефон жиринглади.

— Алё.

— Салом, Жалил муаллим нечуксиз?

— Ташаккур. Кимди бу? — Жамолзода қўнғироқ қилувчининг овозини танимади.

— Танимадингизми? Бу ман... Эсингиздами, ўн беш кунлар аввал Кўккўлда учрашган эдик.

Жамолзоданинг ёдига тушди. Беш йилдан бери битиролмай келаётган асарини тезлаштиришга туртки бўлган қизни таниди.

— Ҳа, хоним, танидим энди. Ўзингиз нечуксиз?

— Яхши, — деди қиз. — Асарингиз битдимми? Рухсат берсангиз бир кўрмоқчи эдим.

Жамолзода тамоман битмаган асарини ҳеч кимга, ҳатто энг яқин дўстларига ҳам кўрсатмас эди. «Кўккўл»нинг ҳам сўнги ишлари қолган эди. Шу боис ҳеч иккиланмай деди:

— Йўқ, хоним, ҳали бир оз ишлари бор. Хўп, десаңгиз, бирор ҳафталардан сўнг келинг. Унғача битади.

— Йўқ, бир ҳафтадан сўнгра яна кўнғироқ қиламан.

Жамолзода трубкини жойига оҳишта қўяркан, қизнинг отини сўрамаганидан афсусланди.

Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди. У «Кўккўл»ни кўриб оғзи очилиб қолди. Ушанда кўргани ҳозирги полотнонинг олдида оддий эрмак эди, холос. Унинг назарида Кўккўл, сонсиз чўққилар, ўрмон — ҳаммаси рассомнинг устахонасига кўчириб келтирилгандай эди. У полотнога термиларкан, Кўккўлнинг сут бетидаги қаймоқдай жимири-жимирини кўргандай, ўрмоннинг шовиллашини, қушларнинг чуғур-чуғурини эшитгандай бўлди. Оппоқ чўққи ортидан ярми кўриниб турган қип-қизил баркашдай қуёшнинг заррин нурлари кўзларини қамаштиргандай туюлди. Кўл томонга чопиб бораётган қиз сурат эмас, гўё тирик одам эди.

Қизнинг тилига сўз келмас, санъатнинг сеҳрию қудрати олдида забонсиз, мадорсиз қолганди. Жамолзода эса бир чеккада сигарет чекканча уни кузатиб ўтирарди.

Узоқ сукунатдан сўнг қиз чуқур хўрсинди. Дераза олдидаги креслога келиб ўтирди.

— Жалил муаллим, — деди қиз вазмин оҳангда, — агар сир бўлмаса айтинг, бу хоним ким эди?

Жамолзода сигаретни буруқситганча хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади. Бунга сари қизни оғир ўй, турли хаёллар босиб келарди.

— У маним юрагимнинг бир парчаси эди, — гўё ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай гапирарди. — У ҳаётдан кетдию ман ёлғиз қолдим. У на фақат уйимнинг, балки ҳаётимнинг гули, ёритиб турган машъали эди.

Рассом сўзлашдан тўхтади. Ҳамон юришда давом этар, қизга қайрилиб қарамас, мисоли хонада танҳо эди. Бу ҳолатдан қиз хижолат чеқди. Рассомнинг эски ярасини янгилаганини пайқади. Икки елкасидан босиб турган оғир юкни куч билан кўтаргандек, оҳишта ўрнидан қўзғалди.

— Сизни ранжитдим шекилли, муаллим, узр. Ман борай энди.

— Йўқ, йўқ, — деди Жамолзода шошиб, — ман ўзим шунақаман. Мадинабону ҳақида сўз очилса, мана

беш йилдирки, шу аҳволга тушаман. Сиз бундан бошқа хаёлга борманг... Юринг, чой ичамиз.

— Ташаккур, муаллим. Ман кетаман.

Қиз чиқиб кетди. Жамолзода ортиқча қаршилик билдирмади. Зеро, ҳозир унинг қолишидан кўра кетгани маъқул эди.

Қиз сершовқин шаҳар кўчасидан бораркан, на машиналарнинг гувиллашини, на одамларнинг бақириб-чақиришини эшитар, на Бокунинг тўполон шамолини сезарди. У ҳозиргина полотнода кўрган хонимни, беш йилдан бери унинг хотирасини юрагида эъзозлаб келаётган, бутун эса унга мангу ҳайкал қўйган Жалил Жамолзодани ўйлар эди. Миясида садоқат, вафо, муҳаббат сўзлари чарх урарди. Негадир рассомга ачиниб кетди. Нақадар бешафқат ҳаёт! Билмаган кимса дунёда Жалил Жамолзодадан кўра бахтли одам йўқ, деб ўйлайди. Аслида унинг бутун ҳаёти фожиадан иборатга ўхшайди-ку...

IX

Гулгинанинг машинаси тоғ йўлларини ортда қолдириб, Ганжага яқинлашди. Унгача учови ҳам миқ этмади. Чамаси ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

— Хўш, Ботир, Кўккўл санга ёқдимиз? — деб сўради Жамолзода ниҳоят.

— Жудаям зўр экан...

— Нима учун сани Озарбайжоннинг бошқа жойларига эмас, айнан Кўккўлга олиб келганимни биласанми? — деди Жамолзода. — Ахир, республикада бунга ўхшаган гўзал жойлар оз эмас!

Кутилмаган бу саволга Ботир жавоб беролмади. Кулимсираб елка қисди.

— Билмадим...

— Бунинг сабаби бор. Кўккўл ман учун ҳам, Гулгинахоним учун ҳам жуда қадрли, табаррук жой.

— Озарбайжоннинг ҳар бир фарзанди учун ҳам унинг ҳар қарич ери табаррук, қадрли, — деб ўйлайман.

Жамолзода унга томон бурилиб, яқинроқ ўтирди.

— Гапинг тўғри. Лекин Гулгинахоним билан ман учун Кўккўл алоҳида аҳамиятга эга...

Улар Қозоҳ райони йўлига тушдилар.

— Қозоҳ — Самад Вурғун туғилган ўлка. Бу ерда

Мақсуд Шайхзода таваллуд топган, — деди Жамолзода. — Ахир ўзбеклар учун ҳам, озарбайжонлар учун ҳам бирдай қадрли-ку. Шунча йўлдан келиб Шайхзода ватанини кўрмай кетасанми?

* * *

Бокуга уч кундан кейин қайтишди. Ботир «Меҳмонхонага борай, дўстларимни топай» деган эди, Жамолзода қўймади: «Ҳаммасига улгурасан. Ҳозир бизникига борамиз. Бир оз дам оламиз. Чой ичамиз. «Кўккўл»ни кўрсатаман», — деди. Мезбоннинг таклифи Ботир учун айтилган эди.

Бир стакандан чой ичишгач, Жамолзода билан Ботир устахонага киришди. Гулгина таом пишириш билан овора. Устахона деворига суяб қўйилган «Кўккўл» полотносини кўриб, Ботир лол қолди. Асарда тасвирланган кўл, тоғлар, дарахтлар ўзи кечагина кўриб келгани Кўккўлдан, осмонлар чўққилардан, ўрмондан кўра бойроқ, гўзалроқ туюлди. Жамолзоданинг унча-мунча асарларини кўрган, унинг истеъдодига тан берган, аммо мана бунақа асар яратганини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Жамолзода оромкурсига чўкиб сигарет чекарди. Ботир унинг рўпарасига ўтирди. Нигоҳи ҳамон суратда. Унда тасвирланган қиз Гулгинага жуда ўхшарди. «Айтиман, кўнглимдаги дардимни айтиман энди», деб ўйлади Ботир.

— Жалил муаллим, — деди рассомга юзланиб, — сиздан бир нарсани сўрашга рухсат этинг.

Жамолзода сигарет тутунини ўйчан тортаркан, деди:

— Марҳамат.

— Қизингиз институтни ҳам битирибди. Нега...

Рассом унинг гапини кесди:

— Нега турмушга узатмайсиз, демоқчимисан?

— Мен бу ерга айланиб томоша қилиб кетиш, ҳам бир яхши умид билан келган эдим. Ростини айтсам, Гулгинахонимни севиб қолганман. Бултур, Сочида...

Жамолзоданинг кўриниши жиддий тус олди. Негадир қадеганда гапиравермади. Ботирнинг юраги такапука. Ҳозир уришиб ташласа керак, деб ўйлади.

— Гулгинанинг ўзига айтганмисан бу гапни? — деди ниҳоят.

Ҳа, унинг ўзига айтган...

Эртага Ботирнинг муддати тугайди. Дам олиш уйи, бу гўзал жойлар билан хайрлашади. Бир нарсадан кўнгли хижил: Гулгинага дилини очолмади. Дардини айтишни, унинг кўнглини билишни хоҳлайди. Бунга имконият қидиради.

Тушлиқдан кейин соҳилга йўл олди. Кун иссиқлиги учунми ҳали чўмилувчилар кам эди. Ботир қўзиқоринга ўхшаш соябонлардан бирининг остига ўтириб денгизни томоша қила бошлади. Сафари қаригани учун денгизга суқ билан тикилар, уни тўйиб-тўйиб кўриб олгиси келари.

— Ҳа, Ботир муаллим, шу ердამисиз?

Бу — Гулгина эди.

Дард аримоқчи бўлса табиб ўз оёғи билан келармиш.

Ботир унга ўтирилиб қаради. Қиз ёлғиз эди.

— Жалил муаллим қани?

— Ҳозир келади.

Қиз унинг ёнига ўтирди.

— Мен эртага кетаман, — деди Ботир имкониятни қўлдан бермаслик ниятида шошиб.

— Шундайми? — деди Гулгина.

— Гулгина, биласизми, сизга айтадиган гапим бор.

— Қиз унга жилмайиб қараб ўтирибди... — Мен сизни яхши кўриб қолдим.

Қиз хандон отиб кулди. Унинг кулгиси денгизнинг шовиллашига қўшилиб кетди.

— Кулманг, илтимос, — деди Ботир. Унинг товуши титраб чиқди. — Мен жиддий айтяпман.

— Ахир, ман ким, қанақа қиз эканимни билмай-сиз-ку.

— Барибир... Ўшанда, ошхона эшигида илк бор учрашганимизда юрагим жизиллаган эди. Шундан бери кечаю кундуз сизни ўйлайман. Фақат отангиздан истиҳола қилдим, холос. — Қиз индамади, аксинча, у ҳам бирмунча маънос тортди. — Хат ёзиб турсам майлими? Жавоб ёзасизми?

Қиз ҳамон жим. Гўё Ботирнинг сўзларини эшитмаган каби. Ботир унинг чиройли кўзларига термилди. Қўли ихтиёрсиз тарзда унинг қўллари томон чўзилди. Қиз қўлини тортди.

— Қўйинг, керак эмас...

Унинг лаблари титради. Сўнгра килриклари намланди. Ботир ўзини босолмади. Шартга қизни бағрига

тортди. У ҳам қандайдир лаҳзалар жим қолди. Аммо шу заҳоти йигитнинг баирдан юлқиниб чиқди. У энди росмана йиғларди. Фақат овози чиқмас, кўз ёшлари гўзал чеҳрасида марварид доналари каби думаларди.

— Йўқ, — деди қиз бошини силкиб, — йўқ, бу фикрингиздан қайтинг. — Унинг ёшли кўзлари Ботирнинг кўзларида эди.

Хув нарида Жамолзода кўринди.

— Ҳозир отангизга ҳам айтаман, — деди Ботир.

Қизнинг ранги оқариб кетди.

— Йўқ! — деди қатъий. — Илтимос қиламан сиздан, бу ҳақда унга сўз очманг.

У шундай деб ўрнидан турди-да, денгиздан ҳовучлаб сув олиб юзларини юва бошлади...

Ҳозир бу гапларни Жамолзодага батафсил айтиб ўтирмади. Фақат «ҳа, унга ҳам айтганман», деб қўя қолди.

— Хўш, у-чи, нима деди? — деб сўради Жамолзода.

— У индамади... Кулди, холос.

Рассом ўйга толди. Яна сигарет тутатди.

— Ботир, илтимос, сўзларимни бўлмай эшит, — деди Жамолзода вазминлик билан. — Ҳамма нарсани айтиб бераман.

У марҳума хотини ҳақида сўзлай бошлади. Томоғига бир нарса тикилгандай тўхтаб-тўхтаб қолар, сигаретни босиб-босиб тортар эди...

Жамолзоданинг ҳикояси тугади. Оғир жимлик чўқди.

Ниҳоят, жимликни Жамолзода бузди.

— Бир нарсани санга ёлгон гапирганим учун узр сўрайман, — деди у Ботирнинг кўзларига тикилиб. Унинг боқишлари шу қадар ўткир эдики, ҳар қандай одам узоқ қараб туролмасди. Ботир ҳам нигоҳини унинг кўзларидан олиб қочди. — Яқинда Гулгинахоним билан тўйимиз бўлди.

Ботир илон чаққандай сапчиб тушди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Тили калимага келмай, боши ғувиллади. Бугун баданидаги қон бошига йиғилиб боргандай сездди ўзини. Унгача Жамолзода сўзини давом эттирди:

— Олти ой бўлди. Ҳиндистонга борганимизни эшитдинг, ўша никоҳ саёҳати эди. — У оғир тин олди. — Мадинахонимнинг жамики хислатларини Гулгинада кўраман. Аниқроғи, ундан топдим. У маним ўчган чи-

роғимни қайта ёқди, сўнган илҳомимни қайта алангалади. Шу боис Гулгинахонимдан бир умр миннатдорман.

Ё фалак! Бу не синоат! Қизим деб юргани хотини чиқса! Хотинини қизим деб таништирса! Истедодига тасанно ўқиб юргани мана бу одам ким ўзи? Нега уни шунча вақт лақиллатди?!

Бу сўзларни баралла айтишга Ботирнинг мадори етмади.

Ҳар бир сўзи қуловига ёғдай ёқаётган, кулишларини жон деб тинглаган, қарашлари, қош-кўзлари юргани ўртаб юргани қиз — Гулгина... Энди унга қарай олмайди, суқ билан термила олмайди. Ахир у бировнинг жуфти ҳалоли... Эҳ, каллаварам, сен эса нима хаёлларда юрибсан-а! Эҳ, Жамолзода, бу ўйиннинг боиси нима? Гулгина-чи? У нега айтмади?

— Биламан, — деди ўйчан ҳолда Жамолзода. — У ҳолда нега қизим, деб таништирдингиз, дейсан. Ва ҳақлисан! Эҳтимол, маңдан бу ёлгон сўзим учун ранжирсан. Лекин ўшанда шундай дейишга мажбур эдим...

* * *

Гулгина Жалил Жамолзоданинг уйига келиб, «Кўккўл» асарини кўриб кетгандан сўнг тез-тез у ҳақда ўйлайдиган одат чиқарди. Назарида, у яхши сўзга, меҳрга муҳтож туюлди. Рассомга қандай ёрдам бериш — унинг доимий ўйига айланди. Ўқишдан бўш кезлари Суратлар галереясига чопади. Жамолзода асарлари қаршида соатлаб ўтирарди. Гўё уларга термилиб, рассомнинг қалб дафтарларини варақлайди. Унинг барча асарлари Гулгинани ҳайратга сола бошлади. Бироқ «Кўккўл»нинг ҳайрати ўзгача эди.

Ўйлаб-ўйлаб бир куни Жамолзоданинг уйига қўнғироқ қилди. Унинг ижозати билан полотнони бориб кўрадиган бўлди. Қизнинг бу қўнғироғи рассомни ажаблантирди: «Кўриб эди-ку, нега энди яна кўргиси келиб қолди экан?» Лекин ўйинга бораман, деган одамга рад жавоби бериш одобданми?

Гулгина келиб «Кўккўл»га узоқ термилди. Нималарнидир ўйлади чоғи, ўзича уҳ тортди, хўрсинди.

— Бу асарингиз менга ҳам қадрли бўлиб қолди, — деди у Жамолзодага. — Билмадим, унинг яратилиш жараёнидан хабарим борлиги учунми ёки асарнинг

таъсири кучли эканлигиданми — ҳар қалай уни тез-тез кўргим келади.

Жамолзода кулди. «Жуда хаёлпараст қизга ўхшайди», деб ўйлади.

— Ташаккур, сизга, хоним. Кечирасиз, ўшанда студентман девдингиз. Қайси институтда ўқийсиз? — деди Жамолзода.

— Педагогика институтида, келаси йил битираман.

— Маним ижодимга шунчалар қизиқиб, эътибор берганингиздан хурсандман. Қолаверса, бу асарнинг битишида, маълум маънода сиз туртки бўлдингиз. Сиздан жуда хурсандман. Келинг, бир стакандан чой ичайлик ёки қаҳва истайсизми?

Қиз индамади. Жамолзода сукут — аломати ризо, деб ошхонага кириб кетди. Хиёл ўтмай иккита балдоқли пиёлада қаҳва олиб чиқди-да, ҳовлидаги столга қўйди. Тўқима курсиларнинг бирига ўзи ўтирди, иккинчисига қизни таклиф этди.

— Марҳамат, хоним. Ўтиринг, қаҳва ичинг. Бир оз суҳбатлашайлик, кейин борарсиз. Ота-онангиз койишмайдими?

Гулгина қаҳвани қошиқча билан қўзғади-да, Жамолзодага қаради. Унинг қарашлари расомнинг юрагини жизиллатиб юборди, йўқ, у қизга нисбатан ёмон бир ниятда эмасди, балки унинг боқиши Мадинахонимнинг қарашларини ёдига солди.

— Йўқ, койишмайди... Улар мани бу ерга келганимни билишмайди. Сабаби — улар бу ерда эмас.

— Шундайми? — деди Жамолзода қаҳвадан бир ҳўплаб қўяркан. — Боқулик эмасмисиз?

— Ман Шамаҳаданман.

— О, шамаҳаликман денг? Жуда гўзал жой. Ман у ерга кўп борганман. Бир неча асарларимнинг эскизлари Шамаҳа тоғларида яратилган... Демак, ётоқхонада турасиз, шундайми?

Гулгина бош ирғаб маъқулади.

Шу куни улар анча суҳбатлашдилар. Гулгинанинг адабиёт, санъат ҳақидаги фикрлари, қарашлари Жамолзодага хуш келди. Бир талаба қизнинг шунчалар саводли, санъатни шунчалар тушуниши уни қувонтирди.

Жамолзода Гулгина билан суҳбатлашганидан кўнгли равшан тортди. Одам тафтини одам олади, деганлари шу-да. Унинг юрагида қат-қат ётган дардлари бир оз енгиллашгандай кўринди.

Тўғри, Жалил Жамолзоданинг ҳам ўзига яраша дўсту биродарлари, шогирдлари бор. Улар имкони борича Жамолзодани ёлғизлатиб қўймасликка интилишади. Лекин онда-сонда келиб бир соат-ярим соат гурунглашиб кетган билан иш битмайди-да.

Уларнинг келиши яхши — уйда шовқин-сурон, одам овози эшитилади. Лекин кетиши оғир — Жамолзоданинг кўнгли бошқатдан хувиллаб қолади.

Ҳозир Гулгина чиқиб кетгандан сўнг шу аҳвол такрорланди. Нима қилсин, у шунга ўрганган, беш йилдан бери шу ҳолатга бир неча бор тушиб, энди кўнигиб қолган...

Орадан бир йил ўтди. Улар анча яқинлашиб кетишди. Энди Гулгина тез-тез келадиган, иккови узоқ-узоқ суҳбатлашадиган, дунёнинг борди-келдиларидан дардлашадиган бўлишди. Қиз унинг ҳар бир янги асарини интиқлик билан кутади.

Июль ойининг ўрталарида Жамолзода Сочига — дам олиш уйига жўнаб кетди. Бу пайтда Гулгина давлат имтиҳонлари топшираётган эди.

Бир куни хонада дам олиб ётганди, эшик тақиллади. Шу ерда танишган дўстларидан бири бўлса керак, деб Жамолзода ётган жойидан бақирди:

— Эшик очик, кираверинг.

Эшик аста очилиб, бир қиз мўралади. Жамолзода кўзларини катгароқ очиб, ҳушёрроқ қаради — остонада Гулгина кўринди. У ўрнидан салчиб турди:

— Гулгина!

— Ман, — деди қиз жилмайиб.

Жамолзода довдираб қолди.

— Қандай келдингиз? Имтиҳонлар...

— Мани табриклашингиз мумкин, институтни битирдим.

У шундай деб Жамолзодани кучоқлаб олди. Қутилмаган бу ҳаракатдан Жамолзода тамоман ўзини йўқотди. Тушимми бу ёки ўнгими?

— Гулгина...

Гулгина рассомнинг юзларидан ўпди.

— Сизни соғиндим...

— Нималар деяпсиз, хоним... Ахир...

Қиз унинг бўйнига осилганча кўзларига тикилди:

— Рост айтман... Мен сизсиз туролмайман...

Ҳаётимни, умримни сизга бахшида этдим.

Жамолзода қизнинг қўлларини бўйнидан аста бўшатди.

— Ахир сиз ўн гулидан бир гули очилмаган қиз бўлсангиз, ман эса...

Гулгина уни гапиргани қўймади. Оппоқ, юмшоқ кафтини унинг лабларига босди.

— Ҳаммасини биламан, ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим. Сўнгра йўлга чиқиб олдингизга келдим... Йўқ, демасангиз, кетгунингизча ёнингизда қоламан. Кейин бирга қайтамиз. Қачон тўй қилиш сизнинг ихтиёрингизда.

Жамолзода ҳамон ўзини қўлга ололмас, бир-биридан ажабланарли, бир-биридан қутилмаган сўзлар уни таъқиб қилар, нима дейишини, нима қиларини билмай доводирарди. У креслога чўқди. Гулгина ҳам ўтирди. Унинг ўйга толганини кўриб, Гулгина яна тилга кирди:

— Ёки сиз рози эмасмисиз? Агар шундай эса айтинг, ҳозироқ қайтиб кетаман. Бу одобсизлигим учун узр сўрайман... — Унинг Жамолзодага жовдираб турган кўзлари намланди.

Жамолзода ҳамон карахт, тилига бирон-бир жўяли сўз келмасди. Гулгина аста ўрнидан турди. Жамолзода шошиб қолди.

— Шошманг, хоним... Ўтиринг бирпас. — Қиз ўтирмади. Рассом унга қараб деди: — Ота-онангиз нима дейди?

Бу гапдан сўнг қиз ўтирди.

— Жалил муаллим, адашмасам сиз ўз ҳаётингизда нимаики воқеа рўй берган бўлса — ҳаммасини яширмай айтгансиз. Шундайми? Ман ҳам асосан гапириб берганман. Лекин бир нарсани сиздан сир тутган эдим. Энди айтаман. Маним ота-онам йўқ. — Жамолзода сергақланиб қизга яхшироқ термилди. Бу билан гўё олдимда ўтирган қиз ўша — бир йилдан бери ўзим яхши биладиган Гулгинами ёки бошқами, деб аниқламоқчидай эди. — Биз, яъни ман билан синглим холамнинг қўлида ўсганмиз. Ота-онам машина фалокатида ҳалок бўлишганда мен беш ёшда, синглим икки ёшда эканмиз.

Жамолзода унинг сўзларини тингларкан, бу қизнинг кўнглида дарду аламлари кўплигини англади. Ўша узоқ-узоқ суҳбатларида ота-онаси хусусида кам гапиришининг сабабларини энди тушуниб етди. Нима учун бу ёшгина қизни доимо ўйчан, қандайдир дардли юришининг боиси бу ёқда экан-да.

Қиз гапдан тинди. Зўрма-зўраки жилмайди:

— Шунақа гаплар, Жалил муаллим. Биласиз, ман Шарқ мумтоз адабиётини жуда яхши кўраман. Ўзингизга ҳам назаллар ўқиб берганман. Алишер Навоийнинг бир назали бор. Биласизми у қандай бошланади:

*Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон босе қилдим фидо, оромижоне топмадим.*

У жим бўлиб қолди. Жамолзода ҳам сукутда. Жимликни яна унинг ўзи бузди:

— Сизнинг ҳаётингиз учун, ижодингиз учун кўмак бўла олсам, Мадинахонимнинг ўрнини босолмасам-да, у қилган ишларнинг ўндан бирини қила олсам — ҳаётимдан розиман. Нима учун бундай қарорга келганимнинг сабабини сўраманг. Чунки қачон, нега сизни севиб қолдим — ўзим ҳам билмайман.

Жамолзода Гулгинанинг қизарган кўзларига термилди. Кейин аста ўрнидан туриб унинг ёнига келди-да, ёмғирдан сўнг гуркираб турган майсалардай киприклари ўраб турган қоп-қора кўзларидан ўпди...

* * *

Ботир Жамолзоданинг ҳикоясини тинглаб оғир ўйга толди.

— Энди тушунгандирсан, қизим деб таништирганимнинг сабабини.

Ботир миқ этмади. Бинобарин, сўз ортиқча эди. У бошқа нарса — ўзининг Гулгина билан суҳбатлари, денгиз соҳилида бир-бирига шеър ўқиб берганлари ҳақида ўйларди. Гулгина билан танишгандан бери ўтган бир йил давомида уни неча марта ўйлагани, ҳатто тушларига киргани, кўнғироқ қилгани, хатлар ёзгани, таътилга чиқибок Бокута учгани... Мана шулар ҳозир унинг хаёлини бағд қилганди. Ботир ўзини ожиз, йўқ, қандайдир кўнгли хувиллаб қолгандай ҳис этди. Гўё бу гапларнинг ҳаммаси ширин бир туш эди-ю, уйғониб кетганидан пушаймон бўларди. Зотан, уни бу ерларга етаклаб келган, бошлаб юрган илинж энди йўқ, ҳаммаси саробга айланди...

Ҳовлидан Гулгинанинг овози эшитилди:

— Жалил муаллим, овқат тайёр.

Ботирнинг юраги жиз этди. У ял этиб Жамолзодага қаради.

— Қани юр энди, овқатланайлик.

— Мен меҳмонхонага кетаман, — деди Ботир.

Жамолзода ажабланиб унга қаради:

— Бу нима деганинг?! Тайёр овқатни ташлаб кетасанми? Ҳаммасига улгурасан дедим-ку. Гулгинахоним ранжийди.

Ҳовлидаги стол ноз-неъматга тўла. Жамолзода стол ўртасида турган «Кўккўл» коньягини очди.

— Йўлдан чарчаб келдик, элик граммдан олайлик.

Иккита биллур қадаҳга доларанг шаробдан қуйди.

У Гулгинахонимга қарай олмас, мабодо уларнинг кўзлари тўқнашиб қолса ҳам Ботир ножўя иш қилиб қўйгандай қизариб кетарди.

Ботирнинг томоғидан овқат ҳам ўтмади. Мезбонларнинг қистови билан у-бу нарсадан чимдиб ўтирди. У тезроқ туришни, меҳмонхонага боришни, йўқ, умуман бу ердан — Боқудан кетишни истарди. Назарида энди у бу ерда ортиқча эди. Мезбонларнинг ҳар қанча қистовига қарамай, ўрнидан турди. Нон-туз, меҳмондорчилик, саёҳат учун ташаккур билдирди. Гулгина машинада элиб кўяман деди, аммо Ботир кўнмади. Зотан, ҳозир унга ёлғизликдан бошқа нарса ёқмас, кўнглига сизмас эди...

Кўчага чиқди-да, тўғри келган бир машинани тўхтатди. Уч кун олдин жуда чиройли, завқли кўринган тунги Боку энди унинг кўзига совуқ, бегона туюлди.

Меҳмонхона йўлагидан кетаётган эди, кимдир «ҳов, ука» деб чақирди. Ўзбекча гапни эшитиб тўхтади.

Самолётда бирга келган киши унга қараб лапанглаб келарди. «Оббо, шу пайтда бу қаерда турган эди». У Ботирнинг қўлини олди.

— Омонмисиз, ука? — Унинг кайфияти чоғ, кўринишидан ишлари жойида экани билиниб турарди. — Ишлар юз, ука. Қудамиз жуда ажойиб одам экан-да. — Оғзидан гуп этиб ароқ ҳиди анқиди. — Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Қайларгадир бормоқчи эдингиз...

— Яхши, табриклайман, — деди Ботир. — Бориб келдим... Кечирасиз, шошиб турувдим. Кейин гаплашамиз.

У шундай деб йўлида давом этди. Семиз киши унинг орқасидан бақириб қолди:

— Шошманг, қайси хонадасиз? Бу яхши гаплар учун бир олайлик ахир...

Ботир индамади.

Хонага кирди-ю, каравотга чўзилди. Мияси гувил-

лар, боши зилдай эди. Ташқарида шамол қўзғалди. Гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ сичқондай чийилларди. Бу Ботирнинг юрагини баттар сиқар, кўзига мутлақо уйқу келмас эди.

Тун бўйи тўлғониб чиқди. «Нега келдим? Нега? Энди ҳаммаси тугади... Бунинг устига бировнинг хотини... Эрига сизнинг хотинингизни яхши кўраман дейдими?! Эҳ, хом калла...»

Бу хаёллар, фикрий олишувлар орасидан Гулгинани чиқариб юбора олмасди. Ҳар бир фикри, ўйи унга бориб тақаларди. «Гулгина, эҳ, Гулгина. Нима учун ўша пайтда бор гапни очиқ айтмадинг? Хатларингда ёзишинг ҳам мумкин эди-ку... Нега йиғладинг ўшанда?... Энди билдим йиғлаганинг сабабини. Мен эса ўзимча тушунибман йиғинг боисини... Эҳ, галварс...»

У оғир-оғир хўрсинар, у ёқдан-бу ёққа ағдариларди.

Шамол ҳам тинмади. Унинг увиллаши Ботирнинг юрагини ханжардай тилар, назарида бутун Боку унга қўшилиб йиғлар, оҳ чекар эди...

ХОТИМА

Ботир яқинда Бокудан — Жамолзодадан хат олди.

«Салом, Ботир!»

Ишларинг, соғлиғинг қалай? Биз яхши юрибмиз... Биз деганимки, оилادا кўпчилик бўлиб қолдик. Гулгинахонимнинг сингиси ҳам Бокуга кўчиб келди. Ҳозир у биз билан туради. Гулгина сан ҳақингда унга кўп гапирарди.

Яқинда биз учун қувончли воқеа содир бўлди. Фарзанд кўрдик. Гулгинахоним отини Магина, деб қўйди...

Нега хат ёзмайсан, кўнглироқ қилмайсан? Бокуга қачон келасан?

Гулгинахонимдан, унинг сингисидан санга буюк салом!

Ж. Жамолзода».

Ботир хатни ўқиб, беихтиёр Кўккўлни, Гулгинани, Жамолзодани эслади. Гулгина билан Қора денгиз бўйидаги суҳбатлари, Кўккўл сафаригадаги гурунглар эсига тушди. Жамолзодага ҳаваси келди...

Ботир бир варақ оппоқ қоғоз олди-да, хат ёзишга киришди...

Пицунда — Тошкент

1986 й.

ЧИРОҚ ҶЧМАГАН КЕЧА

Афғон уруши ҳануз юракларимизни сирқиратиб турибди, афғон фожиаси сабабли қанчадан-қанча сара ўғлонларимизни бой бердик, қон ва ажал ранги бир умр хотирамизга ўрнашиб қолди. Ана шу овриқлар мени ушбу қиссани ёзишга даъват этган бўлса ажабмас.

Қисса анча илгари битилган, шунга қарамай, у тупроғимизга туташ — жондош, қондош юртда қарийб йигирма йил давом этган хунрезликдан қийналиб кетган афғон халқи қайғу-алами ва орзу-умидларига ҳам-оҳанг жаранглайди, деб ўйлайман. Қолаверса, у халқимизга тинчлик ва осойишталик бебаҳо неъмат эканлигини оз бўлсада англатишига ишонгим келади.

Қиссани қовоғга тушириш жараёнида жанг воқеалари ва дил изтиробларини ўз кўнглимда қайта ҳис қилишга уриндим. Аниқроғи, унга кўз ўнгимда вояга етиб, сўнг Афғонистонда бир неча бор ажалга рўпара келган биродарим — Пиримқул Собировнинг кўрган-кечиргани, ўй-хаёлини асос қилиб олдим. Ҳозирги кунда Пиримқул соғ-омон, ошлал, қурувчилик касбини эгаллаган.

Пайтдан фойдаланиб айтмоқчиман: истиқлол баҳи этган тинчликни қадрлайлик, осмонимиз ҳамиша мусаффо ва осуда бўлсин.

М у а л л и ф.

*Йўқликдан пок келиб, нопок бўлдиқ биз,
Шўху қувноқ келиб, ғамнок бўлдиқ биз,
Кўзимиз тўла ёш, юракда олов,
Умр елга кетди ҳам хок бўлдиқ биз.*

Умар Хайём

Б и р и н ч и б о б

I

Август оқшоми: илиқ, ёқимли.

Темирнинг армиядан қайтганига бир ойдан ошди. Ҳамон ўзини ўнглаб ололгани йўқ. Беш-олти кундан бери кечалари салқин шабада эсиб қолди. Шунинг таъсирими, қўлининг оғриғи бироз зўрайди. Буни ёлғиз ўзи билади, ҳеч кимга сир бой бермайди. Отасининг «қўлинг оғрияптими, улим» деган сўровига «йўқ» деб, қисқагина жавоб қилади. Айтгани билан не наф? Уларнинг-да юрагини эзгани қолади.

Холиқ ака уруш нима эканини, ярадорлик азобини билади. У пайтда-ку майли, аммо ҳозир — тинч замонда сириқдай ўғли бир қўлидан айрилиб ўтирса — дардини кимга айтсин.

Зулфизар опанинг кўз ёши тинмайди. Темир онасига таскин бермоқ ниятида унга ҳазиллашади, ҳар хил кулгили гаплар билан хаёлини чалғитади. Зулфизар опа ўғлининг ногирон қўлига кўзи тушиши билан ўзини тутолмайди — кулиб турган кўзларидан ёш оқаверади, оқаверади...

Темир айвонда ёлғиз ўзи ётади.

Бугун анчагача уйқуси келмади. Бир томондан хаёл олиб қочади, бир томондан оғриқ азоб беради. Қўлидан айрилишга айрилди, энди ҳеч қурса оғриқ босилиб кета қолсайди.

Темир ўрнидан турди. Зулфизар опа «улим армиядан келса кияди» деб, яхши ният билан олиб қўйган Ургутнинг машҳур ялтироқ чопонини елкасига ташлади. **Боғ** сари юрди. Бу боғ раҳматли бобосидан қолган. Темир бобосини кўрмаган. Отасининг айгишича, бобоси жуда ишбилармон, борбонликни, деҳқончилигу чорвачиликни хўп яхши биладиган одам экан.

Қулоқ-қулоқ даврида Темирнинг бобоси ҳам қамалиб кетишига оз қолган. Хўп ажойиб замонлар бўлган экан-да. Биров «фалончи қулоқ» деб ёзиб берса, эшигида тўртта моли борми-йўқми, суриштирмай қамаб юбораверган-а...

Боядан узум узиб, уватда чўнқайиб ўтираркан, кўз ўнгида икки йил давомида кўрган-кузатгани — поёнсиз далалар намоён бўлди. Қон тўкишлар, фожиалар, қурбонлар ёдига тушди. Қаердадир бир афғон ёзувчисининг гапини ўқиган эди. «Бизнинг далаларга сув ўрнида танклар келди». Қанчалар даҳшат! Одамларга сув керак! Унинг ўрнида танклар! Бир кун келиб афғон болалари бу воқеаларни қандай баҳолар эканлар?

Саҳар салқинида ногирон қўли санчиб кетди. Беихтиёр инграб юборди. Хайриятки, ёнида ота-онаси йўқ бўлмаса унинг ҳар инграши Холиқ ака билан Зулфизар опанинг қайсидир томирларини чирт узиб ўтарди. Қўлини чопонга ўради. «Ҳалиям омадим бор экан. Қанча-қанча йигитлар жувонмарг кетишди...»

Чўнқайиб ўтиравериб оёғи толди. Ўрнидан турди, тиззалари қисирлаб кетди. Ўнг қўлини кериб, мириқиб керишди. Осмон беғубор, беҳисоб сепи — юлдузлар жимирилди. Хўжайдуқнинг устида ой кўришди — бир чети синдирилган патирга ўхшайди. Темир узумдан овзига солди. Кишмишнинг шираси томовини қириб ўтди. Бунчалар ширин! Айтишларича, Ургутнинг оқ кишмишидай ширин узум дунёда йўқ эмиш...

Темир узум пўчоғини бир четга ирғитди. Сўнг охишта қадам ташлади. «Энди ётиш керак. Чала уйқу — умрнинг эғови».

Жойига келиб чўзилди. Кўпинча шундай бўлади: ухлай десанг уйқу келмайди, ухламай деганингда уйқу босаверади. Ҳозир Темир мириқиб ухламоқ истагида. Лекин қани ўша уйқу! Дунёнинг ишлари бунчалар чигал ва бир-бирига уйқаш...

II

Ғўнғир-ғўнғир овоздан уйғониб кетди. Сингиллари тамаки тергани кетяпти. Ҳали куёш чиққани йўқ. Бечора сингиллари пудринг аримасдан тамакизорга оралайди. Нимаям қилсин, салқинда териб келмаса, кун қизигач тамакизорга кириш азоб. Кейин ярим тунгача

қадалиб ўтириб тамаки тизишади. Яна унда-бунда ургутликлар бадавлат, тамакининг пули кўп, деган таъна-омуз гапларни эшитишади. Пули садқай сар. Темир бу масалада курсдошлари билан ҳам кўп тортишган.

Бу мунозарага Гавҳар ҳам аралашар, кўпчиликнинг олдида сир бермаслик мақсадида Темирнинг фикрига қарши чиқарди. Буни Темир билгани учун унга индамасди.

Гавҳар... У ҳозир нима қияпти экан? Қишлоғиданмикан? Балки Тошкентга боргандир, ўқиш яқинлашиб қолди-ку. Уч ойлар бўлди унга хат ёзмаганига. Армиядан қайтганини ҳам, бир қўлидан айрилганини ҳам Гавҳар билмайди. Ярадор бўлиб ҳарбий касалхонага тушганида битувди сўнгги хатини. «Хизмат охирлаб қолди, яқин кунларда қайтаман. Ўзим ёзмагунимча хат ёзмам», деганди ўшанда.

Келганидан бери бир-икки мактуб ёзишни мўлжаллади. Лекин қаерга, қайси манзилга ёзади? Таътил бошланиб қолди. Гавҳар қишлоғига кетгани аниқ. У ёққа ёзиш ноқулай, ота-онасими, ака-укаларидан биронтасими кўриб қолса — яхши эмас. Қишлоқчилик... Бечора Гавҳар не хаёлларда юришти экан. Оддий хизмат бўлгандаям майли эди. Афғонистонда эканини у билади. Ичини ит тирнаб ётгандир...

Темирнинг миясига совуқ фикр урилди «Мени бу аҳволда кўрса Гавҳар қандай ҳолга тушади? Балки менидан айниб кетар. Ахир бир қўли чўлоқ йигит кимга керак? Унинг айби нима? Қайси гуноҳлари учун ногирон йигитга турмушга чиқади? Бошқа қизлардан кам жойи борми? Хусни-жамолда, ақлу фаросатда кимдан, қайси қиздан қолишади?.. Темир оғир хўрсинди. Фикран кимларнидир сўқди, кимлар биландир олишди.

Рост-да, Темирнинг, Темирга ўхшаш юзлаб, минглаб йигитларнинг гуноҳи нима? Нега улар ҳали оққорани таниб-танисмай ҳаёт неъматларидан тотиб улгурмай ногирон бўлиб қолишлари керак? Шаҳид кетганлар-чи? Уларнинг айби не эди?!

Гавҳар буларни тушунар балки. Ақл-фаросатли киз-ку... Лекин ота-онаси-чи? Ака-укалари, қариндош-уруғлари-чи? Улар ҳам тушунадиларми? Тушгундан нима? Гулдай қизини ногирон йигитга бераварадими? «Сени шу ниятда ўқишга юборувдикми Тошкентга», демайдимиз қизига? Деса ҳақи бор! Э, Худо, бу не кўргулик!

Калласи хумдай шишиб кетди, юраги зирқиради. Қўлига ўқ текканида, касалхонада тирсагидан кесиб ташлаганида бунчалар қийналмаган, бунчалар изтироб чекмаган эди. Бу қийноқ, бу эзилишлар яна қанча давом этаркин? Балки бир умр ундан фориг бўлолмас, эҳтимол бирор кун ҳам унинг исканжасидан чиқа олмас. Шундайлар озми? Мана сенга байналмилал бурч!

Эшакараванинг қанғир-қунғири хаёл ипларини узди. Укаси Собир, сингиллари эшакаравани кўшиб тамакига жўнаб кетишди. Айвоннинг нариги бошида тасбеҳ ўтириб ўтирган Холиқ ака тандирда нон ёпаётган Зулфизар опадан сўради:

— Темир турмадими?

Зулфизар опа эрининг гапини эшитмади шекилли, Холиқ ака саволини яна қайтарди. Зулфизар опа тандирнинг оғзига саватни ёпиб, косов билан тираб қўйдиди, эри томон юзланди.

— Бир нима дедингизми?

— Темир турмадима дийман.

Зулфизар опа кўлидаги енгичакларни ечиб, ўчоқ бошига ташлади.

— Турмади чоғи. Қўйинг, ётаверсин. Зарил иши қоп кетяптими.

Улар билишмайдики, Темир қачондан бери уйғоқ, хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқмоқда. «Турсаммикан, — деб ўйлади. — Яна бироз ётай. Энам айтгандай, зарил ишим борми қоп кетадиган. Иложи бўлса ярим соатгина мизғиб олай». Бу ёнбошига ағдарилди. Қани энди кўзи илинса. Сокин тунда келмаган уйқу тонгги шовқинда келармиди.

Яна хаёли Гавҳар томонга учди.

Гавҳарга бор гапларни ёзишни ўйлади. «У бечорани қийнаб нима қиламан. Ундан кўра шундай-шундай бўлди, деб ҳаммасини ёзай. Кўнгли иримаса жавоб ёзар, шундан бари маълум бўлади-қўяди».

Шу фикри ўзига маъқул кўринди.

Темир қатпатирни хуш кўради. Буни онасиям биларди. Шу боис ҳар гал нон ёпганида тўрттагина қатпатир пиширади. Бу одатини бутун ҳам қанда қилмаган эди. Темир дастурхон бошига келиб ўтириши билан Зулфизар опа иккита қатпатир олиб келди. Холиқ ака ўғлига бир-икки синовчан-синовчан назар солди. Нимадир сўрамоқчи бўлди-ю, тили бормаётганини Темир пайқади.

Холиқ ака томоғини бир қириб, оҳиста, вазмин нигоҳини дастурхондан узмаган кўйи гапирди.

— Қўлинг оғрияптимми, дийман, улим?

Орага сукунат чўқди. Темир нима дейишини билмай қолди. Ҳа, деса ота-онасининг юраги эзилади, йўқ деса, барибир билган, гашидан сезилиб турипти.

— Кўнглим сезиб юрипти, болам. Сер соп юриппан охирги кунларда кўринишинг бўлакча. Чамамда ҳавонинг салқини таъсир қиляпти-ёв.

Темир армиядан келгандан бери Холиқ ака уни зимдан кузатади, гап-сўзлари, ҳаракатлари, одамлар билан муомаласига разм солади. Ундаги қандайдир асабийлик, сал нарсага қизишиб кетиш, баъзида эса ўта лоқайдлик, карахтлик, гап-сўзларни эшитмаслик ҳоллари бор. Гоҳо ухлаб ётганида бақириб юборади, бундан ўзиям уйғониб кетади. Атрофига аланг-жаланг қарайди, яна кўрпага бурканади.

Бунинг сабабини Холиқ ака ўзича тушунади: бу урушнинг таъсири, устига устак ярадор бўлган, бир қўлидан айрилган. Холиқ ака немислар билан бўлган жангда бунақа ҳолга тушганларнинг қанчасини кўрган. Биринчи марта жангга кирган айрим иродаси сустрок йигитлар ҳатто ақлдан озиб қолишган.

Холиқ ака ана шундан кўп хавотирга тушади. Ўғлининг бир қўли чўлоқлиги ҳам унинг кўзига кўринмайди. Худо бахтини, ризқу насибасини берса, ҳаммаси изга тушиб кетади, фақат эс-ҳуши жойида бўлса бас, деб ўйлайди. Бу ўйларини ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳаммадан сир тутаяди. Темир хизматдан қайтган кезлари бунақа ҳол кўпроқ билинар эди, хайриятки, аста-секин камайиб бормоқда. Ҳатто бир кун Зулфизар опа ташвиш ила эрига «улингиз гоҳида алмойи-алжойи гапиради-я. Урушда қаттиқ кўрққанми дийман-да, болагинам», деб қўйди. Холиқ аканинг юраги шув-в этиб кетди. Аммо ўзини қўлга олди, хотинини силтаб ташлады.

— Эсинг жойидами? Бу нима деганинг?!

Шу-шу Зулфизар опа бу ҳақда бошқа оғиз очмади. Балки кейин сезмагандир, сезса ҳам ичига ютгандир. Ўғлини эринмай кузатишга вақти борми она шўрликнинг, тонг саҳардан икки хуфтонгача тиним билмаса...

Темир отасининг нуроний чехрасига, оқ оралай бошлаган қалин соқол-мўйловига термилди. Басавлат,

ўтирганда тоғдай ҳайбатли кўринадиган Холик аканинг сезгирлигига Темир тан берди.

— Ҳа, — деди у ниҳоят оҳиста, — тўғри пайқабсиз, ота, қўлим бироз оғрияпти. — Тунда туриб юрганини отаси ҳам билганига энди шубҳаси қолмади. Шу боис ўзи очиқ айта қолди. — Кечасиям оғриди, ҳам уйқум қочиб кетди. Туриб бироз боғни айландим.

— Дўхтирга учрашиб, бир кўрсатганинг маъқулими-ди?

— Ўзимам шуни ўйлаб турипман. Иложи бўлса бугун бориб келмоқчиман. — У ер остидан отасига разм солди. — Хавотир олманг, ота, ўтиб кетади. Кўп қаттиқ оғригани йўқ, сал-пал.

Нонуштадан кейин Темир уйга кирди. Гавҳарга хат ёзмоққа тутинди. «Салом, Гавҳар! Анчадан бери хат ёзмаганим учун уэр. Бунинг сабаблари бор...»

Темир ўйланиб қолди. «Нимадан бошлай, қандай ифода қилай фикримни?! Унақасигаям, бунақасигаям ўйлаб кўрди, йўлини тополмади. Дардларини, бошидан кечирган воқеаларни қоғозга тушира олмаслигига кўзи етди. Бир-икки сатр ёзилган қоғозни ёғжимлаб бир четга ирритди.

Кейин шарт ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Нега чиқди, нима қилмоқчи — ўзи ҳам билмайди...

И к к и н ч и б о б

I

Вақт пешиндан оққанда поезд Кушка бекатига кириб келди. Узоқ йўл юриб толиққан тепловоз чуқур нафас олиб тўхтади, вагонлар бир-бирига сурилиб, қасир-қусур овоз чиқарди-ю, бирдан тинди. Йигитларни кузатиб келаётган аскарлар юкларни олиб тушиш учун бўйруқ берди. Ҳамма тўрвасини елкасига осиб, ўзини эшикка урди.

Перрон бир зумда сочи қиртинланган йигитлар билан тўлди.

Ҳаво дим, нафас олиш оғир.

— Бўтга нафасимиз қайтиб ўламиниз-ку, — деди Азим. — Тошкентниям иссиқ деб юрарканмиз-де. Бўтга қараганда жаннат экан-е.

Унинг гапига Жўракул қўшилди:

Кушка дегани энг расво жой деб эшитгандим...

Тўрвасини ерга қўйса биров олиб қочиб кетадигандай, елкасига осиб олган миқти, пакана, сап-сариқ Носиржон гўё ўзига гапираётгандай минғирлади:

Қани энди шу пайт Намонгонда бўлиб қолсам. Чодакка чиқардим, бир коса қатиқни ичиб, салқинда маза қилиб ётардим-да.

Азим унга қараб хўмрайди. Сўнгра Темирга юзланди-да, Носиржонни кўрсатди.

— Бу кишининг кўнгиллари қатиқ тусаб қопти, Чодакка чиқармишлар. Сал инсоф билан гапир, лоақал Бўзсувви бўйидаги чойхона де.

Буларнинг ҳазил аралаш орзу-хаёлига Темир ҳам кўшилди.

— Э, оғайнилар, Бўзсувам, Чодак-подакам бўлмайди. Ҳаммасидан зўри Ургут. Юқори чиноргами, Омон-қўтонгами чиқиб тандир кабобдан еб, орқасидан яхдай булок сувидан ичиб, каравотда бир соат ухласанг борми...

Азим бирдан унинг гапини кесди:

— Шошма-шошма, Темир. Бирпас ухламай тур, овқатинг ҳазм бўлсин, бўлмаса қозон кабоб тикилиб қолади ичингда.

Тўртовлон баравар кулиб юборишди.

Носиржон Жўрақулга қаради:

— Сен нимага индамайсан? — деди сўзнинг охириги бўғинини чўзиб. — Ҳа-а, Қўшрободди чўлида ўрганиб қолгансан-да, сен бечора. Худди қишлоғингга келгандай маза қиялсан чоғи, а?

Жўрақул Носиржонга яқинроқ келди.

— Қўшрободга борганмисан ўзи? Сени Чодагинг нима бўпти унинг олдида. Пангатга боргин, кўрасан дунёнинг жаннати қайда эканини. Бу дунёда Пангат, у дунёда жаннат, деган гапни эшитмаганмисан?

Ҳазил-ҳузул билан гаплар дадил-дадил, қизиққонлик руҳида давом эта бошлади. Темир уларнинг диққатини ўзига қаратди.

— Э, жўралар, қўйинглар бу гапларди. Ўзбекистонди чўлиям, қириям бу ерларди боғидан, тоғидан гўзал.

— Гениал фикр! — деди Азим киноя тарзида гапириб. — Философия! Шоир-да, мани оғайним, шоир! Шоирлардан ана шундай гениал фикрлар чиқади.

Темир Азимнинг елкасига қўлини ташлади.

— Қўйсанг-чи, майнавозчиликни. Тўғри-да, шу ерга келиб тортишиб ўтирамизми энди.

— Во! — Азим кўрсаткич бармоғини тепага кўтарди.

— Демак, мунозара тамом! Олға, марш!

Шу куни ҳаммомдан сўнг кийимларини алмаштиришди. Бир зумда ҳаммаси инкубатордан чиққан жўжадай бир хил бўлди-қолди. Юзини кўрмагунча ким эканини билиб бўлмайди. Бунга кўникмаган йигитлар роса кулишди.

Шундай қилиб ҳарбий ҳаёт бошланди.

Янгича шароит, янги жой, ҳавонинг ададсиз иссиғи йигитларни толиқтириб қўйди. Кўпчилиги эркин юрган, ҳатто аксарияти ота-онаси назоратидан ҳам холи бўлган студент эмасми, ҳарбийнинг темир интизомига ўрганиши, мослашиши оғир кечди. Иродаси бўшроқлари пана-панада яширинча кўз ёши ҳам қилиб олди. Энг ёмони — куннинг ўтиши қийин, ҳадеганда кеч бўлавермайди. Темир назарида бир неча ой ўтгандай туюлади, ҳисоблаб кўрса энди бир ҳафта кечибди.

Елғиз қолган кезлари, уйқу қочган тунлари Темирнинг юраги орзиқиб кетади, умри бекор ўтаётгандай, ҳавога соврилаётгандай туюлади. Бу кунларки шундай экан, демак икки йил шу зайл бесамар кечаркан-да, деган ўй дилини ўртаб ўтади. Эссизгина икки йил! Ўқишни битириши, бирон жойга ишга ўрнашиши мумкин эди. Анча-мунча шеърлар ёзармиди. Балки бу ердаям ёзар... Имкон бўлармикан? Ҳозирча шеър ёзишга на имкон, на хоҳиш бўлди. Кечаси соат ўнда ёт, эрталаб олтида тур, бадантарбия, ювиниш, бараварига овқатга бориш ва ҳоказо. Боғча тартибидан фарқи йўқ...

Бу ерга келиб жойлашган кунининг эртасиеқ отасига хат битди. Ҳаммаси яхши деб, адресини маълум қилди. Ота-онаси Афғонистонга олиб кетади, деб қўрққан эди. Шундан уларни хотиржам қилди. Иккинчи хатни Гавҳарга ёзмоқчи бўлди.

Оппоқ қовозга термилиб ўйга толди. Ўзидан-ўзи нолиди: «Э, қанақа адабиётчисан? Севган қизингга эслаб хат ёзолмайсан-у, яна шоир бўлармиш...» Ишқий китоблардаги мактубларни эслади. Отабекнинг Кумушга, Жўранинг Саодатга, яна бир қанча ошиқларнинг маъшуқасига битган мактубларини бир-бир хаёлидан ўтказ-

ди. Биронтасини ўзига эп кўрмади. «Улардан кўчириб олиш уят-ку. Йўқ нима бўлсаям ўз билганимни, дилимда борини ёзаман. Шу ўйлар билан хат ёзишга тутинди: «Салом, Гавҳархон!» Яна ўйланиб қолди: «Гавҳархон эмиш. Бирон марта шундай деганманми ўзи? Жим-жима, сохта эркалашнинг нима кераги бор. Нима деб атасам шундай ёзавераманда». Дафтарнинг варагини йиртиб ташлади. Янги варақча ёза бошлади: «Салом Гавҳар! Соғлиқларингиз яхшими? Ўқишлар билан чарчамаяпсизми?»

Биз Туркменистоннинг Кушка деган жойига келдик. Ҳаво жудаям иссиқ. Нафас олиш оғир. Ҳечқиси йўқ. Ўрганиб кетамиз. Яхши йигитлар кўп. Ўзимизнинг институтда ўқийдиган болалар ҳам бор...». Назарида асосий гапни айтолмаётганга ўхшайди. Бир зум ўйланиб турди-да, жадал ёза кетди: «Гавҳар! Очиғи, сизга ўрганиб қолган эканман... Сизсиз кунларнинг ўтиши оғир кечяпти. Соғиндим... Жудаям соғиндим. Бу аҳволда икки йилни қандай ўтказаман, билмайман... Ўқишларингизда омад тилайман, доимо соғ бўлинг».

Ҳарбий қасамёда қабул қилинди.

Ўқиш бошланди. Энди бўш вақт йўқ ҳисоби. Эртдан кечгача машғулот. Туркменистон иссиғиям таъсир этмай қўйди гўё.

Бир ойдан сўнг ўттиз чақиримлар наридаги тоғлик жойга олиб кетишди. Бу ерда ўқиганларини машғулотда синаб кўришди. Ичига ўн килоча цемент солинган тўрванни елкасига олиб югуртиради. Беш юз метрлар юқоридаги қир тепасига гишт, бошқа қурилиш материаллари кўтариб чиқишади. Яна югуришади.

Ўқиш чоғидаги зерикишлар булар олдида ҳолва бўлиб қолди. Куннинг иссиғида елкада юк билан чопиш, тепаликка чиқиб тушиш — дўзах азоби. Йигитларнинг тили осилиб, ҳаллослаб қолади. Лекин бунга ким эътибор беради, кимнинг раҳми келади? Баттар замлайди, баттар югуртиради, кимки танбаллик қилса, елкасидаги юкига яна юк қўшади. Икки ҳафта тинмай шунақа машқ қилишди. Шу икки ҳафта ичида кўпчилик бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб қолди.

Бир куни оқшом дам олиб ўтиришганда Азим нолиди.

— Бу нима азоб-а, овайнилар. Ўлсак ўлиб бўлди-ку тоза!

— Ҳарбий хизмат шу-да, — деди Жўрақул ўзича Азимга таскин бермоқчи бўлди. — Аста-секин кўника-миз.

Гапга Носиржон аралашди:

— Қанча йигитлар Афғонистонда қон кечиб юрипти. Ҳалиям шукур қилинг-да.

Азим ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

— Э, бундан кўра Афғонистонга борганимиз тузук эди. Уруш бўлса нима қипти, қўлингда автомат, душманни шартта отасан, вассалом.

— Ёш боланинг гапини гапирасан-а, Азим, дея кулди Темир. — Уруш ўйинчоқми сенга. У ёқдаги болаларнинг ўзи бир азобда бўлса, ота-онаси минг азобда.

— Ҳали кўп шошманг-ла, йигитлар, Афғонистонга-ям борамиз, урушния-м кўрамиз, — деди Носиржон билимдонларча.

— Ким айтди сенга?

Жўрақулнинг бу саволидан сўнг ҳамма унга юзланди.

— Нима, Афғонистонга боришдан қўрқаялсанми?

— Гап менинг қўрқиш-қўрқмаслигимдами? Қўрқаман десам юбормайдами? Барибир ваҳима-да. Энг ёмони ота-оналаримиз юрагини ҳовучлаб ўтиради.

Носиржон ўша оҳангда, гўё ҳамма нарсани биладигандай гапирди:

— Кушқага келдикми — тамом, барибир Афғонистонга олиб кетади. Ана кўрасила. Уч-тўрт ой ўқитадию кейин жўнатади. Бўлмаса бунақа машқлар — эртадан кечгача қоп кўтартириб югуртиришнинг нима кераги бор?

— Тезроқ жўнатгани маъқул, — деди Азим. — Автоматдан потиллатиб отишни яхши кўраман.

Азимнинг болаларча романтик хаёлидан шериклари кулишди. Аммо у фикридан қайтмади.

Темир ўзича бу гапларни таҳлил қиларкан, қанчалар қийин, минг бир азобга тўла бўлса-да, шу кунларига шукур қилди. Йўқ, у урушга киришдан чўчимайди. У бошқа нарсани ўйлайди: уруш бўлгандан кейин у ҳам кимнидир отиши керак, ўлдириши керак. Одам ўлдиришни у тасаввурига сира сиғдиrolмайди. Урушнинг эса ўз қонуни бор — сен ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Ҳали дунёнинг лаззатларини кўрмай ўлиб кетиш алам қилади.

Эркин қуш каби юрган йигитлар энди ҳарбий ша-роитта мослашдилар, унинг икир-чикирларига кўникдилар. Бошга тушганни кўз кўрар, деганлари шу-да. Машқлар ҳам аста-секин енгиллашгандай туюлди. Аслида қаяқда енгиллашади, улар ўрганиб қолдилар. Дастлабки кунлар ўн кило цементни кўтариб югурган бўлсалар, энди йигирма килога чиқди. Тепаликка юк ташиш-ку оддий ишга айланди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди.

Аввалига дам-бадам хат ёзарди: гоҳ уйига, гоҳ жўра-ларига, Гавҳарга. Борган сари хат ёзишга ҳам ҳафсала қолмас экан. Биронтадан хат келсагина жавоб битади. Ҳар гал хат олганида Гавҳарданмикан, деб интиқ бўлади. Адресини ўқимаёқ дастхатидан танийди. Нега хат ёзма-япти? Қишлоққа кетган бўлса, имкон тополмаяптими-кан?.. Наҳотки, ярим соат вақти йўқ, Икки энли хатни ёзиш шунчалар қийинми?

Гоҳо хаёлига нохуш фикрлар келади: «Бошқа би-ронта йигит билан топишдимикан? Наҳотки шундай қилса? Менга ваъда берди-ку. Кутаман деди-ку. Яна билиб бўладими? Кутаман деб орадан бир ой ўтмасдан ўзга йигитнинг қучоғига кириб кетган қизлар озми? Ёки ота-онаси бировга унаштириб қўйдимикан. Гав-ҳарнинг ўзидан сўрар ахир. Қизидан сўрамай узатиб юборадиган замонлар ўтиб кетган-ку... Балки улар-нинг қишлоғида ҳалиям шундайдир, билиб бўладими... Йўқ, унақамас... Шундай бўлганида ота-онаси Гавҳар-ни ўқишга юбормасди... Бўлмаса нега хат ёзмайди?..»

Бу ўйлар юрагини қуртдай кемиради.

Фикр-фикрни етаклаб келавериб, бағри ўртаниб кетади, инграб юборганини ўзиям сезмай қолади. Шун-дан кейингина ўзини қўлга олади, тушкун ўйларни хаёлидан қувади, ўзига-ўзи таскин беради: «Йўқ, Гав-ҳар унақалардан эмас, у сўзининг устидан чиқади. Мени кутади, биламан, ишонаман... Қишлоқчилик, иш кўп, хат ёзишга имкон тополмаёттандир, бировнинг олдида ёза олмас... Ўқиш бошланса ёзади, албатта ёзади, кўнглим сезиб турибди».

Темирнинг кўнгли адашмаган эди.

Турфа ўй-хаёдан дили гоҳо хуфтон, гоҳо чароғон бўлиб юрган кезларда у мактуб олди. Таниш ёзувни кўриб, юраги ҳаприкиб кетди. «Хайрият» деб юборга-

нини ўзиям сезмай қолди. Шоша-пиша конвертни очди. Олпоқ қорозга маржондай тизилган ҳарфларга кўз югуртирди:

«Ассалому алайкум, Темир ака! Соғлигингиз яхшими, хизматлар билан чарчамайяпсизми?»

Менинг ипларим яхши. Қишлоқда эдим, шу сабаб анчадан бери хат ёзолмадим. Қишлоқ одатлари ўзингизга маълум, шунинг учун жавобим кечикканидан ранжимассиз, деб ўйлайман...

Бугун шаҳарга келдим. Ҳали тузукроқ жойлашмасимданоқ сизга хат ёзишга киришдим. Тўғриси, сизни соғиндим. Қанотим бўлсаю учиб борсам Туркманистонга. Лекин, афсуски... Икки кундан кейин ўқиш бошланади. Энди тез-тез хат ёзиб тураман. Сиз ҳам мени интиқ қилманг. Ҳар кун хатингизни кутаман. Лоақал хат орқали гаплашиш, дардлашиш имконимиз бор-ку. Шунисигаям шукур...

Жавобингизни интизорлик билан кутувчи, Гавҳарингиз».

Темир хатни қайта-қайта ўқиди. Ҳар гал ҳарфлар узра кўз югуртираётганда Гавҳарнинг овозини эшитгандай, у гўё ёнгинасида туриб сўзлаётгандай туюлди. Маклуб Темирнинг шубҳаю хавотирга тўла кўнглига таскин берса-да, соғинчини янада оширарди. Бир мўъжиза рўй берсаю, у шу топда Гавҳарнинг ёнида бўлиб қолса.

Темир беихтиёр осмонга қаради: «Э, Худо, қани квадратингни бир кўрсат! Ҳеч қурса бир соат, ярим соатгина унинг ёнига элт мени!» У чуқур хўрсинди. Кафтидаги хатни яна очди, яна ўқиди.

— Ҳа, шоир, илҳом келдими? Хаёл сурвотсан?

Азимнинг саволи унинг хаёлини бўлди.

Темир ўрнидан туриб хатни чўнтагига солди. Азим буни кўрмади, кўрганда «жонондан хат кепти-да, нима дейди, бошқасини топмаптими ишқилиб», деб турли саволлар билан ғашига тегар эди. Ҳамма унинг одатини билиб қолган, шу ваздан ҳеч ким қизлардан келган хатни унга бидирмайди.

Эрталаб, буйруққа кўра, тўрва елкалаган аскарлар қисм ҳовлисида саф тортдилар.

Эллик ёшлардаги полковник ўртага чиқиб, бурч ҳақида, афғон ҳимояси ҳақида ваъз айтди. Сўнг, юриш буйруғи берилди.

Юз метрлар юрилгач, қатор турган машиналар

кўринди. Буйруққа биноан улар машиналарга чиқдилар...

Машиналар аскарларни Ашхобод аэропортига олиб кетди. Рота-ротага бўлиниб, самолётларга чиқишди.

Тўрт оғайни ботирлар бир ротада эди, шунинг учун ҳаммаси бир самолётга чиқиб, ёнма-ён ўтирди. Жойлашиб олгач, Носиржон шерикларига қаради.

— Қалай, гапим тўғри чиқдими? Келган кунимизок айтганман бун.

— Э, сен авлиёсан, — деди Азим.

Носиржон бўш келмади, ўтирилиб Азимга юзланди:

— Аммо-лекин сен орзунга етадиган бўлдинг-да, — деди кулиб. Сўнг Темир билан Жўрақулга қаради: — Эсингдами, Кушканинг иссиғига бардош беролмай, бундан кўра Афғонистонга кетганимиз маъқул, автомат билан тариллатиб душманни отамиз, деганди. Фаришта омин деган экан. Энди кўрамыз, нечта душманни ўлдирад экан.

«Кўрамыз, нечта душманни ўлдирад экан». Бу гапларни айтиш наҳотки шунчалар осон бўлса. Душман ким? Ахир уям одам-ку, униям ота-онаси, қариндош-уруғи, балки бола-чақаси бордир. Одамни ўлдириш ўйинчоқми?

— Менга қара, Носир, — деди Темир, Носиржоннинг елкасига қўлини қўйиб, ўзига қаратар экан, — ўйлаб гапираяпсанми шу гапларни? Афғонистон дегани кимнидир ўлдириш керак, деганими?

Носиржондан аввал Азим гап қотди:

— Бошқа иложинг йўқ. Акс ҳолда сани ўлдиришадди. Ундан кейин қанча кўп душман ўлдирсанг, шунча яхши. Қаҳрамон бўласан. Ёшгина йигит унвон олсанг ёмонми? Бир умр маза қиласан.

Бунақаси Темирнинг руҳига тўғри келмайди. Бундай «маза»ни у ҳазм қилолмайди. «Булар осмондаги романтик хаёллар, биродар, ҳали ерга тушганда кўрамыз» демоқни мўлжаллади-ю, лекин ўзини тийди. Ҳозир бунақа тортишувлардан наф йўқлигини сизди.

— Майли, қўйинглар, жўралар, бу гапларни, нима бўлса пешонамизда борини кўрамыз. Ундан кўра дам олинглар.

У, шундай деб, ухламоқчи бўлган каби кўзларини юмди. Бироқ уйқу қаёқда, турфа ўйлар миясини парма сингари ўяди. «Уйга, отамга нима деб ёзаман? Афғонистонга келганимизни ёзсам — тамом, бир тарафда отам,

бир тарафда онам ўзини-ўзи еб адо қилади. Токи мен уйга кириб боргунимча ҳоллари не кечади? Хатларидан маълум, отам Худодан фақат Афғонистонга бормаслигимни сўрайдилар. Биргина мени отаммас, ўғли армияга кетган жамики ота-онанинг ягона тилаги шуку ҳозир. Ахир гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда Афғон урушида ҳалок бўлган аскарларнинг ўлигини олиб келишяпти-да. Уларни кўриб, эшитиб турган қайси ота, қайси она чидайди, ўғлим Афғонга бормасин, деб эртаю кеч қайси бири Оллоҳга илтижо қилмайди».

Шериклари Темирни ухлаб қолди, деб ўйлашди, шу боис унга индамай ўзлари нималардир тўғрисида турунглашиб бордилар. На дўстларининг гўнғир-гўнғири, на самолётнинг бир маромдаги гувиллаши Темирнинг хаёлини бўла олмади. «Нима қилиб бўлса-да, уйдагиларга Афғонга келганимизни билдирмаслигим керак. Агар ризқи-насибам узилмаган бўлса, бир кун уйга кириб борарман. Бордию...»

У уёғини ўйлашга ҳам юраги дов бермади. Бир зум хаёллардан ҳоли қолмоқни истади. Аммо бунинг иложи топилма қолса экан. Афғонистонда эканини билдирмаслик йўлларини излайверди, излайверди.

Туйқусдан хаёлига бир фикр келди. «Шошма-шошма, — деди ўзига ўзи, — Маҳмуд Венгрияда хизмат қиляпти. Унинг адресида аниқ шаҳари ёзилмайди. Умуман, чет мамлакатларда хизмат қиладиган солдатларнинг адреси кўрсатилмайди-ку, фақат дала почтаси, фалон ҳарбий қисм, деб қўйилади, холос. Демак, Афғонистондаям адрес шундай бўлади. — Темир бу фикрдан суюниб кетди. — Бизни чет элга — Венгрияга олиб кетишди, Маҳмудларнинг яқинидамиз, баъзан у билан кўришиб ҳам турамиз, деб ёзаман. Аввал Маҳмудга хат ёзиб, бор гапни тушунтираман, сен ҳам хатингда менинг гапимни тасдиқлайсан: Темир бизга яқин жойда, ҳар замонда учрашиб турамиз, дейсан. Шунда улар хавотир олишмайди».

Ота-онасини ташвишга қўймасликнинг энг тўғри йўли шу эди. Бундай фикр хаёлига келганидан, муҳими Маҳмуд — тоғасининг ўғли айни кунларда Венгрияда хизмат қилаётганидан ич-ичида севинди...

Самолёт пастлай бошлади. Балаңд-паст тоғлар, тоғ оралиғидаги қишлоқлар кўзга ташланди. Ҳамма жим. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Кимнинг кўнглидан нима кечяпти экан шу топда.

Жимликни Азимнинг ҳазили бузди:

— Эй, Носир, қани душман, биронтасиям кўринмайди-ку.

Азим жуда ҳазилкаш, дангал, мард йигит. Сира тиниб-тинчимайди, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан гапириб, ҳазил-хузул қилиб туради. У айниқса Носиржон билан қаттиқ ҳазиллашади. Иккови бир гуруҳда ўқигани учун бир-бирининг ҳазилини кўтаради, малол олмайди.

— Сени келишингни эшитиб бари душманлар Покистонга қочиб кетган бўса керак. Ажалимиздан беш кун бурун ўлмайлик, қоч, Тошкентдан Азим шер деган полвон келутти, деб бир-бирини судраб кетишган чоғи.

Носиржоннинг бу гапидан танишу нотаниш — ҳамма кулиб юборди. Боядан бери жим келаётган Жўрақула гапга аралашди.

— Ҳайла, бир тўдаси орқа-олдига қарамай қочиб кетяпти. Кўрдингни, Носиржон?

Яна кулги кўтарилди. Самолёт эса тобора пастлаб боряпти. Энди моллар, одамлар ҳам кўрина бошлади.

Афғонистон тупроғи биз учун ҳам қадрли. Тарихимизнинг бир бўлағи шун макон билан боғлиқ. Беруний, Навоий, Жомий, Бобур, яна қанча улуғ инсонларнинг қабри шун ерда. Уларнинг қабрини зиёрат қилиш, изларини тавоф қилиш ўрнига жанг қиламиз, қон тўкамиз... Ким билади, биз душман деб атаган одамлар орасида ўша аждодларимизнинг авлодлариям бордир. У ҳолда ўз қариндош-уруғларимизга ўқ отамизми, бир-биримизни ўлдираемизми? Улганларнинг руҳи қарғамайдими?

Темирнинг ўйлари ниҳоясига етмай самолёт филди-рақлари аэропортнинг бетон йўлкаларига тегди...

Аэропорт деганда Темир кенг, равон бетон йўлаклару атрофида турли биноларни тасаввур қиларди. Кобул аэропортида манзара ўзгача экан. Тўрт тарафи тоғ билан ўралган, майдони ҳам унчалик катта эмас. Қишнинг изиринига қарамай шол рўмолга ўхшаш оддий матога ўралиб олган, узун иштон ва енгил пойабзал кийган — юпун афғонларга кўзи тушди...

У ч и н ч и б о б

4

Қош қорайғанда улар тушган машина бир қасабага кириб келди. Пастаккина бараклар олдида тўхтади. Тушишга буйруқ бўлди. Темир Азим билан Жўрақул-ни қидира бошлади. У машинадан бу машинага чопди, тополмади.

— Носир, машиналарди ярми бошқа томонга кетганми, дейман.

— Шунақага ўхшайди. Икки-учта рота келган чоғида.

Шундай қилиб, тўрт оғайнилар бўлиниб кетишди. Азим билан Жўрақул бир жойдами ёки улар ҳам ажралиб кетишдими — буниси номатлаум.

Шу оқшом Хинжон посёлкасида тунашди. Йўлда толиққани учунми Темир қаттиқ ухлаб қолди. Туш кўрди. Кенг дала эмиш. Бир қараса, ўзининг қишлоғига ўхшаб кетади, бир қараса ҳозиргина ўтиб келишган афғон далаларига ўхшайди. Темир ҳайрон. Қаерга келиб қолдим ўзи. Анови тоғлар ўзимизнинг тоғлар, лекин манави йўллар, тўсиқлар-чи? Ўйланиб турса, рўпарасида бир киши кўринибди. Яхшилаб қараса — отаси. Ие, отам қаердан келиб қолдилар бу ерга? Отаси унга томон кела бошлабди. Оралари беш қадамлар қолганда ўртада бир бўз от пайдо бўпти. От ўйноқлаб турибди, цирқда ўргатилгандай. «Улим, сенга от олиб келдим. Мана шу отни миниб юрсанг хавф-хатардан холи бўласан», дермиш отаси. «На эгари, на жугани бор, қандай минаман», деса, «Эй улим, бунга унақа нарсанинг ҳожати йўқ. Устига ўтирсанг бас, истаган томонингга ўзи олиб кетаверади. У сени йиқитмайди, авайлайди», дермиш.

— Рота, подём!

Бу овоздан Темир сесканиб уйғониб кетди.

Эшик олдида рота командири — озғин, сочи қизғиш, капитан Волков турарди. Ҳамма баравар ўрнидан туриб, апил-тапил кийина бошлади.

Эрталабки бадантартия, югуриш қайда, бирданига нонушта берилди.

Чала-чулпа нонуштадан кейин иккита рота аскарларига нарсаларини олиш буюрилди. Улар орасида Темир билан Носиржон ҳам бор.

— Яна қайга олиб бораркин, — деди Носиржон, нарсаларини йиғиштириб осма тўрвасига соларкан.

— Ким билади, дейсан. Ихтиёр қозончининг ўзида, хоҳлаган жойидан қулоқ чиқаради, деганларидай, истаган жойига олиб кетаверади-да. На сўрашнинг, на рад этишнинг иложи бор, қулоқни қимирлатмай кета-верамиз, жўра.

Саф тортганларидан сўнг капитан Волков билан нотаниш бир майор ўртага чиқди. Ҳамма уларнинг оғзига термиди. «Нима деркан? Қаерга боришимизни айтармикан?» Майор нарироқда турган аскарларга нимадир деди. Улар зум ўтмай бир неча автомат кўтариб чиқди-да, сафда турганларга тарқата бошлади.

— Жангга кирамиз чоғи, — деди Носиржон астагина Темирга; товуши титраб чиқди. Буни Темир сизди, сизди-ю, ўзининг ҳам кўнглидан шу ўй кечгани учун индамай қўя қолди...

Бир-бири билан изма-из келаётган машиналар асфальт йўлда кетиб бормоқда. Темир атрофга разм солди. Ҳу нарида баланд-баланд қояли чўққилар. Ҳиндиқуш тоғи шу бўлсамикан? Бу йил қор анча кўп тушганга ўхшайди, тоғ этаклари ҳам оппоқ. Чап тараф бийдай дала, адоғи кўринмайди. Боя тушида кўрганми? Худди ўша. Э, тавба, дейди ўзига ўзи, ҳали бу ерлар билан тузукроқ танишмай тушимга кирса... Отам хавотирда шекилли-да, тушимга бекорга кирмайди-ку, тушимдаям бир хислат бор ўзи. Отни кўргани яхши бўлди, от — мурод дейишади... Ҳаммамизга автомат берганига қараганда, Носиржон айтганидай, тўғри жангга кирамиз шекилли. Лоақал уйга хат-пат ёзиб юборсак ҳам майли эди.

Машиналар дара ичига кириб, тезликни ҳам оширди. Ҳар бир машинада биттадан офицер ўтирипти. Йўлга чиқишдан олдин тайинланган: «Офицер буйруғисиз ҳеч ким жойидан турмайди, қурол ишлаатмайди».

Чуваккина офицер — Куйбишев ўрнидан турди-да, дурбинини кўзига қўйиб, йўлнинг икки тарафини кузата бошлади. Сўнгра аскарларга қаради: «Иигитлар, ҳушёр бўлинглар, мана шу дарада душманлар бўлиши мумкин. Бордию ўқ отиб қолса ҳовлиқманглар, қўрқманглар буйруғимсиз ҳеч ким ҳеч қандай ҳаракат қилмасин». Машина тезлигини баттар оширди. Дара эса тобора торайиб бормоқда. Икки томон баланд тоғлар, йўлнинг чап томонида — пастликда кичкина сой, суви

гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмайди. Бу йўл Темирга Шоҳимардонга борадиган йўлни эслатди.

— Худди Шоҳимардоннинг йўлига ўхшайди-я, Носир, эътибор қияпсанми? — деди Темир.

Чувак офицер Темирга бақирди:

— Разговори!

«Ҳаракат-ку мумкин эмас, гапириб ҳам бўлмас экан-да», деб ўйлади Темир. Фикри охирига етиб-етмай олдинда автоматнинг тариллаган овози эшитилди.

— Бошланди! — деб юборди Носиржон беихтиёр.

— Ҳамма жойида қимирламай ўтирсин! — деди офицер.

Машина тезлигини пасайтирмади. Аскарлар атрофга алаң-жалаң қарайди. Туриш таъқиқланган. Офицер ҳам энгашиб олди. Энди ўнг томонда ўқ отилди. Бу машиналарга яқин жойдан эшитилди. Чувак офицер автомати милини ўша томонга тўврилаб, тепкини босди.

— Иложи борича пастроқ энгашишлар! — деб буйруқ берди офицер.

Аскарлар, қосаси ичига бошини тортиб кетган тошбақа мисоли, шинели ёқасига бурканиб, калласини ҳам қилдилар. Ҳайдовчи машинага газ берди.

Шу алпозда беш-ўн минут ўтиришди. Бошқа ўқ овози чиқмади.

— Хайрият, — деди офицер енгил нафас олиб, — эсон-омон ўтиб олдик.

Дара тутаган, машиналар кенгликда кетиб борарди.

— Душманлар ана шунақа жойларда ўрнашиб олган, — офицернинг аниқ, дадил гапиришидан бу ерда анчадан бери хизмат қилаётгани билиниб турарди. — Бахтимизга бу ердагилар камчилик экан, бўлмаса қаттиқ отишма бўлиши тайин эди. Энди Тазунга еттуни-мизча бежавотир кетсак керак.

Тазун — улар борадиган манзил, тоғ оралиғидаги қишлоқ. Шу ерда шўро аскарларининг қароргоҳи бор.

— Ҳали узоқми? — сўради Темир.

Офицер кулди.

— Нима, кўрқяпсанми?.. Яна бир соатларда етамиз.

— Кўрққанним билан бирор нарса ўзгарармиди, — деди Темир, ўзини дадил тутишга уриниб.

— Тўғри айтасан, бу ерда кўрқувни эсдан чиқариш керак. Очиги, кўрққан одам эртароқ ўққа дуч келади... Ўзбекмисан?

— Ҳа, — деди Темир.

— Қаердансан?

— Самарқанддан. Мана бу жўрам Намангандан.

— О, жуда яхши, ҳамюрт эканмиз, менам ўзбекис-тонлик. Чирчикдан.

— Қанча бўлди бу ерга келганингизга? — деб сўради Носиржон.

Офицер оғир тин олди.

— Э, сўрама, оғайни, уч йил бўлди. Бир марта отпусмага бориб келдим, холос.

Уч йил. Шунча вақт кечаю кундуз жангу жадал, ўқ-олов, хавф-хатар ичида юришнинг ўзи бўлмайди.

— Уруш қачон тугар экан, маълум эмасми? — деди Носиржон.

Эндигина бу ерга келган йигитларнинг соддалигини кўриб ичида кулган Куйбишев ўзини баттар билимдон, ҳамма воқеалардан хабардор тарзда тутди.

— Очигини айтсам, — деди у гавдасига номуносиб оҳангда салмоқлаб, — ҳали анча давом этади. Душманлар кўп. Энг ёмони, оддий афгон халқи сену мени ёмон кўради. Иложи бўлса битта қолдирмай қириб ташласам, дейди. Биз эса уларга озодлик, эркинлик берамиз, деб жон олиб, жон бериб юрибмиз. Саводсиз халқ-да... Ҳа, майли, бир кунмас бир кун тушуниб етар. Ҳозиргилари бўлмаса, фарзандлари тулгунар, балки ўшанда бизга раҳмат айтар... Фақат кўплаб солдатларимиз ҳалок бўлаётгани алам қилади-да. Инқилоб душманларини биттаям қолдирмай қириб ташламагуни-мизча бу ердан кетмаймиз.

Офицернинг мулоҳазалари Темирни ўйлантириб қўйди. Балки афгон халқи шунақа турмушни хоҳлар. Биз нега уларнинг ички ишига аралашимиз керак? Ўзи қандай тузумни, қанақа тартибни истаса шундай яшайверсинда. Эҳтимол, бизнинг тузумимиз, бермоқчи бўлган озодлигимиз афгон халқига ёқмас, уларнинг миллий руҳига тўғри келмас. Бўлмаса шунча йилдан бери қанчадан-қанча қурбон бериб курашиб ётармиди... Одамнинг ақли етмайди... Нималар бўляпти ўзи? «Инқилоб душманларини биттаям қолдирмай қириб ташламагуни-мизча бу ердан кетмаймиз». Нега биз қиришимиз керак уларни? Ахир Савр инқилобини биз қилмадик-ку. Ўзлари инқилоб қилпти, ўзлари курашаверсин-да.

Суҳбат қизиқ, вақт ўтгани ҳам сезилмади. Пешинга яқин манзилга — Тазун қишлоғига етиб келдилар.

Аскарлар тушган макон қирнинг тепасида. Пастда қишлоқлар, бир томонда водий. Кечаси қор ёққан шекили, ҳаммаёқ лой, соя жойларда қор уюмлари. Тоғлар яғрини оппоқ, қуёш нурида олмос каби ялтираб кўринади. Бу манзаралар Темирга Ургут тоғларини эслатди. У ерда ҳам қиш кунлари худди шунақа манзарани кузатиш мумкин.

Аскарлар кичик-кичик казармаларга бўлиндилар.

— Азим билан Жўрақул қаерда қолди экан? — деди Носиржон. — Кобулда қолдирдимикан ёки қайсидир тоғ оралиғига жўнатиб юбордимикан-а? Хатпат ёзайлик десак адресиниям билмаймиз. Уларни яна кўриш насиб этармикин?

Темир чуқур хўрсиниб қўйди...

II

Тунда Темир, самолётда тузган режаси бўйича, аввал Маҳмудга хат битди. Афғонистонга келишганини, ота-онаси хавотир олмаслиги учун шундай йўл тутганини Маҳмудга тушунтирди.

«Хўш, энди кимга? Уйга кейинроқ ёзганим маъқул, унганча Маҳмуддан ҳам хат келиб қолади. Икковимизники олдинма-кейин келса ишонарли чиқади... Демак, энди Гавҳарга ёзаман».

Уни ўйлаши билан Темирнинг дилини ширин бир туйғу қамраб олди. Ажабо, муҳаббатнинг сеҳри шумикан? Икки-уч кундан бери хаёлини тарк этмаётган асабий таранглик, Кушқадан то бу ерга етиб келгунча гоҳ машина, гоҳ самолёт, гоҳ пиёда йўл юришлар, чарчоғу толиқишлар, уйқусизликлар — ҳаммаси бирдан тарқагандай туюлди, ўзини ҳозиргина муздай анҳорга шўнғиб чиққан одамдай енгил ҳис этди, кайфияти ҳам хушланди. Йўлда келаётиб, умрида биринчи марта автомат отишмаларини кўриб юраги увишган, то хизмат тутагунча шу отишмалар ичида юрамиз шекилли, деб ўйлаган, бу ўйидан очиги, бирмунча чўчиган эди. Бу қўрқув, бу ҳадик яқин-яқинганча, гарчи уни эсламасликка тиришса-да, кўнглининг аллақаярида турганди. Улар ҳам қуёшдан чекинган соялар каби тарқалди — дилида на ҳадик, на чўчиш қолди. Муҳаббат, бу — қуёш! У одамни илитади, йўлини ёритади, гоҳида қиздиради, куйдиради. Муҳаббат кўнган юракда қувват, шиддат, ҳаётга муҳаббат пай-

до бўлади. У одамни жасур, ҳеч нарсадан чўчимайдиган, мард қилади. У масофани тан олмайди. Йўқса, Гавҳар қаердаю Темир қаерда ҳозир. Унинг муҳаббати Темир кўнглига қувват, билагига куч, кўзига нур ато этмоқда. Шу топда ундан ботир, ундан мард, ундан-да жасур йигит йўқ оламда.

Темир ширин хаёлларга берилиб ўтираркан, қўларини орқага қилиб, маза қилиб керишди. Назарида кенг елкалари янада кенгайгандай, бақувват мускуллари тағинда бақувватлашгандай туюлди. Фикрларини бир нуқтага жамлаб, оппоқ қоғозга ҳарфларни маржондай тиза бошлади.

«Гавҳар! Менинг муҳаббатим! Соғ-омонмисиз? Сизни қанчалар соғинганимни билсайдингиз... Сўз билан ифода қилолмайман. Бу дунёда сиз борлигингиз, сизни менга рўпара қилгани учун Олоҳ таолога минг бора шукроналар айтаман. Сизни ўйласам кўзимга нур, билгимга куч, дилимга хуш кайфият йўғрилаверади. Бу ердаги ҳар хил бемаъни одатлар, кишини ёш бола сингари қолипга солишлар, асабийликлар — ҳаммаси сизни ўйлаганимда нурга дош беролмаган кўршапалак мисоли кўздан ғойиб бўлади, улар хаёлу дилимни тарк этади, рутубатли қишдан кейин қуёш кўрган одам каби кўнглим равшан тортади. Шу боис сизни қуёшим дейман...

Гавҳар, жоним! Бугун биз Афғонистонга келдик. Ҳа, азизам, шундай. Хавотир олманг, бизнинг қисми миз уруш бўлаётган жойлардан анча узоқда. Бу ерда олдиндан хизмат қилаётган йигитларнинг айтишича, Бавлон вилоятининг Тазун деган қишлоғидамиз. Тоғли жойлар. Насиб этса бу ерларга ҳам ўрганиб кетармиз. Туркменистоннинг ададсиз иссиғи, чанг тўзонлари, аёвсиз изғиринларига чидадик-ку. Одам боласи ҳамма нарсага кўникар экан.

Фақат ўз дард-ҳасратимни тўкиб солдим шекилли, узр. Ўзингиз қалайсиз, соғлигингиз, ўқишлар жойида-ми, қишлоқдагилар эсон-омонми? Доимо соғ бўлинг, ўқишингизда омад тилайман. Тез-тез хат ёзиб туринг, илтимос. Жоним, сиздан, яна бир ўтинчим бор. Менинг Афғонистонга келганимни ҳеч кимга айтманг, уйдагиларга мен Венгрияда хизмат қиляпман, деб ёзмоқчиман...»

Хатни ёзиб бўлди, ечиниби ётди. Хаёлидан ҳамон Гавҳар чиқмас, у билан ўтган масъуд дамлар лаззати-

ни қайтадан туйғандек эди. Эҳ, қандай ширин онлар эди. Яна насиб этармикан?

Ухлайин дегани сайин Гавҳар билан кечган суҳбатлар, воқеалар кўз ўнгидан кетмайди, ҳаммаси бир-бир хаёлида жонланаверди.

Бир марта жуда ғалати бўлди. Ўша воқеадан кейин анчагача Гавҳарга кўринишдан уялиб юрди. Уни эслаш Гавҳарга ҳам, Темирга ҳам ёқмас, иккаласи ҳам бир титраб кетар, шу боис уни сира ёдга олмасликка иккови бир-бирига сўз берган эди. Хаёл қизиқ нарса эканда, ҳозир шу воқеа эсига тушди...

Апрел ойининг охирлари. Санъат саройида кинога тушдилар. Кинодан чиқишганда қош қорайган, майин ёмғир севалаб турарди. Ўша баҳорда негадир ёмғир кам ёвди. Шунданми, бугунги ёмғир ҳаммага хуш ёқар, у дарахтлар, гуллар, ўт-ўланлар баргидаги чанг-ғуборни ювиб ўтар, ҳаво ёқимли, севишганларни сайр этишга даъват этарди. Бу туйғу Темир билан Гавҳарга ҳам бегона эмасди.

— О-о, ёмғир ёғяпти-ку, — деди Темир ташқарига чиқиши ҳамано. — Ҳавони қаранг, Гавҳар, бунчалар хушбўй. Бироз айлансак нима дейсиз? У Гавҳарга термилди. Гавҳар унга. Қизнинг кулгу ўйнаб турган шўхшан кўзларида йигитнинг таклифига ризолик аломати акс этиб турарди. Шу боис Темир жавоб кутмай Ўрда томонга бошлади. Гавҳар шамсиясини очди.

— Менга беринг, — деди Темир қизнинг қўлидан шамсияни оларкан.

Шамсия айвончаси тагида ёмғирдан бекиниш учун улар бир-бирига тиқилиб борар, йигит анча бўйчан бўлгани боис, шамсия қиздан анча юқорида кўринар эди.

— Яхшиям зонтик олганим...

У йигит томонга юзини бурган кўйи, нигоҳини юқорига — Темирнинг кўзлари томон йўналтирди. Йигит эса аксинча, жиндай энгашган ҳолда, унинг кўзларига қаради. Шунда қизнинг шундоқ ҳам қоп-қора, дид билан тортилган нозик, билинар-билинмас сурма туфайли таинда қорароқ кўринган кўзлари ёмғир томчиларини ёриб ўтаётган электр нурида чарақлаб кетди. Йигит ўзини тиёлмади — чаросдек ялтираб турган кўзларига лабини босганини ўзи ҳам, қиз ҳам сезмай қолди. Қиз бирдан ўзини орқага тортди.»

— Ҳей, қароқчи, нима қиялпсиз? Уялмайсизми, катта

кўчада... Назарида юзлари қизариб кетди Темирнинг. Ўзини қўлга олиб ҳазиллашди:

— Ошинг ҳалол бўлса — кўчада ич, дейдилар.

— Аввал ҳалоллаб олинг, — Гавҳар ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб берди. Қизнинг топқирлиги, ҳозир-жавоблигига Темир қойил қолди.

— Бопладингиз... Тан бердим, — деди ноилож.

Анҳорга яқинлашиб қолдилар. Иккови ҳам гўё олдиндан келишиб қўйгандай Анҳор ёқалаб «Пахтакор» стадиони томон юрди. Ёмғир ҳамон ўша кўйда — майдалаб ёғар, йўллар аллақачон ҳўл бўлиб улгурган, майда-чуйда чуқурларда пайдо бўлган ҳалқобчалар чирок ёғдусида ялтираб кўринар эди.

Стадион панжаралари кўринди.

Темир ака, — деди Гавҳар, — бир таклиф бор.

— Марҳамат.

— Шундоқ айланиб Гагарин паркига ўтсак. У ерда сиреналар бор, роса гуллаган бўлса керак. Оламиз.

— Сиренни яхши кўрасизми?

— Жудаям.

— Бўпти олганимиз бўлсин.

Кўприқдан айланиб, Гагарин боғи томонга юрдилар. Бу пайтда ёмғир тинган, боғ ичи чироқлар ёруғида гўзал кўринарди. Арчалар сутта чайилган қизлар каби тиниқ-тиниқ, гўзал, кўзни қувнатади. Хув наридаги бир туп настарин чамандай очилипти. Унинг нафармон гуллари кўзни қамаштиради.

— Ана, — деди Гавҳар ёш боладай севиниб.

— Ҳозир оламиз...

Темир шундай деб шамсияни Гавҳарга узатди-да, ўзи жадал юриб кетди. Бориб настарин гулларида уза бошлади. Ҳаш-паш дегунча бир қучоқ бўлди. Унгача қиз ҳам етиб борди.

— Мана сенга олам-олам гул.

Этагинга тўлганича ол, ол.

Темирнинг ҳазилидан қиз мириқиб кулди. Сўнгра шеърнинг давомини айтди:

— Бунда толе ҳар нарсадан мўл,

То ўлгунча шу ўлкада қол, қол...

Энди иккови баравар кулди. Уларнинг шодон кулгуси дов-дарахтлар, ям-яшил арчалар, салом бераётган келинчак мисоли эгилиб ётган настаринлар бағрига сингиб кетди.

Қиз гуллари тўйиб-тўйиб ҳидлади.

— Жуда яхши кўраман-да сиренни. Айниқса ранги ёқади менга.

— Демак, нафармон рангни ёқтираркансиз-да?

— Ҳа, — деди қиз яна гулларни ҳидлаб, — қизилданам, оқданам — ҳаммасидан кўра нафармон рангни яхши кўраман.

Шундагина Темир қизнинг устидаги кўйлак ҳам нафармон рангдалигига эътибор берди.

— Сезилиб турипти, — деди Темир муғомбирона оҳангда.

— Қаёқдан? — ажабланди содда қиз.

— Кўйлагингиздан.

Қиз устидаги кўйлагига, гўё ўзи энди кўраётгандай, энгашиб қаради. Чиндан бугун қайси кўйлагини кийиб чиққани ёдида йўқ, атайлаб шундай қилмаган, тасодифан тўғри келиб қолган эди.

— Жуда синчков экансиз-ку.

Темир сир бой бермади.

— Ҳа, энди девор бўлмаса кўчани кўрамин.

— Сиздан эҳтиёт бўлиш керакка ўхшайди.

Темир қизнинг елкаларидан ушлади. Кўзларига термишди. Қиз ҳам термишди.

Нигоҳлар бир-бирига яқинлаша бошлади. Яна, яна, яна... Лаблар қовушдилар. Икковиям бу дунёда йўқ эди гўё, арши аълога чиқиб кетишганди. Қани бу онлар тугамаса, давом этаверса, этаверса...

Ногоҳ чалинган ҳуштак овози уларни шувиллатиб «ерга» туширди. Темир ялт этиб овоз келган томонга қаради. Қўлига қизил латта бовлаган икки йигит турарди. Икковининг ҳам сочлари ўсиб кетган, яқин ўртада тароқ кўрмаган, қўлидаги қизил лентани ҳисобга олмаса, кўчадаги безорилардан сира фарқи йўқ.

— Нима керак сизларга? — деди Темир ўзини дадил тутиб.

— Нега бу ерда ўпишяпсизлар?

— Нима ишларинг бор?!

— Бу ерда бунақа иш билан шуғулланиш мумкин эмас. Штраф тўлайсан, бўлмасам милицияга олиб кетамиз.

Темирнинг газаби қўзиди. Қўлини Гавҳарнинг елкасидан олди-да, йигитларга яқин борди. Товушини бироз пасайтириб, қаҳр ила деди:

— Уялмайсизларми шу гапни гапиргани. Кўрдиларинг-ку ахир, ҳеч нарса қилганимиз йўқ.

«Посбонлар»нинг бир туки қимирламади. Ўша без-
райган кўйи:

— Штраф тўлайсан, бўлмаса олиб кетамиз, — деди.

Ҳозир иккаласини милиция машинасида олиб ке-
тадигандек, Гавҳар хавотирлана бошлади. Худо кўрсат-
масин, шармандалик-ку бу.

У югуриб Темирнинг олдига борди.

— Темир ака, жон Темир ака, булар билан тортиш-
манг, беринг шу штрафини. Мана, мендаям бор озроқ
пул, — деб сумкасини титкилай бошлади.

Темир Гавҳарнинг қўлини ушлади.

— Қўйинг, сумкани ёпинг. Ҳозир ўзим тинчитаман.

«Посбонлар» Гавҳарнинг гапини эшитмаган бўлса-
да, ҳаракатларидан мақсадини англади. Айни вақтда
Темир ҳам уларнинг ниятини билди, «дружина»чилар-
га заррача алоқаси йўқлигини пайқади. Бироқ ҳозир
бу ярамаслар билан ади-бади айтишиб ўтиришдан фой-
да йўқлигига кўзи етди. Эҳтимол, нарироқда бошқа
шериклари пойлаб тургандир. Темир чўнтагига қўл
солди-да, чиққан пулни узатди. «Посбонлар»дан бири
пулни чироқ ёруғига тутиб санади.

— Бу кам, — деди Темирга яқинлашиб.

— Сенлардан қарзим борми? Олавер-да, борини.

Гавҳар яна Темирга ялина бошлади:

— Темир ака, мени пулимниям беринг, тезроқ ке-
тайлик бу ердан.

Темир гўё унинг гапини эшитмаган сингари яна
чўнтагига қўл солди. Қолган ҳамма пулини берди. Боя-
ги йигит яна чироқ ёруғига тутди, гўё қарзини санаб
олаётгандай:

— Аслида буям кам, — деди, пулни чўнтагига со-
ларкан, — лекин сенга раҳм қилдик. Энди бу ердан
туёғингни шиқиллат.

Темир ниҳоятда эзилди, иккита безорининг олдига
ожиз қолганидан эзилди. Тирикчилик ўтказишнинг бош-
қа йўлини топса бўлмасмиди бу ярамаслар...

Унинг оёқлари зиддай, гўё кўтариб босишга қийна-
лади. Тилига сўз келмайди, миқ этмай бормоқда. Нима
ҳам десин?

Боғдан чиқиб трамвай бекати томон юришди.

— Мени кечиринг, Темир ака, — деди Гавҳар охи-
ри жимликни бузиб. — Ҳаммасига мен айбдорман.

— Нимага сиз айбдор бўласиз?

— Сирен олайлик, деб мен бошладим-ку бу ёққа.

— Хўш, келсак нима бўпти? Сирен олсак нима бўпти? Ахир ҳамма келадиган, айланадиган жой-ку. Боғ нима учун керак бўлмаса?.. Ярамаслар...

Иккови ҳам жим кетишди. Такси-пакси тўхтатай деса, аҳвол бунақа. Аммо шу ҳолда трамвай кутиш, Гавҳарнинг ётоқхонасигача трамвайда лиқиллаб бориш, кейин ўзининг кулбасига кетиш — эҳ-ҳе, осонми... Гавҳар унинг кўнглидан кечаётган гапларни сезгандек сўз қотди:

— Юринг, Темир ака, ҳув наридан биронта такси тўхтатамиз. Трамвай қачо-он келади.

Темир индамади, миқ этмай Гавҳарга эргашди...

Бу воқеадан анчагача руҳан эзилиб, Гавҳарнинг олдига хижолат чекиб юрди...

Ҳозир шуни эслаб ётаркан, ўзича жилмайди: «Ғалати ҳодисалару тасодифларга тўла экан-да бу дунё!..»

III

«Вой-дод, ўлдим» деган чинқириқдан чўчиб уйғонди Темир. Сагчиб туриб қараса, Носиржон полда чўзилиб ётибди. Қотмадан келган новча йигит икки қўлини белига тираб, унинг тепасида турибди. Темир билди, демак, «қария»лар ўз хунарини бошлабди. Қони қайнаб кетди. Югуриб бориб бояги йигитнинг қулоғи аралаш чаккасига бир шاپалоқ туширди. У бу зарбани кутмаган бўлса керак, гандираклаб кетди, аммо йиқилмади. Темирнинг башараси ваҳшиёна тус олган эди, буни Новча кўрди, кўрди-ю, ўзини ниҳоятда вазмин тутди. Аввалига Темирга еб қўйгудек бўлиб тикилди. Сўнгра ўша алпозда Темирга яқинлаша бошлади. Темир ўзини чоғлаб, калтакка чал беришни мўлжаллаб турди. Новча бир оғиз ҳам гапирмади-да, Темирнинг киндигини мўлжаллаб мушт туширди. Темир эпчиллик билан икки қўлини киндиги устига қўйиб улгурган эди. Новчанинг гурзидай мушти унинг қўлига тегди. Очиғи, Темирнинг қўллари синиб кетгудай зирқиради.

— Тузуксан-ку, биродар, — деди Новча айёрона илжайиб. — Уришишга уста экансан, балли, азамат. Ҳали бир синашамиз. Маъқулми?

Темир бироз букчайган кўйи навбатдаги зарбага тайёрланиб турди. Ҳар қалай бу ярамас калтак еб индамай кетавермаса керак. Томошабинлар — Новчанинг югурдаклари ётган жойларида Новчага пишанг

беришяпти. Новча Темирга яқинроқ келди, гўё ҳозир босиб, янчиб кетадигандай. Темир тишини тишига босиб жойидан жилмади, қаеригадир қаттиқ зарба тушишини кутди. Новча калтақдай узун қўлини Темирнинг елкасига қарс этказиб ташлади. Унинг елкаси, елкаси орқали бутун танаси зирқираб кетди.

— Ол қўлингни! — Темирнинг овози қаҳрли чиқди.

Новча яна иршайди, бу билан «олмасам нима келарди қўлингдан» демоқчи бўлди. Темирнинг иззатнафси чидамади. Новчанинг кўприк сингари чўзилиб турган қўлига кафтининг қирраси билан қаттиқ урди. Кутилмаган бу калтақдан Новчанинг қўли узилиб тушгудек бўлди. «Иҳ-м», деб инграб юборганини ўзиям сезмай қолди. Чап қўли билан ўнг қўлининг зарба еган жойини ушлади.

— Каратэчиман де... Кўрамиз...

Темир ростданам каратэни унча-мунча биларди. Раҳматулла деган йигитнинг машқларига қатнаган: айрим усулларни ўзлаштириб олган эди. Ҳозир шу асқотди. «Ҳеч бўлмаса ўзларингни ҳимоя қилишни ўрганинглар», деб бақириб ётарди Раҳматулла бечора. Тўғри айтар экан.

Новча гапини тугатар-тугатмас Темирнинг чаккасига шапалоқ туширди...

Иккови роса калтаклашди. Биров на ёрдам беради, на ажратиб қўяди. Уришиб чарчаган жўжаҳўрозлардай икковиям ҳолдан тойди. Новча сиртдан сир бой бермаса-да, ботинан Темирга қойил қолди. Сал нафасини ростлагач, Темир Новчага деди:

— Нега урасан буни?

Новча ҳамон пинагини бузмай, гоят хотиржам оҳангда, сўзларни тишлари орасидан чиқариб гапирди:

— Сенга ким қўйипти бу ишларга аралашини. Яна бурнингни суқсанг, ўзингдан кўр... Бу гал аядим... Мен бу ернинг шефиман. Кимки менинг айтганимни қилмаса — ҳолига вой!

Олдиндан хизмат қилаётганларнинг бариси Новчанинг оғзига термилиб турар, унинг буйруғисиз ҳеч ким ҳеч ишни қилмасди. Ҳозир Темир билан бўлган олишувда улардан биронтаси аралашмаганига сабаб ҳам Новчанинг ишораси бўлмаган эди.

Аслида Новчанинг одати шундай: янги келган йигитларга (кўнгли тусаганига) бирон иш буюради. Индамай бажарса — бажарди, бажармаса уради. Бордию

уям қаршилиқ кўрсатса ҳолдан тойгунча уришади. Битта мардлиги — биринчи тўқнашувда бошқаларни ёрдамга чақирмайди, ўзи яккама-якка олишади. Рақибни ўзи билан тенг ёки кучлироқ чиқса унга бошқа тегмайди, иш буюрмайди, иложи борича у билан яқинлашишга интилади. Ўзининг ибораси билан айтганда, «шайкаси»га қўшиб олади. Унга ён бермай, «шайкаси»га қўшилмай, яна у билан уришиш ниятида бўлса, у ҳолда бешолти болага айтиб тавбасига таянтиради.

Бугунги олишув Новча учун кутилмаган ҳодиса эди. Боиси, рақибнинг ўзи эмас, унинг дўсти Новчага қарши чиққан эди. Аслида-ку, бундай ҳолда иккаласиниям овзи-бурнини қонга тўлдирарди. Темир билан калтаклашиш эса тўғриси, осон бўлмади. Бироқ Новча обрўни беришни истамади.

У секин бориб каравотига чўзилди. Ётган жойидан Носиржонга қаради. Унга айтган ишини қилдириши керак. Акс ҳолда мазаси қочади. Айни чоқда Темирни чуқурроқ синамоқ ниятида, — қани, яна дўстининг ёнини оладими-йўқми, — ётган жойидан бамайлихотир, гўё ҳеч нарса бўлмагандай Носиржонга ўшқирди:

— Қани, ўрнингдан туриб мен айтган ишни қил-чи!

Носиржон бир Новчага, бир Темирга жавдираб қаради.

— Тур ўрнингдан деяпман! Эшитмаяпсанми?!

Ноилож Носиржон ирғиб турди-да, эшик олдида ётган пол латтани олди.

— Зудлик билан арт полни. Агар чала бўлса, бошқатдан ювасан, — деди Новча.

Армиядаги тартибсизликлар, «эски» аскарлар билан янги келганлар ўртасидаги жанжаллар хусусида Темир кўп эшитган эди. Туркменистонга келиб тушишгандаёқ шундай тўполонларни кутганди. Лекин у ерда бу хил машамалар бўлмаган, сабаби «эски»лар деярли йўқ эди.

Носиржон полни арта бошлади. Темир нима дейишни, нима қилишни билмай боппи қотди. Яна аралашай деса ҳозир ўзи бўлганича бўлди. Яна калтак ейишга тоби йўқ. Буларнинг казармасида асосан олдин келган йигитлар, Темирлар билан келган ўн-ўн беш чоғли аскарлар бор, холос. Бирон нима дейин деса, тайинки; энди ҳаммаси Новчанинг ёнини олади. Бўлмаса ҳозирги тўполонни булар ҳаммаси кўриб турипти. «Қани,

уч-тўрт кун қарайлик. Ким қандайлигини билайлик. Шунга қараб иш қиламиз».

Нонуштадан кейин Темир аввалдан хизмат қилаётган бир рус йигити билан казармадан беш юз метрлар чамаси наридаги постга жўнади. Бу ердан иккита темир қувур ўтаркан. Рус йигитнинг айтишича, қувурларнинг биридан саярка, иккинчисидан керосин оқади. У Ҳайратондан Кобулга қараб ўтган. Уларнинг вазифаси ана шу қувурларни қўриқлаш, токи душманлар келиб портлатиб кетмасин. Навбатчиликни ўтаб бўлгач, деярли бошқа иш йўқ. Биринчи куни Темир шериги билан танишиб олди. Унинг оти Серёжа; ўзи рязанлик экан. У ёқдан, бу ёқдан гаплашишди, унинг бу ерга келганига бир йил бўпти. Анча-мунча очиқ, шаддур-шуддур йигит экани муомаласидан билиниб турипти. Ўзини катта тутмас, бўлаётган воқеалардан норози кайфиятда сўзлар эди. Шу жиҳатлари билан у Темирга ёқиб қолди.

— Новча билан кўп ади-бади айтишиб ўтирманглар, — деди Серёжа. — Унинг қўлидан ҳар иш келади. Командирлар ҳам индамайди унга. Икки ойча бурун бир бола айтганини қилмаган эди, ёмон дўппослади. Бечоранинг жигари эзилган экан чоғи, касалхонада бир ойча ётиб ўлди. Сарик касал билан оғриган экан, ўтиб кетипти, шундан ўлди, деб тобутини жўнатишди. — Серёжа чуқур тин олди. — Ҳамма билади уни... Орага сукунат чўқди. Икковиям ўз хаёли билан банд. Қаердандир самолётнинг қулоқни қоматта келтирувчи чинқириги эшитилди. Темир осмонга қаради.

— Қараганинг билан кўролмайсан барибир, — деди Серёжа нигоҳини бир нуқтадан узмай. Унинг бамайлихотир ўтиришидан бундай овозларни эшитавериб, қулоқлари ўрганиб қолгани сезилиб турарди.

— Ҳар куни бир неча марта ўтади.

Сухбат яна узилди.

— Хизматнинг охиригача шу ерда бўламмизмикан ё бошқа жойгаям жўнатармикан? — деб сўради Темир бироздан сўнг.

— Билиб бўлмайди, — деди Серёжа. — Бизни бир йилдан бери қимирлатгани йўқ. Аммо биздан кейин келган болаларни икки-уч ойдан кейин бошқа ёққа олиб кетди. Қаёққа — ҳеч ким билмайди... Пешонангда борини кўраверасан, оғайни.

— Афғонлар биланам гаплашасиларми?

— Ҳа, — деди Серёжа, — қишда кам келади, баҳорда улар мана бу ерларга, — пастликдаги водийни кўрсатди, — экин экишади. Ёзда шоли экади, уни йиғиштиргандан кейин буғдой экади. Ўша пайтларда келишади олдимизга. Гапларига кўп тушунмаймиз. Ўзбек, тожик болалар гаплашишади. Тилларинг яқин шекилли?

— Қайси миллатлигига қараб-да. Агар ўзбеклар, туркманлар бўлса биз гаплашимиз мумкин. Бошқаларининг тилига тожиклар тушунади.

— Афғонлар биздан келиб чек алмаштиради. Улардан олган пулимизга шахсий дўконлардан у-бу нарса харид қиламиз. Афғонлар эса бизнинг чекимизга қисмлардаги магазинлардан савдо қиладилар.

— Бизларни ёқтирмаса керак-а, Серёжа, нима дединг?

Серёжа маънодор кулди.

— Мени синамоқчимисан?

— Нега энди? Ғалати-я саволинг...

Серёжа кескин гапирди.

— Бўлмаса шунақа савол берасанми-а. Ким остонасига милтиқ кўтариб келган одамни ёқтиради? Бекорга тўда-тўда бўлиб олиб курашяптими бизларга қарши?

— Улар бизга эмас, инқилобчиларга қарши курашяпти-ку.

Серёжанинг жаҳли чиқди:

— Е ўлғудай гўлсан, ёки аҳмоқсан. Ахир биз кимиз инқилобчилар бўлмай? Улар ўзлариникидан кўра бизларни ёмон кўрадилар. Бизга босқинчи булар, деб қарайди.

Серёжанинг мулоҳазалари Темирни ўйга толдирди. «Бунинг қарашлари бўлакча-ку. Астойдил айтяптими ёки мени лақиллатяптими?» Ҳар ҳолда Темир фикрини очиқ айтмади, синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар, ҳали буни яхши билмаса, бироз кузатсинчи... Хаёл сурганча жим қолди. Сўнгра суҳбат мароми-ни бошқа томонга бурди...

Бир куни кечки овқатдан сўнг, Новча Носиржон олдига келди; вазоҳати ёмон эди. «Яна нима бало бўлди экан», деб ўйлади Темир.

Новча Носиржоннинг иягига кафтини кўйди-да, жаҳл билан деди:

— Менга қара, эй, сотқин, яна командирга бориб айтадиган бўлсанг, ўттиз икки тишингни қоқиб, чакимчилик қилган тилингни узиб оламан. Билдингми? —

бурчақда турган этигини кўрсатди. — Қани, дарров этигимни тозалаб, мойлаб қўй-чи!

Носиржон индамай унинг буйруғини бажара бошлади. Темир кузатиб турибди, аммо нима қиларини билмайди. Новча ҳар замон Темирга кўз қирини ташлаб қўяди. Бошқа болалар ҳам бор, лекин ҳамма жим. Серёжа зимдан Темирга қаради. Унинг қарашидан «мен нима девдим, кўрдингми, қўй, аралашма», деган маънони уқди.

Новча каравотига бориб чўзилди, кўзи Носиржонда. У этикни яхшилаб артди, кейин чўтка билан мойлади, орқасидан духоба латта билан роса ишқалаб ялтиратди. Бўлдими, дегандек, Новчага тикилди.

— Энди пайтавани ол, — деди Новча ётган жойидан. Носиржон пайтавани олди. — Ҳидлаб кўр. Яқинроқ об кел бурнингга. — Носиржон узоқроқдан ҳидлади. Новча дўқ урди. — Яқинроқ опке деяпман.

Новчанинг шериклари хахолаб кулади. Носиржон сариқ эмасми, қип-қизариб кетди. Серёжанинг гапини Темирдан эшитган эмасми, кўз ўнгига жигари эзилиб ўлган бола келади.

— Ҳиди борми?

Новчанинг саволига Носиржон калласини ирғаб жавоб берди.

— Дарров ташқарига об чиқиб яхшилаб ювиб кел. Ҳидлаб кўрасан, агар ҳиди қолса, бошқатдан ювасан. Тушундингми? Носиржон бош эгиб чиқиб кетди.

— Чақимчилик қилганнинг жазоси шу. — Сўнг Новча Темирга қарата деди: — Ҳу, полвон, землягингни тарафини олмайсанми, бор унга ёрдамлаш ичинг ачиса.

Темир билдики, Новча атайлаб унинг жаҳдини чиқармоқчи, жанжални Темир бошлашини кутяпти. Кейин шерикларига айтиб уни ўласи қилиб урдирмоқчи. Шу билан ўчини олмоқчи. Унинг аҳмоқона ниятини амалга ошириш учун имкон бермаслик керак. Темирнинг виждони қайнаб кетди, унинг гаплари алам қилди, ундан кўра ургани, калтаклагани авло эди. Лекин чидамай иложи йўқ, бу ернинг ана шунақа «тартиблари» бор, ўлсангам-қолсангам чидашга мажбурсан. Ҳақиқатсанг — баттар бўлади.

Ярим соатлардан кейин ювилган пайтавани кўтариб Носиржон кирди. У совуқдан дир-дир титрар, қўллари қовушмас эди.

— Марат, — деди Новча. Унинг рўпарасида ётган жимитдайгина йигит ирғиб турди ўрнидан. — Текшириб кўр-чи, тоза ювишгани йўқми?

Марат Носиржоннинг олдига келди-да, пайтава-нинг у ёв-бу ёғини ағдартириб кўрди. Тоза ювилганига ишонч ҳосил қилди чоғи, у генералга ҳисоб берган каби роз туриб: «Ҳаммаси жойида, шеф!» — деди.

Новча Носиржон томон қўлини бигиз қилиб, Ма-ратдан сўради:

— Бунинг кийимлари тўғри келадими сенга?

Марат оғзи қулоғига етиб, бош ирғади.

— Пайтавани печ ёнига остин-да, ҳамма кийиминг-ни бунга келтириб бер.

Носиржон нега дегандек гарангсиб қолди.

— Эшитмадингми гапимни, — деди Новча. — Ёки тушунмадингми? Сен бунинг эски кийимларини ола-сан. Сенга бўлаверади.

Носиржон Новчанинг буйруқларини бекаму кўст бажарди. Бундан Темирнинг гаши келар, бироқ тиши-ни тишига босишдан, бу ҳолатни кўрмай деб кўзини юмиб ётишдан ўзга чораси йўқ эди. «Ҳай, Носиржон, Носиржон-а, командирга чақиб нима қилар эдинг-а. Серёжанинг гапларини айтдим-а, шундаям қулоғингга кирмапти-да. Командирга айтиб тузатиш мумкин бўлса ҳалигача тузатишмасмиди... Бунақалар билан ўчаки-шиб ким обрў топарди... Ҳе, тавба-тавба...»

Т ў р т и н ч и б о б

I

Темир Боғи Усмондаги туман касалхонасига борди. Дарвозадан кириши билан ўзидан икки синф юқори ўқиган — ҳамсоя қишлоқлик Сафар деган йигитни учратди. У қайсидир ташкилотда ишлашини Темир эшитган, аммо анчадан бери кўрмаган эди. У Темирга шундай қаради-ю, тўхтади.

— Темирмисан?

Сафар қулочини ёзди ва унинг чап қўли тирсагидан йўқлигини кўрди. Барибир қулочини туширмади, ке-либ Темирни қучоқлади, юзларидан ўпди. Темирнинг бурнига гуп этиб ароқ ҳиди урилди.

— Қайларда юрибсан, жўра? Минг йилдан бери кўринмайсан? Бир ўқишда деб эшитаман, бир армияда дейишади.

— Ҳа, ўқишда эдим, кейин армияга кетдим. Яқинда келдим.

— Афғонистонда бўлдингми? — деди қўлига ишора қилиб. — Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Дўхтирга келяпман, бир кўриб кўйсин.

— Уқ тегдими, э, бечора, ёмон бўпти-да. Холиқ акаям тоза хафа бўлгандир... Менга қара, сен дўхтирга кириб чиқ, мен дарвозада кутиб тураман. Бир отамлашайлик. Шунча жойларга бориб кепсан.

Сафарнинг кайфи анчагина. Ҳозир бу билан бирон жойга борса кечгача эзилиб қоп кетиши аниқ. Қандай қилиб қутулса экан? Темир иккиланиб қоди. Унга сари Сафар бидирлашини қўймайди.

— Нимага ўланасан? Афғонистонга бориб душманларга қарши курашиб келган одам решитилни бўлади-да.

— Тўғриси, Сафар ака, тез уйга қайтишим керак. — деди Темир бошқа баҳона тополмай. — Меҳмон келмоқчи эди.

Сафар қўл силтади.

— Қўйсанг-чи шундайча гапларди, жўра. Неччи йилдан бери энди кўряпман сени...

— Сафар ака...

Темирнинг гапи оғзида қолди.

— Сени отанг бундайча мижғовмас-ку, сен кимга ўхшаддинг-а? Ахир мен кеча ҳўкизбоқар кўрдим. Янганг шу ерда, ҳозир хабар олиб келяпман. Шу хурсандчиликка бирпас ўтирмайсанми? Мунча ўзингди лаълига сома-да.

Темир кулди:

— Оббо, Сафар ака-эй, бу нима деганингиз?

— Ҳа, бўлмаса юр-да ахир.

— Мен қачон кираман дўхтирга, у қачон кўради, қачон чиқаман. Шунча кутиб ўтирасизми ишдан қолиб?

— Кечгачаям қарайман керак бўлса. Бор, тезроқ кириб чиқ.

Темир ноилож қолди. Жарроҳлик бўлими томон юраркан, ўйлаб кетди. «Қаердан учради бу одам. Ҳали тоза бошини қотирса кераг-ов. Ортиқча гапирсанг, бопқача тушунса, нима қилиш мумкин...»

Жарроҳ Темирнинг қўлини аввал ўзи кўрди, кейин рентгенга солди.

— Ҳаммаси жойида, иним, — деди кекса жарроҳ. — Ярангиз битган. Оғриганининг сабаби енгил кийингансиз — салқин таъсир этган. Иссиқроқ кийиниб, эҳтиёт қилиб туринг. Худо хоҳласа, билинмай кетади. — Врач Темирга маънодор термилди. Темир, нима демоқчи бу киши, бир сир бору айтолмаяптими, деган хавотир билан унга жавдиради. — Иним, — сўзида давом этди врач вазмин оҳангда, — албатта бу иш яхши бўлмапти. Аммо шунисигаям шукур қилсангиз арзийди... Ҳали ёшсиз, бундай юришдан кўра протез қўл қўйдирсангиз қалай бўларкин?... Хоҳласангиз мен ёрдам бераман. Танишларим бор...

Врачнинг бу таклифи институтдаги бир қўли протез домлани ёдига туширди. Кечагидай эсида, биринчи марта кўрганида юраги шувиллаб кетган, кўзига жуда хунук, совуқ кўринган эди.

Шуни эслаб, бу таклифни қабул қилолмади. Чўлоқми, қинйирми — Худонинг бергани, яшириб бўлармиди.

Фикрини врачга очик-ошкор айтмади. У бечора астойдил, самимий таклиф қилаётганда бирдан юзига уриш инсофдан эмас.

Майли, домла, мен бир ўйлаб кўрай.

— Бўпти, иним, тортинмай келаверинг. Ҳар қанча ёрдам бўлса мен тайёрман. У ерда менинг жўраларим бор, бир оғиз хат ёзиб берсам — тамом.

Темир врачга хайрлашмоқ учун қўл узатди.

Ҳовлига чиқиб дарвоза томон йўналаркан, ўйлади: «Сафар ака жўнаб қолгандир. Боя кайф билан айтди-қўйди-да».

Йўқ, Темир янглишган эди. Сафар дарвоза олдида қоровуллар билан чой ичиб, лақиллашиб ўтирарди. Темир узоқдан кўриниши билан сапчиб рўпарасига чиқди.

— Хўш, нима деди дўхтир? — деб сўради Сафар Темир яқинлашгач.

— Ҳаммаси жойида, сал иссиқроқ кийининг, деди.

— О! Унда зўракан. Энди кетдик. Норқул аканинг олдига бориб тўртта гап қилайлик.

Сафар чўғдай ёниб турган қип-қизил янги «Жигули»нинг эшигини очди. Машина касалхона йўлагидан катта йўлга чиқди-да, ўнгга — Ургут тарафга бурилди.

— Норқул акани танийсанми? Жуда ажойиб одам-да.

— Темир танитайман ишорасини билдирди. Сафар машина ғаладонидан сигарет олиб тутатди.

— «Чинор» рестаранида буфетчи. Хўп жўравоз одам, аслида уни жўравоз эмас, хўроз десаям бўлади.

Сафар машинани тўғри ресторан ҳовлисига ҳайдаб кирди.

Ичкаридан йўтон гавдали, кўринишидан самимияти, очик кўнгиллиги билиниб турган қора мағиз юзли киши чиқди.

— Ассалому алайкум, — деди бояги одам.

— Норқул ака, бу киши Темирбек, ажойиб йигит. Яна денг «афғон»чилардан.

Хўш... Манави тутти таги жа маза-да.

Норқул ака аввал Сафар билан, кейин Темир билан кўришди.

— Хуш кебсила, келингла, келингла. Анчадан бери кўринмайсиз, Сафарбой.

— Э, ака, иш кўп...

Иккови кулишди.

Норқул ака тутнинг қалин соясига стол қуйиб, дастурхон ёзди. Бир зумда стол турли ноз-неъматларга тўлди. Нима овқат келтирсин?

— Бу укам Афғонистонда душманлар билан курашавериб, илиги анча пучайиб қолган, бир товоқ суяк об келинг, ака! — деди Сафар ва Темирга қаради. — Темирбек, қайсинисидан ичасан, оқми, қизилми?

— Мен ичмайман, — деди Темир хижолат тортиб.

— Ундай гапди қўйсанг-чи, тортинмай айтавер кўнглинг тусаганини. Бу ерга келиб ичмай кетиш — гуноҳ.

Гапга Норқул ака аралашди:

— Сафарбой, ургутликларга мос иш қилинг. Сиз чой қуйиб турунг, бу ёғини ўзим бошлайман.

— Яшанг, Норқул ака.

Улар бир пиёладан чой ичиб бўлар-бўлмас, дастурхонга иккита минерал сув, битта ароқ, битта «Самарқанд» коньяги, бир графинда чалоб келди.

— Ўзингизам ўтирунг, Норқул ака, — деди Сафар.

— Сизлар бахузур олаверинглар, у ёқда одамлар қараб турипти.

— Меҳмонди ҳурмати учун биз минан биттадан олинг, кейин майли, индамаймиз.

Сафар ўзи билан Норқул акага ароқ, Темирга коньяк қўйди.

— Темирбек коньяк ичади. Ҳозир қўлини дўхтирга кўрсатиб чиқди. Иссиқроқ кийининг, иссиқ тутинг, депти. Коньяк иссиқлик-да, фойда қилади. Қани, Норқул ака, шу укамиз аждаҳонинг овзидан эсон-омон қайтиб келгани учун олайлик.

Олишди. Дастурхончи жувон катта лагаңда пайлари лиқиллаб турган йирик-йирик суякларни бостириб келди.

— Темирбек, бу овқатни суяк дейдилар. — Хорижликларга тушунтираётгандай гап бошлади Сафар. — Илиги, пайлари ҳилвираб пишган. Буни еган одам ҳамма томондан бақувват бўлади. — Норқул ака кулиб қўйди. — Биз тез-тез шу ерга келиб Норқул ака билан суяк еб турамыз. Шунинг учун янгангиз доим ўғил туғади-да. Ҳаммаси барабар кулиб юборди. Норқул ака серпай бир суякни олиб Темирнинг ликопчасига қўйди.

— Қани, меҳмон, олинг овқатдан, совумасин.

Сафар яна қадаҳларни тўлдирди. Норқул ака ўрнидан турди.

— Энди манга рухсат.

— Бундай ўтиринг, битта гап бор. Кейин турасиз. Кеча мен ўғил кўрдим, бу учинчиси.

— Э, шундайми? — деди Норқул ака. — Муборак бўлсин. Айтмайсизам, Сафарбой.

— Мана келдик-ку айтгани. Шу ўғилчамиз катта йигит бўлиши учун битта оласизми-йўқми?

Норқул ака қадаҳга узалди.

— Бундай гаплар учун олмай иложимиз борми? Ўвчилангизни Худо умри билан, ризқи билан берган бўлсин.

Ичишди. Норқул ака минерал сув ҳўплаб, бошқа газак қилмай жойидан қўзғалди.

— Энди сила баҳузур ўтиринглар. Мани одамлар кутиб қолди.

— Ҳар замон келиб туринг-да, Норқул ака.

— Хўп бўлади. Нима керак бўлса Любага айтаверинг, топиб келади.

Норқул ака туриб кетгач, гоҳ уни, гоҳ буни баҳона қилиб, иккови анчагина тортди. Люба овқатни тез-тез янгилаб турди.

— Темирбек, — деди Сафар сигарет тутатиб, — Афғонистонда хизмат қилиш даҳшатдир-а?

— Нимасини айтасиз, Сафар ака. Одамларди қири-
либ кетаётганини кўриш осонми?

— Сенам ўлдирдингми? Ваҳшийлардан қанчасини
ер тишлатдинг?

Темир қалати бўлиб кетди, ранги оқарди, назарида
кўзлари йириклашиб, ўйнаб, асабий тусга кирди. У
барча саволга жавоб беришга тайёр. Аммо «Одам ўлдир-
дингми?» деган саволни эшитса юраги ўйнаб, қони
қайнаб кетади. Ўлдирган! Нима қилсин эди бошқа!
Ўзга чораси, йўли бўлмаса!

Беихтиёр сигаретга қўл чўзди. Сафар анча ичгани-
га қарамай Темирнинг аҳволини англади. Шу боис
саволини бошқа қайтармади. Сигаретни бурқиратган-
ча Темирга термиди. У сигаретни оғзига қўйиши би-
лан гутурт ёқиб тутди. Темир сигарет тортаркан, қўли
титраб кетди. Кўзларини бир нуқтага тикди, узоқ тик-
ди... Бир маҳал Сафар унинг кўзларида ёш кўрди.
Темирнинг овози чиқмас, аксинча, оғзидан буруқсиб
тутун чиқар, кўзларидан эса жимирлаб ёш оқарди.
Сафар нима қиларини билмай қолди. Унинг дардини
янгилаб қўйганини сизди.

— Мени кечир, жўра, — деди базўр.

Темир миқ этмади. Кўринишидан нимадир демоқ-
чи бўлар, аммо тили айланмасди.

Охири чидаёлмади — ўрнидан турди. Сигаретни
ташлади-да, киссасидан рўмолчасини олиб, кўз ёшла-
рини артди. Оғир қадамлар билан бир чеккага ўтди.
Сафар ўтирган жойида гўё михланиб қолди.

Бироздан кейин Темир ўзини тутиб олди чоғи, кур-
сига келиб ўтирди. Оғир тин олди.

— Мени кечиринг, Сафар ака... Бу саволга жавоб
бериш оғир, мен учун оғир, бошқаларни билмадим.
Одам ўлдирганим учун ўзимни кечиролмайман.

— Бунга сен айбдормассан-ку.

— Биламан, биламан... Аммо барибир эсимга тушса
ўзимни гуноҳкор ҳисоблайвераман.

— Эшитишимизча, улар ҳам бизди солдатларди...

Сафарнинг гапини Темир шарт кесди:

— Илтимос, Сафар ака, шуни эслашмайлик... Ичида
юрганида сезмаскан шекилли одам, энди ўйласан юра-
гим сиқилиб, миям ёрилиб кетай дейди...

Сафар қадахларни тўлдирди.

— Ке, оғайни, шуни олайлик. Ишқилиб ёмон кунла-
ринг ҳаммаси орқада қолган бўлсин. Яхши жойлардан

келин ато этсин, бола-чақали бўл, тўйларингда хизмат қилайлик.

Темир шу маҳалгача бирон қадахниям охиригача ичмовди. Бу гал бир томчи ҳам қолдирмай симириб юборди...

II

Темир азонда уйғонди. Ҳаммаёқ жим-жит, ҳеч ким турмаган кўринади. Боши гувиллайди. Кечаги воқеаларни эслади. Хайриятки, кўнгилини хижил этадиган гап бўлмапти. Фақат кўпроқ ичиб қўйгани чатоқ. Айниқса отасининг олдига маст ҳолда келгани дилини гаш қилди. У олдин ҳам ичган, ичмаган йигит барми. Холиқ ака ҳам буни сезади. Аммо у бирон мартаям мастлигида отасига рўпара бўлмаган. Сабаби — қишлоққа келганида ўзини тутарди, бордию жўралари қис-таб-қўймаса, озроқ оладада, отасининг кўзига кўринмай уйга кириб ётади. Тошкентдаги ўтиришларни, табиийки, отаси кўрмайдиям, билмайдиям.

Бу гал шу томони чатоқ бўлди. Отаси нима деб ўйлади экан? Армияга бориб ичишни кўпайтирибди-да, улим, деган хаёлга бордимикан? Ундай деса армиядан келганидан бериям қанча вақт ўтди, лекин Темир ўзини бунақа даражада қўйвормаган эди. Бўлмаса қанча одамлар кўргани келишди, жўралари билан улфатчилик қилишди, ҳаммасида меъеридан оширгани йўқ... Кеча нега бундай бўлди? Сафар акаям тоза шилқим экан-да. Ҳолижонига қўймади-да. У ёғи кейин билинмаям кетди... Отасининг юзига қандай қарайди? Нима деркан?

Бу ўйлар Темирнинг миясини пармалай бошлади. Кечаги ичкилик таъсирида гувиллаб турган боши баттар оғриди. Ҳовлида Холиқ аканинг шарпаси эшитилди. Намозга турган чамаси. Темир индамай, ухлаган каби, кўзини юмиб ётаверди. Шу ётишда ухлаб қолганини ўзиям сезмай қолди. Бир маҳал уйғонса қуёш чиқиб кетипти. Боши сал тиниқлашгандай. Аста туриб деразадан у ёқ-бу ёққа мўралади. Зулфизар опа нон ёпяпти. Бошқа ҳеч ким кўринмайди. Сингиллари тамакига кетган чиқар. Отаси қаерда экан? Шу пайтдан фойдаланиш керак.

Кийиниб ҳовлига чиқди. Ўз иши билан куймаланаётган Зулфизар опа ўғлининг турганини сезмади. Яхши

бўлди. Кўриб қолса, албатта гап қўшарди. Темир айвон четигадаги қўл ювгичга бориб ювинди. Симда осиялиқ турган сочиққа артинди-да, яна уйга кирди. Ойнага қараб сочини таради, кўзларига термилди. Юзидан кеча ичгани сезилиб турибди. «Об-бо, расво бўпти-ку». Ки-йим-бошини тўғрилаб ташқарига чиқди. Ҳамон отаси кўринмайди. Онасининг ёнига борди.

— Ассалому алайкум, эна.

Тандирдаги нонга сув ураётган Зулфизар опа ўтирилиб, алик олди.

— Сўрига чиқ, болам. Ҳозир патир пишади. Унгача отангам бозордан кеп қолади.

— Нон пишгунча бир пас боғ айланай.

— Бўлмаса, бир-икки бош узум узиб чиқасанми? Укаларингам кеп қолса керак тамакидан. Битта сатил олгин.

Темир пақир билан боғ оралаб кетди. Зулфизар опа орқасидан деди:

— Шоптолини қара-чи, пишгани бўса унда нам те-риб кела қол, болам.

Ҳовлида тўрт туп шафтоли бор, иккитаси зарғал-доқ, иккитаси мойлама. Темир мойламасини хуш кўра-ди. Меваси кўплигидан шохлари ерга теккудек бўлиб эгилган. Бир-икки жойига Холиқ ака тиргович қўйган. Пақирни яримлатиб узди, кейин қора, оқ кишмишдан яхшироқ пишганини қидира бошлади.

Холиқ ака бозордан қайтди. Айвондаги курсига ўтир-ди.

— Вой-вой, жоним-эй... Мукаррам, Темир турдима?

— Ҳа, — деди Зулфизар опа. — Шоптоли, узум опкегани боққа оралаб кетти.

Холиқ ака боғ томонга қаради. Темир узум саралаб юрипти.

— Темир, — деди Холиқ ака ўтирган жойидан. Темир ят этиб отасига қаради. — Ҳай анави пуштага ўт, султони бор. Шундан бир-икки бош обке.

У шафтоли ва узумга тўла пақирни кўтариб келга-нида Холиқ ака бояги жойида ўтирарди.

— Ассалому алайкум, — деди отасининг юзига қараёлмай.

— Валлайкум ассалом...

Темир пақирни айвон четига қўйди-да, бошқа па-қирдан сув олиб узумни ювмоқчи бўлди. Холиқ ака уни тўхтатди.

— Темир, қўй улим, уринма, ҳозир укаларинг кеп қолади, ўзлари ювади.

Темир ортиқча қаршилиқ қилмади. Лекин ичидан эзилди: «Икки бош узум билан тўртта шафтолини юволмасам, қандай одам бўлдим?.. Бу аҳволда қандай оила кураман, қанақа қилиб тирикчилик ўтказаман?..»

— Мукаррам, — деди Зулфизар опа эрига, — сўрига чиқинглар. Ҳозир дастурхон соламан. Нон пишди.

Дарвозада гилдираклар қадираши эшитилди. Укаси Собир эшакка минган, икки сингиси пиёда, аравага эргашиб кириб келишди. Аравага чош қилиб тамаки босилган. Собир эшакни бўшатди, унгача сингиси арава чархининг олд томонига тош қўйди. Собир шотини кўтариб, «лайлак» қилди. Тамаки шовуллаб ерга тушди. Капанинг ён-верига тиқилиб қолган баргларни Собир шоха билан олди. Ҳамма нонуштага ўтирди.

Кеча қаерга бординг, дўхтирга кўриндингми, ким билан ичдинг, нега бунча кўп ичдинг?.. Темир отасидан шу каби саволларни кутди. Аммо на нонушта чоғи, на ундан сўнг Холиқ ака миқ этмади. Аслида Темирнинг дўхтирга учрашганини, у нима деганини Темир боғ оралаб юрганда Зулфизар опадан сўраб-билган эди. Кимлар билан ўтирганини ҳам суриштирди, лекин Зулфизар опа уни айтолмади.

Бу гаплардан беҳабар Темир турли-туман хаёлларга борар, отаси индамагани сари эзилар, хижолатдан чиқолмай очилиб гапиролмай қийналарди. Ўзи гап очиб, бўлган гапларни айтиб бермоқчи бўлар, аммо бунинг ҳам иложини қилолмасди.

Нонуштадан кейин Холиқ ака ҳовуз этагидаги бедани ўришга киришди. Темир айвонда ёнбошлаганча газета-журналларни варақлади. Бир соатча мутолаа билан машғул бўлгач: «Август ойи ҳам охирлаб қолди. Энди бир Тошкентга бориб, ўқишимдан хабар олиб келсаммикан» деган фикр миясига урилди. «Балки Гавҳар ҳам келгандир». Гавҳар эсига тушиб юраги шигиллаб кетди. «У мени бу аҳволда кўриб не кўйга тушаркин? Юраги ёрилиб кетар бечоранинг».

Шу ўйлар билан отасининг ёнига йўл олди. Отаси куннинг иссиғида ишлаб юрсаю бу сояда ётса. Уят!

— Ҳорманг, ота, — деди нима дейишини билмай. — Ёрдамлашай деб келдим.

Шундай деди-ю, ўзи ичидан зил кетди. Бир қўл билан беда ўришни эплармиди?

Холиқ ака бир даста бедани ёйиб қўйди-да, қадди-ни ростлади:

— Нимасига ёрдамлашасан, улим? Бу бир эрмак-да менга, — деди сир бой бермай.

— Ҳеч бўлмаса дасталарни ёйиб қўярман.

«Қўй, уннама десам, қўлим йўқлигидан шундай де-япти, деган ўй кўнглига келмасин» деб Холиқ ака ўғли-га иш буюрган бўлди:

— Ичинг қизиган бўлса, майли болам... Манави дасталарни сал сийраклашиб қўй, тезроқ қурийд.

Шундай қилиб отаси айтган ишни бажариб турди. Бу пайтда ҳам Холиқ ака гап очмади. Мунча кенг бўлмаса ичи, дарё-я, дарё. Охири Темир бояги ўйлари-ни айтди, Холиқ ака индамай эшитди.

— Ётоқхонада турмоқчимисан? — деди охири.

— Билмадим, кўраман-да шароитга қараб.

Холиқ ака яна жим. Ўз иши билан овора.

— Энди улим, бир гаплашиб олайлик бўлмаса, — деди Холиқ ака салмоқлаб. Ўзи уватта ўтирди. — Қани, ўтир-чи.

«Бошланди. Энди ҳаммасини бирма-бир сўрайди».

Йўқ ундай бўлмади. Холиқ ака мутлақо бошқа гап-ни кўзгади.

— Худога шукур, армияниям битказиб келдинг, ёшингам анчага борди. Энди бошти икки қилайлик.

Темир ялт этиб отасига қаради. Холиқ ака ҳам майин жилмайиб унга термилиб турарди. Отасининг кўзларига кўзи тушди-ю, тоб беролмай нигоҳини олиб қочди. Нима дейишини билмай қолди.

— Хўш, нима дейсан бу гапга?

— Ўқиш битаверсин-чи, — деди ниҳоят.

— Қанча қолди ўқишингга?

— Икки йил.

— Ҳеч нарсамасакан... Бугун-эрта тўй қиламиз де-ётганим йўқ, албатта. Ҳозирдан ҳаракат бошласак, Худо насиб этса кўкламга чиқиб тўй қиламиз... Энангам келин кўргиси, невара кўргиси келади.

Темир кулди.

— Неваралари бор-ку...

— Бор, Худога шукур. Локин уларди йўриғи бўлак, сени жўжаларингди йўриғи бўлак-да, улим.

Темир Гавҳарни ўйлади. «Сентябрда бешинчи курсга боради. Келаси йил ёзда битиради. Менга эса яна бир йил қолади. Демак, кўкламда эмас, келгуси йил

ёзда тўй қилсак мумкин экан... Аммо Гавҳар кўнармикин? Институтни битиргандан кейин уни қаерга ишга жўнатади ҳали...»

— Ҳа, ўйланиб қолдинг?

— Йўқ, ўзим...

— Ҳар қалай, хайрли ишни эртароқ бўлгани тузуқ.

— Ҳали унгача вақт бор-ку, ота. Ўйлашиб кўрармиз.

Темирнинг ўйланиб қолиши, саволга аниқ жавоб бермай чайналиши боисини Холиқ ака ўзича тушунди. Ўғлининг кўнгил дарёсига қармоқ ташлади.

— Биронта кўз остинга олганинг борми? Ундай эса очигини айтавер.

Ё, қудратингдан! Темирнинг кўнглидан кечаётган гапларни қаердан сеза қолди отаси?

Темир отасининг саволига аниқ жавоб беришдан истиҳола қилди, аммо кулгидан ўзини тиёлмади. Ўғлининг кулгиси бекорга эмаслигини Холиқ ака пайқади.

— Армияга жўнаётганингда жўраларингминан бир қиз келди. Ким эди у?

Темир отасига қараб бўзарди. «Эсида экан-да ҳалиям. Мунчалар синчков бўлмаса?...»

Отасининг кўзидан кўзини олиб қочди.

— Бирга ўқир эдик...

Холиқ ака ҳамма гапга, ўғлининг муддаосига тушунди, бошқа эзғиланиб ўтирмади.

Темир суҳбатга яқун ясамоқ ниятида:

— Мен бир Тошкентга бориб ўқишимни аниқлаб келай-чи, кейин бир гап бўлар, — деди.

Холиқ ака бояги тахминлари тўғри эканига гумон қилмай қўйди.

— Келин қаердан бўсаям майли, мен қаршимасман. Фақат ҳушёр бўл, кейинги пушаймондан Худо асра-син.

Отасининг сезгирлигига Темир тан берди.

Холиқ ака ўғлига юзланди.

— Менга қара, улим, ургутлик жўрангга ўхшаганлар Тошкентдаям кўпми?

Темир устидан бир пақир сув қуйгандай музлаб кетди. Шарт отасига қаради, бироқ миқ этолмади, додираб қолди. Эрталабдан бери оғзини пойлади — кечати гапларни сўрар, суриштирар, деб. Индамади. Мана энди айтди, айтгандаям роса болади. Яхшиям икковидан бўлак ҳеч ким йўқ. Энаси, укалари олдида айтганда

нима деган одам бўларди... Темир аввалига оқарди, кейин қизариб кетди. Базўр ўзини қўлга олиб:

— Кечиринг, ота, шундай бўп қолди, — деди.

Холик ака бошқа гапирмади. Ўғли қилган ишидан қаттиқ пушаймонда, изтиробда эканини эрталабданоқ пайқаган эди. Ҳозир аниқроқ сезди.

Анчадан кейин ота-бола олдинма-кейин уй томон йўналдилар.

Бешинчи боб

1

Кўклам келди. Адирларнинг кунгай томонида май-салар ниш урди. Ҳаво илиб қолди. Темир, у билан бирга келган йигитлар бу ернинг шароитига мослашиб кетдилар. «Қария»ларнинг ёшларга зуғуми анча сусайди, бинобарин, улар ҳам анча «улғайиб» қолдилар. Бўлар-бўлмасга Новчадан дакки эшитаверадиган, туртки еб, жазо олаверадиган Носиржон энди бу балолардан бир қадар халос бўлди.

Икки ойча бурун Темир бўлинма командири қилиб тайинланди. Энди у ўн икки аскарга бош.

Ана шундай кунларнинг бирида уларнинг ротасига жанговар топшириқ берилди. Қишлоқдан тўрт-беш чақирим наридаги бир ёрда душман ўрнашиб опти. Йўқ қилиш керак.

Рота командири капитан Волков бошчилигида ўнга бронетранспортёрга ўтиришиб ярим тунда ўша ёр тарафга йўлга тушдилар. Ҳаммада автомат. БТР на балан-пастликка, на ўйдум-чуқурга парво қилади. Музёра кема сингари париллаб илгарилайди. Волков ўтирган БТР олдинда, унда дурбин ҳам бор. Темирнинг бўлинмаси бешинчи-олтинчи БТРда. «Душман қанча экан? Балки капитан билар... Жиддий отилима бўлса керак», деб ўйлаб борарди Темир. Олдин ҳам бир-икки жанг қилишди. Аммо у даражада кўп давом этмаган. Қисм жойлашган ҳудуддан ўтаётган душманга ўқ отишганди. Ким билади, озчилик бўлганми, қаттиқ қаршилик кўрсатмай қочишган эди. Ҳозир ўзлари душман уясига бостириб боряптилар. Уйқуда ётган жойида қириб ташлаш керак. Режа ва топшириқ ана шундай. Шу иш мўлжалдагидай амалга оширилса яқин-атроф душмандан тозаланади.

Бир муддат юришгандан кейин, тўхтанглар, деган буйруқ бўлди. Волков взвод ва бўлинма командирларини тўплади. Форга жуда яқин қолганини, душман сони аниқ эмаслигини, маълумотларга қараганда, камида уч юзта эканини айтди, шу боис ниҳоятда ҳушёр ва дадил бўлишликни, қайси машина қайси тарафдан боришини қаттиқ тайинлади. Буйруқсиз ҳар ким ўзича ҳаракат қилмасин. Мен билан алоқани узманглар, деди. Иложи бўлса ўзимиз тинчитамиз душманни, кучимиз етмаса артиллериядан ёрдам сўраймиз.

Ҳамма ўз жойига кетди. Буйруққа биноан Темир ўтирган бешинчи машина тўғридан бориши керак. Машиналар белгиланган чизиқ бўйича аста-секин жилмоқда. Темир ойначадан ташқарини кузатди. Сўнгра, милни тушириб, снарядларни босув нуқтасига тўғрилади. Шу пайт рўпарада — тахминан беш-олти метр нарида бир одам кўринди. Темирнинг назарида у ҳарбий кийимда эмас, афгон фуқароларидан эди. Беихтиёр машинани бошқариб бораётган операторга «Тўхта!» деб юборди.

— Нима гап? — деди оператор.

— Одамни кўрмаяпсанми, босиб кетасан-ку?!

Оператор ҳайрон бўлди:

— Қани одам, қанақа одам?

— Кўрмисан?! — бақриб юборди Темир. — Қанақа одам бўларди, одамга ўхшаган одам-да.

— Ҳеч қанақа одамни кўрмаяпман, — деди оператор. — Тўхтасак бўлмайди.

Бошқа жангчилар ҳам ҳайрон қолишди. Улар ҳам рўпарада ҳеч ким йўқлигини айтишди. Темир хижолат тортиди. Наҳотки, кўзига кўринган бўлса? Кўрқдими? Нимадан кўрқди? Барибир сир бой бергиси келмади.

— Тўхта деяпман! Бегуноҳ одамни янчиб кетмоқчимисан?

Оператор машинани тўхтатди-да, Темирга ажабланиб қаради:

— Ахир бу уруш...

— Э, урушни падарига лаънат!

Ташқи алоқадан взвод командирининг қичқириви эшитилди:

— Бешинчи, нега довдирайсан? Нимага тўхтаяпсан? Ким буйруқ берди сенга? Олға!

Оператор машинани юрғизди.

Шу маҳал чап томондан шувиллаб снаряд учди.

Қаршидан ҳам ўқ овози эшитилди. Темир сездики, форга етиб келишяпти. Душман хавфни пайқаган. Яна буйруқ келди:

— Бешинчи! Ўт оч! Бўл тезроқ!

Тугмачани босиб юборганини Темирнинг ўзиям сезмай қолди. Снарядлар бирин-кетин шувиллаб уча бошлади. Тўшлар оғзидан чиқаётган олов тун қатрини ёритиб ўтади. Машина тўхтаб қолганини на Темир, на оператор сезган эди.

Ташқи алоқадан Волковнинг асабий овози эшитилди.

— Бешинчи! Нимага тўхтайсан, ярамас! Бос олдинга! Ҳозир портлатади сени, тезроқ бўл!

Темир, ўзи тўхтагани етмагандай, орқадаги машиналар йўлини ҳам тўсиб қўйганини англади. Операторга қичқирди. Машина олдинга силжиди. Уч-тўрт қадам юриши билан ўнг томонда — шундоққина ёнида портлаш юз берди.

— Э, хайрият! — деб юборди Темир.

Форга отилган снарядлар душманни инига чўп суқилган аридай тўзғитган эди.

Турли томондан ўқ ёмғирлари қуярди. Темир тўп милини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга тўғрилайди. Бундай ҳолга тушгандан кейин одам ўзидан ўзи ишга киришиб, қаҳри ошиб кетганини билмай қоларкан.

Душман чинданам кўп экан. Атрофни мўр-малахдай босиб кетди. Улар на снарядларга, на автомат ўқларига парво қилар, ўлганигаям қарамай бостириб келарди. Хатти-ҳаракатлари соғ одамникига ўхшамас, улар қутурган каби ваҳший эди.

— Напа чакканга ўхшайди, — деди кимдир. — Йўқса бунчалар дадил урушмасди кучли техникага қарши.

— Кўп валдирама, кўзингга қара!

Яна тўп, автомат овозлари оламни тутди.

Жанг узоқ давом этмади. Кутилмаганда бостириб келган қудратли техника душманни, улар ҳар қанча кўп, жасур, аламзада бўлмасин, доводиратиб ташлади. Қочишга, бекинишга улгургани улгурди, аксарияти қирилиб кетди. «Ҳамма жой-жойида тўхтасин», деган буйруқ келди. Ўқ овозлари тинди.

Темир енгил нафас олди. Атрофга қаради, ёнидаги жангчиларни суриштирди. Шунда билдики, олти жангчидан иккитаси йўқ. Тўс-тўполонда улар қачон, қай

пайтда машинадан қулаганини билмайди. Юраги увишиб кетди, аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Хаёлига лоп этиб Носиржон келди. У бошқа машинада эди. «Ишқилиб эсон-омонмикан у?» Носиржон биринчи марта жангга кириши эди. Темирнинг хавотири шундан. Лекин шу тобда ундан хабар олишнинг иложи йўқ.

Буйруқ келди: орқага қайтилсин!

Бир чақирим юришгандан сўнг тўхтади. Жангчилар машиналардан чиқдилар. Бораётганда сезмаган эканми ёки бошқа йўлдан қайтишдими, катта бир майдонда туришарди. Шу ерда бироз дам олиш учун рухсат берилди. Шунда Темир Носиржонни ахтара кетди. Тўда-тўда бўлиб ўтирганча дуд босган қурооларини тозалаётган жангчилардан суриштирди.

— Темир!

Бу — Носиржон эди. Темир дарҳол таниди. Овоз келган тарафга ўтирилди.

Носиржон унга пешвоз келарди.

— Омонмисан? — деб сўради Темир.

— Худога шукур, ўзинг-чи?

— Яхшиман.

Ёнма-ён ўтиришди. Қоп-қоронғи тун. Ҳаммаёқ жим-жит. Гўё яқин орада бу ерларда ҳеч нарса юз бермагандай. Юлдузлар жимирайди — ғуж-ғуж, шундай яқинки, гўё қўл узатсанг етгудай. Темир осмонга термилиб қолди. Назарида қулоқлари шанғиллар, бир томондан командирнинг буйруғи, бир томондан снарядларнинг овози қулоғига ўрнашиб қолган эди. Юлдузларга боқиб шуларни эсдан чиқармоққа интилди.

Капитан Волков ҳар бир тўданинг ёнига бориб «раҳмат, йигитлар, артиллериядан ёрдам олмай ўзимиз тинчидик душмани, аммо анча йигитларимиздан, иккита машинамиздан айрилдик», деди. Кимлар экан улар? Бу ҳали номаълум эди...

II

Бир ҳафтадан бери Темир Кобулда. Куйбишев раҳбарлигида беш жангчи бу шаҳарга командировкага келган. У Кобул кўчаларига ҳайрат билан тикилади. Киноларда кўргани, китобларда ўқигани — шарқона қурилиш услублари анча-мунча сақланган. Кўчаларнинг икки

тарафи қатор дўкон. Энг узун кўчалардан бири Май-ванд ҳам турли дўконлар билан тўла. Бу ерда бутун мамлакатнинг савдо олами ўз аксини топгандай.

Баъзи йирик бинолар ёнида бир-икки танк, бронетранспортёр кўзга ташланади. Қўриқчиликда афғон аскарлари туришар, айримлари бош кийимини «ёстиқ» қилганча юзини офтобга тоблаб мудрарди. Бошқалари машиналарга қизиқиб келган болаларни гоҳ ҳайдар, гоҳида уларни гапга солар, ҳаттоки кўнгли ўксимасин деб, улар зирҳли машиналарга чиқишса ҳам индашмасди.

Кобулда вазифалари нимадан иборат? Буни на Темир, на шериклари билади. Фақат Куйбишевга қулоқ солишади, унинг айтганини қилишади. Бир куни ҳатто Темир сўради, буйруқни бажариб юравер, бошқаси билан ишинг бўлмасин, деди. Ҳозирча тайинли бирон иш қилишгани йўқ. Куйбишев бир ҳарбий қисмга кириб ўтиради, асосий вақти шу ерда ўтади.

— Мана шу мавзеда бизнинг мутахассислар яшайдилар. — деди Куйбишев бир куни айланиб юришганда.

— Бутун бир квартални эгаллаган бўлса, кўп эканда, шўро мутахассислариям.

Темирга Куйбишев масхараомуз қаради.

— Гўдакни гапини гапирасан-а, Темир, — деди у жиддий. — Дипломатлар, қурувчилар, инженерлар, таржимонлар, мелиораторлар... Эҳ-хе, қай бирини санай, озмунчами... Ахир бу саводсиз афғонларга ҳамма нарсани ўргатиш керак-да. Шунча одам уйдан, болачақасидан кечиб, хавф-хатар ичида ишлаб, буларга ёрдам берайлик, деб юрипти-ю, бу ярамаслар яна бизларни ёмон кўради. Иложини топса битта қолдирмай қириб ташласа ҳаммамизни... Нонкўрлар...

Қаерда бўлишмасин, дўкондами, бозорда, Темир афғонларга эътибор беради, улар ўзларини хуш кўрмаслигини сезади, улар кўзида шўро аскарларига нисбатан кучли нафрат, вазаб акс этиб турипти. Еш болалардан тортиб, кексаларгача — ҳаммасида шундай кайфият ҳукмрон. Бундан Темир гоҳ эзилади, гоҳо очиги, чўчийди. Аламзада одам кутилмаганда ҳар иш қилиб қўйишиям мумкин-да...

Ўша мавзе кўчаларидан ўтаётганда Темир атрофга диққат билан разм солади, кузатади: балки бирон-бир ўзбекни учратиб қолар. Ахир ўзбеклардан ҳам анча-

мунча мутахассислар, таржимонлар бор-ку. Ҳаёт тасо-
дифларга тўла.

Бир кунни оқшом чоғи кўчада дафъатан ўзбекча сўз
куловига чалинди. Орқасига ўтирилиб қараса, ўрта ёш-
лардаги, пешона сочлари бироз тўкилган, истараси ис-
сиқ бир одам ўғилчаси билан ўзбекча гаплашиб келяп-
ти. Беихтиёр унга салом берди. Бояги одам ҳам ҳеч
ажабланмай алик олди. Бу ерда ўзбек жангчиларини
кўравериш ўрганиб қолган бўлса керак-да.

— Кечирасиз, ўзбекмисиз? — деб сўради Темир.

— Ҳа. Сиз-чи?

— Менам.

— Қачон келдингиз?

— Олти ой бўлди.

— Қаерликсиз?

— Самарқанддан.

Бояги одамнинг думалоқ, йирик-йирик кўзлари чақ-
наб кетди.

— Самарқанддан? Қаеридан?

— Ургутдан.

— Оббо, зўр-ку, — шундай деб Темирга қўлини
узатди. — Менинг отим Ҳасан, менам самарқандлик-
ман, бир йилдан бери шу ерда ишлайман, таржимон-
ман.

Хуллас, танишиб олишди.

Сўнгра, Ҳасан ака бироз ўйланиб қолди.

— Хўш, — деди жимликни бузиб, — нима қилсак
экан. Командирингиз бир-икки соатга ижозат берар-
микан; бизникига келсангиз бироз гаплашиб ўтирар-
дик.

— Билмадим. Сўраб кўраман.

— Ёки ўзим борайми?

— Йўғ-э, — деди Темир, — ўзим сўрайман. Рухсат
берар.

— Бўлмаса жавоб олиб келинг, бугунми, эртами
қачон ижозат берса. Мен ҳар кунни кечқурун уйда
бўламан. Янгангиз шу ерда, гурунглашамиз. — Кейин
ўғилчасига деди: — Санъатжон, тоғанга салом бер,
кўриш.

Темир Санъатжон билан қўл олиб кўришди. Ҳасан
ака манзилени тушунтирди-да, хайрлашди.

Шу қисқа суҳбатдан Темирнинг кўнгли тоғдай кўта-
рилди. Энди қандай қилиб бўлса-да, Куйбишевдан рух-
сат олиш йўлини қидирди. «Ижозат берармикан у яра-

мас. Унча-мунча гапни тушунадиган одамга ўхшамайди-да лекин... Ҳа, таваккал, бир сўраб кўрайчи». Тўғри Куйбишевнинг олдига йўл олди.

Куйбишев сўзларини эшитди-да, Темирга термилиб қолди. Унинг кўм-кўк кўзлари ўткир тикилар, ҳар қандай одам бу кўзларга узоқ қараёлмас, бардош беролмасди. Аммо Темир чидади, киприк қоқмай тураверди. «Бу қараш билан у, рост гапиряпманми ёки ёлгон, шуни текшириб кўрмоқчи шекилли», деган фикр ўтди Темирнинг хаёлидан. Ва кўзини олиб қочмади, у қанча турса буям ундан қаттиқроқ тикилиб тураверди.

Темир янглишмаганди. Чиндан ҳам Куйбишев синамоқда эди. Шу алфозда беш дақиқалар туришди. Охири Куйбишев кулиб юборди.

— Ҳа, шайтон, балосан-а? Кўнглимдан ўтган фикр-ни англадинг-а?

Темир ҳам кулди. Куйбишев соатига қаради.

— Яна йигирма дақиқадан сўнг Петровнинг вақти тугайди. Шунинг ўрнига бориб икки соат турсан. Кейин бошқа одам боради. Сен ҳамюртингнинг олдига бориб келасан. У ёққаям икки соат муҳлат...

Соат еттида Темир Ҳасан аканинг уйини топиб келди. Учинчи қаваатда экан. Эшикни тақиллатди. Кутиб ўтирган экан чоғи, Ҳасан аканинг ўзи очди.

— Э, келинг, Темирбек. Командирингиз инсофли одам экан, жавоб берипти. Гажирроқ одам бўлганида қўйвормасди. Янгангизга айтиб ўтирувдим ҳозир.

Дарҳол дастурхон ёзилди, турли ноз-неъматлар қўйилди.

— Самарқандча қилиб бир кўк чой дамланг, аяси, — деди Ҳасан ака хотинига. — Темирбек кўк чойни соғиниб қолгандир.

Темир кулиб қўйди.

Иккови у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирди. Ҳасан ака Темир Ургутнинг қаеридан эканини, ўқишини сўради. Темир ҳаммасини гапириб берди. Сухбат давомида маълум бўлдики, Ҳасан ака Тошкентда ишлар экан. Темир Тошкентда ўқишини эшитиб, бу томонданам ҳамшаҳар эканмиз-ку, деди.

Бирон соатлар ўтгач, овқат келди. Ҳасан ака «Самарқанд» коньягини олди.

— Қани, Темирбек, икки ҳамшаҳар Самарқандни эслаб, манавиндан қиттай-қиттай отайлик.

— Менга мумкин эмас, Ҳасан ака.

— Нега?

— Командир билиб қолса уришади.

Ҳасан ака қулди.

— Э, қизикмисиз, Темирбек, қаёқдан билади. Уларди ўзи ҳар куни тортади. Унақа одам бошқа бировнинг ичган-ичмаганини пайқамайди.

— Ичмайди у.

— Уларди ичмайдигани бўмайди. Уннан кейин, — худди сирли бир гап айтадигандай овозини пасайтирди, — йўлини қиламиз. Темирбек, кетаётганингизда бир шиша ароқ бераман, командирингизга берасиз. Шу билан олам гулистон-да.

Қадақларга коньяк қўйди.

— Қани олинг, сизам, бизам хизматни тугатиб, юртимизга, ота-она, қариндош-уруғларимиз олдига эсон-омон кириб борайлик.

Ичишди.

Санъатжон дам-бадам дадаси ёнига келиб нималарнидир чулдирар, суҳбатни бўларди.

— Аяси, Санъатжонни ухлатинг, дам олсин. Гапни гапга қўшмаяпти. Қани, ўғлим, аянгизди олдига боринг. Энди уха-а қилинг. Ҳа, баракалла.

Санъатжон чиқиб кетди.

Ҳасан ака яна қадаҳ тўлдирди. Борган сари яқинроқ танишгани, бунинг устига коньякнинг таъсири туфайли ўртадаги дастлабки бегонасираш, тортиниш анча кўтарилди. Эски ака-укалардай гурунгни авжига чиқаришди.

Шу маҳал уйнинг чап томонида отишма бошланди. Икковиям жойидан ирғиб турди. Ҳасан ака Темирга таскин бермоқ ниятида:

— Қўрқманг, ҳозир тинади, — деди.

Лекин тинчиш қаёқда. Баттар кучайди. Артиллерия ва гранатамётлар ишга тушди.

Ҳасан ака Санъатжон қошига югурди. У отишма бўлаётган тарафдаги хонада эди. Шунда уйнинг ўнг томонидан ҳам ўқлар уча бошлади. Ҳасан ака Санъатжонни кўтариб чиқди. У эндигина ухлаган экан шекилли, кўзларини ишқалаб: «Дада, урушми?» — деди. Ҳасан ака шошганидан «ҳа», деб юборди. Кейин бу гапи уни қўрқитиши мумкинлигини сезиб, «уруш тугади» деди. Бола бола экан-да, гоҳ у деразага чопади, гоҳ бу деразага: отишмани томоша қилади. Муштдеккина бола бунақа отишмаларни кўравериб кўзи пишиб кетган

чоғи, сира чўчимас, «вуй, дада, анавини қаранг, ҳаммаёқни ёритиб кетганини», деб ўзича чулдирадди. Ёруғлик берадиган ўқлар осмонда олов чизик қолдириб учар, симёғоч, дарахт, турли тўсинларга тегиб майда-майда лахчалар бўлиб ёрилиб кетарди. Автомат овозини ора-чорада пулемёт ва тўплар гулдуриси бузиб ўтарди. Ҳамма хона ўртасида тик қотган, нима қилишни, ўзини қаерга олишни билмасди. Ҳозир тўрт одам орасида энг кичиги — Санъатжон ҳаммадан кўра дадил, жасур эди.

Бир нарса қулоқни қоматга келтиргудек қарсиллади. Уй ларзага келди, деразалар шарақлаб кетди. Ошхона деразаси чил-чил синиб тушди. Уй тепасига снаряд келиб урилган эди. Бетон уй деворларидан кўчган парчалар, снаряд қолдиқлари чор тарафга ўқдай визилаб учади.

Отишма тахминан ярим соат давом этди. Аммо бу вақт Темир учун ярим кундан ҳам зиёд туюлди. Жангга кирган кезлари ҳам хавотир босган, кўнглидан турли ўй кечган. Лекин ҳозиргиси ҳаммасидан ошиб тушди. Чунки жангга ҳозирлик кўриб, руҳан тайёрланиб боради, қўлида қурол бўлади. Ҳозир-чи, ҳозир аввало қуроли йўқ (Ҳасан аканинг тўппончаси билан иш битармиди), унинг устига не кайфиятда ўтиришувди. Ширин суҳбат, орзу-хаёллар, мазали таом, хушбўй «Самарқанд» коньяги — ҳаммаси жой-жойида қолди.

Баҳор момақалдиروفидек ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб кетган отишма тинди. Улар оҳиста, бемажол ўринларига ўтиришди. Фақат Санъатжон тинмайди, деразадан қараб онда-сонда узоқ-узоқлардан чарақлаб кетадиган ёруғни қўли билан кўрсатиб, «Ана, дада, яна отди. Ура-эй, бизникилар енгди», деб қичқиради.

Булар эса жим. Худди яқин кишилари қазо қилгандек, бошларини қуйи солиб хаёлга толишган. Санъатжоннинг ҳайқириқларигаям биронтаси эътибор бермайди.

— Ана шунақа, — деди Ҳасан ака оғир тин олиб. — Кўрдингизми. Темирбек, шу аҳволда ишлаб, шу хавотирда яшайпмиз. Бунақа ҳодиса деярли ҳар ҳафта, баъзан ҳар куни рўй бериб туради. Шундай пайтда «Афғонистонга мўмай пул ишлагани, машина олгани борадилар», дейдиган одамларни ўйлайман. Шулар локал бир мартагина шу тўполонни кўрипса, балки бу ерда ишлаш улар ўйлаганчалик осон эмаслигини пай-

қашармиди... Ҳай, майли, ким нима деб ўйласа ўйлай-версин. Қани, Темирбек, овқатга қаранг. Совуб қолди. Ярамаслар ҳеч курса овқатланиб бўлганимиздан кейин бошламайдими. Кайф ҳам тарқаб кетди-я, — деди кулиб, қадаҳларга коньяк қуяркан.

— Энди мен турай, Ҳасан ака. Вақт бўл қолди. Кечиксам Куйбишев уришади.

Ҳасан ака ялт этиб Темирга қаради.

— Куйбишев? Ўшами командирилингиз? Чирчиқлик-а?

— Ҳа.

— Ҳе. Унда парво қилманг. У мени жўрам. Тошкентда танишганмиз. Ажойиб йигит. Боядан бери пуни айтмайсизми. Бемалол ўтираверинг. Ўзим бирга олиб бораман, индамайди.

— Барибир ноқулай-да, ҳарбий интизом бор.

— Интизомни қўяверинг. Ҳар куни меҳмондорчиликка бориб юрибсизми? Қани олинг, ишқилиб бошимиз омон бўлсин. Оббо, Куйбишев-эй, ҳозир шу ерда денг. Уни анчадан бери йўқотиб қўйган эдим.

Анча ўтиришди.

Темирнинг қистови билан соат тўққиз яримда турдилар. Ҳасан ака уни кузатиб қўйди. Қисмгача ўн минутлик йўл экан.

Ҳасан ака Куйбишевни топиб, Темир номидан узр сўради.

— Сен келмаганингда бунга бир сутка гулбах бермоқчи эдим, — деди Куйбишев кулиб.

— Темир бизникени кўриб олди, энди бирга боринглар, хўшми. Албатта кутаман.

Ҳасан ака айтгандай бўлмади, Кобулдан қайтиб кетишгунча бошқа учрашмадилар. Темир бир-икки Куйбишевга эслатишни хаёлига келтирди-ю, турли мулоҳазаларга бориб индамади.

Уйига бошқа боролмагани-ку майли-я, Ҳасан аканинг адресини олмаганига афсусланди.

III

Тазунга — ўз қисмига қайтиб, Темирнинг ҳафсала-си пир бўлди. Носиржон йўқ, бошқа қисмга кетипти. Бошқа йигитлар кепти. «Яна Новчага Худо берилтида, — деб ўйлади Темир. — Буларни яна эзаркан-да ярамас».

— Темир, — деди бир куни Новча, — ёш солдатлардан икки-учтасини олсанг. Бир қовун об келайлик. Пишган бўлиши керак.

— Қаердан оласан?

— Полизда тиқилиб ётипти.

— Сенга бераман деб ўтириштимиз?

— Бермай нима қилади. Биз улар учун қон кечиб юрибмиз, иккита қовун бермайдими? Бермаса тортиб оламиз.

Темирнинг жаҳди чиқди. Қон кечиб юрган бўлса деҳқоннинг айби нима? Охири кўринмайдиган уруш жонига тегиб кетгандир. Ҳаммадан ҳам ўшаларга қийин. Улар учун урушниям, инқилобниям кераги йўқ. Фақат ер, сув керак. Бечора деҳқон, ҳамма жойда уларга оғир экан-да.

— Кетдикми? — деди Новча. Темирнинг хаёли бўлинди. — Мунча ўйланиб қолдинг. Ёки шеър кеп қолдимиз?

Шеър эмиш... Шу ҳолатда, шу кайфиятда, шу шароитда юракка шеър сиварканми? Ўйинчоқ экан-да сенга.

— Ўғирлик қилиш мумкин эмас, биласан-ку ўзинг. Волков нима деди, ёдингдами?

Батъзи енгилтак йигитлар қўй-эчки ўғирлаб сўйишар, буни билиб қолишса аяшмасди.

Бир аскар қўй ўғирлаётганда эгаси ушлаб олипти. Уни уриб, калтаклаб қўя қолмапти, ҳаммаёғига пичоқ санчиб, нимта-нимта қилиб ташлапти. Буям етмагандай, уни қисм оддига келтириб ташлаб кегитти. Кейинчалик маълум бўлишича, унинг шериклариям бор экан, улар бир амаллаб қочишган, командирдан қўрқиб, бўлган гапни яширишган экан ўшанда. Қачон, қай пайтда олиб келган — ҳеч ким билмайди. Шўрликнинг боши бир тарафда, оёғи бир томонда, қўллари бир томонда. Қараб бўлмайди. Янги келган йигитлар уни кўриб, қўрқиб кетдилар. Бир бола тўрт-беш кунгача ўзига келолмай юрди. Шундан кейин Волков жангчиларни йиғди-да: «Афғонлар ҳамма нарсани кечириши мумкин, аммо ўғирликни сира кечирмайди, шунинг учун ҳеч нарсасига тегманглар. Шусиз ҳам сизу бизни ўлдиришга қулай имконият пойлаб юришади... Жонларингга жабр қилманглар, йигитлар», деб қаттиқ тайинлади. Ҳозир Темир шу воқеани эслади.

— Э, у аҳмоқ қўй ўтирлаган, — деди Новча. — Бизга қўй нима керак? Бир-иккита қовун тилла бўпти-ми? Сўрасак берар...

Охири, Темир кўниб, йигитлардан иккитасини эргаштирди. Ҳаммаси автоматини елкасига осиб олди. Билиб бўладими.

Полиз бошига боришганда кичкина қапа кўринди; ичида икки йигит ўтирарди. Буларни кўриб шошиб чиқишди. Елкаларига милтиқ осиб олган, кўринишдан баджаҳд, соқол-мўйлови ўсиб кетган, кўкраги тўла жун.

— Сен гапир, — деди Новча Темирга, — тилига тушунасан.

— Э, қаёқда тушунаман...

Унгача бояги йигитлар пешвоз келди. Кўзлари чўғдай ёнади. Темир бу кўзларда нафрат туйғуларини кўрди. Шу боис бир дам шошиб, гангиб қолди.

— Ассалому алайкум, — деди кейин.

— Ваалайкум ассалом.

Йигитнинг талаффузи ўзбекчага ўхшаб кетди. Булар ўзбек экан чоғи, деб ўйланиб турувди, ҳалиги йигит:

— Хўш, нима хизмат? — деди соф ўзбек тилида.

Темирга эрганиб келган ўзбек йигитлари анграйиб қолишди. «Демак, ўзбек экан-да». Темир шу ўй билан бемалол сўз қотди:

— Ҳорманглар, оғайнилар...

Бояги йигит гапни чўрт кесди:

— Нимага келдиларинг бу ерга?

Темир яна довдираб қолди. Новча эса илжайди, иш осонроқ пишади, деб ўйлади шекилли, «Яна тилига тушунмайман, дейсан-а», деди Темирга.

— Ўзбекмисизлар? — деб сўради Темир.

— Ҳа, гапинг борми, гапир.

Йигит гапни чўзишни ёқтирмаётгани, буларнинг бу ерга келганини хуш кўрмаётгани сезилиб турарди.

— Менам, манавилар ҳам ўзбекмиз...

— Ҳамманг бир гўрсан, сенам, анавиларам — баринг шўравийсан. Нимага бошимизга қурол кўтариб келасанлар?

— Сизларга эмас, йўлда душман чиқиб қолмасин деб, ҳар эҳтимолга қарши олганмиз буни.

Йигит бурнини жийирди, жаҳли чиққанидан кўзлари ўйнаб кетди.

— Ким душман? Кимга душман? Сен душман! Манавилар душман! Бировнинг юртига бостириб кирган одам душманми ё юртини босқинчилардан мудофаа қилмоққа отланган киши душманми? Ҳаммаёқни горат қилдиларинг, шаҳару қишлоқларнинг кули кўкка совурилди. Ким қилди шуларни? Сизлар?

— Ке, қўй, оғайни шу гапларди, — деди Темир мавзунни ўзгартирмоқчи бўлиб — Ростини айтсам, юртимдан чиққанымга бир йилдан ошди. Қовунни жуда соғиндим. Мумкин бўлса иккитагина беринглар. Шу илтимос билан келувдик.

Йигит барибир паст тушмади, Темирнинг йўлига юрмади. Аламини тўкиб сола бошлади.

— Наҳотки гўдакларга, қарияларга қарата ўқ отаётганингда қўлинг қалтирамаса?

Энди Темирнинг ҳам жаҳли чиқди.

— Қачон мен болага ўқ отганимни кўрдинг?

— Сен отмасанг у отади, бошқаси отади. Отиб келяпсанлар-ку ахир. Сенам сўфимасдирсан. Ҳамманг қотилсан. Яна тиржайиб юраверасанлар.

— Менга қара, — деди Темир астойдил. — Бу ерга менам, буларам ўз ихтиёри билан келгани йўқ.

— Демак, қул экансан.

Темирнинг сабр-косаси тошди. Бу ёғига ўзини идора қилолмай қолди.

— Ҳай, менга қара, мунча кўп ақл ўргатдинг. Сени олдинга одам деб иккита қовун сўраб келдик тўрт бирдай одам. Айбимиз шуми? Бермасанг берма! — Шундай деб, йигитларга қаради: — Кетдик! Э, қовуни бошини есин. Яна буларни ўзбек деб андиша қилиб ўтирибман-а.

— Бўлмаса отиб ташлармидинг? Сени қўлингдан келадигани шу! Ақли йўқ одам кучига зўр беради.

Темир шарт изига бурилди. Орқасидан йигитлар ҳам эргашди. Гап оҳангидан аҳвол мураккаблигини сезиб турган Новча воқеа бундай тус олиб кетишини кутмаган, Темир қовун олмай орқасига қайтганидан ҳайрон эди.

— Нима гап, Темир? — деди Новча.

Темир жаҳл билан қўл силтади-да, йўлида давом этди. Новча югуриб келиб, йўлини тўсди.

— Шу икки мишиқидан қўрқиб индамай кетаверамизми?

Темир қулоқ солмади.

— Қовун емасанг ўлиб қоласанми? Бор, олсанг ола-вер, лекин мен қайтмайман орқамга.

Шундай деб, Новчанинг қўлини силтаб ташлади. Новча бир зум қаққайиб қолди. Сўнг жаҳл билан сўкинди:

— Отиб ташлайман ҳозир икковиниям.

Темир шарт ўтирилди:

— Эсингни едингми?

— Алам қилмайдим, биз буларни деб қон кечиб юрибмизу иккита қовун бергиси келмайди. Ҳаммасини қириб ташлайман.

Новча қутурган каби полиз томонга югурди. Пуш-тада дарё тошидай дўнграйиб ётган қовун-тарвузларни тепа кетди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Жаҳл қўзиганидан, бир томони кун иссиқ, Новча қип-қизариб кетди.

— Новча, эсингни йиғ!

Темир ҳали гапини тугатмовдиямки, ўқ овози гумбирлади. Новча қовун пуштасига бўйи баравар учиб тушди. Боя Темир билан баҳслашган йигит Новчага термилиб турар, милтиғи милдан тарам-тарам тутун чиқарди. У атайлаб қилдими ёки шошганидан мўлжали нотўғри кетдики, ҳарқалай ўқ Новчанинг оёғига теккан эди. Темири уларга қаради. Иккала йигит энди Темирга ва унинг орқасида турган аскарларга ўтирилди. Темирнинг юраги шувиллаб кетди.

— Ўзларингни босинглар, биродарлар...

Шу маҳал автоматнинг қаҳрли тариллагани сукунатни бузди. Ҳалиги икки йигит баравар йиқилди. Темир Новчага қаради. У ётган жойидан бор кучи билан автомат тепкисини босарди. Ана-мана дегунча магазиндаги барча ўқи тамом бўлди. Темир гангиб қолди, ёнидаги аскарлар эса таёқдек қотган, нима қилишни, қаёққа қочиб билмасди. Шу маҳал яна ўқ овози гумбирлади. Кўкрагини кўтариб турган Новча шилқ этиб йиқилди. Ярадор йигитлардан қайси биридир охири кучини тўплаб, Новчани мўлжалга олган эди.

Бу воқеалар бир зумда кечди. Аммо юракларни ўртаб кетди. Атиги бир неча дақиқада учта ўлим: улар ким, қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар, алам қилади одамга. Учовиям одам ўлдиришга ишқибоз йигитлар эмас аслида. Лекин вазият уларни қотиллик қилишга мажбур этди. Дилларидаги орзулари, ниятларини ўзлари билан ола кетишди. Эҳ, уруш, уруш...

Темир катта бир кесакка ўтирган кўйи, бошини кафтлари орасига олиб, оғир ўйланиб қолди. Бу нима деган гап ахир. Бу аҳволда охири нима бўлади? Ҳар икки томондан одам қирилиб кетаверса... Миясини турли фикрлар, қарама-қарши ўйлар пармалай бошлади. У гўё ёнидаги йигитларниям унутган эди. Қайси биридир: «Темир ака, нима қиламиз энди?» — деганидан кейингина улар эсига тушди...

Темир узоқ ўтирди. Мияси ғовлаб кетди. Нималарнидир ўйлар, аммо нимани ўйлаётганини ўзиям билмас, идрок қилолмас эди.

Кун пешиндан оғди, ҳаво иссиқ, ҳамон куйдиради. Қайдадир тўрғай бўзлади. Хаёли бўлинди. Бошини кўтарди. Губорларни тўкиб ташлайдигандек, бошини қаттиқ силкиди. Чиндан ҳам сал кўзи очилиб, фикри тиниқлашгандай туюлди. Оғир тин олиб ўрнидан турди. Бўғинлари қисирлаб кетди. Туриши билан полизда ётган Новчанинг мурдасига кўзи тушди. Беихтиёр қапа томонга қаради. У ерда ҳам иккита мурда, иккита ўзбек йигитининг мурдаси...

О л т и н ч и б о б

I

Телепатия деган нарса бор. Ҳарқалай Темир ишонади бунга. Жуда кўп дуч келган, ўз ҳаётида синаб кўрган.

Бугун ҳам шундай бўлди.

Тонгда тушига Гавҳар кирибди. У билан қайсидир соя-салқин боғда музқаймоқ еб ўтирган эмиш. Гавҳар музқаймоқни чўчиб-чўчиб, эҳтиёт бўлиб ермиш. Яқинда томоғи оғриган экан, шу қайталаб қолмасин, деган хавотирдамиш. Темир қистармиш. Бир миршаб келиб, пўписа қила кетипти: «Нимага бу ерда морожний еб ўтирипсанлар?» Темир билан Гавҳар ҳайрон қопти. «Нима ишингиз бор? Ўтирамиз-да», «Бу ерда... мумкин эмас!» «Ие, нега энди. Ахир ҳамма еяпти-ку!..»

Туш валати нарса-да, бирдан бояги соя-салқин жойдан пахтазорга ўтиб қолишипти. Пахта тераётган эмиш-у, Гавҳарнинг қўлида музқаймоқ бормиш.

Хуллас, айқаш-уйқаш туш.

Темир уйғониб, кўрган тушини ўйлаб ётди. «Сентябрнинг ҳам ярми ўтди. Эҳтимол студентлар пахтага чиқиб кетишгандир». Шу топда Темир пахтазорда бўп қолгиси келди. Ўртоқлари билан ҳазил-ҳузиллар, талашиб-тортишишлар, кечқурунги ўйин-кулгилар... Қанчалар завқли... Вақтида ўшаларниям қадрламаймиз. Пахтасиям жонга тегди деб, эртаю кеч нолиймиз... Гавҳар ҳам пахтададир. Ишқилиб, ҳеч ким хафа қилмаяптимики уни? Ким кўп, шилқим йигит кўп. Терим пайтида не-не ишлар бўп кетмайди. Бечора қизлар. Уларнинг тақдири кўпинча пахта билан боғланиб кетгани валати...

— Подём!

Дўриллаган овоз Темир хаёлини мушук панжасига тушган бедана патидай тўзғитиб юборди. Сакраб турди...

Нонуштадан қайтаётганда алоқачиларга тегишли хонага кирди. Столда беш-олтита хат ётарди. Темир уларни бирма-бир кўздан кечирди. Таниш дастхатта нигоҳи тушиб севиниб кетди. Гавҳардан!

Хатни очиб, шу жойнинг ўзида тик турганча ўқий бошлади.

«Ассалому алайкум, Темир ака!

Ишонсангиз сира ҳаловатим йўқ. Эртаю кеч сизни ўйлайман. Тинч, эсон-омон юрибсизми? Жанглاردан йироқмисиз ишқилиб? Ўзингизни эҳтиёт қилинг, жон ака.

Мен яхшиман. Ўқишни бошладик. Қизларнинг ай-тишича, яна беш-олти кундан кейин пахтага кетармишимиз. Аммо мен бормаيمان. Биласиз, томоғим тез-тез оғриб туради. Дўхтир билан гаплашдим, ангинамни оддирмоқчиман. Бўлмаса юрагимга таъсир қилар эмиш. Сал қийналсам ҳам қутулай шундан. Баҳонада пахтадан қоламан. Курсдошларимиз жўнаб кетиши билан касалхонага ётаман...

Негадир кейинги пайтда кам ёзадиган бўп қолдингиз. Мен эса ҳар куни сиздан мактуб кутаман.

Темир ака, сиздан яна илтимос, аввало худо асра-син, лекин ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг. Нимагадир дилим ғаш, қаттиқ хавотирдаман...

Сизни соғиниб қолувчи Гавҳар».

Дарров хат ёзилган кунга қаради. Ўн кун бўпти. Демак, Гавҳар касалхонада. Операция қилдимикан? Яхши ўтдимикан? Шундай нияти бор экан, оддинроқ ёзмайдими, Робия опага учрашинг менинг номимдан, деб маслаҳат берарди. Ҳарқалай тажрибали, қўли енгил опанинг... Майли, шифо берсин. Бир жиҳати яхши бўпти, биратўла қутулиб олади.

Бугун у бўш. Казармага кирди. Бироз ётгиси келди.

Каравотга чўзилиб хаёлга беридди. Яхшиям хаёл бор... Қовун воқеасидан бери янаям ўйчан бўлиб қолган. Қарийб бир ой ўтган эсада, ҳеч ёдидан чиқаролмайди, ўйлайверади, ўйлайверади. Ҳозир ҳам хаёли айланиб-айланиб шу воқеага келди. Ўзи билан тортишган йигитнинг фикрлари миясидан сира чиқмайди. «Бировнинг юртига бостириб кирган одам душманми ёки юртини мудофаа қилишга отланган киши душманми?» Ҳақиқатни бўяб кўрсатиш осон экан...

Кўпдан бери қалам ушламай қўйган эди. Негадир ҳозир шеър ёзгиси келди. Қоғоз-қалам олиб машқ қила бошлади. Қоғозга термилиб узоқ ўтирди. Сўнг нималарнидир ёзди, нималарнидир ўчирди, қайта кўчирди. Аммо барибир кўнгли тўлмади.

Серёжа хаёлини бўлди.

— Нима қилиясан, Темир? Ҳа, хат ёзаялсанми? Қизинггами?

Темир унга юзланди.

— Нима дейсан?

— Юр, бир айланиб келамиз. Ҳаво жуда яхши.

Темир Серёжани ҳурмат қилади. Бошқаларга ўхшамаган одатлари бор. Шу боис таклифини рад этолмади.

— Қўймадинг қўймадинг-да, — деди қорғоз-қаламини йиғиштириб. — Бир нарса хаёлимга келувди, шуни шеърга солмоқчи эдим.

— Шуни айтмайсанми, мен бошқача ўйлапман. Майли бўлмаса, ёзавер унда.

Темир кийина бошлади.

— Бўлди энди, фикр қочиб кетди.

Уларга Андрей деган йигит ҳам қўшилди. Андрей кейинги чақирикда келган бу ерга. Шароитга тез кўникди: анча дадил, ҳеч нарсадан қўрқмайди. Ҳаракатлари, гап-сўзларидан безори, қиморбоз бўлганга ўхшайди. Унда-мунда командирдан яшириб наша чекади. Дастлаб Новча Андрейнинг гашига тега бошлади. Носиржондай унгаям ҳар хил ишлар буюрди. Лекин Андрей қилмади. Новча урмоқчи бўлганда у ҳам кезланди. Иккови роса муштлашди. Пишиб кетган экан чоғи, Новчанинг калтаклари таъсир этмади. Новча ҳеч кимдан шунча кўп калтак емаган бўлса керак. Кўринишдан ихчам, чуваккина Андрей унча-мунча каратэ сирларидан ҳам хабардор экан. Шу-шу Новча унга бошқа иш буюрмади. Андрей эса мавқеини тиклаб олди.

Очиғи, ҳозир Темир уни кўриб гапланди. Чунки у галва чиқармай юрмайди. Тўполондан Темирнинг юрғи безиллаб қолган.

Бу фикрини Серёжага айтолмади. Орқага қайтиш-ни эса эп кўрмади. Йигит одамга ярашмайди.

Учови елкасига автоматини осиб (бу ерда қуролсиз юриш хавфли) қишлоққа йўл олди. Мақсад — дўконларни айланиб, у-бу нарса харид қилиш. Темир ойига ўн тўрт сўмлик чек олади, Серёжа билан Андрей тўққиз сўмдан. Шу важдан ҳозир ораларида «бойи» Темир. Буни улар ҳам биладилар.

— Яхшироқ нарса учраб қолса чекимиз етмаса қарз бериб турасан-да, Темир, — деди Серёжа.

— Бўпти, гап йўқ.

— Қишлоқ ҳувиллаб ётипти. Кўп уйлар вайрон. Айтишларича, икки йил олдин бу қишлоқ қаттиқ жангда қолиб, артиллериядан ўққа тутилган экан. Натижада

ярми тамоман йўқолиб кетган. Шундан бери одамлари асабий — шўровийларни ёқтирмаслигини яширмайдилар.

Бир неча дўконларга кирдилар. Тузукроқ нарса йўқ, борлари қиммат.

— Булар атайлаб бизга баланд айтади нархини, — деди Андрей сўкиниб.

— Ўзининг моли, хоҳлаган нархида сотади-да.

Серёжанинг бу гапи Андрейга ботмади. Бир ўқрайиб қараб қўйди.

Тарвузлари қўлтиғидан тушиб, қишлоқдан чиқишди. Кимларгадир совғалар олишни мўлжал қилишганди-да. Бир чақиримча наридан катта асфальт йўл ўтади. Шу йўлдан кийим-кечак ортган юк машиналари қатнайди. Буни аскарлар яхши биладилар. Ҳатто баъзилари тунда чиқиб, машиналарни тўхтатиб, кийим-кечаклар олишган. Туя жунидан тўқилган свитер, Хитой, Покистон ва бошқа мамлакатларда чиққан турли кийимлар...

Андрей таклифи билан ўша томонга жўнашди. Узоқда бир юк машинаси пайдо бўлди. Буларга қарама-қарши томондан келмоқда. Нимадир юкланган, усти брезент билан ёпилиб, арқон тортилган.

— Шуни тўхтатамиз, — деди Андрей.

Машина яқинлашгач, у қўл кўтарди. Ҳайдовчи ёлғиз ўзи экан, қўрқди шекилли, тўхташ ўрнига баттар тезликни оширди. Бундан Андрейнинг газаби кўзиди. Машина олдидан шувиллаб ўтиб кетиши билан орқасидан ўқ узди. Баллон қарс этиб кетди-ю, машина бир томонга оғиб, ўн метрча судралиб борди-да, тўхтади.

— Нега бундай қилдинг, Андрей? — деди Темир.

— Нимага тўхтамайди?!

— Мажбурми тўхташга? Истамаса тўхтамайди-да.

— Унда жазоси шу.

Серёжа ҳам Темирнинг гапини маъқуллади.

— Икковингам фирт аҳмоқ экансан, — деди Андрей ҳафсаласизлик билан.

— Қароқчилик қилгани келганимиз йўқ-ку бу ерга, — Серёжанинг жаҳди чиқди.

— Бўлди, — Андрей унга қараб қўл силтади. — Кўп политика суқаверма.

Андрей югуриб бориб, кабинани очди. Ҳайдовчи бошини рулга қўйиб жим ўтирарди. Эшик очилиши би-

лан чўчиб тушди. Ранги оқариб кетган, қўллари дағ-дағ титрайди.

— Нима бор машинангда? — деб пўписа оҳангида сўради Андрей.

Ҳайдовчи гапига тушунмади шекилли, елка қисди.

Андрей чаққонлик билан машина устига чиқди. Чўнтагидан пичоқни олиб брезентни шарт-шарт кесди. Тойланган пахта босилган экан. Андрейнинг хафсаласи пир бўлиб пастга тушди.

— Сени юртингдан келяпти чоғи, — деди Темирга. Сўнг ҳайдовчига бақирди: — Ҳайда! Йўқол кўзимдан, аҳмоқ. Тузукроқ нарса ортсанг ўласанми?!

Серёжа ҳазиллашди:

— Уч қароқчи йўл тўсишини билганида «Адидас» костюмлар, жинси шимлар ортардику-я. Бу аҳмоқ билмаган-да!

Яна йўлда давом этдилар.

Улар анча узоқлашгандан кейингина ҳайдовчи ўзига келиб, кабинадан тушди. Кўтаргични олиб, баллонини алмаштиришга тутинди.

— Кетдик, энди, овайнилар, — деди Темир.

Серёжа ҳам қўшилди. Аммо Андрей газабдан тушмас, овга чиқиб ҳеч нарса отолмай қайтаётган овчидай тажанг эди. Нимадир олиб кетишни истарди.

Орқадан ғувиллаш эшитилди. Енгил машина келарди. Яна Андрей қўл кўтарди.

— Бунга нима қиласан тўхтатиб?

Бу ҳам тўхтамади. Андрей бунга ҳам ўқ узди. Ичида ўтирганлардан бири бақириб юборди. Темир билан Серёжа югурди. Бирови эшикни очди. Орқа ўриндиқда ўтирган аёлга ўқ теккан, оғзидан қон оқиб ётар, ҳайдовчи, — эри бўлса керак, — уввос солиб йигларди. Бу ҳол Темирни қутуртириб юборди. Бамайлихотир келатган Андрейнинг елкасига автомат қўндоғи билан туширганини ўзиям сезмай қолди. Кутилмаган зарбадан Андрей шилқ этиб асфальтга йиқилди.

— Нима қилдинг? — деди Серёжа. — Ўлдириб қўясан-ку.

Темир ҳамон ўзини босолмас, лаблари пирпираб учар, қўли қалтирар эди.

— Ўлдираман! Ўлдираман бу ярамасни. Бу нима қилиқ ахир. Қара ўзинг, Серёжа. Аёл шўрликнинг айби нима?

У Андрейни яна урмоқчи эди, Серёжа қўлини уш-

лаб қолди. Темир чидаёлмай, асфальтта ўтириб, хўнграб юборди. Худди ўзининг жигари ўлгандай хўнграб-хўнграб йиғлади.

Серёжа гангиб қолди. На Темирни овутишни биларди, на Андрейга қарашни...

Бироздан сўнг Андрей инграб, ўрнидан қўзғалди. Темирни қидирди, чамаси уни уришни мўлжаллар, биروق мадори етмас эди.

Серёжа келиб уни кўтарди. Андрей автоматини судраб, бир-бир босди. Оғриқнинг зўридан аранг юраётгани кўриниб турарди. Серёжа ундан автоматни юлиб олди. Кейин Темирнинг ёнига борди.

— Тур ўрнингдан, кетамиз, — деди елкасидан туртиб.

Темир унинг қўлини силтаб ташлади:

— Йўқол! Қўй мени ўз ҳолимага!..

Темир ўзини йиғидан тиёлмас, у ёқда афғоннинг фарёди тинмас эди. Афғон йиғи аралаш «Шўрави, шўрави» дея сўкинарди.

Машинасининг орқа ва олд ойналари чил-чил синиб ер билан битта бўлиб ётарди.

Серёжанинг боши қотди. «Қаерданам Андрейга юр дедим», деб ўзини-ўзи койирди.

Ниҳоят, Темир ўзини қўлга олди. Базўр жойидан турди. У афғонга кўмак беришни ўйлар, аммо бунга ҳожат йўқ — вақт ўтган эди...

II

Эрталаб хабар тарқалди: яна жангга кирилар экан..

Пешинга бориб миш-миш ростга айланди.

Жангчилар БТР, БМПларга ўтирдилар. Жўнаш ҳақида команда бўлди. Қаерга, неча кунга, қанақа жанг? — ҳеч ким билмайди. Аниқ манзилга, аниқ топшириқ билан кетишгани тузук экан, ҳар қалай шунга руҳан ҳозирлик кўришади. Аммо бугунгиси негадир ўта сирли.

Офицерларнинг қовоғи очилмайди, аслида улар унча-мунча жангни писанд этмас, кайфиятида мутлақо ўзгариш сезилмасди. Демак, жиддий жанг бўлиши керак.

Темир бу сафар Серёжа билан битта машинага тушди. У ойнақдан атрофга разм солиб бормоқда. Нотаниш жойлар. Бир неча қишлоқ, қир-адир орқада

қолди. Яйловларда туялар, қора моллар, қўй-эчкилар. Нимаси биландир қишлоғини эслатади. Қишлоғида ҳам мана шундай куз кунлари тоғ этагидаги лалми ерларда моллар эринибгина қуриган хашакларни тергилаб юради. Бундай пайтда кўпчилик бедана овиға чиқади. Ҳаво булут аралаш ғуборли бўлиб турган кунлари бедананинг рави келади. Беданавозларга худо беради. Бир кунда йигирма-ўттизталаб ушлашади.

Бу ерларда ҳам бедана кўп бўлса керак, деб ўйлаб борарди Темир. Тўплар гумбирлаши, дам-бадам отилган ўқлар овози уларнинг ҳам инини бузганди. Уруш на одамларга, на ҳайвонларга, на қушларга ором беради.

Зимдан Серёжага қаради. Ҳозир балки у ҳам ўзининг қишлоғини, Рязань далаларини кўз олдига келтириб бораётгандир. Яхшиям шу бор, буңдан бўлак сал очилиб-сочилиб гаплашадиган одами йўқ. Носиржон сал-пал ҳангома бериб турарди, уни ҳам қаёққадир олиб кетишди. Азим билан Жўрақул қайдалигини билмайди. Тани-жонлари соғмикан? Бир мамлакатда бир хил вазифани бажариб юрсангу бир-бирингни адресингни билмасанг, жуда қалати-да.

Азимнинг романтиклиги, устига қизиққонлиги ёдига тушди. Ишқилиб соғ бўлса бас. Жўрақул, бечора жуда мўмин-қобил-да. «Қария»лардан роса калтак егандир. Бировнинг гашини икки қилиб ўрганмаган бола бу азобларга қандай чидаяпти экан. Новчага ўхшаган аблаҳлар ҳамма қисмда топилади... Ҳай, майли, калтак есам, жони соғ бўлсин. Ўлмай уйига борса бўлди...

Қош қорайганда кенггина майдонга етиб келишди. Машиналар маълум чизиқ бўйича ипга тортилгандай тизилиб турибди. Икки томон қуюқ дарахтзор, рўпарада тоғ кўринади. Этақда қишлоқ элас-элас кўзга ташланади. Маълум бўлишича, ўша қишлоқда, унинг атрофларида босмачилар тўдаси ўрнашган экан. Улар ҳаддан ташқари кўп эмиш. Барча йўллар ҳар қаричигача миналаштирилган. Шу боис қишлоққа яқин кириш қийин. Машиналар панасига, иложи борича кўринмайдиган жойларга ўтиш буюрилди. Жангчилар ўзларини пана-панага олдилар.

Орадан кўп ўтмади, атрофга шом пардаси ёйилди. Шунда қишлоқ томонда гумбурлаган овозлар эшитилди. Бу овоз кетма-кет давом этди. Артиллерия қишлоқни тўпга тутаётган эди. Шу маҳал кутилмаган ҳужум

бошланиб қолди. Ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди — душман бостириб кела бошлади. Дарахтзорда пистир-мачилар яширинган экан.

— Олга!

Шиддатли жанг қўпди. Атрофни қий-чув, тўс-тўпо-лон тутди. Машиналардагиларни ишга солиш қийин — ўзимизники билан душманни ажратиб бўлмас, ҳам-маси қоришиб кетган эди. Душманнинг буларга то-мон бостириб келаётганини ҳам, қочиб кетаётганини ҳам англаш қийин. Тўсатдан «ура!» товушлари ян-гради.

Дарахтзорнинг орқа томонида ҳам шўро жангчила-ри ўрнашган, душман ўраб олинган экан. Артиллерия қишлоқни тинчитгандан кейин икки томондан ҳужум бошланиши режалаштирилган, буни пайқаб қолган душ-ман олдинроқ отини қамчилаган экан...

Жанг бир соатча давом этди. Беҳисоб одам қирил-ди. Жасадларни ажратиш, ким ўлди, ким қолди — билиш қийин... Салдан сўнг ҳалок бўлган жангчиларни машиналарга орта бошладилар.

Темир бунақа қирғинни — одам боласи чумоли мисоли хор бўлганини кўрмаган эди. Ўқлар шанғилла-ши, жангчилар қий-чуvidан қулоғи гарангсиб, нима бўлаётганини идрок этиши оғирлашиб қолган эди.

Ана шу аҳволда Темир ҳам ўлганларни, ярадор жангчиларни таший бошлади.

Ё алҳазар!

Темир бир мурдани қўлидан ушлаб тортувди, кўзи оқарган бетига тушди. Юраги увишиб, жойида тўхтаб қолди. У бунга ишонмасди. Наҳотки, рост бўлса? Аф-суски, кўзлари адашмаган эди. Оғзи-бурнидан қон оқиб ётган Азим эди.

Бечора, раҳматли Азим! Қандай далли-ғулли йигит эди. Армиядан қайтсам катта тўй қиламан, тўйимга Шерали Жўраевни олиб келаман, деб юрарди шўрлик!

Темир унинг ёнига ўтириб қолди. Ким ўлдирди уни? Ким учун ўлди у? У ҳозир бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмас, кўрмас, эшитмас, карахт эди. Йиғлай дей-ди, йиғлаёлмайди, на товуши чиқади, на кўзларига ёш келади. Мутлақо бегона — бир афғон аёли ўлиги усти-да уввос солиб йиғлаган одам жонажон жўраси ўлганда йиғлаёлмас-я. Э, Худо, бу не кўргулик, не жазо бу?

Уруш барибир уруш! Одам ҳар қанча кўнгилчан бўлмасин, аста-секин лоқайдлашиб, ўлимни оддий бир

ходиса сифатида қабул қиладиган бағритош бўлиб бо-
раверар экан. Бошқа на илож? Шаҳид кетган дўсти
тепасида аза очиб ўтиришнинг имкони йўқ!

Темир Азимнинг мурдасини елкасига олиб, маши-
нага элди. Ана шундагина ичидан қаттиқ, жуда қаттиқ
ўкирик келиб, вулқондай отилиб чиқди. Хўнграб юбор-
ди, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Уни бу аҳволда
кўрган бир офицер сўка кетди:

— Қанақа солдатсан, аҳмоқ! Қиз болага ўхшаб йиғ-
лаб ўтирипсан. Бас қил!

Темир ўзини қўлга олишга интилиб:

— Ўртоғим эди! Бирга ўқир эдик... — деди.

Офицер пинагиниям бузмади.

— Нима қипти ўртоғинг бўлса... Гапини қаранглар...

Балки офицер ҳақдир. Йиғлаган билан не наф? Бу
уруш-да...

Аmmo одам темир эмас-ку. Йиғлаш, кўнглини бўша-
тишга ҳаққи борми, йўқми? Ҳеч бўлмаса шундай қилиб
енгил тортиши мумкин-ку. Нега энди унинг устидан
кулиш керак?

Темир индамай, бир чеккага ўтиб, дўппайиб турган
тошга ўтирди. Миясига лоп этиб Жўрақул уриди. У
бечора қаерда экан? Азим билан бирга кетувди чоғи.
Ҳаётмикан ишқилиб? Уларнинг қисмиям шу атрофда
бўлса керак. Манави жангга келишипти-ку.

У ҳозир Жўрақулни жудаям кўргиси келди. Мири-
қиб гаплашишни, ажрашиб кетишганидан бери ўтган
воқеаларни сўрашни, студентлик чоғларидаги ҳанго-
маларни эслашни ич-ичидан истади. Яна кўп нарса-
ларни истади. Лекин хоҳлаш осон, унинг рўёбга чиқи-
ши эса ҳамиша ҳам осон эмас. Хусусан, мана бундай
жангу жадаллар, қонгоҳ ичида истаган нарсанг амалга
ошишини хаёл қилиш — такадан суг кутишдай бир
гап.

Тунни улар шу ерда ўтказдилар. Кечаси ҳеч ким
деярли ухламади. Беш-ўн дақиқа ўтирган жойларида
мизғиб олишди, холос.

Нега бундай бўлаётганини жангчилар тугул, офи-
церлар ҳам билмасди, билса ҳам айтишмас эди. Жанг-
чилар ўзларича, эртага кетади, деб тахмин қилишар-
ди.

Одатда қишлоқ жойларда бундай кечаларда чигирт-
калар чириллайди, итлар акиллайди, эшакнинг ҳангра-
гани эшитилади. Бу ерда бирон-бир сас-садо йўқ. Молу

ҳол, қурт-қумурсқагача ё қирилиб кетган, ё инига қириб нафасини чиқармай пусиб ётипти. Тундаги жангдан нимаям омон қоларди. Чор-атрофда ўқлар ёмғири, гўё дарахтлардан ўқ отилаётгандай. Ҳалиям одам боласининг жони қаттиқ, бардоши кучли экан. Бу қонғоҳда ундан бўлак тирик мавжудот чидаши қийин. Ҳатто осмондаги юлдузлар ҳам пастдаги қирвин-баротдан чўчигандай пир-пир этади. Одамзодга қўйиб берса уларни ҳам тинч қўймасди, яхшики шунга қолганда қўли калта...

Темир юлдузларга термилиб шуларни ўйлади. Ўйлагани сари фикри чувалашиб кетаверади, кетаверади, охирига етолмайди.

Азонда олов из қолдириб снарядлар учди. «Яна бошланди». Темирнинг хаёлига келган фикр шу бўлди. Лекин нима учундир ҳамма жим. Снарядлар қишлоқ томонга учади. Ўша томонда бақириклар эшитилади. Жангчилар уйғоқ, сергак. Аммо бу тўполон тезда тинди.

Қоронғида билинмаган экан, тонг ёришгач, аскарлар бир-бирини танимай қолдилар: қош-киприклари, юз-кўзларини сариқ тупроқ қоплаган. Темирнинг болалик йиллари эсига тушди. Қишлоқнинг сертупроқ кўчаларида ўйнашганида шундай аҳволга тушишар эди...

Машиналар занжир халқалари каби тизилиб тоғ тарафга — қишлоқ сари йўл олдилар. Темир йўл-йўлакай далаларни, дарахтзорларни кузатиб боради. Ҳамма жой куйган, дарахтлар ёниб кетган, тутун ҳамон босилмаган.

Машиналар қишлоққа қириб тўхтади.

Қишлоқ... Номи қолган, холос. Тик турган уй йўқ ҳисоби, ҳаммаси вайронага айланган. Ҳар қадамда серсоқол кишилар, аёллар, болаларнинг мурдалари...

Ўн минутча шу ерда туришди. Машиналар атрофидан узоқлашишга ижозат йўқ.

Яна йўлга тушдилар. Энди тоғ этаги бўйлаб ўнг томонга юрдилар. Яна қишлоқ, яна ўликлар, куйган, ёнган, туттаган уйлар...

Темир ортиқ қарай олмади. Кўзларини юмди. Кўнгли айниди, боши айланди. Сир бой бермай, бошини ойнакнинг темир қирғоғига қўйиб олди. Аҳволини Серёжа сезди чоғи, аста туртди.

— Темир, сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса.

Тоби қочгани овозидан ҳам билинди. Серёжа унинг бошини қўтарди. Ранги бўздай оқариб кетган эди. Серёжа ташқи алоқа орқали ҳамшира кераклигини айтди. Машина тўхтади. Тиббий бўлинмадан врач етиб келди.

— Бизнинг машинага ўтказиш керак, — деди врач.

Серёжа Темирни суяб, тиббий бўлинма машинасига олиб борди. Врач ичкарига ётқизиб, укол қилди, дори берди. Салдан сўнг Темир ўзига келди. Аммо юрак уриши ҳамон безовта эди.

— Сен кетавер, — деди врач Серёжага, — бу шу ерда қолади.

Серёжа кетгандан кейин машина жилди. Темир чалқанча ётар, туришга рухсат беришмас, — аксинча врач дам-бадам томирини ушлаб кўриб, ҳамширага укол қилиш ёки дори беришни буюрарди. «Нима бўлди, дўхтир?» деган саволга «Ҳеч нарса, ваҳима қиладиган жойи йўқ, бироз чарчагансан, ўтиб кетади», дея врач хотиржам жавоб қилди.

У шу аҳволда ярим соатча ётди. Кейин ухлаб қолди...

III

Икки ҳафтадан бери Темир ҳарбий касалхонада. Асаби қаттиқ толиққан, бу юрагига таъсир этган экан, ҳар куни бир нечтадан укол олади, дори ичади. Ўзига ўхшаган йигитлар кўп, уларнинг аксарияти ярадор. Ўрнидан туролмай ётганлари қанча. Ҳар ким ўз бошидан ўтказгани, кўргани, эшитганини гапирди. Душманнинг аёвсизлиги, ўта шафқатсизлигидан нолийдилар. Инқилоб, озодлик охир-оқибат ризқ-насиба уларга керак, аммо бизнинг не-не гулдай навқирон йигитларимиз жувонмарг бўлиб кетаётгани афшонларнинг хаёлигаям келмайди. Йигирма ёшга етиб-етмаган ўсмирлар қандайдир мулоҳазакор, қаримсиқ, лоқайд бўлиб қолган, ҳаётдан кўнгли совутган, гўё улар бу дунёнинг ишларига ҳам қўл силтагандай.

Кўнгли кўтарадиган, хуморни ёзадиган, дилларга нур берадиган гап йўқ. Маҳзунлик, тушкунлик... Эшитадиганлари Аҳмад Зоҳирнинг изтиробга тўла нолалари...

Темир касалхона боғини айланиб хаёл суради. Хиз-

мат тугашигаям оз қолди. Омонлик бўлса яна олти-етти ойдан кейин уйга қайтади. Лекин шу ойлارни ўтказиш осонми. Ҳар соат, ҳар кун хавфда. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Борар манзилини билмай саҳрода тентираб юрган қарвондай гап...

Қашқадарёлик Жовли деган йигит билан анча яқинлашиб қолди. У елкасидан яраланган экан. Бир ой бўпти. Ҳозир анча тузук. Темир иккови сайр қилади, гурунглашади. Шу йигит даҳшатли бир воқеани гапириб берди.

— Биздан уч-тўрт ёш катта Хуррам деган йигит армияга кетди. Опа-сингиллари бору ёлғиз ўғил эди. Отаси бечора ўғлим афғонга кетипти, деб хавотирланиб юрарди...

Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласиз. Бирдан қишлоқда Хуррам армияда ўлипти, ўлигини оп келаймиш, деган шов-шув тарқалди. Ростданам икки кундан кейин оп келишди. Ота-онаси Худонинг зорини қилди, лекин бирга келган солдатлар тобутти очтирмади. Қишлоқти, колхозди катталариям ўртага тушди, бироқ боягилар қўймади, мумкин эмас, деб туриб олишди. Шу туриш кўмишди.

Жовли оғир хўрсинди. Эзилган юрагига ором бераётгандай жим қолди. Бир нуқтага термилди. Темир ҳам жим... Бунақа фожиа неча юзлаб, неча минглаб хонадонларда бўлдийкан, яна қанча давом этаркан, деган ўй ўртарди Темир дилини.

— Ота-онаси бечоралар тоза тамом бўлди. Энасини бутун қишлоқ Бодом чеча дерди. Шўрлик қон босими ошиб, ярим жон бўлиб қолди, — Жовли аста-секин гапирар эди. — Улим армиядан келса уйлантираман, келин қиламан, деган орзу-хавасда эди-да бечора...

Бугун йигирмаси деди, эрта қирқи деди, шу билан кунлар ўтаверди. Бодом чеча қабристонга боради, ўғли қабрини қучоқлаб йиғлайди. Юраги сиқилиб қон босими ошиб кетади-да, ётиб қолади. Ўн-ўн беш кундан сўнг сал ўзига келиб, яна қабристонга йўл олади, яна ўша аҳвол.

Тўрт-беш ойлardan кейин сал кўникди. Қизлари, ҳақ-ҳамсоя таскин беравериб, насиҳат қилавериб бечора бироз ўзига кела бошлади. Тақдирга тан бермай иложи қанча.

Жовли яна жим қолди. Юзига қандайдир кулгига ўхшаш ифода югурди. Темир ҳайрон қолди, ҳатто ичи-

да сал ранжидиям. Шундай даҳшатли воқеани гапирган одам юрагига кулги сиқадими? Темир ўйларини сезган каби Жовли деди:

— Ҳайрон бўлаяпсиз-а, Темир? Бу бола жиндими нима бало, бировди боласи ўлганини гапириб кулади деб. Ҳайрон бўлманг, жўра, мен жиндияммасман, бировнинг фожиасидан кулмоқчияммасман. Лекин у воқеа шундай даҳшатлики, на йирғлашни биласиз, на кулишни...

Хуррам ака вафотига тўққиз ойлар бўлган, ота-онаси йилини беришга тайёргарлик кўриб юрган кезлар эди. Бир куни, айни пешин чоғи, Бодом чеча нон ёпаётган экан, эри ҳамсоя қишлоққа жанозага кетганакан, дарвозада бир мошин тўхтапти. Бодом чеча ким келдйикан, деган ўйминан нонини ёшаверишти. Дарвоза очилиб бировнинг киргани сезилипти. Чеча бечора ўтирган жойидан бурилиб қарапти. Бир солдат кўриништи. Ия, бу саллот кимакан, деб тикилиб турса, бояги аскар: «Эна, танимаяпсизми?» — депти. Бодом чечанинг юраги уриб кетипти, бундай қараси ули Хуррам эмиш. Ули ўлганмасми, бечора боламди арвоҳи кўриндими, деп ўйлапти-ю, ўзидан кетипти. «Эна, эна, мен келдим, улингизман, Хуррамман» — депти. Афсуски, Бодом чечанинг жони узилган экан... Олдинги гаплардан беҳабар Хуррам ака, знам мени кўриб, суюнганидан ўлиб қолди, деб ўйлапти...

Темир Жовлига термулиб қолди. Жовлиям ундан кўзини олмайди.

— Нималар деяпсиз, Жовли?..

— Ишонмасангиз Худо урсин, — деди Жовли астойдил.

— Йўқ, ундай деманг. Мен сизга ишонаман. Аммо бу қадар даҳшатни хаёлимга келтирмаган эдим. Агар шу воқеани кинода кўрсатса ёки китобда ёзишса, ўлай агар, биров ишонса.

— Тўғри айтасиз, Темир. Лекин бўлган гап. Ўзим кўрганман. Хуррам ака тирик. Олдинги воқеаларни у киши кейин эшитган. Ҳатто, биласизми, отаси бечора ёлғиз улимди гўри белгисиз қоп кетмасин, деб пенсия пулидан йиғиб мрамартош ҳам кўйдирган эди. Хуррам ака кўриб, қотиб қолган.

— Э, Худо, — деди тин олиб Темир, — бу қандай кўргиликки, одам ўзининг қабрини ўзи кўриб ўтирса.

— Шундайчаларам бўлган, Темир. Кўз кўриб, қулоқ

эшитмаган гаплар... Бу аффон уруши одамларди бошига не-не балоларди солмади.

Орага сукунат чўқди. Икковиям ўз хаёли билан банд. Ҳар бири ўзича ўйлар, ўзича фикр юритар, аммо икковининг ҳам ўйлари мағзида аффон уруши, унинг жароҳати, ҳали неча-неча йиллар минглаб, миллионлаб одамларнинг юрагини парма каби ўядиган, каламуш каби емирадиган сўнгсиз ўкинч, ўчмас армон ётарди...

Бу воқеа анча кунгача Темирнинг хаёлидан чиқмади. Эсламай дегани сари эсига тушаверади. Ўлган, азаси тутилган ўғил эшиқдан кириб келса. Бу ҳолат Темирнинг кўз ўнгида жонланар, ўзи кўрмаган, аммо қиёфасини тиниқ тасаввур қилаётган Бодом чечанинг ўша пайтдаги аҳволини ичи-ичидан ҳис этар эди.

Бундан ортиқ жафо борми инсон боласи учун!?

Шундан кейин Темирнинг юраги тагин оғирлашди. Эрта-индин рухсат берамиз, деб турган врачлар фикридан қайтдилар.

— Жуда юмшоқ феъл экансиз, — деди врач Темирга унинг электрокардиограмма қоғозини кўра туриб. — Ҳамма нарсани юрагингизга олаверманг. Кўнгилни кенг қилиш керак одам. Яхши нарсаларни эсланг, шерикларингиз билан қизиқ-қизиқ гаплардан, қизлардан гаплашинглар, латифа айтинглар. Шунда тезроқ тузаласиз.

Темир кулиб қўйди. Врач унинг кулгиси маъносини тушунди.

— Англадим нима демоқчи бўлганингизни, — деди. — Қайси яхши нарсаларни эслаб, қанақа қизиқ гаплардан гаплашайлик, шу пайтда одамнинг юрагига қизлару латифа сифадими демоқчисиз. Шундайми?

Ё, алҳазар! Кўнглидан кечган гапларни аниқ айтди-я.

— Лекин бошқа иложи йўқ, ука, — врач салмоқлаб гапирди. — У гапларни менам биламан. Аммо чидайсиз. У ёғини суриштирсангиз меням юрагим илматешик бўп кетган. Сиртимга қараб баҳо берманг, куруқ суратим қолган... Ҳалиям сизлар ёш, бир-икки йил бўлгандир келганингларга, мен эса шу жанжал бошлангандан бери шу ердман. Сизлар икки йил хизматни тугатиб кетасизлар. Менчи? Худо билади, ука. Баъзиар бизга ўхшаган ҳарбий врачларга ҳавас қилади, боласини шунга ўқитмоқчи бўлади, пули кўп деб ўйлайди

чоғи. Садкаи пули, кўрган кунимиз қурсин... Э, ука, гапираверсам гап кўп. Лекин ҳасратингни ким эшита-дию дардингта ким малҳам бўлади...

Темир яна кулди. Энди врач астойдил ажабланди.

— Мен дарду ҳасратимни айтсам сен бола куласан, деб ўйляяпсизми?

— Тўғри-да, — деди врач ўпкалаганнамо, ҳатто гапи сал қўполроқ чиқди.

— Хафа бўлманг, дўхтир, яхши нарсаларни эслаб, қизик-қизик гаплардан, қизлардан гаплашиб юрсангиз ҳаммаси ўтиб кетади.

Иккови баравар қаҳқаҳа отди.

— Оббо, укам-эй, бопадингиз-ку. Нўл қилдингиз аммо. Ёш бўлсангизам гапга уста экансиз. Қойилман, қойилман, тан бердим.

У шундай деб ўрнидан турди. Палата эшигига борганда орқасига ўгирилиб, Темирга қаради:

— Мен айтгандай қилинг-а.

— Хўп бўлади.

Яна кулишди...

Еттинчи боб

I

Темир касалхонада бир ойдан кўпроқ ётди. Даво-ланиб чиққанидан сўнг ўз қисмига жўнатишмади. (Ар-миянинг валати қонуи-қоидалари борда). Шу атрофда-ги қисмлардан бирига борди. Бу кўнглига шубҳа солди. «Балки юрагим тоза тузалмагандир. Шунинг учун узокқа юбормаётгандир... Ундай бўлса уйга жавоб берса бўлмайdimи?..» Лекин бу дардларини кимга айтади, ким эшитади. Армия деб қўйипти бунга ахир...

Янги қисм ҳаётига тез кўникиб кетди. Ўзбеклар ҳам анчагина, деярли барча вилоятлардан бор. Улардан юрт янгиликларини суриштирди. Гарчи булар йўлга чиққанига етти-саккиз ой бўлган эсада, Темир она қишлоғи ҳавосидан нафас олгандай сизди ўзини.

Анчадан бери сокинлик, жанг йўқ, душман ҳужуми ҳам тинган ҳисоби. Онда-сонда чет-чақада битта-ик-кита душман дуч келиб қолади. Зора, шу билан тинчиб кетса, уруш тугаса.

Бироқ бу ҳали шунчаки орзу эканини, олдинда яна неча йиллар қонли курашлар бўлишини на Темир, на ундан катталар биларди. Уни биладиганлар бу ердан жуда олисда эдилар...

Кўкламнинг илиқ кунлари, куёшда турсанг қизди-ради, сояда совқотасан. Афғонистон баҳори ана шун-дай. Қир-адирлар кўм-кўк. Чучмомаларнинг сафсар ранги кўзга ором беради. Яккам-дуккам лолақизгал-доқлар очилган.

Темир атрофга суқ билан термилади-да, шундай гўзал гўшани наҳотки уруш қатагон қилаётган бўлса, наҳотки, эртами-индин мана шу гуллар, ям-яшил май-салар устига ўқлар ёғилса, деб афсусланади, юраги эзилади. Одамзоддай олижаноб, меҳрибон, одамзоддай ваҳший, шафқатсиз жон йўқ бўлса керак бу дунёда. Меъёрни билмай ўтади оламдан, ё у ёққа тортиб кета-ди, ё бу ёққа.

Ана шундай кунларнинг бирида Темир команди-ровкага жўнайдиган бўлди. Очиги, у гўзал манзарали, ҳозирча нисбатан тинч жойни ташлаб кетгиси келмас, жангу жадаллар жонига тегиб кетган эди. Хизмати тугашига узоғи билан уч-тўрт ой қолди. Шуни шу ерда тинчгина, эсон-омон ўтказишни жуда-жуда орзу қилар-ди. Шу боис ҳарбий тартиб бўйича қаёққа, нимага,

бормайман, деган гаплар айтилмаса-да, Темир юрак ютиб рота командиридан сўради.

— Нима ишинг бор сени, — деди командир гапни кесиб. — Сен буйруқни бажар.

— Буйруқни бажаришга мажбурман, аммо мумкин бўлса айтинг, узоқми-яқинми? Бордию сал-пал иложи топилса мени шу ердан қимирлатмасангиз.

Командир сапчиб турди-да, сукина кетди:

— Сен кимсан ўзи? Генералмисан? Кру-гом! Шаг-гом-марш! — деди кескин.

Орқасига бурилиб чиқиб кетишдан ўзга чораси қолмади.

Шундай қилиб, икки бўлим жангчилари бир офицер раҳбарлигида йўлга тушдилар.

Уч соатлар юрилгач, шаҳар кўринди. Темир таниди: Кобул, «Демак, шу ерда бирон иш бордир-да», деб ўйлади.

Шаҳарга яқинлашгач, ўнг тарафда «Бодомбоғ» деб аталадиган машина — ускуналар сақлаш корхонаси, чап томонда эса шўро аскарлари қароргоҳи кўринди. Темир олдинги гал Кобулга командировкага келганида бу ҳарбий қисм ҳақида эшитган, шу ерда қурол-яроғ омбори, сонсиз казармалар, машқ полигонлари борлигини билар эди. Ҳарбий иморатлар, тахта уйлар машина бораётган йўлдан тоғнинг қарийб чўққисигача чўзилган. «Лоақал шу ерда қолдирса ҳам майли эди», деган илинж пайдо бўлди унинг кўнглида. Аммо машина, бу ҳарбий ҳашамларга парво қилмаган каби, шаҳарга элтадиган йўлни бир ёнда қолдириб, чекка мавзелар оралаб кетди.

Бир маҳал рўпарада самолётлар кўзга ташланди.

— Аэропортми? — деб сўради Темир офицердан.

— Ҳа, — офицер гапни қисқа қилди.

«Самолётга чиқамиз шекилли. Қаерга борамиз экан. Масофа узоққа ўхшайди-ку». Сўрашга ботинмади. Бўлгани бўлди, пешонада борини кўради.

Бироз учишгандан кейин, Темир чидаб туролмади, офицердан сўради.

— Қаерга кетяпмиз?

Офицер анча кўнгли юмшоқ одам кўринади, жилмайди.

— Барибир эмасми, оғайни. Афғонистоннинг у бурчига бординг нимаю бу бурчига бординг нима. Ҳамма жойда уруш, ҳар ерда душман, хавф-хатар.

— Ҳар ҳолда сўраяпман-да.

— Ҳиротга, — деди офицер яна кулиб.

Бу гапни рост айтдимиз ёки «жуда узоққа» деган маънода ҳазиллашиб айтдимиз — Темир билолмади.

— Ростданми? Ростдан Ҳиротгами?

Темирнинг ҳаяжонли саволи офицерни қизиқтирди.

— Рост бўлганда нима, Ҳирот курортми сенга?

— Йўқ, курорт эмас. Аммо Ҳиротга борсак хурсанд бўлардим.

— Сабаб?

— Сабаби у ерда бизнинг буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг қабри бор. Уни зиёрат қилардим. Агар шу ниятимга етсам бу ерда ўтган умримга, йўқотган соғлигимга ачинмасдим, — деди Темир ҳаяжондан ўзини босолмай.

Офицер унга маъноли қаради.

— У ҳолда хурсанд бўлавер, ниятингга етишинг мумкин. Ҳиротга бораётганимиз рост. У ердан яна қаерга кетамиз — буниси менгаям қоронғи. Аэропортда кутиб олишади. Қаёққа деса — шу ёққа кетамиз.

— Шунинг одинроқ айтишмайдимиз...

Ранжли оҳангда чиққан бу гапни кимга айтди, офицергами, ўзигами, билолмай қолди.

— Оддин билганингда нима қилардинг?

— Ҳеч нарса.

Чинданам оддин билганида бирон нима ўзгарарми-ди? Ўзгарарди! Туйғулари ранжимасди, балки таскин топарди, шодланарди. Бирон жойга мажбуран, ўлганингни кунидан борган қаёқда-ю, ўз хоҳишинг билан борганинг қаёқда. Бунинг армиянинг темир интизомига ўрганиб, ўзиям қарийб темир одамга айлланиб қолаётган мана бунга ўхшаган офицерлар қаёқдан тушунсин, ҳис этсин! Булар учун Ҳирот билан Қандаҳор, Мозори Шариф билан Кобул, Жалолобод билан Кунарнинг фарқи йўқ. Ҳаммаси Афғонистон, ҳаммаси жанг майдони, ҳаммасини душмандан тозалаш керак! У ерлардаги муқаддас масканлар, табаррук одамларнинг хоки туроби қўйилган азиз жойлар аҳамиятсиз...

II

Темир анчадан бери йўқотган бебаҳо нарсасини дафъатан топиб олган одамдай қувонди. Бу заминга келганидан бери бунақа суюнмаганди. Ич-ичидан се-

винди. Ҳатто Оллоҳга шукроналар билдирди. Чеккан азобларим, хавф-хатарга тўлиб ўтган кунларим бесамар кетмайдиган бўлди, деб қувонди. Ахир ҳазрат Навоий қабрини зиёрат қилиш ҳаммагаям насиб эа-вермайди-да!

Самолёт бир маромда гувиллаб парвоз қилади. Ҳамма жим, кимдир мудраган, кимдир хаёлга чўмган.

Навоий қабрини зиёрат қилиш истаги унда биринчи курсда ўқиб юрганидаёқ туғилганди. Бунга Ғафур Фуломнинг машҳур шеъри сабаб бўлганди. Шеър унинг қалбига кириб борган, икки-уч марта ўқиши биланок ёдига қолган эди. Ҳозир ҳам эсида:

*Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб,
Мозоринг бошида турмакдагурмен сарҳисоб айлаб,
Қуловинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан китоб айлаб.
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога келибман интихоб айлаб.*

У ерга киритармикан? Мақбарага ўқ тегмаганми-кан? Зиёратчилар кўпдир...

Шунга ўхшаган саволлар қуршовида ўзини Навоий қабри тепасида тасаввур этди. Тасаввур этдию юрагининг бир чеккасида рашлик пайдо бўлди. «Шундай буюк зотнинг қабри тепасига елкамда автомат билан борсам-а. Қандай даҳшат! Етти ухлаб туцимга кирганиди шундай қилиш?! Умри бўйи уруш-жанжалларни қоралаб, беклар, амирлар, ҳаттоки ота-боболар ўртасидаги низоларни бартараф этиб келган Навоийдай табаррук зотнинг қабрини зиёрат қилгани қурол кўтариб бориш — ақлга сиғмайди. Бу юртда бўлаётган жангу жадаллардан ҳазратнинг руҳи чирқираётган бўлса ажаб эмас...

Сўнг, Темир ўзига ўзи таскин берди. «Маيلي, нима бўлсаям боришим, зиёрат қилишим шарт. Ахир автомат кўтариб юришга мажбурманку, ўз хоҳишим билан олиб юрганим йўқ-ку буни..»

Самолёт пастлай бошлади. Темир бутун кучини кўзига жамлаб қуйига — ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган ва ҳозир хоки туроби ётган машҳур Ҳирот шаҳрига қаради.

Маълум муддатдан сўнг самолёт ерга қўнди. Темир енгил нафас олди. У гўё елкасига автомат осиб, душманларга қарши жанг қилиб юрган жангчи эмас, билъакс бир адабиёт, шеърият мухлиси, табаррук жойлар-

ни зиёрат қилиб юрган сайёҳ каби ҳис эта бошлади ўзини. Ҳозир шу ердан автобусга ўтирадию Навоий қабри томон йўл олади.

Қани эди шундай бўлса...

Улар самолётдан тушибоқ машиналарга ўтиришди. Навоий қабри қаёқдаю улар қайси томонга кетишяпти — билмайди.

Анчагина йўл босишди. Назарида шаҳардан ташқарига чиқиб кетишаётгандай туюлди. Темир хавотир ила офицердан сўради:

— Шаҳардан чиқиб кетяпмиз шекилли?

— Саёҳатга келаётганинг йўқ ҳар ҳолда.

Офицернинг пичинги ҳафсаласини пир қилди. Наҳотки, орзулари саробга айланса, етдим деганда қоқилса.

Афсуски, шундай бўлди. Улар тушган машиналар алақачон шаҳардан узоқлашиб кетган эди.

Темирнинг кайфияти тушиб, кўнглига ҳеч нарса сиғмай қолди.

Узоқ юрдилар. Қош қорайиб, одам одамни таниши қийинлашади. Тазун қишлоғи атрофидагига ўхшаш тепаликлар, қир-адирлар бошланди. Чор-атроф хувиллаб ётипти. Тонг шаҳардан бери йўлда келаётган жангчилар толиқдилар, кўзлари юмилиб, уйқу элитди. Қаёққа кетишяпти, нимага шунча сарсон бўлиб боришяпти, ақлга сиғмайди. Шу ерларнинг ўзидаям ҳарбий қисмлар бордир ахир.

Кутилмаганда, оёқнинг остидан чиққан илондай, чап тарафдаги қоя остидан ўқлар визиллаб уча бошлади. Мудраб келаётган жангчилар кўзи чарақлаб очилди. Дуч келган томонга автоматларини бўшатишди. Лекин душман қаерда, қайси тош панасида — ҳеч ким билмайди. Машиналар тезликни пасайтирмади. Икки тарафдан шанғиллаб ўқлар учиши авж олди.

Бир маҳал Темирнинг чап тирсаги жаз этди. Ўнг қўли билан ўша жойини ушлади: ҳўл. «Ўқ тегди, тамом». Хаёлига келган фикр шу бўлди. Яраланган қўлини кўтармоқчи эди, бўлмади.

Хайриятки, ҳайдовчиларга зиён етмади, машиналар тўхтамади. Қояни айланиб ўтишгандан кейингина отишма тинди.

— Ҳеч кимга ҳеч нарса қилмадимми? — деди офицер.

Темир яраланганини айтди. Дарров қўлфонарни ёқиб

кўришди. Тирсагидан пасти шалвираб осилиб ётарди. Боя иссиғида билинмаган экан, совутандан сўнг оғрий бошлади.

Тиббий ходимлар уни зудлик билан ҳарбий касалхонага олиб бориш зарурлигини айтишди.

Бахтига касалхона яқин экан.

Жарроҳлик столига ётқизишганини билади, у ёғини эслаёлмайди.

Кўзини очса палатада ётипти, тепасида ҳамшира. Дарров кўлига қаради. Тирсагидан кесиб ташланган. Кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Хаёли чархпалакдай айланди, кўз ўнгида ота-онаси, Гавҳар, опа-сингиллари гавдаланди. Оғриқданмас, энди умр бўйи бир қўл бўлиб қолганидан йиғлади, эзилиб йиғлади.

Оқ халатли ҳамшира йигитга қандай таскин беришни билмас, фақат нозик бармоқлари билан унинг ёноқларидан тинмай оқаётган ёшларни артарди.

Ичидаги дардлари кўз ёшларига қўшилиб чиқиб кетдими, анчадан кейин сал енгил тортгандай бўлди. Ҳамшира ўтирганини гўё энди сезгандай, унга маъюсланиб қаради.

— Мени кечиринг, — деди хаста товушда. — Ўзимни тиёлмадим.

— Бошингиз омон бўлсин ишқилиб. Пешонангизда бори шу эканда, нима қиласиз. Хафа бўлманг... — Ҳамшира хўрсинди-да, гўё ўзига ўзи гапирётгандай пичирлади: — Не-не йигитлар ўлиб кетди-я.

Йигирма кунлардан кейин яраси сал битиб ҳовлига чиқиб юрадиган бўлди. Ҳеч кимни танимайди, ёлғиз ўзи айланиб юради. Бирда кўнгли ўксиб, ичидан йиғи босиб келади, бирда омон қолганига шукур қилади. «Ўша ўқ қўлимгамас, бошқа жойимга текканида нима бўларди. Ҳозир бу дунёда юрмасдим. Ҳалиям Худо асради».

Бир куни касалхона ҳовлисидаги эндигина гуллай бошлаган олчалар соясида айланиб юрган эди, кимнингдир «Темир» деб чақиргани қуловига чалинди. Шарт ўгирилиб қаради: ҳеч ким кўринмади. Мени бу ерда ким танирди, бошқа бировни чақиргандир, мендан бўлак Темир йўқми бу дунёда, деган ўйда йўлида давом этди. Бояги товуш яна, фақат яқинроқдан эшитилди. Темир яна қаради. Нариги йўлақдан бир киши оқсоқланиб келарди. Э воҳ, қараса — Жўрақул!

Иккови бир-бирининг кўксига отилди.

Кучоклашиб турдилар, узоқ турдилар...

Тиллар жим, диллар сўзлашарди. Жўралардан бири силкиниб кетди, қайси бири — икковиям билмай қолди. Ажралишганда ҳар иккисининг кўзи намли эди.

Унсизгина бориб скамейкага ўтирдилар.

— Хайрият, кўришар кунимиз бор экан, — деди Жўрақул.

— Учрашган жойимизни қара-я.

— Шуни айт.

— Кобулда ажрашганимиздан кейин энди учрашмасак керак бу ерда, деб ўйлагандим...

Икковиям бошидан ўтганини гапириб берди. Жўрақул оёғидан яраланган экан.

— Носиржон қалай, биргамидинглар? — деб сўради Жўрақул.

— Бошида бирга эдик, кейин уни бошқа жойга жўнатди. Қаерга кетди билмайман. Хатам ёзмади, ёзган бўлсам етиб кемадими, менам у ёқдан-бу ёққа кўчиб юрибман. Тайинли бир жойимиз йўқ.

— Азим-чи, Азим? Ундан дарак борми?

— Биргамасмидинглар?

— Йўқ, Кобулдан кейин у сизлар билан кетган, деб юрайдим.

Темир Азимни қачон, қаерда, қай аҳволда кўрганини кўзига ёш олиб айтиб берди. Жўрақул «Худо раҳмат қилсин» деб юзига фотиҳа тортди.

— Раҳматли ўт-олов йигит эди-я. Душманни қириб қаҳрамон бўламан, деб юрайди шўрлик.

— Қаҳрамон эмиш... Бошини есин ўша қаҳрамонлиги, ўзи омон бўлса майли эди...

Бир томондан қўлидан айрилгани, оғриқ, бир томондан зерикиш юрагини қон қилиб юборгани Темирнинг. Худо ўзи етказди Жўрақулни, ҳар нечук гаплашиб турадиган одам топилди-ку.

— Навоий қабрини зиёрат қилдингми? — деб сўради бир куни Темир.

— Шу алам қияпти-да. Бурнингни тагида турсаю боролмасанг.

— Яқинми бу ерга?

— Аниқ билмайману элик-олтмиш километр чиқса керак.

— Бу ердан чиққаннимиздан кейин борсак бўлмасмикан-а?

— Рухсат беради, деб ўйлайсанми?

— Ким билади...

Бир ҳафталардан кейин Жўрақулга жавоб берадиган бўлишди. Аммо қаёққа боради, қисмгами ёки уйига кетадими — номаълум.

Врачлар сўзида турдилар, айтилган вақтда Жўрақул сафар халтасини елкалади, уйига кетадиган бўлди. Хайрлашар чоғи Темир унга тайинлади.

— Жон жўра, танишлардан биронтасигаям бу ердигимни айтма. Туркменистондан турли томонга тарқаганмиз, қаерда хизмат қилаётганини билмайман, де.

— Кўнглинг тинч бўлсин... Сенам тезроқ тузал. Эсон-омон Ўзбекистонда кўришгунча...

Қучоқлашиб хайрлашдилар.

Шундай қилиб, Жўрақул жўнаб кетди.

Темир учун яна зерикарли кунлар, ёлғизлик изтироблари бошланди.

Жўрақулга ўрганиб қолувди. У кетгандан бери гўё ён-атрофида ҳеч кимса қолмагандай, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётгандай туюлади. Қўли анча тузалиб, юзигаям сал-пал ранг кириб қолган бўлса-да, кайфияти ҳамон тушкун...

С а к к и з и н ч и б о б

I

Мана энди ўша офир кунлар ортда қолди...

Темир, уйда уч ҳафтани ўтказиб, Тошкентга ошиқа бошлади. Пойтахтдаги ҳарбий комиссариятга учрашмоғи керак. Лекин асосий мақсади тезроқ Гавҳарни кўриш эди. Анов куни отасидан ижозатини олгандан кейин ер-кўкка сизмай қолди.

Темир Тошкентга етиб келгунича Гавҳарни ўйлаб келди.

Ичида Худодан тилаб бордики, Гавҳар Тошкентда бўлсин деб. Ўйлаб кўрса ундан хат олмаганига анча бўп қопти. Тазунда олувди охиргисини. Кейин ёзган бўлсаям Темирга етиб бормади. Касалхонада эканлигида ўзи хат битиб, ҳозирча ёзмай туринг, манзилим ўзгариши мумкин, аниқ бўлгандан кейин ўзим маълум қиламан, деганди. Яралангани, касалхонага тушгани борасида лом-мим демаган. Бу аҳволда кўриб Гавҳар қандай ҳолга тушаркин?.. Айниб қолмасмикан?

Темирнинг миясида минг хил ўйлар чирпирайди. «Бордию Гавҳар эрга тегиб кетган бўлса-чи? Отанаси қараб ўтирармиди? Йўғ-э, ундай бўлса ёзмасмиди. Хатларида бу ҳақда ҳеч гап йўқ-ку. Турмушга чиқса аввало мени унутарди. Ростда, эрга теккандан сўнг бегона йигитга хат ёзиб нима қилади... Йўқ, Гавҳар унақаларданмас, у мени кутади, ипонаман».

Худди биров билан тортишаётгандай Темир ўзи билан ўзи фикран олишарди. Хаёл экан-да, у жиловга сизмаса, истаган томонга, хоҳлаган гўшасига кираверса. Хаёл туфайли гоҳо одам жоҳиллик қилиб қўяди, энг яхши қадрдон одами тўғрисидаям гумонларга бориб қолади. Бўлмаса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Темир Гавҳар ҳақида шу ўйларга борармиди? Наҳотки, Гавҳардай мулоҳазали, ақлли қиз севган йигити армиядан келгунча кутмаса? Кутади, ҳали икки йил экан-ку, ўн йил бўлса ҳам кутади. Бунга Темир ишонади.

Темир ўзини ўзи койиб, ўзига ўзи таскин бериб, фикран олишиб Тошкентга етди. Соат тўртга яқинлашган эди, Тошкентда ҳарорат қирқдан зиёд, нафас олишга қийналади одам.

Олдин жой масаласини ҳал этмоғи керак. Ким билади, икки йил давомида Нина Ивановнаникида нима гап, ўзи уйидами-йўқми, ёзда Красноярскдаги қариндошлариникига жўнаб қоладиган одати бор эди. Ундан ташқари жой борми-йўқми — бунни билиши керак. Ижарачисиз ўтирмайди кампир.

Шу ўйлар билан бекатга келди-да, такси тўхтатди.

У кириб борганда кампир ҳовлисидаги бир тупгина олча соясида ўша пастаккина стулчасида пайпоқ тўқиб ўтирарди. Темирни кўрди-ю, қанг-манг бўлиб қолди.

— Темирчик, сенмисан?

— Менман, Нина Ивановна, — деди Темир хотир-жам.

— Қўлингга нима қилди? Афғонистонда бўлдингми?

— Шундай.

— Вой, бечора болам, роса қийналибсан-ку. Қачон келдинг?

— Ҳозир келишим.

— Армиядан-а?

Темир кулди.

— Э, йўғ-э, уйдан келяпман, Нина Ивановна, ишларимни тўғрилагунимча бир-икки кун қолишимга тўғри келади. Жой борми?

— Нималар деяпсан, Темирчик, сенга жой бўлмаса кимга жой бўлади.

— Ижарачи қўйгандирсиз, демоқчиман-да.

— Қўйишга қўйганман, аммо сен учун ҳамиша жой топилади.

— Раҳмат, Нина Ивановна. Бўлмаса мен кетдим. Кечқурун бемалол гаплашамиз.

— Чой ичмайсанми?

— Йўқ, аввал ишларимни битказай.

Керакли ҳужжатларини олди-ю, дипломатини қолдириб, чиқиб кетди.

Катга кўча сари илдамлаб, режа тузди: олдин район ҳарбий комиссариатига учрашади, кейин Азимникига кириб фотиҳа ўқиб чиқади, кечқурун, ётоқхонага — Гавҳарнинг олдига боради.

Ҳарбий комиссариатдагилар ҳали у, ҳали бу деб, анча тутиб қолишди. У ердан бир оз кайфияти бузилиб чиқди. Азимникига бормоқни ўйлади. Аммо фикридан

қайтди. Эрталаб уйда еган овқати билан юргани учун қорни очди, бирон жойдан тамадди қилиш даркор. Унгача анча кеч бўлиб кетади. Қолаверса, ҳозир боргиси келмади. Билади — борса ота-онасининг яраси қайтадан янгиланади, онаси бечора оби-дийда қилади... Ўзи йўлдан чарчаб келди, устига устак анов маҳкамада асабига тегишди. Шу аҳволда яна юрагини эзишни истамади, бу оғир, албатта. «Эртага эрталаб бораман яхшиси. Ҳозир бирон жойдан овқатланиб, кейин Гавҳарнинг олдига жўнайман».

Гавҳарни ўйлаб, кайфияти кўтарилди.

Ўқиб юрган кезлари марказий хиёбондаги «Дўстлик» қаҳвахонасини ёқтирарди, чўнтагига пул тушди дегунча ўша ерга борарди дўстларини етаклаб. Гавҳар билан ҳам икки-уч марта кирган.

Шулар эсига тушиб ўша жойга боришга қарор қилди.

Шоша-пиша овқатланиб, ширин хаёлларга кўмилганча, йўлга тушди. Афсуски, Гавҳарни тополмади.

Тарвузи кўлтиғидан тушиб изига қайтди. Ётоқхона ёнидаги хиёбонга кирди-да, ёғоч ўриндиққа ўтирди. Ўтган-кетганни томоша қилиб сигарет чеқди. «Эҳ, бўлгани бўлди, энди кампир билан валақлашамиз бутун. Эртага Азимникига кириб чиқаман».

Нина Ивановна билан телевизор кўриб, анчагача гаплашиб ўтирди. Кампир ҳаммасини эринмай сўради. Сентябрьдан бошлаб яна шу ерда туришга Нина Ивановна билан келишиб олди...

Темир ўқиб юрганида Азимларникига бир-икки борган эди. Дадасиям, ойисиям танирди. Агар хотираларидан кўтарилган бўлмаса, ҳозир ҳам танишлари керак.

Эшикни Азимнинг дадаси очди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом.

Сезилдики, у киши Темирни танимади. Темир, ганиб, «Мен Азимни ўртоғиман», деса дабдурустан, қандай бўларкин?

— Келинг, ўғлим, марҳамат, — деб ичкарига бошлади мезбон.

Ҳовлига стол-стул қўйилган экан, шу ерда ўтиришди. Азимнинг ойиси ҳам уйда экан.

— Мени танимадингиз чамамда, — деди Темир.

— Айбга бутормасиз энди.

— Менинг исмиМ Темир... Азим билан бирга ўқир-дик.

Мезбон ялт этиб қаради.

— Шундай денг.

— Менам яқинда келдим армиядан.

Мезбон Темирнинг қўлига қаради-ю, сўрашга истихола қилди.

— Сизам Афғонистонда хизмат қилдингизми?

— Ҳа, мана битта қўлни ташлаб келдик... Биз Азим билан бирга жўнаган эдик. Туркменистондаям бирга эдик. Афғонистонга борганимиздан кейин ҳаммамизни ҳар ёққа сочиб юборди... Бир фотиҳа ўқиб, сизлардан кўнгил сўраб кетай, деб келувдим.

Мезбон фотиҳа ўқиди.

— Раҳмат, ўғлим, умрингиздан барака топинг, — Азимнинг ойиси Темирни дуо қила-қила йиғлаб юборди.

Орага оғир сукунат чўқди.

— Бўлди. Ҳадеб йиғлайверганинг билан фойдаси борми?

— Қиличдай ўғлим ўйнаб-кулиб жўнаб кетса-ю...

Она шўрлик оғир хўрсинди, азиз фарзандини тобутда олиб келишганини айтишга тили бормади.

Ҳе, дунё!..

Темирнинг кўзларидан ҳам ёш тирқиради.

Азимнинг дадаси хотинини чалғитиш учун:

— Бор, чой дамлаб кел, — деди.

Хотини туриб кетгандан сўнг Темирдан сўради:

— Азим бундай бўлганини кимдан эшитдингиз?

Темир кўрган-билганини қисқача айтиб берди.

Азимнинг дадаси Темирнинг ҳикоясини тинглаб, баттар эзидди. Унутилаёзган дарди қайтадан ачиштира бошлади юрагини. Ўзини босиб, ичдан титраб кетаётганини сездирмай ўтирди.

— Бу гапларни ойиси билмай қўя қолсин. Бўлмаса тоза эзилиб кетади. Аммо сизга минг раҳмат, ўғлим. Умрингиз узоқ бўлсин.

Она бечора бу гаплардан беҳабар қолди. У келиши билан эри гапни бошқа тарафга бурди...

Пешингача суҳбатлашиб ўтиришди.

Кетар чоғи Темирга чопон, дўппи кийдириб, белига

кийиқча боғлаб қўйишди. Темир «овора бўлманглар, керак эмас», деган эди.

Азимнинг ойиси кўз ёшларини тиёлмай деди:

— Раҳматли Азимимга олиб қўйган эдим... Умрингиз ўхшамасин. Илоё куёв бўлганингизда, яхши кунларингизда кийинг, ўғлим. Энди бизга қадрдон бўп қолдингиз, тез-тез келиб туринг. Ўғилларим билан ака-ука бўлинг.

Хонадон эгалари Темирни дуо қилиб кузатишди...

II

Август охишлаб қолган бўлса-да, иссиқ тафтидан тушмаган, офтоб жизиллаб куйдиради. Ургутнинг салқин ҳавосидан чиқиб келган Темирга иссиқ бошқача таъсир этди. Ҳаво дим, ҳаммаёқда асфальтнинг бад бўйи. Ўқиб юрган пайтлари сезмаган эканми ёки кўникиб қолганмиди — билинмасди.

Нина Ивановнанинг кафтдай ҳовлисида, олча соясида бироз ўтирди. Қилт этган шабада йўқ. Тўрт тарафи уйлар билан ўралган бу ҳовлига шамолни боғлаб қўйсаям турмайди ёки нафаси қайтиб адо бўлади. «Бекорчилик бадга урди, ҳаммомга тушгандай бўлиб димиқиб ўтиргандан кўра кўчага чиқай, ҳарқалай сал-пал бўсаям шабада бордир, ҳам ишим битади».

Кўчага чиқди. Энди Гавҳарни топиши керак. Келганмикан? Келгандир. Эрта ўтиб, индин ўқиш-ку.

Шу ўйлар билан ётоқхона томонга юрди.

Гавҳарнинг олдинги хонасини биларди, кўп келган. Лекин ҳозир ҳам шундамикан? Таваккал деб таниш эшикни тақиллатди. Ичкаридан «ҳозир» деган товуш эшитилди. Гавҳарми? Нимагадир овози бошқачароқ чиқди. Балки бошқадир? Ёшгина бир қиз (бу йил ўқишга кирган бўлса керак) эшикни очди.

— Кечирасиз, синглим, Гавҳар деган қиз қайси хонада туради, билмайсиз-ми?

Темирнинг тахмини тўғри чиқди — қиз шу йил ўқишга кирган, юқори курс талабаларидан ҳеч кимни танимас экан. Ҳайрон бўлиб, не қиларини билмай, ўйланиб турувди, йўлакнинг нариги бошида бир қиз кўринди. Ундан сўраш учун шу томонга юрди.

— Танийман, — деди қиз, — бешинчи курсда ўқийдими? Фарғоналик-а?

— Ҳа, — деди Темир қувониб.

— Учинчи қаватда туради. Мана шу томондаги энг охирги хонада бўлса керак.

Темир раҳмат айтиб, юқорига кўтарилди. Қиз тушунтиргани бўйича йўлакнинг охиридаги эшикни тақиллатди.

— Ким? Кираверинг.

Темирнинг юраги ўйнаб кетди. Бу ўша! Гавҳар! Овози таниш. Худди ўзи.

Икки йил ичида қанча-қанча одамлар билан гап-лашган, не-не воқеаларни кўриб қайтган эса-да, Гавҳарнинг овози қулоғига сингиб қолган экан, адаштирмади.

Эшикни тортди. Очиқ экан.

Хонада Гавҳар ёлғиз (омадни қаранг) эди. Темирга кўзи тутиди-ю, ҳайкалдай қотиб қолди. Темир ўзини дадил тутиб, қиз томонга юрди.

— Гавҳар!

Қиз ўзини йигитнинг қучоғига отди.

— Темир ака!

Ҳаётнинг энг ширин, энг лаззатли онлари!

Улар шу ҳолда узоқ турдилар.

Йигит аста қизнинг бошини кўтарди. Унинг қоп-қора кўзлари, узун-узун, қалин киприклари жиққа ёш эди. Темир ёшли кўзларига лабларини босди. Сўнг лўпли ёноғи, тиниқ бўйнидан ютоқиб ўпди, ўпди, ўпди. У гапиролмас, фақат узоқ югуриб чарчаган одам сингари ҳансирар, бўса олишдан тўхтамас эди. Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам юраги қафас деворига урилаётган каптардай потирлар эди...

Темир стулга, Гавҳар каравотга ўтирди.

— Қалайсиз? Тузукмисиз? — Темир сал ўзини босиб олиб сўради.

Қиз сочларини қўли билан тўғриларкан:

— Раҳмат. Ўзингиз яхши келдингизми? — деди. — Кўзларим тешилиб кетди кутавериб.

— Келдим, мана. Лекин...

Гавҳар унга саволчан қаради. Темир кўнглидаги дардни — «Мен бир қўлимдан айрилиб келдим, айнамайсизми мендан» демоқни ўйлади.

— Лекин, мана!.. — Ногирон қўлига ишора қилди.

— Илтимос, Темир ака, мени яхши кўрсангиз бу

ҳақда гапирманг. Кўриб турибман... Сиз курортгамас, Афғонистонга — жангу жадалга бориб келганингизниям биламан. Аммо ҳозир гапирманг, вақти-соати билан айтарсиз. Айтмасангиз ҳам мажбур қилмайман. Энг муҳими, жонингиз соғ қайтиб кебсиз-ку.

Темир қизга суқ билан термилди. У ҳозир уй кийи-мида — устида оддийгина чит халат, пардоз-андозлари ҳам йўк, лекин шу ҳолда ҳам гўзал, истараси иссиқ эди.

— Ростми, Гавҳар? — деди Темир унинг сочларини силаркан. Унинг товуши хастароқ чиқди. Томоғига бир нарса тикилганидан қийналиб гапирганини қиз сезди. Йигит юзини қизнинг кўксига қўйди. Мақсади — кўз ёшларини беркитиш эди. Лекин бекитолмади, кўзларини яширса-да, елкаси титраб кетганини ўзиям билмай қолди. Гавҳар аста унинг бошини кўтарди. Кўзларига термилди. Йигитнинг киприклари нам эди.

— Рост, жоним! — деди Гавҳар майин оҳангда. — Ишонинг менга!

Деразадан ботаётган қуёшнинг қизғиш шуъласи тушди.

— Қани бўлмаса кийининг, кетдик!

— Қаёққа?

— Кетдик, кўчага чиқамиз.

— Кўчада нима қиламиз?

— Юринг дегандан кейин юраверинг.

Улар қадрдон жойлари марказий хиёбондаги «Дўстлик» қаҳвахонасига келишди. Икки-уч соат гурунглашиб ўтирдилар.

Қаҳвахонадан чиқишганда ҳам кайфиятлари енгил, диллари чоғ эди. Гўё орадан икки йил ўтмагандай, Темир армияга эмас, қишлоғига бориб келгандай — шундай тасаввурда эдилар.

Темир Нина Ивановнанинг кулбаси сари бошлади. Гавҳар унамади, гарчи ичидан Темирдан ажралишни истамаётган бўлса-да, ўзини тутиб, ноқулай деб туриб олди.

— Нимаси ноқулай? Кампир сизни билади, яхши танийди...

— Кетдик! Барибир қўйиб юбормайман бугун.

Темирнинг қатъий гапидан сўнг ноилож йўлга тушди.

Улар келганда кампир ухлаб қолган эди.

Кичкинагина, деярли ҳеч қандай жиҳози йўқ хона
Гавҳарга жуда қадрли, ўз уйидай кўнглига яқин эди.

Ана шу мўъжазгина хонанинг чироғи шу куни тонг-
гача ўчмади...

1988—2000 й.

М У Н Д А Р И Ж А

Нафис туйғулар олами. М. Бобоев (*Сўзбоши*) 3

Ҳикоялар

Довучча сарғайибди	6
Шуъла	9
Рапорт	14
Довон	21
Аёл	31
Ука	39
Тўқнашув	49

Қиссалар

Эшиклар очик	66
Кўккўл	191
Чироқ ўчмаган кеча	261

МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВ

ЧИРОҚ ҲУМАГАН КЕЧА

(Ҳикоялар, қиссалар)

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002

Муҳаррир *Г. Латипжонова*
Рассом *О. Восихонов*
Бадий муҳаррир *Г. Шаабдурахимова*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусахҳих *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 4.08.2002. Босишга рухсат этилди 11.11.2002.
Бичими 84x108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 18,5. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,4. Адади 3000 нусха. Буюртма
№ 4010. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.